БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
«ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ
«МЕРОС» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

РУСТАМ ШАМСУТДИНОВ

# ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

## (1937 йил 10 август — 5 ноябр)

## Иккинчи китоб

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2007

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ш—21

**М а с ъ у л   м у ҳ а р р и р:**

*филология фанлари доктори, профессор,*
*Ўзбекистон Республикаси фан арбоби*
Н. КАРИМОВ

**Шамсутдинов, Рустам**

Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август — 5 ноябр)/Масъул муҳаррир Н. Каримов — Т.: «Шарқ», 2007. — 496 б.

Ушбу китобда қизил салтанатнинг қатағон сиёсати, бегуноҳ кишиларнинг қатл этилиши, концентрацион ва меҳнат тузатув лагерларига узоқ муддат билан қамоққа тортилиши, бутун советлар мамлакатида бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам мудҳиш «катта террор»нинг амалга оширилиши тўғрисида ҳужжат ва материаллар асосида маълумот берилади. Унда ҳозиргача эълон қилинмаган, махфийлик тамғаси билан сақланган архив ҳужжатларидан кенг фойдаланилган.

Китоб кенг ўқувчилар оммасига, айниқса, мустабид тузум тарихи билан шуғулланувчи олий ўқув юртлари талабалари, магистрлари, аспирантлари, профессор-ўқитувчиларига мўлжалланган.

**ББК 63.3(5Ў)6**

**ISBN 978-9943-00-240-1**

**© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси**
**Бош таҳририяти, 2007**

www.ziyouz.com kutubxonasi

## КИРИШ

Президентимиз И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида Республикамизда 16 йил мобайнида амалга оширилган ишлар, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳадаги улкан ютуқлар чуқур таҳлил қилинди. Шу билан бирга юртбошимиз Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритиш қандай шароитда кечгани ҳақида яхлит, ягона ва холис тасаввур берадиган жиддий тадқиқотларнинг ҳозиргача амалда йўқлигидан афсусланди.

И. А. Каримов Ўзбекистоннинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ҳозирги жамият олдида турган вазифаларнинг маъно-моҳияти ва аҳамиятидан келиб чиқиб бу даврнинг икки босқичдан: биринчи босқич (1991 — 2000 йиллар) ўтиш даври, миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ ислоҳотлар ва ўзгаришлардан, иккинчи босқич (2001 — 2007 йиллар) фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилишдан иборатлигини асослаб берди. Мазкур маърузада бу давр иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларда изчил ислоҳ қилишни таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнаганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди[1].

Президентимиз таъбири билан айтганда, буюк истиқлолимиз шарофати ила биз тарихимиз, маданиятимизни ўзимиз учун ва бутун дунё учун ҳам қайта тикламоқдамиз. Ватан тарихи ва уни тадқиқ этиш, ўқитиш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Боғчалардан тортиб олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларда, магистратурада Ватан тарихи ўқитилмоқда, Ўзбекистон тарихи кафедралари очилди, бу фандан аспирантура, докторантура, диссертация ҳимоя қилинадиган ихтисослашган кенгашлар мавжуд.

Миллий ғоя, мустақиллик мафкураси руҳида, Ўзбекистон янги тарихи концепцияси асосида ўқув қўлланмалар, дарсликлар, монографик тадқиқотлар, архив ҳужжатлари тўпламлари, илмий-оммабоп асарлар нашр этилди. Ахборот воситаларининг барча тизимларида ўтмиш тарихимиз долзарб масалаларининг талқин ва тафсилотлари мунтазам равишда бериб борилмоқда, мазкур мавзу бўйича мамлакат, минтақавий, халқаро илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Давлатимиз, шахсан Президентимиз И. А. Каримовнинг ташаббуслари билан Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази ташкил бўлди, Тарих

---

[1] **Каримов Ислом.** Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. — “Ўзбекистон овози”, 2007 йил 31 август.

www.ziyouz.com kutubxonasi

институтига янги мақом берилиб, янгитдан ташкил бўлди. Президентимизнинг шахсан ўзи бир гуруҳ тарихчи олимлар, журналистлар, ижодий ходимлар билан учрашиб, ўзбек тарихшунослигининг ҳозирги аҳволи, истиқболи, концепцияси, методологик асослари бўйича суҳбат ўтказди. Суҳбатда давлатимиз раҳбари ғоятда бой ва кўркам ўтмиш тарихимиз ва унинг кўпдан-кўп, хилма-хил қирралари, босқичлари, муаммолари ҳақида бир қатор методологик, концептуал фикр-ғояларни билдирди. Бу суҳбат мазмуни "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" номли рисолада ўз аксини топди. Кичик бир бу асар ҳозирги ўзбек тарихшунослиги ва тарихнавислигида муҳим воқеа бўлди. Тарихимизнинг бундан сўнгги ривожланиш йўналишлари, вазифалари, фуқароларни, айниқса ёшларни, бўлғуси мутахассисларни Ватан тарихи билан қуроллантиришнинг аҳамияти, йўл-йўриқлари, чинакам янги тарихни яратишда, бузилган тарихни ўз жойига қўйишда бу асар дастуриламал, концептуал аҳамият касб этмоқда.

Тарихимизнинг аянчли, ҳасратли, фожеали саҳифаларининг чуқур ва атрофлича ўрганилишида ҳам бор ҳақиқатни, аччиқ ҳақиқатни акс эттириш кераклиги таъкидланди. Тарихимизнинг ана шундай армонли саҳифаларидан бири Советларнинг Ўзбекистонда олиб борган қатағон сиёсати ва унинг фожеали оқибатларидир. Мудҳиш Октябр тўнтаришидан бошлаб то СССР парчаланиб кетгунга қадар сиёсий қатағон совет жамиятининг ажралмас таркибий қисми бўлиб келди. Бироқ бу фожеа ватанимиз тарихида, айниқса 30 — 40-йиллардаги тарихимизда мутлақо ёритилмаган эди, бу давр бамисоли устига кафан ташланган, кафанга ўралгандек ҳолатда, ўрганиш учун ёпиқ мавзу бўлиб қолганди. Юртбошимиз ҳали мустақилликка эришмасдан аввалроқ Ўзбекистондаги сиёсий қатағон ва унинг қандай кечгани, фожеали оқибатини очиб бериш, бегуноҳ қатағон қурбонларини оқлаш чораларини кўриш ташаббуси билан чиқди. Бу ўринда унинг мана бу фикрлари диққатга лойиқдир: "...1937–1939 йилларда Ички ишлар халқ комиссарлиги идоралари инқилобий қонунчиликни жуда қўпол тарзда буздилар ва оёқ ости қилдилар. Бундай бедодлик кейинги йилларда ҳам, то 50-йилларга қадар давом этди. Сира айби бўлмаган, ҳалол одамлар кўплаб қамоққа олинди ва қириб ташланди.

Сталин шахсига сиғиниш йиллари Ўзбекистон халқлари бошига оғир кулфатлар солди. 1937–1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг "учлик"лари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди... Асоссиз қамалиб жиноий жавобгарликка тортилган кишилар орасида партия, совет, хўжалик ходимлари, ҳарбийлар, зиёлилар ва колхозчилар жуда кўп эди"[1].

"Репрессия" лотинча сўз бўлиб (repressio) босим, тазйиқ маъносини англатади. Бу сўзнинг ўзбекча маъноси қатағон тушунчасига тўғри келади. Репрессия, қатағон партия ва давлат органлари қўллайдиган жазо чорасидир. Қатағон мустабид тоталитар,

[1] "Ўзбекистон овози", 1991 йил 15 сентябр.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мустамлакачи давлат томонидан халққа нисбатан қўлланиладиган жазолаш, қатли ом, қатли нуфус, оммавий тарзда зулм ўтказиш тушунчаларини ўзида мужассам этади. Қатағон оммавий жазолаш, қийноққа солиш чоралари мустабид давлатларнинг халқни асоратда, тутқунликда ушлаб туриш, қўрқитиш, босим, тазйиқ ўтказиш қуролидир[1].

Бу қатағон сиёсатини чор ҳукумати Туркистонда кенг кўламда олиб борган. Айниқса собиқ советлар салтанатида бу мудҳиш қатағон сиёсати ва амалиёти кенг ва узоқ вақт давомида қўлланилди. Қатағон бутун собиқ Иттифоқ халқлари қатори Туркистон, Ўзбекистон халқи бошига ҳам мислсиз оғир кулфатлар ёғдирди. Жадидчиликни, Туркистон мухториятини, "босмачилик" деб аталмиш миллий ҳаракатни бостиришда, ер-сув ислоҳотини ўтказиш, коллективлаштириш даврида қатағон сиёсати катта кўламда қўлланилди. "Ўнглар"га, "Миллий иттиҳодчилар"га, "Ўн саккизчилар"га, "Бадриддиновчилар"га, "Қосимовчилар"га, "Иноғомовчилик"ка қарши кураш ниқоблари остида Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламларига, миллий арбоблар, ходимларга қарши қатағон қўлланилди.

Қатағоннинг энг юқори босқичга кўтарилган 1937—1938 йиллардаги "катта террор" кампаниясида ҳам Ўзбекистондан минглаб одамлар қатағон қиличидан ўтказилди, концлагерларга ташланди.

Уруш даврида ҳам қатағон давом этди. Урушдан сўнг тўқиб чиқарилган руҳонийлар, миллатчилар иши бўйича кўплаб адабиёт, санъат, илм-фан, дин арбоблари қатағон қилинди. 40—50-йилларда таслимчиларга, антисоветларга қарши кураш баҳонасида кўплаб юртдошларимиз қатағон домига тортилди. XX асрнинг 80-йилларида "пахта иши", "Ўзбек иши" деб номланган сохта ишлар бўйича[2] минглаб бегуноҳ кишилар қатағон қилинди.

Қатағон қурбонларини ўрганиш, уларнинг номларини абадийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майда эълон қилган фармойиши ва 22 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида" қабул қилган қарорларидан сўнг кенг йўлга қўйилди. Ана шу ҳужжатлар асосида "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси тузилди. Тошкентда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майда қабул қилган "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги фармони ҳам мазкур мавзуни тадқиқ этиш учун катта имкониятлар уфқини очиб берди. Ана шу фармонда мана бу сатрлар бор: "Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади. Мустабид ту-

[1] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. Тошкент, 2004, 312—313-бетлар.

[2] Қаранг: *Азизхўжаев Алишер.* Чин ўзбек иши. Тошкент, "Академия" нашриёти, 2003.

www.ziyouz.com kutubxonasi

зум даврида миллион-миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди"[1]. Ана шу мақсадда ҳукумат қарорида кўп жилдлик "Қатағон қурбонлари" хотира китобини тайёрлаш ва нашр этиш вазифа қилиб қўйилди.

Қўлингиздаги китоб ана шу кўп жилдлик "Қатағон қурбонлари" хотира китобини яратиш йўлидаги саъй-ҳаракатлардан бири сифатида Сиз муҳтарам китобхонлар диққатига ҳавола қилинмоқда. Собиқ Иттифоқ, жумладан, Ўзбекистон ҳам ўз бошидан сиёсий қатағоннинг энг юқори босқичи – мудҳиш "катта террор", 1937—1938 йиллардаги фожеаларни ўз бошидан кечирди. Ана шу "катта террор"нинг даҳшатлари ҳақидаги ҳужжатлар илк бор истеъмолга киритилмоқда. Бу ҳужжатлар советлар даврида мутлақо махфий тамға остида пўлат сандиқларда сақланиб келинган. Уларни тарих мулкига, халқ мулкига айлантириш мақсадида "учлик"нинг баённомалари китобда айнан келтирилмоқда.

СССР Ички ишлар халқ комиссари, "темир нарком" номини олган Николай Ежов томонидан 1937 йил 30 июлдаги "Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа советларга қарши унсурларни қатағон қилиш операцияси тўғрисида"ги 00447-сонли мутлақо махфий оператив буйруққа мувофиқ 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича жами 10700 киши қамоққа олинган, улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2-тоифа бўйича 8–10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Бу қатағон қилинганларнинг орқасида уларнинг аҳли аёли, фарзандлари, ота-она, ака-укалари, қавми-қариндошлари, яқинлари, дўстлари қолганки, уларга ҳам бу қатағон зарбаси, таъсири текқани табиийдир. Улар ҳам ҳар жиҳатдан руҳий, ташналик азобида қолган. Уларга "халқ душмани"нинг ўғли, қизи, аҳли-аёли, акаси, укаси, қариндоши, дўсти, гумаштаси, думи каби тамғалар қўйилган, ҳар жиҳатдан камситилган, ҳуқуқлари топталган, маънавий хўрланган. Шу боис қатағон қурбонлари ҳақида ўйларканмиз, уларнинг орқасида қолганларнинг ҳам қисматини кўз олдимизга келтиришимиз лозим. Маълум маънода уларни ҳам қатағон қурбонлари деб қараш тўғри бўлса керак.

Бу китобда "учлик" ҳукми билан қатағон қилинган 3083 киши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Маълумотлар "учлик"нинг 1937 йилнинг 10, 20, 29 августдаги, 8, 12, 13, 15, 24, 26, 29 сентябрдаги, 1, 14, 19, 25, 28 октябрдаги, 3, 5 ноябрдаги баённомаларидан олинган. Баённомалар деярли ўзгартирилмаган ҳолда русчадан ўзбекчага айнан таржима қилиб берилган. Баённомаларда, ҳукм қарорларида маҳбусларга қўйилган айбларга нисбатан танқидий қараш лозим. Чунки уларнинг аксарияти сохта, тўқиб чиқарилган, яъни терговчиларнинг "ижод" маҳсулидир. Шу боис ҳар бир қатағон қурбонига қўйилган айбларнинг ҳақиқатлигига шубҳа билан қарашга тўғри келади. Айблов хулосаларини расмийлаштириб Тошкентга, "учлик"ка йўллаб тақдим этган ички ишлар

[1] "Халқ сўзи", 2001 йил 2 май.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва давлат хавфсизлиги органи ходимларининг номлари баённомалардан тушириб қолдирилди. Масалан, республика Ички ишлар халқ комиссарлиги, давлат хавфсизлик бошқармаси ходимларидан Бауман, Лацес, Соколов, Разумный, Кириллов, Якубшин, Шарипов, Наумовлар, Хоразм секторидан Разумов, Ференс, Королев, Переподя, Капрановлар, Қашқадарё округидан Минец, Сюняев, Казаков, Олефиренко, Фарғона шаҳар бўлимидан Дунаев, Андижон секторидан Туниянц, Чалий, Деревянченко, Макаренко, Мусин, Асака район бўлимидан Вишневский, Бухоро секторидан Колосов, Подячев, Семенов, Филатов, Шабалин, Ушаков, Сурхондарё секторидан Круглишев, Самарқанд округидан Бойбеков, Жониев, Жиззах район бўлимидан Колпаков, Қўқон шаҳар бўлимидан Фукин, Боғдод районидан Старостин, Сирдарё округ бўлимидан Погодин, Олтиариқ район бўлимидан Баришев, Чуст районидан Зенкин, Қорақалпоғистон АССР секторидан Олсуфьевлар ана шундай ходимлардан бўлган. Уларнинг маълум қисми ҳам қатағон қилинган.

"Қатағон қурбонлари" хотира китобини яратиш вазифа қилиб қўйилгандан бери орадан 8 йил ўтди. Бироқ на республика бўйича, на вилоятлар бўйича "қатағон қурбонлари" хотира китоби яратилди. Нашрдан чиққан айрим асарлар бир гуруҳ ёки алоҳида олинган қатағон қурбонлари қисматига бағишланган. Хуллас, бу борада республика ва вилоятларда ҳозирга қадар тизимли иш йўлга қўйилганича йўқ.

. Тошкентда қатағон қурбонлари отилган қатлгоҳ жойи аниқланиб, у жойда "Шаҳидлар хотираси мажмуаси" барпо этилди ва бу жой зиёратгоҳ маскан бўлиб қолди. Уни ҳар йили 31 август куни эрталаб зиёрат қилиш, қатағон қурбонлари хотирасига атаб тиловатлар қилиш, улар арвоҳига атаб эҳсон қилиш миллий қадриятларимиз сифатида ўрин олди. Вилоятларда эса ўша "катта террор" кампанияси давридаги қатлгоҳлар ҳали-ҳануз аниқланганича йўқ.

Республика "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасининг вилоятларда бўлимлари ташкил этилган эди. Бироқ улар фаолият кўрсата олмай тарқалиб кетди. Вилоятлар музейларида эса "Қатағон қурбонлари" хотирасига аталган стенд, кўргазмалар ҳали-ҳануз ташкил этилганича йўқ. Бизнингча, ҳар бир вилоятдаги ўлкашунослик музейларида шу мавзуга аталган бўлимлар ташкил этилиши керак. Гап шундаки, умумий ўрта мактабларда, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида Ўзбекистон тарихи — Ватан тарихи ўқитилади ва шу предмет дастурида Ўзбекистондаги қатағон ва унинг фожеали оқибатлари мавзуи бор. Ўша мавзуни кўргазмали, жонли ўтишни музейлардаги экспонатлар асосига қуриш мақсадга мувофиқдир. Айни вақтда ўқувчи ва талаба ёшларни "Қатағон қурбонлари" хотирасини тиклаш, улар ҳақидаги бор ҳақиқатни рўёбга чиқаришдек савобли, эзгулик ишга жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

"Возвращенные имена" халқаро лойиҳа доирасида собиқ СССРдаги сиёсий қатағон қурбонлари тўғрисидаги маълумотлар ягона электрон банкига олиниб, у "Хотира китоби" кўрсаткичи

www.ziyouz.com kutubxonasi

сарлавҳаси билан 2004 йили Санкт-Петербургда нашр этилди. Унда 626 номдаги қатағон қурбонлари ҳақидаги хотира китобларнинг номлари келтирилган. Унинг 90 таси Россияга, 26 таси Украинага, 15 таси Қозоғистонга, 7 таси Белоруссияга, 1 таси Озарбайжонга, 1 таси Арманистонга, 1 таси Қирғизистонга, 4 таси Латвияга, 2 таси Литвага, 1 таси Молдовага, 3 таси Ўзбекистонга, 15 таси Эстонияга, 18 таси Польша республикасига тегишлидир. Тожикистон, Туркманистон, Гуржистон республикаларида қатағон қурбонлари тўғрисида қандай китоблар борлиги ҳақида маълумот келтирилмаган.

Россиянинг аксар, қўшни Қозоғистоннинг эса деярлик ҳар бир вилоятида қатағон қурбонларининг хотира китоблари яратилган. Украинада ҳам ана шундай ҳолатни кўрамиз. Ҳатто Украинанинг айрим вилоятларида, масалан, Николаево вилоятида оммавий қатағон қилинганлар ва уларнинг реабилитация қилинишига бағишлаб журнал чиқарилмоқда. Бу журнал саҳифаларида қатағон қилинганлар ва реабилитация этилганлар номма-ном келтирилиб улар ҳақидаги маълумотлар мунтазам равишда бериб борилмоқда. Бизнинг Ўзбекистонда ҳам ҳар бир вилоят бўйича “Қатағон қурбонлари хотира китоби»ни яратиш вақти аллақачон келган. Бунинг учун ҳар бир вилоятда республика “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармасининг бўлимларини қайтадан тиклаш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун биринчи навбатда вилоятлар ҳокимликлари ташкилий, амалий ва моддий жиҳатдан ёрдам бермоқлари лозим. Республика “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси вилоятлардаги бўлимларни назорат қилиши, раҳбарлик қилиши, улар фаолиятини мувофиқлаштириши керак. Бундан ташқари республика олий ўқув юртларидаги тарих факультетларининг ўқув дастурларига Ўзбекистон тарихидан махсус курс сифатида “Ўзбекистонда советларнинг олиб борган қатағон сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари” мавзуи ўқитилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларда мавжуд бўлган музейларда қатағон қурбонлари хотирасига бағишланган стенд, кўргазмалар ташкил қилинса яхши бўларди.

Ушбу китобга “учлик”нинг 2, 3, 13, 15, 17-сонли баённомалари айрим техник сабабларга кўра киритилмай қолди. Улар навбатдаги жилдлардан бирига киритилади, деган умиддамиз. Китобга, шунингдек, исм ва шарифлар, қисқартирилган сўзлар, терминлар алоҳида кўрсаткичлар, изоҳлар ҳам киритилмади. Буларни мазкур сериядаги китобнинг энг охирги жилдида бериш лозим деб топилди.

Мазкур китобни тайёрлаш жараёнида архив ҳужжатларидан фойдаланишга яқиндан ёрдам кўрсатган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архиви ходимларига ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз. Ушбу тадқиқот устида иш олиб боришда бизга қулай шароит, имконият яратиб берган Бобур номидаги Андижон Давлат университети ректори Толибжон Абдумаликович Мадумаровга, университет тарих факультети, Ўзбекистон тарихи кафедраси раҳбарияти ва жамоасига ҳам ўз ташаккуримизни изҳор этамиз.


www.ziyouz.com kutubxonasi

# I боб.

## ҚАТАҒОН ДАҲШАТЛАРИ

Жаҳон тарихи одамзод ўзи яшаб турган маконида кўп миқдорда ёвузлик, жиноий ҳаракатлар ижод этганига шоҳиддир. Француз олими Лайнус Полинга ўзининг “Ҳеч қандай уруш бўлмасин” номли асарида ер юзида кейинги 5,5 минг йил давомида 14500 та катта ва кичик урушлар бўлиб, уларда 4 миллиардга яқин одам ҳалок бўлган, бу бундан бир неча ўн йил олдин ер куррасида яшаётган одамлар миқдорига тенгдир», деб ёзган эди.

Ҳарбий ҳаракатлар юз бериши ва юз бермаслигидан қатъи назар турли мамлакатларнинг у ёки бу ҳудудида қотилликлар, портлашлар, ёнғинлар, заҳарланишлар, одамларни ўғирлаш ва бошқа ҳаракатлар юз берган ва ҳозирда ҳам содир бўлмоқда.

Октябр тўнтариши оқибатида Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган мустамлакачи Советлар тузуми биринчи кундан бошлаб халқларимиз бошига сон-саноқсиз қирғинлар, даҳшатли ва аламли кулфатлар олиб келди. Бу даҳшатли режимни ўлкамиз халқлари қабул қилмадилар. Улар истиқлол учун, эрк ва миллий-озодлик учун 16 йил мобайнида қуролли кураш олиб бордилар. Бу кураш давомида, айрим хориждаги муаррихлар ҳисобича, 1 миллион 900 минг ватандошимиз Туркистондан бош олиб, хорижий мамлакатларга чиқиб кетди ва 1 миллион 700 минг юртдошимиз Сибирга, Узоқ Шимолга, Украинага, Шимолий Кавказга, Уралга, Қозоғистонга, Узоқ Шарққа, Кавказга, Волгабўйи районларига бадарға қилинди.

Россия Федерацияси марказий телевиденияси “Культура” канали 2007 йил 4 июлда “Расстрельные списки Сталина” номли кўрсатув берди. Уни тарих фанлари доктори Н. Петров, тарихчи А. Виноградов олиб бордилар. Унда «катта террор»нинг 1937 йил 30 июлдан бошланиб 1938 йил ноябрига қадар давом этганлиги айтиб ўтилган. Шу вақт ичида 1,5 миллион киши қамоққа олинган, шундан 700 минги отиб юборилган. “Катта террор”нинг қаҳрли тиғи жамият аъзоларининг барча тоифаларини ўз домига тортган. Айниқса, “катта террор”дан аҳолининг қуйи табақасидагилар кўп жабр-зулм кўрганлар.

НКВДнинг 00486-сонли буйруғи бўйича 1938–1946 йилларда Қарағандадаги “Алжир” (Акмолинский лагерь жён изменников родины) лагерида “Ватан хоинларининг оила аъзолари”дан 6500 аёл жазони ўтаган. Халқ душмани тамғаси билан қатағон бўлганларнинг фарзандлари махсус болалар муассасаларида сақланган. 1937 йил 15 августдан 1939 йил январигача Иттифоқ бўйича 25342 бола оиласидан ажратиб олинган, улардан 22427 нафари Халқ маорифи комиссарлиги ҳудудидаги болалар уйларига ва маҳаллий боғчаларга тарқатиб юборилган, шундан 1909 нафари Москвада бўлган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

2915 нафари бошқаларга боқиш учун оилаларга қайтариб берилган. Бу болаларнинг ёши 15 гача бўлган. Ёши 15 дан юқорида бўлган болалар “ижтимоий хавфли” ҳисобланиб, қамоққа олинган ва ҳукм қилинган.

Қарағанда лагеридаги маҳбус аёллар жазо муддатини ўтаётганларида 1507 нафар фарзанд кўрганлар, бу болалар кўпинча севги асосида эмас, зўрлик асосида дунёга келганлар[1].

Ана шундай фожеалар Ўзбекистонда яшаётган аҳоли катта қисмининг бошига ҳам тушган эди. Айни шу мавзуга тўхталиб Президентимиз Ислом Каримов “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида бу хусусда шундай деган эди: “Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди. Айниқса, машъум 1937—1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя”.

Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди. Шу даврда қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар бevaликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилганини инобатга олсак, халқимиз бошига тушган бу фожеанинг миқёси янада яққол намоён бўлади.

Тарихимизнинг ана шу ачинарли, ҳасратли саҳифаларини билишнинг ҳозирги вақтдаги аҳамиятини кўрсатар экан Ислом Каримов яна шундай деб айтганди: “Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ҳали-ҳануз сир бўлиб келаётган ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришда мана шу ёдгорлик ва амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз”[2].

Буюк истиқлолимизнинг дастлабки вақтларидаёқ Ислом Каримов совет режими даврида “асоссиз тарзда қатағон қилинган кишиларнинг ор-номуси, қадр-қиммати, покиза номини тиклашни” биринчи галдаги вазифа деб билди. Мана, 16 йилдирки, ана шу вазифа ҳаётимизда, воқелигимизда тўла-тўкис, бекаму-кўст бажарилиб келмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 1999 йил 12 майдаги Ф-999-сонли фармойиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўша йили 22 июлда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни

---

[1] Хранить вечно. Книга памяти жертв массовых политических репрессии 30—40 гг. начала 50-х годов. Узницы “Алжира” Карлага. Астана, 2001, стр. 3.

[2] Халқ хотираси олдида бош эгамиз. Тошкент, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001, 11-бет.


www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳурлик ва эркинликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватанпарварларимизнинг мўътабар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёшлар қалбида метин иродали, мард аждодларимиз руҳи-покига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш мақсадида мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича республика ташкилий қўмитаси тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди. Қарорга мувофиқ Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида мустамлакачилик даври қурбонлари хотира мажмуи барпо этилди, мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ҳузурида "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси тузилди ва у самарали фаолият кўрсата бошлади. Мазкур қарор билан "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасининг мақоми, асосий вазифалари белгилаб берилди. Жумладан, шаҳид бўлган юртдошларимиз номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилдлик "Қатағон қурбонлари" хотира китобини яратиш ва нашр этишдек муҳим вазифа ҳам қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2001 йил 1 майда "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ ҳар йил 31 август куни "Қатағон қурбонларини ёд этиш куни" қилиб белгиланди. Шундан бери бу кун ҳар йили нишонланмоқда.

Қарорда Қатағон қурбонлари хотира музейини ташкил этиш ҳам кўрсатилган эди. Бундай музей ташкил этилиб, мана эндиликда у самарали фаолият кўрсатмоқда. Навбатдаги долзарб вазифалардан бири кўп жилдлик "Қатағон қурбонлари хотира китоби"ни яратишдир.

Бу вазифани бажариш борасида анча ишлар қилинди. Монографик тадқиқот ва китоблар яратилди,[1] "Мерос" халқаро жамғармасининг ўзи бу борада салмоқли ишлар қилди,[2] номзодлик, док-

---

[1] *Маҳмудов М.* Қатағон қурбонлари. Т., "Ўқитувчи", 1991; *Турдиев Шерали.* Улар Германияда ўқиган эдилар. Т., "Фан", 1991; *Набижон Боқий.* Қатлнома. Т., 1992; *Усмонов Ислом.* Қатағон қурбонлари. Т., "Адолат", 1994; *Каримов Наим.* Усмон Носир. Т., 1993; *Узоқов Ҳайдарали.* Қалблар нидоси. Тарихий илмий-публицистик очерклар. II жилд. Биринчи, иккинчи китоб. Т., "Адолат", 1997; *Наим Насрулло.* Мен яшашни истайман. "Бухоро" нашриёти, 1994; *Аҳророва Холида.* Истиқлол фидойилари. Изларини излайман. "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти. Т., 1998; *Шамсутдинов Р.Т.* Жасоратларга тўла ҳаёт соҳиби. Андижон, 1991; *Ўша муаллиф.* Жертвы репрессии. "Мерос", Андижон, 1994; *Мунаввар Қори Абдурашидхонов.* Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар). Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи *С.Холбоев.* Т., "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2001 ва бошқалар.

[2] *Шамсутдинов Рустамбек.* Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Т., 2001, 367-бет; *Ўша муаллиф.* Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. Т., "Шарқ", 2001; *Ўша муаллиф.* Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). Т., "Шарқ", 2003; *Шамсутдинов Рустамбек, Мамажонов Алишер.* Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. Т., "Шарқ", 2005; *Ўша муаллиф ва бошқалар.* Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. Т., "Шарқ", 2006; *Ўша муаллиф ва бошқалар.* Ватанимиз ўтмишидан. "Андижон" нашриёт-матбаа очиқ акциядорлик жамияти, 2007; *Шамсутдинов Рустамбек, Бекмуҳаммад.* Мозийнинг қора кунлари. Урганч, "Хоразм нашриёти", 2007.


www.ziyouz.com kutubxonasi

торлик диссертациялари ҳимоя қилинди, кўплаб рисола ва илмий мақолалар нашр этилди, бир қанча телекўрсатув, радиоэшиттиришлар эфир ва ҳаво тўлқинлари орқали берилмоқда. Мазкур масала бўйича архив ҳужжатлари ва материаллари тўпламлари[1] нашр юзини кўрди. Бу асарларда совет режими даврида большевиклар олиб борган миллий, аграр ва қатағон сиёсатидан жабр-зулм кўрган, сиёсий қатағон тиғидан ҳалок бўлган таниқли партия, давлат ва жамоат арбоблари, раҳбар ходимлар, зиёлилар, фан, адабиёт, маориф ходимлари, деҳқонлар фожеалари, қисматлари очиб берилган. Айниқса 20–30-йилларда зўравонлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва у билан боғлиқ қулоқлаштиришни ўтказиш жараёнида қатағон гирдобига тортилган қишлоқ аҳолиси, деҳқонлар оммаси фожеали ҳаётининг айрим қирралари янги маълумотлар асосида талқин қилинган. Ўзга юртларда, Марказий Россияда, Шимолий Кавказ ўлкасида, Украинанинг Херсон областида, Шимолий Қозоғистонда, Ўзбекистоннинг ўзида қулоқлар сургунида такроран қатағон бўлганларнинг маълум қисми аниқланди. Сўнгги вақтда чиққан айрим асарларда, республика ва хорижда эълон қилинган қатор илмий мақолаларда 1937–1938 йилларда қатағон бўлганларнинг маълум қисми ҳақида янги тарихий маълумотлар илмий муомалага киритилди.

Сўнгги йилларда совет даври тарихининг 20–40-йиллардаги тарихи ва унда Сталиннинг тутган ўрни ва роли ҳақида, унинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида кўплаб янгидан-янги тадқиқотлар эълон қилинди. Бу ўринда Шейла Фицпатрик, Владимир Карпов, Юрий Борев, Юрий Козенков, Владлен Сироткин, Владимир Крючков, Сергей Голотик, Валерий Минаев, Георгий Куманев, Юрий Жуков, Юрий Мухин, Галина Иванова, Олег Мозохин, Лев Барскийлар қаламига мансуб асарларни қайд этиш мақсадга мувофиқдир[2]. Мазкур масалани янгича талқин этиш маълум даражада Н. Верт,

---

[1] Репрессия 1937–1938 годы. Документы и материалы выпуск 1. (Сост. *Шамсутдинов Р.Т., Каримов Н.Ф., Юсупов Э.Ю.*) Т., "Шарқ", 2005; Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивания, ссылка. 1929–1955 гг. документы и материалы. I, II, III тома. (Сост. *Шамсутдинов Р.Т., Расулов Б.М.*) Под редакцией д.и.н. проф. *Д.А.Алимовой*. Т., "Шарқ", 2006; Среднеазиатский кишлак в годы Большого террора. (Сост. *Шамсутдинов Р., Юсупов Э., Дўстматов Э., Хошимов С.*) Под. редакцией *Р.Т.Шамсутдинова*. Андижон, "Университет", 2007.

[2] *Шейла Фицпатрик*. Повседневный сталинизм. Социальная история Советской России в 30-е годы. М., РОССПЭН, 2001, 332 с.; *Владимир Карпов*. Генералиссимус. Книга первая, Книга вторая. М., Вече, 2003; *Юрий Борев*. Сталиниада. Мемуары по чужим воспоминаниям с историческими анекдотами и размышлениями автора. М., Олимп, 2003, 461 с.; *Юрий Козенков*. Голгофа России: схватка за власть. Краткая хроника преступлений мирового сионизма, масонства и Запада против России (от Сталина до Ельцина) М., "Фонд национальных перспектив". М., 2003; *Владлен Сироткин*. Почему Троцкий проиграл Сталину? "Алгоритм", Москва, 2004, 382 с; *В.А. Крючков*. Личность и власть. "Просвещение", Москва, 2004, 381 с.; *С.И. Голотик, В.В. Минаев*. Население и власть. Очерки демографической истории СССР 1930-х годов. Изд-во Ипполитава. М., 2004, 306 с.; *Г. Куманев*. Говорят сталинские наркомы. Смоленск, "Русич", 2005, 631 с.; *Юрий Жуков*. Иной Сталин. Политические реформы в СССР в 1933–1937 гг. М., "Вагриус", 2005, 510 с.; *Юрий Мухин*. Антироссийская подлость. М. Крымский мост. 9. Д. Форум. 2003; *Он же*. За что убит Сталин? "Яуза", Москва, 2005; *Г.М. Иванова*. История ГУЛАГА. 1918–1958. Москва, Наука. 2006; *О.Б. Мозохин*. Право на репрессии. Внесудебные полномочия органов Государственной безопасности (1918–1953). "Кучково поле" Москва – Жуковский, 2006, 479 с.; *Лев Барский*. Сталин. Портрет без ретуши. Комкнига. Москва, 2007, стр. 328.



www.ziyouz.com kutubxonasi

А.С. Барсенков, А.И. Вдовин асарларида ҳам ўз ифодасини топган[1].

Ушбу мавзуга бевосита алоқадор нашр юзини кўрган ҳужжатли материаллардан "Лубянка, Сталин и ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД. Январь 1922 – декабрь 1936" ва "Лубянка. Сталин и главное управление госбезопасности, НКВД. 1937–1938" номли тўпламлар[2]ни кўрсатиш мумкин. Уларда Ўзбекистонга доир ноёб ҳужжатлар ҳам келтирилган. Масалан, 1937 йил 2 август санаси қуйилган 158-сонли ҳужжатда И.В. Сталиннинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига йўллаган раҳбар ходимлар таркибини ўзгартириш тўғрисидаги шифртелеграммасини келтириш мумкин: "Каримов Халқ Комиссарлари Совети раислигига ярамайди, бу ҳақда Сизга хабар қилинган. ВКП(б) Марказий Комитети Каримовнинг бошқа номзод билан алмаштирилишини талаб қилади. Болтабоевни Халқ Комиссарлари Совети раислигига кўтариб бўлмайди, чунки унга ҳам қамоққа олинганлардан Рисқулов, Хўжанов, Отабоев, Файзулла Хўжаевлар бадном қилмоқдалар, Тўрабековни Халқ Комиссарлари Совети раислигига кўтаришга уриниб кўринг. Бизнингча, Ўзбекистонда антисовет элементлар билан кураш олиб борилмаяпти, Икромов эса ана шундай элементлар орасида қолган, уларни у кўрмаяпти, аҳамият бермаяпти. ВКП(б) МК котиби Сталин"[3].

Ёки бўлмасам, ВКП(б) МК Сиёсий бюроси 1938 йил 31 январда "Советларга қарши унсурлар тўғрисида" қарор қабул қилган. Унга кўра, Ўзбекистон ССР бўйича биринчи тоифа бўйича 2000, иккинчи тоифа бўйича 500 нафар собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва антисовет элементлар фаолларини қамоққа олиш кўрсатилган[4].

Сўнги вақтларда Россия Федерациясида нашр этилган "Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах (1937–1939)" номидаги туркум ҳужжатлар тўпламининг 5-жилди 1-китоби 2004 йили нашрдан чиқиши ҳам муҳим воқеа бўлди. Унда таниқли олим В.П. Даниловнинг қаламига мансуб "Кириш" ва "Совет қишлоғи "Катта террор" йилларида" номли, Роберт Т. Маннингнинг "Сиёсий террор сиёсий театр сифатида. 1937 йил. Районлар кўргазмали судлари" номли мақолалари диққатга сазовор. Ушбу жилдда 1937 йилга доир ҳужжатлар эълон қилинган. Улар орасида Ўрта Осиё минтақасига, жумладан, Ўзбекистон Республикасига дахлдор бир қанча ҳужжатлар ҳам бор.

Москвада "РОССПЭН" нашриёти 2004—2005 йиллари ҳар би-

---

[1] *Н. Верт.* История Советского государства. 1900–1991. Второе исправленное издание. Перевод с французского. Издательство "Весь мир", Москва, 2002, 643 с.; *А.С. Барсенков, А.И. Вдовин.* История России. 1917–2004. Аспект пресс. Москва, 2005, 815 с.

[2] Россия XX век. Документы. Лубянка. Сталин и ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД. Январь 1922 – декабрь 1936. Составители: *В.Н. Хрустов, В.П. Наумов, Н.С. Плотникова.* Москва, 2003, 910 с.; Россия XX век. Документы. Лубянка. Сталин и главное управление госбезопасности НКВД. 1937–1938. Составители: *В.Н. Хрустов, В.П. Наумов, Н.С. Плотникова.* М., 2004, 734 с.

[3] Лубянка. Сталин и главное управление госбезопасности НКВД. 1937–1938..., 297-бет.

[4] Ўша асар, 467–468-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ри 60 босма табоқдан иборат 7 жилдлик "История сталинского ГУЛАГА. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в семи томах" архив ҳужжатлар тўпламини нашр этди. Биринчи жилд "Массовые репрессии в СССР", иккинчи жилд "Карательная система: структура и кадры", учинчи жилд "Экономика ГУЛАГА", тўртинчи жилд "Население ГУЛАГА: численность и условия содержания", бешинчи жилд "Спецпереселенцы в СССР", олтинчи жилд "Восстания, бунты и забастовки заключенных", еттинчи жилд "Советская репрессивно-карательная политика и пенитенциарная система в материалах Государственного архива Российской Федерации. Аннотированный указатель дел" деб номланган. Бу улкан манбалар асосида Ўзбекистонда 1937–1950 йилларда амалга оширилган сиёсий қатағон билан боғлиқ бир қанча воқеаларни кузатиш мумкин.

2002 йили академик А. Н. Яковлевнинг умумий таҳрири остида "ГУЛАГ (Главное управление лагерей) 1918—1960. Составители: А. И. Кокурин и Н. В. Петров" (Москва, 2002), "Сталинские депортации 1928—1953" (Составители: Н. Л. Поболь, П. М. Полян. Москва, 2005) номли архив ҳужжат ва материаллари тўпламининг нашр қилиниши 1937—1938 йиллардаги сиёсий қатағон ва унинг оқибатлари масаласини кенг ва катта кўламда тадқиқ этиш учун муҳим манбавий база бўлиб хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

Москвада ташкил этилган "Реабилитация қилинган сиёсий қатағон қурбонлари ҳуқуқини тиклаш бўйича идоралараро доимий комиссияси" 1997—2003 йиллар мобайнида **"Сиёсий қатағон қурбонлари хотира китоби"** рукни остида 7 жилдлик "Бутовский полигон. 1937–1938" номли асарни нашрдан чиқарди[1]. Унда Бутово полигонида отилган ҳамда шу жойга кўмилган 20761 киши ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик Хизматининг Москва ва Москва области бўйича Бошқармаси архивининг 2-фондидан олинган.

Бутово полигонида отилган ва шу жойга кўмилганлар орасида Ўрта Осиё ва Қозоғистондан 151 киши бўлиб, улардан 102 нафари Дмитров лагеридаги маҳбуслар бўлган. Улардан 52 нафари ўзбек, 16 нафари туркман, 9 нафари қозоқ, 4 нафари тожик, 2 нафари қирғиз, 2 нафари уйғур бўлган. Улар ҳақида ҳам қисқача маълумотлар келтирилган.

"Сиёсий қатағон қурбонлари хотира китоби" рукни остида "Расстрелянные списки. Москва, 1937–1941. "Коммунарка", "Бутово" номли китобда[2] 1937–1938 йилларда отилган 3737 киши ҳақида маълумотлар келтирилган. Жумладан, Бурнашев Ханиф Ҳасанович (Наманган шаҳридан), Икромов Акмал (Тошкент шаҳридан), Қодиров Наби Абдужалилович (Туркистон шаҳридан), Қаҳаров Абдуразақ Қаҳарович (Қўқон шаҳридан), Хўжаев Файзулла Убайдуллаевич (Эски Бухоро шаҳридан), Ҳожибоев Абдураҳим (Ленинобод, ҳозирги Хўжанд шаҳридан)лар ҳақида ҳам қисқача маълумотлар келтирилган.

---

[1] Бутовский полигон. 1937–1938. В семи выпусках. М., 1997–2003.

[2] Расстрелянные списки. Москва, 1937–1941. "Коммунарка", Бутово. М., Общество "Мемориал" – издательство "Звенья", 2002.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Россия Федерациясида "Сиёсий қатағон қурбонлари хотира китоби"ни яратиш яхши йўлга қўйилган ва бу борада таҳсинга сазовор ишлар қилинмоқда. Масалан, 2004 йилгача Россиянинг автоном республикалари, областлари ва шаҳарларидан 90 тасида сиёсий қатағон қурбонлари хотира китоблари яратилди. Белоруссиянинг 7, Қозоғистоннинг 15, Украинанинг 26 та маъмурий ҳудудлари бўйича "Сиёсий қатағон қурбонлари хотира китоблари" нашрдан чиқди ва бу соҳадаги иш яна давом этмоқда[1].

Юқорида зикр этилган адабиётларда 1937–1938 йиллардаги "катта террор"нинг "ижодкорлари" ҳақида ҳар хил фикрлар, жумладан, ўша фожеада И. В. Сталиннинг ўрни ва роли масаласида ҳам бир-бирига зид қарашлар илгари сурилган. Бу китобларнинг кўпида "катта террор"да биргина Сталин айбдор бўлмагани ҳақида янгича талқинлар келтирилган. Бизнингча, бу талқинлар 1937–1938 йиллардаги қатағон моҳиятини, фожеасининг айрим қирраларини тўғри ёритиш имконини беради.

Маълумки, 1937 йилнинг май-июнь, айниқса сўнгги бир ярим ойи даврида, "ҳарбий-фашистик исёнчилар" отилганидан сўнг бўлажак оммавий қатағон кампаниясини интенсив режалаштириш амалга оширилади. Июл ойининг бошларида бўлажак террорнинг юз минглаб қурбонлари тақдирини аниқловчи қарорлар қабул қилинган. Улардан энг муҳими — Сиёсий бюронинг 2 июлдаги "Советларга қарши унсурлар тўғрисида"ги қарори бўлиб у "катта террор" даврининг энг кўламли қатағон операциясини ўтказиш учун ўзига хос старт эди.

Ана шу қарор асосида НКВДнинг 00447-сонли ҳозирда машҳур бўлиб кетган буйруғи ("Қулоқлар тўғрисидаги буйруқ" деб аталган) тайёрланган. Унга кўра 1937 йил 5 августдан 1938 йил ноябр ўрталаригача махсус ташкил этилган «учлик»лар камида 800 000 кишини, улардан ярмини отувга ҳукм қилганлар. 1937 йил августидан НКВД миллий операциялар ўтказиш бўйича яна бир неча буйруқлар қабул қилади. Бу билан 1937–1938 йиллардаги террор қурбонлари сони деярли 350 минг кишига кўпайтириб юборилади.

1937 йил 30 июлда СССР Ички ишлар халқ комиссарининг (Н. Ежов имзолаган) "Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларни қатағон қилиш бўйича операция тўғрисида"ги 00447-сонли оператив мутлақо махфий тамға остидаги буйруғида антисовет уюшмаларни тергов қилиш материалларида аввалида қатағон қилинган, қатағон бўлишдан яшириниб юрган, лагерлардан, сургунлардан ва меҳнат посёлкаларидан қочиб келган собиқ қулоқларнинг катта қисми қишлоқларда ўрнашиб қолгани қайд этилган. Ўтмишда кўплаб қатағон қилинган черковчилар ва сектантлар, советларга қарши қуролли чиқишларнинг собиқ иштирокчилари ҳам қишлоқда ўрнашиб олгани таъкидланган. Қишлоқда мавжуд бўлган ва уларнинг қолдиғи сиёсий партиялар (эсер-

---

[1] Книга памяти жертв политических репрессий в СССР. Аннотированный указатель. Санкт-Петербург, 2004.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар, грузмекилар, дашноқлар, муссаватчилар, иттиҳодчилар) ходимларининг, шунингдек, бандитлар қўзғолонининг собиқ фаол иштирокчилари, оқ жазочилар, реапатриантларнинг катта қисмига ҳам деярли тегилмагани буйруқда кўрсатилган. “Юқорида санаб ўтилган элементларнинг бир қисми қишлоқдан шаҳарларга кетиб, саноат, транспорт ва қурилишларга суқилиб кириб олганлар”, – дейилган буйруқда.

Бундан ташқари ҳозирга қадар жиноятчилар, ҳайвон ўғрилари, рецидивист-ўғрилар, талончилар ва жазони ўтаб қамоқдан қочиб келиб, қатағон бўлишдан яшириниб юрганлар ҳам қишлоқ ва шаҳарларда уя қуриб олганлар. Бу жиноятчилар контингенти билан етарли кураш олиб борилмаганидан жазо берилмагани оқибатида уларнинг жиноятчилик фаолияти фаоллашиб боргани ҳам мазкур ҳужжатда қайд қилинган. Бу барча антисовет элементлар, унсурлар колхоз ва совхозлардаги транспорт ҳамда саноат соҳасидаги ҳар қандай антисовет ва қўпорувчилик жиноятлари келиб чиқишининг асосий ташкилотчилари экани буйруқда қайд этилган.

Ушбулардан келиб чиқиб буйруқда давлат хавфсизлиги органлари олдида бу антисовет элементлар бандасини ҳеч ҳам аямасдан тугатиш, меҳнаткашларни, совет халқини уларнинг аксилинқилобий хуружларидан ҳимоя этиш ва уларнинг Совет давлатининг асосига, негизига қарши қилган аблахона қўпорувчилигини таг-туги билан абадул-абад йўқ қилиш зарурлиги ҳам кўрсатилган.

Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб 1937 йил 5 августдан барча республикалар, ўлкалар ва вилоятларда собиқ қулоқлар, фаол антисовет элементлар ва жиноятчиларни қатағон қилиш бўйича операция ўтказиладиган бўлди. Бу операция Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССРда 1937 йил 10 августдан бошланиши белгиланди.

Буйруқда операцияни ўтказиш бўйича 7 пунктдан иборат йўриқнома ҳам келтирилган. Қатағон қилинадиганлар контингенти қўйидагилардан иборат эди:

1. Жазони ўтаб қайтган ва фаол антисовет қўпорувчилик фаолиятини давом эттираётган собиқ қулоқлар.

2. Лагерлар ёки меҳнат посёлкаларидан қочиб кетган собиқ қулоқлар, шунингдек, қулоққа тортилишдан яшириниб, советларга қарши фаолият олиб бораётган собиқ қулоқлар.

3. Исёнкор ва фашистик, террорчи ва бандитлар қўшилмаларидаги, жазони ўтаб, қатағондан яшириниб ёки қамоқ жойларидан қочиб кетган ва ўзининг советларга қарши жиноякорона фаолиятини тиклаб олган собиқ қулоқлар ва ижтимоий хавфли унсурлар.

4. Советларга қарши партиялар (эсерлар, грузмекилар, дашноқлар, муссаватчилар, иттиҳодчилар) аъзолари ва қатағондан яшириниб юрганлар, қамоқ жойлардан қочиб кетганлар ва фаол антисовет қўпорувчи фаолият олиб бораётган собиқ оқлар, жандармлар, чиновниклар, жазо берувчилар, бандитлар, бандитларга кўмаклашаётганлар, переправщиклар, реэмигрантлар.

5. Тергов ва текширув агентлари материаллари билан фош

 www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган, тугатилган казак-оқ гвардиячиларнинг исёнкор ташкилотлари, фашистик, террорчи ва жосус-қўпорувчи қўшилмаларнинг энг душман ва фаол иштирокчилари. Шунингдек, ҳозирда қамоқда, терговда сақланаётган, уларнинг айримларининг иши тугаган, бироқ ҳали суд органлари кўриб чиқмаган ана шу тоифадаги унсурлар ҳам қатағон қилиниши кўзда тутилган.

6. Турмаларда, лагерларда, меҳнат посёлкаларида ва колониялар қамоқхоналарида сақланаётган ва бу жойларда фаол антисовет қўпорувчилик иши олиб бораётган собиқ қулоқлар, жазокорлар, бандитлар, оқлар, сектантлик фаоллари, черковчилар ва бошқалар.

7. Жиноий фаолият олиб бораётган жиноятчилар (бандитлар, талончилар, ўғри-рецидивистлар) ва жиноий муҳит билан боғланганлар.

8. Лагерлар ва меҳнат посёлкаларидагилар ва у жойларда жиноий иш олиб бораётган жиноятчи элементлар.

9. Ҳозирги вақтда қишлоқларда, колхозларда, совхозларда, қишлоқ хўжалик корхоналарида ва шаҳарлардаги саноат ва савдо корхоналарида, транспортда, совет муассасаларида ҳамда қурилишдаги юқорида келтирилган барча контингентдагилар қатағон қилиниши зарурлиги буйруқда қайд этилган.

Буйруқда операцияни ўтказиш тартиблари ҳам белгилаб берилган. Операцияни 1937 йил 5 августда бошлаш ва тўрт ой муддатда якунлаш кўрсатиб ўтилган. Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон совет социалистик республикаларида операцияни 1937 йил 10 августида, Шарқий Сибир вилоятида, Красноярск, Узоқ Шарқ ўлкаларида эса 15 августдан бошлаш кўрсатилган.

Биринчи навбатда биринчи тоифадаги контингентдагилар қатағон қилинган. Иккинчи тоифадаги контингентдагиларни махсус кўрсатма ва фармойиш келгунга қадар қатағон қилиш мумкин бўлмаган. Шу жумладан, НКВДнинг республикалар халқ комиссарликлари, вилоят бошқарма ва бўлимлари биринчи тоифа контингенти бўйича операцияларни ўтказишни якунлаганларидан сўнг иккинчи тоифадаги контингент бўйича операцияни ўтказишга киришишлари керак бўлган. Н.Ежовнинг бу ҳақдаги санкцияси олингандан сўнггина иккинчи тоифадагилар бўйича операцияни бошлаш мумкин бўлган.

Барча қамоққа олинганлар ва ҳар хил муддат билан лагер ва турмаларга ҳукм қилинганларга нисбатан ҳукмлар чиқарилиши билан бу ҳақда Н. Ежовга қанча одамга ҳукм чиққани, қанча одам қандай муддатга турма ёки лагерга ҳукм этилгани хабар қилиниши талаб қилинган. Бу маълумотлар олингач Н. Ежов қайси тартибда ва қайси лагерларга ҳукм қилинган маҳбусларни юбориш тўғрисида кўрсатма берган.

Республикалар, ўлкалар ва вилоятлар ҳудудларида маҳаллий шароитлар ва юзага келган вазиятга мувофиқ равишда оператив секторлар ташкил қилинган. Ҳар бир сектор бўйича операцияни ташкил этиш ва ўтказиш учун оператив гуруҳлар тузилган. Бу гуруҳлар ўзларига юклатилган жиддий оператив вазифаларни мувоф-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фақиятли эплай оладиган НКВДнинг масъул ходимларидан иборат таркибда тузилган.

Айрим ҳолатларда оператив гуруҳларнинг бошлиқлари энг тажрибали ва қобилиятли район ва шаҳар ички ишлар бошлиқларидан тайинланган. Оператив гуруҳлар зарур оператив ходимлардан шаклланган ва улар транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланган. Оператив ҳолат талабидан келиб чиқиб гуруҳларга ҳарбий ёки милиция қисмлари ҳам берилган.

Оператив гуруҳлар бошлиқларига қатағон қилинадиганларни аниқлаш ва унинг ҳисобини олиб бориш, терговга, тасдиқланган айблов хулосаларига ҳамда "учлик"ларнинг ҳукм чиқаришлари ва уларнинг ижро этилишига раҳбарлик қилиш вазифаси топширилган. Улар ўз сектори ҳудудида операцияни ташкил этиш ва ўтказишга масъул бўлганлар.

Ҳар бир қатағон қилинаётган учун батафсил маълумотлар, айбдор қилувчи материаллар тўпланган. Бу материаллар асосида қамоққа олинадиганлар рўйхатлари тузилган. Улар оператив гуруҳ бошлиғи томонидан имзоланган ва 2 нусхада кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ички ишлар халқ комиссарлигига, НКВДнинг бошқарма ёки вилоят бўлими бошлиғига юборилган. Ички ишлар халқ комиссарлиги, НКВДнинг бошқарма ёки вилоят бўлими бошлиқлари рўйхатларни кўриб чиқиб, тақдим этилган рўйхатдаги шахсларни ҳибсга олишга санкция берганлар.

Тасдиқланган рўйхат асосида оператив гуруҳ бошлиғи қамоққа олган. Ҳар бир ҳибсга олиш ордер билан расмийлаштирилган. Ҳибсга олиш пайтида қунт билан тинтув қилинган, қурол, ўқ-дори, ҳарбий анжомлар, портлатувчи моддалар, заҳарловчи ва заҳарли моддалар, аксилинқилобий адабиётлар, қимматбаҳо металл монеталар, қуйилмалар, чет эл валютаси, кўпайтирувчи приборлар ва ёзишмалар тортиб олинган. Барча тортиб олинган нарсалар баённомага киритилган.

Ҳибсга олинганлар Ички ишлар халқ комиссарлиги, НКВДнинг бошқарма ва вилоят бўлимлари бошлиқлари томонидан белгиланган пунктларда тўпланганлар, бу пунктларда қамоққа олинганлар учун ярокли бинолар ажратилган. Ҳибсга олинганлар соқчилар назоратида бўлганлар. Қочиб кетиш ёки бошқа қандайдир эксцесслар бўлмаслигини кафолатлайдиган тадбирлар белгиланган.

«Учлик» қамоқдаги маҳбуснинг ижтимоий хавфлилиги даражасига қараб 2-тоифа бўйича қатағон қилинаётган шахсни 1-тоифага, 1-тоифа бўйича қатағон қилинаётган шахсни 2-тоифага ўтказиши мумкин бўлган. «Учлик» ўз йиғилишларини баённомаларда акс эттириб борган, уларда ҳар бир ҳукм қилинаётган шахсга нисбатан чиқарилган ҳукм ёзиб борилган.

Йиғилиш баённомаси ҳукмнинг ижро этилиши учун оператив гуруҳ бошлиғига юборилган. Тергов ишига ҳар бир ҳукм қилинган шахсга нисбатан баённомадан кўчирма тиркаб қўйилган.

Ҳукмни ижро қилиш тартиби ҳам белгилаб берилган. Ҳукм ижроси «учлик» раиси кўрсатмаси билан амалга оширилган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳукмни ижро этиш учун «учлик» йиғилиши баённомасидан кўчирма асос бўлган.

1-тоифа бўйича ҳукмлар ижроси республика халқ комиссари, НКВД бошқармаси, бўлим бошлиқлари кўрсатмаси билан вақти ва жойи яширин ҳолатда бажарилган. Ҳукмнинг ижроси ҳақидаги ҳужжатлар ҳар бир ҳукм этилганнинг тергов ишига алоҳида конвертда солиб қўйилган.

2-тоифа бўйича ҳукм қилинган шахслар СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат лагерлар Бошқармаси (ГУЛАГ) хабар қилган нарядлар асосида амалга оширилган.

Операцияларнинг ўтказилишига умумий раҳбарлик қилиш СССР Ички ишлар халқ комиссари ўринбосари, давлат хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи комкор Фринковскийга топширилган.

Операцияларга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича махсус гуруҳ ташкил қилинган.

Қамоққа олинганларни тергов қилиш тартиблари буйруқда қуйидагича кўрсатилган:

1. Ҳибсга олинган ҳар бир маҳбусга ёки маҳбуслар гуруҳига тергов иши очилган. Тергов тезкорлик билан ва оддий тартибда олиб борилган. Тергов жараёнида маҳбуснинг барча жиноий алоқалари очиб ташланиши керак бўлган.

2. Иш кўриб чиқилгач, қараб чиқиш учун «учлик»ка юборилган. Ишга ҳибсга олиш учун ордер, тинтув баённомаси, тинтувда олиб қўйилган материаллар, шахсий ҳужжатлар, ҳибсга олинганнинг анкетаси, агентура-ҳисоб материаллари, тергов баённомаси ва қисқа айблов хулосаси илова қилинган.

«Учлик»ни ташкил қилиш ва унинг иши буйруқда белгилаб берилган. Буйруқ билан республикалар, ўлкалар ва вилоятлар «учлик»лари таркиби ҳам тасдиқланган.

Ўзбекистон ССР бўйича «учлик» Н.А. Загвоздин (республика Ички ишлар халқ комиссари), А.Икромов (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби), Тўрабеков (Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари)лардан иборат тасдиқланган. Унинг йиғилишларида Ўзбекистон ССР прокурори Шейндлин, котиб сифатида эса ЎзССР НКВД Давлат хавфсизлик бошқармаси 8-бўлим бошлиғи лейтенанти Яковлев иштирок этган.

«Учлик» йиғилишларида республика, ўлка ва вилоят прокурори иштирок этишлари мумкин бўлган (агарда у «учлик» таркибига киритилмаган бўлса).

«Учлик» ўз ишини тегишли НКВД ва унинг бошқарма ҳамда бўлимлари жойлашган пунктларда олиб борган, ёки оператив секторлар жойлашган жойга бориб иш кўрган.

«Учлик» унга тақдим этилган ҳар бир маҳбус ёки маҳбуслар гуруҳи, шунингдек, сургун қилинаётган ҳар бир оила тўғрисидаги материалларни кўриб чиққан.

Ҳукмлар ижро этилганлиги ҳақидаги «учлик»лар баённомалари зудлик билан СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги Бош бошқармасининг 8-бўлимига юборилган. Унга 1-форма бўйича ҳисоб карточкалари илова қилинган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

1-тоифа бўйича ҳукм қилинганларга бир вақтнинг ўзида баённома ва ҳисоб карточкаси ҳамда тергов ишлари юборилган.

Операциянинг бориши ва натижалари тўғрисида беш кунлик маълумотлар билан ҳар ойнинг 1, 5, 10, 20 ва 25-кунлари телеграф орқали ва батафсилроқ почта орқали етказиб турилган.

Операцияни ўтказиш жараёнида янгидан очиб ташланган аксилинқилобий уюшмалар, бандитлар ва таловчилар гуруҳлари, юзага келган эксцесслар ва бошқа фавқулоддаги ҳодисалар ҳақида зудлик билан телеграф орқали хабар қилиш талаб қилинган.

Операцияларни ташкил этиш ва ўтказишда қатағон қилинаётганларнинг нолегал ҳолатга ўтишларига, яшаш жойидан қочиб кетишларига, айниқса четга чиқиб кетишига, бандитлар ва талончилар гуруҳлари ташкил бўлишига, қандайдир эксцесслар вужудга келишига ҳеч қандай йўл қўймаслик, бу борада тугал чоралар кўриш буйруқда кўрсатилган. Ҳар қандай фаол аксилинқилобий ҳаракатларни юзага келтиришга бўлган уринишларни ўз вақтида аниқлаш ва унга тезкорлик билан барҳам бериш ҳам буйруқда кўрсатилган[1].

Ана шу "катта террор" даврида, яъни 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январгача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича фақат собиқ "қулоқлар"дан 5924 киши, жиноятчилардан 1679 киши, "советларга қарши унсурлар"дан 3097 киши, жами 10700 киши қамоққа олинган. Улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2-тоифа бўйича 8—10 йил муддат билан қамоқ жазосига, меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган.

1-тоифа бўйича отувга ҳукм қилинганларнинг 1376 нафари собиқ қулоқлар, 952 нафари жиноятчилар ва 1285 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган. 2-тоифа бўйича ҳукм қилинганларнинг 4548 нафари собиқ қулоқлар, 727 нафари жиноятчилар, 1812 нафари бошқа аксилинқилобий унсурлар бўлган[2].

Кўп жилдлик архив ҳужжатлар тўпламида 1937—1938 йилларда «учлик» қарори билан ҳукмга тортилган ўзбекистонлик қатағон қурбонлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Биринчи жилдга 1937 йил 10 августдан 5 ноябргача бўлган вақт ичида «учлик» қарори билан Ўзбекистон бўйича қатағон қилинганлардан 3083 маҳбусдан 1688 киши отувга, 1369 киши 8—10 йил меҳнат тузатув лагерига (сургун қилиш шарти билан), 36 нафари қамоқдан озод қилишга ҳукм қилингани ҳақидаги маълумот киритилган.

Бу қатағон қурбонларининг миллий таркибида ўзбеклар 2361 киши, руслар 462 киши, татарлар 58 киши, қозоқлар 33 киши, турклар 31 киши, арманлар 24 киши, немислар 20 киши, украинлар 18 киши, тожиклар 16 киши, поляклар 12 киши, озарбайжон-

[1] Қаранг: Россия XX век. ГУЛАГ (Главное управление лагерей) 1918—1960. М., 2002, с. 96—104; Репрессия 1937—1938 годы. Документы и материалы. Выпуск 1. Ответ. редактор *Н.Каримов. Составители: Р.Т.Шамсутдинов, Н.Ф.Каримов, Э. Ю. Юсупов.* Ташкент, Главная редакция издательско-полиграфической акционерной компании "Шарқ", 2005, стр. 32—40; Ватанимиз ўтмишидан. Масъул муҳаррир *Р.Т.Шамсутдинов.* "ANDIJON NASHRIOT-MATBAA" очиқ акциядорлик жамияти, 2007, 113—131-бетлар.

[2] Қаранг: Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5-томах. Т.5, книга 1, 1937. 1937—1939, Москва, РОССПЭН, 2004, стр. 387—388.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лар 10 киши, уйғурлар 5 киши, афғонлар 3 киши, хитойлар 3 киши, грузинлар 3 киши, французлар 1 киши бўлган.

Маҳбусларнинг ижтимоий таркиби қуйидагича бўлган: қулоқлар 1543 киши, колхозчилар 781 киши, диний хизматчилар (имом, эшон, домла ва бошқалар) 437 киши, савдогарлар 149 киши, жиноятчилар 87 киши, бойлар 54 киши, хизматчилар 132 киши, ижтимоий аҳволи аниқланмаганлар 645 киши, улар орасида ҳунармандлар, аравакашлар, қоровуллар, сартарошлар, сотувчилар, ўт ўчирувчилар, нафақахўрлар, ногиронлар, хазиначилар, қассоблар, даллоллар ва бошқалар бўлган.

Партиявий жиҳатдан эса улардан 20 нафари собиқ "Шўрои ислом"чи, 91 нафари собиқ "миллий иттиҳод"чи, 61 нафари собиқ ВКП(б) аъзоси, 17 нафари собиқ эсэрлар, 4 нафари "иттиҳодий ва тараққий"чи, 5 нафари муссаватчи, 5 нафари интернационал демократик партиянинг собиқ аъзоси, 2 нафари собиқ "Турон" жамияти аъзоси, 3 нафари собиқ дашноқчилар, партиясизлар эса 2866 кишидан иборат бўлган. Қатағон қурбонларидан 454 нафари аввалда "босмачилик" ҳаракатида, 111 нафари колхоз тузумига, қулоқ қилишга қарши қўзғолонда иштирок этган.

Ана шундай ҳолатни 1938 йилда қатағон қилинганлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. «Учлик»нинг 1938 йил 4 февралдан 17 февралгача бўлган вақт ичида 21 та йиғилиши (баённомалар 66, 67, 68, 69, 70, 71, 72, 73, 74, 75, 76, 77, 78, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89) ўтказилиб, унда 2378 маҳбус иши кўрилади. Шундан 1977 маҳбус отувга, 393 маҳбуснинг аксарияти 10 йил, оз қисми 8 йилдан меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм қилинган, бармоқ билан саналадиган даражадаги маҳбус қамоқдан озод қилишга ҳукм этилган, айрим маҳбуслар қамоқхонада ҳукм чиққунга қадар ўлиб қолган.

"Катта террор" вақтида Ўзбекистон ҳудудидан ташқари жойларда тақдир тақозоси билан яшаб тириклик қилаётган, хусусан, ГУЛАГ ва меҳнат тузатув лагерлари, колониялардаги маҳбуслар, Украина, Шимолий Кавказ ўлкаси, Қозоғистондаги меҳнат, махсус посёлкаларда сургун азобини тортаётган "собиқ қулоқлар" ҳам такроран қатағон қилинган эди. Уларни ҳам аниқлаб ҳисоблайдиган бўлсак ўзбекистонликлардан мудҳиш «катта террор» қурбонлари миқдори анча кўпаяди. Масалан, 1931 йили Ўзбекистондан Украинанинг Херсон вилоятига сургун қилинган юртдошларимиздан, собиқ қулоқлардан Голопристан, Каховский ва Скадовский туманлари бўйича 200 га яқин меҳнат кўчкиндилари айни ана шу "катта террор" вақтида қатағон қилингани аниқланган[1]. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлардан ҳозирча 41 нафар киши қатағон қилингани аниқланди[2].

Москва ёнидаги Дмитров лагерида 1933—1938 йиллари кўплаб ўзбекистонлик маҳбуслар, собиқ қулоқлар "иккинчи беш йилликнинг буюк қурилиши" ҳисобланган Москва — Волга канали қури-

---

[1] Қ а р а н г: *Шамсутдинов Рустамбек.* Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари... 172—262-бетлар.

[2] *Шамсутдинов Рустамбек, Мамажонов Алишер.* Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати, 241—250-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лишида фаол қатнашганлар, уларнинг кўплари ўлиб кетган, маълум қисми канал қурилиб, ишга тушгандан сўнг такроран қатағон қилинган. Улардан 51 киши 1937—1938 йиллари отилиб Бутово полигонига кўмилгани аниқланди[1]. Шимолий Қозоғистон сургунидаги юртдошлардан 21 нафари айни 1937—1938 йилларда қатағон қилиниб, отиб юборилгани аниқланди[2]. Бироқ бу маълумотлар яна тўлдирилиши, ҳали маълум бўлмаган қатағон қурбонларининг бўлиши табиийдир. Чунки тегишли архивлардан ҳар хил сабабларга кўра Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида қатағон қилинган ҳамюртдошларимизнинг барчаси тўлиқ аниқланганича йўқ. Бу соҳада тадқиқот, қидирув ишлари олиб борилиши керак.

Махсус идора 1937—1938 йилларда янада кенгайган, ходимлар миқдори ҳам кўпайган ва унинг округларда бўлимлари ҳам бўлган. Пойтахт Тошкентда "учлик" томонидан отувга ҳукм қилинган маҳбуслар Тошкент турмасида ёки сиёсий маҳбуслар уйида сақланаётган бўлса, улар Юнусободдаги қатлгоҳларда, ҳозирги Шаҳидлар хотираси мажмуаси жойлашган жойда отилган. Вилоятлар бўйича отувга ҳукм этилган маҳбуслар қайси округда қамоқда бўлсалар, ўша жойдаги қатлгоҳда отилганлар, яъни ҳар бир округдаги қамоқхоналарда олий жазони ижро этувчи ходимлар бўлган. Масалан, Андижон округ сектори тақдимига кўра Тошкентдаги республика "учлиги" нечта маҳбусни отувга ҳукм қилган бўлса, ҳукм ижроси Андижонда рўйхат бўйича, қарор асосида амалга оширилган. Хуллас, республикада марказий қатлгоҳ ва жойлардаги маҳаллий қатлгоҳлар фаолиятда бўлган.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги "учлик" котиби вазифасини бажарган Яков Михайлович Яковлев мана буларни эслайди: "Учлик" ҳар соатда 100 га яқин иш кўрган, ҳукм эса икки хил: олий жазо–отиб ўлдириш ёки 10 йил ёзишма олиб бориш чекланган ҳолда қамоқ бўлган. Буларнинг иккаласи ҳам ўлим дегани эди. Ишни текшириш, муҳокама қилиш деган амалиёт қўлланилмас эди. "Учлик"нинг қарори менинг иштирокимда, НКВД коменданти Шишкин томонидан дарҳол ижро этиларди. Маҳбус отиб ташланарди. Ҳукм қилинганлар орасида ўлими олдидан "Яшасин Сталин, яшасин совет ҳокимияти!" деган хитоблар айтилганини кўп марта эшитганман. Улар назаримда, виждонан ишлаган, ҳукуматга содиқ инсонлар эди. Шишкинга ижрочилиги учун "Ҳурмат белгиси" ордени топширилганини ҳам биламан"[3].

Барча қамашлар, қатл этишлар НКВД томонидан олиб борилган, бутун қамоқхона лагерлар тизими унинг қарамоғига ўтган. Маҳбусларнинг дўстлари, қариндошлари, таниш-билишлари ҳам қамоққа олина бошланган. Террор режали олиб борилган. НКВДнинг вилоят бошқармалари, туман бўлимлари қамоққа олиш режаларини олиб турганлар. Москвада НКВДнинг шифрлаш бўлимида ишлаган Владимир Петров жўнатилган телеграммалар матнини эслаб қолган: "Фрунзе, НКВД, ўн минг "халқ душманлари" йўқ қилинсин. Ижрони бажариш ҳақида доклад қилинсин". Сверд-

---

[1] Тарихнинг ҳасратли саҳифалари... 227–278-бетлар.
[2] Ватанимиз ўтмишидан... 65–82-бетлар.
[3] *Қиличев Файзулла.* Зулматдан садолар. Тошкент, "Адолат", 1994, 142–143-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ловскка 15 минг “халқ душмани”ни йўқ қилиш ҳақида буйруқ билан телеграмма юборилган[1].

Маҳбуслар шафқатсиз қийноқларга солинар, калтакланар, бошқалар учун кўрсатмалар беришга мажбур қилинганлар. Ана шундай йўл билан олинган қандайдир кўрсатмалар асосида янгидан оммавий қамоққа олишлар бўлган.

100—150 киши бир хонага ҳайдаб келиниб, уларнинг барчасини юзлари деворга қаратиб қўйилган. Бу маҳбусларга талаб қилинаётган кўрсатмалар бергунга қадар ўтиришга ва ухлашга рухсат берилмаган. Хонага ёзув столи ва ёзув-чизув учун керакли нарсалар қўйилган. Кўрсатма беришни хоҳлаганлар ўзлари ёзиб берганлар, шундан кейин уларга ухлаш учун рухсат берилган.

Терговчилар ким кўп уриб, пачоқлаш бўйича ўзаро мусобақалашганлар. Агар терговчи кунига бирон-бир маҳбусни ўз “айби”га иқрор қилдиришни уддалай олмаса, у айбдор ҳисобланган. Аммо қандай усул билан кўрсатма олинганига эришгани билан қизиқмаганлар.

Тергов ишлари бўйича айбланган, қамоққа олинганлар миқдори қуйидагича бўлган — 1937 йилда Иттифоқ бўйича 936750 киши, Ўзбекистон ССР бўйича 14873 киши ҳибсга олинган, 1938 йилда эса Иттифоқ бўйича 641762 киши, Ўзбекистон ССР бўйича 20641 киши қамоққа олинган. 1939 йили эса Ўзбекистон ССР бўйича 695 киши қамоққа олинган[2].

Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари устидан ўлим тегирмонини айлантирган жаллодлардан бири 1898 йилда Омск шаҳрида туғилган Николай Андреевич Загвоздин деган киши бўлган. Унинг Тожикистон Ички ишлар халқ комиссари бўлиб ишлаган даврида, фақат 1938 йилнинг ўзида, шахсан берган кўрсатмалари асосида қамоқ жойларида ташкил этилган азоблаш услуби оқибатида 1578 киши судгача етмасдан ўлиб кетган.

Қамоққа олишлар кечалари ҳамма уйқуда бўлган дамда амалга оширилган. Ҳибсга олинганларга улар қандайдир фантастик ташкилотларга аъзо бўлган, Сталин ва бошқа совет доҳийлари ҳаётига тажовуз қилиш мақсадидаги суиқасдларда иштирок этган, завод, фабрика ва электростанцияларни йўқ қилишни хоҳлаган заракунандалар каби айблар қўйилган. Кўплаб партия аъзолари яширин троцкийчиликка мансубликда айбланганлар. Уларнинг деярли барчаси отиб юборилган.

Тарғибот-ташвиқот туфайли ўзлигини йўқотган, ўз ҳаёти учун қўрқиб қолган одамлар ўз қўшнилари, бирга ишлаётганлари ва ҳатто оила аъзолари устидан хилма-хил, даҳшатли ёлғон, уйдирма айблар тўқиб НКВД органларига мурожаат қилганлар. НКВД органлари олдида навбат кутиб тезроқ чақувни етказиш учун сабрсизлик билан шошилганлар ҳам бўлган.

Террор миллатни бузишга, уни таназзулга олиб келди. Албатта, Сталин қатағон қилинганлар орасида кўплаб айбсизлар борли-

---

[1] *Геллер М., Некрич А.* История России. 1917—1995. В 4-томах. М., 1996.

[2] Право на репрессии. Внесудебные полномочия органов государственный безопасности (1918—1953). “Кучково поле”, Москва-Жуковский, 2006, 340—343-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

гини биларди. Аммо, унинг фикрича, қурбонлар кампанияси кўламининг бу даражада бўлиши муқаррар эди. У ҳам дарахтга болта урилганда унинг барглари учиб кетишини яхши билган. Террор фақат коммунистларгагина қарши қаратилмади. Улар билан бирга миллионлаб партиясиз хизматчи ва ишчилар, деҳқонлар, ҳунарманд-косиблар, руҳонийлар қамоққа олинган ва концлагерларга сургун қилинган. Улар текин ишчи кучлари сафини тўлдириб турган.

Жойларда қатағонни амалга оширган жаллодларнинг иш услублари, қатағон қилиш механизми, жирканч, даҳшатли йўллари ҳақида таниқли журналист, юрист Файзулла Қиличев аҳамиятга молик мисоллар келтиради. Масалан, маҳбус Аҳмаджон Иброҳимов дастлабки сўроқ пайтида бирорта ҳам "айб"ни тан олмайди. Шунда ЎзССР НКВД комиссари ўринбосари Леонид Исаакович Немировскийнинг кўрсатмаси билан уни икки сутка давомида қийнаб тепкилаб азоблайдилар.

Ўша Немировский Хоразм ички ишлар хизматининг бўлим бошлиғи Ференсга бир ой мобайнида 50—60 кишини қамаганлигидан қониқмай, "бу иш эмас, дангасалик" деб танбеҳ беради. Унга Немировский "ишёқмаслар, қўлга олинган ҳар одам шундай сўроқ қилиниши керакки, ундан кейин ҳар куни камида ўнтача одам турма эшигини тақиллатиб турадиган бўлсин", дейди. Ана шу танбеҳдан хулоса чиқариб Ференс Хоразмда режаларни ортиғи билан бажарадиган бўлиб қолади.

"Учлик"нинг вақтинчалик котиби вазифасини бажариб турган П.Блинковнинг айтишича, жойлардан келган баённомалардаги маҳбуслар ишларини кўриб чиқиш учун бир дақиқадан уч дақиқагача вақт ажратилган. Айрим ҳоллардагина беш дақиқагача вақт ажратилган. Ҳар бир "учлик" мажлисида 500—600 тагача иш кўрилиб, шунча одамлар тақдири ҳал қилиниб юборилган[1].

"Учлик" мажлисларининг бирида П. Блинковга ўзбек маҳбуслари иши кўрилаётганда таржимонлик қилиш вазифаси юклатилади. Бир соат ичида 50 дан ошиқ иш кўрилади. Айбланувчилар асосан чет қишлоқлик одамлар бўлиб, русчани мутлақо тушунмасликлари билиниб туради.

"Учлик" мажлисини бошқарган Апресян ва Леонов, улар ёнида Романов degани ҳам бор эди, судланувчилар олиб келинганидан бошлаб айбномани ўқиб сўкишга тушиб кетардлар. Онаси ҳам, боласи ҳам, бир "соғ жойи" ҳам қолмасди. Ўзлари бундан ҳузур қилиб қолардилар. Савол-жавоб ҳам, таржима қиладиган нарса ҳам бўлмади. Судланувчилар бу сўкиш ва ҳақоратларни тушунишмасдан қараб туришар, сўнг олиб чиқиб кетиларди. Бироздан сўнг улар отиб ташланаверарди[2].

Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлиги котибиятининг бошлиғи П. С. Мартиненко деган шахснинг гувоҳлик беришича, Апресян ва Леоновлар ҳар бир ходимга қанча одам қамаганлиги ва қанчасидан "айбини тан олдириш" ҳамда "бошқаларга чиқиш"га

[1] *Қиличев Файзулла.* Ўша асар, 139-бет.
[2] Ўша асар, 139–140-бетлар.


www.ziyouz.com kutubxonasi

эришганлигига қараб баҳо берганлар. Дўндириб бажарганлар мақталган, қолганлари эса жазоланган. Оқибатда ходимлар ўртасида ўзига хос, ким ўзарга ишлаш мусобақалари бошланиб кетган.

Қатағон қилиниб меҳнат тузатув лагерлари ва меҳнат тузатув колонналарида қамоқ жазосини ўтаётганлар жуда ҳам ёмон, ачинарли аҳволда ҳаёт кечиришган. Улар касалликдан, очликдан, ташналикдан, зулм ва қийноқлардан, изғирин совуқдан, тинка-мадорни қуритадиган оғир меҳнатдан ногирон бўлиб қолган, ўлиб кетганлар кўп бўлган. ГУЛАГ лагерларидаги маҳбусларда ўлим юқори даражада бўлган. Айниқса 1937–1938 йилларда ва уруш даврида маҳбуслар ўлими юқори бўлган. 1937 йили ГУЛАГ лагерларида 908624 маҳбус бўлиб, улардан 25375 киши (2,75 фоиз) вафот қилган. 1938 йилда эса 1156781 маҳбусдан 90546 киши (7,83 фоиз) вафот этган[1]. Улар орасида ўзбекистонликлар, ўзбеклар ҳам анча бўлган.

“Катта террор” авжига минган 1937 йил 1 октябрдаги маълумотнинг 1-қисмига кўра, СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги лагерлари бўйича 20 954 ўзбек маҳбуси бўлган. Уларнинг 2 643 нафари Байкал-Амур лагерида, 1 923 нафари Волга-Москва қурилиши (Дмитров лагери)да, 1 554 нафари Углич-Рибинск қурилиши (Волга лагери)да, 1 673 нафари Оқ денгиз-Болтиқ лагерида, 687 нафари Коми АССРдаги Ухтим лагерида, 543 нафари Молдава АССРдаги Тем лагерида, 2 247 нафари Владивосток лагерида, 643 нафари Новосибирск лагерида, 3 029 нафари Тошкентдаги Ўрта Осиё лагерида қамоқ жазосини тортган, оғир меҳнат қилган эди.

Мазкур маълумотнинг 2-қисмида эса ўзбеклардан 854 кишининг Қарағанда, 12 кишининг Прорва, 23 кишининг Норильск, 1 199 кишининг Вяземск, 69 кишининг Калуга, 250 кишининг Сталин темир йўл бекати, 96 кишининг Жануби-Шарқий Гавана, 47 кишининг Подольск аэродроми, 70 кишининг Самара, 655 кишининг Шимоли-Шарқий лагерларда, жами 3 275 ўзбекнинг бўлганлиги қайд этилган.

1939 йил 1 январга оид маълумотга қараганда НКВД меҳнат тузатув лагерларида қамоқ жазосини ўтаётганлар орасида 23 855 ўзбек бўлган[2]. Бу маҳбуслар аксар ҳолларда жосуслик, террорчилик, диверсия, ватанга хиёнат, троцкийчи-зиновьевчилик, ватан хоини оиласининг аъзоси бўлишликда айбланганлар. Улар ОГПУ-НКВД органлари, жумладан, НКВД махсус кенгаши, НКВДнинг махсус “учлик”лари, Адлия халқ комиссарликлари томонидан ҳукм қилинган.

1942 йил 1 январда барча лагерларда азоб чекаётганлар орасида ўзбеклар 26 907 кишини (2 фоиз) ташкил этган бўлсаларда, Ўрта Осиё бўйича сиёсий қатағонга учраганлар орасида улар биринчи ўринда турганлар ва сиёсий қатағон гирдобига бошқалардан кўра кўпроқ тортилганлар. Республикада сиёсий қатағон ён-атрофдаги қардошларга нисбатан анча оғир ва даҳшатли кечган. Меҳнат-тузатув колониялари ва лагерларида Ўзбекистон ССР

---

[1] *Пыхалов Игорь.* Каковы масштабы “Сталинских репрессии”. http/www.geoclties.com Capitol HEEP parliament / 723 / repress him? 2006. 07.01.2006.

[2] ГУЛАГ (Главное управление лагерий) 1918–1960... 411–421-бетлар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўйича 1959 йил 1 январда 14 479, 1959 йил 1 сентябрда 17 294, 1960 йил 1 январда 10 258 киши қамоқ азобини тортган[1]. Иккинчи жаҳон урушида асир тушиб, бир амаллаб юртига қайтиб келган кўпгина юртдошларимиз қамоққа олиниб, узоқ жойлардаги концлагерларга олиб бориб ташланган. Уларнинг кўпчилиги турмаларда ўлиб кетган[2].

Ушбу китобда Ўзбекистондаги "учлик"нинг 1937 йил 10 августидан, яъни унинг биринчи йиғилиши баённомасидан 5 ноябрдаги йиғилиши баённомаси бўйича отувга, 8–10 йил меҳнат тузатув лагерлари қамоғига ҳукм этилганлар номма-ном келтирилган, улар ҳақида қисқача маълумотлар берилган. Айрим техник сабабларга кўра баъзан баённомаларни ўқиш ва ўзбекчага таржима қилиш имкони бўлмади. Айрим баённомалардаги баъзи ҳукм тафсилотлари ўқиш учун қийин бўлгани сабабли тушириб қолдирилди.

Айрим ҳолатларда қатағон қилинганларнинг маълум гуруҳларига бир хил айблар қўйилганига дуч келинади. Ўшандай бир хил айблар жойлардан келган ва Тошкентдаги "учлик"ка тақдим этилган айблов хулосаларида берилган. "Учлик" ҳукм чиқаришда ана шу айбларни қайд этиш билан кифояланиб қолган. Маҳбусларни тергов қилиб айблов хулосасини расмийлаштираётган терговчилар ва бу айблов хулосасини тасдиқлаган район, округ ички ишлар раҳбарлари, бундай тезкорлик шароитида "лимит"ни ортиғи билан бажаришни қойилмақом қилувчиларнинг шошиб иш кўрганликлари, уларнинг профессионал тажрибасизликлари каби бошқа сабаблар бўлганини ҳам эътироф этиш лозим. Ҳар ҳолда «учлик» баённомалари қандай бўлса, шундайлигича берилишига амал қилинган. Кўплаб айблар терговчиларнинг ўзлари томонидан тўқилгани ҳам сир эмас.

«Учлик» баённомаларида Ўзбекистоннинг ўша 1937–1938 йиллардаги маъмурий бўлинишидаги районлар номлари сақланиб қолинган. Масалан, ҳозирги Андижон вилоятининг Асака тумани Зеленский, Қўрғонтепа тумани Ворошилов, Бухоро вилоятининг Шофиркон тумани Бауман райони, Жондор тумани Свердлов райони деб берилган.

Баъзан қатағон қилинган маҳбуслар исми ва шарифлари баённомаларда бир неча номда берилган. Айрим ҳолатларда номлар русчада бузиб кўрсатилган. Шу боис улар имкон қадар матнда тузатиб берилди.

Шунингдек, тўпламга кирган бу ҳужжатларнинг баъзиларида шахслар номлари, жўғрофий, маъмурий номларда айрим ноаниқликлар ҳам бўлиши табиийдир. Бу ва бошқа жузъий камчиликлардан қатъи назар мазкур тўпламга киритилган ҳужжатлар ва улардаги юртдошларимиз тақдирига доир материаллар жуда катта илмий, сиёсий ва мафкуравий аҳамиятга эгадир. Чунки улар орқали яқин тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларини тиклаш, қатағон қурбонлари ҳақидаги бор ҳақиқатни англаш, билиш мумкин бўлади.

---

[1] Ўша манба, 423–428-бетлар.

[2] *Шамсутдинов Рустамбек.* Маҳбус юртдошлар қисмати. Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. Т., "Шарқ", 2006, 186–187-бетлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

# II боб.

## “УЧЛИК”НИНГ МУДҲИШ ҲУКМЛАРИ 1-БАЁННОМА. 1937 ЙИЛ 10 АВГУСТ

*“Учлик” (Загвоздин, Икромов, Тўрабеков) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган:*

**1937 йил 10 августида** қуйидагилар отувга ҳукм қилинган:

1. **Абдужабборхўжаев Абдусаттор Хўжа** — 1884 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, собиқ йирик қулоқ, 1919 йилдаги Осипов аксилинқилобий исёни иштирокчиси, катта ер эгаси ва эксплуататорнинг ўғли. Доимий равишда советларга қарши аксилинқилобий ва миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, троцкийчилик ва мағлубиятчилик, аксилинқилобий қарашлар билдирганликда айбланган.

2. **Тухватуллин Аҳмаджон Муҳамаджонович** — 1880 йили туғилган, собиқ савдогар. 1930 йили фаол аёлга террорчи акт қилгани учун олий жазога ҳукм этилган, бироқ 10 йил қамоқ жазоси билан ўзгартирилган. 1936 йили муддатидан олдин озодликка чиққан. Доимий равишда советларга қарши мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда айбланган. Ўз атрофидаги собиқ қулоқлар ва савдогарлардан гуруҳ тузиб совет ҳокимиятининг ҳалокатга юз тутиши муқаррарлигини уларга айтган.

3. **Расулев Ғани** — 1887 йили Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, собиқ савдогар. 1929 йили аксилинқилобий миллатчилик фаолияти учун 3 йилга бадарға қилинган. Доимий равишда советларга қарши тарғибот олиб борганликда, чиқишларда халқ душманларини ҳимоя қилганликда ва совет ҳокимиятининг сиёсати тўғрисида иғвогарона гаплар тарқатганликда айбланган.

4. **Саратиков Шавар Агасеевич** — 1896 йили Арманистон ССР Делижан райони Котикенд қишлоғида туғилган, армани, дашноқ. Дашноқлик фаолияти ва бандитчиликка кўмак кўрсатгани учун икки марта судланган. Аксилинқилобий, мағлубиятчилик ва миллатчилик тарғиботи олиб борганликда ва совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш учун аксилинқилобий дашноқлар ташкилотини тузишга чақирганликда айбланган.

5. **Саратиков Захар Агасеевич** — 1905 йили Арманистон ССР Делижан райони Котикенд қишлоғида туғилган, армани, дашноқ. 1932 йили бандитчиликка кўмак кўрсатгани учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Аксилинқилобий троцкийчи бандитларнинг аксилинқилобий террорчилик фаолиятини маъқулловчи гапларни бир неча бор айтганликда ва партия ҳамда совет ҳукуматига қарши террорчилик кайфиятини кескин намойиш этганликда айбланган.

6. **Юсуфзода Али** — 1900 йили Озарбайжон ССР Шуш шаҳрида туғилган, озарбайжон, дин хизматчисининг ўғли, Парижда сиёсий фанлар институтини тугатган, у жойга муссаватчилар ҳукумати томонидан юборилган. “Муссаватчи” партиясида 1917 йилдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

аъзо. 1926—1927 йиллари "Муссават" партияси иши бўйича қамоққа олинган, "Муссават" партиясининг Боку комитети аъзоси сифатида 10 йилга ҳукм қилинган, жазо муддатини 1935 йили ўтаб қайтган. Муссаватчилар партиясининг фаол аъзоси сифатида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий иш олиб борганликда, 10 йил қамоқ жазосидан кейин ҳам бу курашини тўхтатмаганликда, лагерларда жазо муддатини ўташ чоғида лагерда янгидан тузилган "Муссават" Марказий Комитети таркибига кирганликда, аксилинқилобий намойишлар ўтказишда ташкилотчилик қилганда, Озарбайжонда муссаватчиларнинг яширин аксилинқилобий ташкилотини тузишда фаол иштирок этганликда айбланган.

7. **Султонов Жалилбек Асқарович** — 1880 йили Тропизундада туғилган, миллати озарбайжон, помеҳик беклардан. 1903 йилдан 1906 йилгача Ригадаги РСДРПда; 1916 йили "Муссават" партияси аъзолигига кирган. 1918 йилдан 1920 йилгача муссаватчиларнинг аксилинқилобий парламенти аъзоси бўлган. 1927—1928 йиллари муссаватчилар партияси тор-мор қилинган пайтда Озарбайжонни тарк этиб қатағондан қутилиб қолган. Аввалида аксилинқилобий, миллатчи "Муссаватчи" партиясининг аъзоси бўлиб совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб борганликда, миллатчи аксилинқилобий ташкилот яратишга қаратилган советларга қарши фаолият олиб борганликда айбланган.

8. **Агаев Исабек Агаевич** — 1883 йили Озарбайжон ССР Агдам райони Шахвант қишлоғида туғилган, беклар табақасидан, "Муссават" партияси аъзоси, аксилинқилобий муссаватчилар партияси вақтида Агдамда ҳоким бўлиб тайинланган. 1927 йили қамоққа олинган ва "Муссават" партияси иши бўйича қамоққа ҳукм этилган. "Муссават" партияси аъзоси бўлиб мусулмон ғояларидан воз кечмаганликда, ҳибсга олингунга қадар совет ҳокимияти шаънига ҳақорат сўзлар айтганликда, пахта ҳосилдорлигини пасайтиришга қаратилган аксилинқилобий ишни колхозчилар орасида олиб борганликда айбланган.

9. **Хонбулагов Алиш Козим ўғли** — 1896 йили туғилган, Озарбайжон ССР Агдам райони Тертер қишлоғидан, миллати озарбайжон, беклар табақасидан, аксилинқилобий муссаватчилар армиясида офицер бўлиб хизмат қилган, 1920 йили Эрон ва Туркияда муҳожирликда бўлган. 1927 йили "Муссават" аксилинқилобий ташкилотининг Тертер уезди бўйича раҳбари сифатида 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, 1935 йили қамоқдан озод бўлган. Турмадан озод бўлгандан сўнг "Муссават" аксилинқилобий ташкилот аъзолари билан алоқа қилиб туришни давом эттирганликда ҳамда аксилинқилобий миллатчилик қарашлар изҳор этганликда айбланган.

10. **Доронин Денис Васильевич** — 1892 йили туғилган, Тамбов губернияси Удев қишлоғидан, рус, собиқ қулоқ, спекулянт. 1936 йили ижтимоий хавфли унсур сифатида судланган. Эмбриология ва микроология институти омборхонасига кириб олиб доимий равишда тарғибот олиб борганликда, СССРнинг ички иқтисодий аҳволи тўғрисида аксилинқилобий бўҳтон фикрлар айтганликда, СССР Герби устидан мудҳиш бўҳтонлар қилганликда айбланган.

11. **Мастриков Александр Осипович** — 1880 йили туғилган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оренбург области Такмарск қишлоғидан. 1930 йили колхозга қарши фаол аксилинқилобий фаолияти учун Шимолга, Архангельскка сургун қилинган, у жойдан қочиб кетган. Сургун жойидан қочиб Куйбишев район соғлиқни сақлаш бўлимига ишга кириб олиб, бу ерда ҳайвон учун ем-хашак тайёрлашни онгли равишда барбод қилганликда, қулоқлар билан боғланиб аксилинқилобий тарғиботи олиб борганликда, колхоз қурилишини масхара қилганликда айбланган.

12. **Возненко Василий Павлович** – 1882 йили туғилган, рус, Киев области, Киев райони Дидовшина қишлоғидан, собиқ қулоқ, баптистликни тарқатувчи, аксилинқилобий сектантлик фаолияти учун бир неча бор қамалган. 1937 йил 8 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган. Қамоқдан қутилиб аксилинқилобий сектант ташкилотлари билан алоқани тиклаганликда, СССРнинг Янги Конституцияси ва совет ҳокимиятининг дин масаласидаги сиёсатига қарши чиққанликда ва аксилинқилобий бўҳтон гаплар айтганликда, 1937 йил майида тугатилган аксилинқилобий сектант ташкилотининг нолегал йиғинларида сектантликни ташвиқот қилганликда айбланган.

13. **Савченко Семен Григорьевич** – 1879 йили туғилган, рус, Киев области, Немерице қишлоғидан, собиқ қулоқ. 1930 йили қулоқ қилинган, 1932 йили коллективлаштиришга қарши тарғибот олиб боргани учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Доимий равишда тарғибот олиб борган, СССРнинг ички иқтисодий аҳволи тўғрисида бўҳтон гаплар айтган, Янги конституция ҳақида қўпол ноцензур гаплар айтганликда айбланган.

14. **Баратов Александр Иванович** – 1890 йили туғилган, Елизаветапольск губернияси Садрут қишлоғидан, армани, баптист, тарғиботчи. 1932 йили советларга қарши тарғиботи учун 3 йил озодликдан маҳрум қилинган. Баптистлар сектасининг фаол тарғиботчиси бўлиб ўз атрофидагилар орасида советларга қарши тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий тўҳматлар тарқатганликда, ёшлар орасида баптистларнинг қизил армияда хизмат қилишига қарши эътиқод шакллантирганликда айбланган.

15. **Мороков Григорий Семенович** – 1885 йили туғилган, Горький ўлкаси Бортное қишлоғидан, баптист, тарғиботчи. 1927 йилдан 1935 йилгача аксилинқилобий фаолияти учун концлагер ва сургунда жазо ўтаган. Аксилинқилобий секта ташкилотининг аъзоси ва раҳбари бўлиб доимий равишда баптистларнинг нолегал йиғинларини ўтказиб, уларда советларга қарши тарғибот олиб борган ва аксилинқилобий ташкилотга ёшларни жалб этганликда айбланган.

16. **Эргозиев Убайдулла Қори** – 1892 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, йирик руҳонийлар оиласидан, собиқ савдогар, чайқовчи, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, 1932 йил 7 августдаги қонун бўйича 1934 йил 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, аксилинқилобий, миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилотининг собиқ аъзоси. Аҳоли орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолон тайёрлашда

www.ziyouz.com kutubxonasi

босмачиларга ёрдам берганликда, Қибрайдан яширин уй олиб, у жойда ташқаридан келган босмачиларни сақлаб турган, "Миллий иттиҳод" раҳбарияти билан босмачилар қўрбошиларини алоқа ўрнатиб туришларини ташкил этган, аксилинқилобий ташкилотга янги аъзоларни тортганликда айбланган.

17. **Содиқов Усмон** – 1900 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ўзбек, савдогар ўғли, собиқ қулоқ. Молия инспекториниургани учун судланган. 3 йил қамоққа ҳукм этилган, лагерларда туриб қочишга ҳаракат қилган. Фуқаролар гуруҳида халқлар доҳийси шаънига ноцензур гаплар айтган ва унга нисбатан террорчилик мақсадларини баён этганликда айбланган.

18. **Зупаров Тожибой** – 1880 йили туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳридан, собиқ қулоқ, 1934 йили қулоққа тортилган, пахта ўғирлагани учун 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, озод бўлгач аксилинқилобий ишини давом эттирган. Доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик, фашистик тарғибот олиб борганликда, Шайхонтохур масжидини ёпилишини ташкил этган фаолларга қарши оммани сафарбар этганликда, улар шаънига террорчилик фикрлар айтганликда айбланган.

19. **Мирзакаримов Ҳакимжон** – 1888 йили туғилган, ўзбек, Чуст райони Оқ Қўрғон қишлоғидан, ўтмишда қулоқ, камомад қилгани учун 1933 йил 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Советларга қарши тарғибот билан шуғулланган, шовинистик кайфиятда, совет ҳокимияти шароитида ҳаёт кечиришнинг иложи йўқ деб айтган, совет ҳокимиятига қарши курашда бирлашишга чақирганликда айбланган.

20. **Ден Александр Карлович**[1] – 1901 йили туғилган, Красноярск шаҳридан, поляк, 1931 йили советларга қарши тарғиботи учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган. СССРдаги очлик тўғрисида иғвогарона гаплар тарқатганликда, халқлар доҳийси шаънига ноцензур гаплар айтганликда, аксилинқилобий, троцкийчи тарғибот олиб бориб бандит Троцкийни мақтаганликда айбланган.

21. **Шуллер Эммануил Иванович** – 1872 йили туғилган, немис, 1927 йили Германия фойдасига жосуслик қилгани учун 10 йил қамоққа ҳукм қилинган, касаллиги туфайли муддатидан олдин озод қилинган, 1934 йили қамоққа олинган ва аксилинқилобий фаолият кўрсатганликда шубҳа қилиниб қамоққа олинган. Мағлубиятчилик характеридаги фашистик, провокацион тарғибот олиб борганликда радиоприёмнигидан Гитлер нутқларини қабул қилишда ўзининг ўйида ана шу эшиттиришларни эшитишни ташкил этганликда айбланган.

22. **Белиас Густав Фридрович** – 1870 йили туғилган, эстон, ўтмишида Бутун Россия бандитлар жамиятининг раиси, жосуслик учун 1930 йили 5 йил қамоққа ҳукм қилинган. Фашистларга ошкора ўз симпатиясини билдирган, Гитлерни мақтаган, доимий равишда аксилинқилобий, фашистик, мағлубиятчилик тарғибот олиб борган, партия ва совет ҳукумати раҳбарлигига бўҳтон фикрлар айтганликда айбланган.

---

[1] Унга нисбатан отув ҳукми ўзгартирилиб, 19 йил қамоқ жазоси берилган. Шу боис у 10 йил қамоққа ҳукм этилганлар рўйхатига ҳам киритилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**23. Тишенко Александр Александрович** — 1897 йили туғилган, Шарқий Қозоғистон областининг Зирянов посёлкасидан, 1919—1920 йилларда Колчакда оқ милиция бошлиғи ёрдамчиси ва Араповнинг жазо отряди бошлиғи ёрдамчиси бўлиб, коммунистларни отиб ўлдиришда иштирок этган. Муросасиз душман сифатида совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб борганликда, жазо берувчиликда айбланган.

**24. Тирсин Михаил Илларионович** — 1893 йили туғилган, собиқ оқ офицери, 1919 йили аксилинқилобий Осипов қўзғолонида қатнашган, ўша йили қўзғолон кўтариб Ўш шаҳрини босиб олган аксилинқилобий ташкилотда иштирок этган. Аксилинқилобий фаолиятини яшириб совет аппаратига ўрнашиб олганликда ва 1933 йилдан доимий равишда террористик ҳаракатларида советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

**25. РООТ Адам Андреевич (Либерт Карл Давидович)** — 1905 йили туғилган. НП АССР Марксштат шаҳридан, немис, қулоққа тортилган. 1931 йили жиноий иши учун 3 йилга қамалган, 1933 йили Москвада иккинчи марта қамоққа олинган, террорчи ташкилот аъзоси сифатида 10 йилга қамалган, лагердан қочиб кетган. Қамоқ жазосини ўтамай лагердан қочиб кетганликда айбланган.

**26. Бауман Сидор Яковлевич** — 1877 йили туғилган, немис, қулоққа тортилган, қулоқ, жосуслик-террорчилик ташкилотида РООТ билан биргаликда иштирок этган. Доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик, фашистик тарғибот олиб борганликда, шунингдек, лагерлардан қочиб келган РООТни яширганликда айбланган.

**27. Городинский Михаил Александрович** — 1887 йили туғилган, Ветлуги шаҳридан. 1928 йили 5 йил қамоққа ҳукм этилган. Советларга қарши тарғибот олиб борганликда, фашизмни мақтаганликда, мағлубиятчилик кайфиятини билдирганликда, троцкийчи-зиновьевчи аксилинқилобий марказнинг террорчилик фаолиятини маъқуллаганликда айбланган.

**28. Игнатьев Алексей Федорович** — 1901 йили туғилган, рус, Ленинград области Лужский райони Заверлужье қишлоғидан, оқ гвардиячи, собиқ савдогар, Юденичнинг оқ армиясида қатнашган, 1919 йили оқ гвардиячи қисмлар билан Эстонияга чекинган. 1933 йили нолегал тарзда СССРдан чиқиб кетган. Танишлари орасида аксилинқилобий, террорчилик фикрлар айтган, ВКП(б)га нисбатан ўзининг душман қарашларини изҳор этган, халқлар доҳийси тўғрисида аксилинқилобий латифалар айтганликда айбланган.

**29. Круне Карл Иванович** — 1888 йили туғилган, Тоболино қишлоғидан, немис, собиқ қулоқ, ҳайвон олиб сотиш билан шуғулланган. Аксилинқилобий фашистик яширин ташкилотчилари билан алоқада бўлиб советларга қарши тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти ағдарилиши билан коммунистларни отиб ташлайман деб айтганликда айбланган.

**30. Вольф Генрих Генрихович** — 1895 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, немис, собиқ қулоқ, чайқовчилик билан шуғулланган. Доимий равишда советларга қарши тарғибот олиб борганликда, террорчилик кайфият билдирганликда, партия раҳбарлари тўғри-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сида бўҳтон, аксилинқилобий кесатма гаплар айтганликда айбланган.

**31. Миллер Готфрид Готфридович** – 1903 йили туғилган, Тоболино қишлоғидан, немис, қулоқ, чайқовчилик билан шуғулланган. 1934 йили ўғирланган нарса билан чайқовчилик қилгани учун судланган. Аксилинқилобий, фашистик яширин ташкилотчилар билан алоқада бўла туриб иккиюзламачилиги учун айбланган.

**32. Левандаль Николай Лаврентьевич** – 1901 йили туғилган, рус, Ориенбаум шаҳридан, бароннинг ўғли. 1937 йил 1 январда 5 йил қамоққа ҳукм қилинган, тарғиботи учун 3 йил аввалги яшаш жойида яшамасликка ҳукм қилинган. Суд белгилаган жазони ўташ вақтида аксилинқилобий, исёнчи ячейкада бўлиб, унинг раҳбари бўлиб олган, доимий равишда аксилинқилобий йиғинлар ўтказиб, уларда аксилинқилобий, троцкийчи-фашистик тарғибот олиб борганликда, қуролли қўзғолонга исёнчи кадрлар тайёрлашда айбланган.

**33. Болтабоев Ўринбой** – 1905 йили туғилган, ўзбек, Жалолқудуқ районидан, қулоқ, 130371-рақамли маҳбус. 1934 йил 9 мартда қуролли қўзғолонда иштирок этгани ва Йўлчибоевнинг аксилинқилобий тўдасида қатнашгани учун 6 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Аксилинқилобий исёнчи ячейканинг фаол аъзоси, лагердаги маҳбуслар орасида доимий равишда тарғибот олиб бориб уларни қуролли қўзғолонга тайёрлаган, деган айб қўйилган.

**34. Эйвазов Дамир Али ўғли** – 1898 йили туғилган, миллати турк, ғишт заводи эгасининг ўғли, 135852-рақамли маҳбус, 1936 йил 2 мартда тарғиботи учун 3 йилга қамалган, унгача икки марта судланган. Аксилинқилобий исёнчи ячейканинг фаол аъзоси сифатида аксилинқилобий исёнчи тарғибот олиб борганликда айбланган.

**35. Охунов Мама Оға Бола (Абибулин Таги Мамед оға ўғли** деб ҳам айтилган) – 1913 йили туғилган, турк, ижтимоий хавфли унсур, 145061-рақамли маҳбус, бандитлиги учун ОГПУ коллегиясининг махсус кенгаши томонидан 1934 йил 8 майда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Аксилинқилобий исёнчи ячейкада бўлиб, доимий равишда аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда, ячейканинг лагердагиларни қуролли қўзғолонга тайёрлаш бўйича топшириғини олганликда айбланган.

**36. Козимов Мамеди Мамед ўғли** –1891 йили туғилган, турк, хизматчи, Ленкаран районидан, 1934 йил октябрида ўғирлик қилгани учун 10 йилга қамалган. Аксилинқилобий исёнчи ячейка фаол аъзоси бўлиб аксилинқилобий кадрлар тайёрлашдаги ишлари учун айбланган.

**37. Охунов Али** – 1895 йили туғилган, Табриз шаҳридан, турк, хизматчи, ҳукуматни дискредитация қилгани учун 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

**38. Шерматов Ҳамиджон** – 1903 йили туғилган, ўзбек, Андижон шаҳридан, 5 йил қамоқ жазосига тортилган, ундан 2 йили олиб ташланган. Лагерда туриб маҳбус сифатида маҳбуслар орасида тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий исёнчи ячейка


www.ziyouz.com kutubxonasi

ташкил эттан нолегал йиғинларда қатнашганликда, маҳбуслар орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда айбланган.

39. **Померанцев (Волгаров, Волгаков, Преснин** деб ҳам юритилган) **Александр Васильевич** — 1899 йили туғилган, Житновец қишлоғидан, 1935 йили 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Аксилинқилобий, фашистик гуруҳда бўлиб доимий равишда аксилинқилобий йиғинларда қатнашган, очиқ-ошкора советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

40. **Лобач-Лобачев Андрей Дмитриевич** — 1891 йили туғилган, рус, Азов-Қора денгиз ўлкасидан, маҳбуслик рақами 127743, тарғиботи учун 5 йилга ҳукм қилинган. Аксилинқилобий, фашистик гуруҳда бўлиб доимий равишда аксилинқилобий, фашистик тарғибот олиб борганликда айбланган.

41. **Пушкарский Федор Семенович** — 1895 йили туғилган, Бухурдинов шаҳридан (Марказий Қора тупроқли округи), рус, маҳбуслик рақами 66992, ОГПУ коллегияси йиғилишида 1931 йил 8 октябрда 3 йилга, 1933 йили эса 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Аксилинқилобий, фашистик гуруҳда бўлиб, аксилинқилобий йиғинларда қатнашган, у жойда советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

42. **Кучеров Николай Николаевич** — 1896 йили туғилган, рус, тўлиқсиз ўрта маълумотли, маҳбуслик рақами 113764, СССР НКВД махсус кенгаши контрабандаликда айбланиб 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Аввал ҳам судланган. Аксилинқилобий, фашистик гуруҳ йиғинларида доимий қатнашганликда, унда аксилинқилобий, исёнчилик фаолиятини фаоллаштиришга чақирганликда айбланган.

43. **Шимановский (Шимангорский** деб ҳам айтилган) **Борис Александрович** — 1905 йили туғилган, рус, Одесса области, Авидрополь шаҳридан, 133356-рақамли маҳбус, тарғиботи учун 1933 йил 5 йилга, 1935 йил 2 октябрда 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Аксилинқилобий фашистик гуруҳда иштирок этиб, унинг йиғинларида аксилинқилобий троцкийчи тарғибот олиб борганликда айбланган.

44. **Элеонер Карл Карлович** — 1884 йили туғилган, немис, судланган, 1924 йили ўғрилиги учун 3 йилга ва 1933 йили чегарани бузиб ўтишга ҳаракат қилгани учун 1 йилга қамоқ жазоси берилган. 1935 йили 29 ноябрда ватанга хоинлик қилгани учун ҳарбий трибунал томонидан отувга ҳукм этилган, кейин 10 йил қамоқ жазосига ўзгартирилган, маҳбуслик рақами 113865. Аксилинқилобий фашистик гуруҳ иштирокчиси сифатида йиғинларда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

45. **Бернет Владимир Александрович** — 1895 йили туғилган, Архангельск шаҳридан, маҳбуслик рақами 241350, НКВД учлиги ижтимоий хавфли унсур сифатида қамоққа ҳукм қилган. Лагерларда бўлганида маҳбус тарғиботи олиб борганликда, партия ва ҳукумат доҳийларига қарши террорчилик фикрлар айтганликда айбланган.

46. **Жалолов Жалил** — 1914 йили туғилган, ўзбек, Тошкент шаҳридан, маҳбуслик рақами 22449, бандитлиги учун 10 йилга



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳукм қилинган. Бандитлик билан машғул бўлганликда, маҳбус Жалоловни пичоқ билан қўрқитиб нарсаларини тортиб олганликда, маҳбус Отахўжаев билан биргаликда Мухтор Саидовнинг бор-будини тортиб олганликда айбланган.

47. **Фатто Хўжаев** – 1913 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, НКВД учлиги 15 йилга ҳукм қилган, маҳбуслик рақами 26117. Лагерда бандитлик қилганликда, маҳбуслардан Мухтор Саидов, Абдураимов ва 5-бригада маҳбусларини талаганликда айбланган.

48. **Раҳимов Фаттоҳ** – ўзбек, 1912 йили туғилган, Марғилон шаҳридан, махсус коллегия томонидан бандитчиликда айбланиб қамалган, маҳбуслик рақами 122453. Маҳбус бўла туриб Жалолов ва Фатто Хўжаев билан биргаликда маҳбусларни талаш билан шуғулланганликда айбланган.

49. **Султонбек Иброҳимбеков** – 1905 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ўзбек, халқ суди чайқовчилик қилгани учун 6 йил қамоққа ҳукм қилган. Хорижда қариндошлари, хусусан Алимбек ва Исабек исмли тоғалари бор, улар Буюк Британия фуқаролигини олган, разведка хизматида инглизлар учун ишлайдилар, совет ҳудудида жосуслик фаолиятида бўлганлар. Бир вақтнинг ўзида Япония фойдасига жосуслик қилган. Қошғардаги Алимбек Иброҳимбеков билан доимий алоқада бўлиб, бу алоқадан жосуслик мақсадида фойдалаганликда, нолегал тарзда қошғарликлар орқали хориждаги совет ходимларига нисбатан террорчилик актлар қилганликда айбланган.

50. **Ибодулла Махсим Отабой** – 1880 йили туғилган, Косонсой райони Саргаучи қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1922 йили босмачиликка амалий ёрдам бергани учун 8 йил озодликдан маҳрум қилинган, 1930 йили эса советларга қарши тарғибот олиб боргани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар машғулоти аниқ бўлмаган. Мусулмон руҳонийси Мавлонхонтўра Эшонхон тўра томонидан аксилинқилобий исёнчи гуруҳга тортилганликда, исёнкор ходимлар тайёрлашни мақсад қилиб қўйганликда, совет ҳокимиятини ағдариб Ўзбекистонда “Мусулмонобод” яратишда интервентларга ёрдам кўрсатганликда, Андижон ва Шаҳрихон районларида аксилинқилобий ячейкалар тузиш бўйича ташкилий чоралар кўрганликда, шахсан ўзи Исоқхон Тўраевни бу ячейкага тортганликда айбланган.

51. **Жабархон Султонхонов** – 1908 йили туғилган, Наманган шаҳридан, ўзбек, руҳоний, собиқ қулоқнинг ўғли. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳда бўлиб, гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этган, гуруҳ кўрсатмаси бўйича колхозчилар оммавий тўпланган жойларда тарғибот олиб борганликда айбланган.

52. **Умар али Жумабоев** – 1893 йили туғилган, Саховат қишлоғидан, ўзбек, диний олий маълумотли, собиқ қулоқ, собиқ босмачининг ўғли. Ҳибсга олингунга қадар ҳеч қаерда ишламаган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг фаол иштирокчилари билан боғланиб, гуруҳ топшириғи билан тарғибот олиб борганликда, варақалар тарқатганликда айбланган.

53. **Деҳқонбой Сўфи Дўсматов** – 1875 йили туғилган, ўзбек, юқори Шерехат қишлоқ совети Тумор қишлоғидан, масжидда


www.ziyouz.com kutubxonasi

сўфийлик вазифасини бажарган. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ иштирокчиси бўлиб, унинг барча яширин йиғилишларида исёнга тайёргарлик кўриш ва Ўзбекистонда "Мусулмонобод" бунёд этиш масалалари муҳокама қилинганда иштирок этганликда айбланган.

54. **Нажмиддин Баҳриддин** – 68 ёшда, ўзбек, Зармитан қишлоқ совети Рахабат қишлоғидан, 1932 йили қулоқ қилинган, сургун муддатини ўтаган, нолегал диний хизматчи бўлган. Доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғибот олиб борганликда, феврал ойидаги диний байрамда масжидда сўзлаб, тез орада уруш бўлади, совет ҳокимияти йўқ қилинади, шунда "Мусулмонобод" бўлади деб, "ҳаммамиз учун нафратли совет ҳокимиятининг тезроқ тугатилишини тилаб ибодат қилайлик", деганликда айбланган.

55. **Ҳомидов Ҳаит** – 1857 йили туғилган, Харгуш қишлоқ совети Қатағон қишлоғидан, ўзбек, диний хизматчи, 1930 йили бандитчилик учун 3 йилга қамалган. Доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик, исёнчилик тарғибот олиб борганликда, феврал ойида колхоз темирчилик устахонасида, колхозчилар иштирокида яқин орада совет ҳокимияти йўқ бўлади, уни бир бурда нон учун куну-тун ишлашга мажбур қилинаётган колхозчиларни ўзлари йўқ қилади деб айтганликда, масжиддаги йиғинда ҳам Ўзбекистонда мусулмонобод яратилишини тарғибот қилганликда айбланган.

56. **Очилов Нарзулла** – 1901 йили туғилган, Қизилтепа райони Зармитан қишлоғидан, руҳоний, имом. Советларга қарши кайфиятда бўлганлиги сабабли доимий равишда колхозчилар уйларида диний маросим ўтказиш баҳонасида тарғибот олиб борганликда, очарчилик, қашшоқлик ҳақида иғво тарқатиб, колхозларга қарши бўҳтонлар тарқатганликда айбланган.

57. **Акбархонов Эшонхон Тўра** – 1872 йили туғилган, ўзбек, Баликчи район Ниёзмасжид қишлоғидан, руҳоний, имом. Ғалла таёрлашга саботаж қилгани учун 1933 йили судланган ва 100 сўм жарима тўлаган. Шахсан ўзи аксилинқилобий ташкилотида, Афғонистондан хат олиб, совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш ва Ўзбекистонда мусулмонобод ташкил этиш мақсадида Баликчи районида аксилинқилобий гуруҳ тузиш учун чоралар кўрган, деган айб қўйилган.

58. **Умматов Мулла Мамаюсуф** – 1879 йили туғилган, ўзбек, Баликчи район Маллачек қишлоғидан, диний хизматда бўлган, собиқ йирик бой. Акбархонов ташкил этган аксилинқилобий гуруҳнинг фаол аъзоси бўлганликда, аксилинқилобий, исёнчи ходимлар тайёрлашда иштирок этган, аксилинқилобий, иғво мишмишлар тарқатганликда айбланган.

59. **Файзихўжаев Жўрахўжа** – 1868 йили туғилган, ўзбек, Баликчи райони Насриддинбек қишлоғидан, собиқ қулоқ, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий ташкилот иштирокчиси, аксилинқилобий гуруҳнинг яширин йиғинларида иштирок этганликда, интервентларга қуролли ёрдам бериш ҳақида гапирганликда, советларга қарши ташвиқот олиб борганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**60. Асранқулов Мулла Ризоқул** — 1879 йили туғилган, ўзбек, Балиқчи район Тувалди қишлоғидан, собиқ қулоқ, диний хизматда, имом. Балиқчи аксилинқилобий гуруҳининг нолегал йиғинларида тарғиботини олиб борган, совет ҳокимиятининг қулаши ва Ўзбекистонда мусулмонобод тузилиши муқаррардир деганликда айбланган.

**61. Абдукаримов Мулла Насриддин** — 1875 йили туғилган, ўзбек, Балиқчи райони Насриддин қишлоғидан, руҳоний оиладан, диний хизматчи, имом, табиб. Аксилинқилобий ташкилотнинг фаол қатнашчиси сифатида яширин йиғилишларда иштирок этганликда, совет ҳокимияти билан кураш олиб бориш учун исёнчи ходимлар тайёрлашда колхозчилар орасида тез орада совет ҳокимияти қулайди ва Ўзбекистонда “Мусулмонобод” бўлади, деб ташвиқот олиб борганликда айбланган.

**62. Бекназаров Мулла Назар** — 1872 йили туғилган, ўзбек, Балиқчи район Ниёзмасжид қишлоғидан, савдогар оиладан, диний хизматчи, табиб. Аҳолининг қулоқ қисмидаги диний сарқитлардан фойдаланиб доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борган, тез орада совет ҳокимияти тугатилади деб ташвиқот қилган, аксилинқилобий ташкилотининг исёнчи ходимлар тайёрлаш масалалари кўрилган яширин йиғилишларда қатнашган, деган айб қўйилган.

**63. Воробьев Алексей Борисович** — 1898 йили туғилган, рус, Самара шаҳридан, савдогарнинг ўғли. Ижтимоий хавфли унсур. 10 мартага яқин судланган. Қўқон станциясидаги йўловчилар орасида бўлиб совет ҳокимиятига ва ВКП(б)га қарши туҳмат, тарғиботлар қилиб, фашизмни мақтаганликда айбланган.

**64. Заурин Яков Яковлевич (Мусафронов Прокофий Алексеевич)** — 1913 йили туғилган, Омск шаҳридан, рус. 1932 йили қотиллик учун икки марта судланган. 1936 йили қуролли таловчилик қилгани учун қамалган. Легердан қочиб келганликда айбланган.

*“Учлик” қуйидагиларни 10 йил муддатга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилган:*

**1. Ден Александр Карлович** — 1901 йили туғилган, Красноярск шаҳридан, поляк, 1931 йили советларга қарши тарғибот олиб боргани учун 8 йил қамоққа ҳукм этилган. СССРдаги очлик тўғрисида аксилинқилобий, иғво гап тарқатганликда, халқлар доҳийси шаънига ноцензур сўзлар айтганликда, акслинқилобий, троцкийчи фикрлар айтиб, бандит Троцкийни мақтаганликда айбланган.

**2. Архангельский Григорий Васильевич** — 1891 йили туғилган, рус, Қозоғистон ССР, Копал шаҳридан, чор армиясининг собиқ офицери, штабс-капитани мансабида, ҳарбий трибунал 1920 йили армияни дискредитация қилгани учун 1 йил қамоқ жазоси берилган, 1926 йили нотўғри ҳужжат бергани учун хайфсан олган. 1932 йили халқ судининг 5 участкасида маст ҳолда безорилик қилгани учун 6 ой муддатга мажбурий меҳнат жазосига ҳукм қилинган. Доимий равишда советларга қарши тарғибот олиб борган, мавжуд тузумга нисбатан норозилик билдирганликда айбланган.

**3. Ниёзов Акбарали** — 1899 йили туғилган, юқори Шаҳрихон

www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоқ совети Тумор қишлоғидан. 1933 йили миллатчилиги учун ВКП(б) аъзолигидан ўчирилган. Ҳибсга олинган вақтда — колхозчи. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ иштирокчиси сифатида колхозчилар орасида акслинқилобий, исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4. **Мўтабархон Султонхонов** — 1908 йили туғилган, Наманган шаҳридан, ўзбек, собиқ қулоқнинг ўғли, руҳоний. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳга аъзо бўлиб унинг нолегал йиғинларида иштирок этган, гуруҳ кўрсатмаси бўйича колхозчилар оммавий тўпланган жойларда тарғибот олиб борганликда айбланган.[1]

## 4-баённома. 1937 йил 20 август

*"Учлик" (Загвоздин, Икромов, Тўрабеков) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган:*

**2516-сонли ишни кўриб 9 киши отувга ҳукм қилинган:**

1. **Саримсоқов Мулла Саид Аҳмад** — 41 ёшда, Марғилон шаҳридан, ўзбек, диний ишлар хизматчиси-имом, ҳунарманд. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг раҳбарларидан бири сифатида совет ҳокимиятини қуролли ағдариш учун ходимлар тайёрлаш ва Ўзбекистонда "Мусулмон" давлати тузиш бўйича ходимлар тайёрлашда айбланган. Аксилинқилобий гуруҳга Муҳамедов ва бошқаларни тортган. Ниёзботир қишлоғидаги масжидда, Содиқов, Шаҳобиддиновларнинг ва ўзининг уйларида ўтказилган яширин йиғилишларда қатнашган.

2. **Норхўжаев Саид Умархўжа** — 35 ёшда, Асака райони Ниёзботир қишлоғидан, ўзбек, диний ишлар хизматчиси, эшон, савдогарлардан. Ҳибсга олингунга қадар Қайроғоч қишлоғидаги масжидда имомлик қилган. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ раҳбарларидан бири сифатида 1936 йил августида ўз уйида йиғин ўтказиб, тарғибот қилиб, троцкийчиларнинг террорчилик фаолиятини мақтаганликда айбланган. Ниёзботир қишлоғи масжидида имом сифатида ва Шаҳобиддинов, Оллаёровлар уйларидаги йиғинларда иштирок этган.

3. **Маҳмудхонов Обохон Тўра** — 44 ёшда, Асака райони Қўнғирот қишлоғидан, ўзбек, диний ишлар хизматчиси, Қўнғирот қишлоғидан, имом. Ниёзботир қишлоғидаги масжидда аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг йиғинида қатнашганликда айбланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борган. Бўлажак очлик ҳақида иғво гаплар тарқатган.

4. **Муҳаммедов Саид Абдулла** — 60 ёшда, Арабистоннинг Макка шаҳридан, миллати араб, диний ишлар хизматчиси. 1910 йили Арабистондан келиб қолган, шундан бери Баҳрин қишлоғида имомлик қилган. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ иштирокчиси сифатида Ниёзботир қишлоғидаги масжидда ва Норхўжаев уйидаги яширин йиғинда иштирок этиб аксилинқилобий, исёнкор фикр-

[1] Айрим техник сабабларга кўра 1937 йил 10 августда "Учлик" томонидан ҳукмга тортилганларнинг ҳаммаси қамраб олинмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лар айтганликда айбланган. Аксилинқилобий, троцкийчиларнинг террорчилик фаолиятини маъқуллаб чиққан.

5. **Қосимхўжаев Нишонбой Ҳожи** — 60 ёшда, Асака районн, Қўнғирот қишлоғидан, ўзбек, 1930 йили қулоққа тортилган. 1930 йили колхозни ер билан таъминлашга қарши ҳаракат қилгани учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони ўтаб қайтган, ҳибсга олингунга қадар бирон жойда ишламаган. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг иштирокчиси сифатида Ниёзботир масжидида, Норхўжаев, Шаҳобиддинов ва Боймановлар уйларидаги яширин йиғинларда иштирок этганликда айбланган. Аксилинқилобчи троцкийчиларнинг террорчилик фаолиятини маъқуллаб гапирган.

6. **Раҳимхўжаев Исмоил Халфа** — 60 ёшда, ўзбек, Асака райони Қайрағоч қишлоғидан, турк, қулоқ, чорвадор, 1930 йили босмачилар қўрбошиси бўлган. Ҳибсга олингунча чорвадор, яккахўжалик бўлган. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзолари Норхўжаев, Маҳмудхоновлар билан масжиддаги яширин йиғилишларда иштирок қилган, совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб бориш учун мажбурият олиб, Қулучоқ Ҳожи масжидида оммавий равишда худога сиғиниш ташкил этиб, унда тарғибот олиб борган, фаолларга қарши аксилинқилобий, террорчилик кайфият билдирган, деган айб қўйилган.

7. **Довутов Мулла Отабой** — 65 ёшда, турк, Асака райони Қайроғоч ариқ қишлоғидан, савдогар оиласидан, қулоқ, ҳибсга олингунгача аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ иштирокчиси сифатида турклар масжиди ва Норхўжаев уйида бўлган аксилинқилобий йиғилишларда қатнашган, аксилинқилобий троцкийчиларнинг террорчилик фаолиятини маъқуллаган, фаолларга қарши террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

8. **Бойматов Мулла Сойиб Назар** — Асака райони Бўзариқ қишлоғидан, ўзбек, қулоқ, 1932 йили қулоққа тортилиб Беговат районига сургун қилинган, у жойдан ўша йили қочиб келган, кейинги вақтда диний хизматда бўлган, Бўзариқ қишлоғида имомлик қилган. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзоси, Хўжа масжид ва Шаҳобиддинов уйидаги яширин йиғилишда қатнашган, совет ҳокимиятига қарши фикр билдирган, колхозчилар орасида колхозга қарши, исёнчилик ташвиқот олиб борган, деган айб қўйилган.

9. **Назаров Орзиқул** — 50 ёшда, турк, Асака райони Қайрағоч қишлоғидан, яккахўжалик, чорвадор. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳга аъзо бўлганликда, Ниёзботир қишлоқ масжидидаги 1936 йил августидаги йиғинда қатнашганликда, аҳоли орасида исёнчилик, мағлубиятчилик кайфияти туғдирганликда айбланган.

*Андижон сектори тақдим этган 2674-сонли иш бўйича "учлик" 7 нафар маҳбус ҳақида ҳукм чиқаради.* Улар қуйидагилар эди:

1. **Нажмиддинов Эшон Сатратдин Махсим** — 1898 йили туғилган, Андижон шаҳридан, ўзбек, диний маълумотга эга. 1932 йили муҳожирликда бўлган, 1933 йил оммавий сургун қилиш тадбирларига қарши турганлиги учун қамалган. Турмада 4 ой ўтириб чиққан, ҳибсга олингунга қадар диний хизматда бўлган. 1933 йили

www.ziyouz.com kutubxonasi

хориждан келиб муҳожир-руҳонийлар кўрсатмаси бўйича Кўштепа қишлоғида мусулмон руҳонийларидан аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ ташкил этганликда совет ҳокимиятига қарши курашувчи ва Ўзбекистонда буржуа давлати барпо этиш учун аксилинқилобий ходимлар тайёрлаш билан шуғулланган, деган айб қўйилган.

2. **Бегматов Абдулхалил Қори** — 1887 йили туғилган, Шаҳрихон райони Сарой қишлоғидан, ўзбек. 1933 йили давлатга пахта топшириш мажбуриятини бажармагани учун 1 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтаб қайтган, ҳибсга олингунга қадар диний хизматчи, Кўштепа қишлоғи масжидида имомлик қилган. Эгамқулов уйидаги аксилинқилобий яширин йиғилишда қатнашган, колхозчилар орасида антисовет тарғибот олиб борган, гуруҳдан диндор аҳоли орасида аксилинқилобий ташвиқот олиб бориш, топшириғини олган, деган айб қўйилган.

3. **Зайнутдинов Алмуйиддин** — 55 ёшда, ўзбек, Асака райони Асака қишлоғидан, диний хизматчи, Сафаробод қишлоғи масжидида имом. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳда аъзо бўлиб, унинг яширин йиғилишларида қатнашган, совет ҳокимиятига қарши. Ўзбекистонда мусулмон давлат тузиш учун тарғибот олиб борган, деган айб қўйилган.

4. **Йўлдошев Абдухалил Ҳофиз** — 65 ёшда, Балиқчи райони Кўштепа Сарой қишлоғидан. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг яширин йиғинларида қатнашган, советларга қарши тарғибот олиб борган, у жойдан хорижга чиқиб муҳожир руҳонийлар билан алоқа ўрнатганликда айбланган.

5. **Қамбаров Мулла Боймурод** — 1878 йилда туғилган, Балиқчи район Кўштепа Сарой қишлоғидан, ўзбек, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳда бўлган, унинг яширин йиғинларида қатнашган, колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик характеридаги фикрларни тарқатган, деган айб қўйилган.

6. **Йўлдошев Мулла Низом** — Балиқчи район, Кўштепа Сарой қишлоғидан, ўзбек, оилалик, 1933 йили колхоз тузумига қарши чиққанлиги учун ҳибсга олинган, қамоқда 40 кун ётган, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳда иштирок этган, унинг яширин йиғилишларида қатнашган, колхозчилар орасида мағлубиятчилик характеридаги иғво гаплар тарқатганликда айбланган.

7. **Эгамқулов Қурамат Ҳожи** (балки Қулмамат ёки Қулаҳмад бўлиши мумкин — *Р.Ш.*), Балиқчи район Кўштепа Сарой қишлоғидан, ўзбек, "Пятилетка" колхози аъзоси. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳда иштирок этиб руҳонийларнинг яширин йиғилишларини ўтказиш учун ўз уйини берган, советларга қарши, мусулмон давлат тузиш учун курашганликда айбланган. Бу маҳбуслардан 5 киши Нажмиддинов, Бегматов, Зайнутдинов, Йўлдошев, Қамбаровлар отувга, Йўлдошев Мулла Низом билан Эгамқулов Қурамат Ҳожи 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар.

Андижон сектори "учлик" муҳокамасига 2820-сонли маҳбус **Қирғизбой Муллабоев** ишини юборган. Унда айтилишича Қирғизбой Муллабоев 44 ёшда, Учқўрғон райони Қайқи қишлоғида

www.ziyouz.com kutubxonasi

туғилган, ўзбек, катта ер эгасининг ўғли, қулоқ, ўтмишда Сотиболди Қози қўрбошининг фаол йигити бўлган, ҳибсга олингунга қадар "Қизил куч" колхозининг аъзоси бўлган. Аввалдан совет ҳокимиятига қарши душманлик кайфиятида бўлиб, партия олиб бораётган тадбирларга қарши чиққанликда, феврал ойида хотин-қизлар озодлиги учун ўтказилаётган тадбирларнинг фаол қатнашчиси Қаландаровни қўрқитганликда, апрелдаги колхозчиларнинг умумий йиғилишида аксилинқилобий, бўҳтон нутқ сўзлаганликда, айрим ҳукумат раҳбарларига нисбатан ҳақоратли гаплар айтганликда, май ойида бригадирни пахтани ягана қилишни тўхтатишга чақирганликда айблар қўйилган. "Учлик" уни отувга ҳукм қилган, унга тегишли мол-мулк мусодара қилишга ҳукм этилган.

*Андижон сектори тақдим этган 2713-сонли ишда қуйидаги ҳолат ифодаланган:*

**Умарали Мамадали** — 43 ёшда, Учқўрғон райони Қизилқулоқ қишлоғидан, қирғиз, руҳоний, савдогар оиладан. 1932 йили босмачилар тўдасида қатнашган, қамоққа олингунга қадар "Икромов" номли колхозда колхозчи бўлиб ишлаган. Душманлик кайфиятида бўлиб аксилинқилобий ва руҳоний унсурларни ташкил қилиб 1936 йил июлида ўз уйида бир қатор нолегал кенгашлар ўтказиб, уларда совет ҳокимиятини ағдариш ва қуролли қўзғолон ташкил этишни тайёрлаш масалаларини муҳокама қилишда иштирок этганликда, чиқишларда собиқ қулоқларни ташкил этишга киришиш, қурол ва ғалла заҳирасини тайёрлаш зарурлиги ҳақида фикрлар айтганликда айбланган. "Учлик" Мамадали Умаровни отувга, мол-мулкини мусодара этишга ҳукм қилган.

## 1937 йил 29 август

*"Учлик"нинг 1937 йил 29 августдаги йиғилишида 66 киши устидан ҳукм чиқарилади, шундан 36 киши 1-тоифа бўйича қатағон қилиниб отувга ҳукм этилган. Отувга ва 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар қаторида андижонликлар ҳам бўлган:*

1. **Ҳасанов Мўмин Қори** — 1867 йили туғилган, Хонобод қишлоғидан, ўзбек, руҳоний оиладан, ўзи колхозчи, қулоққа тортилган. 1930 йили пахтачилик бўйича зараркунандалик қилгани учун 8 йил қамоқ жазоси берилган, 1936 йили сохта табиблик қилгани учун район ҳудудидан ташқарига 5 йил муддатга сургун қилинган, сургун жойидан қочиб келган. Табиблик билан шуғулланиш давомида доимий равишда колхоз қурилиши ва хотин-қизларни озод қилишга қарши қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Шотўхтаев Раҳматулла** – 1890 йили туғилган, Жалолқудуқ районидан, қулоққа тортилган, сургун қилинишдан беркиниб юрган, 1936 йили колхозга кириб олган. Колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий ташвиқот олиб борган, СССРдаги очарчилик, совет ҳокимиятини тугатилиши муқаррарлиги ҳақида аксилинқилобий иғволар тарқатган, деган айб қўйилган.

3. **Омонов Фозилжон** — Жалолқудуқ қишлоғидан, ўзбек,



www.ziyouz.com kutubxonasi

қулоқлардан. Партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик ҳақида иғво гаплар тарқатган, партия ва ҳукумат сиёсатига бўҳтонлар қилганлик айби қўйилган.

4. **Ғойибназаров Жабарқул** — 1893 йилда туғилган, Жалолқудуқ районидан, қирғиз, собиқ қулоқ. 1935 йили 5 йил қамоққа хукм этилган, муддатидан олдин озод бўлган. Колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқида очарчилик ҳақида иғво гаплар тарқатганликда, совет ҳукумати сиёсатига бўҳтон қилганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга даъват қилганликда айбланган.

5. **Раҳимбердиев Мамат Иброҳим** — 1890 йили туғилган, Избоскан райони Майгар қишлоғидан, ўзбек, қулоқ, 1933 йил яширинча чегарадан Қаршига ўтиб 1934 йилгача шу жойда қолган. Қамоққа олингунга қадар колхозда дурадгорлик қилган. Қошғарда бўлганида муҳожирлар билан боғланиб Совет Иттифоқидаги деҳқонлар аҳволи тўғрисида аксилинқилобий иғво гаплар тарқатганликда, антисовет ташвиқот билан шуғулланган, колхозчиларни аксилинқилобий саботажга чақирган, колхозчилар орасида капиталистик тузумни мақтаб уни совет ҳокимиятига қарши қўйганликда айбланган.

6. **Расулов Мамарасул**—1900 йили туғилган, Андижон райони Миробод қишлоғидан, ўзбек, собиқ фаол босмачи, аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилот аъзоси бўлган, 1933 йили ОГПУ органи томонидан қамоққа олинган. Доимий равишда аҳоли ўртасида аксилинқилобий, троцкийчи тарғибот олиб борган, аксилинқилобий троцкийчиларни ҳимоя қилган, Троцкийни инқилобнинг таниқли арбоби деб мақтаган, деган айб қўйилган.

7. **Ҳайдаров Чирмаш (Ҳожиев Ҳайдар Чирмаш** деб ҳам юритилган) — 1897 йили туғилган, Избоскан райони Тошкечик қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган ва 1932 йили махсус посёлкага сургун қилинган, у жойдан қочиб кетган. Қамоққа олиш вақтида колхоз аъзоси бўлган. Колхозчилар орасида доимий равишда тарғибот олиб борган, колхозчиларнинг ҳаёт шароитларининг ёмонлиги ҳақида иғво гаплар тарқатган, инқилобгача бўлган ҳаётни мақтаган айби қўйилган.

8. **Йўлдошев Собир Қори** — 1905 йили туғилган, Избосган райони Тўрткўл қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган ва 1932 йили махсус посёлкага сургун қилинган. Ҳибсга олинганда колхоз аъзоси бўлган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий туҳмат гаплар тарқатганликда, колхозчиларни меҳнат интизомини пасайтиришга ва ишга чиқмасликка чақирган, унинг ўзи пахта чопиғи мавсумида 55 кун ишга чиқмаганликда айбланган.

9. **Толипов Мулла Азим** — 57 ёшда, Хўжаобод райони Қақир қишлоғидан, турк, 1931 йили қулоқ қилиниб махсус посёлкага сургун қилинган, у жойдан қочиб кетиб 1937 йилгача Қирғизистон ҳудудида яшириниб юрган. Ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси бўлган. Колхозга кириб олиб, колхозчилар орасида доимий равишда советларга қарши тарғибот олиб бориб колхозчиларни ишга чиқмасликка чақирган, совет ҳокимиятининг мағлубияти ва му-

сулмон давлатининг тикланиши муқаррарлигини айтган, деган айб қўйилган.

**10. Маматхўжаев Мамасоли**—1875 йилда туғилган, Хўжаобод райони, Хўжаобод қишлоғидан, ўзбек, савдогар. 1932 йили қулоққа тортилган ва сургун қилинган. 1935 йили сургундан қайтиб келиб чайқовчилик билан, ҳунармандчилик билан шуғулланган. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, очлик ҳақида иғво гаплар тарқатганликда, фаолларни, комсомолларни қўрқитиш учун террорчилик руҳидаги гаплар тарқатганликда айбланган.

**11. Тошбоев Худоёр** –1881 йили туғилган, Хўжаобод райони Ширмонбулоқ қишлоғидан, турк, савдогар, қулоққа тортилган, 1931 йили сургун қилинган, сургунликдан қочиб келган, босмачиларга кўмак берган, ҳибсга олингунгача чайқовчилик билан машғул бўлган. Советларга қарши кайфиятда бўлиб доимий равишда тарғибот олиб борган, тез орада совет ҳокимияти мағлуб бўлади деб, фаоллар шаънига террорчилик мақсадларни баён этган, яқин орада эски ҳокимият тикланади, шунда бизлар сиз фаолларни гумдон этамиз, деб айтган айби қўйилган.

**12. Сулаймонов Мулла Нишонбой** — 1900 йили туғилган, Хўжаобод райони Ширмонбулоқ қишлоғидан, турк, қулоқ оиласидан, босмачиларнинг фаол йигити. 1929 йили босмачи тўдаларининг фаол иштирокчиси сифатида қамалган, 1924 йили МТС сиёсий бўлими тадбирига қарши ҳаракати учун колхоз раислигидан бўшатилган, колхоз аъзолигидан чиқарилган. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, ҳукуматдаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида гапирган, колхозда ҳосилдорликни кўтариш бўйича тадбирларга қарши турганликда айбланган.

**13. Ўроз** — 1895 йили туғилган, Хўжаобод райони Ширмонбулоқ қишлоғидан, турк, қулоқ, фаол босмачилардан, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси бўлган. Доимий равишда антиколхоз тарғибот олиб борган, колхозга киришга қарши ташвиқот қилган, ўзи 1936 йили колхозга кирган, бригадирлигида ерга ишлов бериш ва пахта чопиғини ўтказишда зараркунандалик кўрсатмалар берган, деган айб қўйилган.

**14. Ўрозов Ғозибой** — 1902 йили туғилган, Хўжаобод райони Манак қишлоқ совети Элчибек қишлоғидан, қирғиз, қулоқ, 1931 йили пахта режасини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган. Ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Доимий равишда антисовет тарғибот билан шуғулланишда, подшолик тузумини мақтаб совет ҳокимиятига қарши қўйган, колхозчиларни ишлашдан бош тортишга чақирган, иғвогарона гаплар тарқатганликда айбланган.

**15. Усмон Четов** — 1905 йили туғилган, Хўжаобод райони Манак қишлоқ советидан, қирғиз, қулоқ. 1930 йили пахта режасини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси бўлган. Колхозчилар орасида антисовет тарғибот олиб борганликда, подшолик тузумини мақтаганликда, колхозчиларни ишдан бош тортишга чақирганликда, совет ҳокимиятига қарши бўҳтон тарқатганликда айбланган.

**16.** Андижон сектори тақдим этган 2739-сонли иш бўйича **Еги-**


www.ziyouz.com kutubxonasi

**янц Герасим Григорьевич** (1894 йили туғилган, Шипаток қишлоғидан, армани. 1930 йили тарғиботи учун 3 йил муддат билан Ғарбий Сибирга сургун қилинган) отувга ҳукм этилган. Аввалдан антисовет кайфиятда бўлиб, террорчилик кайфиятларини ифода этганликда, Германия фашистларига хайрихоҳлик билдирганликда айбланган.

**17.** Андижон сектори тақдим қилган 2670-сонли иш бўйича **Каспаров Габриэл Александрович,** унинг ўзи **Михайлов Михаил Арсентьевич,** унинг ўзи **Маилов Михаил Арсентьевич** (1900 йили туғилган, Тоғли Қорабоғ автоном области Тахтик қишлоғидан, армани, 1918 йилдан 1919 йилгача оқлар армиясида хизмат қилган, 1922 йили темир йўллар транспортида ўғирлик қилгани учун 4 йилга қамалган, 1923 йили қамоқдан қочган, 1927 йилдан 1937 йилгача ВКП(б) аъзолигида бўлган, ушбу иш бўйича айбланиб аъзоликдан чиқарилган, ҳибсга олингунга қадар район молия бўлими мовуни) **отувга** ҳукм этилган. Доимий равишда аксилинқилобий троцкийчи, фашистчилик тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, фашизм ва Гитлерни маъқуллаганликда, халқлар доҳийси тўғрисида иғво миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**18.** Ўша иш бўйича **Жевакин Петр Михайлович** (1898 йили туғилган, Киров области Киради қишлоғидан. 1918 йилдан 1819 йилгача Колчак армиясида хизмат қилган, 1935 йили ўғирлик ва камомад келтирганлиги учун 8 йилга қамалган, кассация коллегияси томонидан қамоқдан озод бўлган, собиқ ВКП(б) аъзоси, 1934 йили тозалов пайтида ВКП(б)дан ўчирилган, ҳибсга олингунга қадар район истеъмол иттифоқида инструктор) **отувга** ҳукм қилинган.

**19.** Ўша иш бўйича **Григорьев Сергей Петрович,** унинг ўзи **Григорьянц Саркис**, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 31 майдан ҳисобланган.

## 8-баённома. 1937 йил 8 сентябр

*"Учлик" (Загвоздин, Тўрабеков, Шейндлин) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган: Отувга ҳукм қилинган андижонликлар қуйидагилар:*

**1. Баҳромхўжаев Ҳасанхон** – 1888 йили Асака шаҳрида туғилган, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий, исёнчи, миллатчи, руҳониятчи ташкилот қатнашчиси интервенция ёрдамида қурол кучи билан совет ҳокимиятини ағдариш ва Ўзбекистонда мусулмон давлати — "Мусулмонобод"ни қуришни ўз вазифаси билиб аҳоли ўртасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

**2. Мадаминов Боймат Қори** – 1869 йили Ленин райони, Қўнғирот қишлоғида туғилган, савдогар оиласидан, руҳоний. 1929 йили қулоққа тортилган. 1927 йили хотин-қизларни озод қилишга қаршилик кўрсатгани учун қамоққа олинган. Ҳибсга олингунга қадар дин хизматчиси, имом бўлган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Унга ҳам юқоридаги айблар қўйилган.

3. **Исмоилжонов Мулла Исоқжон** – 1874 йили Марҳамат райони Давлат қишлоғида туғилган, дин хизматчиси, 1932 йили солиқ тўламагани учун судланган, қамоқдан қочиб кетган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

4. **Ҳамидхўжаев Юнусхўжа** – 1886 йили Ленин райони Қўнғирот қишлоғида туғилган. 1933 йили қулоққа тортилган, 1934 йили пахта экиш топшириғини бажармагани учун 1 йилга сургун қилинган. Ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

5. **Турсунқулов Абдужалил** — 1892 йили Ленин райони Қайрағоч қишлоғида туғилган, қулоқ. 1892 йили босмачилик фаолияти учун қамоқда бўлган. Аксилинқилобий, исёнчи, миллатчи, руҳоний ташкилот билан яқин алоқада бўлиб унинг фаолиятида фаол иштирок этган, аҳоли ўртасида доимий равишда аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

6. **Мўминов Мулла Жўра** – 1883 йили Ленин райони Бойстон қишлоғида туғилган, дин хизматчиси, имом. 1932 йили қулоққа тортилган, 1933 йил колхозга қарши фаолияти учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳида қатнашиб, бир неча бор йиғинлар ўтказиб, антисовет тарғибот олиб борган, ўзининг аксилинқилобий чиқишларида совет ҳокимиятига қарши курашга чақирган, мағлубиятчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борган, диндорларни динсиз фаолларни ўлдиришга чақирганликда айбланган.

7. **Нажотов Мулла Ҳафиз** – 1880 йили туғилган, Ленин райони Бойстон қишлоғидан, дин хизматчиси, имом. Руҳонийлар аксилинқилобий гуруҳининг аъзоси сифатида доимий равишда йиғинлар ўтказиб тарғибот олиб борган, аҳоли ўртасида мағлубиятчилик, колхозга қарши ташвиқот олиб борганда айбланган.

8. **Матмусаев Мақсуд** – 1891 йили туғилган, Ленин райони Янги қишлоғидан, қулоқ. 1929 йили босмачилик бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, жазони ўтаган. Аҳоли орасида мунтазам аксилинқилобий, мағлубиятчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борган, маҳаллий совет фаолларига қарши қаратилган террорчилик ҳақида фикрлар айтганликда айбланган.

9. **Эгамбердиев Тешабой** – 1885 йили Ленин райони Толмозор қишлоғида туғилган. 1919 йилдан 1924 йилгача босмачилар тўдасида бўлган, бунинг учун қамалган, 1932 йили қулоққа тортилган. Деҳқонлар орасида доимий равишда антисовет тарғибот олиб борган, колхозга ишламасликка чақирган, совет ҳокимиятига нисбатан мағлубиятчилик қарашларда бўлган, шунингдек, аксилинқилобий террорчилик фикрлар айтганликда айбланган.

10. **Матқосимов Ҳакимжон** – 1892 йили Балиқчи район Аглям қишлоғида туғилган, уйғур, қулоқлардан, босмачилар қўрбошиси бўлган, босмачиликдаги фаолияти учун 1923 йили қамалган. 1933 йили ҳайвон ўғирлаганликда айбланиб, колхоздан чиқарилган. Доимий равишда аҳоли ўртасида аксилинқилобий, колхозга қарши



www.ziyouz.com kutubxonasi

тарғибот олиб борган, маҳаллий совет фаолларига қарши қаратилган террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

11. **Нугрин Николай Филипович** – 1905 йили Пятигорск шаҳрида туғилган, рус. 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазо муддатини Наманган лагерида ўтаган, у жойдан муддатдан олдин озод қилинган, ҳибсга олингунга қадар Асака пахта заводи автобазасида механик бўлиб ишлаган. Завод ишчи ва хизматчилари орасида доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти ва Компартия шаънига бўҳтон, ноцензур гаплар айтганликда айбланган.

12. **Қирғизбоев Абдулфаттоҳ** – 1909 йили Ленин райони Ахтачи қишлоғида туғилган, уйғур, қулоққа тортилган. 1932 йили махсус посёлкага сургун қилинган, 1934 йили яширин йўл билан чегарадан ўтиб кетган, 10 йил мажбурий ишларга ҳукм қилинган. Қишлоқ совети раиси устидан террорчилик акти ўтказишга уринганликда, доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, чет эл ҳаётини мақтаганликда айбланган.

13. **Самсоқов-Салимсоқов Йўлдош Махсум** – 1909 йили Ленин райони, Октябрь қишлоқ совети Толмазор қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, 1933 йили колхозга қарши ташвиқоти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган. Аҳоли ўртасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик характеридаги ташвиқот олиб бориб, ўзини совет ҳокимиятига қарши чиқишини изҳор қилганликда айбланган.

14. **Нишонбоев Ҳожи** – 1897 йили Ленин райони Бозорбоши қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, 1933 йили чайқовчилиги учун 4 йил турма жазосига тортилган, жазони ўтаб келган. Аҳоли ўртасида доимий равишда мағлубиятчилик характеридаги тарғиботи олиб бориб, комсомол фаоллар устидан террорчилик акти содир этишга уринган, колхозчилар орасида террорчилик мақсадларини айтиб, халқ душмани – Троцкийни мақтаганликда айбланган.

15. **Матҳолиқов Саксон** – 1887 йили Ленин райони Октябрь қишлоқ совети Толмозор қишлоғида туғилган. Аҳоли ўртасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига нисбатан мағлубиятчилик қарашлар билдирганликда айбланган.

16. **Нурматов Эргашбой** – 1883 йили Ленин райони Толмозор қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ. 1936 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатидан аввал озод қилинган. Деҳқонлар орасида доимий равишда колхозларни барбод бўлишига қаратилган тарғибот олиб борган, колхозчиларни колхозда ишламасликка чақирган, совет ҳокимияти шаънига мағлубиятчилик фикрлар айтганликда айбланган.

17. **Тожибоев Тўйчи** – 1885 йили Ленин райони Тахтакўприк қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ, муҳожирликда бўлган. Аҳоли ўртасида мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борган, совет ҳокимияти шаънига террорчилик фикрлар айтганликда айбланган.

18. **Мирзаев Бозорбой** — 1900 йили Ленин райони, Толмозор қишлоғида туғилган, қулоқ, 1932 йили 5 йил қамоққа ҳукм этил-


www.ziyouz.com kutubxonasi

ган. Деҳқонлар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борган, совет ҳокимиятига нисбатан мағлубиятчилик қарашлар билдирган, аксилинқилобчи Троцкийчиларни мақтаган, уларнинг отилишига ҳамдардлик билдирганликда айбланган.

**19. Мирзаев Омонқул** – 1900 йили Икромов райони Синча қишлоғида туғилган, ўтмишида босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, 1932 йили қулоққа тортилиб махсус посёлкага сургун қилинган.

**20. Отаёров Қозоқ** — 1890 йили Гулякандоз қишлоғида туғилган, қулоқ, пахта экиш ҳақида ёлғон маълумот бергани учун судланган. 1932 йили қулоққа тортилиб махсус посёлкага сургун қилинган. Аксилинқилобий кайфиятда бўлиб доимий равишда махсус кўчирилганлар ва совхознинг эркин ёлланган ишчилари орасида тарғибот олиб борган, совет ҳокимиятини ағдаришга чақирган, СССРдаги очлик ҳақида иғво миш-мишлар тарқатган. Махсус кўчирилганларни махсус посёлкадан қочиб кетишга чақирган, партия ва ҳукуматга нисбатан террорчилик кайфият билдирган, СССРнинг Янги Конституциясига бўҳтон қилган, махсус посёлка комендатураси ходимларига қарши теракт тайёрлаганликда айбланган.

**21. Давлатов Саид** – 1902 йили Тўйтардир қишлоғида туғилган, ўтмишида босмачилик ҳаракатида фаол қатнашган. 1932 йили қулоққа тортилган ва махсус посёлкага сургун қилинган. Аксилинқилобий кайфиятда бўлиб махсус кўчирилганлар ва эркин ёлланма ишчилар орасида доимий равишда тарғибот олиб борган Тухачевский ва бошқа халқ душманларининг отилиши муносабати билан совет ҳокимиятига қарши тўҳматлар қилган, Совет Иттифоқига нисбатан мағлубиятчилик кайфиятлар билдирган, партия ва халқлар доҳийсига аксилинқилобий туҳматлар қилган, НКВД махсус посёлкаси комендатураси ходимларига қарши теракт тайёрлашда айбланган.

**22. Исматов Абдулла** – 1880 йили Избоскан райони Луғумбек қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, 1931 йили озодликдан маҳрум этилган. Ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси бўлган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борган, заёмга ёзилишга қарши чақирган, гўё турмаларда совет ҳокимияти одамларни очликдан ҳалок қилмоқда, уриб азоб бермоқда деган иғволар тарқатганликда, пахта теримини барбод қилишга ташвиқот қилишда айбланган.

**23. Абдуллаев Убайдулла** – 1878 йили Избоскан райони Тўраобод қишлоғида туғилган, собиқ босмачи, қулоқ. 1932 йили солиқ тўламагани учун 3 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган, ҳибсга олинган пайтда Икромов номли 1-совхозда ишлаётган бўлган. Аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида, колхоздаги чидаб бўлмас аҳвол ҳақида аксилинқилобий бўҳтон тарқатганликда, колхозчиларни колхоздан чиқиб кетишга чақирганликда айбланган.

**24. Умарбоев Ҳайдар Ҳожи** – 1862 йили Избоскан райони Тамакичи қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат солиғини тўламагани учун 1 йил қамоқ, 5 йил сургунга ҳукм



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинган, сургун муддатини бажармаган, ҳибсга олинганида машғулоти аниқ бўлмаган. Колхозчилар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида тарғибот олиб борган, мавжуд тузумга норозичилик билдирган, монархик тузумни мақтаганликда, масжидларни бекитилишига қаршилик кўрсатган, бошқа фуқароларни масжид бекилишига қаршилик кўрсатишга чақирганликда айбланган.

**25. Сатимов Қорабой** – 1882 йили Избоскан райони, Бешкапа қишлоғида туғилган, собиқ фаол қўрбоши, 150 га яқин йигити бўлган. Ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси бўлган. Колхозчилар орасида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий туҳматлар тарқатган, гўё совет ҳокимияти катта миқдорда ғалла заҳирасига эга бўлиб туриб уни деҳқонларга бермаётибди, шу боис чор тарафда уруш бўлмоқда, тез орада Совет Иттифоқига қарши уруш очилади деб айтган, колхоз раҳбарларига қарши террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

**26. Ҳамдамов Мулла Тўрабой** – 1874 йили Уйчи райони Ёр-Қўрғон қишлоғида туғилган, ўзбек, олий диний маълумотли. 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони ўтаган, дин хизматчиси — имом бўлган. Совет ҳокимиятига қарши курашиш ва халқаро буржуазияга ёрдам кўрсатиш учун муҳожирлардан аксилинқилобий гуруҳ тузиш тўғрисида бевосита кўрсатма олган, 1935—1936 йиллари мусулмон руҳонийларининг бир неча нолегал йиғинларини ўтказган, унда совет ҳокимияти билан курашиш методлари масаласи муҳокама этилган. Туркия, Афғонистон, Эрон ва Ўзбекистонни қўшиб бирлашган мусулмон давлати тузишни тарғиб этган, бу масала бўйича мурожаатнома тайёрлаган, деган айб қўйилган.

**27. Мирзаев Зокиржон** — 1898 йили Избоскан райони Пойтуғ қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, режа топшириқларни бажармагани учун 1931 йили 2 йил қамоққа ҳукм қилинган. Аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, отилиб кетган халқ душманларига ҳамдардлик билдириб, улар фаолиятини мақтаганликда айбланган.

**28. Асқаров Абдулла** — 1902 йили Избоскан райони Майгир қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, 1970 йили пахта мажбуриятидан бош тортгани учун 1 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси бўлган.

**29. Жума Чўтбоев** — 46 ёшда, турк, Хўжаобод райони Уймавут қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, 1934 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтаган. Аҳоли орасида советларга қарши антисовет, мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, монархия тузумини мақтаганликда айбланган.

**30. Ирисқулов Қозоқбой**—1867 йили Пахтаобод райони Маданият қишлоғида туғилган, ўзбек, собиқ қулоқ, сургунда бўлган, босмачилик ҳаракатининг фаол қатнашчиси, ҳибсга олингунга қадар Икромов номли 4-совхозда ишчи бўлиб ишлаган. Атрофдагилар орасида колхоз қурилишини заифлашуви ва бузилиб кетишига қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**31. Соиб Маниёзов** — 33 ёшда, уйғур Хўжаобод тумани Пақир қишлоғидан, қулоққа тортилган. Колхозчилар орасида колхозлар тарқалиб кетишига қаратилган тарғибот олиб борган, монархияни мақтаб совет ҳокимиятига нисбатан аксилинқилобий туҳматлар қилганликда айбланган.

**32. Маслов Андрей Иванович**—1889 йили Уфа губернияси Сосиқул қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган. 1930 йили ОГПУ Коллегияси РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси билан 5 йил қамоққа ҳукм этилган. Ҳибсга олингунга қадар "Востоколес" омборхонасида қоровул бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий кайфиятда бўлган, советларга қарши тарғибот олиб борган, совет турмаларидаги маҳбуслар очликда, чидаб бўлмайдиган шароитда ўтирибди, деган аксилинқилобий туҳматлар тарқатган, Совет Иттифоқи аҳволи тўғрисида аксилинқилобий тўқима иғволар тарқатганликда айбланган.

**33. Имонқулов Субхонқул**—1882 йили Избоскан райони Ташкачи қишлоғида туғилган, қулоқ. 1931 йили чайқовчилик учун ГПУ органлари томонидан 5 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси бўлган. Колхозчилар орасида колхозлар тўғрисида аксилинқилобий, бўҳтон ва иғво гаплар тарқатган, монархик тузум давридаги деҳқонлар ҳаётини мақтаганликда айбланган.

**34. Мулла Бобоев Мулла Қўчқор Мухитдин Мингбоши** — 1872 йили Балиқчи район Чўнқайма қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган. 1931 йили хорижга қочиб кетган, у ердан яширинча 1933 йили қайтиб келган. Ҳибсга олинганда машғулоти аниқ бўлмаган. Руҳоний муҳожирларнинг топшириғи билан совет ҳокимиятига қарши курашиш ва мусулмон давлати тузиш учун аксилинқилобчи, исёнчи ходимлар тайёрлаш борасида қатор чоралар кўрган, Фарғона водийси қишлоқлари бўйича юриб тарғибот олиб борганликда айбланган.

**35. Ҳасанов Қорёғди** – 1900 йили Марҳамат райони Бар-Бар қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган. Колхозга кириб олиб, колхоз қурилиши заифлашуви ва бузилиб кетишига қаратилган антисовет тарғибот олиб борган, колхозчиларни колхоздан чиқишига мулкни умумийлаштиришига қаршилик кўрсатишга чақирган, мағлубиятчилик кайфиятини туғдириш, монархик тузумдаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

**36. Анорбоев Хонтўра** – 1888 йили Ойим райони Дардақтепа қишлоғида туғилган, собиқ йирик қулоқ, босмачилик ҳаракатининг фаол қатнашчиси. 1929 йили судланган, жазони ўтамай турмадан қочган, ҳибсга олинганда аниқ машғулотга эга бўлмаган. Аҳоли орасида доимий равишда тарғибот олиб борган, совет ҳокимиятига нисбатан мағлубиятчилик кайфиятини билдирган, ҳатто ноцензур гаплар айтганликда айбланган.

**37. Учаев Григорий Семенович** – 1882 йили Саратов области Дубовицкое қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, 1932 йили ОГПУ учлиги 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган, жазони ўтаган. Аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик


www.ziyouz.com kutubxonasi

тарғибот олиб борган, монархик тузумдаги ҳаётни мақтаб, ишчиларни қўзғолонга чақирганликда айбланган.

**38. Еникеев Габдулла Юсупович** – 1891 йили Куйбишев области Наверким райони Бичеево қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ. Совет ҳокимиятидан норози бўлгани учун колхозчилар орасида колхозларнинг бузилиб кетишига қаратилган антисовет тарғибот олиб борганликда айбланган.

**39. Бабальянц Михаил Мирзаевич** – 1888 йили Озарбайжоннинг Феджамол қишлоғида туғилган. 1930 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олинган пайтда Ворошилов қишлоқ Матлубот жамиятида ишлаётган бўлган. Совет ҳокимиятидан норози бўлиб доимий равишда антисовет тарғибот олиб борган, партия ва ҳукумат доҳийсига аксилинқилобий туҳматлар тарқатган, совет ҳокимиятини қулаши ҳақида мағлубиятчилик кайфиятлар билдирганликда айбланган.

**40. Норбоев Мадали** – 1881 йили Жалолқудуқ райони Чангар қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, 1932 йили сургун қилинган, у ердан қочиб келган, машғулоти аниқ эмас. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, монархик тузумдаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

**41. Раҳмонбердиев Ўрмон** – 1875 йили Ворошилов райони Хўжамшукур қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, жазони ўтаган. Доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган антисовет тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик кайфият билдириб колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда айбланган.

*«Учлик»нинг ўша 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилишида 10 йил муддатга меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм қилинганлар орасида маҳаллий миллат кишиларидан қуйидагилар бўлган:*

**1. Мўминов Мадолимхалфа** – 1886 йили Ленин райони Бойстон қишлоғида туғилган, дин хизматчиси, имом, қулоқ. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи қатнашчиси сифатида доимий равишда йиғинлар ўтказиб, уларда тарғибот олиб борган, аҳоли орасида мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот юргизганликда айбланган.

**2. Исаев Мулла Сиддиқ** – 1888 йили Ленин райони Сойбўйи қишлоғида туғилган, ўтмишда бой, 1931 йили колхоз мулкини талаганлиги учун 6 йилга қамоқ жазоси берилган. Ҳибсга олиш пайтида "Октябр" колхози аъзоси эди. Доимий равишда мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борган, колхозчиларни пахта экмасликка чақирган, партия ва ҳукумат доҳийсига туҳматлар тўқиган, террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

**3. Холиқов Анорқул** – 1914 йили Икромов райони Ингичка қишлоғида туғилган, қулоқлар оиласидан, 1932 йили қулоқ қилинган ва махсус посёлкага сургун қилинган. Аксилинқилобий кайфиятда бўлиб махсус кўчкиндилар ва совхознинг эркин ёлланма ишчилари орасида тарғибот олиб бориб совет ҳокимиятига туҳматлар ёғдириш СССРдаги очлик ҳақида гаплар тарқатиб махсус кўчкиндиларни махсус посёлкага қочиб кетишга, Халқ Комиссарлар Со-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ветининг собиқ раиси Ф. Хўжаевни ишдан олинишига ҳамдардлик билдирган. Партия ва халқлар доҳийсига аксилинқилобий тўҳматлар қилиб, НКВД махсус посёлка комендатураси ходимларига теракт тайёрлаганликда айбланган.

4. **Ҳолиқов Омонқул** – 1910 йили Икромов райони Ингичка қишлоғида туғилган, қулоқлар оиласидан, 1932 йили қулоққа тортилиб махсус посёлкага сургун қилинган. Аксилинқилобий кайфиятда бўлиб педагогик курсларда бўлганида ўқитувчилар орасида тарғибот олиб борган, партия ва ҳукумат раҳбарларига туҳматлар қилган, Халқ Комиссарлар Советининг собиқ раиси Ф. Хўжаевни мақтаб, совет ҳокимиятига нисбатан мағлубиятчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

5. **Мўминов Тожибой** – 1890 йили Избоскан райони Луғумбек қишлоғида туғилган, қулоқ, 1932 йили солиқ тўламаганлиги учун 3 йил қамоқ жазосига тортилган. Ҳибсга олиниш пайтида Сталин номли колхоз аъзоси бўлган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, иғвогарлик тарғибот олиб борган, Халқ Комиссарлар Советининг собиқ раиси Ф. Хўжаевни ишдан олинишига ҳамдардлик билдирган. Колхозни тарқаб кетишини мақсад қилиб колхозчиларга тўланадиган пулни бошқа соҳаларда фойдаланган, оқибатда колхозчиларнинг норозилиги юзага келиб, уларнинг айримлари колхоздан чиқиб кетишига сабаб бўлганликда айбланган.

6. **Орипов Мулла Увайс** — 1899 йили Учқўрғон райони Қайқи қишлоғида туғилган, ўзбек, руҳоний оиладан, 1930 йили кооператив мулкни ўзлаштиргани учун 2 йилга қамалган. Жазони ўтаб келган, ҳибсга олинганида Қайқи тайёрлов пунктида ишлаётганди. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳига кириб олиб, руҳонийларнинг нолегал аксилинқилобий йиғинларида совет ҳокимиятига қарши кураш методлари масалалари муҳокама қилинганда иштирок этган, диний китобларга аксилинқилобий тус берган, тез орада совет ҳокимиятини қулаши ва Ўзбекистонда “Мусулмонобод” яратилиши ҳақида гаплар тарқатган, араб имлосида битилган аксилинқилобий мурожаатномалар сақлаган, барча мусулмон давлатларнинг бирлашишига даъват этувчи мурожаатномалар олиб турган, уларнинг нусхаларини Украинага сургун қилинган, ўзбек қулоқлари яшаётган махсус посёлкаларга махсус алоқа йўли билан юбориб, уларни сабр қилишига, тез орада яна эскича яшаш вақти келади деб чақирганликда, ҳибсга олинган пайтда ўшандай мурожаатнома қўлга олингани учун айбланган.

7. **Қаландаров Мулла Пошшо Хўжа** – 1889 йили Учқўрғон райони Қайқи қишлоғида туғилган, ўзбек, диний хизматчи, имом. Руҳонийларнинг нолегал йиғинларида қатнашиб, тез орада совет ҳокимияти қулайди ва мусулмонлар ҳукумати ўрнатилади деб айтган, аксилинқилобий исёнчи ходимлар тайёрлаш бўйича иш олиб борганликда айбланган.

8. **Мансуров Мулла Дадамирза** – 1872 йили Наманган шаҳрида туғилган, диний хизматчи, имом. Руҳонийлар гуруҳига аъзо бўлиб бир қатор нолегал йиғинларда қатнашган, унда совет ҳокимиятига қарши курашиш ва Ўзбекистонда мусулмонлар давлатини барпо қилишга тайёрлаш масалалари муҳокамасида иштирок эт-


www.ziyouz.com kutubxonasi

ган, аксилинқилобий мурожаатнома тузишда қатнашганликда айбланган.

9. **Исматхўжа Мулла Абдуғани** – 1905 йили Учқўрғон райони Қайқи қишлоғида туғилган, ўзбек, руҳоний оиладан, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий руҳонийлар гуруҳига кириб, ноле-гал йиғинларда аксилинқилобчи, исёнчи ходимлар тайёрлаш, бунда энг аввало собиқ босмачи ва қулоқларга ишониб иш кўришликни маслаҳат берганликда айбланган.

10. **Асқаров Абдурауф** – 1905 йили Избоскан райони Майгир қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган. Ҳибсга олинганда колхоз аъзоси эди. Колхозчилар орасида заёмга қарши тарғибот олиб борган. Халқ Комиссарлари советининг собиқ раиси Ф.Хўжаевни ишдан олинишга ҳамдардлик билдирганликда айбланган.

11. **Умурзақов Матқобил** – 1899 йили Хўжаобод райони Уйматут қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган, пахта топшириш мажбурияти ва гўшт топшириш солиғини тўлашдан бош тортгани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, оқибатда колхоз ишлари издан чиқаётганликда айбланган.

12. **Раҳимбердиев Раҳимжон** – 1898 йили Андижон шаҳрида туғилган, 1922 йили босмачи тўдаларда қатнашган, 1935 йили магазинга ўғирлик қилиш учун тушганликда айби қўйилиб, қамоққа олинган. 1936 йилга қадар якка хўжалик бўлиб, гўшт сотиш билан машғул бўлган. 1937 йил мартида колхозга кирган, 1937 йил майида ишга чиқмаганлиги ва ичкилиги учун колхоздан чиқарилган. Ҳибсга олинганда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхоздан ҳайдалгандан нафратланиб маҳалла комиссияси раисини ўлдираман деб қўрқитган. 1930 йил 28 июлида Қизил чойхонада бир неча киши иштирокида халқлар доҳийси шаънига ноцензур сўзлар билдирган, террорчи кайфиятини намойиш қилган, пичоқ билан Ўзбекистон партия ташкилоти раҳбарининг портретини кесиб юборганликда айбланган.

13. **Раҳимов Қодирқул** – 1893 йили Пахтаобод райони Омончўра қишлоғида туғилган, қулоққа тортилган. 1930 йили колхоз раисини ўлдирганлиги учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, жазони ўтаган. Колхозчилар орасида антисовет тарғибот олиб борган, колхозни тарқаб кетиши, экинларга, пахтага ишлов бериш ишига зарар келтирганликда айбланган.

14. **Тўхташев Бектош** — 1868 йили Пахтаобод райони Избоскан қишлоғида туғилган, собиқ қулоқ. 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун судланган. Колхозчилар орасида колхозни тарқатиб юборишга қаратилган антисовет тарғибот олиб борганликда айбланган.

15. **Йўлдошев Мамажон** — 1886 йили Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғида туғилган. 1930 йили қулоққа тортилган ва ЎзССР Жиноят кодексининг 168-моддаси билан судланган. Совет ҳокимияти тадбирларидан норози бўлиб колхозчилар орасида доимий равишда тарғибот олиб борган. Совет ҳокимияти сиёсатига туҳматлар қилган, очлик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

*"Учлик" 1937 йил 8 сентябрдаги йиғилишда Фарғона шаҳар ички ишлар бўлими тақдим этган 4181-иш бўйича 2 кишини отувга ҳукм этган:*

1. **Салабонов Степан Иванович** — 1872 йили туғилган. Болгариянинг Лесовец шаҳридан, 1930 йили "қулоқ"қа тортилган ва Шимолга сургун қилинган. Қамоққа олинганида машғулоти аниқ бўлмаган. Атрофидагилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик, тарғибот олиб борганликда, троцкийчиларни мақтаганликда, матбуот ва ички ишлар халқ комиссарлиги органлари шаънига бўҳтон гаплар айтганликда айбланган.

2. **Слабанов Николай Степанович** — 1893 йили туғилган, Днепропетровек шаҳридан, болгар, қулоқ, 1930 йили қулоқ қилиниб Шимолга сургун этилган. Ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган. Отаси билан биргаликда ўз атрофидагилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийси, матбуот ва НКВД органлари тўғрисида бўҳтон гаплар айтиб, троцкийчиларни мақтаганликда айбланган.

*Андижон сектори тақдим этган 2569-иш бўйича 5 киши отувга ҳукм этилган:*

1. **Баҳромхўжаев Ҳасанхон** — 1888 йили Асака шаҳрида туғилган, диний хизматда бўлиб имомлик қилган. Ўз олдига интервенция ёрдами билан совет ҳокимиятини ағдариб, Ўзбекистонда "Мусулмонобод" мусулмон давлатини тузишни мақсад қилиб олган аксилинқилобий, исёнчи, миллатчи, диний ташкилотнинг иштирокчиси сифатида аҳоли ўртасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Мадаминов Боймат Қори** — 1869 йили Асака райони Қўнғирот қишлоғида туғилган, савдогар оиласидан, қулоқ, руҳоний. 1929 йили қулоқ қилинган. 1927 йили хотин-қизларни озодликка чиқишига қарши ҳаракат қилгани учун қамоққа олинган. Ҳибсга олингунга қадар диний хизматда, имом бўлган.

3. **Исмоилжонов Мулла Исоқжон** — 1874 йили Марҳамат райони Давлар қишлоғида туғилган, дин хизматчиси, 1932 йили солиқ тўламагани учун судланган, қамоқдан қочган. Ўз олдига совет ҳокимиятини қуролли ағдариш ва Ўзбекистонда "Мусулмонобод", мусулмон давлатини яратишни мақсад қилиб олган аксилинқилобий, исёнчи, миллатчи, диний ташкилот иштирокчиси сифатида аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик, антиколхоз ҳамда хотин-қизларнинг озод қилинишига қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

4. **Ҳамидхўжаев Юнусхўжа** — 1886 йили Асака райони Қўнғирот қишлоғида туғилган, 1933 йили қулоқ қилинган. 1934 йили пахта экиш бўйича топшириқни бажармагани учун 1 йилга сургун қилинган. Ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси бўлган. Аксилинқилобий, исёнчи, миллатчи, диний ташкилот иштирокчилари билан яқиндан боғланиб, унинг ишида фаол қатнашганликда, аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик, антиколхоз тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхозда ишламасликка ташвиқот қилганликда айбланган.

5. **Турсунқулов Абдужалил** — 1892 йили Асака райони Қай-



www.ziyouz.com kutubxonasi

роғоч қишлоғида туғилган, қулоқ. Босмачилик фаолияти учун 1929 йили қамоқда бўлган. Аксилинқилобий, исёнчи, миллатчи, диний ташкилот иштирокчилари билан яқиндан боғланиб унинг ишида фаол қатнашганликда, аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

*Андижон сектори тақдим этган 2660-иш бўйича 2 киши отувга ва 1 киши 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган:*

1. **Мўминов Мулла Жўра** — 1883 йили Асака райони Бойстон қишлоғида туғилган, дин хизматчиси, имом. 1932 йили қулоқ қилинган, колхозга қарши фаолияти учун 1933 йили 2 йил қамоқ жазосига тортилган. Аксилинқилобий руҳонийлар гуруҳи иштирокчиси сифатида бир неча йиғинлар ўтказиб, уларда советларга қарши тарғибот воситаси билан ҳозир бўлганларга аксилинқилобий йўналишда таъсир ўтказганликда, ўзининг аксилинқилобий чиқишларида совет ҳокимиятига қарши кураш олиб боришга чақирганликда, доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик, антиколхоз тарғибот олиб борганликда, динга ишонувчиларни динга қарши турган фаолларни ўлдиришга чақирганликда айбланган.

2. **Нажотов Мулла Ҳофиз** — 1880 йили Асака райони Бойстон қишлоғида туғилган. 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоқ жазосига тортилган. Диний хизматчи. Аксилинқилобий руҳонийлар гуруҳида аъзо бўлиб, йиғинлар ўтказиб, уларда йиғинда ҳозир бўлганларни аксилинқилобий йўналишга солиб юборувчи тарғибот олиб борганликда, аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3. **Мўминов Мадориф Ҳалфа** — 1886 йили Асака райони Бойстон қишлоғида туғилган, диний хизматчи, имом, қулоқ. Аксилинқилобий руҳонийлар гуруҳи иштирокчиси сифатида доимий равишда йиғинлар ўтказиб, уларда тарғибот олиб борганликда, аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик ва антиколхоз ташвиқот олиб борганликда айбланган. 10 йил қамоқ жазосига, жазо муддатини 1937 йил 11 июндан ҳисоблашга ҳукм қилинган.

Андижон сектори тақдим этган 2715-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерида қамоқ жазосини ўташга Исаев Мулла Содиқ ҳукм қилиниб, жазо муддати 1937 йил 11 июнда ҳисобланиши белгиланди:

**Исаев Мулла Содиқ** — 1884 йили Асака райони Сойбўйи қишлоғида туғилган, ўтмишда бой бўлган. 1931 йили колхоз мулкини талон-тарож қилгани учун судланиб 5 йил мажбурий меҳнатга ҳукм этилган. Ҳибсга олинган пайтда “Октябр” колхози аъзоси бўлган. Доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик, антиколхоз тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни пахта экмасликка чақирганликда, партия ва ҳукумат доҳийларига бўҳтон гаплар айтганликда, шунингдек террорчилик кайфиятидаги фикрлар билдирганликда айбланган.

*Андижон сектори тақдим этган 2881-сонли иш бўйича “учлик”*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Мақсуд Матмусаевни отувга, мол-мулкини мусодара қилишга ҳукм қилади:*

**Матмусаев Мақсуд** — 1891 йили туғилган, Асака райони Янги қишлоғидан, қулоқ, 1929 йили босмачиликда бўлгани учун 10 йилга қамалган, жазони ўтаб келган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик ва антиколхоз тарғибот олиб борганликда, маҳаллий совет фаолларига қарши йўналтирилган террорчилик кайфиятлар билдирганликда айбланган.

Асака райони ички ишлар бўлими оператив вакили ёрдамчиси давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Холиқов район ички ишлар бўлими бошлиғи, давлат хавфсизлиги лейтенанти Вишневский розилиги билан Тешабой Эгамбердиевни ЎзССР Жиноят кодекси 66-моддаси 1-қисми бўйича 2880-сонли айблов иши юзасидан айблов хулосани ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги "учлик"ка юборади. Айблов хулосада 1937 йил 2 сентябрда 1885 йили туғилган **Тешабой Эгамбердиев**нинг тергов ишини кўриб чиққанлиги қайд этилган. Унда Эгамбердиев келиб чиқиши жиҳатидан бой, қассоблик билан машғуллиги, 1932 йили "қулоқ"қа тортилгани, кейин ҳуқуқи тиклангани, 1919 йилдан 1924 йилгача босмачилар қўрбошиси бўлгани, Асака райони Октябр қишлоқ совети Толмозор қишлоғида туғилиб, шу жойда яшаётгани, ўзбек, партиясиз, саводсиз, 1925 йили босмачилик учун қамоққа олингани кўрсатилган. Терговда Эгамбердиев доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик, антиколхоз тарғибот олиб боргани аниқлангани, 1937 йил июлида у "Бауман" колхози чойхонасида бир қанча колхозчиларга совет ҳукумати мусулмонларни колхозда ишлашга зўрлаб мажбур қилиб эзмоқда, алдамоқда, буғдой билан таъминламаяпти ва совет ҳокимиятини чет эл давлатлари йўқ қилади, деб тарғибот қилган.

Бундай тарғиботни Эгамбердиев 1937 йил майида ҳам олиб боргани, колхозчиларни колхозда ишламасликка чақиргани, июл ойида колхозчи Мадвалиевга тез орада совет ҳокимиятига қарши собиқ босмачилар бошлиғи Кўршермат чет эл давлатлар ёрдамида уруш бошлаб совет давлатини йўқ қилади, унинг ўзи эса босмачилик вақтида бўлганидек большевиклардан ўч олишини айтган.

Ушбулардан келиб чиқиб мазкур ишни "учлик"ка йўллашга қарор қилади. Айбланувчи Тешабой Эгамбердиев 1937 йил 23 августдан Андижон турмасида қамоқдалиги, паспорти, иш юзасидан ашёвий исботи йўқлиги ҳам айблов хулосада қайд этилган.

*Тошкентдаги "учлик" томонидан Андижон сектори тақдим этган 2880-сонли иш бўйича Тешабой Эгамбердиев отувга ҳукм қилинган.*

*Андижон секторининг 2877-сонли иши бўйича қуйидагилар ҳукм қилинган:*

1. **Матқосимов Ҳакимжон** — 1892 йили Балиқчи район Аглям қишлоғида туғилган, миллати-уйғур, қулоқ, босмачи қўрбошиларидан, босмачилик ҳаракатида қатнашгани учун 1923 йили қамалган. 1934 йили ҳайвон ўғирлашда шубҳа остига олиниб колхоздан чиқарилган. Деҳқонлар орасида, доимий равишда партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга қаратилган советларга қар-


www.ziyouz.com kutubxonasi

ши тарғибот олиб борган, мағлубиятчилик характерида аксилинқилобий ташвиқот олиб борган, омманинг олдида қишлоқ совети котибини ўлдирган, деган айб қўйилган.

Андижон сектори тақдим этган 2576-сонли иш бўйича Бугрин Николай Силипович отувга ҳукм этилиб, мол-мулки мусодара этилган.

2. **Бугрин Николай Силипович** — 1905 йили Пятигорск шаҳрида туғилган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 19 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазони БАМ лагерида ўтаган, у ердан муддатдан олдин озод бўлган. Ҳибсга олингунга қадар Асака пахта тозалаш заводи авто-саройида механик бўлиб ишлаган. Завод ишчилари ва хизматчилари орасида доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик характерида ташвиқот олиб борган, совет ҳокимияти ва Конституция шаънига туҳмат, партия номига ноцензур гаплар айтганликда айбланган.

*Андижон сектори тақдим этган* 2813-сонли иш (Абдуазизов Маматқози Махсум), 2724-сонли иш (Қирғизбоев Абдулфатто), 2725-сонли иш (Самсоқов-Салимсоқов Йўлдош Махсум), 2726-сонли иш (Нишонбоев Ҳожи), 2873-сонли иш (Матхолиқов Саксон), 2873-сонли иш (Нурмаитов Эргашбой), 2874-сонли иш (Тожибоев Тўйчи), 2875-сонли иш (Мирзаев Бозорбой)лар *ҳам ўша 8 сентябрда кўрилиб уларнинг ҳаммаси отувга ҳукм қилинган.* Мана улар:

1. **Абдуазизов Маматқори Махсум** — 1879 йили туғилган, Асака райони, Қарашан қишлоғидан, ўзбек, қулоқ, диний хизматчи, имом. 1929 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм қилинган. Деҳқонлар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик ташвиқот олиб борганликда, халқ душмани Троцкийни мақтаганликда айбланган.

2. **Қирғизбоев Абдулфатто** — 1909 йили туғилган, Асака райони Ахтачи қишлоғидан, уйғур, қулоққа тортилган, 1932 йили махсус посёлкага сургун қилинган. 1934 йили яширин равишда чегарадан ўтгани учун 10 йил мажбурий меҳнатга ҳукм қилинган. Қишлоқ совети раисига нисбатан террорчилик актини қўллашга уринганликда, доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғибот олиб борганликда, чет элдаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

3. **Самсоқов-Салимсоқов Йўлдош Махсум** — 1909 йили туғилган, Асака райони Октябр қишлоқ совети, Толмозор қишлоғидан, қулоққа тортилган. Колхозга қарши тарғиботи учун 1933 йили 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик характеридаги ташвиқот олиб борганликда айбланган.

4. **Нишонбоев Ҳожи** — 1897 йили туғилган, Асака райони Бозорбоши қишлоғидан, қулоқ қилинган, чайқовчилик қилгани учун 1933 йили 4 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони ўтаб келган. Аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик характеридаги ташвиқот олиб борганликда, фаол комсомолларни террор қилишга уринганликда, колхозчилар орасида террор-

чилик кайфиятларини билдирганликда, халқ душмани Троцкийни мақтаганликда айбланган.

5. **Матхолиқов Саксон** — 1887 йили туғилган, Асака району Октябр қишлоқ совети Толмозор қишлоғидан. Аҳоли орасида доимий равишда партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига нисбатан мағлубиятчилик фикрлар айтганликда айбланган.

6. **Нурматов Эргаш** — 1883 йили туғилган, Асака району Толмозор қишлоғидан, собиқ қулоқ. 1936 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, муддатидан олдин озод қилинган. Аҳоли орасида доимий равишда колхозларни барбод бўлишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхозда ишламасликка чақирганликда, совет ҳокимияти шаънига мағлубиятчилик кайфиятидаги фикрлар айтганликда айбланган.

7. **Тожибоев Тўйчи** — 1885 йили туғилган, Асака району Тахтакўприк қишлоғидан, собиқ қулоқ, реэмигрант. Аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига террорчилик кайфиятлар билдирганликда айбланган.

8. **Мирзаев Бозорбой** — 1900 йили туғилган, Асака району Толмозор қишлоғидан, қулоқ, 1932 йили 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Деҳқонлар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган советларга қарши тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига нисбатан мағлубиятчилик қарашлар айтганликда, Троцкийни мақтаб, уларнинг отилиб кетишига ҳамдардлик билдирганликда айбланган.

1937 йил 8 сентябрда "учлик" Ички ишлар халқ комиссарлиги Андижон сектори томонидан (Деревянченко қарор лойиҳасини тайёрлаган) тақдим этган 2716-сонли жиноят ишини кўриб чиқади. Бу иш бўйича 5 кишига айблов қўйилган. "Учлик" **Мирзаев Омонқул, Отаёров Қозоқ, Давлатов Саидларни** отувга, мол-мулкини мусодара қилишга, **Холиқов Аннақул, Холиқов Омонқулларни** 10 йил меҳнат тузатув лагерига қамоқ жазосига ҳукм қилган. Қамоқ жазоси Холиқов Аннақул учун 1937 йил 21 илюдан, Холиқов Омонқул учун 1937 йил 26 июлдан ҳисобланган. Бу қатағон қилинганларнинг ўзлари кимлиги ва уларнинг "айблари" баённомада ўз аксини топган.

1. **Мирзаев Аннақул** — 1900 йили туғилган, Икромов району (ҳозирги Асака тумани) Сепги қишлоғидан, қулоқ, ўтмишда босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси. 1932 йили "қулоқ"қа тортилган ва махсус посёлкага сургун қилинган. Аввалида аксилинқилобий кайфиятда бўлиб, доимий равишда махсус кўчкинди ва совхознинг эркин ёлланган ишчилари орасида тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очлик тўғрисида, янги конституция ҳақида бўҳтон гаплар тарқатганликда, партия ва ҳукумат раҳбарларига туҳматлар ёғдирганликда, Совет Иттифоқига нисбатан мағлубиятчилик кайфиятини билдирганликда, троцкизмни мақтаганликда, НКВД махсус посёлкаси комендатураси ходимларига қарши террорчилик акти тайёрлаганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**2. Отаёров Қозоқ** — 1890 йили туғилган, Гулякандоз қишлоғидан, қулоқ, пахта экини ҳақида ёлғон маълумот бергани учун судланган. 1932 йили "қулоқ"қа тортилган ва махсус посёлкага сургун этилган. Аксилинқилобий кайфиятда бўлиб, махсус кўчкиндилар ва совхознинг эркин ёлланган ишчилари орасида доимий равишда тарғибот олиб бориб, совет ҳокимиятини ағдаришга даъват қилганликда, СССРдаги очлик тўғрисида иғво гаплар тарқатганликда, кўчкиндиларни махсус посёлкадан қочиб кетишга чақирганликда, партия ва ҳукумат раҳбарларига нисбатан террорчилик фикрлар айтганликда, янги СССР Конституциясига бўҳтон қилганликда, НКВД махсус посёлкаси комендатураси ходимларига қарши террорчилик акти тайёрлаганликда айбланган.

**3. Давлатов Саид** — 1902 йили Тўйтандир қишлоғида туғилган, қулоқ, ўтмишда босмачилик ҳаракатида фаол иштирок этган. 1932 йили "қулоқ"қа тортилган ва махсус посёлкага сургун қилинган. Аксилинқилобий кайфиятда бўлиб, махсус кўчкиндилар ва совхознинг эркин ёлланган ишчилари орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда, халқ душманлари Тухачевский ва бошқаларни отилиб юборилгани бўйича совет ҳокимиятига аксилинқилобий туҳмат қилганликда, партия ва халқ доҳийсига аксилинқилобий бўҳтонлар тўқиганликда, НКВД махсус посёлкаси комендатураси ходимларига қарши террорчилик акти тайёрлаганликда айбланган.

**4. Холиқов Аннақул** — 1914 йили туғилган, Икромов райони Ингичка қишлоғидан, "қулоқ"лар оиласидан келиб чиққан. 1932 йили "қулоқ"қа тортилган ва махсус посёлкага сургун қилинган. Аксилинқилобий кайфиятда бўлиб, махсус кўчкиндилар ва совхознинг ёлланма ишчилари орасида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига аксилинқилобий туҳматлар қилганликда, СССРдаги очлик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, кўчкиндиларни махсус посёлкадан қочиб кетишликка чақирганликда, Халқ Комиссарлар Совети собиқ раиси Ф. Хўжаевни ишдан олинганига раҳм қилганликда, НКВД меҳнат посёлкаси комендатураси ходимларига қарши террорчилик акти тайёрлаганликда айбланган.

**5. Холиқов Омонқул** — 1910 йили туғилган, Икромов райони Ингичка қишлоғидан, "қулоқ"лар оиласидан. 1932 йили "қулоқ"қа тортилган ва махсус посёлкага сургун қилинган. Аксилинқилобий кайфиятда бўлиб, педагогик курсларда ўқитувчилар орасида тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат раҳбарларига бўҳтон гаплар айтганликда, Халқ Комиссарлар Советининг раиси Ф. Хўжаевни мақтаганликда, совет ҳокимиятига нисбатан мағлубиятчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

*Андижон сектори 2935-сонли иши бўйича Абдулла Исматов отувга ҳукм қилинган.*

**Исматов Абдулла** — 1880 йили туғилган, Избоскан райони Луғимбек қишлоғидан, қулоққа тортилган. 1931 йили пахтачиликда зараркунандалик қилгани учун 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган. Колхозчилар орасида заёмга ёзилишга қарши тарғибот олиб борган, совет ҳокимияти турмалардагиларни очликдан ўлдирмоқда, калтакла-

моқда деган иғволар тарқатганликда, пахта теримини барбод қилишга ташвиқот қилганликда айбланган.

*2936-иш бўйича Убайдулла Абдуллаев отувга ҳукм қилинган.*

**Абдуллаев Убайдулла** — 1878 йили туғилган, Избоскан райони Тўраобод қишлоғидан, собиқ босмачи, қулоқ. 1932 йили солиқ тўламагани учун 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Ҳибсга олингунга қадар Икромов номли 1-сон совхозда ишлаган. Аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхоздаги чидаб бўлмас даражадаги аҳвол, очлик тўғрисида аксилинқилобий туҳмат тарқатиб, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда айбланган.

*2934-иш бўйича Тожибой Мўминов 10 йил қамоқ жазосига, мол-мулки мусодара этишга ҳукм қилинган:*

**Мўминов Тожибой** — 1890 йили туғилган, Избоскан райони Луғимбек қишлоғидан, қулоқ. 1932 йили солиқ тўламагани учун 3 йил озодликдан маҳрум қилинган, ҳибсга олингунга қадар Сталин номли колхозда ҳисобчи бўлиб ишлаган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий иғвогарона тарғибот олиб борганликда, Халқ Комиссарлар Советининг раиси Ф. Хўжаевни ишдан олинишига қарши ҳамдардлик билдирганликда, колхозларни тарқалиб кетиши учун колхозчиларга бериладиган пулларни ноўрин, беҳуда сарфлаб юборганликда, бу билан колхозчиларда норозилик ўрнатиб, уларнинг айримларини колхоздан чиқиб кетишига сабабчи бўлганликда айбланган.

**Умарбоев Ҳайдарҳожи** — 1862 йили туғилган, Избоскан райони Тамқичи қишлоғидан, қулоққа тортилган. 1931 йили давлат солиғини тўламагани учун 1 йилга озодликдан маҳрум қилинган ва 5 йилга сургун қилинган, сургун муддатини ўтамаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар ва қишлоқ аҳолиси орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумга норозилик билдирганликда, монархик тузумни мақтаганликда, масжидларнинг беркитилиб қўйилишига қаршилик кўрсатганликда, бошқа фуқароларни масжидлар ёпиб қўйилишига қаршилик кўрсатишга чақирганликда айбланган.

*2728-иш бўйича Церфас Виктор Леонидович, Церфас Евросина Петровналар 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинганлар, мол-мулки мусодара этилган.*

1. **Церфас Виктор Леонидович** — 1911 йили туғилган, Андижон шаҳрида яшайди, немис, СССР фуқароси, заводчининг ўғли, ҳибсга олингунга қадар Ўзэнергострой қурилишида омборчи бўлиб ишлаган. Атрофдагилар орасида мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, партия ва ҳукуматга қарши чиққанликда, халқ доҳийси тўғрисида туҳмат гап айтганликда, фашистларни мақтаганликда айбланган.

2. **Церфас Евросина Петровна** — 1893 йили туғилган, Белоруссия ССР Шегловка қишлоғидан, собиқ зоводчининг хотини. Аксилинқилобий душман унсур сифатида ўз ўғлининг советларга қарши қарашларини ҳар қанақасига қўллаб-қувватлаганликда, аксилинқилобий, мағлубиятчилик характерида ташвиқот олиб борганликда, халқ доҳийси ҳақида аксилинқилобий туҳмат фикр бил-


www.ziyouz.com kutubxonasi

дирганликда, фашистларнинг террорчилик фаолиятини маъқуллаганликда айбланган.

*2931-иш бўйича Қорабой Сотимов мол-мулкини мусодара қилиб, ўзи отувга ҳукм этилган:*

**Сотимов Қорабой** — 1882 йили туғилган, Избоскан райони Бешкапа қишлоғидан, 150 йигити бўлган собиқ фаол қўрбоши. Ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида совет ҳокимиятига нисбатан аксилинқилобий бўҳтонлар тарқатганликда, гўё катта ғалла заҳираси бўлишига қарамай у деҳқонларга берилмаётгани, ҳар томонда уруш бошланмоқда, тез орада Совет Иттифоқига ҳам қарши уруш бўлади деган миш-мишлар тарқатганликда, колхоз раҳбарларига қарши террорчилик кайфият билдирганликда айбланган.

*2793-иш бўйича Шербак Пётр Николаевич мол-мулкини мусодара этиб, ўзи отувга ҳукм қилинган:*

**Шербак Пётр Николаевич** — 1873 йили туғилган, Украина ССРнинг Косбилен шаҳридан, украин, собиқ помешчик ва йирик савдогар. Ҳибсга олингунга қадар "Қизил Ботир" артелида масъул ишчи бўлиб ишлаган. Мусодара қилинган мулки учун совет ҳокимиятидан нафратланиб советларга қарши шовинистик тарғибот олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

*2732-иш бўйича Ҳамдамов Мулла Тўрабой отувга, 5 киши 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинган:*

**Ҳамдамов Мулла Тўрабой**—1874 йили туғилган, Уйчи райони Ёрқўрғон қишлоғидан, ўзбек, диний олий маълумотли. 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони ўтаб қайтган, диний хизматчи — имом. Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш ва халқаро буржуазияга ёрдам кўрсатиш учун аксилинқилобий гуруҳ ташкил этиш тўғрисида бевосита муҳожирлардан кўрсатма олиб 1935—1936 йилларда мусулмон руҳонийларининг бир қанча йиғилишларини ўтказиб, уларда совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш методлари масалаларини муҳокама қилганликда, Туркия, Афғонистон, Эрон ва Ўзбекистонни қўшиб бирлашган мусулмон давлатини қуриш тўғрисида ташвиқот олиб борганликда, бу ҳақда аксилинқилобий мурожаат тайёрлаганликда айбланган.

1. **Орипов Мулла Увайс** — 1889 йили туғилган, Учқўрғон райони Қайқи қишлоғидан, ўзбек, руҳонийлар оиласидан, кооператив мулкини ўғирлагани учун 1932 йили 2 йил муддатга қамалган. Жазони ўтаб қайтган. Ҳибсга олингунга қадар Қайқи тайёрлов пунктида ҳисобчи бўлиб ишлаган. Руҳонийлар гуруҳига кириб олиб руҳонийларнинг аксилинқилобий, яширин йиғилишларида иштирок этган, совет ҳокимиятига қарши кураш йўлларини муҳокама қилишда қатнашган, диний китобларни аксилинқилобий руҳда таҳлил қилган айби қўйилган. Шунингдек, у тез орада совет ҳокимияти қулайди ва Ўзбекистонда "Мусулмонобод" яратилади деган миш-мишлар тарқатганликда, араб ёзувидаги аксилинқилобий мурожаатнома сақлаганликда, бу мурожаатномани ўзбек қулоқлари сургун қилинган Украина махсус посёлкаларига хат билан юбориб, унда уларни сабр қилиб туришга, яқин орада уларнинг аввалгидек

www.ziyouz.com kutubxonasi

яхши ҳаёт кечирадиган замон келиши айтилган. Мурожаатнома ҳибсга олинган вақтда Ориповдан олинган.

2. **Қаландаров Мулла Пошшахўжа** — 1869 йили туғилган, Учқўрғон райони Қайқи қишлоғидан, ўзбек, диний хизматчи-имом. Руҳонийларнинг бир неча йиғилишларида иштирок этиб, тез орада совет ҳокимияти барҳам топади ва мусулмонлар ҳукумати ўрнатилади деб айтганликда, аксилинқилобий, исёнчи ходимлар тайёрлаш бўйича иш олиб борганликда айбланган.

3. **Мансуров Мулла Дадамирза** — 1872 йили туғилган, Наманган шаҳридан, диний хизматчи — имом. Руҳонийлар гуруҳи аъзоси сифатида унинг яширин мажлисларида қатнашганликда, бу йиғинларда совет ҳокимиятига қарши курашиш ва Ўзбекистонда мусулмон давлатини яратиш тадбирлари муҳокама қилинганда иштирок этганликда, аксилинқилобий мурожаатнома тузишда қатнашганликда айбланган.

4. **Мулла Камолхўжаев Мулла Марипжон** — 1883 йили туғилган, Наманган шаҳридан, диний олий маълумотли, диний хизматчи — имом. Руҳонийлар гуруҳига кириб олиб аксилинқилобий гуруҳнинг қатор йиғинларида иштирок этганликда, аксилинқилобий, исёнчи ходимлар яратиш бўйича тайёргарлик ишларини олиб бориш тўғрисидаги таклифни қабул қилганликда, Афғонистонда яшаётган укаси орқали руҳоний муҳожирлар билан алоқа ўрнатганликда айбланган.

5. **Исматхўжаев Мулла Абдуғани** — 1905 йили туғилган, Учқўрғон райони Қайқи қишлоғидан, ўзбек, руҳонийлар оиласидан, ўзи диний хизматчи — имом. Руҳонийлар гуруҳига кириб олиб, унинг бир неча йиғилишларида қатнашиб, аксилинқилобий, исёнчи ходимлар тайёрлаш бўйича ҳозирлик кўришга чақирганликда, бунда энг аввало собиқ босмачилар ва қулоқларга таяниб иш олиб боришни таклиф этганликда айбланган.

Қамоқ жазоси Мулла Камолхўжаев Мулла Марипжон учун 1937 йил 18 августдан, қолган 4 нафар маҳбус учун 1937 йил 30 июндан ҳисобланган.

*2814-иш бўйича Мирзаев Зокиржон отувга ҳукм этилган:*

**Мирзаев Зокиржон** — 1898 йили туғилган, Избоскан райони Пойтуғ қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили режа топшириқларини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм қилинган. Аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, отилиб кетилган халқ душманлари ҳақида қайғурганликда, уларнинг аксилинқилобий фаолиятини мақтаганликда айбланган ва отувга ҳукм қилинган.

*2928-иш бўйича Абдулла Асқаров отувга ҳукм этилган:*

**Асқаров Абдулла** — 1902 йили туғилган, Избоскан райони Майгир қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили пахта мажбуриятини бажаришдан бош тортгани учун 1 йил қамоқ жазоси берилган. Ҳибсга олингунга қадар — колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий, туҳмат тарғибот олиб борганликда, колхозчиларнинг норозиликларини келтириб чиқаришга, заёмга ёзилишни барбод қилишга ташвиқот юргизганликда, халқ душмани Файзулла Хўжаевни ишдан олинганига қайғу билдирганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*2825-иш бўйича Жума Чўтбоев отувга ҳукм қилинган.*

**Чўтбоев Жума** — 46 ёшда, турк, Хўжаобод райони Уймовут қишлоғидан, 1934 йили қулоққа тортилган, давлат мажбуриятини бажармагани учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтаган. Аҳоли орасида совет ҳокимиятига қарши антисовет, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

*2772-иш бўйича Ирисқулов Қозоқбой отувга ҳукм қилинган.*

**Ирисқулов Қозоқбой** — 1867 йили туғилган, Пахтаобод райони Маданият қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган, сургунда бўлган, босмачилар тўдасининг фаол қатнашчиси, ҳибсга олингунга қадар Икромов номли 4-совхозда ишчи бўлган. Атрофидагилар орасида колхоз қурилишини заифлаштириш, издан чиқариб тарқалиб кетишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик фикрларни айтганликда айбланган.

*2830-иш бўйича Соиб Маниёзов отувга ҳукм этилган.*

**Маниёзов Соиб** — 33 ёшда, уйғур, Хўжаобод райони Пақир қишлоғидан, қулоққа тортилган. Колхозчилар орасида колхозни бузилиб кетишига қаратилган аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимиятига нисбатан туҳмат гаплар айтганликда, монархизм шароитидаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

*2740-иш бўйича Маслов Андрей Иванович отувга ҳукм қилинган.*

**Маслов Андрей Иванович** — 1882 йили туғилган, Уфа губернияси Сосикул қишлоғидан, 1930 йил қулоққа тортилган. ОГПУ коллегиясида судланган, РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси билан 5 йил қамоқ жазоси берилган. Ҳибсга олингунга қадар "Восток лес"да қоровуллик қилган. Аввалдан аксилинқилобий кайфиятда бўлиб советларга қарши тарғибот олиб борганликда, маҳбуслар совет турмаларида оч ётибдилар, у жойларда чидаб бўлмайдиган аҳвол юзага келган деган аксилинқилобий туҳматлар тарқатганликда, Совет Иттифоқининг аҳволи тўғрисида аксилинқилобий сохта фикрлар тарқатганликда айбланган.

*2930-иш бўйича Абдурауф Асқаров 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган.*

**Асқаров Абдурауф** — 1905 йили туғилган, Избоскан райони Майгир қишлоғидан, қулоққа тортилган. Ҳибсга олингунга қадар — колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида заёмга қарши тарғибот олиб борганликда, Халқ Комиссарлар Советининг собиқ раиси Ф. Хўжаевнинг ишдан олинишига ҳамдардлик билдирганликда айбланган.

*2867-иш бўйича Сухонқул Имонқулов отувга ҳукм қилинган.*

**Имонқулов Сухонқул** — 1882 йили туғилган, Избоскан райони Ташкачи қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1931 йили чайқовчилик учун ГПУ органлари томонидан 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий бўҳтон ва иғвогарлик миш-мишлар тарқатганликда, монархик тузум давридаги деҳқонлар ҳаётини мақтаганликда айбланган.

*2811-иш бўйича Мулла Бобоев Мулла Қўчқор отувга ҳукм қилинган.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Мулла Бобоев Мулла Кўчқор Мингбоши** — 1872 йили туғилган, Баликчи райони Чўнқайма қишлоғидан, собиқ йирик қулоқ, 1929 йили қулоққа тортилган. 1931 йили чет элга қочиб кетган, у жойдан 1933 йили яширинча қайтиб келган. Ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Аввалдан аксилинқилобий кайфиятда бўлиб аксилинқилобий гуруҳ ташкил этиш учун қатор чоралар кўрганликда, чет элдаги муҳожирлар топшириғи билан совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш учун ва мусулмон давлати ташкил қилиш учун аксилинқилобий, исёнчи ходимлар тайёрлашда қатнашганликда айбланган.

*2822-иш бўйича Умрзақов Матқобил 10 йил меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм қилинган.*

**Умрзақов Матқобил** — 1899 йили туғилган, Хўжаобод райони Уйматут қишлоғидан, қулоққа тортилган, пахта ва гўшт солиғи топширишдан бош тортгани учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар машғулоти аниқ бўлмаган. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши, колхоз ишини бузилишига қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

*2802-иш бўйича Райимбердиев Раимжон 10 йил меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм этилган.*

**Райимбердиев Раимжон** — 1898 йили туғилган, Андижон шаҳридан. 1922 йили босмачилар тўдасида иштирок этган.1935 йили магазинни ўғирлашда гумонсиралиб, милиция органлари томонидан қамоққа олинган. 1936 йилга қадар якка хўжалик, қассоблик қилган. 1937 йил мартида колхозга кирган. 1937 йил майида доимий равишда ишга чиқмасдан ичкилик ичгани учун колхоздан бўшатилган. Ҳибсга олинган дақиқада машғулоти аниқ бўлмаган. Колхоздан ҳайдалганидан нафратланиб маҳалла комиссияси раисини ўлдираман деб қўрқитганликда, 1937 йил 28 июлда қизил чойхонада бир қанча шахслар ҳозирлигида халқлар доҳийси шаънига ҳақоратомуз сўзлар айтганликда, террорчилик кайфияти билдирганликда, Ўзбекистон партия ташкилоти раҳбари портретини пичоқ билан кесиб юборганликда айбланган.

*2776-иш бўйича Ҳасанов Қорёғди отувга ҳукм қилинган.*

**Ҳасанов Қорёғди** — 1900 йили туғилган, Марҳамат райони Гаргар қишлоғидан, қулоққа тортилган. Колхозга кириб олиб колхоз қурилишини барбод қилишга қаратилган антисовет тарғибот ва аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда, мағлубиятчилик кайфиятини билдирганликда, монархик тузумдаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

*2775-иш бўйича Анорбоев Хонтўра отувга ҳукм қилинган.*

**Анорбоев Хонтўра** — 1888 йили туғилган, Ойим райони Дардоқтепа қишлоғидан, собиқ йирик қулоқ, босмачилар тўдасининг фаол иштирокчиси, 1929 йили судланган, жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олиш чоғида машғулоти аниқ бўлмаган. Аҳоли орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига нисбатан мағлубиятчилик фикрлар айтиб, ҳақоратли гаплар айтганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

*2773-иш бўйича Раҳимов Қодирқул 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.*

**Раҳимов Қодирқул** — 1893 йили туғилган, Пахтаобод райони Омончўра қишлоғидан, қулоққа тортилган. 1930 йили колхоз раисини ўлдиргани учун 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддатини ўтаган. Колхозчилар орасида советларга қарши колхозларни бузилиб кетишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, пахта экиш ва унга ишлов бериш ишига зарар келтирганликда айбланган.

*2771-иш бўйича Тўхташев Бектош 10 йил меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм қилинган.*

**Тўхташев Бектош** — 1868 йили туғилган, Пахтаобод райони Избоскан қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун судланган. Колхоз аъзолари орасида колхозларнинг тарқатиб юборилишига қаратилган советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

*2911-иш бўйича Учаев Григорий Семенович отувга ҳукм этилган.*

**Учаев Григорий Семенович** — 1892 йили туғилган, Саратов области Дубовницкая қишлоғидан, қулоққа тортилган. 1932 йили ОГПУ учлиги 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилган, жазо муддатини ўтаган. Аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борганликда, монархик тузумдаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

*2898-иш бўйича Еникеев Габдулла Юсупович отувга ҳукм қилинган.*

**Еникеев Габдулла Юсупович** — 1891 йили туғилган, Куйбишев области Наверкин райони Бичеево қишлоғидан, собиқ қулоқ. Совет ҳокимиятидан норози бўлгани учун колхозчилар орасида колхозларни тарқалиб кетишига қаратилган советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

*2567-иш бўйича Бабальянц Михаил Мирзаевич отувга ҳукм этилган.*

**Бабальянц Михаил Мирзаевич** — 1888 йили туғилган, Озарбайжоннинг Сержамол қишлоғидан, 1930 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олинган пайтда Ворошилов қишлоқ матлуботида ишлаб чиқариш мудири бўлиб ишлаётган эди. Аввалдан совет ҳокимияти сиёсатидан норози бўлгани учун доимий равишда советларга қарши тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат доҳийсига нисбатан аксилинқилобий бўҳтонлар билдирганликда, совет ҳокимиятини ағдарилиши тўғрисида мағлубиятчи фикрлар айтганликда айбланган.

*2903-иш бўйича Йўлдошев Мамажон 10 йил муддатга меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм қилинган.*

**Йўлдошев Мамажон** — 1886 йили туғилган, Ворошилов райони Қўрғонтепа қишлоғидан, 1930 йили қулоққа тортилган ва ЎзССР Жиноят кодексининг 168-моддаси билан 5 йил қамоққа ҳукм этилган. Совет ҳокимияти тадбирларидан норози бўлиб доимий равишда колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти сиёсатига бўҳтон қилганликда, очлик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

*2906-иш бўйича Норбоев Мадали отувга ҳукм қилинган.*

**Норбоев Мадали** — 1881 йили туғилган, Жалолқудуқ райони Чангар қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили сургун қилинган, у жойдан қочиб келган, аниқ машғулотга эга эмас. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғибот олиб борганликда, монархик тузумдаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

*2912-иш бўйича Раҳмонбердиев Ўрмон отувга ҳукм қилинган.*

**Раҳмонбердиев Ўрмон** — 1875 йили туғилган, Ворошилов райони Хўжамшукур қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони ўтаган. Доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган советларга қарши тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик фикрлари билдирганликда, колхозчиларни колхоздан чиқиб кетишига чақирганликда айбланган.

Юқорида келтирилган 75 нафар маҳбус ҳақидаги ҳукмлар остида ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари, давлат хавфсизлиги катта майори Загвоздин, ЎзССР Халқ Комиссарлар Совети раисининг ўринбосари Тўрабеков, ЎзССР прокурори Шейндлин, ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги давлат хавфсизлиги бошқармаси 8-бўлим бошлиғи Яковлевлар имзоси қўйилган.

## 9-баённома. 1937 йил 12 сентябр

*"Учлик" (Загвоздин, Тўрабеков, Шейндлин, Яковлев) қуйидаги маҳбусларни отувга ҳукм қилган:*

1. **Ёқубов Қурбонниёз** — 1895 йили туғилган, Менгин райони Хаёнсибек қишлоғидан, собиқ савдогар, аксилинқилобий фаолияти учун 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, қамоқдан қочиб кетган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган. Аҳоли орасида доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ доҳийси тўғрисида туҳмат фикрлар билдирганликда айбланган.

2. **Полвонов Амат** — 1895 йили туғилган, Манғит қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачи, ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги томонидан 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Ўз атрофидагилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, айрим масъул ходимлар шаънига террорчилик тадбирларини тайёрлаш тўғрисидаги фикрларни айтганликда айбланган.

3. **Бобожонов Мулла Отажон** — 1894 йили туғилган, Ханқи райони Катта Жумалик қишлоғидан, собиқ руҳоний, имом, қулоққа тортилган, босмачилик тўдасининг иштирокчиси. Аҳоли орасида доимий равишда миллатчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик кайфиятини билдирганликда, фашистлар фаолиятини мақтаганликда айбланган.

4. **Бегматов Мулла Санакром** — 1876 йили туғилган, Шоват райони Ижтимоият қишлоғидан, собиқ руҳоний, имом, қулоққа


www.ziyouz.com kutubxonasi

тортилган, босмачилик тўдасига ёрдам берган. Аксилинқилобий гуруҳда бўлиб бир неча бор нолегал йиғилишларда иштирок этган, доимий равишда аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига туҳмат, иғволар тарқатганликда айбланган.

5. **Аламов Ортиқ** — 1907 йили туғилган, Шоват райони Ижтимоият қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилар тўдасига ёрдам берган, ҳибсга олинган вақтда колхозда бўлган. Аксилинқилобий гуруҳда бўлиб унинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда (уларда аксилинқилобий характердаги масалалар муҳокама қилинган), колхозчилар орасида мағлубиятчилик характеридаги, аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда совет ҳокимияти вакиллари шаънига ноцензур фикрлар айтганликда айбланган.

6. **Алламов Жумабой** — 1891 йили туғилган, Шоват райони Ижтимоият қишлоғидан, қулоқ, собиқ босмачи, 1931 йили босмачиликка кўмак бергани учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхозда бўлган. Аксилинқилобий гуруҳда бўлиб, колхозчилар орасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий туҳматлар қилганликда айбланган.

7. **Ёқубов Мулла Маткарим** — 1871 йили туғилган, Шоват райони Қурбон қишлоғидан, ўзбек, диний хизматчи, имом. 1936 йили Нурбак қишлоғида аксилинқилобий гуруҳ тузишнинг ташаббускори бўлган ва бу гуруҳни бошқарган, нолегал йиғинлар ўтказиб, уларда колхоз ем-ҳашагини ёқиб юбориб, колхозга зарба бермоқчи бўлган, совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолон қилиш учун исёнчи ходимлар тайёрлаш бўйича ишларни авж олдириб борган, шахсан унинг ўзи муҳожирлар билан алоқа ўрнатиб, совет ҳокимиятини ағдариш учун улардан ёрдам олмоқчи бўлганликда, фаоллар устидан террор тайёрлаганликда айбланган.

8. **Абдуллаев Мулла Матсафар** — 1898 йили туғилган, Шоват райони Қурбон қишлоғидан, ўзбек, диний хизматчи, имом. Қурбон қишлоғидаги аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг раҳбарларидан бири сифатида, гуруҳнинг аксилинқилобий йиғинларида иштирок этганликда, йиғилишлар учун ўз уйидан жой берганликда, йиғилишда совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўришни муҳокама қилганликда, колхозларни тарқатиб юбориш мақсадида ем-ҳашакларни ёқиб юбориш тўғрисида таклиф киритганликда айбланган.

9. **Шарипов Мулла Аҳмад**—1898 йили туғилган, Шоват райони Шўрбон қишлоғидан, ўзбек, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзоси сифатида бу гуруҳнинг барча нолегал йиғилишларида иштирок этганликда, йиғилишларда эса совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолон тайёрлаш тўғрисида, колхозлар ем-ҳашагини ёқиб юбориш масалаларини муҳокама қилган, у аҳолини қурол ва озиқ-овқат маҳсулотлари тўплашга, уларни совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бораётган ҳарбийларга беришга чақирганликда айбланган.

10. **Абдураҳмонов Мулла Нурмат** — Шоват райони Қурбон


www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоғидан, ўзбек. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ иштирокчиси сифатида исёнчи ходимлар тайёрлаш тўғрисида, колхоз ем-ҳашагини ёқиб юбориш тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилганликда, миллатчилик руҳидаги китобларни ўқиб, миллий низо келтириб чиқаришга ҳаракат қилганликда айбланган.

11. **Мамутов Мулла Хусайн** — 1895 йили туғилган, Шоват райони Қурбон қишлоғидан, диний хизматчи, имом. Руҳонийларнинг исёнчи, аксилинқилобий гуруҳининг иштирокчиси сифатида, гуруҳнинг нолегал йиғинларида совет ҳокимиятига қарши курашни авж олдириш тўғрисидаги масалани ҳал қилинаётганда қатнашганликда, аксилинқилобий гуруҳнинг йиғилишини ўтказиш учун ўз уйини бўшатиб берганликда, колхоз ем-ҳашагини ёндириб юбориш масаласи ҳал қилинаётганда иштирок этганликда айбланган.

12. **Жумамуродов Мулла Отажон**—1862 йили туғилган, Шоват райони Арбек қишлоқ советидан, 1931 йили 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, дин хизматчиси, имом. Аксилинқилобий гуруҳ раҳбари сифатида аксилинқилобий йиғилиш ўтказиб, унда совет ҳокимиятини ағдаришга даъват этганликда, партия ва ҳукуматнинг тадбирларига қарши аксилинқилобий, троцкийчи тарғибот олиб борганликда, пахта экишдан бош тортишга чақирганликда айбланган.

13. **Нуримов Мулла Жуманиёз**—1893 йили туғилган, Шоват райони Арбек қишлоқ советидан. 1931 йили 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида аксилинқилобий йиғинларда фаол қатнашиб, совет ҳокимиятини ағдаришга чақирганликда айбланган.

14. **Болтаев Мулла Жуманиёз**—1907 йили туғилган, Шоват райони Арбек қишлоқ советидан, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий гуруҳнинг фаол аъзоси сифатида йиғилишларда миллатчилик ташвиқотини олиб борганликда, совет ҳокимиятини ағдаришга даъват этганликда, партия ва ҳукумат тадбирларига қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

15. **Боқиев Қўзибой Маҳрам**—1869 йили туғилган, Шоват райони Чўкли қишлоқ советидан, ўтмишда хоннинг "Маҳрам" мансабида бўлган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида унинг йиғилишларида совет ҳокимиятини ағдаришга чақирганликда, аскарликка олувчилар орасида қизил армияда хизмат қилишдан бош тортишга, колхозчилар орасида очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, партия ва ҳукумат тадбирлари тўғрисида аксилинқилобий руҳда фикрлар айтганликда айбланган.

16. **Матниёзов Рўзим Дали** — 1883 йили туғилган, Шоват райони Арбек қишлоқ советидан, ўтмишда босмачиларга ёрдам берган, ўз уйида босмачиларни яширган. Ҳибсга олингунга қадар "Мискин бува" қабристонида шайх. Аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида гуруҳнинг йиғилишларида партия ва ҳукуматнинг тадбирларига қарши қаратилган аксилинқилобий, миллатчи тарғибот олиб борганликда, ўз уйида собиқ Бухоро амирининг хориждан келган алоқачисини яшириб турганликда айбланган.

17. **Матмуродов Бобожон** — 1910 йили туғилган, Шоват райо-


www.ziyouz.com kutubxonasi

ни Арбек қишлоқ советидан, собиқ қулоқ, хон амалдорининг ўғли. Аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида унинг мажлисларида фаол қатнашиб, совет ҳокимиятини ағдариш масаласида гуруҳнинг бошқа аъзоларини чиқишларини қўллаб-қувватлаганликда, колхозчилар орасида партия ва ҳукумат сиёсатига қарши аксилинқилобий троцкийчи тарғибот олиб борганликда айбланган.

*Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Хоразм округи бўлими томонидан 3966-сонли иш бўйича 16 киши отувга, 1 киши 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган:*

**18. Сотиболдиев Совурохун** — 1890 йили туғилган, Хонқа райони Тама-Дургадик қишлоқ советидан, диний хизматчи, имом. 1924 йил январидаги Хонқа райониданги қўзғолонга раҳбарлик қилган. Руҳонийларнинг аксилинқилобий ташкилотининг раҳбари сифатида унинг йиғилишларида мағлубиятчилик характеридаги, миллатчилик, аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, чет эл билан алоқа ўрнатиб, у жойдан Хоразмда аксилинқилобий ишларни авж олдириш тўғрисида кўрсатмалар олиб турганликда айбланган.

**19. Бердиев Болта Ҳожи** — 1853 йили туғилган, Хонқа райони Саидниёзбой қишлоқ советидан, 1932 йили қишлоқ хўжалиги солиғини тўламагани учун 3 йил қамоқ жазосига тортилган, қулоққа тортилган, диний хизматчи. Аксилинқилобий ташкилотнинг раҳбарларидан бири сифатида мамлакатдан ташқаридаги мухолифат билан алоқа ўрнатиш, моҳожирликдаги руҳонийлардан совет ҳокимиятини ағдаришга тайёргарлик бўйича кўрсатмалар олиб турганликда, аксилинқилобий йиғилишларда иштирок этганликда, аҳоли орасида исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**20. Давлатов Мулла Соул** — 1882 йили туғилган, Хонқа райони Тама-Дургадик қишлоқ советидан, 2 марта судланган, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони ўтамай турмадан қочиб келган, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида унинг йиғинларида доимий равишда иштирок этиб, советларга қарши мағлубиятчилик ташвиқотини олиб борганликда айбланган.

**21. Аннамуродов Мулла Одамбой** — 1887 йили туғилган, Хонқа райони Тама-Дургадик қишлоғидан, диний хизматчи. Аксилинқилобий ташкилотнинг фаол аъзоси сифатида унинг қарорларини бажара бориб, исёнчи кадрлар тайёрлаш билан шуғулланиб аҳолини совет ҳокимиятини ағдаришда қатнашишларига чақирганликда айбланган.

**22. Рўзиматов Мулла Мадраим** — 1899 йили туғилган, Хонқа райони Тама-Дургадик қишлоқ советидан, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий, исёнчи ташкилот аъзоси сифатида аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда, миллатчилик, аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда айбланган.

**23. Бекниёзов Мулла Султон** — 1896 йили туғилган, Тама-Дургадик қишлоқ советидан, диний хизматчи. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида унинг йиғинларида иштирок этиб, ўз нутқида хорижга вакиллар юбориб, совет ҳокимиятини ағдариш

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун қуролли куч билан ёрдам кўрсатишни сўраш тўғрисида таклиф киритганликда айбланган.

**24. Ғофуров Саур Эшон** – 1894 йили туғилган, Хазорасп райони Деҳқонбоз қишлоғидан, диний хизматчи. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида унинг йиғинларида фаол иштирок этиб, антисовет ташвиқот олиб борганликда, аксилинқилобий ташкилот топшириғи бўйича колхозда саботаж ташкил этиш билан машғул бўлганликда айбланган.

**25. Ўрозалиев Мулла Очил Махсум** – 1873 йили туғилган, собиқ хон оқсоқолларидан, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида унинг йиғинларида фаол иштирок этиб, колхозчилар орасида мағлубиятчилик характеридаги антисовет ташвиқот олиб борганликда, ҳозир бўлганларни совет ҳокимияти тадбирларига қарши кураш олиб боришга чақирганликда айбланган.

**26. Саидниёзов Мулла Исмоил** – 1866 йили туғилган, Хонқа райони Тама-Дургадик қишлоқ советидан, ўтмишда босмачига кўмак берган, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий ташкилотнинг фаол аъзоси сифатида унинг йиғинларида қатнашиб мамлакатдан ташқарига вакиллар юбориб совет ҳокимиятини қуролли куч билан ағдаришда ёрдам беришни илтимос қилиш масалалари муҳокама қилинаётганда иштирок этганликда айбланган.

**27. Юсупов Мулла Султон** – 1862 йили туғилган, Хонқа райони Тама-Дургадик қишлоқ советидан, диний хизматчи. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлиб, унинг йиғинларида иштирок этиб, аксилинқилобий, мағлубиятчилик тўғрисида сўзлаб ташвиқот қилганликда айбланган.

**28. Сафаров Саургангчи** — 1876 йили туғилган, Хонқа райони Саидниёзбой қишлоқ советидан, савдогар, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлиб, аксилинқилобий ташкилот аъзолари ўртасида алоқачилик, диний маслаҳатчилик ролини бажарганликда, чет элдан аксилинқилобий ташкилот учун хатлар олганликда, доимий равишда чайқовчилик билан шуғулланганликда, 3557 сўм миқдорида колхоз маблағини камомад қилганликда айбланган.

**29. Хўжаниёзов Мулла Абдулла** — 1867 йили туғилган, Хонқа райони Тама-Дургадик қишлоқ советидан, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлиб, унинг йиғинларида иштирок этиб, уларда мағлубиятчилик характерида советларга қарши тарғибот билан чиқишлар қилганликда айбланган.

**30. Сотиболдиев Ражаб Охун** — 1891 йили туғилган, Хонқа райони Тама-Дургадик қишлоқ советидан, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида унинг йиғинларида фаол иштирок этганликда, ташкилот топшириғи бўйича СССРга қарши аксилинқилобий иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда ва очлик тўғрисида иғво тарқатганликда айбланган.

**31. Жуманиёзов Аваз** — 1897 йили туғилган, Хонқа райони Тама-Дургадик қишлоқ советдан, собиқ савдогар, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлиб, унинг йиғинларида иштирок этганликда, колхозчилар орасида

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарғибот қилганликда, аксилинқилобий мақсадда колхоз маблағидан камомад қилганликда айбланган.

32. **Қурбонниёзов Мулла Иброҳим** — 1883 йили туғилган, Тўрткўл шаҳридан, ўтмишда имом, савдогар бўлган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлиб, унинг йиғинларида аксилинқилобий, мағлубиятчилик ташвиқот қилиб нутқ сўзлаганликда, аксилинқилобий мақсадларда колхознинг 1366 сўм маблағини камомад қилганликда айбланган.

33. **Тожиев Бобожон ("бола")** — 1886 йили туғилган, Тама-Дургадик қишлоқ советидан, ўтмишда босмачи, юзбоши, ҳибсга олингунга қадар "Озод" колхози раиси. Хонқа районида босмачилик ҳаракатининг 1924 йили январидаги қўзғолонига юзбоши сифатида раҳбарлик қилганликда, ЧК раиси Маҳмудовни отиб юборганликда, аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида ташкилот топшириғи бўйича қишлоқ фаолларини террор қилганликда, стахановчилик ҳаракатига турли йўллар билан қаршилик кўрсатганликда, аксилинқилобий мақсадларда колхоз маблағини талон-тарож қилганликда айбланган.

34. **Қодиров Ҳайит Охун** — 1893 йили туғилган, Хонқа райони Тама-Дургадик қишлоғидан, ўтмишда савдогар, сўфи. Ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, 10 йил меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 августдан ҳисобланган. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлиб, унинг йиғинларида иштирок этиб миллатчилик ва аксилинқилобий фикрлар билдирганликда айбланган.

*ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Хоразм округи бўлим бошлиғи Ференснинг 3964-сонли иши бўйича 11 киши отувга ва 1 киши (Исломов Йўлдош Хўжа) 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Отувга ҳукм этилганлар қуйидагилар:*

1. **Азизов Эшонбобой Эшон** — 1907 йили туғилган, Шоват райони Буйраги қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган. 1934 йили антисовет фаолияти учун қамоққа олинган руҳонийнинг ўғли, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида, гуруҳнинг нолегал йиғинларида қатнашиб, қуролли қўзғолон тўғрисида ва хонлик тузумини тиклаш тўғрисида масалалар муҳокамасида қатнашганликда, Қорақум пири эшонининг совет ҳокимиятини ағдаришга даъват қилинган мурожаатномасини тарқатганликда айбланган.

2. **Нўрмонов Бобожон Шайтон** — 1870 йили туғилган, Шоват райони Чўкли қишлоғидан, ўзбек, савдогар, 1930 йили қулоққа тортилган, 1932 йили босмачиликка кўмак бергани учун 3 йил қамоқ жазосига тортилган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзоси сифатида унинг нолегал йиғилишларида қуролли қўзғолон масалалари муҳокама қилинганда иштирок этганликда, хонлик ҳокимиятини тиклаш учун тарғибот олиб борганликда айбланган.

3. **Азизов Пиржон Эшон**—1908 йили туғилган, Шоват райони Бўйраги қишлоғидан, ўзбек, руҳоний эшоннинг ўғли, 1933 йили қулоққа тортилган. Ҳибсга олингунга қадар колхозда ишлаган. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзоси сифатида унинг нолегал

www.ziyouz.com kutubxonasi

йиғинларида совет ҳокимиятига қарши курашни ташкил этиш масалалари муҳокамасида қатнашганликда айбланган.

4. **Нурмонов Эшмат**—1875 йили туғилган, Шоват райони Чўкли қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ, савдогар, 1931 йилгача қўй савдоси билан шуғулланган. 1933 йили советларга қарши фаолияти учун ОГПУ органлари томонидан қамоққа олинган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзоси сифатида ўз олдига совет ҳокимиятини ағдариш ва эски хонлик тузумини тиклаш мақсадини қўйганликда, гуруҳнинг нолегал йиғинларида тарғибот-ташвиқот олиб борганликда, хориждаги мухолифатдагилар билан алоқа ўрнатганликда, шу мақсадда Туркманистонга бориб келганликда айбланган.

5. **Ниёзметов Қозоқ** — 1883 йили туғилган, Шоват райони Чўкли қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган. 1931 йилгача савдо билан шуғулланган, қатағондан қочиб Туркманистонга кетган, 1936 йил сентябрида қайтиб келган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Исёнчи гуруҳ иштирокчиси сифатида унинг нолегал йиғинларида иштирок этиб, совет ҳокимияти билан кураш олиб бориш методлари ва исёнчи ходимлар масалалари муҳокамасида қатнашганликда айбланган.

6. **Мўминов Мулла Бойжон**—1870 йили туғилган Шоват райони Манак қишлоғидан, диний хизматчи, имом. Ҳибсга олингунга қадар темирчилик ҳунарини қилган. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзоси сифатида аксилинқилобий гуруҳнинг 20 та нолегал йиғилишларида совет ҳокимияти билан кураш олиб бориш методлари ва ходимларни жалб этиш масалалари муҳокамасида қатнашганликда, йиғинларда аксилинқилобий кайфият билдирганликда айбланган.

7. **Абдулллаев Иноят Махсум** – 1872 йили туғилган Шоват райони Оқмачит қишлоғидан, диний хизматчи, имом, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзоси сифатида бу гуруҳнинг 20 та нолегал йиғилишларида иштирок этганликда, масжидда тарғибот олиб бориб тез орада совет ҳокимияти ҳалокатга учрайди ва эски хон тузуми тикланади деб айтганликда айбланган.

8. **Абдулов Оллоберган** – 1868 йили туғилган, Шоват райони Шоват қишлоғидан, ўзбек, савдогар, ёғ жувозкаши, диний хизматчи, имом. Исёнчи гуруҳ аъзоси сифатида масжидда аксилинқилобий, исёнчилик тарғиботи олиб бориб, тез орада совет ҳокимияти қулайди ва хонлик тузуми ўрнатилади деб айтганликда айбланган.

9. **Қурбонов Бекчак Шаликар** – 1869 йили туғилган, Шоват райони Шоват Кача қишлоғидан, ўзбек, жувози бор, савдо билан шуғулланган, 1924 йили босмачилар тўдасида қатнашган. Ҳибсга олинган пайтда машғулоти аниқ бўлмаган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг яширин йиғинларида иштирок этиб аксилинқилобий, мағлубиятчилик кайфиятини билдирганликда, колхозчиларни совет ҳокимиятини тезроқ йўқ бўлишини худодан сўраб ибодат қилишга чақирганликда, хонлик тузумини мақтаганликда айбланган.

10. **Назаров Мулла Қурёз** — 1871 йили туғилган, Шоват райо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни Шоват қишлоғидан, ўзбек. Инқилобгача жаллод-қози, собиқ ёғ ишлаб чиқарувчи, сотувчи, диний хизматчи, имом. Аввалда исёнчи гуруҳ билан алоқада бўлиб аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, масжидда диний маросимларни ўтказишда, тез орада совет ҳокимияти йўқ қилинади ва хонлик тузуми тикланади деб айтганликда айбланган.

**11. Асматуллаев Ибод Тупоёқ** — 1869 йили туғилган, Шоват райони Шоват қишлоғидан, ўзбек, собиқ савдогар, қулоққа тортилган. 1932 йили пахта режасини топширмагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтаган. Ҳибсга олингунга қадар якка хўжалиги бўлган. Аксилинқилобий, исёнчи ташкилот аъзолари билан боғлангани сабабли аксилинқилобий, исёнчилик тарғиботи олиб борганликда, уруш ҳақида иғво миш-мишлар тарқатганликда, колхозчилар орасида тез орада совет ҳокимияти мағлубиятини ва хонлик тузумининг тикланишини худодан тилаб ибодат қилишга даъват этганликда айбланган.

**12. Исломов Йўлдош Хўжа** — 1891 йили туғилган, Шоват райони Қиёт қишлоғидан, ўзбек, йирик руҳоний, эшон, ўзи диний хизматчи, имом, жазо муддати 1937 йил 13 июндан ҳисобланган. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг 20 та яширин йиғилишларида иштирок этиб, доимий равишда масжидда колхозчилар орасида исёнчилик тарғиботини олиб борганликда, халқ душманлари шаънига мақтов гаплар айтганликда айбланган.

*Ференс тақдим қилган 3942-сонли иш бўйича 4 киши отувга, 1 киши 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган:*

**1. Бобожонов Рўзимат Тўра Охун** — 1867 йили туғилган, Янги Урганч райони Юқори Дурмен қишлоқ советидан, диний хизматчи, имом. 1936 йили тугатилган аксилинқилобий ташкилотнинг фаол иштирокчиси, унинг йиғинларида иштирок этиб, совет ҳокимиятини ағдариш учун исёнчи ходимлар тайёрлаш тўғрисида кўрсатмалар берганликда, мусулмон руҳонийларининг аксилинқилобий, исёнчи ячейкасини бошқараётганликда айбланган.

**2. Аҳмедов Машриф(Машариф** бўлса керак — *Р.Ш.*) **Қори** — 1897 йили туғилган, Урганч райони Чакка Шалинер қишлоқ советидан, диний хизматчи, имом. Руҳонийларнинг аксилинқилобий ячейкаси иштирокчиси сифатида 1936 йили унинг йиғинларида фаол иштирок этганликда, уларда исёнчи ходимлар тайёрлаш режаси белгилаганликда айбланган.

**3. Қўрёзов Мулла Бекжон** — 1882 йили туғилган, Шобасс (Шовод бўлса керак — *Р.Ш.*) райони Эрнафас Оқсоқол қишлоқ советидан, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий ташкилотнинг топшириғини бажара бориб масжидда этиқодчилар орасида аксилинқилобий чиқишлар қилиб, совет ҳокимияти обрўйини тўкканликда айбланган.

**4. Раҳимов Мулла Эшжон** (ҳужжатда **Исчан** — *Р.Ш.*) — 1882 йили туғилган, Урганч райони Чакка-Шалинер қишлоқ советидан, диний хизматчи. Аксилинқилобий ячейка иштирокчиси сифатида унинг махфий йиғинларида қатнашиб, уларда совет ҳокимиятини ағдариш учун исёнчи ходимлар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар олганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**5. Воисов Бобожон Сўфи** — 1870 йили туғилган, Хонқа райони Сарапаён қишлоқ советидан, диний хизматчи, сўфи. Аксилинқилобий ячейка иштирокчиси сифатида унинг махфий йиғинларида қатнашиб, уларда совет ҳокимиятини ағдариш учун исёнчи ходимлар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар олганликда айбланиб 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, муддати 1932 йил 18 майдан ҳисобланган.

*3922-иш бўйича 3 киши отувга, 1 киши 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган:*

**1. Полвонов Тожи Охун** — 1867 йили туғилган, Хонқа райони Катта Жўрмиз қишлоқ советидан, диний хизматчи. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи иштирокчиси сифатида унинг йиғинларида ва ундан ташқарида миллатчи тарғибот олиб борганликда, тез орада совет ҳокимияти ҳам, колхозлар ҳам тугайди, деб ташвиқот қилганликда айбланган.

**2. Абдуллаев Мулла Саид** — 1857 йили туғилган, Янги Урганч райони Бекобод қишлоқ советидан, хўжалиги меҳнатсиз хўжалик сифатида тугатилган, диний хизматчи, имом. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи иштирокчиси сифатида унинг йиғинларида ва ундан ташқарида миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**3. Бобожонов Мулла Раим** — 1876 йили туғилган, Хонқа райони Зинаухас қишлоқ советидан, диний хизматчи, имом. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи иштирокчиси сифатида унинг йиғинларида қатнашиб мағлубиятчилик, тарғиботи олиб бориб, тез орада совет ҳокимияти тугайди ва хонлик тузуми тикланади деб айтганликда, бундан ташқари колхозга қарши ташвиқот олиб борганликда айбланган.

**4. Авазов Мулла Худойберган** — 1892 йили туғилган, Хонқа райони Зинаухас қишлоқ советидан, диний хизматчи, жазо муддати 1937 йил 18 апрелдан ҳисобланган. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳининг аъзоси сифатида унинг йиғилишларида иштирок этиб совет ҳокимиятининг қулаши тўғрисида тарғибот олиб борганликда айбланган.

*3914-иш бўйича қуйидаги 4 фуқаро отувга ҳукм этилган:*

**1. Исмоилов Мулла Юсуф** — 1872 йили туғилган, Хонқа райони Қорақош қишлоғидан, ўзбек, 1930 йили пахта режасини бажармаганлиги учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, жазо муддатини ўтаган, диний хизматчи, имом. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳининг фаол иштирокчиси сифатида аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғилишларида қатнашиб, совет ҳокимиятига қарши кураш ва хонлик тузумини тиклаш бўйича аҳолини тайёрлаш масалалари муҳокамасида қатнашганликда, аҳоли орасида аксилинқилобий туҳмат миш-мишлар тарқатганликда, руслар бошқараётган совет ҳокимияти миллатлар ва "ислом"ни йўқ қилиш учун кураш олиб бормоқда деб айтганликда, совет ҳокимиятини ағдариш учун барчани қуроллантиришга чақирганликда айбланган.

**2. Ибадуллаев Бобожон** — 1877 йили туғилган, Хонқа райони Қорақош қишлоғидан, ўзбек, 1924 йил январидаги қўзғолонда бос-


www.ziyouz.com kutubxonasi

мачиликка фаол ёрдам берган, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхозчи. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳининг иштирокчиси сифатида аксилинқилобий гуруҳнинг яширин мажлисларида иштирок этган, аҳоли орасида аксилинқилобий, иғвогарлик тарғибот олиб борганликда айбланган.

3. **Хўжаниёзов Мулла Жуманиёз** — 1872 йили туғилган, Хонқа райони Шатнният қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган, 1930 йили пахта режасини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, жазо муддатини ўтаган, диний хизматчи, имом. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи иштирокчиси сифатида гуруҳнинг яширин йиғинларида қатнашганликда, аҳоли орасида аксилинқилобий исёнчилик тарғибот олиб борганликда айбланган.

4. **Бердиев Мулла Рўзи** — 1886 йили туғилган, Хонқа райони Мадир қишлоғидан, ўзбек, 1930 йили калтаклагани учун жавобгарликка тортилган, бироқ суд ишни тўхтатган, диний хизматчи, имом. Руҳонийларнинг гуруҳи иштирокчиси сифатида аксилинқилобий гуруҳнинг яширин йиғинларида иштирок этганликда айбланган.

*3993-иш бўйича қуйидаги 5 киши отувга ҳукм этилган:*

1. **Ёқубов Раимбой Шоир** — 78 ёшда, Шоват райони Ижтимоият қишлоқ советидан, 1932 йили қулоққа тортилган. 1924 йил 2 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтаган, 1927 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Аксилинқилобий, исёнчи ташкилот ячейкаси раҳбари сифатида нолегал йиғинлар ўтказиб, уларда аксилинқилобий характердаги масалаларни муҳокама қилганликда, мағлубиятчилик ташвиқоти олиб борганликда айбланган.

2. **Рўзимов Аллома** — 1875 йили туғилган, Шоват райони Ижтимоият қишлоқ советидан, қулоққа тортилган, судланган. Аксилинқилобий, исёнчи ячейкада бўлиб, ўз уйида нолегал йиғинлар ўтказиб уларда совет ҳокимияти билан кураш методларини муҳокама қилишда иштирок этганликда, аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғибот олиб борганликда, хонлик тузумини мақтаганликда айбланган.

3. **Бекматов Отажон**-74 ёшда, Шоват райони Ижтимоият қишлоқ советидан, қулоққа тортилган. Аксилинқилобий исёнчи ташкилотининг ячейкаси ҳисобланган гуруҳда бўлиб, совет ҳокимиятини ағдариш мақсадида мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, инқилобгача бўлган тузумни мақтаганликда айбланган.

4. **Саидметов Мулла Душам** — 1901 йили туғилган, Шоват райони Ижтимоият қишлоқ советидан, қулоққа тортилган, 1932 йили қамоққа ҳукм этилган, имом. Совет ҳокимиятини ағдаришни ўз олдига мақсад қилиб олган аксилинқилобий исёнчи ташкилотда бўлиб аксилинқилобий ячейканинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, инқилобгача бўлган тузумни мақтаганликда айбланган.

5. **Саидметов Сохат** — 1902 йили туғилган, Шоват райони Ижтимоият қишлоқ советидан, имом, қулоққа тортилганнинг ўғли,

www.ziyouz.com kutubxonasi

1932 йили бандитлиги учун судланган. Аксилинқилобий исёнчи ташкилотнинг ячейка иштирокчиси сифатида ўз олдига совет ҳокимиятини ағдаришни мақсад қилиб, аксилинқилобий ячейканинг нолегал йиғинларида қатнашиб мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда хонлик тузумини мақтаганликда айбланган.

*4800-иш бўйича қуйидаги 5 киши отувга ҳукм этилган:*

1. **Ниёзметов Мулла Абдулла** — 1869 йили туғилган, Янгиариқ райони Соурзақ қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ, 1930 йили пахта режасини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтаган, диний хизматчи, имом. Аввалдан аксилинқилобий кайфиятда бўлиб атрофига аксилинқилобий кайфиятдаги унсурларни тўплаб колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботини олиб бориш топшириғини берганликда аксилинқилобий бўҳтон миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Мадаминов Юсуф** — 1870 йили туғилган, Янгиариқ райони Соурзақ қишлоғидан, собиқ хоннинг оқсоқолларидан, қулоққа тортилган, 1931 йили босмачиликка кўмак бергани учун 2 йилга қамалган, муддатни ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи аъзоси сифатида колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни гўшт топширишдан бош тортишга чақирганликда пахтага механизация йўли билан ишлов беришга қарши фикр билдириб руслар бизнинг хўжалигимизни бузиб юбориш учун машиналарни юбормоқда, руслар бизларни очликдан ўлишимизни хоҳлаяптилар деб айтганликда айбланган.

3. **Султонов Мулла Матмурод** — 1876 йили туғилган, Янгийўл райони Саурзақ қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган, 1931 йили мажбурий маҳсулотни топширмагани учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, жазони ўтаган, диний хизматчи, имом. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи билан боғланиб мағлубиятчилик тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни ўз болаларини совет мактабларига ўқишга бермасликка чақирган, чунки улар рус одатларини қабул қилади, деб совет ҳокимияти яқин орада тугатилади деганликда айбланган.

4. **Абдуллаев Болта** — 1896 йили туғилган, Янгиариқ райони Саурзақ қишлоғидан, ўзбек, хон оқсоқолининг ўғли, қулоққа тортилган, 1931 йилги сургундан яширинган, босмачиликка кўмак берган. Ҳибсга олинган вақтда ҳеч қаерда ишламаган. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи билан боғланиб аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда очарчилик тўғрисида бўҳтон миш-мишлар тарқатганликда, совет ҳокимияти яқин орада йўқ қилинишини ташвиқот қилганликда, 1937 йили колхозга киргани, лекин ишламагани, колхозчилар орасида колхозга қарши ва советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

5. **Султонов Саид** — 1890 йили туғилган, Янгиариқ райони Саурзақ қишлоғидан, ўзбек, 1930 йили қулоққа тортилган, 1931 йили пахта режасини бажармагани учун қамалган кейин суд озод қилган, ҳибсга қадар колхоз аъзоси бўлган. Аввалдан антисовет кай-



www.ziyouz.com kutubxonasi

фиятда бўлиб доимий равишда тарғибот олиб борганликда, унинг яширин йиғинларида иштирок этганликда, яқин орада ҳукуматда ўзгариш бўлиши, эски тузумга қайтиш тўғрисида тарғибот олиб борганликда айбланган.

*6411-сонли иш бўйича 3 киши отувга ҳукм қилинган:*

1. **Авазниёзов Мулла Ҳожибой** – 1863 йили туғилган, Хонқа райони Зивахас қишлоқ советидан, ўтмишда ҳуқуқидан маҳрум қилинган, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий гуруҳ ташкил этиб, яширин йиғинларда колхоздан чиқиб кетиш тўғрисида аксилинқилобий кўрсатма берганликда, колхозчилар орасида мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда айбланган.

2. **Эшниёзов Мулла Ёқуб** — 1871 йили туғилган, Хонқа райони Зивахас қишлоқ советидан, солиқ тўламагани учун хўжалиги 1931 йили тугатилган, 6 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий гуруҳ йиғилишларида иштирок этганликда, аксилинқилобий гуруҳ аъзолари айтганларини мақуллаганликда, аксилинқилобий ва мағлубиятчилик ташвиқоти олиб борганликда айбланган.

3. **Саидов Вафо** — 1879 йили туғилган, Хонқа райони Зинахас қишлоқ советидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида ўз уйида йиғилишлар ўтказиб, уларда колхозларни тарқатиб юбориш масалаларини муҳокама қилганликда, колхозчиларга колхоздан чиқиш тўғрисида кўрсатмалар берганликда, гуруҳнинг аъзолари айтганларини маъқуллаганликда, колхозчилар орасида миллатчилик, аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, хонлик тузумини мақтаганликда айбланган.

*6416-сонли иш бўйича 2 киши отувга ҳукм қилинган:*

1. **Мадаминов Мулла Ёдгор** — 1889 йили туғилган, Гурлан райони Жумба қишлоқ советидан, диний хизматчи, имом. Колхозчилар орасида доимий равишда совет ҳокимияти яқин орада тугатилиши ва Совет Иттифоқида ҳаётнинг ёмонлиги тўғрисида тарғибот олиб борганликда, исломни тиклаш инқилобгача бўлган эски тузумни мақтаганликда айбланган.

2. **Ёқубов Матниёз Махсим** — 1871 йили туғилган, Гурлан райони Қонғли қишлоғидан, диний хизматчи, имом. Колхозчилар орасида доимий равишда тез орада совет ҳокимияти тугатилади, Совет Иттифоқида ҳаёт ёмон деган тарғибот олиб борганликда, исломни тиклаш, инқилобгача бўлган эски тузумни мақташ бўйича ташвиқот олиб борганликда айбланган.

*6457-сонли иш бўйича 2 киши отувга ҳукм қилинган:*

1. **Воисниёзов Мулла Саид** — 1866 йили туғилган, Хонқа райони Наукас қишлоғидан, собиқ имом, қулоққа тортилган. 1931 йили режадаги топшириқларни бажармагани учун 3 йил меҳнат тузатув лагерига ва 5 йил сургунга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда мағлубиятчилик характеридаги ташвиқот олиб борганликда айбланган.

2. **Маметов Рўзимат** — 1886 йили туғилган, Хонқа райони Кат-



www.ziyouz.com kutubxonasi

та Жўрмиз қишлоғидан, собиқ руҳоний, имом, қулоққа тортилган, 1931 йили режали топшириқни бажармагани учун 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Аҳоли орасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга қаратилган советларга қарши тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий бўҳтон миш-мишлар тарқатганликда мағлубиятчилик кайфият билдирганликда айбланган.

*3987-сонли иш бўйича 7 киши отувга, 1 киши қамоқ жазосига ҳукм қилинган:*

1. **Бобожонов Мулла Юсуф** — 1870 йили туғилган, Хонқа райони Жирён қишлоқ советидан, 1934 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, диний хизматчи, имом. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳини бошқариб, унинг йиғилишларида фаол иштирок этиб, аксилинқилобий миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда ана шундай аксилинқилобий фаолият олиб бориш учун гуруҳнинг бошқа иштирокчиларига кўрсатма берганликда айбланган.

2. **Эшметов Мулла Саур** — 1872 йили туғилган, Хонқа райони Жирён қишлоқ советидан, қулоққа тортилган, 1934 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи иштирокчиси сифатида унинг йиғинларида фаол қатнашиб тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятини бадном этувчи аксилинқилобий туҳмат миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3. **Давлатов Мулла Отажон** — 1875 йили туғилган, Хива шаҳридан, ўтмишда Хонқа қозиси котиби, диний хизматчи, имом. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи аъзоси сифатида унинг йиғинларида иштирок этиб, фаол аксилинқилобий исёнчи ташвиқот олиб борганликда, колхоз тузумига қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

4. **Азимов Мулла Ҳайит** — 1867 йили туғилган, Хива шаҳридан, ўтмишда савдогар ва масжид имоми, ҳибсга олингунга қадар машғулоти аниқ бўлмаган. Руҳонийлар аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида унинг йиғинларида қатнашиб фаоллик билан аксилинқилобий исёнчи ташвиқот олиб борганликда, хонлик тузумини мақтаганликда айбланган.

5. **Авазниёзов Мулла Гадой** — 1876 йили туғилган, Хива шаҳридан, диний хизматчи, имом. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи аъзоси сифатида унинг йиғинларида фаол қатнашиб совет ҳокимиятини бадном қилишга қаратилган аксилинқилобий, мағлубиятчилик, исёнчилик ташвиқотини олиб борганликда айбланган.

6. **Хўжабоев Қуранбой** — 1885 йили туғилган, Хонқа райони Жирён қишлоқ советидан, ўтмишда хоннинг оқсоқоли бўлган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи аъзоси сифатида унинг йиғинларида қатнашганликда совет ҳокимиятини бадном этишга қаратилган аксил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

инқилобий, исёнчилик, мағлубиятчилик ташвиқот олиб борганликда айбланган.

7. **Сафарбоев Авазмат** — 1873 йили туғилган, Хива райони Жирён қишлоғидан, ўтмишда хоннинг оқсоқоли бўлган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи аъзоси сифатида унинг йиғинларида қатнашиб, аҳоли орасида мағлубиятчилик ва колхозга қарши характеридаги ташвиқот олиб борганликда айбланган.

8. **Қозоқов Абдураҳмон Сўфи** — 1897 йили туғилган, Хива райони Жирён қишлоғидан, ўтмишда руҳоний, сўфи, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, жазо муддати 1937 йил 8 июндан ҳисобланган. Руҳонийларнинг асилинқилобий гуруҳи аъзоси сифатида унинг йиғинларида қатнашиб фаол аксилинқилобий исёнчи, миллатчи ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимиятини бадном қилувчи туҳматлар тарқатганликда айбланиб 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

*Қуйидагилар якка тартибдаги жиноий ишлар бўйича отувга ҳукм қилинганлар:*

**Новинский Андрей Васильевич** — 1884 йили туғилган, Ғарбий области Затурия қишлоғидан, собиқ йирик ер эгаси. 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, жазони ўтаган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб бораганликда, совет ҳокимияти шаънига бўҳтон фикрлар айтганликда, фашизмни мақтаганликда айбланган.

**Албин Сергей Юльевич** — 1881 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Растовка қишлоғидан, собиқ йирик ер эгаси, земство бошлиғи, ҳибсга олинган вақтда Хонқа райони омонат кассасида ҳисобчи бўлиб ишлаётган бўлган. Мавжуд тузумга аввалдан душман кайфиятда бўлиб хизматчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик руҳида аксилинқилобий ташвиқот олиб бориб подшолик давридаги ҳаётни мақтаганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида туҳмат миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Тиляев Мулла Нурмат** — 6413-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. У 1892 йили туғилган, Хонқа райони Тама-Дургадик қишлоқ советидан, руҳоний, имом. 1932 йили камомад учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони ўтаган. Аҳоли орасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни пахта экмасликка чақирганликда, мағлубиятчилик ташвиқоти олиб борганликда, совет ҳокимиятига бўҳтонлар ёғдирганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

**Аллаберганов Бекжон** – 6412-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1907 йили туғилган, Хонқа райони Саримаим қишлоқ советидан, қулоққа тортилган, 1930 йили режа топшириқларини бажармагани учун 2 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Доимий равишда колхозчилар орасида Совет Иттифоқидаги очлик тўғрисида аксилинқилобий бузғунчилик-туҳмат тарғиботи олиб борганликда, Совет Иттифоқини мағлубиятга учрашини ташвиқот қилганликда, партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Худойберганов Саур** – 6115-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1875 йили туғилган, Хонқа райони Абдувоис қишлоқ советидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхозда ишлаган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган советларга қарши, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий, бузғунчилик ва мағлубиятчилик миш-мишлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

**Абдуллаев Мулла Бекжон** — 6422-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1882 йили туғилган, Гурлан райони Дусумби қишлоқ советидан, собиқ қулоқ, инқилобга қадар мадрасани битириб мулла унвонига эга бўлган. 1936 йили колхозчини калтаклаганликда айбланиб жавобгарликка тортилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Доимий равишда колхозчилар орасида колхозга қарши қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Тўраев Бўтан Ших** – 6421-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1896 йили туғилган, Нукус қишлоқ советидан, собиқ руҳоний, қулоқ, 1933 йили судланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик ташвиқот тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

**Абдураҳмонов Рўзмат** – 6405-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1870 йили туғилган, Абдувоис қишлоқ советидан, собиқ қулоқ, савдогар, 1931 йили режа топшириғини бажармагани учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий, миллатчилик ташвиқоти олиб борганликда, хонлик тузумни мақтаганликда айбланган.

**Юсупов Саур Махсим** – 6406-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1877 йили туғилган, Хонқа райони, Мадир қишлоқ советидан, собиқ қулоқ. Аҳоли орасида мағлубиятчилик характерида аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, мавжуд тузумга норозилик билдирганликда, ҳукумат раҳбарлари шаънига ҳақоратли гаплар айтганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват қилганликда айбланган.

**Саидкамолов Саидпозил** – 6496-сонли иш билан отувга ҳукм этилган. 1895 йили туғилган, Хонқа райони Катта Жўрмиз қишлоқ советидан, собиқ қулоқ, имом. 1933 йили пахта топшириш режасини бажармагани учун 6 йил қамоққа ҳукм этилган. Ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Мавжуд тузумга душман кайфиятида бўлиб доимий равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик ташвиқоти олиб борганликда, колхозда заракунандалик билан машғул бўлганликда, пахтани яхши суғормаганликда, 1,5 гектар пахтани йўқ қилганликда ва 500 килограмм уруғлик чигитни ярамас ҳолатга келтирганликда айбланган.

**Аташев Мулла Юсуп** – 4025-сонли иш билан отувга ҳукм этилган. 1866 йили туғилган, Янгиариқ райони Тозабозор қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1930 йили қатъий топшириқни бажармагани учун 6 йилга қамалган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимиятига нисбатан



www.ziyouz.com kutubxonasi

мағлубиятчилик қарашлар айтганликда, хонлик ҳукуматни мақтаганликда айбланган.

**Матсапаев Маткарим** – 6408-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1888 йили туғилган. Хонқа райони Зинахас қишлоқ советидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 6 йилга қамалган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган советларга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни ишга чиқмасликка ва асосий эътиборини ўзининг шахсий хўжалигига қаратишга чақирганликда, бундан ташқари колхозда кўпорувчилик билан шуғулланганликда айбланган.

**Аллоберганов Салой** — 4022-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1901 йили туғилган, Янгиариқ райони Мултон қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхозда ишлаган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Ёқубов Мулла Юсуп** – 4026-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1860 йили туғилган, Янгиариқ райони Эски Боғот қишлоғидан, имом. 1923 йили қулоққа тортилган, ўша йили 3 йилга қамоқ жазоси берилган, жазони ўтаган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати ва унинг вакиллари шаънига ҳақоратли гаплар айтганликда айбланган.

**Қобулов Мулла Олим** — 4023-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1864 йили туғилган, Янгиариқ райони Остон қишлоқ советидан, собиқ қулоқ, имом. Аҳоли орасида доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган советларга қарши тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий, миллатчилик ташвиқот олиб борганликда, хонлик ҳокимиятини мақтаганликда айбланган.

**Болтабоев Ҳусин (Ҳусан)** — 6454-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1883 йили туғилган, Шоват райони Ябликанғ қишлоқ советидан, собиқ қулоқ, 1933 йили колхоз ғалласини ўғирлагани учун 3 йилга қамалган, жазони ўтамай, қочиб кетган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган советларга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни ишга чиқмасликка чақирганликда, мағлубиятчилик кайфиятини билдирганликда, фашизмни мақтаганликда айбланган.

**Худойберганов Мулла Каримберган** — 6462-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган, 1870 йили туғилган, Хонқа райони Наухас қишлоқ советидан, руҳоний, имом. Аҳоли орасида Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, мағлубиятчилик тарғибот олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда, аксилинқилобий миллатчилик қарашларни ташвиқот қилганликда айбланган.

**Саидов Ёқуб** — 6463-сонли иш бўйича **отувга** ҳукм этилган, 1903 йили туғилган. Хонқа райони Катта Жўрмиз қишлоқ советидан, собиқ қулоқ, 1931 йили бандитлиги учун 5 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Доимий равишда мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

вакиллари шаънига ҳақоратли сўзлар айтганликда, аҳолини террор қилганликда, айрим фаолларни калтаклаганликда айбланган.

**Мадаминов Мулла Ҳайитбой** — 6456-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1899 йили туғилган, Хонқа қишлоқ советидан, имом, қулоққа тортилган. Аҳоли орасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий, мағлубиятчилик кайфиятни ташвиқот қилишда, хонлик тузумини мақтаб, халқлар доҳийси портрети кўзини ҳамма олдида ўйиб олганликда айбланган.

**Ҳусанбоев Давлатназар** — 6450-сонли иш билан отувга ҳукм қилинган, Хива шаҳридан, хон вазирининг ўғли, жадидларниг аксилинқилобий ташкилотининг собиқ аъзоси. Аҳоли орасида колхозлар бузилиб кетишига, партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, мағлубиятчилик кайфиятини ташвиқ қилишда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий, туҳмат миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Эшмуродов Қурбонбой** — 6448-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1901 йили туғилган, Қўшкўпир райони Қўшкўпир қишлоқ советидан, фаол босмачи, босмачилик тўдасида бўлгани учун 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазони ўтаган. Қамоқдан қайтиб келиб, доимий равишда мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, ўзини босмачи деб мақтаганликда, босмачилик фаолияти билан шуғулланиш истаги борлиги учун айбланган.

**Абдуллаев Тожибой** — 3996-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган, 1886 йили туғилган, Шоват райони Бешмерган қишлоқ советидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, масъул совет ходимлари шаънига террорчилик ниятлар билдирганликда айбланган.

*"Учлик" ўша 12 сентябрдаги йиғилишида ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Наманган шаҳар бўлими тақдими асосида 15 кишига отув ҳукми чиқарди:*

**Сичев Михаил Александрович** — 3385-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1886 йили туғилган, Андижон шаҳридан, диний хизматчи. Архмеря чегарасидан ўтишга кўмак берганликда, мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борганликда, эски ҳаётни мақтаганликда айбланган.

**Обмачкин Александр Григорьевич** — 3323-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1896 йили туғилган, Хвалинск шаҳридан, Колчак армиясида катта унтер-офицер 1921 йили полк командири Рибакни оқларга қочиб ўтганига кўмак бергани учун ҳарбий инқилобий трибунал 3 йил қамоқ жазоси берган, ҳибсга олингунга қадар 3-сон ёғ заводида катта приказчик бўлган. Гуруҳ кишилари орасида мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийси ҳақида туҳмат баҳолар берганликда, ўзбеклар шаънига шовинистик хуружлар билдирганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**Харипов Абдусалим** — 3380-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1868 йили туғилган, Наманган райони Катта Қурама қишлоғидан. 1932 йили қулоққа тортилган ва Норин районига сургун қилинган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхоз аъзоси бўлиб туриб колхозчилар орасида колхозларни бузилиб кетишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти колхозчиларни озиқ-овқат билан таъминламаяпти, уларни очликка маҳкум этмоқда деб уларни колхоздаги ишларни тарк этишга чақирганликда, оқибатда ишга чиқмаётганлар сони кўпайиб кетгани ва колхоз режани бажармай келганида айбланган.

**Ғофуров Кўчқор** — 3379-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган. 1887 йили туғилган, Наманган райони Катта Қурама қишлоғидан, собиқ қулоқ. 1932 йили советларга қарши тарғиботи учун 3 йилга сургун қилинган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини дискредитация қилишга қаратилган советларга, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Маҳмудов Абдулвоҳид** — 3366-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1872 йили туғилган, 1927 йили 3 ойга ҳукм қилинган, сохта маълумот бергани учун озодликдан маҳрум қилинган, диний хизматчи, имом. Аввалдан совет ҳукуматига қарши душман кайфиятда бўлган, доимий равишда аксилинқилобий ташвиқот билан шуғулланган, бир қатор шахслар орасида халқлар доҳийси шаънига ҳақорат гаплар айтганликда, колхозчиларни ишга чиқмасликка чақирганликда айбланган.

**Холиқов Мулла Эшон** — 3375-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1874 йили туғилган, Наманган райони Тошбулоқ қишлоғидан, собиқ имом, 1931 йили антисовет тарғибот олиб боргани учун 3 йилга сургун қилишга ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аввалдан совет ҳокимияти ва унинг тадбирларига қарши доимий равишда бир неча йиллар давомида колхозларни тарқалиб кетишига қаратилган антисовет тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Дадабоев Мирдада** — 3372-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1889 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ йирик қулоқ, савдогар, босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси. Аввалдан совет ҳокимиятига қарши кайфиятда бўлиб аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига тўҳматлар айтганликда, монархик тузумни мақтаганликда, чегарадан ўтиб кетишга уринганликда айбланган.

**Мирзабоев Мамамирзо** — 3368-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1890 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар Ўзбексавдо 8-сон районлараро база тайёрлов пунктида вакил бўлиб ишлаган. Аввалдан совет ҳокимиятига нисбатан душманлик кайфиятда бўлиб доимий равишда тарғибот олиб борганликда, фаоллар шаънига террорчилик кайфият билдирганликда, қулоқ сифатида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Аббосхўжаев Ҳакимхўжа** — 3318-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1889 йили туғилган, Наманган шаҳридан, "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий ташкилотининг фаол аъзоси, ҳибсга олингунга қадар район матлубот жамияти ҳузуридаги сут заводида инструктор. Аввалдан совет ҳокимиятига қарши душманлик кайфиятда бўлиб аҳоли орасида тарғибот олиб бориб ҳукуматнинг хотин-қизларни озод қилиш тадбирларига қаршилик кўрсатишга даъват этганликда, Олий Советга сайловлар тўғрисида аксилинқилобий, миллатчилик тuҳматлар тарқатганликда, яширин овоз бериш ўзбекларга қарши курашдир, деб айтганликда айбланган.

**Хилков Виниамин Алексеевич** — 3321-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1898 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Сухая-Вязовка қишлоғидан, собиқ оқгвардиячи, ҳибсга олингунга қадар ўқчи овчилик комитетида ҳисобчи бўлиб ишлаган. Совет ҳокимиятига душман кайфиятда бўлиб партия ва ҳукуматнинг барча тадбирларига қарши антисовет тарғибот олиб борганликда, партия ва халқлар доҳийсига қарши террорчилик кайфият билдирганликда, совет ҳокимияти мустаҳкам эмаслиги учун ҳар қандай ён беришларга боряпти деб халқ душмани Тухачевскийга ҳамдардлик билдирганликда айбланган.

**Сўфиев Убайдулла** — 3328-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1884 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ савдогар, 1930 йили аксилинқилобий, миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси бўлгани учун қамоққа олинган. Қамоқдан озод бўлгач ўзининг аксилинқилобий фаолиятини тўхтатмай бир қатор йиллар давомида мағлубиятчилик характерида аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, советлар қарорларини мазах қилганликда айбланган. "Учлик" йиғилиши баённомаси Загвоздин, Тўрабеков, Шейндлин, Яковлевлар томонидан имзоланган.

## 10-баённома. 1937 йил 13 сентябр

*"Учлик" (Загвоздин, Тўрабеков, Шейндлин) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган:*

**Ғозиев Каримжон** — 6655-сонли иш бўйича 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. 1901 йили туғилган, Жалолқудуқ райони Кўтарма қишлоғидан, 2 марта судланган, жазони ўтамай қочиб келган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Икки марта қамоқдан қочиб келган, доимий равишда жиноятчилар билан алоқада бўлганликда айбланган.

**Бектемиров Турғун Учар** — 6656-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1892 йили туғилган, Сталин райони Қоратепа қишлоғидан, собиқ қулоқ. Ўтмишда босмачилар тўдасининг фаол йигити. Пахта тайёрлаш бўйича топшириқни бажармагани ва колхозчини ўлдиришга тажовуз қилгани учун 2 марта судланган, жазони ўтаган. Ҳибсга олинган пайтда машғулоти аниқ бўлмаган. Қамоқ жазосини ўтаб лагердан қайтгач ўз уйида кўнгил очар уйинлар ташкил этганликда, наша сотиш билан шуғулланганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Балаянц Жавод Матевасович** — 6657-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1876 йили туғилган, Нума шаҳридан, армани, синфийлигини йўқотган, ҳибсга олинган пайтда машғулоти аниқ бўлмаган. 1917 йилгача ва ундан кейин ҳам бирор жойда ишламаганликда, бир гуруҳ жиноятчиларни қўл остида сақлаганликда, уйидан "Браунинг" топилганликда, ҳибсга олиш вақтида милиция ходимларини бир неча марта ҳақоратлаганликда, ходимларни уриш учун уринганликда айбланган.

**Отажонов Дадаш** — 6661-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган. 1903 йили туғилган, Андижон шаҳридан, ўзбек. Ўғирлик учун Туркистон шаҳрига 5 йил сургун қилинган, у ердан бир ойда қочиб келган. 1934 йили ЎзССР НКВД "учлиги" ижтимоий зарарли унсур сифатида айблаган.

**Аҳмадалиев Иброҳимжон** — 6660-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1908 йили туғилган, Андижон шаҳридан, ўзбек, собиқ қулоқ, савдогар. 1932 йили учлик ўғирланган молни сотиб олгани учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этган, лагердан қочиб келган. 1934 йили ушлаб олинган ва лагерга қайтарилган, жазони ўтаган. СВЭ (ижтимоий зарарли унсур — *Р.Ш.*). Лагерлардан бўшаб келгач 1937 йил феврал ойидан бошлаб бозорларда даллолчилик қилган ва яширин ҳайвон сўйиб сотиш билан шуғулланган, жиноятчи унсурлар билан боғланиб, қишлоқларда чайқовчилик нархида гўшт сотиб юрганликда айбланган.

**Соҳибов Аҳмад Қосим** — 6653-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1903 йили туғилган, Учқўрғон райони Яшик қишлоғидан, қипчоқ. 1933 йили мол ўғирлагани учун халқ суди 2 йил қамоқ жазоси берган. 1934 йили лагердан қочган, 1936 йили милиция органи қамоққа олган, лекин қамоқдан қочган. Лагердан қочиб келиб, ҳеч ерда ишламай жиноятчи унсурлар билан боғланиб бир неча бор қуролли талончилик қилганликда (ундан револьвер олиб қўйилган), қамоқдан иккинчи марта ҳам қочганликда, бошқа жойга келиб колхозга суқилиб олиб, колхозчилар мулкини ўғирлаганликда, колхоздан чиқариб юборилганликда айбланган.

**Отабоев Холмирза** — 6642-сонли иш бўйича меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм қилинган, 1908 йили туғилган, Андижон шаҳридан 1933 йили талончилиги учун халқ суди 5 йил қамоқ жазоси берган, жазони ўтаган. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулотга эга бўлмаган. Лагердан озод бўлгач жиноятчилар билан алоқани тиклаб доимий равишда талончилик билан шуғулланганликда айбланган.

**Тожибоев Машраб** — 6642-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган, 1915 йили туғилган, Андижон шаҳридан, талончилик қилгани учун 2 марта судланган, жазо ва 7 марта огоҳлантиришни ўтаган. Ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган. Лагерлардан бўшатилгандан сўнг жиноятчилар билан алоқани тиклаб, доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган.

**Холиқов Темур** — 6645-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 45 ёшда, Ворошилов райони Хидирша қишлоғидан, қирғиз,


www.ziyouz.com kutubxonasi

собиқ бандит, ўғирлик қилгани ва қурол сақлагани учун судланган. Қамоқдан бўшаб келганидан сўнг ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаган, ўзининг ўғирлик фаолиятини давом эттирган, босмачилар ва ўғрилар билан алоқада бўлганликда айбланган.

**Холмирзаев Ашурали** — 6646-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, Хўжаобод райони Куллатепа қишлоқ советидан, собиқ қулоқ, 2 марта судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган, ижтимоий зарарли унсур. Лагерлардан бўшатилгандан сўнг жиноятчи унсур билан алоқа тиклаганликда, ўз уйида наша чекувчиларни сақлаб турганликда айбланган.

**Мўминов Қўчқор** — 6647-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, Избоскан райони Қубобод қишлоғидан, ўтмишда босмачилар тўдаси йигити бўлган, 3 марта судланган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган, ижтимоий зарарли унсур. 1936 йили колхозга кириб олиб ва чўпонлик қилиб чорвани парвариш қилишга нисбатан заракунандалик қилгани учун ҳайвонларнинг оммавий камайиб кетишига сабабчи бўлганликда айбланган.

**Содиқов Эргаш** — 6648-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1906 йили туғилган, ўтмишда босмачилар тўдасида йигит бўлган. 1931 йили ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги томонидан аксилинқилобий босмачилик фаолияти учун 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазони ўтаган, ҳибсга олинганда машғулоти аниқ бўлмаган. Лагерлардан қайтиб келгач бирон жойда ишламасдан доимий равишда чайқовчилик билан шуғулланганликда айбланган.

**Мирфозилов Мирсултон** — 6649-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1907 йили туғилган, Ворошилов райони Ворошилов қишлоқ советидан, Андижоннинг йирик саноатчиси ўғли (Миркомил Мирмўминбоевнинг ўғли — *Р.Ш.*), 1934 йили бандитлиги учун 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, жазо муддатини ўтамай қочиб келган. Ҳеч қаерда ишламаганликда ва жиноятчи унсур билан алоқа ўрнатиб безорилик ва ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган.

**Маманазаров Исроил ва Омонов Хўжаназар** — 6653-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинганлар:

**Маманазаров Исроил** — 1898 йили туғилган, Жалақудуқ райони Чўмбағиш қишлоғидан, бандитликда айбланиб икки марта судланган, жазо муддатини ўтамай қочиб келган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Икки марта судланганликда, қамоқ жойидан қочиб келганликда, жиноятчилар билан алоқани тиклаганликда ва тиланчилик билан шуғуллаганликда айбланган.

**Омонов Хўжаназар** — 1911 йили туғилган, Ворошилов райони Бўстон қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар Акмал Икромов номли совхозда ("Савай" совхозида — *Р.Ш.*) ишлаган. 1931 йили қулоққа тортилган ва доимий ишга эга бўлмай бандит Маманазаров билан алоқа ўрнатганликда, жиноятчи унсурлар билан биргаликда талончилик билан шуғулланганликда айбланган.

**Раҳмонов Соли** — 6652-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат туза-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тув лагерига қамоқ жазосига ҳукм этилган. 1910 йили туғилган, Ворошилов райони Хўжаобод қишлоғидан. 1935 йили ЎзССР Олий суди Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 78-моддаси бўйича бандитчилиги учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар машғулоти аниқ бўлмаган. Лагерлардан бўшатилгандан сўнг доимий равишда ўғирлик билан шуғуллаганликда айбланган.

*ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Андижон сектори тақдим этган 2692-сонли иш бўйича қуйидаги 24 маҳбус отувга ва 4 маҳбус 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган:*

**Назратуллаев Абдулла Шайх** — 65 ёшда, Қирғизистон ССР Жалолобод райони Санет Бедан мавзеидан, ўзбек, диний хизматчи, имом, шайх, ҳибсга олингунга қадар Наманган шаҳридаги “Мирқачанбой” масжидида имом. Аксилинқилобий миллатчи, исёнкор ташкилот раҳбари сифатида Фарғона водийси ҳудудида айбланувчилардан Комолов ва Маткаримовларнинг чегарадан олиб ўтган кўрсатмаларини нолегал йиғилишларда айтиб, совет ҳокимиятини ағдариш учун аксилинқилобий ташкилот тузишни, аҳолининг қолоқ қисмидаги миллатчилик сарқитларидан фойдаланиб, Ўзбекистон ҳудудида “Мусулмон” давлатини тузишга ҳаракат қилганликда айбланган.

**Муҳиддинов Ҳасанхон** — унинг айтишича 60 ёшда, врач маълумотига кўра 46 ёшда, Наманган шаҳридан, йирик ер эгаси, эшон оиласидан, диний хизматчи, имом, яширинча табиблик билан шуғулланган. Аксилинқилобий ташкилот Балиқчи гуруҳининг раҳбари сифатида айбланаётган Назратуллаев, Алихоновлар кўмагида Маткаримов орқали муҳожир руҳонийлар билан алоқада бўлганликда, 1935 — 1936 йиллардаги қатор йиғилишларда иштирок этганликда, хотин-қизлар озодлигига қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**Олимхўжаев Баҳодирхон Эшон** — 2692-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган (бу иш бўйича ҳукмга тортилганлар 28 киши бўлган, иш ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Андижон сектори томонидан тақдим қилинган — *Р.Ш.*), 1874 йили туғилган, ўзбек, руҳоний, Балиқчи қишлоғи имоми. Аксилинқилобий ташкилотнинг Балиқчи гуруҳининг раҳбарларидан бири айбланувчилар билан биргаликда Рўзматов орқали муҳожир руҳонийлар билан алоқада бўлганликда, Мулла Ортиқ Қозоқбоевнинг уйида аксилинқилобий гуруҳнинг совет ҳокимиятини қурол кучи билан ағдариб ташлаш мақсадида бандитлар тўдаси ташкил этиш масаласи ҳал қилинаётган кенгашда қатнашганликда (бу кенгашда чет элдан келган руҳоний ҳам қатнашган), бу ташкилотга Содиқов, Расулов, Матхолиқовларни тортганликда айбланган.

**Содиқов Мулла Мингбой** — ўша иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 60 ёшда, Балиқчи район Гулистон қишлоғидан, йирик ер эгаси оиласидан, диний хизматчи, Гулистон қишлоғи имоми. Аксилинқилобий ташкилот Балиқчи гуруҳининг фаол иштирокчиси, совет ҳокимиятини қуролли ағдаришни тайёрлаш бўйича иш олиб борганликда, чет элдан келган муҳожир руҳоний Қирғизбоев иштирок этган кенгашда қатнашганликда, доимий равишда аксил-


www.ziyouz.com kutubxonasi

инқилобий, бузғунчилик кайфиятида бўлиб, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Матхолиқов Мулла Жамол Қори** ҳам ўша иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1877 йили туғилган, Балиқчи райони Гулистон қишлоғидан, қулоқлар оиласидан, диний хизматчи, Гулистон қишлоғи имоми. Аксилинқилобий гуруҳ қатнашчиси, муҳожирдаги руҳоний билан алоқада бўлганликда, яширин йўл билан чет элдан келган Қирғизбоев иштирокида кенгашда қатнашганликда, масжид ёнида диндорлар орасида аксилинқилобий, бузғунчилик характеридаги ташвиқот олиб борганликда айбланган.

**Расулов Жалол Шайх** — юқоридаги иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1909 йили туғилган, ўзбек, қулоқлар оиласидан, имомлик билан машғул бўлган, Гулистон мусулмонлар қабристони ва масжидида шайхлик қилган. Балиқчидаги аксилинқилобий гуруҳ аъзоси бўлиб, 1935 йилдан мазкур иш бўйича гуруҳга жалб қилинган Қозоқбоев билан бирга аксилинқилобий гуруҳ йиғилишларида қатнашганликда, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозга қарши тарғибот олиб бориш тўғрисида таклиф киритганликда, тез орада совет ҳокимияти ағдарилади, деб айтганликда айбланган.

**Ҳотамов Мамадали** — ўша иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1889 йили туғилган, Балиқчи райони Балиқчи қишлоғидан, ўзбек, бой, йирик ер эгасининг ўғли, 1935 йилга қадар чайқовчилик қилган, руҳоний Матмуродов хорижга чиқиб кетгунга қадар унда сўфи бўлган, 1936 йилдан “Охунбобоев” колхози аъзоси. Балиқчидаги аксилинқилобий гуруҳнинг аъзоси сифатида ўз уйини аксилинқилобий гуруҳга бўшатиб берган, ундаги йиғилишларда совет ҳокимияти билан кураш олиб бориш учун қуролланган исёнкорлар тайёрлаш масаласи муҳокамасида қатнашганликда, муҳожир, руҳоний Матмуродов билан алоқа қилганликда, 1936 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олингани ва қамоқдан қочиб кетганликда, иккинчи марта 1937 йили бошқа район ҳудудида қўлга олинганликда айбланган.

**Маткаримов Юсуфжон** — ўша иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1908 йили туғилган, Балиқчи район Чўнқайма қишлоғидан, ўзбек, йирик қулоқ оиласидан. 1931 йили қамоққа тортилган, унинг ўзи ўша йили чегарани бузиб чет элга чиқиб кетган. 1934 йили қайтиб келган ва мажбурий меҳнатга ҳукм этилган, уни бажаришдан бош тортган. Ҳибсга олингунга қадар Киров номли колхозда аъзо бўлган. Аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида руҳоний муҳожир Матмуродовнинг қариндошлари билан алоқада бўлган. Яширин тарзда чегарадан ўтиб аксилинқилобий гуруҳга топшириқ берганликда айбланган.

**Камолов Убайдулла Ҳайдар** — 1913 йили туғилган, Балиқчи райони Балиқчи қишлоғидан, йирик чой савдогари оиласидан. 1931 йили қулоққа тортилган, Камоловнинг ўзи ҳеч қаерда ишламайди, турли шаҳарларга бориб келиб туради. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида ўзининг муҳожирликдаги акаси билан алоқада бўлиб, муҳожирликдаги руҳонийлар ташкилоти билан


www.ziyouz.com kutubxonasi

алоқа ўрнатганликда, Ўзбекистон ва Тожикистон шаҳарлари бўйича аксилинқилобий ташкилот аъзоларидан айримларининг хорижга чиқиб кетишини тайёрлаганликда айбланган.

**Зокиров Охунжон** — 60 ёшда, Баликчи райони Гулистон қишлоқ совети Аличек қишлоғидан, диний хизматчи, имом. Норин аксилинқилобий гуруҳнинг фаол иштирокчиси сифатида айбланаётган Мередиев билан ҳамкорликда Шераличек қишлоғидаги яширин йиғилишда аксилинқилобий гуруҳ ташкил этганликда айбланган.

**Авлиёхонов Эшон Аҳмаджон** — 1872 йили туғилган, ўзбек, руҳоний, имом, Баликчи райони Хўжаобод қишлоғидан. Аксилинқилобий ташкилот иштирокчиси билан боғланиб Хўжаобод қишлоғидаги йиғилишда тарғибот олиб бориб тез орада совет ҳокимияти ағдарилади, колхозлар тугатилади деб айтганликда айбланган.

**Миридиев Абдулҳамид Махсум Почча Эшон** — 62 ёшда, ўзбек, Норин райони Чамбил қишлоғидан, 1930 йили қулоққа тортилган, Яшик масжидида имом. Норин, Учқўрғон районларида аксилинқилобий ташкилотнинг шўбалари ташкилотчиси раҳбари сифатида, Шираличек қишлоғида руҳонийларнинг нолегал кенгашларида аксилинқилобий гуруҳни ташкилий жиҳатдан расмийлаштирганликда, вазифаларни тақсимлаганликда антисовет ва исёнкор унсурларни жалб қилиш ва қурол-аслаҳа сотиб олиш учун ҳаракат қилганликда айбланган.

**Ахмадшоев Абдулла Шайх** — 60 ёшда Наманган шаҳридан диний хизматчи, имом, ҳибсга олингунга қадар ҳеч қаерда ишламаган. Баликчи аксилинқилобий ташкилотчиси сифатида Баликчи қишлоғидаги руҳонийларнинг нолегал йиғилишларида қатнашганликда, совет ҳокимиятини ағдариш мақсадида хориждагиларни ҳам гуруҳга жалб қилганликда, аксилинқилобий "Ислом" журналини сақлаганликда тез орада совет ҳокимияти қулаб унинг ўрнига "Мусулмон" давлати вужудга келади деганликда айбланган.

**Маҳмудхўжаев Комол Ҳожи Эшон** — 63 ёшда, Наманган шаҳридан, ўзбек, диний хизматчи, руҳоний, имом. Норин аксилинқилобий гуруҳининг фаол иштирокчиси, Шираличек қишлоғидаги нолегал йиғилишларда қатнашганликда, Кўритепа қишлоғида аксилинқилобий иш олиб бориш топшириғини қабул қилганликда, бу қишлоққа келиб ўзининг уйида йиғилиш ўтказиб, унда аксилинқилобий мағлубиятчи ва антиколхоз тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Убайдуллаев Иззатулла** — 1898 йили туғилган, Наманган шаҳридан, ўзбек, руҳоний, имом, Тошлоқ қишлоғининг раиси. Норин аксилинқилобий гуруҳининг ташкилотчиси сифатида руҳонийларнинг Шарипов уйидаги йиғилишида қатнашганликда, унда аксилинқилобий, мағлубиятчилик антиколхоз тарғибот олиб борганликда, уйида аксилинқилобий характердаги варақалар сақлаганликда айбланган.

**Умаралиев Ботирали** — 1878 йили туғилган, Норин райони Қоратепа қишлоғидан, ўзбек, диний хизматчи, мударрис, имом,

1930 йили пахта режасини бажармагани ва антисовет тарғибот олиб борганли учун судланган, ҳибсга олингунга қадар "полит отдел" аъзоси. Норин аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида Худойбердиев уйидаги нолегал йиғилишларда қатнашганликда, Эшон қишлоғида аксилинқилобий исёнчи ва колхозга қарши ташвиқот олиб борганликда айбланган.

**Низомиддинов Жўрабой** — 1882 йили туғилган, Баликчи райони Хўжаобод қишлоғидан, ўзбек, савдогар, диний хизматчи. Аксилинқилобий ташкилот аъзолари билан боғланиб Хўжаобод қишлоғидаги яширин йиғилишларда иштирок этганликда, доимий равишда "Қизил Ўзбекистон" колхозчилари орасида турғунлик, колхозга қарши мағлубиятчилик исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**Эшонтўраев Абдурахмонтўра** — 1879 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, ўзбек, диний хизматчи, бообрўли эшон, ҳибсга олинган вақтда Жомеъ масжидининг имоми. Аксилинқилобий ташкилот иштирокчиси Хўжаев билан боғланиб Қўштепасарой қишлоғидаги яширин йиғилишларнинг ташкилотчиси ва раҳбари сифатида йиғилиш қатнашчиларига колхозчилар орасида аксилинқилобий ташвиқот олиб бориш ҳақида кўрсатма берганликда, Қўқон шаҳрида мусулмон руҳонийларининг йиғилишида совет ҳокимиятига қарши муқаддас урушга тайргарлик кўриш ҳақида гапирганликда айбланган.

**Бегматов Мулла Кенжа** — 1901 йили туғилган, Балиқчи райони Қўштепасарой қишлоғидан, қулоқ, диний хизматчи, имом, ҳибсга олингунга қадар "Пятелетка" колхози аъзоси. Аксилинқилобий ташкилотда бўла туриб, Қўштепасарой қишлоғидаги нолегал йиғишларда қатнашган, оммавий диний маросимлар ўтказиб уларга Қўштепа қишлоғидаги қолоқ колхозчиларни жалб қилганликда ва улар олдида советларга қарши бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**Шомирзаев (Шерматов) Мулла Асқар** — 1875 йили туғилган, Избоскан райони Майгир қишлоғидан, ўзбек, йирик бой ўғли, руҳоний. 1934 йили пахта режасини бажармагани учун 6 ой мажбурий меҳнатга ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар Сиза қишлоғи масжидида имом. Қишлоқдаги аксилинқилобий йиғилишларнинг қатнашчиси доимий равишда қишлоқ аҳолиси орасида тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий троцкийчиларнинг террорчилик фаолияти тўғрисида ижобий фикр билдирганликда айбланган.

**Низомбоев Мулла Акбар** — 50 ёшда, Избоскан райони Магир қишлоғидан, ўзбек, йирик қулоқ ва қулоққа тортилганлар оиласидан, солиқ тўламагани учун 1 йил қамоққа ҳукм қилинган. Ҳибсга олингунга қадар Сиза қишлоғи масжидида имом. Аксилинқилобий ташкилот иштирокчилари билан боғланиб Сиза қишлоғидаги нолегал йиғинларда қатнашиб ва уларда исёнчилик тарғиботини олиб борганликда, масжидда колхозчиларга оғир ҳаёт тўғрисида айтганликда, аксилинқилобий туҳмат миш-мишлар тарқатганликда, яқин орада совет ҳокимияти қулайди деб айтганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Эшматхўжаев Шерматкал** — 49 ёшда, Норин райони Қўрғонча қишлоғидан, кулоқ, босмачи. 1933 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар Дибенко номли колхоз аъзоси. Учқўрғон аксилинқилобий гуруҳининг иштирокчиси. Яшик қишлоғида Отамирзаев уйидаги нолегал йиғилишларда қатнашиб Миридиевнинг аксилинқилобий исёнкор чақириқларини қабул қилганликда, ўз зиммасига аксилинқилобий гуруҳ учун қурол олиш мажбуриятини олганликда айбланган.

**Нормонқулов Ўрмон** — 33 ёшда, Учқўрғон райони Яшик қишлоғидан, ўзбек, элликбоши, амалдор оиласидан, Мадаминбек тўдасида қатнашган, ҳибсга олингунга қадар колхозчи. Совет ҳокимиятига қарши душман кайфиятида бўлиб, Учқўрғон аксилинқилобий гуруҳига кириб, Отамирзаев уйидаги яширин йиғилишларда қатнашганликда, гуруҳга одамларни сафарбар қилганликда айбланган.

**Аҳмадхўжаев Мамадалиҳожи** — 1906 йили туғилган, Балиқчи райони Гулистон қишлоғидан, ўзбек, диний хизматчи, эшон, антисовет тарғиботи учун қамоққа олинган. 1937 йил феврал ойида ЎзССР Олий суди отувга ҳукм қилган, кейин уни 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштирган, яна жавобгарликка тортилган. Учқўрғон аксилинқилобий гуруҳнинг фаол иштирокчиси, Яшик қишлоғидаги нолегал йиғилишларда совет ҳокимиятига қарши ва мусулмон давлати ўрнатиш учун куролли курашга чақирганликда айбланган.

*Қуйидагилар 10 йил меҳнат тузатув лагерида қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилинганлар:*

1. **Отамирзаев Абдулла** — 1912 йили туғилган, Учқўрғон райони Яшик қишлоғидан, ўзбек, савдогар оиласидан, ҳибсга олингунга қадар ўқитувчи. Учқўрғон райони Яшик қишлоғидаги аксилинқилобий гуруҳнинг яширин мажлисларида иштирок этганликда, мажлис учун ўз хонадонини тақдим қилганликда айбланган.

2. **Тожибоев Абдураҳмон** — 1903 йили туғилган, Балиқчи райони Хўжаобод қишлоғидан, ўзбек, ВКП(б) аъзоси. 1933 йили берилган камомади учун партиядан ўчирилган, 1934 йили колхоз маблағини камомад қилгани учун судланган, ҳибсга олингунга қадар Хўжаобод қишлоқ матлуботида магазин мудири. Отамирзаев уйидаги аксилинқилобий гуруҳнинг яширин йиғилишларида иштирок этганликда, Миридиевнинг аксилинқилобий исёнчи чақириқларини қўллаб-қувватлаганликда айбланган.

3. **Отамирзаев Комолиддин** — 1908 йили туғилган, Учқўрғон райони Яшик қишлоғидан, ўзбек, савдогар оиладан. Ҳибсга олингунга қадар ўқитувчи. Акасининг уйида аксилинқилобий гуруҳнинг яширин йиғилишларида қатнашганликда, аксилинқилобий мақсадлар учун қурол сотиб олиш ва сақлашда, акасига кўмаклашганликда айбланган.

*ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Андижон сектори тақдим этган 2541-сонли иш бўйича қуйидаги 9 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Ҳожиматов Абдулла Эшон** — 1879 йили туғилган, Учқўрғон райони Қизилқулоқ қишлоғидан, келиб чиқиши йирик бой,



www.ziyouz.com kutubxonasi

руҳонийлардан. Ўтмишда босмачилик фаолияти учун 5 йил меҳнат тузатув лагерида қамоқ жазосини ўташга ҳукм қилинган. Ҳибсга олингунга қадар диний хизматчи, пири эшон. Хориждаги муҳожир ўзбек ва тожиклардан ташкил этилган советларга қарши аксилинқилобий ташкилотнинг фаол аъзоси сифатида тарғибот олиб борганликда, тез орада совет ҳокимияти қулаши муқаррарлиги ҳақида аксилинқилобий миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхоздан чиқиши, масжидларни тикланиши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимиятига қарши муқаддас уруш олиб борувчи ташкилот тузиш зарурлигини тарғиб қилганликда айбланган.

**2. Абдураҳмонов Мулла Исо Муҳиадин** – 1878 йили туғилган, Учқўрғон райони Қизилқулоқ қишлоғидан, ўзбек, йирик ер эгаси, руҳоний оиласидан, ҳибсга олингунга қадар диний хизматчи, халфа. Ўз олдига совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолон қилишни мақсад қилиб олган аксилинқилобий ячейканинг иштирокчиси, аксилинқилобий йиғинлар ўтказиб яқин орада совет ҳокимиятининг ағдарилиши тўғрисида тарғибот олиб борганликда, бундай аксилинқилобий миш-мишлар аҳоли орасида тарқатганликда айбланган.

**3. Усмонов Мулла Умар Халфа** — 1883 йили туғилган, Элатон қишлоғидан, қирғиз, руҳоний оиладан, ҳибсга олингунга қадар диний хизматчи, халфа. Совет ҳокимиятига қарши аҳолининг қолоқ қисмини нафратлантиришда, диний йиғинларда тарғибот олиб боришда, совет ҳокимияти томонидан дин ва мусулмонлар тақиб қилинаяпти, масжидлар бузилаяпти деган аксилинқилобий ташвиқот юргизганликда айбланган.

**4. Хўжақулов Мулла Қобул Халфа** — 1876 йили туғилган, Учқўрғон райони Қизилқулоқ қишлоғидан. Йирик руҳоний, халфа, собиқ савдогар оиласидан, ҳибса олингунга қадар диний хизматчи, халфа. Аксилинқилобий ячейканинг фаол иштирокчиси сифатида аксилинқилобий мақсадларда, диний йиғинларда қатнашганликда, совет ҳокимияти дин, динга ишонувчиларни таъқиб этаяпти, масжидлар бузилаяпти деб аксилинқилобий туҳмат фикрлар айтганликда айбланган.

**5. Исомидинов Каримбой** — 1878 йили туғилган, ўзбек, катта ер эгаси оиласидан, коллективлаштиришга қадар хўжалигида ёлланма ишчи кучидан фойдаланган, ўтмишда босмачиларга фаол кўмаклашган. Аксилинқилобий ячейкани фаол иштирокчиси сифатида совет ҳокимиятига қарши қуролли чиқишлар мақсад қилиб олганликда, ўз ўйини ташкилот учун берганликда, колхоз деҳқонларини қолоқ қисмини аксилинқилобий ташкилотга жалб қилганликда айбланган.

**6. Хонйигитов Мулла Тўрабой** — 1889 йили туғилган, Балиқчи райони Гулистон қишлоғидан, бой, қулоқ оиласидан, диний хизматчи, имом, ўтмишда шарият қозиси. Совет ҳокимиятига қарши қуролли чиқишни мақсад қилиб олган аксилинқилобий ячейканинг фаол иштирокчиси, аксилинқилобий ташкилот иши бўйича хориж билан алоқада бўлганликда, диний йиғинларда аксил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

инқилобий бузғунчилик, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, диндор деҳқонлар орасида совет ҳокимиятига қарши нафрат уйғотишга қаратилган чиқишлар қилганликда айбланган.

7. **Исмоилов Шароб** — 1902 йили туғилган, Учқўрғон райони Шархончек қишлоғидан, бой. 1932 йили Жиноят кодексининг 80-моддаси бўйича 2 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Аксилинқилобий ячейканинг фаол иштирокчиси, колхозчилар орасида аксилинқилобий бузғунчилик, исёнчилик тарғиботи олиб борганликда, айрим фуқаролар орасида тез орада совет ҳокимияти қулайди, деган тарғибот олиб борганликда айбланган.

8. **Авилов Йўлчибой** — 1878 йили туғилган, миллати қипчоқ, Учқўрғон райони Шархончек қишлоғидан, сургун қилинган. 1932 йили қулоққа тортилган, бой оиласидан, ўтмишда собиқ босмачи сифатида судланган. Совет ҳокимиятига қарши қуролли курашни тайёрлашни вазифа қилиб олган ячейканинг иштирокчиси сифатида диний йиғинларда иштирок этиб, уларга совет ҳокимияти мустаҳкам эмасл іги ва у тез орада ҳалокатга юз тутади деб айтганликда айбланган.

9. **Маҳаминхўжаев Мулла Мирза Ҳаким** — 1891 йили туғилган, Балиқчи райоҥи Аглам қишлоғидан, йирик бой оиласидан, ҳибсга олингунга қадар диний хизматчи. Аксилинқилобий ташкилот иштирокчиси сифатида хориждаги аксилинқилобий ташкилотнинг топшириғи билан совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолон учун босмачи ходимлар тайёрлаш масаласи билан шуғулланганликда, колхозга қарши туҳмат, бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

## 11-баённома. 1937 йил 15 сентябр

*"Учлик" (Загвоздин, Тўрабеков, Шейндлин, Яковлев) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган. Қуйидагилар отувга ҳукм қилинганлар:*

1. **Ҳожимуротов Тийляд** — 1867 йили туғилган, Беҳбудий райони Пестакент қишлоғидан, ўзбек, собиқ амир амалдори, "тўқсабоши", қулоққа тортилган. 1928 йили босмачилик фаолияти ва ЎзССР суди фаолини ўлдиргани учун олий жазога ҳукм этилган ва бу жазо 10 йил қамоққа ўзгартирилган, 4 йил жазони ўтагач муддатидан олдин озод этилган. Ҳибсга олингунга қадар якка хўжалик эгаси бўлган. Душманлик кайфиятида бўлиб доимий равишда аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, очлик тўғрисида иғво гаплар, миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Бухоров Отақул** — 1867 йили туғилган, Беҳбудий райони Узуннаво қишлоғидан, ўзбек, собиқ амирнинг амалдори — мирзабоши, собиқ қулоқ. 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун мажбурий меҳнатга ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар ҳеч жойда ишламаган, чайқовчилик билан шуғулланган. Қишлоқма-қишлоқ юриб чайқовчилик қилиш жараёнида қишлоқ аҳолиси


www.ziyouz.com kutubxonasi

орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб бориб, 1937 йили совет ҳокимиятининг қулашини ташвиқот қилиб, бу ҳақда муқаддас Қуръон айтмоқда, ўшанда коммунистларнинг каллалари олинади деб айтганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга, агар улар ўзлари учун ишлаганларида бойиб кетардилар деб халқ душманларини ёқлаб чиққанликда айбланган.

3. **Фивейсная Екатерина Петровна** — 1869 йили туғилган, Москва области Никольская Урюпино қишлоғидан, рус, руҳонийнинг қизи, мутахассислиги врач. 1935 йили СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги хузурида махсус кенгаш черковчиларнинг аксилинқилобий фаолияти учун Ўзбекистонга 3 йилга сургун қилинган, сургунни Беҳбудий шаҳрида ўтаган, ҳеч қаерда ишламайди. Сургундалигида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманлари ҳақида ижобий фикр билдирганликда, аксилинқилобий, троцкийчилик тарғиботи олиб борганликда, террорчилик фикрлар айтганликда, тинтув чоғида ундан кучли таъсир этувчи заҳарли дорилар топилганликда айбланган.

4. **Рўзиев Тўхли** — 1872 йили туғилган, Беҳбудий райони Мулла Қуват қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ. 1928 йили босмачиликка моддий ёрдам кўрсатгани учун қамоққа олинган, 8 ой қамоқда ётган. Ҳибсга олингунга қадар якка хўжалиги бўлган. Аввалдан советларга қарши кайфиятда бўлиб, аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, тез орада совет ҳокимияти ҳалокатга юз тутади ва хонлик ҳокимияти тикланади деб айтганликда айбланган.

5. **Раимов Қори Хол** — 1875 йили туғилган, Беҳбудий шаҳридан, ўзбек, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун судланган, 1934 йили қамоқдан бўшатилган. Диний хизматчи — имом. Совет ҳокимиятига нисбатан душманлик кайфиятида бўлиб доимий равишда диний йиғилишлардан фойдаланиб мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, тез орада совет ҳокимияти ағдарилиб амир ҳокимияти тикланади деган миш-мишлар тарқатганликда, терговда Афғонистонга мухожир бўлиб чиқиб кетиш мақсадида Керки шаҳрида ишга ўрнашиб олиб бир неча бор чегарадан ўтиб кетишга уринганлигини айтганликда, совет ҳокимияти сиёсатидан норози бўлгани учун айбланган.

6. **Ҳасанов Мухторхон** — 1881 йили туғилган, Беҳбудий райони Паргуза қишлоғидан, 1928 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун судланиб қамалган, жазони ўтаб келган, диний хизматчи-мулла, эшон. Руҳонийлар гуруҳи билан яширин алоқада бўлиб аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда, колхозчилар орасида тез орада совет ҳокимияти қулаб унинг ўрнига янгиси келади, совет ҳокимияти ўтказаётган тадбирларга туҳматли фикрлар билдирганликда, совет ҳокимияти аҳолини далада оғир меҳнат қилдириб эзмоқда, йиғиб олинган ғаллани колхозчилардан тортиб олмоқда, улар оч қолмоқда деб, колхозчиларни мусулмон динини мустаҳкамлашга даъват қилганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**7. Шамаев Ҳожи Юнусович** — 1890 йили туғилган, Бошқирдистон АССР Старметанах шаҳридан, собиқ савдогар, диний хизматчи-домла, имом. Доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб бориб 1 майга бир неча кун қолганида тўпланганлар орасида “мен 1 май байрами кунини ва совет ҳокимиятини кўришни хоҳламайман ва совет ҳокимияти яқин орада ағдариб ташланади, ўшанда чиндан ҳам эркин ҳаёт бўлади” деб колхозчиларни мусулмон динини мустаҳкамлашга чақириб, тез орада мусулмон давлати яратилади деганликда, шаҳарларга бориб руҳонийлар орасида алоқа ўрнатганликда, Уфадан Тошкентдаги ва Беҳбудийдаги руҳонийлар аксилинқилобий гуруҳи учун директив хат киритганликда айбланган.

**8. Камолов Оғахон** (ҳужжатда Агаухон ёзилган — *Р.Ш.*) — 1885 йили Беҳбудий шаҳрида туғилган, ўзбек, диний хизматчи-домла, эшон. Руҳоний аксилинқилобчилар гуруҳи билан боғланиб яширин йиғилишларида иштирок этиб аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғибот олиб борганликда, ҳукумат аъзолари тўғрисида ҳақоратли сўзлар айтганликда, тез орада ҳукуматда ўзгариш бўлади деган ташвиқот олиб борганликда айбланган.

**9. Иброҳимхонов Исмоилхон** — 1880 йили туғилган, Беҳбудий райони Ўрта шоҳ қишлоғидан, ўзбек, амир саройида мирзабоши бўлиб 10 йил хизмат қилган, диний хизматчи, домла, эшон. Доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, рус аҳолиси мусулмонларни мазлум қилмоқда, аммо мусулмонлар совет ҳокимиятини ағдарадилар ва ўшанда мусулмонлар тантана қиладилар деганликда айбланган.

**10. Шукуров Бойназар** — 1902 йили туғилган, Яккабоғ райони Ғуржоб қишлоғидан, ўзбек, собиқ савдогар, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жазо муддатини ўтаб қайтиб келиб колхозда бригадир бўлиб ишлаётган эди. Доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, тез орада ҳукуматда ўзгариш бўлиб мусулмон давлати тикланади деб ташвиқот қилганликда, Совет Иттифоқи билан капиталистик давлатлар ўртасида бошланган уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**11. Шодиев Ҳайдар** — 70 ёшда, Косонсой райони Мисит қишлоғидан, собиқ амирликда оқсоқол, 1933 йили советларга қарши фаолияти учун 3 йил қамоқ жазоси берилган, жазони ўтаган. Қамоқдан бўшаб келгач, аҳоли орасида доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган советларга қарши тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи шаънига аксилинқилобий, мағлубиятчилик ва тўҳмат фикрлар айтганликда, халқлар доҳийси шаънига террорчилик кайфиятларни билдирганликда, фашистларнинг аксилинқилобий ҳаракатларини маъқуллаганликда айбланган.

**12. Лукин Александр Михайлович** — 1906 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Барононский райони Сухая Терешка қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1929 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, жазони ўтаган. Ҳибсга олингунга қадар

МТСда браковшик бўлиб ишлаган. Доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очарчилик тўғрисида аксилинқилобий, туҳмат миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

13. **Остонқулов Аҳмад** — аҳоли орасида мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига ноцензур ҳақорат ва туҳматлар билдирганликда айбланган.

14. **Раимов Абдуҳамидбой** — 70 ёшда, Беҳбудий районидан, қулоққа тортилган. Колхозчилар орасида доимий равишда партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига туҳмат фикрлар айтганликда айбланган.

15. **Қосимов Мулла Муҳаммад** — 44 ёшда, Ғузор райони Катта Кубо қишлоғидан, руҳоний. Аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, колхоз қурилиши ва Совет Иттифоқи шаънига аксилинқилобий туҳматлар қилганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

16. **Жамолов Раззоқ** — 65 ёшда, Ғузор райони Дун қишлоғидан, собиқ йирик қулоқ. Аввалдан совет ҳокимиятига душман кайфиятида бўлиб айбланувчи Қосимов билан ҳамкорликда доимий равишда аҳоли ўртасида мағлубиятчилик характерида аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий туҳматлар қилганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

17. **Раҳматов Саодат** — 62 ёшда, Ғузор райони Бесоқол қишлоғидан, собиқ йирик қулоқ. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий, мағлубиятчилик фикрлар билдирганликда айбланган.

18. **Имомқулов Абдураим** — 60 ёшда, Ғузор райони Ғузор қишлоғидан, қулоққа тортилган. 1934 йили режа топшириқларини топширмаганлиги учун 3 йил қамоқ жазоси берилган, жазони ўтаган. Аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимияти тўғрисида аксилинқилобий туҳматлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

19. **Малянов Азимқул** — 1877 йили туғилган, Ғузор шаҳридан, ўзбек, собиқ амирликда “Қоровулбеги” мансабида хизмат қилган, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар машғулоти аниқ эмас. Доимий равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни давлат мажбуриятини бажаришга шошилмасликка чақирганликда, “совет ҳокимияти вақтинча мавжуд яқин орада у йўқ бўлади” деб айтганликда, хориждан босмачилар келгани тўғрисида аксилинқилобий миш-мишлар тарқатганликда ва колхозчиларни уларга ёрдам беришларига чақирганликда, босмачилар кучли қуролланган ва ҳар бир босмачи 50 аскарга тенгдир деб айтганликда айбланган.

20. **Қораев Шомаҳсумхон** — 1865 йили туғилган, Беҳбудий райони Шилбий қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган, диний


www.ziyouz.com kutubxonasi

хизматчи-имом. 1928 йили давлат мажбуриятини бажарманлиги учун 3 йилга ҳукм этилган, жазони ўтамаган. Ўзбекистоннинг турли районларида яшириниб юрган. Доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, колхозчиларни совет ҳокимиятига қарши бирлашиб кураш олиб боришга даъват этиб, "Агар биз бир бўлганимизда совет ҳокимияти аллақачон бўлмаган бўлур эди" деб айтганликда, масжидда диний ибодат қилиш чоғида яқин орада совет ҳокимияти қулайди, Мусулмонобод тикланади деганликда, магазинда колхозчилар орасида ҳукумат аъзолари портретини кўрсатиб "мана бу кишилар тез орада йўқ бўладилар, улар билан биз яшай олмаймиз" деб айтганликда айбланган.

21. **Тошпўлатов Мустафоқул** — 1908 йили туғилган, Шаҳрисабз шаҳридан, ўзбек, савдогар, қассобнинг ўғли, отаси ва ўзи қотилликда гумон қилиниб 8 йил қамоқ жазосига тортилган. 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси бўлган. Доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, ишчилар орасида улар совет ҳокимиятига қарши ҳеч қандай кураш олиб бормаяптилар деб тана қилганликда, фаолларни қўрқитганликда айбланган.

22. **Муҳаммад Муролов Канал** — 1872 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Аммағон қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган. 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоқ жазосига, 2 йил сургунга ҳукм қилинган, қамоқ жазосини ўтаган, сургундан бош тортган, диний хизматчи — имом. Доиий равишда тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий, бўҳтон миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманлари тўғрисида ижобий фикр билдирганликда, колхозчилар орасида руҳоний ходимлар тайёрлаш учун мусулмон мактабларини ташкил этиш зарурлигини тушунтирганликда, колхозчиларни давлат мажбуриятларини бажармасликка чақирганликда айбланган.

23. **Муқимов Муҳаммад** — 1865 йили туғилган, Беҳбудий райони Оқ масжид қишлоғидан, қулоққа тортилган. 1920 йили аксилинқилобий қўзғолонда фаол иштирок этганлиги учун жавобгарликка тортилган, 1931 йили 3 йил меҳнат тузатув лагерига, 2 йил сургунга ҳукм қилинган, қамоқ жазосини ўтаган, сургунда бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий иғвогарлик ташвиқотини олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига бўҳтон фикрлар айтганликда, фош этилган троцкийчиларга ҳамдардлик билдирганликда айбланган.

24. **Қуватов Мулла Фармон** — 69 ёшда, Шаҳрисабз райони Турмуши қишлоғидан, руҳоний, имом, қулоққа тортилган. 1929 йили антиколхоз тарғиботи учун 3 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Турмаларда маҳбуслар кўпайиб кетганлиги сабабли қамоқдан бўшатилган. Аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига бўҳтон фикрлар айтганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**25. Қосимов Маматқул** — 30 ёшда, Бешкент райони Кўжар қишлоғидан, собиқ босмачи, қулоққа тортилган, босмачилик ҳаракати учун судланган, жазони ўтагач колхозга кириб олган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга қаратилган антисовет тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқиб кетишига чақирганликда, совет ҳокимиятига нисбатан аксилинқилобий, бўҳтон миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**26. Авазов Холиқ** — 39 ёшда, Шаҳрисабз райони Касата қишлоғидан, қулоққа тортилган, режали топшириқни бажармагани учун 1934 йили 3 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўташдан бош тортган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик характерида аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, уруш тўғрисида иғво миш-мишлар тарқатганликда, фашистлар ҳаракатини мақтаганликда айбланган.

**27. Музаффаров Яҳё** — 35 ёшда, Бешкент райони Касби қишлоғидан, қулоққа тортилган, чегарадан ўтиб кетиш учун уринганда қўлга олинган, ижтимоий меҳнат фаолияти билан шуғулланмаган. Аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик характерида аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий бўҳтонлар қилганликда айбланган.

**28. Асадуллаев Очил** — 60 ёшда, Бешкент райони Сохтаниёз қишлоғидан, руҳоний. Колхозчилар орасида доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилиш тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни пахта экмасликка ва ишга чиқмасликка чақирганликда, совет ҳокимияти ўтказаётган тадбирлар тўғрисида бўҳтон фикрлар айтганликда айбланган.

**29. Нафасов Аъзим** — 63 ёшда, Китоб райони Қайнар қишлоғидан, собиқ қулоқ. Аҳоли орасида мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига бўҳтон фикрлар айтганликда, деҳқонларни совет ҳокимияти билан курашиш учун дин атрофида жипслашликка чақирганликда айбланган.

**30. Бекмуродов Қиём** — 54 ёшда, Яккабоғ райони Ғишли қишлоғидан, собиқ йирик ер эгаси. Аҳоли орасида доимий равишда партия ва ҳукуматни барбод қилишга уринган тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий, мағлубиятчиликни ташвиқот қилганликда ва Совет Иттифоқи шаънига бўҳтонлар айтганликда айбланган.

**31. Нормуродов Абдулмурод** — 60 ёшда, Яккабоғ райони Ғишли қишлоғидан, руҳоний, собиқ йирик ер эгаси, қулоққа тортилган. Муродов билан ҳамкорликда доимий равишда мағлубиятчилик хакартерида ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига ва унинг тадбирларига туҳмат қилганликда монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

**32. Иноқов Мулла Ҳайдар** — 56 ёшда, Косон райони Пўлати қишлоғидан, ўзбек, руҳоний, имом, қулоққа тортилган. 1937 йилда тугатилган аксилинқилобий миллатчи гуруҳнинг фаол аъзоси бўлиб гуруҳнинг яширин йиғинларига қатнашиб уларда совет



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳокимияти билан курашиш методлари тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилганликда, аксилинқилобий, исёнчилик ташвиқотини олиб борганликда айбланган.

33. **Бердимуродов Мулла Турди** — 53 ёшда, Косон райони Пўлати қишлоғидан, араб, руҳоний, имом. Ўз олдига совет ҳокимиятини ағдаришни мақсад қилиб олган аксилинқилобий гуруҳнинг аъзоси сифатида гуруҳнинг яширин мажлисларида қатнашиб, исёнчи ходимлар тайёрлаш тўғрисида ва совет ҳокимиятига қарши навбатдаги чиқишлар тўғрисида таклифлар билдирганликда айбланган.

34. **Холтўраев Марка** — 1889 йили туғилган, Деҳқонобод райони Канmicр қишлоғидан, собиқ босмачи. 1931 йили босмачилик учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазони ўтаган. Аҳоли орасида доимий равишда партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи шаънига мағлубиятчилик ва иғвогарлик миш-мишларни тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

*Қуйидагилар 10 йил муддат билан меҳнат тузатув лагерларига ҳукм қилинганлар:*

1. **Лукин Борис Михайлович** — 1913 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Бороновский райони Сухая Тришка қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, ҳибсга олингунга қадар МТСда йўл мастери. Доимий равишда МТС ишчилари орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, тез орада биз ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар яна яхши яшаймиз. Мана ҳозирнинг ўзида уруш бошланди, капиталистик давлатлар Совет Иттифоқига қарши чиқмоқдалар, уларга бизга ўхшаган барча ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар қўшиладилар деб айтганликда, стахоновчилик ҳаракатига қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Фақиров Ҳошимхон** — 31 ёшда, Ғузор райони Лангар қишлоғидан, руҳоний, эшон. Аҳоли орасида мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда партия ва ҳукумат тадбирлари шаънига аксилинқилобий туҳматлар қилганликда айбланган.

3. **Жалилов Абдурасул** – 1880 йили туғилган, Ғузор райониДан, ўзбек, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, жазони ўтаган. Ҳибсга олингунга қадар якка хўжалиги бўлган. Аввалдан антисовет кайфиятда бўлиб, аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, колхозчиларни давлат мажбуриятини бажармасликка чақирганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

4. **Шомуродов Шоназар** – 1897 йили туғилган, Ғузор райони Қарайли қишлоғидан, амир мансабдорлари орасидан, собиқ қулоқ, савдогар, ҳибсга олингунга қадар колхоз раиси. Аввалда антисовет кайфиятда бўлиб, аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетишга ташвиқот қилганликда, ташқаридан босмачилар келгани тўғрисида миш-миш тарқатиб, колхозчиларни совет ҳокимиятига қарши курашда босмачиларга



www.ziyouz.com kutubxonasi

ёрдам кўрсатганликда, 1937 йил май ойида чойхонасида Ленин бюсти елкасини пичоқ билан кесиб ташлаганликда, шунингдек, ЎзССР Марказий Ижроия Комитети раиси бюстини ҳақорат қилганликда айбланган.

**5. Шоҳбердиев (Шобердиев) Ўроз** — Ғузор райони Қарайли қишлоғидан, ўзбек, савдогарнинг ўғли. 1922—1923 йилларда босмачиларга ёрдам берган. 1937 йили СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги махсус кенгашининг 1937 йил 19 июлдаги қарори билан антисовет тарғиботи учун 1 йилга сургун қилинган, ҳибсга олингунга қадар колхозда ҳисобчи бўлиб ишлаган. Аввалда антисовет тарғиботи учун қамалган, уруш тўғрисида аксилинқилобий туҳмат гаплар айтганликда, совет ҳокимиятига ҳозирда 4 та давлат қарши чиқмоқда деган миш-миш тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда, троцкийчи тарғибот олиб борганликда айбланган.

**6. Ризаев Равшан** — 1881 йили туғилган, Ғузор райони Достон қишлоғидан, ўзбек, собиқ амир амалдорларидан, собиқ қулоқ, савдогар, собиқ босмачилар ёрдамчиси, ҳибсга олингунга қадар колхозда қўйчилик фермасининг мудири. Доимий равишда аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, 20 та колхозчи иштирокида яхши байрам ташкил этиш керак, чунки совет ҳукумати биздаги бор нарсани тортиб олиб қўймоқда, давлат мажбурияти бўйича ғаллани бермасликка, чунки яқин орада бошқа ҳукумат келади деганликда, колхозчилар орасида халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

**7. Содиқов Хидир** — 1877 йили туғилган, Шаҳрисабз шаҳридан, ўзбек, собиқ қулоқ, савдогар. 1931 йили давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 2 йил қамоққа ҳукм қилинган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар яширинча савдогарлик қилган ва колхозда отбоқар бўлиб ишлаган. Аввалдан душман кайфиятида бўлиб, доимий равишда аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботини олиб борган. Чойхонада тўпланган колхозчилар орасида халқ душманларини мақтаб, уларни ноҳақ қамаганлар деб айтган, совет ҳокимияти тезда қулайди деган ташвиқот олиб бориб, аксилинқилобий кайфиятдаги шахсларга "руҳан тушмаслик керак, бизлар ҳали совет ҳокимияти йўқ бўлган даврни ҳам кўрамиз" деб айтганликда айбланган.

**8. Турсуналиев Ҳусан** — 1867 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Аммағон қишлоғидан, ўзбек, давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 5 йил қамоқ жазосига, 5 йил сургун қилишга ҳукм қилинган, қамоқ жазосини ўтаган, сургун қилишдан бош тортган, яшириниб юрган. Диний хизматчи, домла, имом. Колхозчилар орасида доимий равишда тарғибот олиб борган, колхозчиларни ҳукумат топшириқларини бажармасликка чақирган, кимда-ким совет ҳокимиятига бўйсуниб иш кўрса, у ўлганидан сўнг дўзах азобини тортади деб айтганликда, колхозчиларни очлиги тўғрисида аксилинқилобий миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**9. Ишев Назар** — 1859 йили туғилган, Шаҳрисабз шаҳридан, ўзбек, қулоққа тортилган, 1929 йили давлат мажбуриятини бажар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

маганлиги учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, жазони ўтаган, диний хизматчи, имом. Аввалдан антисовет кайфиятда бўлиб доимий равишда аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботини олиб борган, масжидда тўпланганлар орасида уруш тўғрисида аксилинқилобий бўҳтон миш-мишлар тарқатган, яқин орада ҳукуматда ўзгариш бўлишини айтган, заём масаласида гапириб совет ҳокимияти заём чиқаришда кўп нарсани ваъда қилади-ю, тираж ва аблигацияларни тўлаш вақтида уларни арзимас баҳода олишга тўғри келмоқда деб айтганликда айбланган.

**10. Худойбердиев Назар** — 1893 йили туғилган, Китоб райони Хўжаиспарас қишлоғидан, собиқ босмачи, қулоққа тортилган. Аҳоли орасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни давлат олдидаги мажбуриятларини бажармасликка чақирганликда, Совет Иттифоқи шаънига мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий туҳматлар қилганликда айбланган.

**11. Йўлдошев Бозор** — Бешкент райони Ҳожар қишлоғидан, собиқ қулоқ, имом, камомад учун 1 йилу 6 ойга қамоқ жазосига ҳукм этилган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий миш-мишлар тарқатганликда, эски давр ҳаётини мақтаганликда айбланган.

**12. Аҳмадхўжаев Абди** — 78 ёшда, Бешкент районидан, собиқ қулоқ. Аҳоли ўртасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчиликни ташвиқот қилганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий бўҳтонлар қилганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

**13. Йўлдошев Тоғай** — Бешкент районидан, қулоққа тортилган, давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазо муддатини ўтаган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат тадбирларига туҳмат билдирганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

**14. Отаниёзов Темир Оқсоқол** — 65 ёшда, Бешкент райони Азизобод қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоқ жазосига тортилган, жазони ўтаган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган совет ҳокимиятига қарши бўҳтон олиб борганликда айбланган.

**15. Азимов Қаҳҳор** — 34 ёшда, Бешкент райони Гаузан қишлоғидан, собиқ қулоқ. Аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни тантанали митингга чиқмасликка чақирганликда айбланган.

**16. Холманов Очил** — 1892 йили туғилган, Бешкент райони Яккаёғоч қишлоғидан, қулоқ. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни далада ишламасликка чақирганликда, аксилинқилобий тўҳмат қарашлар билдирганликда айбланган.

**17. Холбоев Мусулмонқул** — 1909 йили туғилган, Деҳқонобод райони Чаухан қишлоғидан, собиқ босмачи. Колхозчилар орасида

партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

## 12-баённома. 1937 йил 19 сентябр

*"Учлик" (Загвоздин, Шейндлин, Яковлев) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган:*

ЎзССР ИИХК Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси 4-бўлим тақдим қилган 4524-сонли иш бўйича **Орлов Сергей Петрович** (1868 йили туғилган, Тошкентдан, дворян оиласидан, собиқ алоқа-телеграф чиновниги, партиясиз, провокатор, 1926 йили аксилинқилобий фаолияти учун судланган, ОГПУнинг собиқ коллегияси томонидан 3 йилга сургун этилган, муддатни ўтаб келган, ҳибсга олингунга қадар шаҳар муассасалари союзи Марказий бошқармасида ҳисобчи) отувга ҳукм этилган. Душман кайфиятида бўлиб, доимий равишда тарғибот олиб борганликда, СССРнинг иқтисодий қудрати ва матбуоти тўғрисида аксилинқилобий, бўҳтон фикрлар айтганликда, монархик тузумни мақтаганликда, маҳаллий миллатларга шовинистик қарашлар билдирганликда айбланган.

4514-сонли иш бўйича **Вороховин Степан Макаривич** (1880 йили туғилган, Курск области собиқ Белогород уезди Муром қишлоғидан, 1905 йилдан 1910 йилгача полицияда хизмат қилган, 1918 йили Қирғизистондаги аксилинқилобий қулоқлар исёни иштирокчиси, 1920 йили Фарғона водийсида босмачилик иштирокчиси, 1929 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтгача вагон-ресторан конторасининг хўжалик мудири) отувга ҳукм этилган. Совет ҳукуматига қарши кайфиятда бўлиб, аксилинқилобий бўҳтон тарғибот олиб борганликда, СССРнинг иқтисодий аҳволи тўғрисида аксилинқилобий миш-мишларни тарқатганликда, янги конституцияга бўҳтонлар айтганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

5242-сонли иш бўйича **Попов Николай Иванович** (1890 йили туғилган, Куйбишев шаҳридан, қурилиш армиясида собиқ поручик, Колчак бригадасининг собиқ адъютанти, 1921 йили тарғиботи учун 3 йилга сургун қилинган, ҳибсга олингунга қадар тикувчилар клуби қурилишида ҳисобчи) отувга ҳукм этилган. Аксилинқилобий кайфиятда бўлиб, доимий равишда тарғибот олиб борганликда, СССРнинг иқтисодий аҳволи тўғрисида аксилинқилобий бўҳтон миш-мишларни тарқатганликда, халқлар доҳийси ва совет матбуоти тўғрисида аксилинқилобий бўҳтонлар айтганликда, Совет Иттифоқи билан фашистлар ўртасидаги бўлажак урушда Совет Иттифоқи мағлуб бўлиши тўғрисида қарашлар билдирганликда айбланган.

4509-сонли иш бўйича **Гасаненко Семен Семенович** (1873 йили туғилган, собиқ Елизаветград (Киров) шаҳридан, 1905 йилдан 1917 йилгача полицияда хизмат қилган, 1915 йили ишчиларнинг инқилобий ҳаракатини бостиришда иштирок этган. 1920 йили аксилинқилобий ҳаракати учун Тошкентга сургун қилинган, ҳибсга олингунга қадар тикувчилар артелида қоровул) отувга ҳукм этил-


www.ziyouz.com kutubxonasi

ган. Ишчилар орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқининг иқтисодий аҳволи тўғрисида бўҳтонлар айтганликда, аксилинқилобий латифалар айтганликда, совет демократияси устидан кулганликда, Совет Иттифоқи билан фашистлар ўртасидаги бўлажак урушда Совет Иттифоқи мағлуб бўлиши тўғрисида қарашлар билдирганликда айбланган.

5270-сонли иш бўйича **Бойцов Иван Георгиевич,** паспорти бўйича **Егоривич** (1908 йили туғилган, Ленинград области Осминск райони Крокол қишлоғидан, ВЛКСМ собиқ аъзоси, 1924 йилдан 1928 йилгача тегирмон ижарачиси бўлгани учун комсомол сафидан ўчирилган, 1933 йили нон олиш мақсадида ҳужжат ва карточкаларни сохталаштиргани учун 3 йилга судланган, жазони ўтамай Олмаота қамоғидан қочган. 1934 йили давлат чегарасидан ўтган ва Хитойда апрелдан июнгача яшаган. 1934 йили давлат чегарасидан нолегал йўл билан ўтганликда 3 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар артелда дурадгор) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган. Ишчилар орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда, Иттифоқнинг иқтисодий аҳволи тўғрисида бўҳтонлар айтганликда, халқ душманларига ачинганини билдирганликда айбланган.

5267-сонли иш бўйича **Драгин Авксентий Кузмич** (1874 йили туғилган, Воронеж области Петропавловск райони Бичек қишлоғидан, 1920 йили собиқ Богучарск уездида аксилинқилобий қулоқлар қўзғолонининг ташкилотчиси, 1930 йили қулоққа тортилган ва Копласга сургун қилинган, у ердан 1931 йили қочган, ҳибсга олингунга қадар "Кошкин" номли посёлкада уй комитети) отувга ҳукм этилган. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, Иттифоқнинг иқтисодий авҳволи тўғрисида бўҳтонлар айтганликда, халқлар доҳийси шаънига ҳақоратли гаплар айтганликда айбланган.

4507-сонли иш бўйича **Дмитриев Сергей Григорьевич** (1879 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, собиқ титулли маслаҳатчи, 1911 йилдан 1915 йилгача катта ер эгаси пристави, 1920 йили тарғиботи учун сургун қилинган, 1928 йили советларга қарши тарғиботи учун ҳибсга олинган, ҳибсга олингунга қадар Средазтранстрой (Ўрта Осиё транспорт қурилиши)да ҳисобчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат раҳбарлари тўғрисида бўҳтон фикрлар билдирганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, совет ҳокимиятининг сиёсатига уятсизларча кулганликда, шовинистик қарашларини билдирганликда, маҳаллий бўйсунувчиларга ҳақоратли муносабатда бўлганликда айбланган.

4543-сонли иш бўйича **Султонов Исломбойвачча** (1879 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ўзбек, собиқ эсэр, қулоққа тортилган. Украинага сургун қилинган, у ерда 5 йил бўлган, ҳибсга олингунга қадар колхозда қоровул) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 14 августдан ҳисобланган. Доимий

www.ziyouz.com kutubxonasi

равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқиб кетишга чақирганликда, совет ҳокимияти ўтказаётган тадбирларига аксилинқилобий бўҳтонлар айтганликда айбланган.

4662-сонли иш бўйича **Илҳомов Абдувоҳоб** (1905 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ўзбек, савдогар, 1924 йили аксилинқилобий бехаистлар ташкилоти* аъзоси сифатида 3 йилга сургун қилинган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар Ўзбекбирлашувда таржимон) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 14 августдан ҳисобланган. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, сургундан қайтгач, бехаистларнинг аксилинқилобий гуруҳини ташкил этиш учун чора-тадбирлар кўрганликда, бехаистлар адабиётини тарқатганликда, ўзбек тилига таржима қилинган шеърларини ифодали ўқиганликда, халқлар доҳийсининг асосий матн парчаларини бузиб кўрсатганликда айбланган.

4571-сонли иш бўйича **Нормуҳаммедов Сотволди** (1873 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ўзбек, собиқ қулоқ, 1933 йили ижтимоий мулкни ўғирлаганлиги учун 5 йилга судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар яккахўжалик эгаси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 14 августдан ҳисобланган. Мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни русларни колхозларга қабул қилмасликка чақирганликда, колхозларни мустаҳкамлашга оид совет ҳокимияти олиб борган тадбирларига бўҳтон билдирганликда айбланган.

4303-сонли иш бўйича **Мирзаев Ғани Бойвачча** (1894 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, савдогарлардан, ўзбек, собиқ қулоқ, 1931 йили чайқовчилиги учун 3 йилга судланган, лагерлардан қочган ва 2-марта ушланган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар "Свердлов" номли театрда қоровул) отувга ҳукм этилган. Доимий равишда очлик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, миллатчилик ташвиқоти олиб борганликда, лагерларда маҳбусларни бешафқат эксплуатация қилиш тўғрисида аксилинқилобий бўҳтон миш-мишларни тарқатганликда, уларни кунига 18 соат ишлашга мажбур қилмоқдалар деб айтганликда айбланган.

*ЎзССР ИИХК Бухоро сектори тақдим қилган 2219-сонли иш бўйича 5 маҳбус отувга, 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 июлдан ҳисобланган:*

1. **Аҳмедов Саид Комил** — 1873 йили туғилган, Кармана райони Тошровот қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган, диний маросимлар хизматчиси, домулла, имом. Аксилинқилобий исёнчилик руҳонийлар гуруҳининг иштирокчиси бўлганликда, аксилинқилобий гуруҳнинг ҳаракат тўғрисида нолегал йиғинларида иштирок этганликда, доимий равишда аксилинқилобий исёнчилик мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, диний йиғинлардан фойдаланиб, Бухоро ва Пахтакор районларидаги тугатилган аксил-

* Бехаизм — XIX аср ўрталарида Эронда бобийлик ҳаракатининг давоми тариқасида вужудга келган диний секта.

www.ziyouz.com kutubxonasi

инқилобий исёнчи гуруҳлар билан алоқа ўрнатганликда айблнган.

**2. Саидов Мулла Ёдгор** — 1904 йили туғилган, Кармана райони Тошровот қишлоғидан, ўзбек, диний маросимлар хизматчиси, масжид хатиби. Исёнчи руҳонийлар гуруҳининг аксилинқилобий ҳаракатида фаол иштирок этганликда, аксилинқилобий гуруҳнинг масжиддаги олиб борилган қатор нолегал йиғинларида иштирок этганликда, масжиддаги диний йиғинларни ишга солганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий исёнчилик ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**3. Раҳимов Камол** — 1872 йили туғилган, Кармана райони Тошровот қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган. 1929 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, жазони ўтаганидан сўнг 3 йилга райондан ташқарига сургун қилинган, диний маросимлар хизматчиси, хатиб. Руҳонийлар аксилинқилобий исёнчилик гуруҳининг иштирокчиси бўлганликда, аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, аксилинқилобий, исёнчилик — мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

**4. Ирматов Қодир** — 1867 йили туғилган, Кармана райони Бориншайх қишлоғидан, ўзбек, собиқ амир амалдори — амин. 1924 йили босмачилик ҳаракати учун 5 йилга қамалган, қулоққа тортилган. 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, кейинчалик сургун қилинган, махсус посёлкадан қочган, ҳибсга олингунга қадар чайқовчилик билан шуғулланган. Руҳонийлар аксилинқилобий исёнчилик гуруҳининг фаол аъзоси бўлганликда, аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**5. Мирфайзиев Юсуф** — 1864 йили туғилган, Кармана райони Тошровот қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган, 1930 йили диний маросимлар хизматчиси, масжидда сўфи. Руҳонийлар аксилинқилобий исёнчилик гуруҳининг иштирокчиси бўлганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**6. Эргашев Йўлдош** — 1892 йили туғилган, Кармана райони Тошровот қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, қори. Аксилинқилобий кайфиятда бўлиб, доимий равишда аксилинқилобий исёнчилик тарғиботи олиб борганликда, руҳонийлар аксилинқилобий исёнчилик гуруҳининг иштирокчиси бўлганликда, аксилинқилобий гуруҳларнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда ва аксилинқилобий йиғинларнинг асосий ташкилотчиси бўлганликда айбланган.

**7. Қўлдошев Ёшузоқ** — 1892 йили туғилган, Кармана райони Тошровот қишлоғидан, ўзбек, диний маросимлар хизматчиси, имом. Руҳонийлар аксилинқилобий исёнчилик гуруҳининг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий исёнчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2365-сонли иш бўйича **Абдуназаров Йўлдош** (1861 йили туғилган, Кармана райони Бургут қишлоғидан, ўзбек, собиқ амир амалдори — жевачи, собиқ қулоқ, савдогар, қулоққа тортилган. 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йилга қамалган, касаллиги учун муддатдан олдин озод этилган, ҳибсга олингунга қадар чайқовчилик билан шуғулланган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Аксилинқилобий кайфиятда бўлиб, доимий равишда аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очлик тўғрисида аксилинқилобий иғво миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

2277-сонли иш бўйича **Шомуродов Мустафоқул** (1881 йили туғилган, Кармана райони Ҳасанқўрғон қишлоғидан, ўзбек, диний маросимлар хизматчиси, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 12 августдан ҳисобланган. Доимий равишда колхозчилар орасида ҳокимиятда руслар борлиги ва фақат диний маросимларни бажариш йўли билан мусулмонларнинг ҳокимият қийноқларидан холос бўлиши тўғрисида, аксилинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, мактаб ёшидаги болалар таҳсил олган нолегал мусулмон мактаби ташкил қилганликда айбланган.

*2185-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга, 5 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 2 апрелдан ҳисобланган:*

1. **Қобилов Мухтор** — 1905 йили туғилган, Кармана райони 1-Варк қишлоғидан, ўзбек, амир ошпазининг ўғли, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Фаол комсомол ва газета мухбири томонидан жинояти фош этилиб, колхоз раиси лавозимидан олинганликда, террорни амалга ошириш учун советга қарши кайфиятдагилар гуруҳини ташкил қилганликда ва тайёрлаганликда, бажарувчига ўзининг пичоғини қотиллик учун берганликда ва шахсан ўзи мурдани унинг уйига яшириш учун ёрдам берганликда айбланган.

2. **Идрисов Бахром** — 1905 йили туғилган, Кармана райони Варк қишлоғидан, ўзбек, руҳонийлар оиласидан, 1930 йили ҳайвон ўғирлагани учун 3 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхозда звено бошлиғи. Фаол комсомол ва газета мухбирига ғазабланганликда, уларнинг устидан террорчилик акти қилишда иштирок этганликда ва 1937 йил 21 март куни Қобилов уйида фаол Қамбархўжаевни ўлдиришда бевосита бажарувчи бўлганликда айбланган.

3. **Омонов Аблақул** — 1906 йили туғилган, Кармана райони 1-Варк қишлоғидан, ўзбек, 1928 йили тергов қилинган, ўғирликда гумон қилинган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Фаол комсомол ва газета мухбири Қамбархўжаевга қариндошларини қулоқлаштириши учун душманлик кайфиятида бўлганликда, Қобилов таклифи билан уларнинг устидан террорчилик акти қилишда иштирок этганликда ва 1937 йил 21 март куни Қобилов



www.ziyouz.com kutubxonasi

уйида Қамбархўжаевни ўлдиришда бевосита бажарувчи бўлганликда айбланган.

4. **Қобилов Ўроқ** — 1899 йили туғилган, Кармана райони Киат қишлоғидан, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Фаол комсомол ва газета мухбири Қамбархўжаевга душманлик кайфиятида бўлиб, унинг устидан террорчилик акти қилишда иштирок этганликда, шахсан ўзи қотилликни содир этишда кўмаклашганликда, жабрланувчининг қўлидан ушлаганликда ва мурдани олиб борганликда айбланган.

5. **Саидов Азим** — 1907 йили туғилган, Кармана райони Мазар қишлоғидан, собиқ босмачи, 1930 йили ўғирликда гумон қилиниб ҳибсга олинган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Қобилов таклифи билан фаол комсомол, мухбир Қамбархўжаевни Қобилов уйида ўлдиришда иштирок этганликда, шахсан қотилликда ва мурдани яширишда кўмаклашганликда айбланган.

6. **Йўлдошев Тоҳир** — 1889 йили туғилган, Кармана райони Ўтинчи қишлоғидан, ўзбек, собиқ гўшт сотувчиси, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Фаол комсомол ва газета мухбири Қамбархўжаевга қариндошларини қулоқлаштириши учун душманлик кайфиятида бўлганликда, Қобилов таклифи билан уларнинг устидан террорчилик акти қилишда иштирок этганликда ва 1937 йил 21 март куни Қобилов уйида Қамбархўжаевни ўлдиришда бевосита бажарувчи бўлганликда айбланган.

7. **Жумаева Маҳкул** — 1908 йили туғилган, Кармана райони 1-Варк қишлоғидан, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Фаол комсомол ва газета мухбири Қамбархўжаевга террор ташкилотчисининг хотини бўлганликда, ўзининг уйида қотилликнинг гувоҳи бўлганликда, қонга бўялган пичоқни яширишга чора кўрганликда, тергов вақтида ҳақиқий қотилликни содир этганларни фош этишдан адаштириб, ёлғон кўрсатма берганликда айбланган.

2348-сонли иш бўйича **Рўзиев Хотам** (1892 йили туғилган, Бухоро райони Тошлоқ қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган, 1935 йили пахта режасини бажармагани учун 4 йилга қамалган, ҳибсга олингунга қадар колхозда звено бошлиғи) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда ва очлик тўғрисида аксилинқилобий иғво миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда, совет ҳокимиятига қарата хақоратли гаплар айтганликда айбланган

2303-сонли иш бўйича **Собиров Комил** (1887 йили туғилган, Бухоро райони Чарук қишлоғидан, ўзбек, 1929 йили қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, жазони ўтамай қамоқдан қочган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. 1933 йили қамоқдан қочганликда, 1937 йилгача турли қишлоқларда яшириниб юрганликда, 1937 йил январида колхозга кириб, колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, колхозларда очлик тўғрисида аксилинқилобий иғво миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*2343-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган:*

1. **Азимов Музаффар** — 1909 йили туғилган, Вобкент райони Арабхон қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили атайин топшириқ режаларини бажармагани учун 5 йилга қамалган, жазони ўтаган. Атрофдагилар орасида совет ҳокимиятига қарата иғвогарона, сохта айблар тўқиганликда, аксилинқилобий мағлубиятчилик ташвиқоти олиб борганликда айбланган.

2. **Азимов Муҳит** — 1913 йили туғилган, Вобкент райони Арабхон қишлоғидан, собиқ қулоқлардан, қулоққа тортилган, 1935 йили жиноий фаолияти учун 10 йилга қамалган, жазони ўтамай лагерлардан қочган. Акаси билан биргаликда аксилинқилобий кайфиятда доимий равишда аҳоли орасида мағлубиятчилик характеридаги ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимияти ва тадбирларига қарата аксилинқилобий бўҳтонлар айтганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

2349-сонли иш бўйича **Шукуров Болта** (1905 йили туғилган, Ригитанак қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган, 1931 йили сургун қилинган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига аксилинқилобий иғвогарона бўҳтон фикрларни билдирганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқиб кетишга чақирганликда айбланган.

2304-сонли иш бўйича **Жўраев Акром** (1877 йили туғилган, Бухоро райони Кангау қишлоғидан, қулоққа тортилган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган доимий равишда тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда ва зараркунандалик ишларини олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий иғвогарона бўҳтон фикрларни билдирганликда айбланган.

*2353-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган:*

1. **Мўминов Ҳаким** — 1905 йили туғилган, Бухоро райони Ўтрор қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили қуролланган бандитлар тўдасини ташкил қилгани учун 5 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони ўтамай ҳибсдан қочган. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда ва совет ҳокимияти ва унинг тадбирларига қаратилган аксилинқилобий бўҳтон фикрлар билдирганликда, қишлоқ фаолларига қарши террорчилик аҳди бўлганликда айбланган.

2. **Орипов Иди** — 43 ёшда, Бухоро райони Ўтрор қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилар бандасининг фаол кўмакчиси. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганлик-


www.ziyouz.com kutubxonasi

да, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий бўҳтон миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2406-сонли иш бўйича **Исматов Ҳидоят** (63 ёшда, Бухоро шаҳридан, собиқ савдогар, 1933 йили валюта эгаси бўлганлиги учун қамалган, 1934 йили чайқовчилиги учун қамалган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида халқ доҳийси шаънига аксилинқилобий фикрларни билдирганликда, қатағон қилинган аксилинқилобий троцкийчи-миллатчиларга ачинганликда айбланган.

2354-сонли иш бўйича **Шарапов Қамариддин** (50 ёшда, Бухоро шаҳридан, собиқ йирик савдогар, аниқ машғулоти йўқ) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик ташвиқоти олиб боганликда ва совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий бўҳтонлар айтганликда айбланган.

2305-сонли иш бўйича **Салимов Ҳалим** (37 ёшда, Бухоро райони Боғдош қишлоғидан, собиқ қулоқ) **отувга** ҳукм этилган. Колхозчилар орасида доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи шаънига аксилинқилобий бўҳтонлар айтганликда, ундан ташқари колхоз пахтасини зараркунандачилик мақсадида сувга бостирганликда айбланган.

2381-сонли иш бўйича **Маҳмудов Азиз** (53 ёшда, Бухоро райони Боғдош қишлоғидан, собиқ қулоқ, амир оқсоқоли, босмачилик ҳаракатининг иштирокчиси) **отувга** ҳукм этилган. Атрофидагилар орасида ҳар доим мағлубиятчилик ташвиқоти олиб борганликда ва совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий бўҳтонлар айтиб, монархик тузумни мақтаганликда, колхозчилар орасида партия ва ҳукуматнинг қишлоқларда олиб борилган тадбирларига қарши фикр билдирганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

2350-сонли иш бўйича **Салимов Нодир** (41 ёшда, Жондор райони Харсафа қишлоғидан, қулоққа тортилган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида советга қарши тарғибот олиб борганлик, аксилинқилобий иғво миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2306-сонли иш бўйича **Болтаев Худоёр** (45 ёшда, Бухоро райони Чукмак қишлоғидан, собиқ қулоқ) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхоз тарқалишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи шаънига аксилинқилобий иғвогарона ва бўҳтон фикрлар билдирганликда айбланган.

2419-сонли иш бўйича **Ёшузоқов Турсун** (1892 йили туғилган, Бухоро райони Кунжак қишлоғидан, қулоққа тортилган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий бузғунчилик ташвиқоти олиб борганликда, аксилинқилобий иғво миш-мишларни тарқатганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда, натижада унинг таш-



www.ziyouz.com kutubxonasi

виқотига кўра колхоздан бир неча хўжалик чиқиб кетганликда, қидирувдаги босмачи билан алоқа ўрнатганликда айбланган.

2420-сонли иш бўйича **Ширинов Ражаб** (1905 йили туғилган, Бухоро райони Пушман қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, 1930 йили қулоққа тортилган ва 3 йилга қамалган, жазони ўтаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда колхоз тарқалишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий иғво миш-мишлар тарқатиб, совет ҳокимияти вакиллари шаънига қаратилган аксилинқилобий ҳақоратли гаплар айтганликда айбланган.

2335-сонли иш бўйича **Каримов,** унинг ўзи **Темуров Жўра** (1867 йили туғилган, Бухоро райони Юрунпоён қишлоғидан, қулоқ, 1931 йили қулоққа тортилган ва сургун қилинган, жазони ўтамай қочган) отувга ҳукм этилган. Атрофидагилар орасида колхозлар тарқалишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат тадбирлари шаънига аксилинқилобий бўҳтон фикрлар билдириб, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

2320-сонли иш бўйича **Шелест Кирилл Семенович** (1883 йили туғилган, Польшанинг собиқ Гродненск губернияси Нестерович қишлоғидан, собиқ қулоқ, мансабни суиистеъмол қилганлиги учун 2 марта қамалган, биринчи жазо муддати шартли равишда 1 йил, иккинчи марта 6 ой мажбурий меҳнатга ҳукм этилган, тарғиботи учун ҳибсга олинган, ҳибсга олинган вақтда Ўзбекбирлашувда юрист) отувга ҳукм этилган. Аксилинқилобий троцкийчилар билан яқин алоқада бўлганликда, уларнинг фикрларини маъқуллаганликда, атрофидагилар орасида тарғибот олиб борганликда ва халқ доҳийси шаънига аксилинқилобий бўҳтонлар билдирганликда айбланган.

2336-сонли иш бўйича **Рауфов Собир** (1872 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ савдогар, ҳибсга олингунга қадар чайқовчилик билан шуғулланган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида совет ҳукумати шаънига аксилинқилобий иғво миш-мишлар тарқатганликда, совет ҳокимияти раҳбарларини беадаб гаплар билан ҳақорат қилиб, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

2332-сонли иш бўйича **Солимов Норжон** (1887 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ савдогар, аксилинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда ва совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий иғво бўҳтон фикрлар тарқатганликда, аксилинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилоти томонидан қўлга киритиладиган келажакдаги ҳокимиятни мақтаганликда айбланган.

2346-сонли иш бўйича **Фозилов Маҳмуд** (1904 йили туғилган, Бауман райони Улуғхўжа қишлоғидан, собиқ йирик савдогар-қулоқнинг ўғли, 1931 йили 1-банд 140-модда бўйича 4 йилга қамалган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида совет ҳокимияти



www.ziyouz.com kutubxonasi

шаънига аксилинқилобий бўҳтон фикрлар билдирганликда ва муҳожирлик кайфиятини билдирганликда айбланган.

2319-сонли иш бўйича **Карпушин Иван Васильевич** (1880 йили туғилган, Днепропетровск области Мелитопол қишлоғидан, савдогарлардан, хорижда қариндошлари бор, улар билан хатлар орқали алоқа қилган, ҳибсга олингунга қадар немис тили ўқитувчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Студентлар ва ўқитувчилар орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи шаънига бўҳтонлар айтиб, Германиядаги фашистлар тузумини мақтаганликда айбланган.

2352-сонли иш бўйича **Алимов Умар,** унинг ўзи **Қори Факир Миян** (*1872 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ руҳоний,* имом) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик характердаги тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий бўҳтонлар билдирганликда, монархик тузумни мақтаганликда, аксилинқилобий, муҳожирлик қуршови билан нолегал алоқада бўлганликда ва чет элга муҳожирлик қилиш мақсади борлиги учун айбланган.

2331-сонли иш бўйича **Любомирский Гаврилл Капитонович** (1885 йили туғилган, Псков шаҳридан, собиқ оқ офицер, баталион командири мансабида) отувга ҳукм этилган. Атрофидагилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий фикрларни билдирганликда, партия ва ҳукумат тадбирлари шаънига аксилинқилобий бўҳтонлар билдирганликда, аксилинқилобий троцкийчилар ҳибсга олинганига ачинганликда айбланган.

2330-сонли иш бўйича **Роҳатов Ҳожи Аҳад** (1876 йили туғилган, Акмалободдан, собиқ полициячи, 1920 йили Бакудаги турк элчихонаси билан аксилинқилобий мақсадда алоқада бўлган, аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, фаол босмачи) отувга ҳукм этилган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига бўҳтонлар билдириб, аксилинқилобий троцкийчи-миллатчиларни мақтаганликда айбланган.

*2329-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Ҳамзабеков Муқумбек** — 1894 йили туғилган, Кармана районидан, йирик амир амалдорининг ўғли, 1904 йилдан 1921 йилгача Туркияда яшаган, аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, собиқ босмачи. Атрофидагилар орасида доимий равишда аксилинқилобий миллатчилик троцкийчилик ташвиқоти олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига аксилинқилобий бўҳтонлар билдириб, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

2. **Жалолиддинов Ғуломжон** — 1885 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ амир амалдори, аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, чет эл билан аксилинқилобий ёзишмалар учун 5 йилга қамалган. Аҳоли орасида аксилинқилобий миллатчилик троцкийчилик ташвиқоти олиб борганликда, Совет



www.ziyouz.com kutubxonasi

Иттифоқига аксилинқилобий бўҳтонлар билдирганликда, Афғонистонга қочиш учун тайёрлов ишлари олиб борганликда айбланган.

2345-сонли иш бўйича **Халипов Петр Васильевич** (1911 йили туғилган, Ессентуки шаҳридан, қулоққа тортилган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий троцкийчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий бўҳтонлар билдириб, аксилинқилобий троцкийчиларни мақтаганликда айбланган.

2371-сонли иш бўйича **Бердиев Ражаб** (1899 йили туғилган, Қизилтепа райони Катаган қишлоғидан, қулоққа тортилган. 1931 йили судда отасини террорчилик тарзда ҳимоя қилганлиги учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий бўҳтон иғво миш-мишлар тарқатганликда, аксилинқилобий троцкийчи-бандитларни ишдан чиқарилишига ачинганликда айбланган.

2372-сонли иш бўйича **Ҳусаинов Идрис** (1899 йили туғилган, Қизилтепа райони Оқсоч қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, 1930 йили қулоққа тортилган ва 3 йилга сургун қилинган, собиқ босмачи) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий троцкийчилик ташвиқоти олиб борганликда, аксилинқилобий троцкийчиларни ҳимоя қилганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирларига аксилинқилобий бўҳтонлар билдирганликда айбланган.

2373-сонли иш бўйича **Расулов Акмал** (1887 йили туғилган, Қизилтепа райони Толиумар қишлоғидан, 1930 йили қулоққа тортилган, 1931 йили колхозда пахтани ёқиб юборгани учун 3 йилга сургун қилинган, жазони ўтаган, жазони ўтаб чайқовчилик ва ўғирлик билан шуғулланган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздаги ишларни ташлашга чақирганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий иғво миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2356-сонли иш бўйича **Тўхтаев Ниёз** (1871 йили туғилган, Бауман райони Когатан қишлоғидан, собиқ қулоқ) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик ташвиқоти олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига бўҳтонлар билдирганликда, аксилинқилобий террорчилик ниятини билдирганликда айбланган.

2363-сонли иш бўйича **Турсунов Турди** (1882 йили туғилган, Бауман райони Маркуш қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, собиқ босмачи, 2 марта судланган, сургун қилинган жойдан қочган) отувга ҳукм этилган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий миллатчилик-троцкийчилик ташвиқоти олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига бўҳтонлар айтиб, троцкийчи арбобларни мақтаганликда айбланган.

2358-сонли иш бўйича **Йўлдошев Тоғай** (36 ёшда, Бауман ра-



www.ziyouz.com kutubxonasi

йони Истамзи қишлоғидан, собиқ қулоқ, собиқ фаол босмачи-қўрбоши, 1922 йили қулоқ сифатида сургун қилинган, жазони ўтамй қочган) отувга ҳукм этилган. *Колхозчилар орасида партия ва* ҳукумат тадбирларини барбод бўлишига қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхозларда ишламасликка чақирганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий бўҳтонлар билдирганликда айбланган.

2360-сонли иш бўйича **Расулов Ҳусаин** (68 ёшда, Бауман райони Искагари қишлоғидан, қулоққа тортилган, сургун қилинган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий иғвогарона тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига қаратилган бўҳтон фикрлар билдирганликда, колхозда отбоқар бўлиб, аксилинқилобий мақсадларда унга қарашли ҳайвонларни оздириб юборганликда айбланган.

2355-сонли иш бўйича **Тиллаев Ҳурматулла** (43 ёшда, Бауман райони Боғиавзон қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий иғво бўҳтон фикрлар билдирганликда, аксилинқилобий троцкийчиларни мақтаганликда айбланган.

2362-сонли иш бўйича **Ниёзов Мулла Абдулҳоқ** (1881 йили туғилган, Бауман райони Читгарон қишлоғидан, собиқ йирик имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи тўғрисида аксилинқилобий иғвогарона мағлубиятчилик миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2357-сонли иш бўйича **Бобоев Эшонқул** (1903 йили туғилган, Бауман райони Хўжаориф қишлоғидан, собиқ қулоқ, фаол босмачи-қўрбоши, 1930 йили деҳқонларни талагани учун 10 йилга қамалган, қамоқдан озод этилган, бандит унсурлар билан алоқа ўрнатган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, колхозчиларни давлат мажбуриятларини бажармасликка чақирганликда, аксилинқилобий троцкийчиларни ҳимоя қилганликда айбланган.

2361-сонли иш бўйича **Хатороков Ражаб** (63 ёшда, Бауман райони Маҳаллақози қишлоғидан, собиқ йирик ер эгаси, савдогар, чайқовчилик билан шуғулланган) отувга ҳукм этилган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб бориб, совет ҳокимияти тўғрисида аксилинқилобий бўҳтон фикрлар тарқатганликда айбланган.

2359-сонли иш бўйича **Эргашев Аҳад** (24 ёшда, Бауман райони Берганзикун қишлоғидан, қулоққа тортилган, қочиб келган жойига, ЎзССРга қайтадан сургун қилинган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан *ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозларни барбод қилишга* қаратилган тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий бўҳтон фикрларини тарқатиб, монархия тузумини мақтаганликда айбланган.

*5389-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Авазов Чўли** — 42 ёшда, Қоракўл райони Мирзакалла қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йилга қамалган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий иғвогарона мағлубиятчилик миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда айбланган.

2. **Авазов Саттор** — 36 ёшда, Қоракўл райони Мирзакалла қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили Шимолга сургун қилинган, у жойдан қочган. Мавжуд бўлган тузумга душманчилик кайфиятида бўлиб аҳоли орасида айбланувчи билан биргаликда мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига иғвогарона бўҳтон фикрлар билдирганликда, колхозчиларни колхозларда ишламасликка чақирганликда айбланган.

2391-сонли иш бўйича **Султонов Ҳусаин Мулла** (48 ёшда, Қўқон райони Тошариқ қишлоғидан, собиқ руҳоний, мулла) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, аксилинқилобий иғво миш-мишлар тарқатганликда ва Совет Иттифоқи шаънига бўҳтонлар билдирганликда айбланган.

2393-сонли иш бўйича **Туриев,** унинг ўзи **Тўраев Арслан** (46 ёшда, Қоракўл райони Қозон қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, ҳибсга олинган вақтда колхозда ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари тўғрисиида аксилинқилобий бўҳтонлар билдирганликда айбланган.

2378-сонли иш бўйича **Холиқов Борна (Барно)** (1870 йили туғилган, Қизилтепа райони Навгон (Ванғози бўлса керак — *Р.Ш*) қулоққа тортилган, 1930 йили 5 йил муддат билан район ташқарисига сургун қилинган, сургунни ўтамай қочган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий иғвогарона бўҳтон фикрлар билдирганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

2374-сонли иш бўйича **Тоғаев Акром** (40 ёшда, Қизилтепа райони Узлашкент қишлоғидан, собиқ босмачи, қўрбоши, жаллод, 1932 йили судланган) отувга ҳукм этилган. Жиноятчи бандит унсурлар билан алоқада бўлганликда, уларни қурол билан таъминлаганликда, аҳоли орасида мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий иғвогарона бўҳтонлар билдирганликда, машҳур аксилинқилобий троцкийчи бандитларни мақтаганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2375-сонли иш бўйича **Нозимов Амин** (1872 йили туғилган, Қизилтепа райони Касашурок қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун судланган ва 5 йилга сургун қилинган, жазони ўтаган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида совет ҳокимияти тўғрисида аксилинқилобий иғвогарона бўҳтон миш-мишларни тарқатиб, отилиб кетган троцкийчиларга ачинганликда, уларнинг аксилинқилобий ҳаракатини мақтаганликда айбланган.

2376-сонли иш бўйича **Каримов Расул** (1871 йили туғилган, Қизилтепа райони Шайхан қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили 3 йилга сургун қилинган, 1934 йили ўғирлик учун 2 йилга қамалган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида колхоз тарқалишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик фикрларини билдирганликда айбланган.

2380-сонли иш бўйича **Ҳакимов Салим** (56 ёшда, Қизилтепа райони Оқбургут қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, чет эл билан нолегал алоқаси учун жавобгарликка тортилган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Йиллар давомида чайқовчилик ва ўғирлик билан шуғулланганликда, аҳоли орасида тарғибот олиб бориб, иғвогарона аксилинқилобий бўҳтон миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга ва совет ҳокимияти билан курашишга чақирганликда айбланган.

2315-сонли иш бўйича **Тўрақулов Мулла Ҳақберди** (1888 йили туғилган, Нурота районидан, собиқ руҳоний, имом. 1932 йили 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган ва руҳонийлиги учун сургун қилинган, жазони ўтаган, имомлик ва руҳонийлик (диний доктор) билан шуғулланган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасиида мағлубиятчилик характердаги тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати шаънига аксилинқилобий иғвогарона бўҳтонлар билдирганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

2314-сонли иш бўйича **Дўсназаров Мулла Абдурасул** (1887 йили туғилган, Қирғизистон ССР Тўқузгубур районидан, собиқ руҳоний, босмачилик ҳаракатида иштирок этгани учун қамалган, жазони ўтаган, нолегал тарзда имомлик билан шуғулланган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик характердаги тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига аксилинқилобий бўҳтонларни билдирганликда айбланган.

2317-сонли иш бўйича **Ниёзов Ғиёс** (1887 йили туғилган, Нурота райони Гузарқўрғон қишлоғидан, ўзбек, масжид шайхи, қулоққа тортилган, 1931 йили советларга қарши ҳаракати учун 3 йилга қамалган, жазони ўтаган, диний маросимлар хизматчиси, шайх, сўфи) отувга ҳукм этилган. Диний йиғинлардан фойдаланиб, доимий равишда тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида аксилинқилобий иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда, совет ҳокимияти шаънига бўҳтонлар билдирганликда айбланган.

2312-сонли иш бўйича **Сайфуллаев,** унинг ўзи **Сайфулла Хўжаев Бақо Хўжа** (1859 йили туғилган, Нурота райони Гузаравесхўжа қишлоғидан, ўзбек, наслий хўжа, шайх, собиқ қулоқ, диний маросимлар хизматчиси, шайх) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Доимий равишда аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Совет Иттифоқи билан Англия ўртасидаги бошланган уруш тўғрисида аксилинқилобий иғво миш-мишлар тарқатганликда, амир ҳокимияти тикланиши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган.

2316-сонли иш бўйича **Муродов Мулла Бозорқул** (1873 йили туғилган, Нурота райони Адизобод қишлоғидан, ўзбек, собиқ савдогар, қулоққа тортилган, диний маросимлар хизматчиси, имом, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозга кириб олиб, колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, доимий равишда колхозга ишга чиқмаганликда, 1937 йили колхозлардаги очлик ва Совет Иттифоқи бўйича ҳосилсизлик тўғрисида аксилинқилобий иғво миш-мишлар тарқатганликда, совет ҳокимияти олиб борган тадбирларга қарши фикр билдирганликда, заёмга ёзилиш вақтида "совет ҳокимияти ўша заёмлар билан колхозчиларни талаяпти" деб айтганликда айбланган.

2344-сонли иш бўйича **Розиқов Тошхўжа** (1877 йили туғилган, Ромитан райони Ровотхосо қишлоғидан, ўзбек, собиқ савдогар, қулоққа тортилган. 1932 йили Қирғизистонга сургун қилинган, сургун жойидан қочган. 1934 йили қочганлиги учун ва аксилинқилобий ҳаракати учун 3 йилга қамалган, айтишига кўра 1935 йили қамоқдан касаллиги учун озод этилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий иғвогарона тарғибот олиб борганликда, очлик ва шаҳардаги аҳоли ўлим даражаси ортиши тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2293-сонли иш бўйича **Азизов Полвон** (1893 йили туғилган, Ромитан райони Кўмкош қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ. 1931 йили Қирғизистонга сургун қилинган, у жойдан 1935 йили қочган, ҳибсга олингунга қадар чайқовчилик билан шуғулланган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида аксилинқилобий иғво миш-мишлар тарқатганликда, яккахўжаликлар яхши яшайди, чунки давлат колхозлардан нонни тортиб олади деб айтганликда, колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

2294-сонли иш бўйича **Музаффаров Умар** (1876 йили туғилган, Ромитан райони Ботирёрчидан, ўзбек, собиқ қулоқ. 1931 йили Оренбургга сургун қилинган, 1935 йили қайтиб келган, ҳибсга олингунга қадар чайқовчилик билан шуғулланган) отувга ҳукм этилган. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқи билан капитал давлатлар ўртасида бошланган уруш ва колхозчилар орасидаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда,



www.ziyouz.com kutubxonasi

колхозчилар оч ўтиришибди, мажбуран ишлашмоқда деб айтганликда айбланган.

2296-сонли иш бўйича **Жўраев Умар** (1869 йили туғилган, Ромитан райони Ляля қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ, 1931 йили қулоққа тортилиб, Қирғизистонга сургун қилинган, у ердан 1934 йили қайтиб келган, турли қишлоқларда яшаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, колхозчилар орасида колхозлардаги очлик тўғрисида миш-мишларни тарқатганликда, колхозлардан чиқиб кетишга чақириб, мен колхозда ишламаяпман аммо сизлардан кўра яхшироқ яшаяпман деб айтганликда, колхозчилар орасида чўнтагидан бир даста 10 сўмликлар олиб кўрсатганликда айбланган.

2292-сонли иш бўйича **Қодиров Пўлат** (1884 йили туғилган, Ромитан райони Боғисаидан қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятларини бажармагани учун 5 йилга қамалган, айтишига кўра муддатдан олдин озод этилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида аксилинқилобий иғво миш-мишларни тарқатганликда, баҳорда колхоздаги экиш вақтида ишга чиқмаганликда, 1937 йили колхозлардаги очлик тўғрисида айтганликда айбланган.

2302-сонли иш бўйича **Болтабоев Шамсутдин** (1893 йили туғилган, Қозоғистон ССР Қизил Ўрда шаҳридан, собиқ савдогар, 1932 йили советга қарши фаолияти учун ОГПУ органлари томонидан ҳибсга олинган, 2 ой қамоқда бўлган, айтишича озод этилган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида аксилинқилобий иғво миш-мишлар тарқатганликда, 1934 йилдан 1937 йил 15 мартгача колхозда ҳисобчи вазифасида бўлиб, колхозчиларга кўпол муомалада бўлганликда, ҳисоботни чалкаштирганликда ва унинг учун ишдан ҳайдалганликда айбланган.

2295-сонли иш бўйича **Муҳитдинов Иззат** (1901 йили туғилган, Ромитан райони Касилкамач қишлоғидан, ўзбек, диний маросимлар хизматчиси, домулла, эшон, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда, колхозда ўзининг мажбуриятларига зараркунандалик муносабатида бўлганликда, бошқа районларга узоқ муддатга кетганлиги учун 1935 йили колхоздан ўчирилганликда, 1937 йили пахта экиш вақтида яхши ҳосил бўлмаслиги ва колхозда очлик бўлиши тўғрисида айтганликда, колхозда хотин-қизларнинг меҳнати қўлланишига қарши фикр билдирганликда айбланган.

2234-сонли иш бўйича **Раимов Воҳид** (1875 йили туғилган, Каганович райони Дидороз қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган,



www.ziyouz.com kutubxonasi

1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) **отувга** ҳукм этилган. Доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозда бўлиб, ўзининг ишларига зараркунандалик муносабатида бўлганликда, атайин колхоз ҳайвонларини йўқ қилганликда, отбоқар бўлиб, яйловда ҳайвонлар озиб кетишига сабабчи бўлганликда, колхозлардаги очлик ва колхозчилар орасида ўлим даражаси ортиб бораётгани тўғрисида аксилинқилобий иғво мишмишлар тарқатганликда айбланган.

*2180-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 15 апрелдан ҳисобланган:*

1. **Соҳибов Саттор** — 1905 йили туғилган, Қоракўл райони Дабекчи қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ, 1929 йили қулоққа тортилганнинг ўғли, ўзи 1930 йили бандитлиги учун 4 йилга қамалган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Доимий равишда колхозларнинг тарқалиб кетишига ва совет ҳокимияти тадбирлари барбод бўлишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, уруш ва ҳокимият ўзгариши тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни пахта ўрнига ғалла экишга чақирганликда, совет ҳокимияти колхозчиларга ҳеч қандай фойда келтирмагани ва бўлажак урушга тайёргарлик бўлаётгани учун колхозчиларга нон бермайди деб айтганликда айбланган.

2. **Ҳақбердиев Болта** — айтишича 1867 йили туғилган, врач, 56 ёшда, Ромитан райони Ичдир қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1931 йили солиқ тўламаганлиги учун 2 йилга қамалган, айтишича касаллиги учун муддатдан аввал озод этилган, ҳибсга олинган вақтда колхозда бўлган, аммо ишламаган. Доимий равишда совет ҳокимияти тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, очлик ва бўлажак уруш тўғрисида аксилинқилобий иғво миш-мишлар тарқатганликда, яқинда уруш бўлади, совет ҳокимияти нон бермайди деб айтганликда айбланган.

3. **Ҳайдаров Қурбон** — 1901 йили туғилган, Ромитан райони Ичдир қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ, босмачилик кўмакчиси, 1936 йили советга қарши фаолияти учун 2 йилга қамалган, олий суднинг кассацияга оид коллегияси томонидан 6 ой мажбурий меҳнатга ўзгартирилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. 1930 йил давомида очлик ва уруш тўғрисида аксилинқилобий миш-мишлар тарқатганликда, яқин орада ҳокимият ўзгариши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда, колхозчиларни нон захираси ташкил қилишга, пахтани экишни қолдиришга чақирганликда, чунки у фойда келтирмаяпти, агар ўзимизни нон билан таъминламасак оч қоламиз деб айтганликда айбланган.

2313-сонли иш бўйича **Эгамов Ражаб Бой** (1890 йили туғилган, Нурота райони Отзавот қишлоғидан, ўзбек, собиқ савдогар, қулоққа тортилган, 1931 йили солиқ тўламаганлиги учун 2 йилга қамалган, 1935 йилдан колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Колхозга кириб, кейинчалик колхоз тегирмонига раҳбарлик



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилганликда, ғаллани ўғирлаш билан шуғулланганликда, текшириш вақтида 496 килограмм ғалла кам чиққанликда, колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, яқин орада ҳокимият ўзгариши ва амир ҳокимияти тикланиши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган.

2318-сонли иш бўйича **Ражабов Ҳақберди** (1887 йили туғилган, Нурота райони Гузарўрта қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 2 йилга қамалган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қайтиб, колхозга кириб, тарғибот олиб борганликда, унга юклатилган ишга лаёқатсиз ёндашганликда, колхозчиларни ишга чиқмасликка чақирганликда, тез орада ҳокимият ўзгариши ва амир ҳокимияти тикланиши ва колхозчилардан ерлар собиқ ер эгаларига қайтиб ўтиши ва колхозлар тарқалиб кетиши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимияти учун бекордан-бекор ишлашнинг нима кераги бор, деганликда, 1937 йили колхоз аъзоларининг оммавий йиғилишида аксилинқилобий фаолияти сабабли колхоздан ўчирилганлиги учун айбланган.

## 14-баённома. 1937 йил 24 сентябр

*"Учлик" (Загвоздин, Юсупов, Шейндлин) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган. ЎзССР ИИХК Қашқадарё округ бўлими тақдим қилган 5866-иш бўйича 3 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 2 январдан ҳисобланган:*

1. **Файзуллаев Худойберди** — 1906 йили туғилган, Яккабоғ район Ўз қишлоғидан, ўзбек, синфий қиёфасини йўқотган, 1928 йили босмачиликда қатнашгани учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, 1936 йил 5 сентябрда лагердан озод этилган, ҳибсга олинганда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагердан озод қилингандан сўнг жиноятчи унсур билан алоқа ўрнатган ва колхозчиларга бир неча бор қуролли талончилик қилганликда, 2 та талончилик жабрланувчиларнинг ўлими билан тугагани учун айбланган.

2. **Хонкелдиев Равшан** — 1904 йили туғилган, Деҳқонобод райони Абровон қишлоғидан, 1933 йили ҳайвон ўғрилиги ва қотиллик қилгани учун 8 йилга қамалган, айтишига кўра муддатдан олдин озод этилган, ҳужжатлари йўқ, 1936 йил декабр ойида талаш ва қотилллик қилгани учун 6 йилга қамалган, жазо муддати кассация коллегияси томонидан бекор қилиниб, камайтирилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчилар гуруҳи билан биргаликда колхозчиларни қатор қуролли босқинчиликларда иштирок этганликда, 2 та талончилик жабрланувчиларнинг ўлими билан тугаганликда, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган буюмлар ва ҳайвонлар топилганликда айбланган.

3. **Ботиров Бойқобил** — 1914 йили туғилган, Яккабоғ райони Ўз қишлоғидан, 1933 йили Халқ суди томонидан ўғирлик учун 4 йилга қамалган, жазони ўтамай, лагерлардан қочган. 1936 йили лагерлардан қочган ва ўғирлик учун 5 йилга қамалган, кассация кол-



www.ziyouz.com kutubxonasi

легияси томонидан ҳукм бекор қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноий гуруҳ билан алоқа ўрнатиб, босқинчиликларда иштирок этганликда, лагерлардан қочган бандитни уйида яширганликда, бандитлар гуруҳи ўғирлаган буюмларини сақлаш учун қабул қилганликда айбланган.

**4. Юсупов Бобожон** — 1901 йили туғилган, Яккабоғ райони Ўз қишлоғидан, ўзбек, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Бандитлар гуруҳи билан биргаликда, қуролланган босқинчиликларда жабрланувчининг ўлими билан тугалланганликда айбланган.

3239-сонли иш бўйича **Равшанов Носир** (1912 йили туғилган, Яккабоғ райони Бузруғ қишлоғидан, жиноятчи, домулланинг ўғли, 2 марта ўғирлик учун қамалган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 8 августдан ҳисобланган. Жиноятчилар билан алоқадорликда, ҳайвон ўғирлаганликда ва колхозчиларни талаганликда айбланган.

3240-сонли иш бўйича **Раҳмонов Ёқуб** (1896 йили туғилган, Яккабоғ райони Толли қишлоғидан, жиноятчи, қотиллик учун 10 йилга озодликдан маҳрум этилган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Қамоқдан қочиб, жиноятчилар билан алоқа ўрнатганликда ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланишни давом эттирганликда, тўппонча билан қуролланганликда айбланган.

*5848-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга, 4 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган:*

**1. Қодиров Холиқ** — 1914 йили туғилган, Беҳбудий райони Харамжой қишлоғидан, ўзбек, қулоқнинг ўғли. 1933 йили 130-модда бўйича жавобгарликка тортилган, айтишича, суд томонидан озод этилган. 1937 йили март ойида “Смит-Виссон” тўппончани ноқонуний тарзда сақлаганлиги учун халқ суди томонидан 2 йилга қамалган, жазони ўтамай 1937 йили 4 март куни лагердан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. 1936 йилдан бошлаб, 7 кишидан иборат жиноий гуруҳни бошқарганликда, улар билан биргаликда колхозчиларга нисбатан қатор қуролли босқинчиликлар қилганликда, “Смит-Виссон” тўппончаси ва 4 та ов қуроли билан қуролланганликда, тўппончани сақлаганлиги учун қамалган, лагерлардан қочган ва яна жиноий унсур билан боғланиб, босқинчиликлар билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

**2. Лутфуллаев Нурулла** — 1917 йили туғилган, Беҳбудий райони Харамжой қишлоғидан, ўзбек, амир амалдори, оқсоқолнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қодиров томонидан, бошқарилаётган бандитлар гуруҳининг фаол аъзоси бўлганликда, ҳамма қуролли босқинчиликларда иштирок этганликда, Қодиров ҳибсга олингандан сўнг 1937 йилдан бошлаб, жиноий гуруҳни бошқарганликда, ОУР оператив гуруҳининг ходимларига ҳужум қилганликда, ундан бандитлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, ҳибсга олинган вақтда 2 та ов қуроли тортиб олинганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3. **Раимов Ҳалим** — 1916 йили туғилган, Беҳбудий райони Қизил масжид қишлоғидан, ўзбек, савдогарнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда артелда этикдўз. Бандитлар гуруҳига кирганликда ва колхозчиларни қуролли талашларда иштирок этганликда, 2 қуролни сақлаганликда, қуролларни сотиш вақтида қўлга олинганликда айбланган.

4. **Содиқов Тош** — 1897 йили туғилган, Беҳбудий райони Чармгар қишлоғидан, ўзбек, савдогарнинг ўғли, азалдан чойхонаси бўлган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, жазо муддати 1937 йил 25 мартдан ҳисобланган. Босмачилик гуруҳининг кўмакчиси бўлганликда, гуруҳнинг йиғинлари учун уйини берганликда, банда томонидан ўғирланган буюмларни сақлаганликда, бандитлар гуруҳининг ўғирланган ов қуролини сотиш вақтида қўлга олинганликда айбланган.

5. **Содиқов Мирза** — 1902 йили туғилган, Беҳбудий райони Чармгар қишлоғидан, савдогарнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, жазо муддати 1937 йил 31 июлдан ҳисобланган. Бандитлар гуруҳи тўғрисида маълумот бермаганликда, акаси билан биргаликда, бандитлар гуруҳи ўғирлаган буюмларни сақлаганликда, ўғирланган буюмларни сотишга ёрдам берганликда, 2 та ов қуролини сотиш мақсадида харидорлар топганликда айбланган.

6. **Мирзаев Низом** — 1904 йили туғилган, Беҳбудий райони Харамжой қишлоғидан, амир оқсоқолининг ўғли, қуролланган босқинчиликларда ва зўрлашда гумон қилиниб 5 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, жазо муддати 1937 йил 29 майдан ҳисобланган. Акаси орқали бандитлар гуруҳи билан алоқадорликда, ўтказилаётган босқинчиликларни яширганликда, "Наган" тўппончани ноқонуний равишда сақлаганликда, қурол билан комсомолни отишга урinганликда айбланган.

7. **Болтаев Ҳаким** — 1916 йили туғилган, Беҳбудий райони Ҳожихиёл қишлоғидан, ўзбек, босқинчиликлар ва ҳайвон ўғирлиги учун 2 марта вақтинча қамоққа олинган. 1935 йили халқ суди томонидан безорилиги учун 1 йил мажбурий меҳнатга ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда артелда аравакаш, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Бандитлар гуруҳи билан алоқа ўрнатганликда ва қатор босқинчиликларда иштирок этганликда, пичоқ билан қуролланганликда, тайёрлов ишлари олиб борганликда ва талашлар учун объектлар белгилаганликда айбланган.

5803-сонли иш бўйича **Қаландаров Тош** (1901 йили туғилган, Беҳбудий райони Қум қишлоғидан, жиноятчи, 1 марта қуролланган босқинчилик учун 5 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 8 августдан ҳисобланган. Лагерлардан озод бўлиб, жиноий ўтмиши билан ажралмаганликда, жиноятчилар билан алоқани узмаганликда ва ўғирликлар содир этганликда, ўғирланган буюмларни сақлаш учун қабул қилганликда айбланган.

5813-сонли иш бўйича **Тўраев Жўра** (1915 йили туғилган,

Беҳбудий райони Лоғман қишлоғидан, жиноятчи, 2 марта ҳайвон ўғирлагани учун қамалган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Йиллар давомида ўғирлик билан шуғулланганликда, колхозчиларни талашда жабрланувчиларни пичоқ билан тан жароҳати етказганликда, ўғирлик содир этган жойда қўлга олинганликда айбланган.

*3248-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил, 1 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, бирининг жазо муддати 1937 йил 17 август, иккинчисининг муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган:*

1. **Кенжаев Жўра** — 1914 йили туғилган, Беҳбудий шаҳридан, ўзбек, синфсизлашган. 1934 йили ҳайвон ўғирлагани учун 2 йилга қамалган, 1936 йили қуролланган босқинчилиги учун 3 йилга қамалган, лагерлардан 2 марта қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Биринчи марта 1936 йили 14 июлда ва иккинчи марта 1937 йил 1 июлда лагерлардан қочганликда, ҳеч қаерда ишламаганликда, қуролланган босқинчилик билан шуғулланганликда, "Смит-Виссон" тўппончаси билан қуролланганликда ва ҳибсга олинган вақтда қуроли тортиб олинганликда айбланган.

2. **Сайфиев Маматқул** — 1906 йили туғилган, Беҳбудий райони Жиза қишлоғидан, 1929 йили қуролланган босқинчилик учун 6 йилга қамалган. 1934 йили озодликка чиқарилган, ҳибсга олингунга қадар колхозда қоровул. Лагерлардан озод бўлгач, жиноятчилар билан алоқани узмаганликда, лагерлардан қочган бандитни яширганликда ва у билан биргаликда ишчининг уйини талаганликда айбланган.

3. **Муқумов Раим** — 1910 йили туғилган, Беҳбудий райони Харамжой қишлоғидан, ўзбек, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноий унсур билан алоқада бўлганликда, йиллар давомида ҳеч қаерда ишламаганликда, ўғирлик билан шуғулланганликда, лагерлардан қочган бандитни уйида яширганликда, у билан биргаликда, ишчининг уйини талаганликда айбланган.

3199-сонли иш бўйича **Минглиев Сафар** (1887 йили туғилган, Деҳқонобод райони Қайроғоч қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1932 йилдан 1934 йилгача муҳожирликда бўлганликда, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Бандитлар тўдаси билан алоқада бўлиб, босқинчилик ва колхозлардаги ишларга бузғунчилик қилиш мақсадида Афғонистондан келганликда, бандитлар гуруҳини яшириш учун уйини берганликда айбланган.

3242-сонли иш бўйича **Мирсаидов Муртазохон** (1907 йили туғилган, Бешкент райони Бешкент қишлоғидан, собиқ қулоқ, жиноятчи, ўғирлик ва чайқовчилик учун 2 марта қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қайтгач, ҳеч қаерда ишламаганликда, колхозчиларнинг ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

*5802-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Адиянов Василий Никонорович** — 1906 йили туғилган, Саратов области Духовницк райони Николский қишлоғидан, жиноят-


www.ziyouz.com kutubxonasi

чи, 4 марта қамалган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Йиллар давомида поездларда ўғирлик билан шуғулланганликда, ўғирлик устида ушланганликда айбланган.

2. **Сиддиқов Абдулла** — 1916 йили туғилган, Қорадарё райони Камак қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, жиноятчи, ўғирлик учун 2 марта қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Йиллар давомида ўғирлик билан шуғулланганликда, ҳар хил шаҳарларда юриб, ўғирлик вақтида қўлга олинганликда айбланган.

*3250-сонли иш бўйича 4 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 июлдан ҳисобланган:*

1. **Ҳотамов Бозор** — 1906 йили туғилган, Беҳбудий райони Шилби қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Босқинчилар гуруҳи ташкил этиб, колхозчиларни доимий равишда қуролли талашларни содир этганликда, ов қуроли билан қуролланиб, ўғирлик вақтида жабрланувчига тан жароҳати етказганликда айбланган.

2. **Қурбонов Исмат** — 1912 йили туғилган, Бешкент райони Ғаллахўжа қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Босқинчилар гуруҳига кириб, колхозчиларни доимий равишда қуролли талаганликда ва жабрланувчиларга тан жароҳати етказганликда, ҳибсга олинган вақтда пичоғи тортиб олинганликда айбланган.

3. **Тўрақулов Раҳмат** — 1917 йили туғилган, Беҳбудий шаҳридан, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Босқинчилар гуруҳига кириб, колхозчиларни доимий равишда қуролли талаганликда, бандитлар гуруҳи ўғирлаган буюмларни қабул қилганликда айбланган.

4. **Мақсадов Мўмин** — 1909 йили туғилган, Беҳбудий райони Қоратепа қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Босқинчилар гуруҳига кириб, колхозчиларни доимий равишда қуролли талашлар содир этганликда ва жабрланувчиларга тан жароҳати етказганликда айбланган.

5822-сонли иш бўйича **Қиличев Турди** (*1900 йили туғилган*, Беҳбудий райони Харамжой қишлоғидан, савдогарнинг ўғли, жиноятчи, 1929 йили олий суд томонидан 78-модда бўйича отув ҳукми 10 йил меҳнат тузатув лагерига алмаштирилган, муддатдан олдин озод этилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 31 июлдан ҳисобланган. Лагерлардан озод бўлиб, ҳеч қаерда ишламаганликда, сабзавот ва саноат моллари чайқовчилиги билан шуғулланганликда, бандитлар билан алоқада бўлганликда, ўғирланган буюмларни қабул қилганликда айбланган.

*5821-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 31 июлдан ҳисобланган:*

1. **Хидиров Мирқул** — 1911 йили туғилган, Беҳбудий райони Команди қишлоғидан, 1930 йили қуролланган банданинг фаол иштирокчиси сифатида олий суд уни 8 йил озодликдан маҳрум қилган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. 1936



www.ziyouz.com kutubxonasi

йили жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда, кўп вақт давомида доимий равишда талашлар билан шуғулланганликда, ноқонуний равишда "Наган" тўппончасини сақлаганликда, лагерлардан қочган бандитларни яширганликда айбланган.

2. **Неъматов Раҳмон** — 1882 йили туғилган, Беҳбудий райони Команди қишлоғидан, 1928 йили Олий суд томонидан қуролланган банданинг фаол аъзоси бўлганликда 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Жиноий унсур билан алоқада бўлганликда ва ўғирлик билан шуғулланганликда, лагерлардан қочган бандитларни яширганликда айбланган.

3096-сонли иш бўйича **Юсупов Саъдулла** (1915 йили туғилган, Деҳқонобод райони Қораёғоч қишлоғидан, амир амалдорининг ўғли, реэмигрант, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1934 йили чегарадан нолегал йўл билан Афғонистонга ўтганликда, у ерда қуролланган тўдага қўшилиб, тўда билан колхозчиларни талаб, Ўзбекистон ҳудудига ўтганликда айбланган.

5818-сонли иш бўйича **Азизов Абурауф** (1902 йили туғилган, Беҳбудий райони Араб қишлоғидан, 1928 йил Жиноят Кодексининг 186-моддаси бўйича 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 3 августдан ҳисобланган. Зўрлашда ва лагерлардан озод бўлиб, яъни 1936 йил 1 январдан ҳеч қаерда ишламасдан, ижтимоий хавфли унсур бўлганликда, ўғирлик ва босқинчиликлар билан шуғулланишда давом этганликда айбланган.

5865-сонли иш бўйича **Жўраев Мансур** (1892 йили туғилган, Косонсой райони Мисит қишлоғидан, 1933 йили қишлоқ иттифоқи раисини ўлдирганлиги учун 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қочиб, 1935 йили доимий равишда колхозчиларнинг ҳайвонларини ўғирлаб, ҳар хил қишлоқларда яширинганликда айбланган.

3241-сонли иш бўйича **Дўстмуратов Холмамад** (1905 йили туғилган, Бешкент райони, Қора қозон қишлоғидан, жиноятчи, 1927 йили бандитлиги учун 7 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 30 июлдан ҳисобланган. Лагерлардан қайтиб, фойдали меҳнат билан шуғулланмаганликда, колхозчилар ҳайвонларини ўғирлашни давом эттирганликда, ҳибсга олинган вақтда 4 та ўғирланган қўй топилганликда айбланган.

*5914-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга, 4 маҳбус 10 йил, 1 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, 1 маҳбуснинг жазо муддати 1937 йил 19 август, 4 маҳбуснинг муддати 1937 йил 9 августдан ҳисобланган:*

1. **Мўминов Шомил** — 1907 йили туғилган, Кармана райони Яванмачит қишлоғидан, жиноятчи, 1930 йили ўғирлик учун суд-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ланган, суддан яширинган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. 1928 йилдан ҳибсга олингунга қадар жиноятчилар гуруҳини бошқарганликда ва босқинчилик билан шуғулланганликда, ов қуроли билан қуролланганликда айбланган.

2. **Қурбонов Бозор** — 1908 йили туғилган, Кармана райони Ўртақўрғон қишлоғидан, жиноятчи, 1930 йили Халқ суди томонидан 214-274-модда бўйича 8 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, аслида у ерда ишламаган. Лагерлардан озод бўлганидан сўнг Мўминов Шомилнинг бандитлар тўдасига кирганликда ва тўданинг босқинчилик ҳаракатларининг фаол иштирокчиси бўлганликда айбланган.

3. **Умаров Ҳалил** — 1910 йили туғилган, Кармана райони Чалақурғон қишлоғидан, жиноятчи, босқинчилиги учун 3 марта қамалган, охирги жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Йиллар давомида Мўминов Шомил бандасининг бошқа аъзолари билан биргаликда босқинларда иштирок этганликда айбланган.

4. **Бобомуродов Отақул** — 1903 йили туғилган, Кармана райони Қорачилик қишлоғидан, жиноятчи, 1931 йили босқинчилиги учун судланган, суддан яширинган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Бандитлар тўдасининг бошлиғи Шомил Мўминовнинг ёрдамчиси бўлганликда, тўданинг бошқа иштирокчилари билан колхозчиларни талаганликда, 1931 йилда уйи тинтув қилинган вақтда 23 линейная милтиқ тортиб олинганликда айбланган.

5. **Қаюмов Болта** — 1908 йили туғилган, Кармана райони Айрончи қишлоғидан, жиноятчи, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. 1929 йилдан бошлаб, Мўминов Шомилнинг бандитлар гуруҳида жиноий фаолият билан шуғулланганликда,1933 йили милтиқ тортиб олинган, тинтув пайтида суддан яширинганликда айбланган.

6. **Юнусов Шовқи** — 1907 йили туғилган, Кармана райони Ўртақўрғон қишлоғидан, жиноятчи, 1934 йили босқинчилик қилгани учун судланган, қамоқдан озод бўлгач, судгача яширинган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Йиллар давомида Мўминов Шомилнинг босқинчилар тўдасида бўлганликда ва тўданинг бошқа иштирокчилари билан биргаликда жиноий фаолият билан шуғулланганликда айбланган.

7. **Тошев Тохтамиш** — 1905 йили туғилган, Кармана райони Тепаариқ қишлоғидан, жиноятчи, босқинчилик учун жиноий жавобгарликка тортилган, суддан яширинган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. 1929 йилдан жиноий фаолият билан шуғулланганликда, 1930 йили Мўминов Шомилнинг бандитлар гуруҳига кириб, тўданинг бошқа аъзолари билан биргаликда босқинчилик билан шуғулланганликда, ҳибсга олинган вақтда ов қуроли тортиб олинганликда айбланган.

8. **Омонов Жамол** — 1908 йили туғилган, Кармана районидан, ўтмишда босмачи, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Мўминов Шомилнинг бандитлар гуруҳига кирганликда ва колхозчиларни қуролли талашларда иштирок этганликда айбланган.

5435-сонли иш бўйича **Аминов Яҳё** (1909 йили туғилган, Қизилтепа райони Тожихон қишлоғидан, жиноятчи, заракунандалик қилгани учун 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган, муддатдан олдин озодликка чиқарилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Жиноятчилар гуруҳи билан биргаликда магазинларни ва фуқароларни қуролли босқин қилганликда, ов қуроли ва пичоқ билан қуролланганликда айбланган.

5410-сонли иш бўйича **Муҳаммадов Нурбек**, унинг ўзи **Бекмуҳаммадов Нурмуҳаммад** (1880 йили туғилган, Бухоро райони Сариқтанча қишлоғидан, йирик савдогарнинг ўғли, собиқ қулоқ, 1930 йили қулоққа тортилган, жиноятчи, 1930 йили босмачиликка кўмаклашганликда айбланиб, сиртдан 5 йил муддатга қамалган, жазони ўтамай яширинган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 29 июлдан ҳисобланган. Уйида бандитларни яширганликда, бандитлар гуруҳи билан алоқада бўлганликда, расмий равишда колхозда ҳисобга олиниб, аслида эса ишламаганликда айбланган.

5406-сонли иш бўйича **Абдуллаев Юсуп** (Чунобод-Эрон шаҳридан, жиноятчи, 1934 йили бузуқхонаси бўлганликда ва нашани сотганликда 2,5 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар “Айдан” артелисида хом-ашё чиқинди йиғувчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 5 августдан ҳисобланган. Лагерлардан озод бўлганидан сўнг, наша сотиш билан шуғулланишда давом этганликда, шу йилнинг 21 июлида 400 грамм ва 1937 йил 7 августида 2 грамм наша ва уни тайёрлаш учун керак бўлган нарсалар топилганликда, уйи наша чекиш учун бузуқхонага айланганликда айбланган.

5427-сонли иш бўйича **Аминов Насриддин** (1906 йили туғилган, Бухоро райони Арабхона қишлоғидан, собиқ амир амалдори ва бойнинг ўғли, ўзи собиқ қулоқ, 1931 йили Ўзбекистон ташқарисига сургун қилинган, 1934 йили қайтиб келган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 29 июлдан ҳисобланган. Сургундан қайтганидан сўнг, колхозчилар орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда, колхоздаги ишига чиқмаганликда, бошқа колхозчиларни ишга чиқмасликка чақирганликда айбланган.

5441-сонли иш бўйича **Жалилов Сирож** (1910 йили туғилган, Бухоро райони Қипчоқ қишлоғидан, жиноятчи, қотиллик ва ўғирликда айбланиб, 2 марта судланган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 29 июлдан ҳисобланган. Жиноий унсур билан алоқада бўлганликда, колхозда бузғунчилик ишни олиб борганликда, колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни диний маросимлар сақланишига чақирганликда ва ишга чиқмаганликда, уйида бандитни яширганликда айбланган.

5424-сонли иш бўйича **Иноятов Ҳидоят** (1910 йили туғилган, Бухоро райони Ўзбек қишлоғидан, ўтмишда йирик бой, 1931 йили 5 йил муддати билан озодликдан маҳрум этилган, жазони ўтаган,


www.ziyouz.com kutubxonasi

жиноятчи, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 29 июлдан ҳисобланган. Лагерлардан қайтгач, колхоз аъзолигига кирганликда, аслида у ерда ишламаганликда, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, натижада колхоздан 5 хўжалик чиқиб кетганликда, яшириниб юрган бандитлар билан алоқа ўрнатганликда ва колхозчиларни талашларда иштирок этганликда айбланган.

5411-сонли иш бўйича **Тиллаев Нусрат,** унинг ўзи **Нурулла** (1913 йили туғилган, Ғиждувон райони Малиқози қишлоғидан, жиноятчи, бандитизм ва босқинларда иштирок этганлиги учун 1931 йили 3 йил муддат билан озодликдан маҳрум этилган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 29 июлдан ҳисобланган. Йиллар давомида доимий равишда чўнтаккесарлик билан шуғулланганликда, лагерлардан озод бўлганидан сўнг бандитлар гуруҳи билан алоқада бўлганликда айбланган.

5404-сонли иш бўйича **Бўронов Бозор** (1915 йили туғилган, Кармана райони Жалоир қишлоғидан, жиноятчи, 1935 йили босқинчиликда айбланиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, ҳибсга олинган вақтида аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Лагерлардан озод қилинганидан сўнг жиноятчилар билан алоқа ўрнатганликда, босқинчилик билан шуғулланишда давом этганликда, ов қуроли билан қуролланиб, колхозчиларга ҳужум қилганликда айбланган.

5402-сонли иш бўйича **Раҳмонов Ғани** (1912 йили туғилган, Кармана райони Чуит қишлоғидан, бойнинг ўғли, 1934 йили қуролланган босқинчиликда иштирок этганликда айбланиб 8 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган) отувга ҳукм этилган. Қочганидан сўнг, бандитлар тўдасининг бошлиғи билан алоқа ўрнатганликда, лагерлардан қочган бандит билан биргаликда ҳайвон ўғирлаш ва қуролланган босқинларда иштирок этганликда айбланган.

5457-сонли иш бўйича **Исомуродов,** унинг ўзи **Ҳикмат Исомуродов** (1907 йили туғилган, Кармана райони Шодибек қишлоғидан, қулоққа тортилган, ўтмишда босмачи. 1935 йили пахта экишдан бош тортганликда 1,5 йилга озодликдан маҳрум этилган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Жазони ўтаганидан сўнг, доимий равишда ҳайвон ўғирлаш ҳамда колхозчилар буюм ва пулларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

5438-сонли иш бўйича **Жўраев Шоди** (1907 йили туғилган, Қизилтепа райони Бўстон қишлоқ совети Наубах қишлоғидан, собиқ қулоқ, йирик бойнинг ўғли. 1931 йили ўғирлик учун 3 йилга ва 1936 йили қуролли босқинчилик учун 8 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Йиллар давомида қуролли ўғирликлар билан шуғулланганликда, лагерлардан қочиб, ўғирлик билан шуғулланишни


www.ziyouz.com kutubxonasi

давом эттирганликда, ҳибсга олинган вақтда милтиқ ва 28 дона ўқлар тортиб олинганликда, қўлга олиш вақтида қаршилик кўрсатганликда айбланган.

5444-сонли иш бўйича **Очилов Усмон** (1902 йили туғилган, Ғиждувон райони Саккори қишлоғидан, ўтмишда босмачилик бандасининг фаол йигити, бандитлиги учун 6 йилга қамалган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қайтганидан сўнг жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда, доимий равишда ҳайвон ўғирлаш ва колхозчиларни талаш билан шуғулланганликда, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган буюмлар топилганликда айбланган.

5452-сонли иш бўйича **Ҳотамов Жиган** (1909 йили туғилган, Ғиждувон райони Ишча қишлоғидан, жиноятчи, 1927 ва 1933 йили ўғирлик учун 2 марта судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) **отувга** ҳукм этилган. Лагерлардан озод бўлганидан сўнг, жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда ва доимий равишда ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

5446-сонли иш бўйича **Ражабов Акром** (1905 йили туғилган, Ғиждувон райони Калбошкан қишлоғидан, жиноятчи, 1928 йили қуролланган босқинчилик содир этганликда 10 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) **отувга** ҳукм этилган. Лагерлардан қайтганидан сўнг жиноятчилар билан алоқа ўрнатиб улар билан биргаликда колхозчи ва фуқароларни талаганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 3669-сонли иш бўйича **Нормўминов Хўжамберди** (1911 йили туғилган, Жарқўрғон райони Минор қишлоғидан, 1931 йили қулоққа тортилган ва Сибирь ўлкасига сургун қилинган, жазони ўтамаган, яширинган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1933 йили Шотўра Бердиев (кейинчалик отилган)нинг бандитлар гуруҳига кирганликда, улар билан колхозчиларни талаш билан шуғулланганликда, банда тугатилгандан сўнг, доимий равишда ҳайвон ўғирлиги билан шуғулланганликда, 1937 йили июн ва июл ойларида ўғирланган отлар тортиб олинганликда айбланган.

6224-сонли иш бўйича **Минтўраев Тошмирза** (1905 йили туғилган, Шўрчи райони Култепа қишлоғидан, собиқ қулоқ, жиноятчи, ҳайвон ўғирлагани учун бир неча марта қамалган, жазони ўтамай қочган) отувга ҳукм этилган. Йиллар давомида колхозчилар ва фаол кишиларнинг ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда, колхозда ҳайвон ўғирлашга уринганликда ва қўлга олинганликда айбланган.

6221-сонли иш бўйича **Аллаёров Парда** (1902 йили туғилган, Шўрчи райони Шохча қишлоғидан, йирик ҳайвон ўғриси, 1933 йили ҳайвон ўғирлагани учун 7 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган) отувга ҳукм этилган. 1934 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар ҳайвон ўғирлиги ва колхозчиларни талаш билан шуғулланганликда, бир неча бор жиноят жойида қўлга олинган, лекин қамоқдан қочганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*6226-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Камолов Қурбон** — 1902 йили туғилган, Шўрчи райони Кокайди қишлоғидан, йирик бойнинг ўғли, жиноятчи. 1936 йили ҳайвон ўғирлагани учун 6 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган. Йиллар давомида укаси билан биргаликда ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

2. **Камолов Номир** — 1907 йили туғилган, Шўрчи райони Кокайди қишлоғидан, йирик бойнинг ўғли, жиноятчи, 1936 йили ҳайвон ўғирлагани учун 8 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган. Йиллар давомида ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда, акаси билан биргаликда лагерлардан қочиб, ўғирлик ва колхозчиларни талаш билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

3677-сонли иш бўйича **Поёнов Эргаш** (1904 йили туғилган, Шеробод райони Айни қишлоғидан, собиқ босмачи, жиноятчи, 8 деҳқонни ўлдирганлиги учун қамалган, жазони ўтамаган. 1934 йили колхоз маблағларини сарфлаганлиги учун 2-марта 4 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) **отувга** ҳукм этилган. 1924 йилдан 1929 йилгача Эргамбек босмачилик бандасига кирганликда, деҳқонларни ўлдиришда иштирок этганликда, лагерлардан озод бўлгач, жиноий унсур билан алоқа ўрнатиб колхозчиларни талаганликда айбланган.

3679-сонли иш бўйича **Узоқов Эргаш** (1900 йили туғилган, Шеробод райони Айни қишлоғидан, амир амалдорининг ўғли, жиноятчи, 1924 йили қотиллик учун 8 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, *1933 йили Афғонистонга ўтиш ниятида* бўлиб, чегарада ушланган, 1934 йили ғалла ўғирлагани учун қамалган) **отувга** ҳукм этилган.

*ЎзССР ИИХК Самарқанд сектори тақдим қилган иш бўйича қуйидагилар ҳукм қилинган:*

1. **Алимов Олти** — 1903 йили туғилган, Самарқанд райони Чоршанба қишлоғидан, қулоққа тортилган. 1934 йили қотиллик учун 8 йилга қамалган, жазони ўтамай 1936 йили лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан қочганидан сўнг, ўғирлик ва босқинчилик билан шуғулланганликда, Бердиев бандитлар гуруҳига кирганликда, пичоқ ва калтак билан қуролланганликда, колхозчиларни қуролли талашда иштирок этганликда, ҳибсга олинган вақтда пичоқ тортиб олинганликда айбланган.

2. **Мелибоев Хўжақул** — 1911 йили туғилган, Ургут райони Қорабулоқ қишлоғидан, ишидан бош тортганликда ва бандитчилик билан алоқада бўлганликда, колхоздан ўчирилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бердиев бандитлар гуруҳига кирганликда, қамчи билан қуролланганликда, колхозчиларни қуролли талашда иштирок этганликда, шахсан ўзи жабрланувчиларни қамчи билан урганликда, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган буюмлар тортиб олинганликда айбланган.

3. **Раимов Ҳазратқул** — 1910 йили туғилган, Ургут райони Қўзичи қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмаган. 1930 йилдан бошлаб ўғирлик билан шуғулланганликда, Бердиев бандитлар гуруҳи иштирокчилари билан биргаликда тўрт марта қуролли босқинчиликда иштирок этганликда, ов қуроли билан қуролланганликда, ҳибсга олинган вақтда пичоқ тортиб олинганликда айбланган.

4. **Азимов Ҳайдар** — 1901 йили туғилган, Ургут райони Қўзичи қишлоғидан, 1930 йили ҳайвон ўғирлаганликда ва қотилликда айбланиб халқ суди томонидан 7 йилга қамалган, жазони ўтамай 1932 йили лагерлардан қочган, 2 марта вақтинча қамоққа олинган, ижтимоий хавфли унсур. Лагерлардан қочганидан сўнг ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланишни давом эттирганликда, Бердиевнинг бандитлар гуруҳига кирганликда, колхозчиларни қуролли талашларда иштирок этганликда, айбланувчи Раимов билан биргаликда 4 марта колхозчиларнинг ҳайвон ва пулларини ўғирлаганликда айбланган.

5. **Норбоев Муҳаммад** — 1897 йили туғилган, Ургут райони Қўзичи қишлоғидан, ижтимоий хавфли унсур. 1932 йилдан бошлаб жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда, босқинчилик ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда, Бердиевнинг бандитлар гуруҳи билан биргаликда колхозчиларни қуролли талашларда иштирок этганликда айбланган.

6. **Имомов Жаҳон** — 1908 йили туғилган, Самарқанд шаҳридан, ҳунармандлардан, 1935 йили безорилиги учун халқ суди томонидан 1 йил мажбурий меҳнатга ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бердиев бандитлар гуруҳи билан алоқада бўлганликда, бандитларни уйида яширганликда, гуруҳ томонидан ўғирланган буюмларни қабул қилиб сотганликда, тинтув вақтида ўғирланган буюм ва ҳайвонлар топилганликда айбланган.

7. **Дўстов Ҳақберди** — 1910 йили туғилган, Ургут райони Қорабулоқ қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Бердиев бандитлар гуруҳи билан алоқада бўлганликда, бандитларни уйида яширганликда, банда томонидан ўғирланган буюмларни сақлаганликда, ҳибсга олинган вақтида ўғирланган буюмлар топилганликда айбланган.

8. **Умаров Эргаш** — 1908 йили туғилган, Ургут райони Қорабулоқ қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Бандитлар гуруҳи билан алоқада бўлганликда, бандитларни уйида яширганликда, колхоз бригадири уйини талашда бандага ёрдам берганликда, бандитлар ўғирлаган пулларни сақлашга қабул қилганликда, бандитларга колхоз бригадирини ўлдиришни таклиф этганликда айбланган.

*6714-сонли иш бўйича 4 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Бобожонов Раҳмон** — 1912 йили туғилган, Кармана райони Янги ариқ қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Кўчманчи бегона лўлилардан бандитлар гуруҳини ташкил этганликда, 2 қирқма милтиқ, "Смит-Виссон" тўппончаси ва пичоқлар билан қуролланиб, колхозчиларни қуролли талашларни содир этганликда, шахсан ўзи 4 та қуролли босқинчиликларда иштирок этганликда, банда томонидан ўғирланган буюмларни уйида



www.ziyouz.com kutubxonasi

сақлаганликда ва уйида бандитлар йиғинларини ташкил этганликда, ҳибсга олинган вақтда 2 қирқма милтиқ, "Смит-Виссон" тўппончаси ва кўп миқдордаги ўғирланган буюмлар топилганликда айбланган.

2. **Жалилов Икром** — 1902 йили туғилган, Хатирчи райони Янгировот қишлоғидан, маҳаллий лўлилардан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Боборажабовнинг бандитлар гуруҳига кирганликда, қирқма милтиқ *билан қуролланганликда, колхозчи*ларга тан жароҳати етказлганликда, қуролланган босқинларда иштирок этганликда, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган буюмлар тортиб олинганликда айбланган.

3. **Эгамбердиев Туркаш** — 1907 йили туғилган, Самарқанд шаҳридан, маҳаллий лўлилардан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бобожонов бандитлар гуруҳига кирганликда, колхозчиларга тан жароҳати етказилган қуролли босқинларда иштирок этганликда, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган буюмлар тортиб олинганликда айбланган.

4. **Жўраев Люси** — 1917 йили туғилган, Пахтакор райони Панжон қишлоғидан, маҳаллий лўлилардан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бобожоновнинг бандитлар гуруҳига кирганликда, пичоқ билан қуролланганликда, колхозчиларга тан жароҳати етказилган 4 марта қуролланган босқинчиликларда иштирок этганликда, жабрланувчиларни боғлаб, уларга тегишли ҳайвон ва мол-мулкини тортиб олганликда айбланган.

*6711-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Абдураҳмонов Абдураим** — 1904 йили туғилган, Самарқанд райони Юқориоғалик қишлоғидан, қулоққа тортилган. 1932 йили ОГПУ органлари томонидан қамалган ва оммавий бандитчиликда айбланиб, жавобгарликка тортилган, 1935 йили суд органлари томонидан жиноий иши йўқотилгани учун озод этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қамоқдан озод этилганидан сўнг бандитлар гуруҳини ташкил этганликда, 3 калибрли милтиқ, 2 ов қуроли ва қирқма милтиқ билан қуролланиб, колхозчиларни қатор қуролли талашларни амалга оширганликда, ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

2. **Тўхтаев Ҳаким** — 1914 йили туғилган, Самарқанд райони Миранкўл қишлоғидан, ижтимоий хавфли унсур. 1932 йилдан бошлаб ҳеч қаерда ишламай ҳайвон ўғирлаш ва ўғирлик билан шуғулланганликда, Абдураҳмоновнинг бандитлар гуруҳига кирганликда, шахсан ўзи колхоз аъзоларини қуролли талашларда иштирок этганликда, йўлда тўхтатилган 11 та колхозчиларни талашда иштирок этганликда айбланган.

3. **Қайназаров Анди** — 1905 йили туғилган, Самарқанд райони Арабхона қишлоғидан, ижтимоий хавфли унсур. 1935 йилдан бошлаб ҳеч қаерда ишламай, ўғирлик ва талончилик билан шуғулланганликда, Абдураҳмоновнинг бандитлар гуруҳига кирганликда, 1936 йил 3 ва 4 октябрда колхозчиларга қуролли талашларда иштирок этганликда, колхозчилар қўлларини боғлаб, уларга тегишли буюмларни ва 5 та колхоз отини ўғирлаганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

*6709-сонли иш бўйича 5 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Мешеряков,** унинг ўзи **Демин,** унинг ўзи **Терехов,** унинг ўзи **Тимошенко Анатолий Михайлович** — 1919 йили туғилган, Қозон шаҳридан, синфсизлашган, 4 марта судланган. 1934 йили халқ суди томонидан магазин деворини бузиб кириб, товарларни ўғирлаганликда айбланиб 8 йилга қамалган, балоғатга етмаганлиги учун озод этилган. 1935 йили халқ суди томонидан ўғирлик учун 2 йилга болалар меҳнат колониясига ҳукм этилган, жазони ўтамай қочган. 1936 йили халқ суди томонидан магазинда ўғрилик қилгани учун 3 йилга қамалган, болалар меҳнат колониясида бўлиб, магазинда ўғирлик қилгани учун 1936 йили халқ суди томонидан МТЛга ҳукм этилган, жазони ўтамай 1937 йил 1 январда қочган, 16 марта вақтинча қамалган, ижтимоий хавфли унсур.

2. **Попов Федор Яковлевич** — 1921 йили туғилган, Пенза шаҳридан, синфсизлашган, гиёҳванд, 2 марта судланган. 1935 йили халқ суди томонидан ўғирлик учун 2 йилга қамалган, жазони ўтамай, балоғатга етмаганлиги учун онаси қарамоғига топширилган. 1936 йили халқ суди томонидан ўғирлик учун 2 йилга қамалган, болалар меҳнат колониясига жўнатилган, у ердан қочган, жазони ўтамаган, 12 марта вақтинча қамоққа олинган, ижтимоий хавфли унсур. Мешеряков ва бошқа жиноятчилар билан биргаликда 2 август куни паркда бўлган 2 фуқарони ўлдирган, 4 фуқарога оғир тан жароҳати етказганликда, доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда, Самарқанд қамоқхонасида бўлиб, маҳбусларни доимий равишда талашларни давом эттирганликда айбланган.

3. **Смотров Михаил Петрович** — унинг ўзи **Митин Михаил Александрович,** 1920 йили туғилган, Самарқанд шаҳридан, синфсизлашган, гиёҳванд, 2 марта қамалган ва 10 марта вақтинча қамоққа олинган. 1936 йили "Учлик" томонидан ижтимоий хавфли унсур сифатида 3 йилга қамалган, жазони ўтамай болалар меҳнат колониясидан қочган, шу йили халқ суди томонидан ўғирлик учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамай лагерлардан қочган, ижтимоий хавфли унсур. Мешеряков ва бошқа жиноятчилар билан биргаликда пичоқ ва "Монтекрист" билан қуролланиб, паркда 2 фуқарони ўлдирганликда ва 4 фуқарога оғир тан жароҳати етказганликда, шахсан ўзи фуқаро Григорянцга пичоқ билан тан жароҳати етказганликда, доимий равишда ўғирлик ва талашлар билан шуғулланганликда айбланган.

4. **Айрапетов Вартан Аркадьевич** — 1918 йили туғилган, Самарқанд шаҳридан, арман, гиёҳванд. 1935 йили халқ суди томонидан ўғирлик учун 2 йилга қамалган, жазони ўтаган, етти марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда вақтинча токар шогирди бўлиб ишлаган. Мешеряков ва бошқа жиноятчилар билан биргаликда паркда 2 фуқарони ўлдирганликда ва 4 фуқарога оғир тан жароҳати етказганликда, шахсан ўзи Мешеряковга Мамедовни тан жароҳати етказиш учун шароит яратиб берганликда, Попов ва Смотровларга бошқа фуқароларга тан жароҳати етказиш учун ёрдам берганликда айбланган.

5. **Гибадулин Михмангир** — 1922 йили туғилган, Актюбинск



www.ziyouz.com kutubxonasi

области Новогадайкино қишлоғидан, татар, синфсизлашган, гиёҳванд, 2 марта қамалган ва 6 марта вақтинча қамоққа олинган. 1936 йили халқ суди томонидан ўғирлик учун 3 йилга қамалган, жазони ўтамай болалар меҳнат колониясидан қочган. 1937 йили халқ суди томонидан ўғирлик учун 2 йилга қамалган, жазони ўтамай болалар меҳнат калониясидан қочган, ижтимоий хавфли унсур. 2 марта болалар меҳнат колониясидан қочганликда, доимий равишда ўғирлик ва талаш билан шуғулланганликда, 2 августда Мешеряков ва бошқа жиноятчилар билан биргаликда паркда 2 фуқарони ўлдирганликда ва 4 фуқарога оғир тан жароҳати етказганликда, шахсан ўзи пичоқ билан қуролланганликда айбланган.

*6719-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Шоназаров Абдуназар,** унинг ўзи **Шоҳназаров Назар,** 1902 йили туғилган, Самарқанд райони Бузи қишлоғидан, 4 марта вақтинча қамоққа олинган, бандитлиги учун 10 йилга қамалган, жазони ўтамай 1936 йили қочган, ижтимоий хавфли унсур. 1931 йили доимий равишда ўғирлик ва талашлар билан шуғулланганликда, 1931 йили бошқа бандит билан биргаликда қишлоқ советининг раисини ўлдирганликда, 1937 йил май ойида бир аёлни ушлаб пичоқ билан қўрқитиб, уни маст ҳолатигача ичкизиб, зўрлаганликда айбланган.

2. **Аҳроров Ҳақберди** — 1912 йили туғилган, Самарқанд райони Бузи қишлоғидан, 1 марта қамалган ва 3 марта вақтинча қамоққа олинган. 1934 йили халқ суди томонидан оммавий қуролланган ўғирлик вақтида қотиллик учун 6 йилга қамалган, жазони ўтамаган. 1936 йил 6 октябрда шартли равишда муддатдан олдин озод этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан озод бўлгач жиноий бандит унсури билан алоқа ўрнатганликда, ўғирлик ва талашлар билан шуғулланганликда, доимий равишда ичганликда, колхозчиларни ичишга таклиф қилганликда, май ойида Шоназаров билан биргаликда бир аёлни ушлаб, пичоқ билан қўрқитиб, уни маст ҳолатигача ичкизиб зўрлаганликда айбланган.

*6680-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга, 6 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган:*

1. **Жаҳонов Олим** — 1870 йили туғилган, Каттақўрғон райони Шўрах қишлоғидан, 1933 йили халқ суди томонидан пахтага зараркунандалик келтирганликда 5 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхозга қарашли карвонсаройда қоровул бўлиб ишлаган. Август ойида 4 кишидан иборат бандитлар гуруҳини ташкил қилганликда, 3 пичоқ ва “Смит-Виссон” тўппончаси билан қуролланиб, қуролли босқинчиликни содир этганликда, жабрланувчининг оиласини боғлаб олиб урганликда, қурол билан қўрқитиб буюмларини, пулларини ва ҳайвонларини тортиб олганликда, яна қатор талашларни содир этишни белгилаганликда, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган буюмлар топилганликда айбланган.

2. **Жумаев Ҳайит** — 1900 йили туғилган, Акмалобод райони


www.ziyouz.com kutubxonasi

Начзакарак қишлоғидан, 2 марта қамалган, 1921 йили халқ суди томонидан қамалган, 1936 йили лагерлардан қочганлиги учун 1 йилга қамалган, жазони ўтаган, ижтимоий хавфли унсур. Ҳеч қаерда ишламаганликда, ўғирлик билан шуғулланганликда, Жаҳоновнинг бандитлар гуруҳига кирганликда, "Смит-Виссон" тўппончаси ва пичоқ билан қуролланганликда, бандитлар гуруҳи билан биргаликда қуролланган талашларда иштирок этганликда, 2 марта босқинчиликни тайёрлаганликда, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган буюмлар топилганликда айбланган.

3. **Жалилов Абдулла** — 1915 йили туғилган, Каттақўрғон шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жаҳоновнинг бандитлар гуруҳига кирганликда, қуролланган босқинчиликда жабрланувчиларга тан жароҳати етказганликда, пичоқ билан қуролланганликда, банда томонидан 2 марта босқинчилик белгилангани тўғрисида билганликда айбланган.

4. **Қодиров Исмоил** — 1915 йили туғилган, Каттақўрғон райони Шўрак қишлоғидан, 1936 йили ишга чиқмаганлиги учун колхоздан ҳайдалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бандитлар гуруҳига кирганликда, пичоқ билан қуролланганликда, банда гуруҳи билан биргаликда қуролли босқинларда иштирок этганликда, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган буюмлар топилганликда айбланган.

5. **Алиева Хабиба** — 1917 йили туғилган, Самарқанд шаҳридан, ижтимоий хавфли унсур. Узоқ муддат давомида ҳеч қаерда ишламаганликда, жиноий унсур билан алоқада бўлганликда, охирги 3 ой давомида бандитлар гуруҳининг бошлиғи билан яшаганликда, ўғирланган буюмларни сақлаганликда ва сотганликда, бандитлар гуруҳи белгилаган қуролли босқин тўғрисида билганликда айбланган.

6. **Қодиров Муса** — 1908 йили туғилган, Каттақўрғон райони Шўрак қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар колхозчи. Бандитлар гуруҳи билан алоқада бўлиб, уларнинг белгиланган қуролли босқинчиликлари тўғрисида билганликда, ўғирланган буюмларни қабул қилганликда ва бандитларни уйида яширганликда, ўғирланган буюмлар қаерда яхшироқ сотилишини маслаҳат берганликда, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган буюмлар топилганликда айбланган.

7. **Сувонов Аҳад** — 1918 йили туғилган, Каттақўрғон райони Шўрак қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бандитлар гуруҳи билан алоқада бўлганликда, бандитлар гуруҳига рухсати бўлмаган "Смит-Виссон" тўппончасини 95 рублга сотганликда айбланган.

8. **Жаҳонов Раззоқ** — 1916 йили туғилган, Каттақўрғон райони Шўрак қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Бандитлар бошлиғининг акаси бўлганликда, белгиланган қуролли босқинчилик тўғрисида билганликда, акаси топшириғи билан айбланувчи Сувоновдан "Смит-Виссон" тўппончасини сотиб олганликда айбланган.

*6681-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Қўчқоров Пирназар** — 1905 йили туғилган, Қорадарё райо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни Ровот қишлоғидан, қулоққа тортилган, аниқ турар жойи ва машғулоти йўқ. 2 марта қамалган: биринчи марта 1931 йили давлат мажбуриятларини бажармагани учун ва иккинчи марта 1935 йили ҳайвон ўғирлагани учун 6 йилга қамалган. Иккаласида ҳам жазони ўтамай қочган ва қуролланган ўғирликлар билан шуғулланганликда, ҳибсга олинган вақтда қуролли қаршилик кўрсатганликда айбланган.

**2. Қодиров Берди** — 1885 йили туғилган, Қорадарё райони Ровот қишлоғидан, 1932 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, аниқ машғулоти йўқ. Лагерлардан қочиб бошқа айбланувчилр билан биргаликда қуролли босқинчилик билан шуғулланишни давом эттирганликда, жиноят жойида қўлга олинган вақтда қуролли қаршилик кўрсатганликда айбланган.

6682-сонли иш бўйича **Савин,** унинг ўзи **Савченко Михаил Михайлович**, унинг ўзи **Устинов Федор Васильевич** (1912 йили туғилган, Саратов шаҳридан, аниқ турар жойи ва машғулоти йўқ, доимий равишда ўғирлик учун 4 йилга қамалган ва 5 марта вақтинча қамоққа олинган, ижтимоий хавфли унсур) отувга ҳукм қилинган. 1934 йили охирги марта 3 йилга қамалганида жазо муддатини ўтамай қочган, бегона одамлар билан яшаб, жиноятчи билан алоқада бўлганликда ва малакали ўғирлик билан шуғулланганликда, 1928 йилдан бошлаб ҳеч қаерда ишламаганликда айбланган.

6687-сонли иш бўйича **Имомов Хайри** (1908 йили туғилган, Самарқанд шаҳридан, ҳунарманд, савдогарнинг ўғли, аниқ машғулоти йўқ, 2 марта судланган. 1924 йили 5 та “Наган” тўппонча сотиб олганлиги учун ҳарбий трибунал томонидан 3 йилга қамалган, жазони ўтаган, 1931 йили қотиллик учун 10 йилга қамалган, жазони ўтаган, ижтимоий хавфли унсур) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан озод бўлганидан сўнг 1937 йил 23 мартдан бошлаб оммавий фойдали иш билан шуғулланмаганликда, жиноий унсур билан алоқада бўлганликда, колхозчилар орасида ўз нафратини билдирганликда, 7 йил лагерларда аҳлоқи тузалмасдан, аксинча нафратга тўлганлигини айтганликда айбланган.

6686-сонли иш бўйича **Исматов Ҳусаин** (1897 йили туғилган, Каттақўрғон райони Булоқча қишлоғидан, қулоққа тортилган, аниқ машғулоти йўқ, доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганлиги учун 1 марта қамалган ва 2 марта вақтинча қамоққа олинган, ижтимоий хавфли унсур) отувга ҳукм этилган. 1933 йили фаолни ўлдиргани учун 5 йилга қамалиб, жазони ўтамай 1934 йил сентябр ойида қочганликда, жиноий унсур билан алоқа ўрнатиб ўз жиноий фаолиятини давом эттирганликда айбланган.

6685-сонли иш бўйича **Турдиев Лупук** (1901 йили туғилган, Косонсой райони Алакчабак қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили халқ суди томонидан бандитчилиги учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган) отувга ҳукм этилган. Бандитчилиги учун 5 йилга қамалиб, жазони ўтамай қочганликда, 1935 йили бандит, жиноятчи унсур билан алоқа ўрнатиб ўз жиноий фаолиятини давом эттирганликда айбланган.

6684-сонли иш бўйича **Усмонов Исмат** (1900 йили туғилган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Каттақўрғон райони Барановул қишлоғидан, 1933 йили халқ суди томонидан қотиллик учун 6 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, ижтимоий хавфли унсур) отувга ҳукм этилган. Бандитчилиги учун 6 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилиб, жазони ўтамай 1935 йили қочганликда, бу вақтдан бошлаб ҳеч қаерда ишламаганликда, жиноий бандит унсури билан алоқада бўлиб, жиноий фаолият билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

6683-сонли иш бўйича **Кривоносов Соломон Моисеевич** (1888 йили туғилган, Одесса шаҳридан, этикдўзлардан, 2 марта қуролланган бандитчилиги учун қамалган, 1925 йили 10 йилга қамалган, жазони ўтаган, 2 марта 1933 йили қотиллик учун 5 йилга қамалган, жазони ўтаган, ижтимоий хавфли унсур) отувга ҳукм этилган. 20 йил давомида йирик малакали ўғирлик билан шуғулланганликда, 1936 йили озодликка чиққанидан сўнг жиноятчи бандит унсури билан алоқада бўлганликда, жиноий фаолияти билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

6694-сонли иш бўйича **Бабанов Сарибой** (1907 йили туғилган, Митан райони Туванда қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1927 йили халқ суди томонидан 12 ёшдаги қизни зўрлаганлиги учун қамалган, жазони ўтамай қочган. 1933 йили қотиллик учун ҳибсга олинган, судгача яширинган, 3 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзолигида бўлган) отувга ҳукм этилган. 1937 йили июл ойида 4 жиноятчидан иборат бандитлар гуруҳини ташкил этганликда, пичоқ билан қуролланиб, колхозчини талаганликда, шу ойда колхоздан от ўғирлаганликда айбланган.

6693-сонли иш бўйича **Эрназаров Худойберди** (1901 йили туғилган, Митан райони Консарой қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили босмачилик учун 5 йилга қамалган, жазони ўтаган, 1934 йили иккинчи марта босмачилик учун 8 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, ижтимоий хавфли унсур) отувга ҳукм этилган. Босмачилик учун қамалганликда, жазони ўтамай қочганликда, қочганидан сўнг ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6692-сонли иш бўйича **Туранов Ўроз** (1908 йили туғилган, Булунғур райони Майдабулоқ қишлоғидан, қуролли босқинчилик ва от ўғирлагани учун 3 марта қамалган, 5 марта вақтинча қамоққа олинган, собиқ босмачи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 2 августдан ҳисобланган. Банда гуруҳининг бошлиқлари билан алоқада бўлиб, қурол билан таъминлаганликда, йиллар давомида бандитчилик ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6691-сонли иш бўйича **Бобоев Рўзибой** (1899 йили туғилган, Китоб райони Жауз қишлоғидан, 1932 йили қулоққа тортилган, 1 марта қамалган ва 2 марта вақтинча қамоққа олинган) отувга ҳукм этилган. 1932 йили бандитчилиги учун 10 йилга қамалганликда, жазони ўтамай қочганликда, қочганидан сўнг йиллар давомида доимий равишда талаш ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

6690-сонли иш бўйича **Эшмуродов Раҳмат** (1899 йили туғилган, Ургут райони Бешкапа қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1934 йили ҳайвон ўғирлагани учун 7 йилга қамалган, қамоқдан озод этилган, 1 марта вақтинча қамоққа олинган) отувга ҳукм этилган. 1936 йили озод бўлганидан сўнг оммавий фойдали иш билан шуғулланмаганликда, жиноий унсур билан қайта алоқа ўрнатганликда, доимий равишда талончилик ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6689-сонли иш бўйича **Эгамбердиев Пармала** (1901 йили туғилган, Ургут райони Бешкапа қишлоғидан, 5 марта вақтинча қамоққа олинган, ижтимоий хавфли унсур) отувга ҳукм этилган. 1924 йилдан ҳибсга олингунга қадар доимий равишда талончилик ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда, қуролланган бандитлар гуруҳининг фаол аъзоси бўлганликда, банда тугатилгандан сўнг ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

6688-сонли иш бўйича **Ҳожиев Ҳақберди** (1905 йили туғилган, Тожикистон ССР Панжакент райони Шўрнаво қишлоғидан, судланган, ижтимоий хавфли унсур) отувга ҳукм этилган. 1935 йили ҳайвон ўғирлагани учун 8 йилга қамалганликда, жазони ўтамай қочганликда, сўнг доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда, 1936 йили қуролланган бандитлар гуруҳининг фаол аъзоси бўлганликда, банда тугатилгандан сўнг яширин талончилик ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6676-сонли иш бўйича **Раҳимов Жўра** (1905 йили туғилган, Ургут қишлоғидан, 1930 йили ишга бефарқлиги учун 1 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳайвон ўғирлагани учун 4 марта вақтинча қамоққа олинган, 1931 йилдан бошлаб, аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган. 1931 йилдан бошлаб оммавий фойдали иш билан шуғулланмаганликда, доимий одамлар ва ташкилотлардан ўғирлик билан топилган маблағ билан яшаганликда айбланган.

6697-сонли иш бўйича **Нурбобоев Тўхта** (1904 йили туғилган, Ургут райони Бешкапа қишлоғидан, синфсизлашган, ўғирликда гумон қилиниб 3 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 29 августдан ҳисобланган. Охирги 10 йил давомида ўғирлик билан шуғулланганликда, 1924—1926 йилларда Мирзаполвоннинг қуролланган бандитлар гуруҳининг кўмакчиси бўлганликда, ўғирланган мол-мулк ва ҳайвонларни қабул қилганликда, банда тугатилгандан сўнг Хушванов ва бошқа бандитлар билан алоқага кириб, талончиликларни содир этганликда, 1936 йили бандитлар ҳибсга олинган вақтда улардан 3 та браунинг тортиб олинганликда, яшириниб, ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

6696-сонли иш бўйича **Раззоқов Оғақул** (1902 йили туғилган, Ургут райони Узун қишлоғидан, синфсизлашган, ҳайвон ўғирлагани учун 3 марта вақтинча қамоққа олинган, ижтимоий хавфли ун-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сур) отувга ҳукм этилган. 1922 йилдан бошлаб оммавий фойдали иш билан шуғулланмаганликда, йиллар давомида бандитлар гуруҳи билан биргаликда қишлоқ аҳолисини талаш билан шуғулланганликда, банда тугатилгандан сўнг турли шаҳарларда яшириниб, бандитчилик ҳаракатини давом эттирганликда, 1935 йили лагерлардан қочган бошқа бандитлар билан биргаликда колхозчини талаганликда, 2 ҳўкиз, 2 сигирни ва мол-мулкини тортиб олганликда, жабрланувчини калтаклаганликда айбланган.

6695-сонли иш бўйича **Норқулов Латиф** (1915 йили туғилган, Қорадарё райони Каттамундиён қишлоғидан, 1932 йили ҳайвон ўғирлагани учун жавобгарликка тортилган, суд томонидан озод этилган, ҳайвон ўғирлигида гумон қилиниб 4 марта вақтинча қамоққа олинган, ижтимоий хавфли унсур) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. 1932 йилдан бошлаб ҳеч қаерда ишламаганликда, колхозларда ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда, 1935 йили магазин мудири бўлиб, 583 рублни ўғирлаб яширинганликда, 1937 йил январ ойида Исматов билан биргаликда колхознинг 4 эшагини ўғирлаганликда, бу иш бўйича халқ суди томонидан судланиб, ҳибсга қадар яширинганликда айбланган.

6700-сонли иш бўйича **Насруллаев Ҳайдар** (1907 йили туғилган, Қорадарё райони Каллакоса қишлоғидан, 2 марта қамалган, 1933 йили учлик томонидан оммавий бандитчилик учун 8 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, шу йилнинг ўзида халқ суди томонидан ўғирлик учун 3 йилга қамалган, жазони ўтамай қамоқдан қочган, ижтимоий хавфли унсур) отувга ҳукм этилган. 1932 йилдан бошлаб доимий равишда талашлар билан шуғулланганликда, 2 марта қамалганликда, жазони ўтамай қочганликда ва ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда, ҳеч қаерда ишламаганликда ва доимий турар жойи бўлмаганликда айбланган.

6699-сонли иш бўйича **Тўраев Хўжа Аҳмад** (1906 йили туғилган, Қорадарё райони Чинортепа қишлоғидан, 1930 йили оммавий бандитчилик учун 6 йилга қамалган, жазони ўтамай 1931 йили лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қочиб 1931 йил 6 октябрдан бошлаб, ҳибсга олингунга қадар ўғирлик билан шуғулланганликда, жиноий унсур билан алоқада бўлганликда, ҳеч қаерда ишламаганликда ва доимий турар жойи бўлмаганликда айбланган.

6698-сонли иш бўйича **Умрзоқов Номоз** (1889 йили туғилган, Қорадарё райони Азамхўжа қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили халқ суди томонидан чайқовчилиги учун 8 йилга қамалган, жазони ўтамай 1934 йили қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1921—1926 йиллари Буроқовнинг қуролланган бандитлар гуруҳида фаол иштирок этганликда, судланиб лагерлардан қочганликда ва 1934 йилдан бошлаб талончилик билан шуғулланганликда, жиноий унсур билан алоқада бўлганликда, ҳеч қаерда ишламаганликда айбланган.

6705-сонли иш бўйича **Шукуров Ашур** (1899 йили туғилган, Қорадарё райони Гадойтўқмоқ қишлоғидан, 1934 йили оммавий


www.ziyouz.com kutubxonasi

бандитчилик учун Олий суд томонидан 10 йилга қамалган, жазони ўтамай 1935 йил декабр ойида деворни бузиб оммавий қочиш содир этган, ижтимоий хавфли унсур) отувга ҳукм этилган. Қамоқдан қочиб, 1935 йил охирида жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда, талончилик билан шуғулланишни давом эттирганликда, ҳеч қаерда ишламаганликда ва турар жойи бўлмаганликда айбланган.

6702-сонли иш бўйича **Явкачиев Жума** (1903 йили туғилган, Қорадарё райони Шиклархи қишлоғидан, 1932 йили ўз манфаатини кўзлаб қилган қотиллик учун халқ суди томонидан 9 йилга қамалган, жазони ўтамай 1934 йил 16 июлда лагердан қочган, ҳибсга олинган вақтда ҳужжат бўйича колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Судланиб лагерлардан қочганликда ва 1934 йили жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда, ўғирлик билан шуғулланганликда, Митан районига кўчиб ўтганликда, судланганини яширганликда, колхозга кириб ишламаганликда, талончилик билан шуғулланганликда айбланган.

6703-сонли иш бўйича **Султонов Мирзамурод** (1879 йили туғилган, собиқ Икромов райони Ингичка қишлоғидан, собиқ қулоқ. 1930 йили қулоққа тортилган, 2 марта қамалган, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган. 1933 йили қуролланган босқинчиликда қотиллик учун 10 йилга қамалган, жазони ўтамай 1934 йил охирида қочган, ижтимоий хавфли унсур) отувга ҳукм этилган. Аксилинқилобий кайфиятда бўлиб 2 марта лагерлардан қочганликда, жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда, ўғирлик ва чайқовчилик билан шуғулланганликда, колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

6704-сонли иш бўйича **Хушвақтов Бегим,** унинг ўзи **Бегимқул** (1910 йили туғилган, собиқ Икромов райони Огурди қишлоғидан, 2 марта қамалган, 1932 йили халқ суди томонидан безорилиги учун 1 йил мажбурий меҳнатга ҳукм этилган. 1933 йили халқ суди томонидан қуролланган босқинчиликда қотиллик учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамай яширинган, ўғирлик ва талончилик учун 5 марта вақтинча қамалган, ижтимоий хавфли унсур) отувга ҳукм этилган. 1931 йилдан бошлаб бандитчилик фаолияти билан шуғулланганликда, колхозчиларни талаганликда, судланиб қамоқдан қочганликда, ҳужжат асосида колхозга кириб, аслида ўғирлик ва колхозчиларни калтаклаш билан шуғулланганликда, сабзавот ва меваларни олиб сотганликда, колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, фаол пахта терувчиларни қўрқитганликда айбланган.

6701-сонли иш бўйича **Хушназаров Нишон** (1893 йили туғилган, собиқ Икромов райони Ингичка қишлоғидан, 2 марта қамалган, 1931 йили бандитчиликда иштироки учун халқ суди томонидан 3 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, 1932 йили қуролли босқинчиликдаги қотиллик учун 10 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, ижтимоий хавфли унсур) отувга ҳукм этилган. 1929 йилдан бошлаб бандитчилик билан шуғулланганликда, 2 марта қамалганликда, жазони ўтамаганликда, яширин ҳайвон ўғирлаш

билан шуғулланишни давом эттирганликда, жиноий унсур билан алоқада бўлганликда, колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

6706-сонли иш бўйича **Юсупов Тожи** (1893 йили туғилган, собиқ Икромов райони Бригани қишлоғидан, собиқ қулоқнинг ўғли, 1934 йили халқ суди томонидан колхоз ғалласини ўғирлагани учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Қулоққа тортилган вақтдан бошлаб, жиноий унсур билан алоқада бўлиб, бандитлар гуруҳини ташкил этганликда, ҳайвон ўғирлиги ва талончилик билан шуғулланганликда, 70 пуд колхоз ғалласини ўғирлагани учун қамалганликда, қамоқдан қочганликда ва ҳибсга олингунга қадар талончилик билан шуғулланганликда айбланган.

6707-сонли иш бўйича **Авдиев,** унинг ўзи **Абдиев Умар** (1895 йили туғилган, Икромов райони Сазаган қишлоғидан, 2 марта қамалган. 1933 йили халқ суди томонидан колхоз қўйларини ўғирлагани учун 3 йилга қамалган, суд залидан қочган, 1936 йили оммавий бандитчиликда қотиллиги учун халқ суди томонидан 10 йилга қамалган, жазони ўтамай шу йилнинг ўзида лагерлардан қочган, ижтимоий хавфли унсур) отувга ҳукм этилган. 1933 йилдан бошлаб доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда, 2 марта судланиб, жазони ўтамаганликда, қамоқдан қочганликда ва ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда, жиноий унсур билан алоқада бўлганликда айбланган.

6679-сонли иш бўйича **Тоғаев Абдували** (1906 йили туғилган, собиқ Икромов райони Сазаган қишлоғидан, аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1933 йили доимий равишда ўғирлик ва бандитчилик билан шуғулланганлиги учун 6 йилга қамалганликда, жазони ўтамай қочганликда, 1936 йили 2 марта 5 йил муддат билан қамалганликда, жазони ўтамай қочганликда, жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда ва ўзининг ўғрилик фаолиятини давом эттирганликда айбланган.

6678-сонли иш бўйича **Сафаров Бобоназар** (1900 йили туғилган, собиқ Икромов райони Ибрагимота қишлоғидан, руҳонийнинг ўғли, отаси чет элда муҳожирликда бўлган. 1931 йилдан бошлаб аниқ машғулоти ва турар жойи бўлмаган, 1932 йили колхозда кўп миқдордаги қўйларни ўғирлагани учун 8 йилга қамалган, 1935 йили арпа ўғирлагани учун 6 йил меҳнат тузатув ишларига ҳукм этилган) отувга ҳукм этилган. 2 марта ўғирлик ва талаш учун қамалиб, жазони ўтамаганликда, қочишни содир этганликда, сўнг доимий равишда ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

6677-сонли иш бўйича **Салимов Зокирбой** (1907 йили туғилган, собиқ Икромов райони Оқсой қишлоғидан, аниқ машғулоти бўлмаган, қуролланган босқинчилик учун бир марта қамалган) отувга ҳукм этилган. 1932 йили қуролланган босқинчиликда қотиллик учун 9 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазони ўтамай қочганликда, сўнгги йиллар давомида бандитчилик фаолияти билан шуғулланишни давом эттирганликда, 1937 йили ҳибсга



www.ziyouz.com kutubxonasi

олинган вақтда "Смит-Виссон" тўппончаси тортиб олинганликда айбланган.

## 16-баённома. 1937 йил 26 сентябр

*"Учлик" (Загвоздин, Юсупов, Шейндлин) ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Самарқанд сектори тақдимига кўра 10 маҳбусни отувга ҳукм қилади:*

1. **Нурсаидов Ҳожи Суяр** — 1870 йили туғилган, Қорадарё райони Бердиқўрғон[1] қишлоқ совети Пайшанба қишлоғидан, ўзбек, собиқ амирлик даврида "Мухараме" мансабида бўлган, ҳибсга олингунга қадар имом бўлган. Қорадарё районида мавжуд бўлган исёнчи, миллатчи руҳонийлар гуруҳининг раҳбари ва ташкилотчиси бўлиб миллатчи, троцкийчилар билан бевосита алоқада бўлиб, унинг вакили Ҳайдаров орқали доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик, иғвогарлик тарғиботини олиб борганликда, капиталистик мамлакатлар билан бўладиган урушда совет ҳокимиятининг ҳалокатга учраши муқаррарлиги тўғрисида ташвиқот қилганликда, мусулмон руҳоний гуруҳлар билан алоқада бўлиб исёнчилик ҳаракати қилганликда айбланган.

2. **Мирзошоев Мусашо** — 1871 йили туғилган, ЎзССР Қорадарё райони Бердиқўрғон қишлоқ совети Пайшанба қишлоғидан, ўзбек, собиқ руҳоний, ҳозирги вақтда имом. Қорадарё районида мавжуд бўлган миллатчи, аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг фаол аъзоси сифатида колхозчилар орасида колхозлардаги очлик тўғрисида мағлубиятчилик ташвиқотини олиб борганликда, аксилинқилобчи Мулла Низомиддин орқали муҳожирликдаги аксилинқилобий мусулмон руҳонияти билан бевосита алоқада бўлганликда айбланган.

3. **Абдуллаев Исохон Махсум** — 1900 йили туғилган, ЎзССР Қорадарё райони Бердиқўрғон қишлоқ совети Пайшанба қишлоғидан, ўзбек, руҳоний, имом. Ҳибсга олингунга қадар имом. Қорадарё районидаги миллатчи, аксилинқилобий, исёнчи, руҳонийлар гуруҳининг фаол аъзоси сифатида доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботини колхозчилар орасида олиб борганликда, капиталистик мамлакатлар билан бўлажак урушда СССРнинг ҳалок бўлиши муқаррарлиги ҳақида ташвиқот олиб борганликда, аксилинқилобий йиғилишларда фаол иштирок этганликда айбланган.

4. **Саидов Қори Низомиддин** — 1870 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, ўзбек, Бухоро амирининг собиқ шахсий имоми, Бухоро воқеалари даврида "Ғазоват"нинг иштирокчиси, ҳибсга олингунга қадар имом. Қорадарё районида мавжуд бўлган миллатчи, исёнчи гуруҳнинг фаол аъзоси сифатида аксилинқилобий гуруҳнинг йиғинларида иштирок этиб, гуруҳнинг аксилинқилобий фаолиятини фаоллаштириш ҳақида даъват этган, ўзининг қурол билан кураш олиб боришга тайёр эканлигини изҳор этганликда, собиқ Бу-

---

[1] Ҳужжатда Герды Курган деб ёзилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

хоро амирининг аксилқилобий гуруҳи фаолияти тўғрисида муҳожирликдаги мусулмон руҳонийлари орқали ёзма алоқада бўлганликда айбланган.

5. **Ҳайдаров Жаҳонгирхон Эшон** — 1872 йили туғилган, Тошкет шаҳридан, ўзбек, руҳоний, эшон, ҳибсга олингунга қадар эшонлик билан машғул бўлган, Ўзбекистоннинг бир қанча районларида муридлари бўлган. Миллатчи, аксилинқилобий, троцкийчилар марказининг вакили сифатида Қорадарё районига келиб таниқли руҳонийларнинг аксилинқилобий йиғилишини ўтказиб, руҳонийларнинг исёнчи гуруҳини ташкил этиш учун кўрсатма берганликда, кейинчалик шу гуруҳни бошқарганликда, ўзининг ишончли кишилари орқали халқ душмани Файзулла Хўжаев қамоққа олингандан сўнг Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетиш учун кўрсатма берганликда айбланган.

6. **Қаландаров Усмонхон** — 1881 йили туғилган, Қорадарё райони Оққўрғон қишлоқ совети Оққўрғон қишлоғидан, ўзбек, имом, эшоннинг ўғли, ҳибсга олингунга қадар имом. Қорадарё районидаги мавжуд бўлган миллатчи, аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг фаол аъзоси сифатида шу гуруҳнинг топшириғи бўйича аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчи, троцкийчилик тарғиботини олиб борганликда, троцкизм ҳар ҳолда ғалабага эришади ва совет ҳокимияти фашист мамлакатларнинг, хусусан Германиянинг ҳарбий қудрати билан ағдарилади деб ташвиқот қилганликда айбланган.

7. **Муҳиддинов Нарзилло Махсум** — 1870 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, ўзбек, ҳибсга олингунга қадар имом, Анвар пошшонинг босмачилар тўдасида бўлиб тарғибот олиб борган. Қорадарё районидаги миллатчи, аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг фаол иштирокчиси сифатида гуруҳнинг аксилинқилобий йиғилишларида қатнашганликда, аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, қўшни давлатлардан бирининг ҳарбий қудрати билан совет ҳокимиятининг йўқ қилиниши муқаррар деб айтганликда айбланган.

8. **Файзиев Бобо Остон** —1871 йили туғилган, Қорадарё райони Бердиқўрғон қишлоқ совети Пайшанба қишлоғидан, ўзбек, руҳоний, қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қорадарё районидаги мавжуд миллатчи, аксилинқилобий, исёнчи руҳонийлар гуруҳининг фаол иштирокчиси, гуруҳнинг аксилинқилобий йиғилишларида иштирок этиб, аксилинқилобий, мағлубиятчи тарғибот қилиб тез орада уруш бўлади ва СССР барҳам топади деб айтганликда айбланган.

9. **Ашуров Қори Расул** — 1876 йили туғилган, Қорадарё райони Бердиқўрғон қишлоқ совети Пайшанба қишлоғидан, ўзбек, собиқ савдогар, қулоқ, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ эмас. Қорадарё районидаги мавжуд аксилинқилобчи, миллатчи, исёнчи гуруҳнинг фаол иштирокчиси сифатида аксилинқилобий йиғилишларда қатнашиб колхозлардаги очлик ҳақида ва капиталистик мамлакатлар билан бўладиган урушда совет ҳокимияти мағлубиятга учрайди деб ўзининг совет ҳокимиятига қарши курашга тайёр эканлигини билдирганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**10. Хидиров Ҳамид Ҳалфа** — 1864 йили туғилган Самарқанд шаҳридан, ўзбек, савдогар, ҳибсга олингунга қадар оёқ кийими сотиш билан машғул бўлган. Қорадарё районидаги мавжуд аксилинқилобчи, миллатчи, исёнчи гуруҳ иштирокчиси сифатида аксилинқилобий йиғилишларда қатнашиб, қўшни давлатлардан бирида СССРга қарши кураш олиб бориш учун қуролли тайёргарлик кўрмоқда деб айтганликда, аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимиятининг ҳалокати тўғрисида ташвиқот қилганликда, аксилинқилобий мақсадлар учун гуруҳ кассасига пул ўтказганликда айбланган.

*"Учлик"нинг ўша кунги йиғилишида Самарқанд секторининг тақдими билан 5 киши 10 йил муддат билан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинади:*

**1. Қудбиддин Хўжаев Баҳриддин** — 1909 йили туғилган, Беҳбудий шаҳридан, ўзбек, йирик эшоннинг ўғли, колхоз аъзоси, колхозда ишламайди. Яширин миллатчи аксилинқилобий, троцкийчи гуруҳ аъзоси сифатида шу гуруҳнинг фаол иштирокчиси Ҳайдаровнинг топшириғига мувофиқ Қорадарёга келиб бу жойдаги руҳонийларнинг миллатчи, гуруҳига кўрсатма берганликда, яширин йиғилиш ўтказганликда, аксилинқилобий фаолиятни жонлантириш топшириғини берганликда айбланган.

**2. Мўминов Мулла Маҳмуд** — 1882 йили туғилган, Қорадарё райони Бердиқўрғон қишлоқ совети Пайшанба қишлоғидан, ўзбек, собиқ савдогар, ҳибсга олингунга қадар якка хўжалик, аксилинқилобий гуруҳ раҳбарининг ишончли муридларидан бири. Қорадарё районидаги мавжуд руҳонийларнинг миллатчи исёнчи гуруҳининг қатнашчиси, аксилинқилобий йиғилишларда иштирок этганликда, раҳбарлардан бирининг топшириғи бўйича ижтимоий ёт унсурлардан аксилинқилобий гуруҳга янги аъзоларни жалб қилганликда айбланган.

**3. Ашуров Мулла Ёқуб** — 1875 йили туғилган, Қорадарё райони Бердиқўрғон қишлоқ совети Пайшанба қишлоғидан, ўзбек, руҳоний, имом, ҳибсга олингунга қадар имомлик қилган. Қорадарё районидаги руҳонийларнинг миллатчи, аксилинқилобий, исёнчи гуруҳининг аъзоси бўлиб аксилинқилобий йиғилишларда қатнашиб, бу аксилинқилобий гуруҳ аъзоси бўлишликка розилик билдирганликда айбланган.

**4. Тўхтамишов Мулла Босирқул** — 1892 йили туғилган, Қорадарё райони Бердиқўрғон қишлоқ совети Пайшанба қишлоғидан, ўзбек, руҳоний, имом, ҳибсга олингунга қадар имомлик қилган. Қорадарё районидаги руҳонийларнинг миллатчи, исёнчи гуруҳнинг аъзоси сифатида аксилинқилобий йиғилишларда иштирок этганликда, бундай гуруҳ ташкил этишни маъқуллаб унга аъзо бўлиб кирганлигини билдирганликда айбланган.

**5. Тўрақулов Ҳожи Болта** — 1866 йили туғилган, Қорадарё райони Чуягин қишлоқ совети Тарнау қишлоғидан, ўзбек, руҳоний, имом, ҳибсга олингунга қадар имомлик ва сохта табиблик қилган. Қорадарё районидаги миллатчи, аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг аъзоси сифатида унинг барча яширин йиғилиш-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ларида қатнашганликда, доимий равишда совет ҳокимиятининг бўлажак урушда ҳалокатга учраши тўғрисида тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобчи, троцкийчиларнинг қамоққа олиниши муносабати билан уларга ҳамдардлик билдирганликда айбланган.

*Самарқанд округи Ургут районидан қуйидагилар ҳам отувга ҳукм қилинганлар:*

1. **Мусаев Мурод** — 1889 йили туғилган, Ургут райони Қоратепа қишлоқ совети Сивас қишлоғидан, ўзбек, бойнинг ўғли, қулоққа тортилган, 1931 йили 5 йилга сургун этилган, сургун жойидан қочиб келган, ҳибсга олинганида аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борган, бўлажак уруш тўғрисида аксилинқилобий, иғвогарлик гаплар тарқатган, очлик ҳақида туҳмат гаплар тарқатган, совет ҳокимиятига қарши уюшган ҳолда кураш олиб боришга чақирганлик айби қўйилган. У отувга, унга қарашли мулк мусодара қилишга ҳукм этилган.

2. **Махматқулов Сулаймон** — 1888 йили туғилган, Ургут райони Илайлин қишлоқ совети Жачайбейла қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ, пахта топшириғини бажармагани учун 5 йилга қамоқ жазоси берилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик ва исёнкорона тарғибот олиб борган, бўлажак уруш ва унда совет ҳокимияти мағлуб бўлади, деган аксилинқилобий гаплар тарқатган, совет ҳокимиятига қарши очиқ-ошкора курашга чақирган, очлик ҳақида аксилинқилобий туҳматлар тарқатганликда айбланган. Шу "айб" билан у отувга ҳукм қилинган.

3. **Қўзибоев Кучи** (Кўчим бўлса керак — *Р.Ш.*), 1883 йили туғилган, Ургут райони Мўминобод қишлоқ совети Тўрткўл қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ, 1929 йили давлат қатъий мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган ва 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси бўлган. Аҳоли орасида капиталистик давлатлар билан бўладиган урушда совет ҳокимияти мағлуб бўлади, деган тарғибот олиб борган, колхозлардаги очарчилик ҳақида бўҳтон, аксилинқилобий миш-мишлар тарқатган, деган айб қўйилган. У отувга ҳукм этилган, мол-мулки мусодара қилинган.

4. **Юсупов Темур** — 1895 йили туғилган, Ургут райони Ургут шаҳридан, ўзбек, 1932 йили қулоққа тортилган, ўша йили қатъий мажбуриятни бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинганида имомлик қилган. Атрофига руҳонийларни тўплаб доимий равишда аксилинқилобий, исёнчи тарғибот олиб борган, совет ҳокимияти тўғрисида бўҳтонлар тарқатган, колхозчиларни совет ҳокимияти билан курашишга чақирган, бўлажак урушда совет ҳокимияти мағлубиятга учрайди, деганликда айбланиб отувга ҳукм қилинган.

5. **Қурбонов Қосим** — 1883 йили туғилган, Ургут райони, Ургут қишлоқ совети Қўйқишлоқ қишлоғидан, ўзбек, қулоқ, 1932 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олинганда аниқ машғулоти бўлмаган. Атрофига қулоқ ва руҳонийларни йиғиб доимий равишда колхоз-



www.ziyouz.com kutubxonasi

чилар орасида очарчилик ҳақида, уруш тўғрисида ва ҳукуматда тез орада ўзгариш бўлиши тўғрисида аксилинқилобий иғвогарлик тарғибот олиб борганликда айбланган. Отувга ҳукм этилган.

6. **Қативашев Хидир** — 1873 йили туғилган, Ургут райони Қўйқишлоқ қишлоқ совети, Қўйқишлоқ қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ, 1930 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар имомлик қилган. Аксилинқилобий фаолиятида қулоқлар билан яқиндан алоқада бўлиб аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий, исёнчилик тарғиботи олиб борган, совет ҳокимиятига туҳмат ёғдирганликда айбланган. Отувга ҳукм қилиниб, мол-мулки мусодара этилган.

7. **Махматаминов Холдин** — 1885 йили туғилган, Ургут райони Қўйқишлоқ қишлоғидан, ўзбек, 1930 йили қулоққа тортилган, 1929 йили аксилинқилобий фаолияти учун қатағон қилинган. 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил муддатга қамалган, ҳибсга олингунга қадар имомлик қилган. Аксилинқилобий фаолиятида қулоқлар билан яқиндан алоқада бўлиб доимий равишда колхозчилар орасида исёнчи, тарғибот олиб борган, совет ҳокимияти билан курашишга чақирган, тез орада уруш бўлади ва ҳукуматда ўзгариш бўлади, деб айтганликда айбланган. У ҳам отувга, мол-мулки мусодара қилишга ҳукм этилган.

8. **Сувонқулов Исмоил** — 1898 йили туғилган, Ургут райони, Қўйқишлоқ қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ, 1932 йили қулоққа тортилган, собиқ босмачи. Ҳибсга олинган пайтда машғулоти аниқ бўлмаган. Аҳоли ўртасида бўлғуси уруш тўғрисида, совет ҳокимиятининг қулаши ҳақида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботини олиб борган, аҳолини совет ҳокимиятига қарши курашмоқ учун босмачилар томонга ўтиб кетишга чақирган. Халқ душманларини қамоққа олинишига ҳамдардлик изҳор этганликда айбланган. У отувга ҳукм қилинган, мол-мулки мусодара этилган.

*Ургутлик маҳбусларнинг 7 нафарига 10 йил қамоқ жазоси берилган.*

1. **Рустамов Абдужаббор** — 1869 йили туғилган, ўзбек, Ургут райони Мўминобод қишлоқ совети Кулбадигар қишлоғидан, йирик бойнинг ўғли, қулоққа тортилган, давлат мажбуриятини топширмагани учун судланган, 3 йил озодликдан маҳрум қилинган. Доимий равишда тарғибот олиб борган, бўлажак уруш ҳақида бўҳтон гаплар тарқатган, совет ҳокимияти билан уюшган ҳолда курашга чақирган, бунинг учун босмачилар тўдаси ташкил этилиши лозим, деб ҳисоблаб очарчилик ҳақида иғво тарқатган, колхозчиларни заёмга ёзилмасликка даъват этган, деган, яъни ЎзССР Жиноят Кодексининг 66-моддаси, 1-қисми билан айбланган. 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, қамоқ муддати 1937 йил 23 июлдан (яъни ҳибсга олинган кундан) бошлаб ҳисобланган.

2. **Азиммуродов Искандар** — 1887 йили туғилган, Ургут райони Гус қишлоқ совети, Гус қишлоғидан, руҳоний, имом. 1936 йили аксилинқилобий фаолияти учун ҳибсга олинган, суддан озод қилинган. Доимий равишда колхозчилар орасида СССРни чет давлатлар тугатади, деб аксилинқилобий, мағлубиятчилик


www.ziyouz.com kutubxonasi

тарғиботи олиб борган, колхозлардаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий, бўҳтон гаплар тарқатганликда айбланган, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, қамоқ муддати 1937 йил 7 июлдан ҳисобланган.

3. **Эрмаҳматов Бекмахмат** — 1893 йили туғилган, ўзбек, Ургут райони Гус қишлоқ совети Гус қишлоғидан, руҳоний, имом, судланмаган, машғулоти аниқ эмас. Доимий равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий, исёнчилик тарғиботи олиб борган, урушнинг бўлиши ва унда СССРнинг мағлуб бўлиши, СССРдаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий, бўҳтон гаплар тарқатганликда айбланган, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, муддат 1937 йил 7 июлдан ҳисобланган.

4. **Ҳожибеков Раҳмон** (Ғозихон деб ҳам ёзилган — *Р.Ш.*) 1877 йили туғилган, Ургут райони, Испанза қишлоқ совети Испанза қишлоғидан, ўзбек, руҳоний, ҳибсга олингунга қадар имом. Доимий равишда аҳоли ўртасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борган, яқин орада уруш бўлиб совет ҳокимияти ағдарилади, деб ҳозир бўлганларни совет ҳокимиятига қарши кураш олиб боришга чақирганликда айбланган, 10 йил қамоқ жазоси берилган, муддат 1937 йил 28 июлдан, яъни ҳибсга олинган кундан ҳисобланган.

5. **Орипов Раимқул** — 1879 йили туғилган, Ургут райони Ургут қишлоғидан, ўзбек, руҳоний, имом, ҳибсга олинган пайтда машғулоти аниқ бўлмаган. Аксилинқилобий фаолиятида руҳонийлар ва қулоқлр билан яқиндан боғланиб колхозчилар орасида доимий равишда исёнчилик, аксилинқилобчилик тарғиботи олиб борган, очлик ҳақида аксилинқилобий гаплар тарқатган, ҳукуматда тез орада ўзгариш бўлади, деб ташвиқот қилиб, ҳозир бўлганларни совет ҳокимиятига қарши курашга чақирганликда айбланиб 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, муддат 1937 йил 6 июлдан ҳисобланган.

6. **Турсунов Собит** — 1877 йили туғилган, Ургут райони, Ургут қишлоғидан, ўзбек, ҳибсга олинган пайтга қадар руҳоний, эшон. Аксилинқилобий фаолиятида руҳонийлар билан яқиндан алоқада бўлиб доимий равишда мағлубиятчилик, исёнкорлик тарғиботи олиб борган, колхозчиларни очлик билан қўрқитиб, совет ҳокимиятининг қулаши муқаррарлигини ташвиқот қилиб совет ҳокимиятига қарши курашаётган босмачи тўдаларга бориш керак, деб, аксилинқилобчи троцкийчи тўдаларни отилганига ҳамдард эканлигини изҳор этганда айбланиб 10 йил қамоққа ҳукм қилинган, қамоқ муддати 1937 йил 6 июлдан ҳисобланган.

7. **Тўрақулов Меликул** — 1880 йили туғилган, Ургут райони Қўйқишлоқ қишлоғидан, ўзбек, руҳоний, имом, ҳибсга олинган пайтда ҳам имомлик қилган. Аксилинқилобий фаолиятида қулоқлар билан яқиндан алоқада бўлиб доимий равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий, иғвогарчилик тарғиботи олиб борган, колхозлардаги очарчилик ҳақида иғвогарона, аксилинқилобий ташвиқот олиб борган, заёмга қарши чиққанликда айбланиб 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, қамоқ муддати 1937 йил 19 августдан хисобланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ўша кунги йиғилишда яна қуйидагилар устидан ҳам ҳукм чиқарилган:*

1. **Тангриқулов Қори Турди** — 1873 йили туғилган, Фориш райони Устихон қишлоқ совети Кўракўли қишлоғидан, ўзбек, 1929 йили қулоққа тортилган, ўша йилги давлат мажбуриятини бажармаганлиги учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Диний сарқитлардан фойдаланиб доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботини олиб борган, совет ҳокимияти ҳалокатга учрашини олдиндан айтиб, колхозчиларни давлат мажбуриятларини бажармасликка чақирганликда айбланиб отувга ҳукм қилинган.

2. **Нодиров Абдулаҳад** — 1875 йили туғилган, Пойариқ райони Буркут қишлоқ совети Туркпоён қишлоғидан, ўзбек, 1933 йили қулоққа тортилган. Ҳибсга олингунга қадар руҳоний, имом, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 17 августдан ҳисобланган. Доимий равишда аксилинқилобий, иғвогарлик, мағлубиятчи тарғибот олиб борганликда, қамоққа олинган троцкийчиларни чет эл давлатларининг қўллаб қувватлаши туфайли отиб юбора олмайдилар ҳамда ички қўзғолондан хавфсирайдилар, Германия, Япония ва Италия биргаликда Троцкий билан совет ҳокимиятининг катта ҳудудини эгаллаб оладилар ва тез орада совет ҳокимияти ҳалок бўлади деб айтганликда айбланиб 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

3. **Муллажонов Сафарбой** — 1900 йили туғилган, Пойариқ райони Бирлашган қишлоқ совети Қўштепа қишлоғидан, ўзбек. 1935 йили ижтимоий келиб чиқишини яширганлиги учун ВКП(б) сафидан чиқарилган. Ҳибсга олингунга қадар колхозчи, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 17 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, троцкийчи тарғибот олиб борганликда, троцкийчиларнинг тор-мор келтиришига қарамасдан барибир улар совет ҳокимиятини ағдариб ғалабага эришадилар деб айтганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида иғворона миш-мишлар тарқатганликда айбланиб 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

4. **Холиқов Мулла Ориф** — 1902 йили туғилган, Фориш райони Ўрта қишлоғидан, ўзбек, руҳоний, қулоқ, ҳибсга олингунга қадар қишлоқ матлуботида кондитор маҳсулотлари бўйича мутахассис, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, иғвогарчилик тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобчи, троцкийчиларни мақтаганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий миш-мишлар тарқатганликда айбланиб 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган.

5. **Эшматов Эшонқул** — 1889 йили туғилган, Пойариқ райони Ўрта қишлоқ совети Чолмуён қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ, помещикнинг ўғли. Ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Доимий равишда аҳоли ўртасида аксилинқилобий, иғвогарона тарғибот олиб борганликда, очарчилик ҳақида иғво миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда, совет ҳокимияти троц-

www.ziyouz.com kutubxonasi

кийчиларни таъқиб этиб ўч олиш орқали энг яхши одамларни йўқ қилмоқда деб айтганликда айбланиб отувга ҳукм қилинган.

**6. Шаропов Ғани** — 1878 йили туғилган, Пойариқ райони Айтамғали қишлоқ совети Раим қишлоғидан, миллати ўзбек, собиқ қулоқ. Колхозга кириб олиб доимий равишда пахта экишни барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий, советларга қарши тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий, мағлубиятчи кайфият билдирганликда, СССРга қарши уруш учун тайёргарлик кўраётган фашистик Германияни ва бандит Троцкийни мақтаганликда айбланиб отувга ҳукм қилинган.

**7. Абдуллаев Муллаимом Мулла Яҳё** — 1904 йили туғилган, Митан райони Сувати қишлоғидан, ўзбек. Колхозга кириб олиб, доимий равишда пахта экишни барбод қилишга қаратилган советларга қарши тарғибот олиб борганликда, тез орада совет ҳокимияти ҳалок бўлади деб аксилинқилобий, исёнчи кайфият билдирганликда айбланиб 10 йил меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган.

**8. Тоғаев Бекназар** — 1878 йили туғилган, Пойариқ райони Бирлашган қишлоқ совети Бўйрачи қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ **отувга** ҳукм этилган. Колхозга кириб олиб доимий равишда СССР мудофааси заёмига қарши қаратилган аксилинқилобий советларга қарши тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик кайфиятини билдирганликда, аксилинқилобий, троцкийларни маъқуллаганликда, совет ҳокимияти тугаши билан Ўзбекистонда "Мусулмонобод" ташкил этилади деб айтганликда айбланиб отувга ҳукм этилган.

**9. Йўлдошев Эшмурод** — 38 ёшда, Хатирчи райони Болтабоев қишлоқ совети, Сарой қишлоғидан, ўзбек, 1932 йили қулоққа тортилган, ўша йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, отувга ҳукм этилган. Аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси сифатида ўзининг хонадонидаги йиғилишларда қатнашганликда, бу йиғилишларда қолоқ колхозчиларни советларга қарши руҳда қайта тарбиялашда иштирок этганликда, тезроқ совет ҳокимиятининг ағдарилишини худодан тилаб ибодат қилишликка чақирганликда айбланиб отувга ҳукм этилган.

**10. Муродов Чўти** — 68 ёшда, Хатирчи райони Чангир қишлоқ совети Гумбаз қишлоғидан, ўзбек, 1929 йили қулоққа тортилган ва давлат мажбуриятини бажармагани учун судланган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган, отувга ҳукм этилган. Доимий равишда ўзининг хонадонида йиғинлар ўтказиб, уларда аксилинқилобий гуруҳлар аъзолари иштирок этиб совет ҳокимиятига қарши тарғиботлар муҳокама қилинган. Муродовнинг ўзи совет ҳокимиятининг шаънига туҳматлар айтганликда, Бухоро амирлиги даврини мақтаганликда, советлар мамлакатидаги очарчилик тўғрисида бўҳтон миш-мишлар тарқатганликда айбланиб отувга ҳукм этилган.

**11. Шодмонов Турди** — 47 ёшда, Хатирчи райони Сарой қишлоғидан, 1932 йили қулоққа тортилган, ўша йили аксилинқилобий фаолияти учун ОГПУ коллегияси қарори билан 3 йил қамоққа


www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳукм этилган, отувга ҳукм этилган. Колхозга кириб олиб аксилинқилобий гуруҳ билан биргаликда совет мамлакатидаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий, иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда, бу очарчилик ғалла захираларини хорижга олиб чиқиб кетилгани натижасидир деганликда айбланиб отувга ҳукм қилинган.

12. **Жўраев Бозор** — 53 ёшда, Нурота райони Нурота қишлоғидан, ўзбек, собиқ имом ва қулоқ, репрессиядан яшириниб юрган. Колхозчиларнинг қолоқ қисми орасида диний урф-одатлар ўтказганликда, доимий равишда советларга қарши тарғибот билан шуғулланганликда, халқлар доҳийси шаънига аксилинқилобий, террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланиб 10 йил меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 8 августдан ҳисобланган.

13. **Мавлонов Эшназар** — 35 ёшда, Нурота райони Араб гузаридан, ўзбек, собиқ имом. Колхозчиларнинг қолоқ қисми орасида диний маросимлар бажарганликда, доимий равишда аксилинқилобий, антисовет тарғибот билан шуғулланганликда, мағлубиятчилик миш-мишларини тарқатганликда, советларга қарши гуруҳнинг иштирокчиси сифатида колхозчиларга совет ҳокимиятининг қулаши муқаррарлигини исботлаб уларни пахта экмасликка чақирганликда айбланиб 10 йил қамоққа ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 июлдан ҳисобланган.

14. **Бердиев Ражаб** — 28 ёшда, Хатирчи райони Болтабоев қишлоқ совети Чаросан қишлоғидан, ўзбек, 1932 йили қулоққа тортилган, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 8 июлдан ҳисобланган. Аввалида антисовет кайфиятида бўлиб, колхозга кириб олиб, аксилинқилобий гуруҳда бўлиб мамлакатдаги очарчилик ва ўлим тўғрисида бўҳтон миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхозда ишлашдан бош тортишга чақирганликда айбланиб, 10 йил қамоққа ҳукм этилган.

15. **Намозов Қодир** — 36 ёшда, Хатирчи район Болтабоев қишлоқ совети Сорай қишлоғидан, ўзбек, собиқ савдогар, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 июлдан ҳисобланган. Аввалдан советларга қарши кайфиятда бўлиб, колхозга кириб олиб, у жойдаги аксилинқилобий гуруҳга аъзо бўлиб, колхозчиларни пахта экмасликка чақирганликда, "Колхозчилар барибир очликдан ўлиб кетадилар" деб ўзининг уйида совет ҳокимиятига қарши кураш тадбирларини муҳокама қилишни ташкил этганликда айбланиб 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган.

16. **Сапаров Жаъбар** — 29 ёшда, Хатирчи район, Болтабоев қишлоқ совети Тошқулоқ қишлоғидан, ўзбек, собиқ босмачи. Колхозга кириб олиб, аксилинқилобий гуруҳга аъзо бўлиб советлар мамлакатидаги очарчилик ва ўлим тўғрисида аксилинқилобий, иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда, колхозчиларни худога ибодат қилиб тезроқ совет ҳокимиятини ағдарилишини сўрашга чақирганликда айбланиб 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 7 августдан ҳисобланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Қуйидагилар отувга ҳукм қилинган:*

1. **Қодиров Қози Ҳаққул** — 1879 йили туғилган, Қорадарё райони Работ қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ. 1930 йили халқ суди томонидан давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, жазо муддатини ўтаган, диний хизматчи — имом. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, очарчилик ҳақида аксилинқилобий, туҳмат миш-мишлар тарқатганликда, колхозчилар орасида Совет Иттифоқи капиталистик мамлакатлар билан бўладиган урушда мағлуб бўлади, Бухоро амири қайтиб келади деб айтганликда айбланган.

2. **Игнатов Александр Григорьевич** — 1897 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Пугачев уезди Хворястянки қишлоғидан, собиқ қулоқ, қатағондан қочиб келган. Ҳибсга олингунга қадар Хатирчи электрстанцияси мудири бўлиб ишлаган. Аввалдан аксилинқилобий кайфиятда бўлиб, доимий равишда ишчи ва хизматчилар орасида тарғибот олиб борганликда, мамлакатдаги очарчилик ва ўлиб бораётган одамларнинг кўпайиб бораётгани тўғрисида аксилинқилобий, туҳмат миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

3. **Тўхтамишев Ҳидоят** — 1904 йили туғилган, Нарпай райони Косагаран қишлоғидан, ўзбек, амир амалдори — мирзабошининг ўғли, собиқ қулоқ, 1931 йили қулоқлар гуруҳ бошчилигидаги қўзғолонда қатнашгани ва давлат мажбуриятини бажармагани учун халқ суди томонидан 5 йил қамоққа ҳукм қилинган. Жазони ўтаб келган. Ҳибсга олингунга қадар колхозда қоровуллик қилган. Аввалдан аксилинқилобий кайфиятда бўлган, лагердан қайтиб келганидан сўнг доимий равишда уруш тўғрисида иғво, туҳмат тарқатганликда, совет ҳокимияти таниқли ходимларни қатағон қила олмайди, чунки уларни чет эл давлатлари қўлламоқда, партия ва ҳукумат раҳбарлари тўғрисида ноцензур ҳақоратлар айтаётганликда айбланган.

4. **Муҳаммадиев Ҳайдар** — 1900 йили туғилган, Нарпай райони Ўзбеккент қишлоғидан, ўзбек, қулоқнинг ўғли, 1925 йилдан 1930 йилгача босмачи. Ҳибсга олингунга қадар якка хўжалиги бўлган. Аввалдан аксилинқилобий кайфиятда бўлган, колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, уруш, ҳукуматдаги ўзгариш ва мусулмонободликни тиклаш тўғрисида аксилинқилобий, бўҳтон миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5. **Мансуров Зиёд** — 1902 йили туғилган, собиқ Акмалобод райони Чайкал қишлоғидан, ўзбек, 1932 йили аксилинқилобий иши учун ВКП(б) сафидан чиқарилган, ОГПУ доимий вакиллиги томонидан 5 йилга меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Колхозга кириб олиб доимий равишда аксилинқилобий, бўҳтон миш-мишлар тарқатиш билан машғул бўлганликда, уйда йиғилишлар ўтказиб, фош қилинган халқ душмани Ф. Хўжаевни мақтаганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий туҳмат фикрлар айтганликда айбланган.

6. **Жониев Орзиқул** — 32 ёшда, Акмалобод райони Балғали



www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачилар тўдасида бўлган, 1934 йили фош қилинган ва ВКП(б) сафидан чиқарилган, хўжалик жинояти учун колхоз раислигидан бўшатилган. Аввалдан совет ҳокимиятига душманлик кайфиятида бўлиб, совет ҳокимияти билан курашиш учун одамларни сафарбар қилишга чақирганликда айбланган.

*Қуйидаги 4 нафар маҳбусларга 10 йилдан қамоқ жазоси берилган;*

1. **Қурбонов Мулла Қори** — 1876 йили туғилган, Нарпай райони Қоракўл қишлоқ совети Ахакчи қишлоғидан, ўзбек, савдогарнинг ўғли собиқ имом, руҳоний. Колхозга кириб олиб аксилинқилобий, советларга қарши тарғибот олиб борганликда, бу мақсадда диний кайфиятли колхозчиларнинг бир қисмини фақат шариат қонунларини бажаришга даъват этганликда, яқин орада совет ҳокимияти мағлуб бўлади ва Мусулмонобод қарор топади, деб айтганликда айбланган.

2. **Рўзиев Эргаш** — 1902 йили туғилган, Нарпай райони Қоракўл қишлоқ совети Алчин қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқ, босмачи. Доимий равишда колхозчилар орасида советларга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душмани Ф. Хўжаевнинг ишдан олинганига норози бўлганлигини изҳор қилиб колхозчиларни колхоздан чиқиб кетишга чақирганликда айбланган.

3. **Йўлдошев Остон** — 1892 йили туғилган, Нарпай райони Жугин қишлоқ совети Агай қишлоғидан, ўзбек, имом. Диний маросимларни бажара бориб ундан советларга қарши тарғибот олиб боришда фойдаланганликда, колхозчиларни совет ҳокимияти тадбирларини бажармасликка чақирганликда, тез орада совет ҳокимияти ҳалокатга юз тутади деб тасдиқлаганликда айбланган.

4. **Ефремов Павел Георгиевич** — 1902 йили туғилган, Сталинград ўлкаси Бобровка хуторидан, Дон казакининг ўғли, собиқ қулоқ, тегирмони бўлган. 1929 йили халқ суди давлат мажбуриятини бажармагани учун 6 ой қамоқ жазосига ҳукм этган. Ҳибсга олингунга қадар ғаллачилик совхозида ҳисобчи бўлган. Доимий равишда совхоз ходимлари орасида тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида аксилинқилобий, мағлубиятчилик мишмишлар тарқатганликда, халқ душманлари тўғрисида ижобий фикр билдирганликда, халқлар доҳийси тўғрисида ҳақоратли гаплар айтганликда айбланган.

Хуллас, "Учлик"нинг ўша 1937 йил 26 сентябрдаги йиғилишида 31 киши отувга, 25 киши 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этилган.

## 18-баённома. 1937 йил 29 сентябр

*"Учлик" (Загвоздин, Юсупов, Шейндлин) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Андижон сектори тақдим қилган 6731-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Ҳусанов Мирзақул** — 1891 йили туғилган, Марҳамат райони



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тулча қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳайвон ўғирлагани учун 2 марта судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти йўқ. Лагерларда жазо муддатини ўтамай қочиб келганликда, жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлиб ўғирлик билан шуғулланишини давом эттирганликда айбланган.

2. **Ғаффоров Мирзаҳамдам** — 1891 йили туғилган, Марҳамат райони Жували қишлоғидан, ўғирлик учун 1 марта судланган, 3 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатидан олдин озод қилинган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Лагердан бўшатилганидан кейин ҳам жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлиб доимий равишда уйларга кириб, ўғирлик қилишни давом эттирганликда айбланган.

3. **Чаканбоев Жархонбой** — 1892 йили туғилган, Марҳамат райони Тўлган қишлоғидан, жиноятчи, 1 марта ҳайвон ўғирлагани учун судланган, 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазо муддатини ўтаган. Лагерлардан озод бўлиб жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлганликда ва доимий ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 6716-сонли иш бўйича **Қосимов Худойберди** (1911 йили туғилган, Балиқчи район Балиқчи қишлоғидан, 1933 йили ўғирлик учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, 1937 йили 2 марта ўғирлик учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўташдан қочиб яшириниб юрган, ўғирлиги учун 3 марта қўлга тушган, 1932 йилдан аниқ машғулоти йўқ) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 14 августдан ҳисобланган. Жазони ўтамай лагерлардан қочиб келганликда, жиноятчилар билан алоқада бўлиб ўғирлик ва қимор билан шуғулланганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 6717-сонли иш бўйича **Тешабоев Бегижон** (1897 йили туғилган, Ленин райони, Самандарак қишлоғидан, 1930 йили ҳайвон ўғирлагани учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, 1935 йили 2 марта ҳайвон ўғирлагани учун 8 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, муддатдан аввал бўшатилган, 1936 йили безорилиги учун 6 ой мажбурий меҳнатга ҳукм этилган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қочиб келиб доимий равишда ўғирлик ва безориликни давом эттирганликда, колхозчиларни террор қилганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 6718-сонли иш бўйича **Тошматов Абдухолиқ** (1906 йили туғилган, Пахтаобод райони Сангиробод қишлоғидан, ўғирлиги ва безорилиги учун 2 марта судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Доимий равишда колхозчиларни талаш ва чайқовчилик билан шуғулланганликда, аҳолини террор қилишда, пичоқ билан қуролланганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 6719-сонли иш бўйича **Раҳимқориев Олимжон** (1896 йили туғилган, Сталин райони Ўрта Сарой маҳалласидан, руҳоний, имом, 1932 йили ҳайвон ўғирлагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтаган, аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган,



www.ziyouz.com kutubxonasi

жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. 1936 йилдан қишлоққа келиб ҳеч қаерда ишламаган жиноятчилар билан алоқасини тиклаб улар билан ўғирлик ва қимор ўйинлари билан машғул бўлганликда, 1937 йили июлида ҳамқишлоғи Раҳмоновни ўлдиришга уринганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 6721-сонли иш бўйича **Шишкин Илья Петрович** (1914 йили туғилган, Горкий шаҳридан, 1932 йили ўғирлик учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, қамоқдан озод қилинганлик тўғрисида ҳужжатга эга эмас. 1934 йили 2 марта ўғирлик учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтаган, аниқ машғулотга эга эмас) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 10 августдан ҳисобланган. Лагерлардан озод бўлиб жиноятчи унсурлар билан алоқа ўрнатиб ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 6722-сонли иш бўйича **Кўчқаров Отамирза** (1912 йили туғилган, Норин райони Норинкапа қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 2 августдан ҳисобланган. 1936 йилдан доимий равишда ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда, жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлиб, бир неча марта қўлга тушганликда, бироқ қамоқдан қочганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 6720-сонли иш бўйича **Машарипов Раҳмон** (1909 йили туғилган, Сталин райони Нур қишлоғидан, босмачиликнинг собиқ кўмакчиси, 1930 йили безорилиги учун 6 ой озодликдан маҳрум этилган, 1929 йили чегарадан ўтаётганда НКВД органлари томонидан қўлга олинган, 1935 йили ўғирлик учун ушланган, қамоқдан қочиб кетган, 1936 йили пичоқ билан колхозчини жароҳатлаган, машғулоти аниқ эмас) отувга ҳукм этилган. Кўп йиллар мобайнида ҳеч қаерда ишламасдан жиноятчилар билан алоқада бўлиб, қимор ўйнаш билан шуғулланганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 6725-сонли иш бўйича **Қодиров Ҳалилкўр** (1895 йили туғилган, Хўжаобод райони Хўжаобод қишлоғидан, босмачилар тўдасининг собиқ фаол йигитларидан, қотиллик ва босқинчилик учун 2 марта судланган, муддатидан олдин қамоқдан бўшатилган, ҳибсга олингунга қадар машғулоти аниқ бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Қатор йиллар давомида ҳеч қаерда ишламай ўз уйини қимор ўйинлар ўйнайдиган жойга айлантирганликда, чайқовчилик билан шуғулланганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 6726-сонли иш бўйича **Паршиев Юнус** (1871 йили туғилган, Ленин райони Арғин қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда Мадаминбек тўдасида фаол йигит бўлган, 1 марта 166-модда билан судланиб 5 йил қамоққа ва сургун қилишга ҳукм этилган, муддатни ўтамай қочган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Сургундан қочиб Ленин районига келиб, жиноятчилар билан боғланганликда, ўз уйида қимор ва бошқа ўйинлар ташкил қилганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Андижон сектори тақдим қилган 6723-сонли иш бўйича **Худойқулов Аъзим** (1902 йили туғилган, Марҳамат райони Тошлоқ қишлоғидан, жиноятчи, милтиқ ва ҳайвон ўғирлагани учун 2 марта судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил сентябрдан ҳисобланган. Лагерлардан қайтиб келгач ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланишни давом эттирганликда, жиноятчилар билан алоқада бўлганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 6724-сонли иш бўйича **Нуралиев Абдусалол** (Абдусалом бўлса керак — *Р.Ш.*) (1910 йили туғилган, Андижон шаҳридан, жиноятчи, ҳайвон ўғирлагани учун 2 марта судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан келгандан сўнг ҳам ўғирликни давом эттирганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 6727-сонли иш бўйича **Харченко Николай Павлович** (1913 йили туғилган, Таганрог шаҳридан, жиноятчи, бандитчилик ва ўғирлик учун 4 марта судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Доимий равишда ўғирлик ва босқинчилик билан шуғулланганликда, жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлганликда, 1932 йили бандитлик қилгани ва револьвер сақлагани учун 10 йил қамоққа ҳукм этилганликда, қамоқдан қочганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 6728-сонли иш бўйича **Ўрмонов Бекмурод**, унинг ўзи **Мирзааҳмедов Худойберган** (1914 йили туғилган, Балиқчи райони Урганжи қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳайвон ўғирлагани учун 1 марта судланиб 2 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлиб ўғирлик ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда, қамоқдан қочиб бошқа бировнинг ҳужжати билан яшаётганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 6730-сонли иш бўйича **Марасулев Назар** (1885 йили туғилган, Марҳамат райони Марҳамат қишлоғидан, жиноятчи, ўтмишда босмачилар тўдасининг фаол йигитларидан, босқинчилик, безорилик ва аёлни зўрлагани учун 3 марта судланган, жазони ўтамай қочиб келган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 3 марта судланиб, жазони ўтамаганликда, ҳеч қаерда ишламай, ўғирлик ва қимор ўйнаш билан машғул бўлганликда айбланган.

*Андижон сектори тақдим қилган 6729-сонли иш бўйича 2 нафар маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 5 августдан ҳисобланган:*

1. **Муротов Парчин** — 1905 йили туғилган, Қирғизистон ССР Ўш райони Оқёр қишлоғидан, жиноятчи, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Доимий равишда ўғирлик ва мол ўғирлаш билан шуғулланганликда, колхозчилар буюмларини ўғирлаганликда айбланган.

2. **Рустамов Жума** — 1904 йили туғилган, Қирғизистон ССР



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўш райони Қора Эчки қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Доимий равишда ҳайвон ўғирлаш билан шуғуллаганликда, жиноятчи Муротов билан 1934 йилдан бошлаб ҳамкорлик қилганликда айбланган.

*Андижон сектори тақдим қилган 2814-сонли иш бўйича 9 нафар маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Қаландаров Турсунали** — 1884 йили туғилган, Ленин райони Мозор қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йилдан аввал "Шўрои Ислом" аксилинқилобий ташкилотида бўлган, ҳибсга олингунга қадар диний хизматчи, имом. Доимий равишда аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, уруш ва ҳукуматдаги ўзгариш тўғрисида ташвиқот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

2. **Аҳмадалиев Мулла Жума** — 1880 йили туғилган, Ленин райони Абдужувозбоши қишлоғидан, қулоққа тортилган, аввалда "Шўрои Ислом" аксилинқилобий ташкилотида бўлган, ҳибсга олингунга қадар диний маросимлар хизматчиси, имом. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, уруш ва ҳукумат ўзгариши тўғрисида ташвиқот қилганликда, колхозларга қарши фикр билдирганликда айбланган.

3. **Обидинов Иброҳим Саркар** — 1881 йили туғилган, Ленин райони Ёмонёр қишлоғидан, қулоққа тортилган, аввалда "Шўрои Ислом" ташкилотида бўлган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Доимий равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, яқин орада уруш бўлиши ҳақида ва ҳукуматдаги ўзгариш тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган.

4. **Садиев Мулла Аранбой** — 1890 йили туғилган, Ленин райони Абдужувозбоши қишлоғидан, собиқ савдогар, аввалда "Шўрои Ислом" ташкилотида бўлган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, яқин орада чет эл давлатлари билан урушда совет ҳокимияти қулайди деган миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманлари тўғрисида раҳмдиллик кайфиятини билдирганликда айбланган.

5. **Назарсўфиев Соли Қори** — 1896 йили туғилган, Ленин райони Марайин қишлоғидан, имом, ҳибсга олингунга қадар диний маросимлар хизматчиси. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятининг яқин орада қулаши тўғрисидаги ташвиқот олиб борганликда 2 йил давомида аксилинқилобий шеърлар ёзиб аҳоли орасида ўқиганликда айбланган.

6. **Соипов Йўлдош Понсод** — 1887 йили туғилган, Ленин райони Ёмонёр қишлоғидан, 1933 йили қулоққа тортилган, ўтмишда босмачи, қўрбоши бўлган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик, колхозга қарши тарғибот олиб бориб, СССРга қарши уруш



www.ziyouz.com kutubxonasi

вақтида совет ҳокимиятига қарши курашаман деб айтганликда, совет ҳокимияти турли хил солиқлар кўринишида деҳқонларни борбудидан маҳрум қилмоқда деб айтганликда айбланган.

**7. Мирюсупов Тўйчибойвачча** — 1887 йили туғилган, Ленин райони Абдужувозбоши қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1931 йили қулоққа тортилган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, тез орада совет ҳокимияти қулаши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда, партия ва ҳукуматнинг ўтказилаётган тадбирларига қарши фикр билдирганликда айбланган.

**8. Мулла Маллаев Иброҳимжон** — 1891 йили туғилган, Ленин райони Гуручпуруш қишлоғидан, қулоққа тортилган, отаси босмачилар тўдаси бошлиғи Кўршерматнинг маслаҳатчиси бўлган ва шу боис отиб ташланган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, яқин орада совет ҳокимияти қулайди ва колхозлар тарқатилади деган ташвиқот олиб борганликда айбланган.

**9. Саттаров Исақжон** — 1892 йили туғилган, Ленин райони Гуручпуруш қишлоғидан, бой савдогар оиласидан, 1933 йили Жиноят Кодексининг 140-моддаси билан 4 йил озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган, жазони ўтаган, ҳибсга олингунга қадар район ипакчилигида инспектор бўлиб ишлаган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Афғонистон аҳолисини бой ҳаётини мақтаганликда, совет ҳокимиятининг яқинда қулаши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган.

*Андижон сектори тақдим қилган 2882-сонли иш бўйича 6 маҳбус отувга, 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган:*

**1. Ёрматов Сайфулла Маҳсум** — 1872 йили туғилган Ленин райони Уратепа қишлоғидан, имом, 1932 йили қулоққа тортилган ва махсус посёлкага сургун қилинган, у жойдан қочган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий гуруҳнинг тез орада совет ҳокимияти қулайди колхозлар тарқатилади ва "Мусулмонобод" яратилади деган ташвиқотлар олиб борган, аксилинқилобий гуруҳ йиғинларида фаол қатнашганликда айбланган.

**2. Каттабеков Ноибжон** — 1892 йили туғилган Ленин райони Қоратепа қишлоғидан, 1931 йили қулоққа тортилган, 1932 йили тарғиботи учун 5 йил озодликдан маҳрум этилган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аксилинқилобий гуруҳнинг йиғинларида колхозга қарши ташвиқотларда иштирок этганликда, уруш ва ҳукуматдаги ўзгаришлар тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган.

**3. Парпиев Абдуллажон** — 1882 йили туғилган, Марғилон шаҳридан собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аксилинқилобий гуруҳнинг йиғинларида тарғибот олиб борганликда, қишлоқ фаолларига қарши террорчилик кайфиятини билдирган-


www.ziyouz.com kutubxonasi

ликда, интервенция вақтида у совет ҳокимиятига қарши кураш олиб боришини айтганликда айбланган.

4. **Тошбоев Ҳалил Қори** — 1897 йили туғилган, Марғилон райони Жарқишлоқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар диний маросимлар хизматчиси. Аксилинқилобий гуруҳ йиғинларида қатнашиб унда ўзининг совет ҳокимиятига қарши нафратларини билдирганликда, совет ҳокимиятининг яқин орада қулашини ташвиқот қилганликда, аҳоли орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

5. **Отақўзиев Турсунбой** — 1895 йили туғилган, Ленин райони Қоратепа қишлоғидан, 1930 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аксилинқилобий гуруҳ йиғинларида иштирок этганликда, интервенция вақтида совет ҳокимиятига қарши кураш олиб боришини айтганликда айбланган.

6. **Холматов Абдулла** — 1896 йили туғилган, Ленин райони Қоратепа қишлоғидан, собиқ бой, ҳибсга олингунга қадар колхозда табелчи. Аксилинқилобий йиғинларда қатнашганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини ва фашистларни мақтаганликда айбланган.

7. **Отақўзиев Абдукарим Қори** — 1904 йили туғилган, Ленин райони Қоратепа қишлоғидан, собиқ бой, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда, совет ҳокимияти қулаши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

8. **Умрзақов Мулла Исоқ** — 1877 йили туғилган, Ленин райони Қоратепа қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аксилинқилобий гуруҳ йиғинларида қатнашиб ўз чиқишларида интервенция вақтида совет ҳокимиятига қарши курашини маълум этганликда айбланган.

*Андижон сектори тақдим қилган 10739-сонли иш бўйича 3 нафар маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Болтабоев Жўрабой** — 1907 йили туғилган, Ленин райони Обод қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Доимий равишда колхозчилар орасида мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига ва унинг тадбирларига аксилинқилобий туҳмат миш-мишлар тарқатганликда, хориждаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

2. **Убайдуллаев Исмоил Охун** — 1899 йили туғилган, Ленин райони Обод қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили қулоққа тортилгандан сўнг Қашқарга муҳожир бўлиб чиқиб кетган, 1934 йили қайтиб келган, ҳибсга олингунга қадар колхозчи. Доимий равишда колхозчилар орасида мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига ва унинг тадбирларига аксилинқилобий туҳмат миш-мишлари тарқатганликда, хориждаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

3. **Сақиматов Умар** — 1887 йили туғилган, Ленин райони Обод

www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили Жиноят Кодексининг 166-моддаси билан 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи. Аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат тадбирларига қарши аксилинқилобий туҳматлар қилганликда ва монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10644-сонли иш бўйича **Ҳамроқулов Кўчқор** (1877 йили туғилган, Андижон шаҳридан, савдогар, 1931 йили қулоққа тортилган ва 3 йил озодликдан маҳрум этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида аксилинқилобий иғвогарлик миш-мишлар тарқатганликда ҳамда совет ҳокимияти шаънига туҳмат фикрлар тарқатганликда, амир замонидаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2847-сонли иш бўйича **Раҳимқулов Абдумухтор Ҳожи** (1872 йили туғилган, Избоскан райони Чимбагиш қишлоғидан, қулоққа тортилган, давлат солиғини тўламагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган) отувга ҳукм қилинган. Аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти вакиллари шаънига террорчилик фикрлар билдирганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2848-сонли иш бўйича **Бобохўжаев Тўхтамат** (1881 йили туғилган, Избоскан райони, Бешназар қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили советларга қарши фаолияти учун қамоққа олинган, ҳибсга олингунга қадар колхозда ишлаган) отувга ҳукм қилинган. Совхоз ишчилари орасида доимий равишда мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига аксилинқилобий туҳмат ва уйдирмалар тарқатганликда, фашизмни мақтаганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2914-сонли иш бўйича **Исмоилов Абдуллашер** (1875 йили туғилган, Ойим райони Ойим қишлоғидан, қулоққа тортилган, аксилинқилобий фаолияти учун ОГПУ коллегияси томонидан сургун қилишга ҳукм этилган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирларига қарши аксилинқилобий иғвогарлик туҳмат-уйдирмалар айтганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2888-сонли иш бўйича **Мадраҳимов Мирзараҳимбойвачча** (1891 йили туғилган, Сталин райони Назармаҳрам қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, фаол босмачи, 1929 йили фаоллар устидан теракт қилгани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтамаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида очарчилик тўғрисида аксилинқилобий миш-мишлар тарқатганликда, босмачилик қаҳрамонлигини мақтаганликда, аксилинқилобий мазмунда ашулалар айтганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Андижон сектори тақдим қилган 2895-сонли иш бўйича **Карташев Алексей Федорович** (1884 йили туғилган, Донец округи Шумилина қишлоғидан, қулоқлар оиласидан, чор армиясининг собиқ офицери, подпоручик, 1936 йили аксилинқилобий ташкилотнинг исёнчилик фаолиятида иштирок этгани учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда пахта заводи чорвачилик фермасида мудир) отувга ҳукм этилган. Атрофдагилар орасида мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда, қатағон қилинган халқ душманлари шаънига ҳамдардлик билдирганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2890-сонли иш бўйича **Норматов Ҳайдар** (1902 йили туғилган, Сталин райони Қўрғонча қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили қулоқлар ҳайвонини яширгани учун 1,5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхозда бригадир бўлган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида совет ҳокимияти ва унинг раҳбарлари шаънига аксилинқилобий туҳмат фикрлар айтганликда, онгли равишда пахтага ишлов беришга совуққон муносабатда бўлганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2889-сонли иш бўйича **Эшматов Мулла Ҳасан** (1893 йили туғилган, Сталин райони Қорабўйин қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти ва босмачиликдаги фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида колхозларни барбод қилишга, партия ва ҳукумат ўтказаётган тадбирларни издан чиқишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхоздаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2892-сонли иш бўйича **Ниёзов Азамат**, унинг ўзи **Аъзим Сўфи** (1884 йили туғилган, Сталин райони Найнаво қишлоғидан, руҳоний, 1932 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга, колхозда меҳнат интизомини йўқ қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, заёмга ёзилишга қарши фикр билдирганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2891-сонли иш бўйича **Йўлдошев Қулдош Содиқ** (1884 йили туғилган, Сталин райони Найнаво қишлоғидан, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун қулоққа тортилган, собиқ босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхозда ишлаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат тадбирларига қарши чиққанликда, колхоздаги интизомни бузганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда, очарчилик тўғрисида ташвиқот олиб борганликда, аксилинқилобий миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2923-сонли иш бўйича **Қоси-**

**мов Асқарали** (1903 йили туғилган, Сталин райони Найман қишлоғидан, йирик қулоқнинг ўғли, қулоққа тортилган, собиқ босмачи, советларга қарши фаолияти учун, босмачилик босқинлари учун бир неча марта қамоққа олинган, 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2815-сонли иш бўйича **Холмирзаев Асқарали** (1890 йили туғилган, Сталин райони Даламан қишлоғидан, 1932 йили қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 17 июлдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида совет ҳокимияти қулаши ва колхоздаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда, колхоздаги экиш ишлари режасини бажаришда зараркунандалик қилганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2916-сонли иш бўйича **Матвалиев Қосим** (1897 йили туғилган, Сталин райони Найнаво қишлоғидан, 1931 йили қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда совет ҳокимиятига қарши тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида аксилинқилобий миш-мишлар тарқатганликда, заёмга ёзилишга қарши фикр билдирганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2925-сонли иш бўйича **Мусаев Зайнобиддин** (1897 йили туғилган, Сталин райони Қорабўйин қишлоғидан, 1932 йили қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Совет ҳокимиятига қарши душманлик кайфиятида бўлганликда, колхозчилар орасида доимий равишда совет ҳокимиятига ва колхоз қурилишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни заёмга ёзилишга қарши чақирганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10721-сонли иш бўйича **Йўлдошев Тошмат Уста** (1876 йили туғилган, Пахтаобод райони Карашак қишлоғидан, қулоққа тортилган, суддан яшириниб юрган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши фикр билдирганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10724-сонли иш бўйича **Тўрақулов Мулла Ҳамрақул** (1894 йили туғилган, Пахтаобод райони Бўтақора қишлоғидан, қулоққа тортилган, суддан яширинган, ҳибсга олингунга қадар колхозчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида колхозларни обрўсизлантиришга қаратилган тарғибот олиб борганликда, яккахўжаликларни колхозларга қабул қилиш бўйича олиб борилган тадбирларни бир неча бор бузганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий тұҳмат фикрларни айтганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10725-сонли иш бўйича **Раҳимбоев Ҳусан Қори** (1897 йили туғилган, Пахтаобод райони Жин қишлоғидан, собиқ йирик қулоқ, имом, ҳибсга олингунга қадар колхозчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда, аксилинқилобий миллатчилик фикрларини билдирганликда айбланган.

*Андижон сектори тақдим қилган 2796-сонли иш бўйича 2 нафар маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 2 августдан ҳисобланган:*

1. **Исломов Ражаб** — 1877 йили туғилган, Пахтаобод райони Қашқар қишлоғидан, *1929 йили* қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. У 1929 йилдан 1934 йилгача Қашқарда яшаган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда, заёмга ёзилишга қарши фикр билдирганликда айбланган.

2. **Турдиев Худойберди** — 1884 йили туғилган, Пахтаобод райони Қашқар қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, бригадир бўлган вақтда зиммасига юклатилган ишга зараркунандалик муносабатида бўлганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2578-сонли иш бўйича **Бобохонов Аҳмадхон** (*1902 йили туғилган*, Қирғизистон ССР Аравон райони Бозорбоши маҳалласидан, собиқ қулоқ, савдогар, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда, халқ душманларига хайрихоҳлик билдирганликда ва партия ва ҳукумат раҳбарларига нисбатан террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10752-сонли иш бўйича **Қирғизбоев Аҳмадқул** (1884 йили туғилган, Пахтаобод райони Аушка қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили советларга қарши фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 30 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига уйдирмалар тарқатганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2917-сонли иш бўйича **Эшонхонов Темирхон** (1870 йили туғилган, Тожикистон ССР Конибодом райони Конибодом қишлоғидан, руҳоний, 1932 йили



www.ziyouz.com kutubxonasi

қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган) отувга ҳукм қилинган. Колхоз қурилишига қарши қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозлардан чиқиш ва мудофаа учун заёмга ёзилишга қарши фикр билдирганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10723-сонли иш бўйича **Тошматов Холмат Охун** (1882 йили туғилган, Пахтаобод райони Санграбод қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар колхозчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига аксилинқилобий уйдирмалар тарқатганликда, колхозда интизомни бузганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 1664-сонли иш бўйича **Сулаймонов Саидали Ҳожи** (1902 йили туғилган, Марҳамат райони Қорақўрғон қишлоғидан, собиқ савдогар, имом, собиқ реэмигрант, 1932—1934 йиллари 2 марта чегарани бузган, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига нисбатан аксилинқилобий туҳмат қилганликда, чегарадан ўтиб кетишга уринганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2924-сонли иш бўйича **Саидалиев Хаким** (1892 йили туғилган, Сталин райони Қумариқ қишлоғидан, 1932 йили қулоққа тортилган ва махсус посёлкага сургун қилинган, у жойда 78-модда бўйича жиноят қилган ва қамоққа олинган, қамоқдан қочган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Атрофидаги колхозчилар орасида совет ҳокимияти ва колхоз қурилишига қарши қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда, колхозларда оғир меҳнат, лекин ҳақ тўлаш ачинарли холда деб айтганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2940-сонли иш бўйича **Сатторов Умрзоқ Саркор** (1870 йили туғилган, Сталин райони Ижоқ қишлоғидан, 1931 йили қулоққа тортилган, давлат мажбуриятини бажармагани учун 1 йил қамоққа ва 5 йил сургунга ҳукм қилинган, жазо муддатини ўтаган, ўтмишда босмачиликнинг фаол иштирокчиси бўлган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Аввалдан совет ҳокимиятига қарши тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши фикр билдирганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 1665-сонли иш бўйича **Ботиров Мирза Ҳамдам** (1889 йили туғилган, Марҳамат райони Кулла қишлоғидан, қулоққа тортилган, собиқ босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозни тарқалиб кетишига, партия ва ҳукуматнинг тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Андижон сектори тақдим қилган 10716-сонли иш бўйича **Трубетской Григорий Владимирович** (1915 йили туғилган, Москва шаҳридан, собиқ князь оиласидан, ҳибсга олинган вақтда киномеханик) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Атрофидагилар орасида тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий иғвогарлик миш-мишлар тарқатганликда, фашизмни мақтаганликда, ўз вазифасига заракунандалик муносабатда бўлганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10662-сонли иш бўйича **Худоёров Шерча** (1889 йили туғилган, Марҳамат райони Янгиариқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилар тўдаси қатнашчиси, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозни тарқалишига, партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида ташвиқот қилганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10666-сонли иш бўйича **Марахимов Машарип** (1869 йили туғилган Марҳамат райони Шўр қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1934 йили 80-модда ва 166-модда билан 7 йилга қамоқ жазосига ҳукм этилган жазони ўтамай қочган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат ўтказаётган тадбирларга қарши туҳмат фикр айтганликда, монархик тузумни мақтаганликда, тез орада ҳукуматдаги ўзгариш тўғрисида ташвиқот қилганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10667-сонли иш бўйича **Қодиров Худоёр** (1904 йили туғилган, Марҳамат райони Тошлоқ қишлоғидан, қулоққа тортилган ва 1933 йили 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олингунга қадар колхозчи) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий туҳматлар тарқатганликда, қатағон қилинган халқ душманлари масаласи бўйича раҳмдиллик қилганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10668-сонли иш бўйича **Қўзибоев Тошболта** (1875 йили туғилган, Марҳамат райони Хакка қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили қўй ўғирлагани учун колхоздан чиқарилган, қатағондан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхозда ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида колхозларни тарқатилиб юборилгани ва яккахўжаликни тиклагани тўғрисида аксилинқилобий иғвогарлик миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10663-сонли иш бўйича **Тошматов Иброҳим** (1887 йили туғилган, Марҳамат райони Тулга қишлоғидан, қулоққа тортилган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхоз интизомини бузилишига қаратилган

тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10657-сонли иш бўйича **Асқаров Бобожон** (1904 йили туғилган, Марҳамат райони Шукурмерган қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхоз қурилиши масаласида туҳмат фикрлар билдирганликда, заёмга ёзилишга қарши турганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10658-сонли иш бўйича **Матқосимов Раҳмонқул** (1875 йили туғилган, Марҳамат райони Кулла қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили Қашқарга қочиб кетган, 1934 йили қайтиб келган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий туҳмат, уйдирмалар тарқатганликда, чет элдаги ҳаётни мақтаганликда, чегарадан ўтиб кетишга чақирганликда, халқ душманлари тўғрисида ижобий фикр билдирганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10659-сонли иш бўйича **Отахонов Бўта** (1898 йили туғилган, Марҳамат райони Кулла қишлоғидан, собиқ қулоқ, қатағондан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий иғвогарлик миш-мишлар тарқатганликда, колхоз қурилишига қарши фикр билдирганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10660-сонли иш бўйича **Отабоев Умарали** (1867 йили туғилган, Марҳамат райони Кулла қишлоғидан, собиқ қулоқ, давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтагач колхозга кирган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозларнинг тарқалиб кетишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 10661-сонли иш бўйича **Додхоев Хонбой** (1874 йили туғилган, Марҳамат райони Янгиариқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан қочган, ўғли қарамоғида яшайди) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, колхоз қурилишига қарши фикр билдирганликда айбланган.

***Андижон сектори тақдим қилган 2797-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 2 августдан ҳисобланган:***


www.ziyouz.com kutubxonasi

1. **Даминов Отамат** — 1867 йили туғилган, Андижон шаҳри Тўқмоқ маҳалласидан, 1931 йили қулоққа тортилган, репрессиядан яширинган, ҳибсга олингунга қадар сартарош. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, тез орада совет ҳокимияти қулаши тўғрисида аксилинқилобий иғвогарлик миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Атаматов Мамасоли Қори** — 1903 йили туғилган, Андижон шаҳри Тўқмоқ маҳалласидан, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, ҳибсга олингунга қадар кустар — сартарош. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, тез орада ҳукуматнинг қулаши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Андижон сектори тақдим қилган 2780-сонли иш бўйича **Қодиров Абдусаттор** (1895 йили туғилган, Косонсой райони Косон қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун жавобгарликка тортилган, суддан яширинган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий иғвогарлик миш-мишлар тарқатганликда, хотин-қизлар озодлигига қарши фикр билдирганликда айбланган.

## 20-баённома. 1 октябр

*"Учлик" (Загвоздин, Юсупов, Шейндлин, Яковлев) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган:*

*ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Андижон сектори тақдим қилган 2741-сонли иш бўйича 11 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Арушанов Айрапет Арутюнович** — 1881 йили туғилган, Арманистон ССР Герусин райони Хонзирак қишлоғидан, миллати арман, 1918 йилдан "Дашноқ-Цутюн" ташкилотининг аъзоси. 1918—1921 йилларда Дашноқ ҳукуматининг қишлоқ комиссари бўлиб ишлаган. 1921 йили Эронга қочиб кетган. 1930 йили ўғирлик қилгани учун 5 йил қамоққа ҳукм қилинган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда Марказий спирт магазинининг мудири. Аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, халқ душманларини маъқуллаб гапирганликда, монархик тузумни мақтаганликда, совет матбуоти ҳақида бўҳтон сўзлар айтганликда айбланган.

2. **Аванесов Константин Богдасарович** — 1894 йили туғилган, Арманистон ССР Герусин райони Хонзирак қишлоғидан, миллати арман, қулоқ қилинган, 1920 йилдан 1933 йилгача ВКП(б) аъзоси, шубҳали оиладан бўлганлиги сабабли партиядан чиқарилган. 1930 йили ўғирлик қилгани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, 1935 йили лавозимига хиёнат қилгани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда Бошспирт магазинида сотувчи бўлган. Аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийси шаънига террорчилик кайфиятини билдирганликда, монархик тузумни мақтаганликда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

халқ душманлари ҳақида уларни маъқулловчи сўзлар билан чиққан, яқин ўртада уруш бошланиши ва унда Совет Иттифоқини фашистлар енгиб чиқиши ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**3. Галустьян,** унинг ўзи **Туниянц Бениамин,** унинг ўзи **Хачатур Мирзаевич,** 1898 йили туғилган, Арманистон ССР Дерусин райони Хонзирак қишлоғидан, миллати арман, қулоқ қилинган, 1932 йили ўғирлик қилгани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда артелда аравакаш бўлиб ишлаган. Доимий равишда душманлик кайфиятида бўлиб тарғибот олиб борганликда, монархик тузумни мақтаб қўшиқлар куйлаганликда, яқин кунларда ҳокимият ағдарилиши ва Совет Иттифоқини Япония енгажаги ҳақида ташвиқот қилганликда айбланган.

**4. Машурьян Мхитар Галустович** — 1911 йили туғилган, Арманистон ССР Герусин райони Герусин қишлоғидан, миллати — арман, савдогарнинг ўғли, қулоққа тортилган, 1933 йили Эронга қочиб кетган, аксилинқилобий Дашноқлар, қулоқлар ташкилотининг аъзоси бўлган, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда ёғ заводида электр монтёр. Аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, монархик тузумни ва халқ душманларини мақтаганликда, бўлғуси уруш ҳақида иғвогарлик миш-мишлар тарқатганликда, партия ва ҳукумат томонидан ўтказиладиган тадбирларга қарши фикр билдирганликда айбланган.

**5. Тер Андриасов Гайк Рубенович** — 1893 йили туғилган, Арманистон ССР Ереван райони Нижня-Ахта қишлоғидан, миллати-арман, руҳоний, 1918 йилдан 1921 йилгача Дашноқлар қўшинларида хизмат қилган, 1927 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда магазин мудири бўлган. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, яқинда бўладиган уруш ва унда Совет Иттифоқининг мағлуб бўлиши ҳақида гап-сўзлар тарқатганликда, партия ва ҳукумат томонидан ўтказиладиган тадбирларга қарши бўҳтон фикрлар билдирганликда айбланган.

**6. Васканьян Манас Акоцович** — 1890 йили туғилган, Арманистон ССР Герусин райони Герусин қишлоғидан, миллати арман, қулоқ оиласидан. 1921 йили Дашноқ ҳукуматида соқчилар отрядида хизмат қилган, 1921 йили Эронга қочиб кетган. 1934 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда вино дўкончасида мудир бўлган. Доимий равишда Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, бўлажак уруш ва унда Совет Иттифоқи фашистлар томонидан тор-мор қилиниши ҳақида ташвиқот қилганликда, партия ва ҳукумат тадбирларига қарши бўҳтон фикрлар билдирганликда айбланган.

**7. Сулайманьянц Михаил Саркисович** — 1888 йили туғилган, Озарбайжон ССР Тоғли Қорабоғ областининг Шуша шаҳридан, армани, собиқ савдогар, қулоққа тортилган, 1932 йили валюта олди-бердисини бузган, қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда ви-

www.ziyouz.com kutubxonasi

но дўкончасида мудир. Доимий равишда душманлик кайфиятида бўлиб аҳоли орасида бўлажак уруш ва унда Совет Иттифоқини фашистлар тор-мор келтириши ҳақида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, халқлар доҳийси шаънига бўҳтон гаплар айтганликда айбланган.

8. **Петросьянц Павел Богдасарович** — 1885 йили туғилган, Арманистон ССР Сисян райони Караки қишлоғидан, собиқ савдогар, қулоққа тортилган. 1919 йили Жалолободдаги қулоқлар қўзғолонида қатнашган, 1932—1933 йиллари валюта олди-бердисини бузганлиги учун қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда вино дўкончасида мудир бўлган. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, яқин орада ҳокимият ўзгариши ҳақида гап тарқатганликда, халқ душманларини ёқлаб гапирганликда, фашистларни мақтаганликда, совет матбуоти ҳақида бўҳтон гаплар тарқатганликда айбланган.

9. **Искандерьянц Богдасар Захарович** — 1882 йили туғилган, Арманистон ССР Симян райони Алхатьян қишлоғидан, армани, собиқ савдогар, пахта заводига эга. 1918—1921 йиллари инглизлар босиб олган ҳудудда яшаган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган, ҳибсга олинган пайтда булочка қиладиган артел раҳбари. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, ҳокимиятда ўзгариш бўлиши ҳақида ташвиқот қилганликда, халқлар доҳийси шаънига террорчилик кайфиятини билдирганликда, халқ душманларини ёқлаб гапирганликда айбланган.

10. **Петросов Хачатур Никитич** — 1886 йили туғилган, Озарбайжон ССР Тоғли Қорабоғ областининг Шуша шаҳридан, армани, Дашноқлар аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси, 1920 йилда валюта олди-бердисини бузганликда айбланиб қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда артелда тайёрловчи бўлиб ишлаган. Аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, халқлар доҳийси шаънига террорчилик кайфиятини билдирганликда, партия ва ҳукумат ўтказаётган тадбирлар ҳақида бўҳтон ва туҳматлар тарқатганликда айбланган.

11. **Болуянц Кеворк Аллахвердович** — 1878 йили туғилган, Арманистон ССР Гарусин райони Хонзирак қишлоғидан, собиқ савдогар. 1934 йили валюта олди-бердисини бузганликда айбланиб қамалган, ҳибсга олинган вақтда вино дўкончаси мудири. Аксилинқилобий тарғибот олиб бориб, фашистларни мақтаганликда, совет матбуоти ҳақида иғво сўзлар айтганликда, яқин орада ҳокимиятда ўзгариш бўлиши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган.

10681-сонли иш бўйича **Матқобилов Мирзаҳамдам** (1897 йили туғилган, Учқўрғон райони Чек-Қайқи қишлоғидан, йирик бой, қулоқ, босмачи, 1930 йили давлат солиғини бажармаганлиги учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳукумати шаънига аксилинқилобий туҳмат, иғвогарлик мишмишлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда, ҳокимият ўзгаришида қулоқ қилганларни, фаолларни қўрқитганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

10688-сонли иш бўйича **Файзиев Мамадамин** (1871 йили туғилган, Учқўрғон райони Яшик қишлоғидан, бой, қулоқ, 1930 йили давлат шартномасини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, 1934 йили иккинчи марта давлат солиғини тўламагани учун 2 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига уйдирма, туҳмат фикрлар тарқатганликда, монархия тузумини мақтаганликда айбланган.

10695-сонли иш бўйича **Исаққожиев Дадамирзабойвачча** (1882 йили туғилган, Учқўрғон райони Қайқи қишлоғидан, собиқ йирик ер эгаси, 1926 йили сиёсий ишончсизлиги туфайли Ўзбекистон ҳудудидан чиқариб юборилган, 1931 йили сургун қилинган, сургун жойидан қайтиб келган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига ҳақоратомуз, куракда турмайдиган сўзларни айтганликда, колхозчиларни колхоздан чиқиб кетишга даъват этганликда яқин орада ҳокимият алмашишини ташвиқот қилганликда айбланган.

10683-сонли иш бўйича **Ботирқулов Абдуназар** (1882 йили туғилган, Учқўрғон райони Кўчабоши қишлоғидан, йирик бой, қулоққа тортилган. 1930 йили совет ҳукумати солиқларини тўламагани учун 3 йил муддатга қамалган) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига туҳмат гаплар айтганликда, бўлажак уруш ва унда Совет Иттифоқи фашистлар томонидан енгилажагини ташвиқот қилганликда айбланган.

10689-сонли иш бўйича **Ўташев Ортиқбой** (1889 йили туғилган, Учқўрғон райони Шифон қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1934 йили давлат солиқларини тўламагани учун 3 йил муддатга қамоққа ҳукм этилган, қамоқдан қочган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, бўлажак уруш ва унда Совет Иттифоқининг енгилишини ташвиқот қилганликда ҳамда колхозчиларни колхозда ишламасликка даъват қилганликда айбланган.

10694-сонли иш бўйича **Мадалихалпоев Муллабойтўра** (1875 йили туғилган, Учқўрғон райони Қайқи қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1931 йили солиқ тўламагани учун 1 йил қамоққа ҳукм қилинган, 1935 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамалган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни ишга чиқмасликка даъват қилганликда, бўлажак уруш ва унда Совет Иттифоқининг енгилиши ҳақида ташвиқот олиб борганликда айбланган.

10697-сонли иш бўйича **Нишонбоев Мулла Абдумўмин** (1881 йили туғилган, Учқўрғон райони, Қайқи қишлоғидан, собиқ қулоқ, имом, 1934 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил жазога ҳукм қилинган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий туҳмат миш-мишлар тарқат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганликда, динни ҳимоя қилишга даъват қилганликда, колхоз тузумига қарши сўзга чиққанликда айбланган.

10680-сонли иш бўйича **Уркунов Чўлпонқул** (1871 йили туғилган, Массин райони Чуят қишлоғидан, собиқ йирик ер эгаси, махсус посёлкага сургун қилинган, у ердан 1934 йили қочган, ҳибсга олингунга қадар чайқовчилик билан шуғулланган) отувга ҳукм қилинган. Атрофидагилар орасида совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига аксилинқилобий туҳматлар, миш-мишлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

*10736-сонли иш бўйича 7 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Саримсоқов Абдуқодир** — 1872 йили туғилган, Ворошилов райони Султонобод қишлоғидан, уйғур, собиқ қулоқ. "Учлик" 1933 йили махсус посёлкага оиласи билан сургун қилишга ҳукм қилган, ҳукм бажарилмаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида доимий равишда душманлик кайфиятида бўлганликда, бўлажак уруш ва ҳокимиятнинг ўзгариши ҳақида тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий тўдага ташкилотчилик қилганликда ва ташвиқот ўтказишга барчани жалб қилганликда, колхозчиларни яқин ўртада ҳокимият ўзгаради, унинг ўрнига мусулмонлар ҳокимияти ўрнатилади деб колхозларда ишни тўхтатишни, советлар учун ишлаш зарурати йўқ эканлигини тарғибот қилганликда айбланган.

2. **Маткаримов Шокиржон** — 1896 йили туғилган, Ворошилов райони Султонобод қишлоғидан, миллати уйғур, собиқ қулоқ, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий йиғинларда қатнашиб совет ҳокимиятига қарши курашишга чақирганликда, Япония албатта Совет Иттифоқи устидан ғалаба қозонади ва биз Ўзбекистонда мусулмонлар ҳокимияти тузишга тайёр туришимиз керак деб айтганликда, халқ душманлари ҳақида ачиниб гапирганликда айбланган.

3. **Юнусов Тилаболди** — 1892 йили туғилган, Ворошилов райони Султонобод қишлоғидан, собиқ савдогар, қулоққа тортилган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатни ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий йиғин иштирокчиси ва унинг топшириғига мувофиқ аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, яқин орада фашистик давлатлар билан уруш бўлиши ва ҳокимият ўзгаришини ташвиқот қилганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий уйдирма миш-мишлар тарқатганликда, колхоз тузумига қарши гап-сўзлар айтганликда айбланган.

4. **Маматисломов Маматурди** — 1907 йили туғилган, Ворошилов райони Султонобод қишлоғидан, собиқ қулоқ, отаси билан қулоқ қилинган, аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм қилинган, қўрқув остида қочган ва Қашғарда яшаган. 1934 йили ўғирлик қилгани учун халқ суди 3 йил қамоққа ҳукм қилган, ҳибсга олинган вақтда новвойхонада хамир қорувчиси бўлган. Аксилинқилобий йиғин иштирокчиси ва унинг топшириғига муво-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фиқ аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, яқин орада фашистлар билан бўлажак уруш ва Ўзбекистонда мусулмон ҳокимияти тикланиши ҳақида ташвиқот юритганликда, колхоз тузумига қарши гаплар айтганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда, якка хўжалик катта фойда беришини сабаб қилганликда айбланган.

5. **Мадвалиев Айсабой** — 1894 йили туғилган, Ворошилов райони, Султонобод қишлоғидан, ўзбек, қулоққа тортилган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий гуруҳ аъзоси бўлиб, унинг кўрсатмаси бўйича тарғибот юритганликда, колхоздаги очарчилик ҳақида иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда, яқин орада бўладиган уруш, ҳокимиятнинг ўзгариши ва "Мусулмонобод"нинг тикланиши ҳақида ташвиқот қилганликда, халқ душманлари ҳақида ачиниб гапирганликда айбланган.

6. **Исмоилов Мирзали** — 1898 йили туғилган, Ворошилов райони Султонобод қишлоғидан, собиқ савдогар, қулоққа тортилган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда пахта тайёрлаш пунктида ўт ўчирувчи. Аҳоли орасида аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида унинг ташкилотчиларининг кўрсатмаси бўйича тарғибот олиб борганликда, ҳокимиятнинг ўзгариши ва "Мусулмонобод"нинг тикланиши ҳақида ташвиқот юритганликда, пахта тайёрлаш пунктида пахтанинг ёниб кетиш эҳтимоли борлигини гапирганликда айбланган.

7. **Аҳмаджонов Ҳабибулла** — 1909 йили туғилган, Ворошилов райони Султонобод қишлоғидан, руҳоний домулланинг ўғли, 1929 йили отаси билан биргаликда қулоқ сифатида қўлга олинган, жазодан қутилиш мақсадида қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий гуруҳ ташкилотчисининг қариндоши бўлиб, ҳар бир аксилинқилобий йиғилишларда қатнашганликда, аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқиб кетишга чақирганликда, ҳокимиятнинг ўзгариши ва "Мусулмонобод"ни тикланишини ташвиқот қилганликда, Сталин конституциясига қарши гапирганликда айбланган.

10702-сонли иш бўйича **Нурматов Ниёзали** (1875 йили туғилган, Жалақудуқ райони Сўфиқишлоқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат солиғини бажармаганлиги учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар сартарош, косиб) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий, миллатчилик руҳидаги ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

2819-сонли иш бўйича **Ирманов Султон** (1891 йили туғилган, Учқўрғон райони Қизилқулоқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1930 йили давлат солиғини тўламагани учун 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, ҳибсга олингунга қадар чайқовчилик билан шуғулланган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, яқин


www.ziyouz.com kutubxonasi

орада ҳокимият ўзгариши ҳақида ва совет ҳокимияти шаънига туҳмат миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

10684-сонли иш бўйича **Баҳовутдинов Сумланқори** (1898 йили туғилган, Норин райони Қора Қўрғонча қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, жазодан қочган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти йўқ) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига иғвогарлик миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхозда ишламасликка чақирганликда айбланган.

10696-сонли иш бўйича **Мирзануров Иномжон** (1880 йили туғилган, Учқўрғон райони Учқўрғон қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили қишлоқ хўжалик солиғини тўламагани учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида колхозлардаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига иғвогарона туҳматлар қилганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда айбланган.

10685-сонли иш бўйича **Иминхўжаев Ҳасан Қори** (1907 йили туғилган, Учқўрғон райони Қайқи қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили пахта бўйича қатъий топшириқни бажармагани учун қамалган, 1936 йили лагердан қайтиб келган) отувга ҳукм қилинган. Лагердан озод қилингандан сўнг қамоқхоналардаги маҳбусларнинг оғир шароитлари ва очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

10686-сонли иш бўйича **Тоштемиров Мирзамаҳмуд** (1905 йили туғилган, Учқўрғон райони Қайқи қишлоғидан, савдогар оиласидан, ўзи йирик қулоқ, 1934 йили қулоққа тортилган ва 3 йил қамоққа ҳукм этилган) отувга ҳукм қилинган. Қамоқдан қайтгач, доимий равишда тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига туҳмат миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманларини ёқлаб гапирганликда айбланган.

10687-сонли иш бўйича **Камолбоев Турғун** (1897 йили туғилган, Учқўрғон райони Қайқи қишлоғидан, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган) отувга ҳукм қилинган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига туҳмат гаплар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

10693-сонли иш бўйича **Ҳожиев Абдувоҳид** (1903 йили туғилган, Учқўрғон райони Қайқи қишлоғидан, йирик руҳоний — қулоқ ўғли, 1934 йили давлат солиғини тўламагани учун 3 йил қамоққа ҳукм эътилган) отувга ҳукм қилиган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда, колхоз тузумига қарши гапирганликда айбланган.

10692-сонли иш бўйича **Саидов Иномжон** (1916 йили туғилган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Наманган райони Хонобод қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, оиласи билан республика ташқарисига сургун қилинган, у ердан қочиб кетган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида совет ҳокимияти ва унинг тадбирларига қарши иғвогарона ташвиқот олиб борганликда ва норозилик кайфиятини билдирганликда, миллий сиёсатга қарши ташвиқот олиб борганликда айбланган.

10691-сонли иш бўйича **Иминхўжаев Жўрабой** (1892 йили туғилган, Учқўрғон райони Қайқи қишлоғидан, қулоққа тортилган, суддан яшириниб юрган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига туҳматлар ёғдирганликда, колхозчиларни янгидан масжидлар қуриши ва тиклашга чорлаганликда, миллий сиёсатга қарши ташвиқот олиб борганликда айбланган.

10690-сонли иш бўйича **Аҳмад Турсунқулов Тартип** (1897 йили туғилган, Учқўрғон райони Яшик қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили 3 йил қамоққа ҳукм этилган, қамоқдан қочган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари ҳақида иғвогарлик миш-мишлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда, яқин орада бўладиган уруш ва унда Совет Иттифоқининг енгилажагини ташвиқот қилганликда айбланган.

2768-сонли иш бўйича **Хорунжий Ефим Яковлевич** (1888 йили туғилган, Кубань вилояти Ново Донецк қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар совхозда бригадир бўлиб ишлаган) 10 йил қамоққа ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 21 июлдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқлар доҳийси ва совет ҳокимияти шаънига туҳмат гаплар тарқатганликда, қатағон қилинган халқ душманлари ҳақида ачиниб гапирганликда айбланган.

10682-сонли иш бўйича **Қодиров Одилҳасан** (1877 йили туғилган, Учқўрғон райони Учқўрғон қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, 1932 йили қўлга олинган ва чайқовчилиги учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

10698-сонли иш бўйича **Бойбуваҳожиев Юсупжон** (1903 йили туғилган, Учқўрғон райони Учқўрғон қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили сиёсий тўда ташкилотини тузишга уринганлиги учун 5 йил қамоққа ҳукм қилинган) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга қаратилган аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига иғвогарона сўзларни тарқатганликда, чет элдаги ҳаётни мақтаганликда, колхоз тузумига қарши чиқишлар қилганликда айбланган.

*8751-сонли иш бўйича 6 киши отувга ҳукм қилинган:*

1. **Тошматов Аҳмадқассоб** — 1874 йили туғилган, Хўжаобод



www.ziyouz.com kutubxonasi

райони Булоқбоши қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун қамоққа олинган. 1931 йили Қашғарга қочиб кетган, у ердан 1934 йили қайтган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, бўлажак уруш ва “Мусулмонобод”ни тикланишини ташвиқот қилганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

2. **Ҳамроқулов Бўронбой** — 1900 йили туғилган, Андижон райони Завроқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, 1933 йили колхоздан ишга чиқмаганлиги учун ҳайдалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий тўда учун ўз уйини бўшатиб берганликда, тарғибот олиб борганликда, очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда, ҳокимият ўзгаришини ташвиқот қилганликда, фаолларни қўрқитганликда айбланган.

3. **Мамадалиев Ҳожимамат** — 1902 йили туғилган, Андижон райони Завроқ қишлоғидан, собиқ савдогар, 1930 йилдан 1933 йилгача ВКП(б) аъзоси, пахта планини барбод қилгани учун ундан ўчирилган, 1934 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда, колхоз кассири бўлиб, 1500 сўм колхоз пулидан камомад қилганликда, колхоз ишига панжа орасидан қараганликда, деҳқонларнинг намойиши пайтида колхоздан чиқиб, бошқа районга кўчиб ўтганликда айбланган.

4. **Баратов Мамашариф** — 1878 йили туғилган, Андижон райони Заврақ қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1932—1933 йиллари аксилинқилобий фаолияти учун қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Доимий равишда колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, колхозга ҳайвон сотиб олиб келишда вакил бўлиб, кўзланган тадбирни барбод қилганликда айбланган.

5. **Иноятхўжаев Авлиёхўжа** — 1874 йили туғилган, Андижон райони, Заврақ қишлоғидан, 1933 йилдан 1935 йилгача Қашғарда бўлган, диний маросимлар хизматчиси, имомда тингловчи. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, Қашғарга яшириниб ўтганларга шпионлик қилиб, маълумотлар бериб турганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик ҳақида иғвогарлик миш-мишлар тарқатганликда, миллатчилик кайфиятидаги сўзларни айтганликда айбланган.

6. **Хўжамбердиев Бўрибой** — 1897 йили туғилган, Андижон райони Заврақ қишлоғидан, қозининг ўғли, 1919 йили босмачилик ҳаракатида қатнашгани учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, муддати тугамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхозда бригадир. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, яқин орада ҳокимиятда ўзгариш бўлиши тўғрисида ташвиқот қилганликда айбланган.

8751-сонли иш бўйича **Раҳимов Ортиқали** (1908 йили туғилган,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Андижон райони Заврақ қишлоғидан, ўзбек, собиқ савдогар, қулоқнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда колхоз котиби) 10 йил қамоққа ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, бўлажак уруш ва унда фашистларнинг Совет Иттифоқи устидан ғалаба қозонишини ташвиқот қилганликда айбланган.

*2752-сонли иш бўйича 3 киши отувга ҳукм қилинган:*

1. **Соқибоев Солиамин** — 1873 йили туғилган, Андижон райони Жалабек қишлоқ советидан, қулоққа тортилган, 1930 йили республикадан ташқарига сургун қилинган, сургун жойидан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, чайқовчилик билан шуғулланган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши ўзи билан ҳамфикр бўлган ва мавжуд тузумдан норозилик кайфиятидаги қулоқлар ҳамроҳлигида аксилинқилобий ташвиқотлар олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Тожибоев Мулла Каримжон** — 1874 йили туғилган, Марғилон шаҳридан, руҳоний, имом. Аҳоли орасида ўзига яқин айбдор бўлган қулоқлар билан аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига уйдирма гаплар тарқатганликда, эски тузумни мақтаганликда, партия ва ҳукумат тадбирларига қарши фикр билдирганликда айбланган.

3. **Тошматов Абдураҳим** — 1894 йили туғилган, Пахтаобод қишлоқ советидаги Майбоғча қишлоғидан, қулоқ қилинган, 1930 йили Ўзбекистондан ташқарига сургун қилинган, у ердан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Айбланган қулоқлар билан яқин алоқа боғлаб, аҳоли орасида доимий равишда тарғиботлар олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига миш-мишлар тарқатганликда, партия ва ҳукумат тадбирларига қарши ташвиқотлар қилганликда, колхозда ишлаб, пахта ҳосилдорлигини сунъий равишда пасайтирганликда айбланган.

2742-сонли иш бўйича **Бобоназаров Ҳожимат Ҳожи** (1876 йили туғилган, Андижон райони Овтобачи чек қишлоғидан, собиқ савдогар, ўтмишда босмачилик ҳаракатида қатнашган. 1931 йили советларга қарши чиққанлиги учун 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик ҳақида иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни иш ташлашга чақирганликда айбланган.

2743-сонли иш бўйича **Эргашев Мингбой** (1894 йили туғилган, Андижон райони Кўштепа қишлоғидан, 1930 йили қулоққа тортилган ва Украинага сургун қилинган, у ердан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, яқин орада ҳокимиятда ўзгариш бўлиши ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхоздан чиқмаса очликдан ўлиб кетишлари мумкинлигини айтиб қўрқитганликда, пахта экиш вақтида иш ташлашни ташкил қилганлиги натижасида 35 гектар ерда пахта нобуд бўлишига йўл қўйганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

10669-сонли иш бўйича **Абдураҳмонов Жўрабой** (1909 йили туғилган, Андижон райони Баҳром маҳалласидан, собиқ савдогар, 1931 йили магазин қоровулини ўлдирганлиги ва ўғирлик содир этганлиги учун 8 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, қишлоқ фаоллари шаънига террорчилик кайфиятдаги сўзлар айтганликда айбланган.

10670-сонли иш бўйича **Иброҳимов Хурулла** (1908 йили туғилган, Андижон райони Хурсандлик маҳалласидан, собиқ қулоқ, 1931 йили Ўзбекистондан ташқарига сургун қилинган, сургундан қочган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Атрофидагилар орасида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига иғвогарлик, туҳматлар тарқатганликда, миллатчилик қарашлари билан рус ва яҳудийлардан нафратланишни ташвиқот қилганликда айбланган.

2744-сонли иш бўйича **Бойматов Тўланбой** (1877 йили туғилган, Андижон райони Уйшун қишлоғидан, 1929 йили қулоқ қилинган ва 3 йилга озодликдан маҳрум этилган, муддатни ўташ вақтида қочиб кетган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида Совет Иттифоқидаги аҳвол ҳақида ёлғон-яшиқ тарғиботлар олиб борганликда, мамалакатимизни хорижий давлатлар томонидан мажақлаб ташланишини ташвиқот қилганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

10672-сонли иш бўйича **Иброҳимов Мулла Абдупатто** (1876 йили туғилган, Андижон райони Қорақалпоқ қишлоғидан, собиқ руҳоний, имом, рэмигрант, аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга ва колхозларни бузилиб кетишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда, колхозларда иш ташлашни уюштирганликда, яқин орада ҳокимиятда ўзгариш бўлади деган ташвиқот қилганликда айбланган.

10673-сонли иш бўйича **Аҳмадхўжаев Мансур** (1875 йили туғилган, Андижон райони Овтобачичек қишлоғидан, собиқ савдогар, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига иғвогарлик ташвиқотини юргизганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

10674-сонли иш бўйича **Абдужалилов Содиқ** (1892 йили туғилган, Андижон райони Ҳиндимозор қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933—1934 йиллари аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирла-


www.ziyouz.com kutubxonasi

рига қарши миш-мишлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

10675-сонли иш бўйича **Худойбердиев Султон** (1876 йили туғилган, Андижон райони Сарой қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили қишлоқ хўжалик солиғини тўламагани учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Совет Иттифоқидаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда, яқин орада ҳокимият ўзгаришини ташвиқот қилганликда айбланган.

10719-сонли иш бўйича **Ҳайдаров Мулла Умарҳожи** (1886 йили туғилган, Андижон райони Миробод қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда руҳоний, имом) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, аҳолини совет ҳокимиятига қарши курашиш учун ташкилот тузишга чорлаганликда, яқин орада ҳокимиятда ўзгариш бўлиб, Ўзбекистонда "Мусулмонобод" яратишни ташвиқот қилганликда айбланган.

10720-сонли иш бўйича **Матқурбонов Матқосим** (1869 йили туғилган, Андижон райони Тангус-Тасан қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1929 йилдаги қўзғолончилар ҳаракатининг фаол аъзоси, 1933 йили чегарани яширин равишда бузиб ўтганлиги учун қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига иғвогарлик миш-мишларини тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

10726-сонли иш бўйича **Қозиев Зиёмавли** (1883 йили туғилган, Андижон райони Хартум қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига иғвогарона сўзлар айтганликда, колхоздаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

10727-сонли иш бўйича **Қодиров Мирзаҳамдам** (1889 йили туғилган, Андижон райони Хартум қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамалган, у ердан қочган, 1933 йилдан 1935 йилгача Қашғарда муҳожирликда яшаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Қашғардалик пайтида муҳожирлар, собиқ қулоқлар билан алоқада бўлганликда, уларга Совет Иттифоқидаги ҳолатлар ва коллективлаштиришнинг ўтказилиши ҳақида маълумотлар берганликда, муҳожирликдан қайтиши биланоқ колхозчилар орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда, яқин орада ҳокимиятда ўзгариш юз бериб, Ўзбекистонда "Мусулмонобод"нинг тикланиши ҳақида ташвиқот қилганликда айбланган.

10732-сонли иш бўйича **Акбархонтўраев Юсупхонтўра** (1877 йили туғилган, Жалақудуқ райони Кўтарма қишлоғидан, собиқ йи-



www.ziyouz.com kutubxonasi

рик қулоқ, ҳибсга олингунга қадар дуохонлик билан шуғулланган) **отувга** ҳукм қилинган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларини тузишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, хотин-қизларни озод қилишга қарши чиққанликда, фаол хотин-қизлар ҳақида ҳақоратомуз сўзлар айтганликда айбланган.

10733-сонли иш бўйича **Орзибойҳожиев Худойберди** (1872 йили туғилган, Андижон райони Эшончек қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамалган, озодликка чиққач, Қашғарга қочиб кетган, у ердан 1933 йили қайтиб келган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий, иғвогарлик гаплар тарқатганликда, ташқаридаги ҳаётни мақтаганликда, муҳожирлик пайтида бошқа муҳожирларга жосусликка оид маълумотларни етказиб берганликда айбланган.

2886-сонли иш бўйича **Ҳайдаров Асқарали** (1901 йили туғилган, Андижон райони Канди қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачилар тўдасининг фаол қатнашчиси, қатағондан яширинган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, колхоздаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

2883-сонли иш бўйича **Холиқов Исмоил** (1906 йили туғилган, Ойим райони Ойим қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили партия сафидан ўчирилган, 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда Ворошилов районида ўрмон хўжалиги техниги) отувга ҳукм қилинган. Атрофдагилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик характерида тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни чегарадан ўтиб кетишга ундаганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

2883-сонли иш бўйича **Бузрукхонов Султонхон** (1903 йили туғилган, Ойим райони Ойим қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига иғво тарқатганликда, колхозчиларни чегарадан ташқарига чиқиб кетишга даъват қилганликда, чет элдаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

2883-сонли иш бўйича **Пайзиматов Ҳожимат** (1901 йили туғилган, Ленин райони Қува қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1934 йили партиядан тозалов пайтида савдо қилгани учун аъзоликдан чиқарилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 2 сентябрдан ҳисобланган. Атрофдагилар орасида доимий равишда аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига туҳмат, иғволар тарқатганликда, чет элдаги ҳаётни мақтаганликда ва колхозчиларни чегарадан ташқарига чиқишга ундаганликда айбланган.

2885-сонли иш бўйича **Холматов Шермат** (1873 йили туғил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган, Ойим райони Ойим қишлоғидан, колхоз тузумига қарши аксилинқилобий гуруҳнинг фаол аъзоси, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Колхоздаги очарчилик ҳақида аксилинқилобий миш-мишлар тарқатганликда, яқин орада тузумни ўзгаришини ташвиқот қилганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

2905-сонли иш бўйича **Усмонов Мирсулаймон** (1897 йили туғилган, Ворошилов райони Чимён қишлоғидан, руҳоний, 1931 йили қулоққа тортилган, аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил озодликдан маҳрум этилган, муддати тугамай қочган, ҳибсга олингунга қадар Чимён матлубот жамиятида дўкон мудири) отувга ҳукм қилинган. Душманлик кайфиятида бўлиб, колхозчилар орасида бўлажак урушда ҳокимиятда ўзгариш бўлиши ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

2915-сонли иш бўйича **Исобоев Мулла Назарали** (1881 йили туғилган, Ойим райони Жартибош қишлоғидан, колхоз тузумига қарши тузилган гуруҳнинг фаол қатнашчиси, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, колхоздаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни пахта экишдан воз кечишга ундаганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

10734-сонли иш бўйича **Ҳакимов Сирожиддин** (1893 йили туғилган, Андижон райони Хартум қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирлари шаънига бўҳтонлар айтганликда, ўзининг ҳаракатлари билан колхозда душманчилик ишларини юритганликда айбланган.

*2808-сонли иш бўйича қуйидаги 2 маҳбус отувга ва 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган:*

1. **Трубецкий Владимир Сергеевич** — 1891 йили туғилган, Москва шаҳридан, собиқ князь, дворянин, собиқ гвардия офицери, 1934 йили аксилинқилобий фаолияти учун ОГПУ коллегияси томонидан 5 йил сургунга ҳукм қилинган. Қамалган пайтида сургунда бўлган, шаҳар озиқ-овқат савдо ташкилотининг ресторанида мусиқачи. ОГПУ коллегияси томонидан жазога тортилганига қарамай, "Россия миллий партияси" аксилинқилобий ташкилотининг фаол аъзоси бўлганликда, Андижон сургунидан қочганликда, қамалган кунидан бошлаб Германия, Италия, Франция, Англия, Австрия, Руминия ва бошқа капиталистик мамлакатлардан қочган аксилинқилобий қочоқлар билан мунтазам алоқада бўлганликда, мамлакатлардан доимий равишда чет эл валюталарини олганликда, кооперация органларига туҳматлар уюштирганликда, партия раҳбарлари ҳақида ҳақорат сўзларни айтганликда айбланган.

2. **Трубецкая Варвара Владимировна** — 1917 йили туғилган, Москва шаҳридан, собиқ князь қизи, дворянин авлодидан, 1934 йили ОГПУ коллегияси аксилинқилобий фаолияти учун 2 йил сур-


www.ziyouz.com kutubxonasi

гунга ҳукм қилинган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. СССРдаги мавжуд тузумга душманлик кайфиятида бўлиб Киров ўлимини амалга ошириш, халқ душманлари фаолиятини оқлаганликда, СССР халқ доҳийси устидан террористик актни амалга оширишни кўзлаганликда айбланган.

3. **Трубецкая Александра Владимировна** — 1918 йили туғилган, Богородицк шаҳридан, князь қизи, дворян авлодидан, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Опасининг террорчилик ҳаракатларини қатъий ҳимоя қилганликда, унинг аксилинқилобий фаолиятига шерикликда, аксилинқилобий унсурлар билан алоқадорликда, уларнинг йиғинларида қатнашганликда айбланган.

*2693-сонли иш бўйича қуйидаги 2 киши отувга ҳукм қилинган:*

1. **Соболев Пантелеймон Александрович** — 1888 йили туғилган, собиқ Вологда губернияси Кантур қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар руҳоний, диний маросимлар хизматчиси. Мавжуд тузумга душманлик кайфиятида бўлиб, совет ҳокимиятидан норози оҳангда динга мойил оммани қўзғаш учун динга оид идораларни ёпаётгани ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети номига диндорлар томонидан ғалаён руҳидаги аризалар тайёрлаб, унга ёлғон имзолар қўйдирганликда айбланган.

2. **Золин Федор Дмитриевич** — 1901 йили туғилган, Саратов вилояти катта Бокури қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар руҳоний, диний маросимлар хизматчиси. Мавжуд тузумга душманлик кайфиятида бўлиб, айбланаётган Соболев билан ҳамкорликда совет ҳокимиятидан норозилик руҳида бўлган диндорлар орасидан дин идораларини ёпиш ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети номига махфий ариза ёзиш ва ёлғон имзолар тайёрлаганликда, Андижон консуллиги билан алоқада бўлиб, СССР меҳнаткашларининг аҳволи ҳақида яширин маълумотлар берганликда, консулликдаги ишларни юритиш учун ўз хизматларини таклиф қилганликда айбланган.

*1741-сонли иш бўйича 8 нафар маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Палеев Николай Евграфович** — 1885 йили туғилган, Запорожье области Балабино қишлоғидан, 1912 йилдан 1935 йилгача КВЖДда ишлаган, ҳибсга олингунга қадар Ашхобод темир йўлига қарашли Когон вокзали бошлиғи. 1929 йили Япония разведкаси резиденти томонидан ёлланган бўлиб, фаол равишда жосуслик, қўпорувчилик ишларини олиб борганликда, Иттифоқ ҳудудига жосуслик, қўпорувчилик топшириқларини бажарувчи агентларни жойлаганликда, фашистлар ишончига кириб олгач, иш жойларида аксилинқилобий ташвиқотлар олиб борганликда айбланган.

2. **Палеев Георгий Николайевич** — 1913 йили туғилган, Ҳарбин шаҳридан, СССРга 1935 йили келган, 1929 йили Хитой полицияси томонидан қамалган, ҳибсга олинган вақтда 23-темир йўл полкининг қизил аскари. Отасининг жосуслик иши тўғрисида ва Япония разведкаси билан алоқада бўлганликда, разведка агентининг топшириғини олганликда, нолегал чегарадан ўтганликда, ўз атрофидагилар орасида аксилинқилобий фашистик тарғибот олиб борганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**3. Касьянов Иван Алексеевич** — 1896 йили туғилган, Тамбов губерниясининг Павловск қишлоғидан, 1916 йилдан 1935 йилгача Манжурияда бўлган, ҳибсга олинган вақтда Андижон депосида асбоб цехи слесари. Манжурияда яшаган вақтида Япония разведкасининг агентлари билан алоқада бўлиб ишчилар орасида Совет Иттифоқига қарши жосуслик-қўпорувчилик топшириқларини бажарганликда, партия ва ҳукуматни демократлаштиришга қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

**4. Гуляев Михаил Павлович** — 1894 йили туғилган, Петрозаводск шаҳридан, 1914 йилдан 1935 йилгача Манжурияда бўлган, 1934 йили Япония полицияси томонидан қамалган, ҳибсга олинган вақтда Ашхобод темир йўли Когон станциясида техник-нормачи бўлиб ишлаган. 1934 йили қамалган вақтида жосуслик фаолиятини давом эттириш учун Пограничная станциясига ташланганликда, Япония разведкаси агентлари билан доимий алоқада бўлганликда, Совет Иттифоқига келиб, шу давлатда жосусликқўпорувчилик топшириқларини бажараётган разведка агентлари билан доимий алоқада бўлганликда, фашистлар ишончига кириб олиб, ишчилар орасида аксилинқилобий, фашистик ташвиқот олиб борганликда айбланган.

**5. Кокла Иван Андреевич** — 1893 йили туғилган, Эстландия губернияси Тубола маҳалласидан, 1914 йилдан 1935 йилгача Манжурияда бўлган, ҳибсга олинган вақтда Ашхобод темир йўли Когон станциясида депо машинисти ёрдамчиси. Япония разведкасининг агенти сифатида Совет Иттифоқи ҳудудига жосуслик-қўпорувчилик топшириғи билан юборилган бўлиб, СССРга келиши биланоқ разведка агентлари билан доимий алоқа қилганликда, фашистлар ишончига кириб олиб, ишчилар орасида фашистик тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат тадбирларига қарши чиққанликда айбланган.

**6. Соколов Иван Семенович** — 1903 йили туғилган, КВЖД нинг Деймагод станциясидан СССРга 1935 йили келган, ҳибсга олинган вақтда Ашхобод темир йўлининг Когон депосида электр станцияда машинистга ёрдамчи бўлиб ишлаган. КВЖД хизматида бўла туриб, 1932 йили асосан Япония разведкаси учун кадр тайёрлайдиган “Интернационал” автотракторчилик курсини тамомлаганликда, Япония полицияси ходимлари ва “Руслар Иттифоқи” эмигрантлар аъзолари билан яқиндан алоқада бўлганликда, фашистлар ишончини қозониб, ишчилар орасида аксилинқилобий фашистик ташвиқот олиб борганликда, чегарадан чиқиб кетишга уринганликда айбланган.

**7. Маханцев Геннадий Яковлевич** — 1905 йили туғилган, Томск темир йўлининг Богатол станциясидан, 1934 йили Япония полицияси томонидан қамалган, СССРга КВЖДдан 1935 йили келган, ҳибсга олингунга қадар Ашхобод темир йўлининг Когон станциясида автотормоз назоратчиси. Манжурияда яшаб 1931 йили “Интернационал” автотракторчилик курсини тамомлаб, Япония разведкаси агентлари бошлиғи бўлган. Япония, Хитой полицияси ва “Рус эмигрантлар Иттифоқи” фашистик ташкилоти аъзо-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лари билан алоқадорликда, Когонда туриб Япония разведкаси агентлари билан алоқа қилганликда, фашистларнинг ишончини қозониб, аксилинқилобий фашистик ташвиқотлар олиб борганликда айбланган.

**8. Гриценко Василий Ефимович** — 1907 йили туғилган, Ҳарбин шаҳридан, 1929 йили Хитой полицияси томонидан қамалган ва Сумбейских лагерларида бўлган, СССРга 1935 йили келган, ҳибсга олинган вақтда Ашхобод темир йўлининг Когон депосида машинист бўлиб ишлаган. Манжурияда яшаб "Рус эмигрантлар Иттифоқи" аксилинқилобий фашистик ташкилотига аъзо, Япония, Хитой полицияси, Когонда турганда ҳам Япония разведкаси аъзолари билан алоқадорликда, фашистлар ишончини қозониб, аксилинқилобий фашистик ташвиқот олиб борганликда айбланган.

Тошкент темир йўл бўлими 3896-сонли иш бўйича **Сервачинский Василий Ефимович** (1893 йили туғилган, Одесса темир йўли Сербка станциясидан, собиқ қулоқ, 1935 йили СССРга Ҳарбиндан келган, ҳибсга олингунга қадар Тошкент темир йўли Қизилқия станциясида йўл ишчиси) отувга ҳукм қилинган. Доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга қаратилган ёвуз фашистик тарғибот олиб борганликда, чет элдаги ҳаётни мақтаганликда, колхоз тузумини камбағаллиги ва деҳқонлар устидан эзиб ишлатиши ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

3730-сонли иш бўйича **Мишин Фок Петрович** (1884 йили туғилган, Орлов губернияси собиқ Ливанск уезди Андриян қишлоғидан, 1928 йилдан ВКП(б) аъзоси, мазкур иш муносабати билан аъзоликдан ўчирилган, 1919—1920 йиллари оқларда хизмат қилган, ҳибсга олинган вақтда Андижон резервдаги йўловчилар поездида бошлиқ) отувга ҳукм қилинган. Япония разведкасига ёлланиб СССРга 1935 йили жосуслик-қўпорувчилик топшириғи билан ташланганликда, 1937 йили шахсан поездларни ҳалокатга учратиш мақсадида 3 та қўпорувчилик актини амалга оширганликда, Москвада яшовчи япон агентлари билан алоқадорликда айбланган.

3541-сонли иш бўйича **Милованов Василий Сергеевич** (1911 йили туғилган, Саратов вилояти Лох қишлоғидан, отаси билан қулоққа тортилган, қулоқнинг ўғли, сургундан қочган, оиласи сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда Тошкент темир йўлида мото ҳайдовчи бўлиб ишлаган) отувга ҳукм қилинган. Атрофидагилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини пучга чиқаришга қаратилган тарғибот олиб борганликда, доимий равишда мотовозларни ишдан чиқарувчи қўпорувчилик актларини амалга оширганликда, халқ душманлари билан алоқадорликда айбланган.

3542-сонли иш бўйича **Артшиев Михаил Потапович** (1894 йили туғилган, Оренбург вилояти Зубаревка қишлоғидан, собиқ савдогар, ҳибсга олингунга қадар пенсионер ва савдогар) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига иғвогарлик фикр мулоҳазалар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3540-сонли иш бўйича **Шацкий Егор Андреевич** (1897 йили туғилган, Оренбург вилояти Сорочин райони Вознесенск қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда Қўқон станцияси вагон участкасида навбатчи) отувга ҳукм қилинган. Доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга қаратилган аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

3535-сонли иш бўйича **Иванов Константин Владимирович** (1897 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Челно-Вершинск райони Себалкино қишлоғидан, собиқ савдогар, 2-гилдин хўжалиги тугатилгач, кўнгилли бўлиб Колчакнинг оқ армиясига кетган, ҳибсга олинган вақтда Андижон станцияси қурилиш участкасида омборчи) отувга ҳукм қилинган ва унга тегишли мол-мулк мусодара қилинган. 1918 йили чехсловаклар ҳузурида камбағал фаолларини қамоққа олиш жараёнида фаол қатнашганликда, оқ армияга кўнгилли бўлиб кирганликда ва ишчилар синфига қарши фаол кураш олиб борганликда айбланган.

1838-сонли иш бўйича **Пешен Войцех Иванович** (1892 йили туғилган, Польшанинг Соколск уезди Чебуш қишлоғидан, поляк, оқлар армиясида хизмат қилган, ВКП(б) аъзолигига номзод бўлган, 1936 йили оқ армияда яширин хизмат қилгани учун партиядан ўчирилган, ҳибсга олингунга қадар Тошкент темир йўлида поезд мойловчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 17 сентябрдан ҳисобланган. Ишчилар орасида душманлик кайфиятида бўлиб, тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат шаънига иғвогарлик фикр-мулоҳазалар тарқатганликда айбланган.

1833-сонли иш бўйича **Ефремичев Сергей Гаврилович** (1882 йили туғилган, Саратов ўлкаси, Царевшино қишлоғидан, 1908 йилдан 1912 йилгача урядниклар полициясида хизмат қилган, 1919 йили ВКП(б) аъзолигидан чиқарилган ва Самарага сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда вагон участкасида омборчи) отувга ҳукм қилинган. Ишчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийси шаънига туҳматлар тарқатганликда айбланган.

1837-сонли иш бўйича **Жилков Николай Григорьевич** (1898 йили туғилган, собиқ Урал области Мияса қишлоғидан, оқлар армиясида хизмат қилган, 1921 йили давлат пулини ўзлаштиргани учун 2 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда Тошкент темир йўл Бошқармасида чизмачи-рассом) отувга ҳукм қилинган. Атрофидагилар орасида тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат шаънига миш-мишлар тарқатганликда, оқлар армиясида котиб-ёзувчи бўлганлиги учун контрразведка билан алоқада бўлганликда ва разведкачилар томонидан отиб ўлдирилган фаолларни сотганликда айбланган.

278-сонли иш бўйича **Недвецкий Владислав Николаевич** (1894 йили туғилган, Польшанинг Гродно шаҳридан, миллати поляк, СССРга 1935 йили КВЖДдан келган, ҳибсга олингунга қадар Тошкент темир йўлида йўл созловчиси) отувга ҳукм қилинган. Япония



www.ziyouz.com kutubxonasi

разведкасининг агенти бўлиб резидент билан алоқадорликда, совет фуқароларига берган материаллари туфайли улар отилганликда, Совет Иттифоқи ҳудудига жосуслик-қўпорувчилик ишларини амалга ошириш учун ташланганликда, Оренбург темир йўлида ишлаганликда айбланган.

280-сонли иш бўйича **Веренкович Степан Федорович** (1895 йили туғилган, Гродненск губернияси Каменец-Литовск жойидан, 1919 йилдан сўл эсерлар партияси аъзоси, ҳибсга олинган вақтда пенсионер-ногирон) отувга ҳукм қилинган. Депо ишчилари орасида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига қарши қўзғолонга чорловчи тарғибот олиб борганликда, латифалар айтганликда, террорчиликни кўзловчи гаплар айтганликда, халқ душманлари билан алоқадорликда айбланган.

274-сонли иш бўйича **Кошкаров Григорий Михайлович** (1893 йили туғилган, Узоқ Шарқ ўлкаси Сретенск шаҳридан, оқ армияда хизмат қилган, 1920 йилдан 1935 йилгача Манжурияда яшаган, 1930 йили Хитой полицияси томонидан қамалган, ҳибсга олинган вақтда Қизил Ўрда станциясида омборчи) отувга ҳукм қилинган. Ишчилар орасида халқлар доҳийси шаънига террорчилик кайфиятдаги гап-сўзларни айтганликда, халқ душманларини қатағон қилинганига ачиниб гапирганликда, КВЖДда ишлаб туриб, Япония офицери билан алоқадорликда ва унга жосусликка оид маълумотларни берганликда айбланган.

275-сонли иш бўйича **Ибадуллаев Султон** (1900 йили туғилган, Қозоғистон ССР Қизил Ўрда райони 15-сонли овулдан, собиқ қулоқ, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олинган вақтда Қизил Ўрда станциясида кондуктор) отувга ҳукм қилинган. Душманлик кайфиятида тарғибот олиб борганликда, миллатчилик руҳидаги гапларни айтганликда, монархик тузумни мақтаганликда, қатағон қилинган халқ душманлари ҳақида ачиниб сўзлаганликда айбланган.

## 24-баённома. 14 октябр

*"Учлик" (Апресян, Сегизбоев, Шейндлин, Яковлев) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган:*

*Давлат хавфсизлиги бошқармаси 4-бўлими (Лацес) тақдим этган 615-сонли иш бўйича 17 киши олий жазога ҳукм қилинган:*

1. **Алимов Муинжон** — 1890 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, инқилобга қадар шариат қозиси, ВКП(б) собиқ аъзоси, миллатчи сифатида партиядан ўчирилган, ҳибсга олингунга қадар Ўзбекбирлашув идорасининг бошлиғи. Миллатчи аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилотининг раҳбарлик марказини эгаллаб босмачилик йилларида босмачи тўдалар ташкилотчиси бўлиб қуролли қўзғолон тайёрлаганда, совет ҳокимиятининг иқтисодий тадбирларига қарши фаол кураш олиб борганликда, троцкийчилар билан блок тузишни ташвиқот қилганликда, пахтачилик ва қоракўлчилик бўйича зараркунандалик қилганликда, мамлакат ташқариси билан мунтазам алоқада бўлганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2. Хўжаев Ота Пўлатович** — 1880 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, хизматчи. ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, миллатчи сифатида партиядан ўчирилган, ҳибсга олингунга қадар Бухоро шаҳрида гастроном директори. Аксилинқилобий, миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилотининг раҳбарлик марказида бўлиб чекка жойларда унинг филиалларини уюштирганликда, буржуа-миллатчи ташвиқот юргизганликда, хориждагилар билан алоқада бўлганликда, исёнкор ходимлар ташкил этиш бўйича иш олиб борганликда айбланган.

**3. Саиджонов Мухторжон** — 1893 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, савдогар, хизматчи оиласидан, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, ҳушёрликни йўқотгани учун партиядан ўчирилган. Ҳибсга олингунга қадар "Ўзбеккино" тресті бошқарувчиси. Аксилинқилобий, миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилоти раҳбарлиги марказида бўлиб тарғибот ишларини олиб борганликда, вербовка қилганликда, Марказнинг Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш учун кураш тадбирлари муҳокама қилинган йиғилишда қатнашганликда айбланган.

**4. Саттор Хўжаев** — 1897 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ савдогар, ҳибсга олингунга қадар Ўзбек тайёрлов пункти директори ўринбосари. Аксилинқилобий миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, совет ҳокимиятининг молиявий қудратини издан чиқариш бўйича ишларни бошқарганликда, аксилинқилобий ташкилотнинг мустақил буржуа давлатини яратиш учун кураш тадбирларини ишлаб чиққан йиғилишларда қатнашганликда айбланган.

**5. Саиджонов Мусо Йўлдошев** — 1898 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, савдогар, хизматчининг ўғли, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, ўз хоҳиши билан партиядан чиқиб кетган, ҳибсга олингунга қадар Ўзкосомтарисда ишлаган. Аксилинқилобий миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, совет ҳокимиятига қарши кураш ва мустақил буржуа давлати ташкил этиш учун тадбирлар ишлаб чиқишда иштирок этганликда, миллатчи аксилинқилобий ташвиқот юргизганликда айбланган.

**6. Ёқубзода Наимжон** — 1890 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, йирик савдогарнинг ўғли, хизматчи, судланган, судлангани учун ВКП(б) аъзолигидан чиқарилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, доимий равишда унинг йиғилишларида қатнашганликда, чет элда "Миллий иттиҳод"нинг хорижий бюросини ташкил қилиш учун одамлар ва маблағларни Афғонистонга ўтказишни тайёрлаганликда, Германия ва Афғонистон консулликлари билан яширин алоқа ўрнатганликда, чет элдагилар билан алоқада бўлиб турганликда айбланган.

**7. Бурхонов Мукомил** — 1889 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, руҳоний, мударрис ўғли, ВКП(б) аъзоси, диний эътиқоди туфайли партиядан чиқиб кетган, Бухоро Халқ Совет республикаси ҳузурида Адлия вазири, ҳибсга олингунга қадар машғулоти аниқ бўлмаган, нафақахўр. Аксилинқилобий миллатчи "Миллий ит-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тиҳод" ташкилоти маркази аъзоси, унинг ғазинабони, қуролли қўзғолон масалалари муҳокама қилинган аксилинқилобий ташкилотнинг кенгашларида фаол қатнашганликда, миллатчилик ташвиқоти олиб борганликда айбланган.

8. **Бурхонов Мухаммар** — 1897 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, руҳоний, мударрис ўғли, Бухоро Халқ Совет республикаси ҳузуридаги Бош милиция бошлиғи, ҳибсга олингунга қадар Самарқанддаги 5-сонли мактабда педагоглик қилган. Миллатчи, аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси бўлган, Туркияда бўлганида миллатчи, аксилинқилобийчи арбоблар билан алоқа ўрнатиб, уларга моддий ёрдам кўрсатганликда, Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш учун аксилинқилобий ташвиқот юргизганликда айбланган.

9. **Муқомилов Абдурашид** — 1901 йили туғилган, Туркманистон ССР Керки райони Бакир қишлоғидан, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, миллатчи сифатида партиядан чиқарилган, ҳибсга олингунга қадар Бошгўшт трестининг бошқарувчиси бўлиб хизмат қилган. Аксилинқилобий, миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилотининг Бухоро филиали раҳбари, бу ташкилотнинг кенгашларида фаол қатнашган, босмачилар тўдасини моддий жиҳатдан қўллаб қувватлаган, хориждаги аксилинқилобий муҳожирлар билан алоқада бўлганликда, "Мустақил Ўзбекистон"ни ташкил этиш учун доимий равишда ташвиқот юргизганликда айбланган.

10. **Бурхонов Масхар** — 1876 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, руҳонийлар оиласидан, Бухоро Халқ Совет республикаси даврида Маориф вазири ўринбосари, ҳибсга олингунга қадар нафақахўр. Туркияда бўлганида миллатчи, аксилинқилобий "Иттиҳоди ва тараққий" ташкилоти аъзоси бўлган, чет элдан қайтиб келгач "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий ташкилотга кирган, бу ташкилотнинг совет ҳокимияти билан кураш олиб бориш, қуролли қўзғолон ташкил этиш, босмачилар тўдасини тузиш ва Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш масалалари муҳокама қилинган йиғилишларда мунтазам қатнашганликда айбланган.

11. **Музаффаров Раҳматулла** — 1898 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, руҳоний, хизматчи оиласидан, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, миллатчилиги учун партиядан чиқарилган. Аксилинқилобий, миллатчи ташкилотга аъзо бўлиб, Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш ва буржуа давлатини тузиш масалалари муҳокама қилинган марказ йиғинларида доимий равишда қатнашганликда, фош этилган миллатчиларга ўзаро ёрдам кўрсатиш кассасини ташкил этиш ташаббускорларидан бўлганликда айбланган.

12. **Хўжаев Ҳамра** — 1897 йили туғилган, Самарқанд шаҳридан, руҳоний, хизматчи оиласидан, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, миллатчи сифатида партиядан чиқарилган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий, миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, Афғонистон билан ва сиёсий ходимларни ўлдиришни ташкил этиш билан боғлиқ махсус махфий ижрочиси бўлганликда, миллатчи, аксилинқилобий ташкилотнинг йиғилишларида мунтазам қатнашганликда, Ўзбекистонни СССР-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан ажратиб олиш масалаларини муҳокама қилишда фаол иштирок этганликда, зараркунандалик, бузғунчилик фаолият олиб борганликда айбланган.

13. **Абусаидов Аҳмаджон Махсум** — 1877 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, ўтмишда руҳоний, мулла, Бухоро Халқ Совет республикаси даврида Марказий Ижроия Комитет раиси бўлган. Аксилинқилобий, миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси сифатида унинг кенгашларида доимий равишда қатнашган, совет ҳокимиятига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишда иштирок этганликда, Афғонистон ва Германия консулликлари билан алоқа ўрнатганликда айбланган.

14. **Хўжаев Порсо** — 1877 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ савдогар, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, миллатчилиги учун партиядан чиқарилган, ҳибсга олингунга қадар нафақахўр. Аксилинқилобий миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, унинг йиғилишларида фаол қатнашган, совет ҳокимиятига қарши кураш ва босмачилар тўдасини ташкил этиш масалалари кўрилганда фаол иштирок этган, сўнгги вақтларгача аксилинқилобий миллатчи ташкилот раҳбарлари билан алоқада бўлиб, тарғибот олиб борганликда айбланган.

15. **Абдуллаев Абдулла Адуллаевич** — 1878 йили туғилган, Доғистондан, хизматчи, ҳибсга олингунга қадар Кисловодскдаги Ўзсаноат союзи магазини директори. Аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси сифатида ташкилотнинг аксилинқилобий топшириқларини бажарганликда, Кавказдаги буржуа миллатчилари билан алоқада бўлиб буржуа миллатчилар йиғилишларида қатнашиб, советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

16. **Бурхонов Мисбах Мазайилович** — 1905 йили туғилган, руҳоний, хизматчининг ўғли, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, миллатчи сифатида ташкилотдан чиқарилган, судланган. Аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, хорижда мавжуд бўлган аксилинқилобий арбоблардан фойдаланганликда, Тожикистон ва Ўзбекистондаги миллатчи аксилинқилобий арбоблар ўртасида алоқа ўрнатганликда айбланган.

17. **Юсуфзода Абдураҳим** — 1880 йили туғилган (Андижон шаҳридан — *Р.Ш.*), хизматчи, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, ижтимоий келиб чиқишини яширгани ва диний маросимларни бажаргани учун партиядан ўчирилган, судланган. "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий ташкилоти Бухоро филиали марказининг раҳбар аъзоси сифатида совет ҳокимияти билан курашиш ва Германия билан алоқа ўрнатиш масалалари кўрилган кенгашларда иштирок этганликда, аксилинқилобий ташвиқот юргизганликда айбланган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги давлат хавфсизлиги бошқармаси 4-бўлим тақдим этган 6805-сонли иш бўйича **Азимбоев Саид Акром** отувга ҳукм қилинган, 1892 йил туғилган, Тошкент шаҳридан, йирик ер эгаси ва савдогарнинг ўғли, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, миллатчи сифатида партиядан чиқарилган, ҳибсга олингунга қадар "ЎзКООПплодоовош" идорасининг бошқарувчи-



www.ziyouz.com kutubxonasi

си. “Турон”, “Шўрои Исломия”, “Турк Одами Марказяти” (Муссовет), “Иттиҳоди ва Тараққий” ташкилотларини ҳамда эсэрлар партияси ва аксилинқилобий миллатчи ташкилот “Миллий иттиҳод” аъзоси сифатида фаол аксилинқилобий ва миллатчилик мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда айбланган.

**Сойипов Ориф** — 4319 сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1885 йили туғилган, Бўстонлиқ райони Хумсон қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, ҳибсга олингунга қадар “Красный полумесяц” санаториясида ишлаган. Ўтмишда Бўстонлиқ районида қулоқлар қўзғолонини ташкилотчиси бўлган, ҳибсга олингунга қадар исёнчилик ва мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда айбланган.

**Хўжаев Сайфутдин** — 4311-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган (Ҳусниддинхўжаев Сайфутдинхўжа деб ҳам аталади), 1896 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, руҳоний, имом, судланган. Аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик, тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**Саид Хўжаев Набирхўжа** — 4574-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1879 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, диний хизматчи, имом. Миллатчи, аксилинқилобий “Шўрои Ислом” ташкилотининг аъзоси, аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик ва фашистик, тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Ғозихонов Авлиёхон** — 4575-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1859 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, диний хизматчи, имом. Таъсир доираси кенг руҳоний сифатида аксилинқилобий иш олиб бориш учун диний йиғинлардан ва саркитлардан фойдаланганда, доимий равишда мағлубиятчи, советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Мирзааҳмедов Мирсоат** — 4298-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1872 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, собиқ қулоқ, судланган, жазо муддатини ўтаган. Доимий равишда мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимиятининг хотин-қизларни озод қилиш бўйича тадбирларига қарши ҳаракат қилганликда айбланган.

**Тошхўжаев Муҳаммаджон** — 5274-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1885 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги тайёрлов ижроқўмида инспектор бўлиб ишлаган. “Турон”, “Шўрои Ислом”, “Турк Адами Марказияти”, “Иттиҳод ва тараққий” аксилинқилобий ташкилотлар, Эсерлар партияси ва аксилинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси, 1919 йили Осипов қўзғолонида фаол қатнашганликда, тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Алимов Муҳсин** — 4542-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган, 1900 йили туғилган, Андижон шаҳридан, собиқ савдогар, 2 марта судланган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Ўтмишда Туркия зобитлари билан алоқада бўлиб босмачиликка кўмаклашганда, босмачи тўдалар билан “Миллий иттиҳод”нинг Андижон филиали ўртасида алоқа ўрнатиб доимий равишда аксил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

инқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, троцкийчилар ва зиновьевчиларга хайрихоҳлик билдирганликда айбланган.

**Дубицкий Николай Иванович** — ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Қурама район бўлими тақдим этган 4848-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1900 йили туғилган, Одесса области Андре-Ивановский райони Чернов деган жойдан, ҳибсга олингунга қадар Қурама райони агрономи бўлиб ишлаган. Доимий равишда аксилинқилобий ярамас террорчилик латифалар тарқатганликда, мағлубиятчилик, фашистик тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Саидқосимов Умар Оқсоқол** — Қурама райони ички ишлар бўлими тақдим этган 4252-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1878 йили туғилган, ЎзССР Теляу қишлоғидан, ўртаҳол, судланган. Босмачилар гуруҳи билан алоқа ўрнатиб, уларни қурол билан таъминлаганликда айбланган.

**Ғойибназаров Давлат Чала** — Қурама райони ички ишлар бўлими тақдим этган 4253-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1862 йили туғилган, ЎзССР Октябрь қишлоқ совети Агат қишлоғидан, ўртаҳол оиладан, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Тугатилган аксилинқилобий, исёнчи босмачилар гуруҳи билан алоқада бўлиб, уларни қурол билан таъминлаганликда айбланган.

**Эшонхўжаев Ашрафхўжа** — 5291-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1888 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган. Ҳибсга олингунга қадар тўқимачилик комбинатида ишлаган. Атрофидагилар орасида доимий равишда тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Королев-Крайнов Никита Васильевич** — 4272-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1886 йили туғилган, Сталинград шаҳридан, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар вақтинча Тўқимачилик қурилишида ишлаган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий туҳматлар тарқатганликда ва партия доҳийси шаънига ҳақоратли гаплар айтганликда айбланган.

**Куттибаров Пирмуҳаммад** — 4529-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1886 йили туғилган, Қозоғистон ССР Қизил Ўрда шаҳридан, қулоққа тортилган. Ҳибсга олингунга қадар Тошкент МТСда гидротехник бўлиб ишлаган. “Алаш Ўрда” аксилинқилобий, миллатчи ташкилотининг аъзоси, ҳибсга олингунга қадар аксилинқилобий қозоқ, троцкийчи-миллатчи ташкилот топшириғи билан исёнчи ячейкалар ташкил этганликда айбланган.

**Жуманов Ибрай** — 4323-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган, 1886 йили туғилган, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олингунга қадар момиқ хом-ашё қабул қилувчи бўлиб ишлаган. “Алаш Ўрда” аксилинқилобий ташкилот аъзоси, ҳибсга олингунга қадар аксилинқилобий троцкийчи-миллатчи ташкилотга аъзо бўлиб, унинг топшириғи бўйича хориж билан алоқа ўрнатганликда айбланган.

**Умаров Мусо** — 4326-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1874 йили туғилган, Қозоғистон ССР Туркистон райони Икон қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган. Ҳибсга олингунга


www.ziyouz.com kutubxonasi

қадар машғулоти аниқ бўлмаган. Аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик, тарғиботи олиб борганликда, очлик ҳақида бузғунчилик миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Отабоев Тожимат** — 4327-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган, 1871 йили туғилган, Қозоғистон ССР Туркистон райони Икон қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очлик ҳақида бузғунчи миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Юсупов Абдуқодир** — 4325-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1878 йили туғилган, Қозоғистон ССР Туркистон райони Икон қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган.

**Олмонов Ҳошим** — 4625-иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1893 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, йирик қулоқ, савдогар, аксилинқилобий, миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий, миллатчи ташкилот аъзоси сифатида аҳоли орасида янги аъзоларни жалб қилиш билан шуғулланганликда, уруш ва ҳукуматдаги ўзгаришлар тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Лепесов Зайниддин** — 6921-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган, 1911 йили туғилган, Қирғизистон ССР Сталин райони Қизил Ту қишлоғидан, йирик бойнинг ўғли, судланган, ҳибсга олингунга қадар ВТЭК котиби. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлиб унинг топшириғи бўйича чет эл билан алоқага юборилиб аксилинқилобчилар, миллатчилар орасида ўзининг аксилинқилобий фаолиятини ҳикоя қилиб, унинг ташкилотчиларини мақтаганликда айбланган.

**Камолов Абдураҳмон** — 4627-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1902 йили туғилган, Жаркент (Ёркент бўлса керак — *Р.Ш.*) шаҳридан, йирик қулоқнинг ўғли, собиқ оқ офицери, оқлар тор-мор келтирилгач чет элга қочиб кетган, ҳибсга олингунга қадар "Шарқ ҳақиқати" ("Правда Востока" — *Р.Ш.*) таҳририятида ишлаган. Оқ офицер бўлиб мағлубиятга учрагач чет элга кетгани, "Шарқ ҳақиқати" газетасида ишлаганида зараркунандалик қилиб газета чиқишини ва ишчи мухбирларнинг халқ душманларини фош қилувчи материалларини кечиктирганликда айбланган.

**Хўжамқулов Ношир** — 6922-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1906 йили туғилган, ЎзССР Янгийўл районидан, йирик қулоқнинг ўғли, судланган, ҳибсга олингунга қадар "Крилов" мактабида ўқитувчилик қилган. Аксилинқилобий, миллатчи "Алаш Ўрда" ташкилотининг фаол аъзоларидан, аксилинқилобий троцкийчилар ташкилотида ҳам бўлгани учун судланган, жазони ўтаб келганидан сўнг яна аксилинқилобий ташкилотга кириб, доимий равишда унинг йиғилишларида қатнашганликда айбланган.

**Ниёзов Қулаҳмад** — 4626-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1888 йили туғилган, Қозоғистон ССР Қизил Ўрда шаҳридан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар ЎзССР Олий суди ҳузурида-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ги адвокатлар коллегиясида ишлаган. Аксилинқилобчилар, миллатчилар билан яқиндан алоқада бўлиб қамоққа олинган диверсант, троцкийчи, жосус Абдулинга ёрдам кўрсатиш чораларини кўрганликда, ўз атрофидагилар орасида бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**Данилкин Василий Анфимович** — Самарқанд станцияси давлат хавфсизлиги бошқармаси тақдим этган 3219-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган, 1884 йили туғилган, Воронеж области Нечаев райони Малая Шереметев қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар йўл хизмати қоровули. Ўтмишда Тамбов губернасидаги қулоқлар қўзғолонида фаол қатнашганликда, троцкийчи, аксилинқилобий зарарли тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийсига қарши туҳматлар тарқатганликда айбланган.

**Данискин Николай Васильевич** — ўша 3219 –сонли иш бўйича 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. 1913 йили туғилган, Воронеж области Нечаев райони Шереметьевка қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, ҳибсга олингунга қадар Зарафшон темир йўли кўприги электростанциясида машинист бўлиб ишлаган. Гарнизон қизил аскарлари орасида партия ва ҳукуматнинг энг муҳим қарорларини бадном қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, электростанцияда заракунандалик қилганликда айбланган.

**Гордиенко Николай Никитович** — Самарқанд станцияси давлат хавфсизлиги бошқармаси тақдим этган 3443-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1891 йили туғилган, Одесса области Новый бук станциясидан, оқлар армиясида хизмат қилган, ҳибсга олингунга қадар машғулоти аниқ эмас. Колчакнинг оқ армиясида хизмат қилиб қизил аскарларни отишда иштирок этганликда, доимий равишда аксилинқилобий, мағлубиятчилик, зараркунандалик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**Павлов Иван Антонович** — Самарқанд станцияси давлат хавфсизлик бошқармаси тақдим этган 3234-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1896 йили туғилган, Оренбург области Сарочинск райони Вазнесенск посёлкасидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар Милютин станцияси сув тортиб олиш бўйича машинист бўлиб ишлаган. Партиянинг колхоз қурилиши бўйича тадбирларига қарши қаратилган тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийси шаънига аксилинқилобий туҳматлар тарқатганликда, давлат заёмига қаршилик кўрсатганликда айбланган.

**Циганков Илларион Иванович** — Самарқанд станцияси давлат хавфсизлиги бошқармаси тақдим этган 3237-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1878 йили туғилган, Тамбов губернаси Темнишевск уезди Старый город қишлоғидан, собиқ полицейчи, ҳибсга олингунга қадар Рейтренсторгпитда қоровул бўлиб ишлаган. Полицейчи бўлиб инқилобий кайфиятдаги ишчиларни қамоққа олишда қатнашганликда, мавжуд тузумга қарши тарғибот олиб борганликда, инқилобгача бўлган тузумни мақтаганликда айбланган.

**Сулим Семен Георгиевич** — Самарқанд станцияси давлат


www.ziyouz.com kutubxonasi

хавфсизлиги бошқармаси тақдим этган 3229-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1893 йили туғилган, Полтава губернаси Кабеляц уезди Беляни қишлоғидан, собиқ помешчик, ҳибсга олингунга қадар Жиззах станциясида чипта кассири бўлиб ишлаган. Гражданлар уруши йилларида совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб борганликда, Чернишининг жазолаш отрядида бўлиб комунист ва деҳқонларни отишда қатнашганликда, тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Козанов Иван Афанасьевич** — Самарқанд станцияси давлат хавфсизлиги бўлими тақдим этган 3244-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1887 йили туғилган, Саратов области Атпарск райони Пригородное қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олингунга қадар Нагорная станциясида стрелочник бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия доҳийсига туҳматлар тарқатганликда айбланган.

**Абаев Борис Михайлович** — Самарқанд станцияси давлат хавфсизлиги бўлими тақдим этган 1846-сонли иш бўйича қамоқдан озод қилишга ҳукм этилган. 1903 йили туғилган, Калинин шаҳридан, йирик савдогарнинг ўғли, ҳибсга олингунга қадар Тошкент темир йўл соқчилиги СТРда соқчи бўлган. ЎзССР Жиноят Кодексининг 66-моддаси 1-қисми билан айбланган.

**Хлопонин Андрей Иванович** — Урсатьевский темир йўл станцияси давлат хавфсизлиги бўлими тақдим этган 4091-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1886 йили туғилган, Ворошилов области Ровинки қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ўтмишда чоризм охропкаси агенти бўлган. Атрофидагилар орасида инқилобдан олдинги чоризм тузумини мақтаб мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**Осербин Василий Алексеевич** — Урсатьевск станцияси давлат хавфсизлиги бўлими тақдим этган 4090-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1886 йили туғилган, Шимолий Кавказ ўлкаси Ново-Александровск станциясидан, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, собиқ оқ гвардиячи. Ишчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**Бобак Петр Яковлевич** — Урсатьевск станцияси давлат хавфсизлиги бўлими тақдим этган 4098-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1900 йили туғилган, Одесса области Бобринец шаҳридан, собиқ қулоқ-помешчик, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган. Атрофидагилар орасида партия ва ҳукуматнинг муҳим қарорларини дискредитация қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик ташвиқоти юргизганликда айбланган.

**Бичков Павел Алексеевич** — Тошкент темир йўли давлат хавфсизлиги бошқармаси тақдим қилган 4086-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1884 йили туғилган, Тамбов губернаси Темниковск райони Жигаливо қишлоғидан, 1931 йили қулоққа тортилган. Ишчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Глаголев Петр Федорович** — Тошкент темир йўл давлат



www.ziyouz.com kutubxonasi

хавфсизлиги бўлими тақдим этган 4085-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1883 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Куйбишев райони Кристовой қишлоғидан, 1918 йилдан эсерлар партияси аъзоси. Ишчилар орасида аксилинқилобий троцкийчилик тарғибот олиб борганликда, электростанция ишига зараркунандалик билан муносабатда бўлганликда айбланган.

**Қурбонов Шамси** — ЎзССР ИИХК[1] Бухоро сектори тақдим қилган 2384-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган, 1872 йили туғилган, Когон райони Қуржон қишлоғидан, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

**Жўраев Муқум** — Бухоро сектори тақдим этган 2388-сонли иш бўйича **отувга** ҳукм қилинган. 1874 йили туғилган, Когон райони Эски Когон қишлоғидан, собиқ қулоқ, собиқ амир чиновникларидан, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, 1936 йили озод қилинган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ эмас. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда айбланган.

**Этмешов Деҳқонбой** — Бухоро сектори тақдим қилган 2885-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1899 йили туғилган, Киров райони Арабхон қишлоғидан, қулоққа тортилган. 1931 йили Шимолий Кавказга сургун қилинган, 1934 йили қайтиб келган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни ишга чиқмасликка чақирганликда айбланган.

**Саидниёзов Рустам** — Бухоро сектори тақдим қилган 2367-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1850 йили туғилган, қулоққа тортилган, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ва 5 йил сургунга ҳукм қилинган, сургунда юриб пахтачиликдаги зараркунандалиги учун 10 йил қамоққа ҳукм қилинган, 1936 йили касаллиги учун бўшатилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Саттаров Салом** — Бухоро сектори тақдим қилган 2387-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1897 йили туғилган, Когон райони Баҳовиддин қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи. Аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхоздаги ишларга зараркунандалик муносабатида бўлганликда айбланган.

**Хўжамбердиев Умар** — Бухоро сектори тақдим қилган 2369-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1881 йили туғилган, Кармана райони Кўча қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағон бўлишдан қочиб юрган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи. Колхоз-

---

[1] Ички ишлар халқ комиссарлиги.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларни тарқалиб кетишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши фикр билдирганликда айбланган.

**Элбоев Музанч** — Бухоро сектори тақдим этган 2286-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1904 йили туғилган, Конимех райони Калота қишлоғидан, йирик чорвадорнинг ўғли, ВКП(б) аъзоси, 1936 йили колхоз буюмини ўғирлагани учун партиядан ўчирилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, троцкийчилик тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга ва Афғонистонга ўтиб кетишга чақирганликда айбланган.

**Хўжаев Бой** — Бухоро сектори тақдим этган 2400-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1887 йили туғилган, Конимех райони Хунук қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Серматов Холбой** — Бухоро сектори тақдим этган 2404-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1877 йили туғилган, Конимех шаҳридан, қулоққа тортилган, 1932 йили судланиб чайқовчилик учун 2 йил қамоққа ҳукм қилинган, 1935 йили пахтачилик далаларида зараркунандалик қилгани учун 2 йил қамоққа ҳукм қилинган, муддатидан олдин бўшатилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхоздан чиқиб кетишга даъват қилганликда айбланган.

**Ахмедбетов Ходи** — Бухоро сектори тақдим қилган 2401-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1902 йили туғилган, Конимех райони Тельман қишлоғидан, йирик руҳонийнинг, собиқ қулоқнинг ўғли, қулоққа тортилишдан қочиб юрган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**Ирменбетов Жўрабой** — Бухоро сектори тақдим қилган 2273-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1881 йили туғилган, Жиззах районидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар колхозчи. Аксилинқилобий тарғибот олиб бориб, партия ва ҳукумат раҳбарлари шаънига туҳмат гаплар айтганликда айбланган.

**Назаров Ҳошим** — Бухоро сектори тақдим қилган 2310-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1897 йили туғилган, Акмалобод райони Атматхон қишлоғидан, собиқ босмачи, сургун қилинишдан қочиб кетган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши гапирганликда айбланган.

**Муҳаммедов Икрамшо** — Бухоро сектори тақдим қилган 2421-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1874 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ савдогар-қулоқ, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган, ҳибсга олингунга қадар район Саюзмомиқда хизмат қилган. Хизматчи ва колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Бухоро амирлиги ҳукуматини тикланиши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган.

**Омонов Ражаб** — Бухоро сектори тақдим қилган 2333-сонли

www.ziyouz.com kutubxonasi

иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1892 йили туғилган, Бухоро райони Бришим қишлоғидан, қулоққа тортилишдан қочиб юрган. 1934 йили жиноий иш учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ эмас. Аҳоли ўртасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очлик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Наврўзов Чўли** — Бухоро сектори тақдим қилган 2340-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1886 йили туғилган, Туркманистон ССР Чоржўй Округи Саят районидан, 1921 йилдан миллатчи аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, 1920 йилдан 1934 йилгача ВКП(б) аъзоси, ижтимоий ёт унсур сифатида партиядан чиқарилган, ҳибсга олингунга қадар Бухоро шаҳри музейида комендант бўлиб ишлаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий миллатчи тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Назаров Зиё Полвон** — Бухоро сектори тақдим қилган 2447-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1871 йили туғилган, Ромитан райони Раҳимобод қишлоғидан, амирда курьер бўлган ва таниқли кураш полвони бўлган, амир билан биргаликда Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетган. Афғонистондан қайтгач босмачиликда иштирок этган, 1926 йили аксилинқилобий фаолияти учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган. 1933 йили қамоқдан озод бўлган, 1936 йили колхоздан чиқарилган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган. Аҳоли орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда ва мағлубиятчилик ташвиқоти юргизганликда айбланган.

**Нуриллаев Маҳмуд** — Бухоро сектори тақдим этган 2437-сонли иш бўйича **отувга** ҳукм этилган. 1873 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, 1917 йилдан "Шўрои Ислом" аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган, руҳоний, жадид, табиблик билан шуғулланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

**Ибодуллаев Тавфиқ Ҳикматович** — Бухоро сектори тақдим қилган 2438-сонли иш бўйича **отувга** ҳукм қилинган, 1899 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси, Бухоро Халқ совет республикаси даврида давлат назорати министри, халқ таълими министри ўринбосари, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, 1934 йили партия тозоловида партиядан чиқарилган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши гапирганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

**Ражабов Икром** — Бухоро сектори тақдим қилган 2445-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган. 1877 йили туғилган, Свердлов райони Хуяк қишлоғидан, собиқ қулоқ, диний хизматчи. Аҳоли орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**Қличов Мирза** — Бухоро сектори тақдим қилган 2415-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1893 йили туғилган, Свердлов райони Сепатин қишлоқ советидан, собиқ қулоқ, руҳоний. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни пахта экишдан бош тортишга чақирганликда айбланган.

**Шодиев Тоҳир** — Бухоро сектори тақдим қилган 2246-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1898 йили туғилган, Ромитан райони Газбурон қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Қосимов Мулла Наим** — Бухоро сектори тақдим қилган 2107-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1875 йили туғилган, Тожикистон ССРдан, диний хизматчи, имом. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, очлик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Аюпов Аҳад** — Бухоро сектори тақдим қилган 2423-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1906 йили туғилган. Акмалобод райони Миран Маҳалла қишлоғидан, қулоққа тортилган. 1928 йили бандитчиликда иштирок этгани учун қамалган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

*Бухоро сектори тақдим қилган 2308-сонли иш бўйича 3 киши отувга ҳукм қилинган:*

1. **Йўлдошев Холиқ** — 1892 йили туғилган, Акмалобод райони Қозоқ-рабод қишлоғидан, собиқ йирик ер эгаси, босмачиликнинг фаол кўмакчиси, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозларни барбод қилиш ва тарқатиб юборилишига қаратилган тарғибот олиб борганликда, очлик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Шокиров Раҳмон** — 1897 йили туғилган, Акмалобод райони Яваджун қишлоғидан, собиқ қулоқ-савдогар, босмачилар тўдаси кўмакчиси, қатағондан яшириниб юрган, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3. **Рўзиев Нурмурод** — 1900 йили туғилган, Акмалобод райони Абкана қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар машғулоти аниқ бўлмаган. Колхозчилар орасида колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**Одилов Бозор** — Бухоро сектори тақдим этган 2366-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1900 йили туғилган, Кармана райони Буркут Айрончи қишлоғидан, диний хизматчи, ҳибсга олинган


www.ziyouz.com kutubxonasi

вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**Хўжаев Бозор** — Бухоро сектори тақдим қилган 2379-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1875 йили туғилган, Қизилтепа райони Хўжа Ҳасан қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида мағлубиятчи, бузғунчи тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Нематов Камол** — Бухоро сектори тақдим қилган 2326-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1880 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, миллатчи аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси, амир амалдорларидан, судланган, жазо муддатини ўтаган. Миллатчи аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси сифатида босмачилар тўдасини ташкил этишда фаол қатнашганликда, совет ҳокимиятини дискредитация қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Азизов Файзулла** — Бухоро сектори тақдим қилган 2368-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган, 1898 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ савдогар, диний хизматчи, қатағондан яшириниб юрган. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Худоёров Берди** — Бухоро сектори тақдим қилган 2368-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1907 йили туғилган, Кармана райони Сарай қишлоғидан, амир амалдорининг ўғли, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар машғулоти аниқ эмас. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Очилдиев Назрулло** (ҳужжатда Нарзулла — *Р.Ш.*) Бухоро сектори тақдим қилган 2322-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1880 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, аксилинқилобий миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, судланган, ҳибсга олингунга қадар Ўзбексавдода магазин мудири. Атрофидаги хизматчилар орасида тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Адизов Файзи** — Бухоро сектори тақдим қилган 2383-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1893 йили туғилган, Когон райони Талча қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтаган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Холов Мирза** — Бухоро сектори тақдим қилган 2309-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1892 йили туғилган, Акмалобод райони Девоналёр қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Атрофдагилар орасида тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятининг беқарорлиги ва очлик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Орзуқулов Раҳмат** — Бухоро сектори тақдим қилган 2405-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1909 йили туғилган, Конимех райони Кести қишлоғидан, собиқ қулоқ, 2 марта судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

*Бухоро сектори тақдим қилган 2424-сонли иш бўйича 2 киши отувга ҳукм қилинган:*

1. **Отаев Қули** — 1882 йили туғилган, Акмалобод райони Сармажон қишлоғидан, кулоқ, босмачи, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти йўқ. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, СССРдаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Йўлдошев Тўхта** — 1883 йили туғилган, Акмалобод райони Ғиждумак қишлоғидан, бой, савдогар, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулотга эга эмас. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, СССРдаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Вохидов Фаттоҳ** — Бухоро сектори тақдим этган 2422-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1877 йили туғилган, Акмалобод райони Қумиқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, босмачиларга фаол кўмаклашган. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, очлик ҳақида иғво миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Тўхтамуродов Нурмурод** — Бухоро сектори тақдим қилган 2262-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1906 йили туғилган, Конимех райони Усанқудуқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачи, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда иғво ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Махмудов Нематжон** — Бухоро сектори тақдим қилган 2382-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1879 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, амир амалдори, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида совет ҳокимиятини дискредитация қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Душанов Хўжа** — Бухоро сектори тақдим қилган 2398-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1872 йили туғилган, Конимех райони Башробат қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида совет ҳокимиятини дискредитация қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Нуров Отақул** — Бухоро сектори тақдим қилган 2274-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1897 йили туғилган, Қизилтепа райони Араб қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларини дискредитация қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Нуров Мулла Али** — Бухоро сектори тақдим қилган 2431-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1872 йили туғилган, Тожикистон ССРнинг Барбос деган жойидан, собиқ қулоқ, руҳоний, эшон, ҳибсга олингунга қадар машғулоти аниқ эмас. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Бухоро сектори тақдим қилган 2285-сонли иш бўйича 3 киши отувга ҳукм қилинган:*

1. **Хўшаев Раҳмин** — 1870 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, савдогар, руҳоний, домла. Еврей аҳолиси орасида сионистик тарғибот олиб бориб Фаластинга кетишликка чақирганликда, совет ҳокимияти шаънига туҳматлар тарқатганликда айбланган.

2. **Манахимов Шоломо Борох** — 1864 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, равин. Еврей аҳолиси орасида сионистик тарғибот олиб бориб Фаластинга кетишликка чақирганликда, совет ҳокимияти шаънига туҳматлар тарқатганликда айбланган.

3. **Куляков Давид** — 1870 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, равин. Еврей аҳолиси орасида сионистик тарғибот олиб бориб Фаластинга кетишликка чақирганликда, совет ҳокимияти шаънига туҳматлар тарқатганликда айбланган.

**Хакимов Ҳаким** — Бухоро сектори тақдим қилган 2417-сонли иш бўйича 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил августдан ҳисобланган, 1882 йили туғилган, Тожикистон ССРдан, диний хизматчи. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Шамаков Мустафоқул** — Бухоро сектори тақдим қилган 2160-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, ҳукм 1937 йил 2 мартдан ҳисобланган, 1906 йили туғилган, Туркманистон ССРнинг Шайх қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, аксилинқилобий фаолияти учун судланган, жазони ўтаган. Атрофидагилар орасида доимий равишда троцкийчилик, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

*Бухоро сектори тақдим қилган 5507-сонли иш бўйича 2 киши отувга ҳукм қилинган:*

1. **Жўраев Шароф** — 1905 йили туғилган, Вобкент райони, Қиёнхўжа қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамасдан қочиб келган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида турли миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Муҳаммедов Уста Тош** — 1892 йили туғилган, Когон райони Айнасво қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамай қочиб келган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида турли миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

*Бухоро сектори тақдим қилган 2443-сонли иш бўйича 5 киши отувга ҳукм қилинган:*

1. **Илов Қодир** — 1889 йили туғилган, Когон райони Хўжаякшаба қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар қизил чойхона мудири. Аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида доимий равишда колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида иғво миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Бердиев Қурбон** — 1879 йили туғилган, Когон райони Хўжа-


www.ziyouz.com kutubxonasi

якшаба қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида доимий равишда колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида иғво миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3. **Ражабов Нурулла** — 1905 йили туғилган, Когон райони Хўжаякшаба қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

4. **Тоиров Зоир** (айни вақтда Ғофуров ҳам деб аталади) — 1894 йили туғилган, Когон райони Хўжаякшаба қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5. **Каримов Бозор** — 1905 йили туғилган, Когон райони Хўжаякшаба қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

*Бухоро сектори тақдим қилган 5532-сонли иш бўйича 2 киши отувга ҳукм қилинган:*

1. **Каримов Қори Наим** — 1884 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, диний хизматчи, қори, ҳибсга олингунга қадар "Меҳнат" артелида ишлаган,қорилар мактаби хизматчиси. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, ўз уйида аксилинқилобий йиғилишлар ташкил этиб, сиёсий характердаги масалаларни муҳокама қилганликда айбланган.

2. **Собиров Миат Махсум** — 1882 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, диний хизматчи, имом, савдогар, ҳибсга олингунга қадар машғулоти аниқ эмас. Доимий равишда тарғибот олиб борганликда, ўз уйида аксилинқилобий йиғилишлар ташкил этиб, сиёсий характердаги масалаларни муҳокама қилганликда айбланган.

*Бухоро сектори тақдим қилган 5525-сонли иш бўйича 10 киши отувга ва 1 киши 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган:*

1. **Мулла Собир Орипов** — 1877 йили туғилган, Бауман (Шофрикон) райони Муғлоқ қишлоғидан, диний хизматчи, имом. Руҳонийларнинг аксилинқилобий гуруҳи ташкилотчиси ва раҳбари сифатида доимий равишда махфий аксилинқилобий йиғинлар ўтказиб, уларда аҳоли орасида аксилинқилобий фаолият олиб бориш учун кўрсатмалар берганликда, мағлубиятчилик ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Мулла Иброҳим Шукуров** — 1881 йили туғилган, Бауман райони Конгруд қишлоғидан, диний хизматчи, имом. Руҳонийлар гуруҳининг аъзоси сифатида аксилинқилобий йиғилишларда иштирок этганликда, доимий равишда мағлубиятчилик ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**3. Мулла Сафар Ҳамидов** — 1870 йили туғилган, Бауман райони Вардранзи қишлоғидан, диний хизматчи, имом. Руҳонийлар аксилинқилобий гуруҳининг аъзоси сифатида аксилинқилобий йиғилишларида иштирок этганликда, доимий равишда мағлубиятчилик ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**4. Мулла Шариф Турсунов** — 1879 йили туғилган, Бауман райони Хўжаориф қишлоғидан, диний хизматчи, имом. Руҳонийлар аксилинқилобий гуруҳининг аъзоси сифатида аксилинқилобий йиғилишларда иштирок этганликда, доимий равишда мағлубиятчилик ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**5. Мулла Бобожон Ниёзов** — 1881 йили туғилган, Бауман райони Хўжаориф қишлоғидан, диний хизматчи, имом. Руҳонийлар аксилинқилобий гуруҳининг аъзоси сифатида аксилинқилобий йиғилишларда иштирок этганликда, доимий равишда мағлубиятчилик ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**6. Мулла Нурулло Қобулов** — 1868 йили туғилган, Бауман райони Арабхона қишлоғидан, диний хизматчи, имом. Руҳонийлар аксилинқилобий гуруҳининг аъзоси сифатида аксилинқилобий йиғилишларда иштирок этганликда, доимий равишда мағлубиятчилик ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**7. Мулла Шариф Алимов** — 1878 йили туғилган, Бауман райони Додбағоний қишлоғидан, диний хизматчи, имом. Руҳонийлар аксилинқилобий гуруҳининг аъзоси сифатида аксилинқилобий йиғилишларда иштирок этганликда, доимий равишда мағлубиятчилик ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**8. Мулла Рўзи Хўжаев** — 1900 йили туғилган, Бауман райони Арабхона қишлоғидан, диний хизматчи, имом. Руҳонийлар аксилинқилобий гуруҳининг аъзоси сифатида аксилинқилобий йиғилишларда иштирок этганликда, доимий равишда мағлубиятчилик ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**9. Мулла Собир Содиқов** — 1875 йили туғилган, Бауман райони Додбағоний қишлоғидан, диний хизматчи, имом. Руҳонийлар аксилинқилобий гуруҳининг аъзоси сифатида аксилинқилобий йиғилишларда иштирок этганликда, доимий равишда мағлубиятчилик ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**10. Мулла Рашид Каримов** — 1877 йили туғилган, Бауман райони Арабхона қишлоғидан, диний хизматчи, имом. Руҳонийлар аксилинқилобий гуруҳининг аъзоси сифатида аксилинқилобий йиғилишларда иштирок этганликда, доимий равишда мағлубиятчилик ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**11. Холиқ Шамсиев** — 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. 1917 йили туғилган, Бауман райони Арабхона қишлоғидан, йирик қулоқнинг ўғли, отаси билан сургун қилинган, сургундан қочиб келган. Руҳонийлар аксилинқилобий гуруҳи қатнашчиси сифатида доимий равишда мағлубиятчи ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**Пўлат Ниёзов** — Бухоро сектори тақдим қилган 2299-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1879 йили туғилган, Ромитан


www.ziyouz.com kutubxonasi

райони Соқижон қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, жазо муддатини ўтаган. Колхозчилар орасида заёмга ёзилишга қарши қаратилган тарғибот олиб борганликда СССРдаги очлик ҳақида мишмишлар тарқатганликда айбланган.

**Каримов Раҳим** — Бухоро сектори тақдим қилган 2275-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1901 йили туғилган, Вобкент райони Хўжаработ қишлоғидан, собиқ савдогар, босмачи, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси, судланган, жазони ўтамаган, яшириниб юрган. Доимий равишда талончилик ва қотиллик билан шуғулланган, Назарчўмак тўдаси билан ҳамкорлик қилганликда айбланган.

*Бухоро сектори тақдим қилган 2267-сонли иш бўйича 2 киши отувга ҳукм қилинган:*

1. **Чори Аваз Бердиев** — 1900 йили туғилган, Қоракўл райони Чандир қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Атрофидагилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, уруш ва СССРдаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Бешин Шокиров** — 1896 йили туғилган, Қоракўл райони Чандир қишлоғидан, босмачи, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Атрофидагилар орасида мағлубиятчи тарғиботи олиб борганликда, уруш ва СССРдаги очлик тўғрисида иғво миш-мишлар тарқатганликда ва партия доҳийси шаънига террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

**Мирхўжаев Қилич** — Бухоро сектори тақдим этган 2450-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1884 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ йирик савдогар, ҳибсга олингунга қадар "Меҳнаткаш" артелида дўкон мудири, ўтмишда "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси бўлган. Атрофидагилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини дискредитация қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Мажидов Муҳитдин** — Бухоро сектори тақдим қилган 2446-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1877 йили туғилган, Когон райони Хўжаякшаба қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчи ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида иғво миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Тошпўлатов Қори Абдулла** — Бухоро сектори тақдим қилган 2441-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1879 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, Бухоро республикаси Адлия Халқ вазири ўринбосари ва Бухоро республикаси марказий ижроия комитети раиси, "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси. Аҳоли орасида совет ҳокимиятини дискредитация қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, сўнгги вақтларгача миллатчи аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилоти раҳбарлари ва аъзолари билан алоқада бўлганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Маҳмудов Баҳоуддин** — Бухоро сектори тақдим қилган 2434-сонли иш бўйича **отувга** ҳукм қилинган, 1894 йили туғилган, Самарқанд шаҳридан, диний хизматчи, имом, миллатчи, аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, ҳибсга олингунга қадар адвокатлар коллегиясида ишлаган. "Миллий иттиҳод"нинг топшириғи билан фаол иш олиб бориб, партия ва ҳукумат тадбирларини дискредитация қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Мулла Полвон Норов** — Бухоро сектори тақдим қилган 2408-сонли иш бўйича **отувга** ҳукм қилинган, 1867 йили туғилган, Хуминск қишлоқ совети Пўлати қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, имом. Колхозчилар орасида колхозга қарши, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

*Бухоро сектори тақдим қилган 2390-сонли иш бўйича 2 киши **отувга** ҳукм қилинган:*

1. **Абдутўра Эшон** — 1863 йили туғилган, Қоракўл райони Бурчак қишлоғидан, диний хизматчи, эшон. Колхозчилар орасида доимий равишда миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, партия ва ҳукумат шаънига террорчилик кайфияти билдирганликда айбланган.

2. **Саматов Мулла Ҳаким** — 1890 йили туғилган, Тожикистон ССР Гарм райони Сарбук қишлоғидан. Колхозчилар орасида доимий равишда миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, партия ва ҳукумат шаънига террорчилик кайфияти билдирганликда айбланган.

**Гамов Петр Степанович** — Бухоро сектори тақдим қилган 2344-сонли иш бўйича **отувга** ҳукм қилинган, 1902 йили туғилган, Шимолий Кавказ ўлкаси Кужор станциясидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар пахта тозалаш заводида механик бўлиб ишлаган. Атрофидагилар орасида совет ҳокимиятини дискредитация қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

*Бухоро сектори тақдим қилган 2327-сонли иш бўйича 4 киши отувга ҳукм қилинган:*

1. **Абдусаматов Ҳожи Сўфи Карим** — 1867 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий руҳонийлар гуруҳининг ташкилотчиси, аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, уруш ва СССРдаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Ризаев Оға Мирҳасан** — 1887 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий руҳонийлар гуруҳининг қатнашчиси, аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, СССРдаги очлик ва уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3. **Файзуллаев Ғулом** — 1888 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий руҳонийлар гуруҳи иштирокчиси, аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, СССРдаги очлик ва уруш тўғрисидаги миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

4. **Қурбонов Ғулом Ризо** — 1865 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, диний хизматчи, имом. Аксилинқилобий руҳоний гуруҳи қат-


www.ziyouz.com kutubxonasi

нашчиси, аксилинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, СССРдаги очлик ва уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Ҳакимов Шукурулло Оқсоқол** — Бухоро сектори тақдим қилган 2325-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1882 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, миллатчи, аксилинқилобий ташкилот "Миллий иттиҳод"нинг аъзоси, ҳибсга олингунга қадар Бухоро шаҳар совети хўжалиги мудири. Аксилинқилобий, миллатчи ташкилот "Миллий иттиҳод" нинг иштирокчиси, ташкилот аъзолари ўртасида алоқа ўрнатиб, Хўжаевнинг ишдан олиниши муносабати билан совет ҳокимиятига норозилик билдирганликда айбланган.

**Жалолов Қори Мулло Ихтиёр** — Бухоро сектори тақдим қилган 2300-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1870 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, диний хизматчи, имом. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчи ва бузғунчи аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Кенжаев Бўстон** — Бухоро сектори тақдим қилган 2416-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1902 йили туғилган, Свердлов райони Хуник қишлоғидан, собиқ қулоқ, от ўғриси, босмачи, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**Музаффаров Муҳаммад** — Бухоро сектори тақдим қилган 2413-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1899 йили туғилган, Бухоро райони Арабхона қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши аксилинқилобий, бузғунчи тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Ўсарқулов Раззоқ** — Бухоро сектори тақдим қилган 5527-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1909 йили туғилган, Киров райони Рабков қишлоғидан, қулоқлардан, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Наврўзов Тўхта** — Бухоро сектори тақдим қилган 5501-сонли иш бўйича **отувга** ҳукм қилинган, 1902 йили туғилган, Когон райони Чаркани қишлоғидан, савдогар, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишдан бош тортишга тарғибот этганликда айбланган.

*Бухоро сектори тақдим қилган 5579-сонли иш бўйича европалик аҳоли вакилларидан 26 нафари отувга ҳукм қилинган:*

1. **Трифанов Калин Федотович** — 1891 йили туғилган, Саратов области Пугачев райони Преображенка қишлоғидан, савдогар, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган. 1920 йили қулоқлар қўзғолонида фаол қатнашган. Қулоқларнинг аксилинқилобий, исёнчи гуруҳида бўлиб доимий равишда исёнчи характердаги масалалар муҳокама қилинган йиғинларда қатнашганликда, очлик ва ҳукуматдаги ўзгаришлар тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**2. Корнилкин Илларион Львович** — 1884 йили туғилган, Саратов области Пугачев райони Преображенка қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда қулоқлар қўзғолонларида фаол қатнашган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган. Қулоқларнинг аксилинқилобий исёнчи гуруҳида қатнашиб доимий равишда исёнчилик характеридаги масалалар муҳокамаси ўтказилган аксилинқилобий йиғилишларда қатнашганликда, очлик ва ҳукуматдаги ўзгаришлар тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**3. Карпухин-Головкин Фома Егорович** — 1880 йили туғилган, Саратов области Пугачев райони Преображенка қишлоғидан, собиқ қулоқ, қулоқлар қўзғолонида фаол қатнашган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган. Қулоқларнинг аксилинқилобий исёнчи гуруҳида қатнашиб доимий равишда исёнчилик характеридаги масалалар муҳокамаси ўтказилган аксилинқилобий йиғилишларда қатнашганликда, очлик ва ҳукуматдаги ўзгаришлар тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**4. Кичкин Гаврил Никифорович** — 1893 йилии туғилган, Саратов области Пугачев райони Преображенка қишлоғидан, собиқ қулоқ, қулоқлар қўзғолонининг фаол иштирокчиси, қатағондан яшириб юрган. Бунга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**5. Лазерев Федор Фадеевич** — 1891 йили туғилган, Саратов области Пугачев райони Преображенка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қулоқлар қўзғолонининг фаол иштирокчиси, қатағондан яшириб юрган. Бунга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**6. Паршин Иван Федотович** — 1875 йили туғилган, Саратов области Пугачев райони Преображенка қишлоғидан, қулоқлар қўзғолонининг фаол иштирокчиси, қатағондан яшириб юрган. Бунга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**7. Паршин Михаил Еримеевич** — 1893 йили туғилган, Саратов области Пугачев райони Преображенка қишлоғидан, қулоқлар қўзғолонининг фаол иштирокчиси, қатағондан яшириб юрган. Бунга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**8. Кармилкин Лев Никихорович** — 1863 йили туғилган, Саратов области Пугачев райони Преображенка қишлоғидан, қулоқлар қўзғолонининг фаол иштирокчиси, қатағондан яшириб юрган. Бунга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**9. Маслов Наум Куприелович** — 1892 йили туғилган, Саратов области Пугачев райони Преображенка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қулоқлар қўзғолонининг фаол иштирокчиси, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган. Бунга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**10. Паршин Кузьма Николаевич** — 1891 йили туғилган, у ҳам Преображенка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қулоқлар қўзғолонида қатнашган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочиб келган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**11. Чукаев Семён Максимович** — 1879 йили туғилган, у ҳам Преображенка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қулоқлар қўзғолонида фаол қатнашган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочиб келган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**12. Екимов Федр Петрикович** — 1889 йили туғилган, у ҳам



www.ziyouz.com kutubxonasi

Преображенка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қулоқлар қўзғолонининг фаол иштирокчиси, судланган, жазо муддатини ўтамай қочиб келган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**13. Федосеев Илларен Фомич** — 1904 йили туғилган, у ҳам Преображенка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қулоқлар қўзғолонининг фаол иштирокчиси, қатағондан яшириниб юрган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**14. Паршин Федр Кузьмич** — 1891 йили туғилган, Преображенка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қулоқлар қўзғолонининг иштирокчиси, қатағондан яшириниб юрган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**15. Екимов Поликарп Карпович** — 1901 йили туғилган, Преображенка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қулоқлар қўзғолонининг фаол иштирокчиси, қатағондан яшириниб юрган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**16. Абдеев Иван Яковлович** — 1880 йили туғилган, Преображенка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қулоқлар қўзғолонининг фаол иштирокчиси, судланган, жазо муддатини ўтамай қочиб кетган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**17. Паршин Еремей Родионович** — 1871 йили туғилган, Преобреженка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қулоқлар қўзғолонининг фаол иштирокчиси, судланган, жазо муддатини ўтамай қочиб кетган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**18. Власов Стёпан Абросомович** — 1894 йили туғилган, Преобреженка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қўзғолоннинг фаол иштирокчиси, судланган, жазо муддатини ўтамай қочиб кетган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйиилган.

**19. Шлепов Ипатий Петрович** 1889 йили туғилган, Преобреженка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қулоқлар қўзғолонининг фаол иштирокчиси, қатағондан яшириниб юрган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**20. Герасин-Бордунов Яков Парфенович** — 1904 йили туғилган, Преобреженка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қулоқлар қўзғолонининг иштирокчиси, қатағондан яшириниб юрган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**21. Малаев Николай Степанович** — 1895 йили туғилган, Свердлов Кумляк қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳда бўлиб исёнчилик характердаги масалалар муҳокама этилган аксилинқилобий йиғинларда доимий равишда иштирок этганликда миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**22. Власов Крилл Абросимович** — 1886 йили туғилган, Преобреженка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қулоқлар қўзғолонининг иштирокчиси, қатағондан яшириниб юрган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**23. Власов Василий Абросимович** 1889 йили туғилган, Преобреженка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қулоқлар қўзғолонининг иштирокчиси, қатағондан яшириниб юрган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**24. Герасин Бордунов Филипп Парфенович** — 1899 йили туғил-

ган, Преображенка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қулоқлар қўзғолонининг иштирокчиси, қатағондан яшириниб юрган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**25. Бордунов-Чукаев Иван Семенович** — 1896 йили туғилган, Преображенка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**26. Федосеев Иван Фомич** — 1906 йили туғилган, Преображенка қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

*Бухоро сектори тақдим қилган 2242-сонли иш бўйича 2 киши отувга ҳукм қилинган:*

**1. Чубаров Петр Мартинович** — 1880 йили туғилган, Майкоп райони Вжебухабель овулидан, қулоқ, собиқ савдогарлардан, собиқ оқлар жазочиси, ҳибсга олингунга қадар қурувчи. Аксилинқилобий гуруҳ аъзоси, аксилинқилобий йиғинларда қатнашганликда, уларда троцкийчи мавжуд тузумга қарши қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

**2. Казимиров Арсений Васильевич** — 1895 йили туғилган, Кронштад шаҳридан, оқ гвардиячи, аксилинқилобий Савинков раҳбарлигидаги "Миллий Марказ" ва "Ватан ва эрк ҳимоя қилиш союзи"да бўлган. Аксилинқилобий гуруҳ аъзоси сифатида троцкийчи тарғибот олиб борилган йиғинларда иштирок этганликда, мавжуд тузумга қарши қаратилган гаплар айтганликда айбланган.

*Бухоро сектори тақдим қилган 2269-сонли иш бўйича 3 киши отувга ҳукм қилинган:*

**1. Матаев Хўжақул** — 1905 йилии туғилган, Конимех райони Ойдинбулоқ қишлоғидан, йирик бойнинг ўғли, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Афғонистон чегарисидан СССРга бир неча бор чегарани бузиб ўтганликда, колхозлар ва совхозлардаги аҳвол тўғрисида маълумотлар тўплаганликда, Афғонистондаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

**2. Ўтеченов Кутемурод** — 1892 йили туғилган, Конимех райони Меншукур қишлоғидан, бойнинг ўғли, судланган, аниқ машғулотга эга эмас. Бунга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**3. Ҳамзаев Жиембой** (Жиянбой бўлса керак — *Р.Ш.*) 1883 йили туғилган, Конимех райони Янгиғазғон қишлоғидан, ҳибсга олингунга қадар совхоз базасида ишлаган. Уйида Афғонистондан яширин келадиганлар учун жой ажратиб, уларни ўзида яширин сақлаганликда, уларга ҳар жиҳатдан кўмаклашганликда айбланган.

*Бухоро сектори тақдим қилган 2444-сонли иш бўйича 3 киши отувга ва 1 киши (Муродов Зоир) 10 йил меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм қилинган:*

**1. Юсупов Икром** — 1872 йили туғилган, Когон райони Каттақўрғон қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимиятини дискредитация қилишга қаратилган иғво миш-мишлар тарқатганликда, колхозда зараркунанда-кўпорувчилик билан шуғулланганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2. Баҳромов Ҳасан** — 1907 йили туғилган, Когон райони Каттақўрғон қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олингунга қадар колхозда ишлаган. У ҳам юқоридагича айбланган.

**3. Саломов Фатулла** (Фатхулла бўлса керак — *Р.Ш.*) — 1889 йили туғилган, Бухоро райони Шервон қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Унга ҳам юқоридаги айблар қўйилган.

**4. Муродов Зоир** — 1912 йили туғилган, Когон райони Каттақўрғон қишлоғидан, қулоқлардан, ҳибсга олингунга қадар қишлоқ матбуотида магазин мудири. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

**Алиев Ғулом** — Бухоро сектори тақдим қилган 2442-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1893 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ савдогар, судланган, жазо муддатини ўтаган. Атрофидагилар орасида доимий равишда партия ва ҳукуматни дискредитация қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, "Миллий иттиҳод" миллатчи ташкилот билан алоқада бўлганликда айбланган.

**Иноятов Судахон** — Бухоро сектори тақдим қилган 2297-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1877 йили туғилган, Ромитан райони Миришкор қишлоғидан, диний хизматчи, эшон. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, тез орада ҳукуматда ўзгариш бўлиши тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Зокиров Собир** — Бухоро сектори тақдим қилган 2409-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм қилинган, муддат 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. 1902 йили туғилган, Свердлов райони Манкири қишлоғидан, диний хизматчи, имом. Колхозчилар орасида совет ҳокимиятини дискредитация қилишга қаратилган тарғибот олиб борганликда, очлик ва уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Саидмуродов Устанур** — Бухоро сектори тақдим қилган 2339-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1878 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, Бухоро Халқ совет республикасининг собиқ Молия вазири, ўтмишда миллатчи, аксилинқилобий "Шўрои Ислом" ташкилотининг аъзоси бўлган, сўнгги вақтларгача миллатчи, аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси бўлган. "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси сифатида унинг раҳбарлари билан алоқада бўлганликда ва ташкилотнинг алоқалар бўйича топшириғини бажариб турганликда айбланган.

**Жўраев Ҳожимурод** — Бухоро сектори тақдим қилган 2342-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1873 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган. Атрофидагилар орасида СССРдаги очлик тўғрисида иғво, аксилинқилобий миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Илев Ботир** — Бухоро сектори тақдим қилган 5509-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1905 йили туғилган, Когон райони Хўжаякшанба қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо



www.ziyouz.com kutubxonasi

муддатини ўтамай қочиб келган, ҳибсга олингунга қадар колхозчи. Колхоздалигида пахтачилик бўйича зараркунандалик қилганликда, колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Қамариддинов Бахриддин** — Бухоро сектори тақдим қилган 2337-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1874 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, руҳоний, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар маълум машғулоти бўлмаган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий, провикацион тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Назаров Саид Мулла** — Бухоро сектори тақдим қилган 2397-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1888 йили туғилган, Туркманистон ССР Чоржўй райони Удей қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, эшон, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик ва бузғунчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Ципаловск-Петров Всеволод Яковлевич** — Бухоро сектори тақдим қилган 2343-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1909 йили туғилган, Киев шаҳридан, Полшага қочиб кетиб черковда хизмат қилаётган, чор армияси полковнигининг ўғли, ҳибсга олингунга қадар техник-чизмакор бўлиб ишлаган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочиб кетган. Атрофидагилар орасида совет ҳокимиятини дискредитация қилишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Каттаев Турсун** — Бухоро сектори тақдим қилган 2410-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1874 йили туғилган, Свердлов райони Алили қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, ҳибсга олингунга қадар машғулоти аниқ эмас. Атрофидагилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, уруш тўғрисида бузғунчи миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**Назаров Очил** — Бухоро сектори тақдим қилган 2433-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1882 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ қулоқ, савдогар, ўтмишда амир амалдори, қулоққа тортилган, аксилинқилобий, миллатчи “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси сифатида аҳоли орасида миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Очилов Эргаш** — Бухоро сектори тақдим қилган 2414-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган, 1887 йили туғилган, Хумин қишлоқ совети Хумин қишлоғидан, собиқ савдогар, жиноятчи, от ўғриси, ҳибсга олингунга қадар пахта пунктида ишчи. Колхозчилар орасида пахта экиш ва пахтага ишлов беришга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Раҳматов Шариф** — Бухоро сектори тақдим қилган 2886-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилинган. 1876 йили туғилган, Когон райони Чардакулди қишлоғидан, собиқ амир амалдорларидан, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши ва аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

Юқоридаги 110 та ҳукм “Учлик” аъзолари Апресян, Сегизбоев, Яковлев ва республика прокурори Шейндлин ҳамда ЎзССР



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси 8-бўлим бошлиғи, Давлат Хавфсизлиги лейтенанти Яковлевлар томонидан имзоланган. Ўша 14 октябрдаги йиғилиш мазмуни акс эттирилган. 24-сонли баённомада қайд қилинишича, 182 киши отувга, 7 киши 8 ва 10 йилдан меҳнат тузатув лагери қамоғига, фақат 1 кишини қамоқдан бўшатишга ҳукм қилинган. Бу қатағон қилинганларнинг ижтимоий таркибида 101 собиқ қулоқ, 3 ўрта ҳол, 30 имом, эшон, қори, домлалар, 3 ишчи, 33 хизматчи, раҳбар ходимлар бўлганлиги маълум бўлди. Бу қатағон қилинганларнинг маълум қисми ўтмишда босмачилик ҳаракатида иштирок этганлар. Шунингдек, уларнинг айримлари аввалдан "Шўрои Исломия", "Миллий иттиҳод", "Мусулмонлар совети", "Миллий Истиқлол", "Иттиҳодий ва тараққий", ВКП(б), эсерлар партияси кабиларга мансуб бўлганлиги юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибди. Уларнинг миллий таркиби эса аксарият маҳаллий миллат вакилларидан иборат бўлган.

## 25-баённома. 1937 йил 19 октябр

*"Учлик" (Апресян, Яковлев, Сегизбоев) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган:*

*ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Бухоро сектори тақдим қилган 2236-сонли иш бўйича "Учлик" 20 нафар маҳбусни отувга, 5 нафар маҳбусни 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилган. Отувга ҳукм қилинганлар қуйидагилар эди:*

**Шарофов Жалол Ҳожи** – 1885 йили туғилган, Ромитан райони Хаса қишлоғидан, собиқ босмачилик ҳаракати иштирокчиси, диний маросимлар хизматчиси, эшон. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борган, колхозчиларни пахтага ўт қўйишга ва ем-хашакни йўқ қилишга даъват қилган айби қўйилган.

**Шарипов Қори Соли** – 1876 йили туғилган, Вобкент райони Пишкул қишлоғидан, собиқ савдогар, диний маросимлар хизматчиси, хатиб, қори. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳга кириб олиб, унинг яширин йиғилишларида иштирок этганликда, колхозчилар орасида исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**Шермуҳаммедов Нурмуҳаммад** – 1872 йили туғилган, Пушки (Афғонистон) қишлоғидан, СССРда 1917 йилдан яшаган, "қаландарлик" билан машғул бўлган, аҳоли орасида авлиё, шайх ҳисобланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳга кириб олиб қишлоқма-қишлоқ юриб мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**Хўжаев Исоқ (Хўжаев Исо** деб ҳам юритилган) – 1902 йили туғилган, Эски Бухоро райони Узагар қишлоғидан, руҳонийнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳда бўлиб унинг нолегал йиғин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларида қатнашганликда, исёнкорлик характеридаги ишларни кучайтириш, Афғонистон билан алоқа ўрнатиш вазифасини ўз зиммасига олганликда айбланган.

**Турдиев Турсун** – 1892 йили туғилган, Вобкент райони Пешку қишлоғидан, собиқ савдогар, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, жиноий ишлар учун партиядан ўчирилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилйнқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳга аъзо бўлиб, унинг йиғинларида иштирок этганликда, уйини нолегал йиғинлар ўтказиш учун тақдим қилганликда айбланган.

**Каримов Файзи** – 1901 йили туғилган, Вобкент райони Пешку қишлоғидан, 1923 йили босқинчилик қилгани учун қамоққа олинган, қамоқдан босмачилар озод қилган, 1935 йил 1 йил мажбурий меҳнатга ҳукм этилган, ВКП(б)га собиқ номзод, 1935 йили тозаловда партияга ҳайрихоҳлик мақомига ўтказилган, ҳибсга олинган вақтда пахта пунктида ўт ўчирувчи бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳ аъзоси, унинг яширин йиғинларида иштирок этганликда, пахтага ўт қўйиш тўғрисида вазифа олганликда айбланган.

**Қодиров Фармон** — 1905 йили туғилган, Вобкент райони Губкаляк қишлоғидан, амир амалдорлари оиласидан, "қоровулбеги" бўлган, 1937 йили ҳайвонларни сўйиб юборганликда айбланиб жавобгарликка тортилган, ҳибсга олинган вақтда пахта пунктида ўт ўчирувчи бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳга аъзоликда, унинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, колхозга қарши тарғибот олиб бориш ва пахтага ўт қўйишни амалга ошириш топшириғини олганликда айбланган.

**Жумаев Зариф** — 1914 йили туғилган, Вобкент райони Пешку қишлоғидан, савдогар оиласидан, босмачилик даврида босмачиларга кўмак берган, 1935 йили колхоздан чиқарилган, ҳибсга олинган вақтда "Союзпушнин"да қоровул бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи ташкилотга аъзоликда, унинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, ишончли шахсларни аксилинқилобий гуруҳга тортиш ва қуролли қўзғолон тайёрлаш учун топшириқ олганликда айбланган.

**Рашидов Розиқ** — 1897 йили туғилган, Вобкент райони Пешку қишлоғидан, 1923 йили ўлимга олиб келган босқинчилиги учун қамалган, бироқ босмачилар томонидан бўшатилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳга аъзоликда, унинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, аксилинқилобчи, исёнчи ходимларни жалб этиш бўйича тайёргарлик иш олиб борганликда айбланган.

**Азимов Ато** — 1909 йили туғилган, Вобкент райони Пешку қишлоғидан, савдогар оиласидан, 1933 йили мансабдорликдаги жиноий иш учун 1 йилга мажбурий меҳнатга ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда пахта пунктида ўт ўчирувчи бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳга аъзо бўлиб, йиғинларда қатнашиб колхозга қарши тарғибот олиб бориш ва пахтага ўт қўйишни амалга ошириш тўғрисида топшириқ олганликда айбланган.

**Нуров Ражаб** — 1879 йили туғилган, Вобкент райони Пешку


www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоғидан, ҳибсга олинганида аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳга аъзо бўлиб, яширин йиғинларда иштирок этганликда, гуруҳ топшириғи бўйича тарғибот олиб борганликда ва "Мусулмонобод" ҳукуматини тиклаш тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган.

**Магрумов Файзи** — 1910 йили туғилган, Вобкент райони Пешку қишлоғидан, савдогар оиласидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳга аъзо бўлиб, яширин аксилинқилобий йиғинларда қатнашганликда, гуруҳ топшириғи бўйича колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Холов Бек** — 1877 йили туғилган, Вобкент райони Пешку қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар колхозда ишлаган. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳга аъзо бўлиб, яширин йиғинларда иштирок этганликда, гуруҳ топшириғи бўйича колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Сагдуллаев (Саъдуллаев** бўлса керак — *Р.Ш.*) **Турди** — 1900 йили туғилган, Вобкент райони Пешку қишлоғидан, 1927 йили қотилликда гумон қилиниб қамоққа олинган, 1936 йили колхозчиларни талагани учун қамоққа олинган, ҳибсга олинганида колхоз аъзоси бўлган. Жиноятчилар гуруҳини бошқарганликда, аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳ топшириғи бўйича фаолларни ўлдиришни тайёрлаганликда ва қуроллар бор омборни талаганликда айбланган.

**Умаров Пўлат** — 1881 йили туғилган, Вобкент райони Ниёзхўжа қишлоғидан, собиқ савдогар, босқинчилик учун 1936 йили қамалган, ҳибсга олинганда колхоз аъзоси бўлган. Жиноятчи сифатида аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳнинг пахтага ўт қўйиш ва қурол сақланаётган омборни босиб олиш тўғрисида топшириқ олганликда айбланган.

**Бобониёзов Ширин** — 1811 йили туғилган, Вобкент райони Калясанг қишлоғидан, савдогар оиласидан, ҳибсга олинган вақтда пахта пунктида ишлаётган бўлган. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб нолегал йиғинларда қатнашганликда, гуруҳ топшириғи бўйича колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

**Жабборов Кели Жўрақул** — 1901 йили туғилган, Вобкент райони Калясанг қишлоғидан, босмачилик ҳаракатининг қатнашчиси 1932 йили колхоз раисини ўлдирганликда гумон қилиниб қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда пахта пунктида аравакашлик қилган. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳга аъзо бўлиб яширин йиғинларда иштирок этиб, гуруҳ топшириғи бўйича пахта ва ем-ҳашак омборларини ёндириб юборишни тайёрлаш тўғрисида топшириқ олганликда айбланган.

*Қуйидаги маҳбуслар 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинганлар:*

**Бобокалонов Домулло Аҳмад** — 1859 йили туғилган, Бауман (Шофрикон) райони Чукурак қишлоғидан, 1920 йили қуролли

қўзғолонда қатнашган, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган, диний маросимлар хизматчиси, имом. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда айбланган. Жазо муддати 1937 йил 1 июндан ҳисобланган.

**Пирниёзов Қурбон Халфа** — 1858 йили туғилган, Ромитан райони Муссача қишлоғидан, қулоққа тортилган, сув ўғирлагани учун 1933 йили қамоққа олинган, диний маросимлар хизматчиси, халфа. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, нолегал йиғинларда қатнашганликда айбланган. Жазо муддати 1937 йил 13 июлдан ҳисобланган.

**Раҳимов Қори Умар** — 1858 йили туғилган, Ромитан райони Гултушак Қўрғон қишлоғидан, собиқ қулоқ, диний маросимлар хизматчиси, эшон. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб яширин йиғинларда иштирок этганликда, қуролли қўзғолонни тайёрлаш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётганда иштирок этганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 13 июлдан ҳисобланган.

**Пўлатов Пирниёз** — 1909 йили туғилган, Вобкент райони Қоровулқиё қишлоғидан, 1933 йили камомад қилгани учун 1 йил мажбурий меҳнатга ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда пахта пунктида ишчи бўлган. Аксилинқилобий, миллатчи, исёнчи гуруҳ билан алоқада бўлиб яширин йиғинларда иштирок этганликда айбланган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси 4-бўлими тақдим қилган 4544-сонли иш бўйича **Хўжаниёзов Тўлаган** (1883 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, эсерлар партияси аъзоси, 1919 йил Тошкентда Осипов қўзғолонида иштирок этган) 1925 йили ўғирлик ва камомад учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. "Миллий иттиҳод" ва "Миллий Истиқлол" миллатчи, аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлиб доимий равишда аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчи тарғибот олиб борганликда, "Равнақул-Ислом" номи остида ўзи ёзган аксилинқилобий, миллатчи шеърлар ўқиганликда айбланган.

Ўша 4-бўлим тақдим қилган 4663-сонли иш бўйича **Бобоев Юсуф** (1898 йили туғилган, Эроннинг Зиндижон шаҳридан, 1918—1919 йиллари аксилинқилобий, миллатчи "Муссават" ташкилотининг аъзоси, Боку шаҳридаги муссаватчилар ҳукумати ҳузуридаги жазо органларида ишлаган, 1919 йили Эронга муҳожир бўлиб келган ва 1922 йили нолегал СССР томонига ўтган. 1922 йилдан 1924 йилгача устахонага эга бўлиб ёлланма меҳнатдан фойдаланган, 1924 йилдан 1926 йилгача миллатчи, аксилинқилобий "Адолат" ташкилоти аъзоси бўлган, ҳибсга олинган вақтда Эрон-Озарбайжон мактаби мудири бўлиб ишлаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, хотин-қизлар озодлигига қарши фикр билдирганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Ўша 4-бўлим тақдим қилган 4692-сонли иш бўйича **Маҳмудов**



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Аҳмаджон** (1886 йили туғилган, Қозоғистон ССР Сайрам райони Сайрам қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, ҳибсга олингунга қадар ғишт заводида мироб) отувга ҳукм этилган. Ишчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган тарғибот олиб борганликда, халқ доҳийси шаънига бўҳтон гаплар айтганликда, вазифасига зараркунандалик муносабатда бўлганликда, заводни сув олдирганликда айбланган.

Ўша 4-бўлим тақдим қилган 5235-сонли иш бўйича **Ғасанов Искандар Гажи Али ўғли** (1897 йили туғилган, Озарбайжон ССР Ленкарана шаҳридан, собиқ савдогар, 1927 йили аксилинқилобий фаолияти учун 8 йил қамоққа ҳукм қилинган, аксилинқилобий, миллатчи, муссаватчилар армиясида хизмат қилган ва муссаватчилар партияси аъзоси бўлган, ҳибсга олинган вақтда сотувчи-буфетчи бўлиб ишлаган) отувга ҳукм қилинган. Лагердан бўшатилгандан кейин муссаватчиларнинг аксилинқилобий яширин Марказий Комитети аъзолари билан доимий равишда алоқада бўлиб, партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

Ўша 4-бўлим тақдим қилган 5243-сонли иш бўйича **Мамиев Зиёд Рустам ўғли** (1900 йили туғилган, Арманистон ССР Зенгузур райони Қоракелис қишлоғидан. Озарбайжон ССРдаги Муссаватчилар ҳукумати ҳузурида уезд бошлиғи котиби бўлиб хизмат қилган, аксилинқилобий муссаватчилар партиясининг аъзоси. 1924 йилдан 1935 йилгача ВКП(б) аъзоси, тозаловда ўчирилган. 1935 йили партия ҳужжатларини текшириш бўйича парткомиссия аъзосига террорчилик қилишга уринганлиги учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган. Аксилинқилобий иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Жиззах район бўлими тақдим этган 5115-сонли иш бўйича **Маматқулов Эшназар** (1897 йили туғилган, Жиззах район Авоб қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили босмачилик фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, халқлар доҳийси шаънига туҳмат гаплар айтганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 4885-сонли иш бўйича **Ғофуров Бобоқори** (1890 йили туғилган, Тожикистон ССР Ленинобод райони Ўнчжи қишлоғидан, полициячининг ўғли, диний маросимлар хизматчиси, имом, қори) отувга ҳукм қилинган. Аксилинқилобий "Шўрои Ислом" ташкилотининг аъзоси бўлиб доимий равишда аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5109-сонли иш бўйича **Эгамбердиев Тўра** (1889 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда якка хўжалик)


www.ziyouz.com kutubxonasi

**отувга** ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 4883-сонли иш бўйича **Раҳматов Ўрол** (1869 йили туғилган, Жиззах райони Қўшбармоқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, шариат қозиси, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, 1919 йилдан "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси, имом) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5126-сонли иш бўйича **Хидиров Жўрабой** (1875 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, қулоққа тортилган, 1928 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган. 1933 йили яна аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 4889-сонли иш бўйича **Ҳамидов Одил Қори** (1872 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, диний маросимлар хизматчиси, имом) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, хотин-қизлар озодлигига қарши гапирганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5119-сонли иш бўйича **Холбеков Мамат** (ҳужжатда **Қалбеков** дейилган) (1892 йили туғилган, Жиззах райони Қорасирак қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга қамоққа ҳукм этилган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5129-сонли иш бўйича **Ёқубов Мулла Юсуп** (1870 йили туғилган, Жиззах райони Чўлмуркарлик қишлоғидан, "Шўрои Ислом" аксилинқилобий ташкилотининг 1919 йилдан аъзоси. Аксилинқилобий фаолияти учун 1919 йил ва 1932 йил ҳамда 1933 йиллари қамоққа олинган, диний маросимлар хизматчиси, имом) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5124-сонли иш бўйича **Халилов Фозил** (1877 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, қулоққа тортилган, 1934 йили пахта майдонларида заракунандалик қилгани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 4882-сонли иш бўйича **Холмуродов Мулла Алибой** (1887 йили туғилган, Жиззах райони Қорасирак қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили аксил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

инқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, хотин-қизлар озод қилинишига қарши фикр билдирганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 4888-сонли иш бўйича **Бобожонов Мулла Эгамберди** (1889 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, диний маросимлар хизматчиси, имом) отувга ҳукм қилинган. Аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ва "Шўрои Ислом" ташкилотларининг аъзоси, аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, фашистик тузумни мақтаганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5133-сонли иш бўйича **Ҳамдамов Абдулла** (1907 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, 1916 йилги Жиззах қўзғолони вақтида ўлдирилган чор подшоси собиқ мансабдорининг ўғли, 1922 йилдан 1933 йилгача ВЛКСМ аъзоси, жавобгарликка тортилиши муносабати билан ўчирилган, аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийси шаънига террорчилик мақсадларини айтганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5114-сонли иш бўйича **Асадов Эргаш** (1892 йили туғилган, Жиззах райони Учқиз қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили антисовет фаолияти учун 8 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5102-сонли иш бўйича **Аҳмедов Абдулла** (1892 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, йирик савдогарнинг ўғли, аксилинқилобий фаолияти учун 1933—1934 йиллари қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда театр хўжалиги мудири бўлиб ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 17 августдан ҳисобланган. "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий миллатчи ташкилотининг аъзоси бўлиб аҳоли орасида аксилинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5103-сонли иш бўйича **Низомиддинов Эсон** (1891 йили туғилган, Ленин райони Қистақўз қишлоғидан, қулоққа тортилган, диний хизматчи, имом) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, партия раҳбарлари шаънига террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5110-сонли иш бўйича **Раҳмонқулов Рашид** (1881 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, қулоққа тортилган, 1929 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган. 1932 йили тарғиботи учун 3 йил



www.ziyouz.com kutubxonasi

қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда якка хўжалик) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ доҳийси шаънига туҳмат фикрлар билдирганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5111-сонли иш бўйича **Ашуров Сулаймон** (1870 йили туғилган, Жиззах район Умар қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм қилинган, муддатни ўтамай қочган, 1934 йили 2 марта 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5104-сонли иш бўйича **Абдуқодиров Саъдулла** (1903 йили туғилган, Жиззах райони Нансангил қишлоғидан, собиқ волост оқсоқолининг ўғли, 1927 йили босқинчилик учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, 1931 йили босмачилик фаолияти учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5108-сонли иш бўйича **Эсонов Жўра** (1901 йили туғилган, Жиззах райони Нансангил қишлоғидан, қулоққа тортилган оиласидан, 1931 йили босмачиликдаги иштироки учун 10 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда якка хўжалик) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, террорчилик тарғиботи олиб борганликда, айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим этган 5121-сонли иш бўйича **Жўраев Абдурахмон** (1904 йили туғилган, Жиззах район Умар қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, конституция тўғрисида туҳмат фикрлар билдирганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5106-сонли иш бўйича **Турдиев Мулла Тўра** (1879 йили туғилган, Жиззах райони Уваб қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом) отувга ҳукм қилинган. Колхоз аъзолари орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват қилганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 4884-сонли иш бўйича **Мамашев Носир** (1887 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, собиқ полиция хизматчиси, ВКП(б)да бўлган 1918 йили ижтимоий ёт унсур сифатида партиядан ўчирилган, 1918 йили аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий ташкилот аъзоси, 1932 йили босмачиликдаги иштироки учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим этган 5118-сонли иш бўйича **Султонбоев Аҳмад** (1893 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, 1933 йили босмачилик учун судланган, 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқлар доҳийси шаънига туҳмат фикрлар айтганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим этган 5105-сонли иш бўйича **Абдурахмонов Абдуқосим** (1896 йили туғилган, Жиззах райони Айритош қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5112-сонли иш бўйича **Носирбоев Аҳмаджон** (1884 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, собиқ савдогар, аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган, 7 ой ҳибсда бўлган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 5113-сонли иш бўйича **Қурбонов Мамадали** (1879 йили туғилган, Жиззах райони Тул қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1929 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда якка хўжалик) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

*Жиззах район бўлими тақдим қилган 5120-сонли иш бўйича қуйидаги 6 нафар маҳбус отувга, 1 нафар маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига, 1 нафар маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинганлар:*

1. **Қаршибоев Темур** — 1895 йили туғилган, Жиззах райони Ҳасанкаба қишлоғидан, 1931 йили босмачилик фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ ташкилотчиси бўлиб, аҳоли орасида исёнчилик ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Мирзаев Ҳасан** — 1896 йили туғилган, Жиззах райони Кулямкали қишлоғидан, амир мансабдорининг ўғли, 1922 йили босмачиликдаги иштироки учун 4 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб нолегал йиғинларда қатнашганликда, исёнчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3. **Элмуродов Шайзак** — 1903 йили туғилган, Жиззах райони



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳасанкаба қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачиларга кўмак берган, ҳибсга олинган вақтда колхоз раиси ўринбосари бўлган. Аксилинқилобий гуруҳ аъзоси бўлиб нолегал йиғинларда қуролланган милиционерлар ва масъул ходимларни ўлдириш йўли билан гуруҳни қуроллантириш тўғрисида таклиф киритганликда айбланган.

**4. Соибов Ҳасан** — 1894 йили туғилган, Жиззах райони Кулямкали қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачиликка воситачилик қилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз омборининг мудири бўлган. Аксилинқилобий гуруҳ аъзоси бўлиб, нолегал йиғинларда қатнашганликда, колхозни қулатиш мақсадида, мағлубиятчилик тарғиботи ўтказиш тўғрисида гуруҳнинг топшириғини олганликда айбланган.

**5. Тожибоев Мамаюсуп** — 1895 йили туғилган, Жиззах райони Кулямкали қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1934 йили аксилинқилобий фаолияти учун судланган, 3 йилга қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз фермаси мудири бўлган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг аъзоси бўлиб нолегал йиғинларда иштирок этиб фаоллар устидан террорчилик актини ўтказиш таклифини киритганликда айбланган.

**6. Рисқулов Тўхта** — 1880 йили туғилган, Жиззах райони Кулямкали қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачиликнинг кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб нолегал йиғинларда қатнашиб милиционерлар ва масъул ходимларни қуролсизлантиришга тайёргарлик кўриш тўғрисида топшириқ олганликда айбланган.

**7. Абдуллаев Бегимқул** — 1913 йили туғилган, Жиззах райони Кулямкали қишлоғидан, йирик бойнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда якка хўжалик бўлган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳга кириб олиб нолегал йиғинларда қатнашганликда, қуролланган милиционерлар ва масъул ходимларни ўлдиришни тайёрлаш тўғрисида мажбурият олганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган.

**8. Турсунов Абдусаттор** — 1901 йили туғилган, Жиззах райони Кулямкали қишлоғидан, колхоз мулкини ўғирлагани учун 2 марта колхоздан чиқарилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 7 сентябрдан ҳисобланган.

*Жиззах район бўлими тақдим қилган 5101-сонли иш бўйича 6 нафар маҳбус отувга, 1 нафар киши 10 йил ва 1 киши 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Қуйидагилар отувга ҳукм қилинган:*

**1. Кулчироев Эсон Полвон** — 1879 йили туғилган, Жиззах район Нанисангил қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 4 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ ташкилотчиси бўлиб, совет ҳокимиятини қуролли йўл билан ағдариш вазифалари қўйилган нолегал йиғилишларда иштирок этганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**2. Неъматов Камолхон Эшон** — 1897 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, диний маросимлар хизматчиси, эшон. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ аъзоси, нолегал йиғинларда қатнашиб, босмачилар гуруҳи ташкил этиш тўғрисида таклиф киритганликда айбланган.

**3. Туропов Худойберди** — 1897 йили туғилган, Жиззах районн Нанисангил қишлоғидан, руҳоний, имом оиласидан, ҳибсга олинганида колхоз омбори мудири бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб нолегал йиғилишларда қатнашиб совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бориш, фақат қуролли йўл билан бўлиши керак деган таклиф киритганликда айбланган.

**4. Саримсоқов Мамашариф** — 1878 йили туғилган, Жиззах райони Нанисангил қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачиликка кўмак берган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб нолегал йиғинларда қатнашиб исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**5. Йўлдошев Шермат** — 1897 йили туғилган, Жиззах райони Нанисангил қишлоғидан, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, ёт унсур билан алоқада бўлганлиги учун партиядан ўчирилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, нолегал йиғинларда қатнашганликда айбланган.

**6. Аҳмедов Усмон** — 1894 йили туғилган, Жиззах райони Нанисангил қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб, нолегал йиғинларда қатнашганликда, босмачилар тўдаси ташкил қилиш тўғрисида таклиф киритганликда айбланган.

**7. Холиқов Ибурт** — 1892 йили туғилган, Жиззах райони Нанисангил қишлоғидан, 1934 йили камомад қилгани ва пишиб етилмаган .арпани зараркунандалик билан йиғиштириб олгани учун қамоққа олинган, ҳибсга олинган пайтда колхозчи. Аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғинларида қатнашгани ва одамларни ёллаб босмачилар тўдасини шакллантириш тўғрисида топшириқ олгани учун 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган.

**8. Каримов Мамашукур** — 1897 йили туғилган, Жиззах райони Нанисангил қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда магазин мудири бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ йиғинларида қатнашгани ва ўз уйини йиғин ўтказиш учун бергани ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб боргани учун 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 12 августдан ҳисобланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 4887-сонли иш бўйича **Ликов Иван Николаевич** (у айни пайтда **Пивоваров Михаил Иванович** ҳам) (1906 йили туғилган, Саратов ўлкаси Балашов районидан, ўғирлик учун судланган, 10 йил қамоққа ҳукм қилинган, муддатни ўтамай қочиб келган, ҳибсга олинганида машғулоти аниқ бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан қочиб келиб доимий

равишда поездларда ўғирлик билан шуғулланганликда, бошқа бировнинг Пивоваров паспорти бўйича яшаганликда, Костя деган ўғрилик лақабига эга бўлганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 4890-сонли иш бўйича **Гаршков Петр Иванович** (Куйбишев ўлкаси Мелекес шаҳридан, 1918 йилдан 1920 йилгача Колчакнинг армиясида хизмат қилган, 1920 йили Хитойга кетган, у ердан 1936 йилгача яшаган, 1926 йили Хитой полицияси қамоққа олган, ҳибсга олинган вақтда касалхонада хўжалик мудири бўлиб ишлаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, фашистларни мақтаганликда, Жиззахда жойларни, корхоналарни суратга олиб, негативларини хорижга юборганликда айбланган.

Жиззах район бўлими тақдим қилган 4892-сонли иш бўйича **Валихўжаев Турсун** (1900 йили туғилган, Жиззах шаҳридан, руҳоний, эшон оиласидан, ўзи савдогар, аксилинқилобий "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, 1926 йилдан ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, 1937 йили "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида партиядан ўчирилган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий миллатчи ташкилот аъзоси, шу ташкилот топшириғи бўйича 1922 йили милицияга ишга кириб олиб босмачиларга қурол ва маълумотлар бериб турганликда, аҳоли орасида миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси 3-бўлим тақдим этган 4478-сонли иш бўйича **Приккау Иван Иванович** (1909 йили туғилган, Украина ССР Днепропетровск райони Глиняное қишлоғидан, миллати-немис, собиқ қулоқнинг ўғли. 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар авторемснобда техник-конструктор бўлиб ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 9 августдан ҳисобланган. Эътиқодли бабтист сифатида немис бабтистларини алоҳида мустақил немис бабтистлар гуруҳини тузиш учун тайёргарлик ишлари олиб борганликда, партия раҳбарлари тўғрисида миш-мишлар ва бўҳтонлар тарқатганликда айбланган.

Ўша 3-бўлим тақдим қилган 4291-сонли иш бўйича **Кельблер Генрих Николаевич** (1879 йили туғилган, Тонкошуровка қишлоғидан, миллати ўзбек, 1921 йили аксилинқилобий қулоқлар қўзғолонининг иштирокчиси, ҳибсга олингунга қадар колхозда ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 17 июлдан ҳисобланган. Қўзғолон бостирилгандан сўнг қатағондан беркиниб юриб, аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Ўша 3-бўлим тақдим қилган 4467-сонли иш бўйича **Шмидт Иван Иванович** (1869 йили туғилган, Екатеринославск губернаси Маркупол уезди Люксенбург қишлоғидан, миллати рус, 1934 йилдан пенсионер) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 9 августдан ҳисобланган. Аввалдан аксил-


www.ziyouz.com kutubxonasi

инқилобий фашистик ташкилот билан боғланиб "Фас-Комнаил" жамиятидан почта орқали пул олганликда айбланган.

Ўша 3-бўлим тақдим қилган 4165-сонли иш бўйича **Адамъянц Антон Степанович** (1892 йили туғилган, собиқ Вилен Губернаси Рекути қишлоғидан, миллати-линтовец, 1930 йили ўғирланган нарсани сотиб олгани учун 1.5 йилга қамоққа ҳукм қилинган, бабтистлар сектаси аъзоси, ҳибсга олингунга қадар шаҳар ўт ўчириш устахонасида литейщик бўлиб ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, троцкийчи тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Ўша 3-бўлим тақдим этган 4288-сонли иш бўйича **Малле Георгий Францевич** (1899 йили туғилган, София шаҳридан, миллати-француз, ўзини Франция фуқароси деб ҳисоблайди, аммо буни тасдиқловчи хужжат бўлмаган, 1927 йили жосуслик учун 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазони ўтаган, ҳибсга олинганида машғулоти аниқ бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 22 июлдан ҳисобланган. Лагерлардан бўшагач март ойидан бери ҳеч қаерда ишламаган, Тошкентда Хитой ва Афғонистон консулликлари билан боғланганликда айбланган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги махсус бўлими тақдим қилган 4598-сонли иш бўйича **Беляков Алексей Кузьмич** (1880 йили туғилган, Воронеж области Карагон райони, Керсановка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан қочиб юрган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 10 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

Ўша махсус бўлим тақдим қилган 4602-сонли иш бўйича **Мерихов Федор Иванович** (1880 йили туғилган, Москва области Илихово қишлоғидан, 1935 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга сургун қилинган, собиқ христиан руҳонийси, ҳибсга олинган вақтда сургунда бўлган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 10 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, фашистик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Ўша махсус бўлим тақдим қилган 4601-сонли иш бўйича **Хондошко Григорий Данилович** (1887 йили туғилган, УССР Шестинск райони Прокоповка қишлоғидан, собиқ қулоқ, Владивостокдан 2 марта сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда ҳарбий госпиталда печка ёқувчи бўлиб ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Госпитал хизматчилари орасида аксилинқилобий троцкийчи тарғибот олиб борганликда, айбланган.

*Махсус бўлим тақдим қилган 4600-сонли иш бўйича 2 нафар маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

**1. Замшин Василий Андреевич** — 1870 йили туғилган, Воронеж области Новокалитва райони Оробинск хуторидан, қулоққа тор-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тилган ва сургун қилинган, сургундалигида 1935 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга Қозоғистонга сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда сургунни тамомлаб САВО ҳайвон базаси товуқчилик фермасида қоровул бўлиб ишлаган. Ферма ишчилари орасида тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши фикр билдирганликда айбланган.

2. **Замшина Татьяна Макаровна** — 1871 йили туғилган, Воронеж области Новокалитва районидан Новокалитва қишлоғидан, қулоққа тортилган ва 1929 йили сургун қилинган, сургундалигида 1935 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм қилинган ва сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда сургунни ўтаб САВО ҳайвон базаси товуқчилик фермасида ишлаган. Товуқ фермаси хизматчилари орасида тарғибот олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

*ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги махсус бўлими тақдим қилган 4597-сонли иш бўйича 3 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Висотский Василий Иосифович** — 1892 йили туғилган, Белоруссия ССР Минск шаҳридан, собиқ черков старистаси, аксилинқилобий фаолияти учун 1929 йили 3 йиллик сургунга ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда сургунни ўтаб САВО ҳайвон базасида чўчқачилик фермасида қоровул бўлиб ишлаган. Чўчқачилик фермаси ишчилари орасида тарғибот олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

2. **Кандакова Дария Ивановна** — 1893 йили туғилган, Москва области Чапаев райони Кодушино қишлоғидан, 1935 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда сургунни ўтаб САВО ҳайвон базасида чўчқабоқар бўлиб ишлаган. Ҳайвон фермаси хизматчилари орасида тарғибот олиб борганликда, совет конститутциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

3. **Ларена Мария Станиславовна** — 1887 йили туғилган, Полшанинг Зволен деган жойидан, миллати полячка, 1935 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда сургундан келган ва САВО ҳайвон базасида чўчқабоқар бўлиб ишлаган. Чўчқачилик фермаси ишчилари орасида тарғибот олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 13720-сонли иш бўйича **Румянтев Венсалин Степанович** (1889 йили туғилган, Оренбург шаҳридан, собиқ подполковник, 1909 йилдан 1917 йилгача полиция пристави, ҳибсга олинган вақтда халқ судида архивариуслик қилган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий фашистик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим этган 4149-сонли иш бўйича **Даниш Павел Фридрикович** (1885 йили Фарғона шаҳрида туғилган, миллати-немис, кўмир кони эгасининг ўғли, собиқ оқлар офицери, паручик, 1915 йилдан 1918 йилгача Германияда асирликда

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган, ҳибсга олинган вақтда район молия бўлимида иқтисодчи бўлиб ишлаган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 4148-сонли иш бўйича **Шахлик (Гратовский** деб ҳам айтилган) **Павел Леонидович** (1891 йили Наманган шаҳрида туғилган, собиқ дворян, оқ офицери, 1920 йили Эронга муҳожир бўлиб чиқиб кетган, 1924 йили қайтиб келган, 1924—1934 йиллари қамоқда бўлган, ҳибсга олинган вақтда ҳайдовчи бўлган) отувга ҳукм қилинган. Аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

*Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 4139-сонли иш бўйича қуйидаги 6 нафар маҳбус отувга ҳукм қилинганлар:*

1. **Умаров Юсуф** — 1891 йили туғилган, Фарғона райони Донкўл қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, босмачилик кўмакчиси, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил озодликдан маҳрум қилишга ва 3 йил сургунга ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда Ўзбексаноат новвойхонаси мудири. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Қосимов Ражаб** — 1870 йили туғилган, Фарғона райони Донкўл қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, босмачилик кўмакчиси, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган. 1935 йили 2 марта 3 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатидан олдин бўшатилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий гуруҳга кириб, колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3. **Усмонов Мулла Ашур** — 1877 йили туғилган, Фарғона райони Қақир қишлоғидан, собиқ қулоқ, диний хизматчи, имом, ҳибсга олинган вақтда колхозчи. Аксилинқилобий қулоқлар гуруҳига кириб олиб, колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, нолегал йиғинларда иштирок этганликда айбланган.

4. **Шарипов Мамазиё** — 1900 йили туғилган, Фарғона район Калач қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1934 йили аксилинқилобий фаолияти учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, лагердан муддатидан аввал 1937 йили озод қилинган. Лагерлардан озод қилингандан кейин қулоқлар гуруҳига кириб, колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

5. **Ашуров Турсунбой** — 1874 йили туғилган, Фарғона райони Донкўл қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, 1934 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхоздаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

6. **Валихонов Ғофур** — 1870 йили туғилган, Фарғона райони Авая қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачиликнинг кўмакчиси, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда ветеринария пунктида қоро-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вуллик қилган. Аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 5399-сонли иш бўйича **Тошев Мирзаназар** (1900 йили туғилган, Фарғона райони Арсив қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим этган 13541-сонли иш бўйича **Тошев Машариф** (1892 йили туғилган, Фарғона райони Яйилма қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, босмачилик кўмакчиси, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 13552-сонли иш бўйича **Дадхобеков Муҳитдинбек** (1897 йили туғилган, Фарғона райони Ғиштхона қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда ғишт заводида ўт ёқувчи бўлиб ишлаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар ва завод ишчилари орасида тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийси шаънига туҳматлар билдирганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 13542-сонли иш бўйича **Абдураҳимов Мирзараҳим** (1880 йили туғилган, Фарғона райони Каптархона қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1926 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамалган, турмадан қочган. 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 13550-сонли иш бўйича **Мирзахўжаев Мунаввар** (1878 йили туғилган, Фарғона райони Шоҳимардон қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1929 йили қотилликдаги иштироки учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси, имом) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий иғвогарлик миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

*Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 5400-сонли иш бўйича қуйидаги 5 нафар маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Одинаев Мулла Рўзи** — 1880 йили туғилган, Фарғона райони Ўрта қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, 1931 йили қулоққа тортилган ва аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, босмачиликнинг собиқ кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда колхозда ферма мудири. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, ферма ишларига заракунандалик муносабатда бўлганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**2. Ҳасанов Мулла Қодир** — 1872 йили туғилган, Фарғона районидан, қулоққа тортилган, босмачиликнинг собиқ кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**3. Мирзаев Ғофуржон** — 1894 йили туғилган, Фарғона районидан, собиқ қулоқ, босмачилик кўмакчиси, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 4 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган.

**4. Салимов Мулла Қосим** — 1873 йили туғилган, Фарғона райони Ўрта қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилик кўмакчиси, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм қилинган, диний маросимлар хизматчиси, имом, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган.

**5. Мамаризаев Мамазиё** — 1878 йили туғилган, Фарғона райони Ўрта қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, босмачилик кўмакчиси, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 13547-сонли иш бўйича **Зайнобиддинов Мулла Тожибой** (1875 йили туғилган, Тошлоқ райони Жондал қишлоғидан, қулоққа тортилган, диний маросимлар хизматчиси, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 7 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Сталин конституцияси тўғрисида туҳмат фикрлар билдирганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 4150-сонли иш бўйича **Ёқубов Жунайдуллахон** (1894 йили туғилган, Фарғона райони Ёрмозор қишлоғидан, "Шўрои Ислом" аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлган, диний маросимлар хизматчиси, эшон) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, "Мусулмонобод" ҳукуматини тиклаш ҳақида ташвиқот юргизганликда айбланган.

Ўша иш бўйича **Тўхтасинова Жонгулбиби** (1874 йили туғилган, руҳоний, эшон оиласидан, ҳибсга олинганда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 8 августдан ҳисобланган. Эшон кўрсатмаси билан, диний йиғин ўтказиш ниқобида ўзбек аёлларини тўплаб улар орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 13554-сонли иш бўйича **Мирзахонов Мирзаносир** (1885 йили туғилган, Фарғона райони Ёрмозор қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, ҳибсга олинган вақтда колхозда ҳосилдорлик кенгаши раиси бўлган) отувга ҳукм

www.ziyouz.com kutubxonasi

этилган. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, пахта экишга зараркунандалик қилганликда, халқлар доҳийси шаънига туҳмат фикрлар билдирганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 13553-сонли иш бўйича **Саримсоқов Ҳамрали** (1887 йили туғилган, Олтиариқ райони Водил қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда "Предмет" базасида ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик фикрлар билдирганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 13543-сонли иш бўйича **Сўфибеков Мансурбек** (1906 йили туғилган, Фарғона район Ёрмозор қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1919 йилдан 1924 йилгача босмачиликда йигит, 1930 йилдан 1934 йилгача ВКП(б) аъзоси, ижтимоий келиб чиқишини яширгани учун партиядан ўчирилган. 1937 йили колхознинг 3300 пулини камомад қилгани учун қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 6732-сонли иш бўйича **Погодин Василий Петрович** (1910 йили туғилган, Бошқирдистон АССР Мелеус қишлоғидан, 1923 йили ўғирлик учун 1 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда, фуқарога тажовуз қилиб, уни талаш мақсадида бўғиб ўлдирмоқчи бўлганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 6733-сонли иш бўйича **Митрофонов Павел Федорович** (1906 йили туғилган, Ленинград шаҳридан, 1927 йили ижтимоий хавфли унсур сифатида 3 йил қамоққа ҳукм этилган, 1929 йили қуролли босқинчилик қилгани учун 4 йил қамоққа ҳукм этилган, 1934 йили ижтимоий хавфли унсур сифатида 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, 2 марта лагердан қочган, ҳибсга олинганида аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан бўшаб келганидан сўнг ўғирлик ва қуролли босқинлик билан шуғулланган, жабрланувчиларга тан жароҳати етказганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 6734-сонли иш бўйича **Бувабеков Қурбонбой** (1891 йили туғилган, Фарғона райони Бешбошла қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1931 йили ҳайвон ўғирлагани учун 3,5 йил қамоққа ҳукм этилган, 1934 йили босқинчилиги учун 3,5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан бўшаб келганидан сўнг ҳам жиноятчилар билан боғланиб қулоққа тортишда иштирок этган фаоллардан ўч олиш учун босқинчилик қилганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 6735-сонли иш бўйича **Йўлчибоев Олимжон** (1910 йили туғилган, Фарғона район Жўйдон қишлоғидан, 1933 йили безорилик қилгани учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, 1934 йили эса қуролли босқин қилгани учун 8 йил


www.ziyouz.com kutubxonasi

қамоққа ҳукм этилган, 1935 йили лагердан қочгани ва қуролли босқини учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатни ўтамай қочган, ҳибсга олинганида аниқ машғулоти бўлмаган) **отувга** ҳукм қилинган. Лагерлардан қочиб қуролли босқин билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 6736-сонли иш бўйича **Иванов Николай Николаевич (Шуткин Василий Иванович, Шукин Василий Николаевич, Иванов Василий Васильевич, Дмитрий Василий Иванович** номлар ҳам унинг ўзи) (1913 йили туғилган, Ленинград области Кдецк райони Борулино қишлоғидан, 8 марта судланган, 35 марта ушланган, 8 марта қамоқ жойидан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан қочиб қуролли босқинчилик билан шуғулланиб жабрланувчиларга тан жароҳати етказганликда айбланган.

Фарғона шаҳар бўлими тақдим қилган 1726-сонли иш бўйича **Хўжаев Муҳаммаджон** (1898 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, собиқ савдогар, "Миллий иттиҳод" миллатчи, аксилинқилобий ташкилот аъзоси, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун олий жазога ҳукм этилган, кейин 10 йил қамоқ жазосига ўзгартирилган, ҳибсга олинган вақтда магазинда кассирлик қилган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчи тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик ташвиқоти олиб борганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1635-сонли иш бўйича **Сайфутдинов Сотиболди** (1886 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, савдогарнинг ўғли, 1917—1918 йилларда аксилинқилобий, миллатчи, "Шўрои Ислом" ташкилотининг аъзоси. Қўқон мухторияти ҳукумати даврида қуролли отрядлар ташкил этиш ишларини олиб борган, 1919 йилдан "Миллий иттиҳод"нинг аъзоси. 1927 йили 1 вагон пиллани ноқонуний сотиб юборгани учун 6 йил қамоққа ҳукм этилган, 1936 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ магазини директори) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1579-сонли иш бўйича **Рустамхўжаев Зокирхўжа** (1882 йили туғилган, Қўқон райони Тумор қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, аксилинқилобий шеърлар тарқатганликда айбланган.

Ўша иш бўйича **Рустамхўжаев Содиқхўжа** (1880 йили туғилган, Қўқон райони, Тумор қишлоғидан, собиқ савдогар, диний маросимлар хизматчиси, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1678-сонли иш бўйича **Шокиров Мирзахон Махсум** (1888 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, собиқ савдогар, 1918 йили "Шўрои Ислом" аксилинқилобий,

миллатчи ташкилотнинг аъзоси бўлган, Қўқон мухторият ҳукумати даврида отрядлар ташкил этишда иштирок этган. 1919 йилда аксилинқилобий миллатчи "Тараққийпарвар" ташкилотининг аъзоси, қулоқ қилишдан қочиб кетган, ҳибсга олинган вақтда хаммомда қоровул бўлган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1680-сонли иш бўйича **Бойматов Абдулҳай** (1889 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, қулоққа тортилган, 1930 йили Қашғарга муҳожир бўлиб кетган, у жойда 1933 йилгача яшаган, ҳибсга олинган вақтда район ипакчилиги идорасида сортировкачи бўлиб ишлаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1568-сонли иш бўйича **Абдураҳмонов Маматҳалил** (1890 йили туғилган, Қўқон райони Шайхмозор қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, шайх, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил озодликдан маҳрум этилган ва 2 йилга сургун қилинган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 4 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

*Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1560-сонли иш бўйича 3 нафар маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Каримов Илёс Ҳусанович** — 1878 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Павлов райони Таттумалак қишлоғидан, қулоққа тортилган, сургун қилишдан қочган, ҳибсга олинган вақтда Чуст станциясида экспедитор бўлиб ишлаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, троцкийчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Каримов Абдурашид Мусинович** — 1900 йили туғилган, Куйбишов ўлкаси, Павлов райони, Таттумалак қишлоғидан, қулоққа тортилган, сургун қилинишдан қочган. 1934 йили 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ матлубот жамиятида тери хом-ашёси тайёрловчиси бўлиб ишлаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3. **Каримов Абдушукур Мусинович** — 1906 йили туғилган, Куйбишов ўлкаси, Павлов райони, Таттумалак қишлоғидан, қулоққа тортилган, сургун қилинишдан қочган, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ матлубот жамиятида тери хом-ашёси тайёрловчиси. Аҳоли орасида колхозга қарши аксилинқилобий, троцкийчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4. **Каримов Мусо Ҳусаинович** — 1862 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси, Павлов райони, Таттумалак қишлоғидан, қулоққа тортилган, Шимолий ўлкага сургун қилинган сургун жойидан қочган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган, 10 йил меҳнат


www.ziyouz.com kutubxonasi

тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 1 августдан ҳисобланган. Сургун жойидан қочганликда ва аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим этган 1549-сонли иш бўйича **Матҳалилов Мулла Маткарим** (1884 йили туғилган, Молотов райони, Мирзахўжа қишлоғидан, собиқ босмачи, диний маросимлар хизматчиси, имом) отувга ҳукм қилинган. Диний китобларни ўқиш ва таҳлил қилиш ниқобида тарғибот олиб борганликда, собиқ босмачилардан исёнчи отрядлар ташкил этиш бўйича тайёргарлик иши олиб борганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим этган 1569-сонли иш бўйича **Раҳмонқулов Фармонқул** (1871 йили туғилган, Қўқон райони Ганжиравон қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3,5 йил озодликдан маҳрум қилинган ва 1,5 йилга сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 6 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват қилганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1562-сонли иш бўйича **Сулаймонов Қурбонбой** (1906 йили туғилган, Қўқон райони, Бойбўта қишлоғидан, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган ва сургун қилинган. 1931 йили сургун жойидан қочган, қўлга тушиб сургун жойига олиб борилиб қўйилган, 1933 йили 2 марта қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) **отувга** ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим этган 1564-сонли иш бўйича **Ҳакимов Қораҳожи** (1892 йили туғилган, Қўқон райони, Кўнчибой қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1930 йили босмачилик фаолияти учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатни ўтамай лагердан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1565-сонли иш бўйича **Қўлдошев Абдулла** (1882 йили туғилган, Қўқон райони Бегобод қишлоғидан, қулоққа тортилган ва сургун қилинган, сургун жойидан қочган, ушланиб қайта сургун жойига келтирилган, сургундалигида ўғирлик учун 4 йилга ҳукм қилинган, муддатни ўтамай қочган, босмачилик ҳаракатининг собиқ иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1667-сонли иш бўйича **Аюпов Олимжон** (1885 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, 1935 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамалган, ҳибсга олинган вақтда

www.ziyouz.com kutubxonasi

аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, нолегал равишда имомлик билан шуғулланганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1668-сонли иш бўйича **Аҳмаджонов Ғофуржон** (1872 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, собиқ қулоқ, 1932 йили контрабанда билан шуғуллангани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим этган 1543-сонли иш бўйича **Дубов Сергей Георгеевич** (1897 йил туғилган, Бошқирдистон АССР Бугурислан қишлоғидан, собиқ савдогар, оқлар армиясида хизмат қилган ва Манжурияга эвакувация қилинган, 1920 йили қайтиб келган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Аксилинқилобий унсурлар гуруҳини бошқарганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, нолегал йиғинлар ўтказганликда айбланган.

Ўша 1543-сонли иш бўйича **Дубов Фёдр Георгеевич** (1901 йили туғилган, Бошқирдистон АССР Бугурислан шаҳридан, йирик савдогарнинг ўғли Колчакнинг оқлар армиясида хизмат қилган. 1925 йили РФСФР Жиноят Кодексининг 107 ва 108-моддалари билан 1 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда союз плодовощда ҳисобчи бўлиб ишлаган) отувга ҳукм этилган. Аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Ўша иш бўйича **Дубов Яков Георгеевич** (1903 йили туғилган, Бошқирдистон АССР Бугурислон шаҳридан, собиқ йирик савдогарнинг ўғли, ҳибсга олингунга қадар пахта заводида нормировшик) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 26 апрелдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Ўша иш бўйича **Важев Иван Феодрвич** (1902 йили туғилган, Қозоғистон ССР Кустана шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 майдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, партия ва ҳукумат раҳбарлари шаънига туҳматона фикрлар билдирганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1711-сонли иш бўйича **Боршинин Иван Семёнович** (1907 йили туғилган, собиқ Ўрта Волга ўлкаси Розаевка райони Мишкеево қишлоғидан, 1929—1930 йиллари контрабандачилик мақсадида яширин чегарадан ўтган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 27 июлдан ҳисобланган. Доимий равишда ўғирлик билан шуғулланиб фашистик

www.ziyouz.com kutubxonasi

фикрлар айтганликда ва монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1563-сонли иш бўйича **Турдиқулов Исақбой** (1888 йили туғилган, Қўқон райони Қияликум қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачилик ҳаракатининг иштирокчиси, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, 1935 йил сургун жойидан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхоздан чиқиб кетишга даъват қилганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1566-сонли иш бўйича **Ҳакимов Абдураҳмон** (Қўқон райони Сулаймон қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган ва меҳнат посёлкасига сургун қилинган. 1933 йили сургун жойидан қочган, 1934 йили ушланиб сургун жойига қайтарилган, 1935 йили 2 марта қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, троцкийчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1567-сонли иш бўйича **Оқназаров Акром** (1906 йили туғилган, Қўқон райони Оқушар қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракатининг иштирокчиси, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ва Сибирга сургун қилишга ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида аксилинқилобий иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқиб кетишга даъват қилганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1629-сонли иш бўйича **Қаюмов Азиз** (1898 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, йирик савдогарнинг ўғли, 1919 йилдан 1935 йилгача ВКП(б)нинг аъзоси, ижтимоий келиб чиқишини яширгани учун ўчирилган. “Ботир ганчилар” аксилинқилобий, миллатчи ташкилотининг аъзоси, ҳибсга олинган вақтда сиртқи пединститутда инструктор бўлган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 5882-сонли иш бўйича **Улуғхонов Мўйдин** (1870 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, 1916 йилдан “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, диний маросимлар хизматчиси, мулла) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1628-сонли иш бўйича **Охунжонов Толибжон** (1884 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, 1920 йилдан 1930 йилгача ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, аксилинқилобий

www.ziyouz.com kutubxonasi

фаолияти учун жавобгарликка тортилган, 3 йил қамоққа ҳукм қилиниши туфайли партиядан ўчирилган, аксилинқилобий, миллатчи "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси, ҳибсга олинган вақтда пенционер) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1587-сонли иш бўйича **Азимбоев Турсунқул** (1880 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, собиқ қулоқ, савдогар, ҳибсга олинган вақтда ғишт заводида ишлаган) **отувга** ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда шаҳар партия комитети вакилини ўлдиришни тайёрлаганликда айбланган.

Қўқон шаҳар бўлими тақдим қилган 1723-сонли иш бўйича **Қобулов Хожимат** (1868 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, собиқ қулоқ, савдогар, 1931 йили чайқовчилик учун 2 йил озодликдан маҳрум этилган ва сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 13 майдан ҳисобланган. Аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим этган 1609-сонли иш бўйича **Аҳмадгареев Мустафо** (1878 йили туғилган, Татаристон АССР Багли райони, Багли қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили махсус посёлкага сургун қилинган, у жойдан қочган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоққа ҳукм қилинган, жазони ўтамаган, рудникда ишлаган) отувга ҳукм қилинган. Ишчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ шаънига туҳмат фикрлар билдирганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1621-сонли иш бўйича **Грудистов Никита Самоилович** (1873 йили туғилган, Саратов ўлкаси Духовницкий райони Девинки қишлоғидан, қулоққа тортилган, сургун қилинишдан қочган, ҳибсга олинган вақтда рудникда отбоқар бўлиб ишлаган) отувга ҳукм қилинган. Ишчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1610-сонли иш бўйича **Грудистов Григорий Никитович** (1910 йили туғилган, Саратов ўлкаси Духовницкий райони Девинки қишлоғидан, собиқ қулоқнинг ўғли, қулоқ қилинган, отаси билан бирга сургун қилинишдан қочган, ҳибсга олинган вақтда рудникда слесар бўлиб ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Ишчилар орасида тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийси шаънига бўҳтон фикрлар айтганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1622-сонли иш бўйича **Аношкин Михаил Ермолаевич** (1889 йили туғилган, Куйбишев

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўлкаси Кузаватов райони Томилова қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда рудникдаги тегирмонда кладовшик бўлиб ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Ишчилар орасида тарғибот олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда, заёмга ёзилишга қарши фикр билдирганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1600-сонли иш бўйича **Расулов Эшонқул** (1897 йили туғилган, Каганович райони Кешкақум қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачиликка кўмаклашган, 1934 йили колхозга 42 минг сўм камомад келтиргани учун 10 йил қамоққа ҳукм қилинган, 1936 йил мартида муддатидан олдин озод қилинган, 1925 йилдан 1934 йилгача ВКП(б)га номзод, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида тарғибот олиб борганликда, колхоздан камбағалларни ноқонуний ҳайдаб юборганликда, бир колхозчини урганликда, уни қулоққа тортилишида иштирок этганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1613-сонли иш бўйича **Гофуров Мамажонбой** (1874 йили туғилган, Каганович райони Пасқуруқ қишлоғидан, собиқ савдогар, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Ўтмишда босмачилик кўмакчиси бўлганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши исёнчилик мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1598-сонли иш бўйича **Абдуваҳобов Абдумўмин** (1901 йили туғилган, Каганович райони Туюл қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1931 йили босмачиликда қатнашган, 1932 йили босмачилик фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1603-сонли иш бўйича **Тўхтабоев Мулла Кўчқор** (1880 йили туғилган, Каганович райони Нурсук қишлоғидан, собиқ қулоқ, қўрбоши, 1932 йили босмачиликда иштирок этгани учун 3 йилга колхоздан чиқарилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1616-сонли иш бўйича **Мамашарипов Мамаражаб** (1880 йили туғилган, Каганович райони Худоёрхон қишлоғидан, қулоққа тортилган ва 1932 йили Украинага сургун қилинган, сургундан қочган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхозда чўпон бўлиб ишлаган) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1602-сонли иш бўйича **Рустамқулов Пайғамбарқул** (1874 йили туғилган, Каганович

www.ziyouz.com kutubxonasi

райони Ботирбой қишлоғидан, қулоққа тортилган, давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1606-сонли иш бўйича **Хонкелдиев Мамашокир** (1874 йили туғилган, Каганович райони Охчи қишлоғидан, 1932 йили қамоққа олиниб махсус посёлкага сургун қилинган, у жойдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Махсус посёлкадан қочгандан сўнг колхозга ўрнашиб олиб колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхоз ишига заракунандалик муносабатда бўлганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1604-сонли иш бўйича **Дўстматов Мирза Сами** (1895 йили туғилган, Тожикистон ССР Мачин райони Санжон қишлоғидан, собиқ қулоқнинг ўғли, 1929 йилдан 1935 йилгача ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, ижтимоий келиб чиқишини яширгани учун партиядан ўчирилган, жиноят кодексининг 234-моддаси билан 3 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатидан олдин бўшаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозда ишлаб ўз вазифасига заракунандалик билан қараганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1615-сонли иш бўйича **Фозилов Мулла Камол** (1887 йили туғилган, Каганович райони Оқмачит қишлоғидан, 1931 йили онгли равишда пахтани нобуд қилгани учун 4 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтамай қочиб кетган, 1935 йили пахта кампаниясига саботаж қилгани учун 3 йил сургунга ҳукм этилган, муддатни ўтамай сургун жойидан қочиб келган, диний маросимлар хизматчиси, мулла) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, фаоллар устидан террорчилик актини амалга ошириш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1618-сонли иш бўйича **Боборахимов Қурбонали** (1881 йили туғилган, Каганович райони Ражабгарди қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 1 йил қамоққа ҳукм этилган, 1932 йили босмачиликда иштирок этгани учун 2 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 4562-сонли иш бўйича **Абдуқоҳҳоров Эшонхон** (1887 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, собиқ савдогар, ҳибсга олинганида магазин мудири) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, халқлар доҳийси шаънига террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1646-сонли иш бўйича **Мадиброҳимов Мамажон** (1881 йили туғилган, Каганович райони Оқмачит қишлоғидан, собиқ босмачи, 1933 йили ҳайвон ўғир-


www.ziyouz.com kutubxonasi

лагани учун 6 ойга мажбурий меҳнатга ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1934 йили бандитлар гуруҳини бошқарганликда ва колхозчиларни қуролли талашлар содир этганликда айбланиб 5 йил қамоққа ҳукм этилган, 1937 йил августигача яшириниб юрган, босқинчилик билан шуғулланганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1644-сонли иш бўйича **Турсунқулов Мирза Карим** (1902 йили туғилган, Каганович райони Ислом қишлоғидан, 2 марта жиноят қилганликда ушланган, 1932 йили ўғирлик учун 6 ойга қамалган. 1933 йили ҳайвон ўғирлагани учун жавобгарликка тортилган, қамоқдан қочиб кетган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 2 сентябрдан ҳисобланган. Ҳайвон ўғирлаганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1652-сонли иш бўйича **Қўшматов Усмонали** (1902 йили туғилган, Каганович райони Чеккўприк қишлоғидан, босмачиликнинг собиқ иштирокчиси, 1930 йили босмачилик фаолияти учун қамалган, безорилик учун 2 марта қўлга тушган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 8 сентябрдан ҳисобланган. Жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлиб ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган.

Каганович район бўлими тақдим қилган 1648-сонли иш бўйича **Холматов Аъзам** (1893 йили туғилган, Каганович райони Жонқайтма қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачилик кўмакчиси, 1930 йили қуролли босқин учун 5 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган.

Киров район бўлими тақдим қилган 1641-сонли иш бўйича **Мамарасулов Чилмат** (1890 йили туғилган, Киров район Овул қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1919 йилдан 1923 йилгача босқинчилик ҳаракати иштирокчиси, қўрбоши, 1932 йили қамоққа олинган ва оиласи билан бирга махсус посёлкага сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда магазин қоровули бўлган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Киров район бўлими тақдим қилган 1594-сонли иш бўйича **Тошматов Парпибой** (1882 йили туғилган, Киров райони Рабкан қишлоғидан, собиқ мингбоши, босмачилик иштирокчиси, юзбоши, 1923 йили босқинчилик фаолияти учун қамоққа олинган, 1926 йили безорилик учун қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқлар доҳийси шаънига туҳмат фикрлар билдирганликда айбланган.

Киров район бўлими тақдим қилган 1597-сонли иш бўйича **Абдувалиев Сотиболди** (1897 йили туғилган, Киров райони Қорабўйин қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилик иштирокчиси,

1932 йили ўғирлик учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, 13 ойдан сўнг қамоқдан бўшатилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхоздаги ишга заракунандалик муносабатда бўлганликда айланган.

Киров район бўлими тақдим қилган 1664-сонли иш бўйича **Холматов Ҳалил** (1885 йили туғилган, Киров райони Жарбоши қишлоғидан, қулоқ қилинган, босмачилик иштирокчиси, босқинчилик учун 4 марта қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) **отувга** ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

Киров район бўлими тақдим қилган 1596-сонли иш бўйича **Ҳидоятхўжаев Норхўжа** (1886 йили туғилган, Киров райони Соуртепа қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили от ўғирлагани учун 1 йил мажбурий меҳнатга ҳукм этилган, 1935 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун жарима тўлаган, босқинчилик иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

Киров район бўлими тақдим қилган 1714-сонли иш бўйича **Мавлонов Қурол** (1881 йили туғилган, Киров райони Оқтовуқ қишлоғидан, босмачиликнинг собиқ иштирокчиси, элликбоши, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Киров район бўлими тақдим қилган 1593-сонли иш бўйича **Масалиев Ҳамрақул** (1875 йили туғилган, Киров райони Рабкон қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, хотин-қизлар озодлигига қарши фикр билдирганликда айбланган.

*Киров район бўлими тақдим қилган 1639-сонли иш бўйича қуйидаги 2 нафар маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Қосимов Ҳошим** — 1882 йили туғилган, Киров райони Ҳожибек қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда кооперацияда қоровул. “Миллий иттиҳод”, “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилотларига аъзо бўлганликда, доимий равишда колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчиликни ташвиқот қилганликда айбланган.

2. **Исаев Масали** — 1867 йили туғилган, Киров райони Ҳожибек қишлоғидан, қулоқ қилинган, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Киров район бўлими тақдим қилган 1591-сонли иш бўйича **Абдураҳимов Абдуғани** (1874 йили туғилган, Тожикистон ССР Ҳайит райони Ҳайит қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

Киров район бўлими тақдим қилган 1595-сонли иш бўйича **Аҳматқулов Аширмат** (1878 йили туғилган, Киров райони Узун қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Куйбишев район бўлими тақдим қилган 1587-сонли иш бўйича **Бобоев Асрор** (1865 йили туғилган, Куйбишев райони Юқори Риштон қишлоғидан, қулоқ қилинган, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда омборда тайёрловчи бўлиб ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган.

Куйбишев район бўлими тақдим қилган 1588-сонли иш бўйича **Ўлмасов Акром** (1893 йили туғилган, Куйбишев райони Кала қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, сохта маълумотнома бўйича озод қилинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

Куйбишев район бўлими тақдим қилган 1589-сонли иш бўйича **Матхолиқов Собир** (1879 йили туғилган, Куйбишев райони Охчи қишлоғидан, қулоққа тортилган, босқинчилик иштирокчиси, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

Куйбишев район бўлими тақдим қилган 1592-сонли иш бўйича **Нуриддин Эшонов Ғозихон Эшон** (1865 йили туғилган Куйбишев райони Чўмакчи қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, эшон) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, диний одат ва маросимларни бажаришда ўлимга олиб борадиган даражада қийноқлар қўллаганликда айбланган.

Боғдод район бўлими тақдим қилган 1658-сонли иш бўйича **Тўйчиев Тилларўзи** (1883 йили туғилган, Боғдод райони Пахтаобод қишлоғидан, собиқ қулоқ, диний маросимлар хизматчиси, имом) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Ўша иш бўйича **Абдураҳмонов Жўрабой Шайх** (1867 йили



www.ziyouz.com kutubxonasi

туғилган, Боғдод райони Пахтаобод қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Боғдод район бўлими тақдим қилган 1656-сонли иш бўйича **Фитсов Степан Ефтеевич** (1887 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси, Куйбишев райони Нижнелово қишлоғидан, собиқ руҳоний, 1934 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, жавобгарликка тортилган вақтда ногиронлар калониясида маҳбус) отувга ҳукм қилинган. Маҳбуслар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, 1 майда аксилинқилобий прокламация тарқатганликда айбланган.

Ўша иш бўйича **Шушаров Петр Николаевич** (1888 йили туғилган, Ленинград области, Пушкин шаҳридан, 1933 йили Озарбайжон ССР Жиноят Кодексининг 72-моддаси бўйича 3 йил қамоққа ва 1936 йили ўша модда билан 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жавобгарликка тортилган вақтда ногиронлар калониясида маҳбус) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. Маҳбуслар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, конституция тўғрисида туҳмат фикрлар айтганликда айбланган.

Боғдод район бўлими тақдим этган 1659-сонли иш бўйича **Губарев Степан Егорович** (1897 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси, Чапаев райони, Волганка қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили камомад учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда пекарнийда ишлаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқлар доҳийси шаънига туҳматлар айтганликда айбланган.

Боғдод район бўлими тақдим этган 1657-сонли иш бўйича **Холбўтаев Собир** (1870 йили туғилган, Марғилон шаҳридан, диний маросимлар хизматчиси, эшон) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 13 июлдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Боғдод район бўлими тақдим этган 1681-сонли иш бўйича **Ҳалилов Маматқул** (1897 йили туғилган, Боғдод райони, Самандарак қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги бўлими тақдим этган 6737-сонли иш бўйича **Қосимов Шариф (Қосимхўжаев Қосимхўжа унинг ўзи, Хўжаев Карим** унинг ўзи) (1907 йили туғилган, Наманган шаҳридан, синфсизлашган, 1932 йили ҳайвон ўғирлагани учун 1 йил мажбурий меҳнатга ҳукм қилинган, ўша йили ўғирланган



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳайвонни қабул қилгани учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Ҳайвон ўғирлаш ва бошқа ўғирликлар билан шуғулланганликда айбланган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги бўлими тақдим этган 6738-сонли иш бўйича **Кабанов (Гришин, Василов) Александр Иванович** (1912 йили туғилган, Актюбинск шаҳридан, 1932 йили ўғирлик учун 1 йил шартли қамоққа ҳукм этилган, 1935 йили ижтимоий зарарли унсур сифатида 3 йил қамоққа ҳукм этилган. Ўша йили лагердан қочган, ўғирлик ва босқинчиликда 8 марта ушланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) **отувга** ҳукм қилинган. Доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда, қамоқдан чиққандан кейин ҳам ўғирлик билан машғул бўлганликда айбланган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги тақдим қилган 6739-сонли иш бўйича **Баранович Николай Карпович** (у қуйидаги номлар билан ҳам аталган: **Самсонов Михаил Карпович, Леонов Афанаси Иосифович**) (1913 йили туғилган, Туркманистон ССР Казанжиқ шаҳридан, 1930 йили чўнтак ўғирлиги учун 1 йилга шартли равишда қамалган, 1932 йили ўғирлик учун 3 йилга қамоққа ҳукм этилган, 1934 йили ижтимоий зарарли унсур сифатида 3 йил қамоққа ҳукм этилган, 10 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда, қуролли босқин қилиб, тан жароҳати етказганликда айбланган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги тақдим этган 6740-сонли иш бўйича **Новикова Нина Михаиловна** (1909 йили туғилган, Перим шаҳридан, синфсизлашган, ўғирлик ва босқинчилик учун 7 марта судланган, сўнгги марта 1935 йили қотиллик қилгани учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган. 1937 йили лагердан қочган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1922 йилдан уйларга ўғирлик ва босқинчилик қилганликда, бир неча марта лагерлардан қочганликда айбланган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги тақдим этган 7041-сонли иш бўйича **Измаилов Малкайдр (у Рустамов Рустам, Измаил** деб ҳам аталган**)** (1918 йили туғилган, Сталинобод шаҳридан, 1936 йили қуролли босқин учун 7 йил қамоққа ҳукм этилган, лагерлардан қочган, ўша йилнинг ўзида ижтимоий зарарли унсур сифатида 1 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатни ўтамай лагердан қочган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан қочиб, ижтимоий унсурлар билан боғланиб босқинчиликни давом эттирганликда айбланган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги тақдим этган 7042-сонли иш бўйича **Линдер Ошер (Иосиф Сурилович** унинг ўзи**)** (1878 йили туғилган, Польшанинг Дубно шаҳридан, синфсизлашган, 9 марта судланган, 17 марта ўғирлик учун вақтинча қамоққа олинган, сўнгги марта 1937 йил ўғирлиги учун 3 йилга қамоққа олинган, муддатни ўтамай қочган) отувга ҳукм этилган. 1922 йилдан ўғирлик билан шуғулланганликда бир неча марта лагерлардан қочганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўша иш бўйича **Вайнер Абрам Лазерович,** унинг ўзи Хотлер Хаим Питхосович, унинг ўзи Ленинский Абрам Лазерович, унинг ўзи Левен Абрам Лазерович (1887 йили туғилган, Украина ССР Смела шаҳридан, 3 марта судланган, ўғирлик учун 10 марта вақтинча қамалган, сўнгги марта 1937 йили ўғирлик учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қочган, ўғирлик билан шуғулланган, ўғирлик вақтида ҳибсга олинганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим этган 7043-сонли иш бўйича **Ситнигук** унинг ўзи Циганкова, унинг ўзи Шишкина, **Мария Семеновна** (1916 йили туғилган, Красноярск ўлкаси Канск шаҳридан, 1933 йили бандитчиликда иштирок этгани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳайвон ўғирлагани ва босқинчиликда қатнашгани учун 13 марта вақтинчалик қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулот бўлмаган) **отувга** ҳукм этилган. Банда, тўда бошлиқлари билан алоқада бўлганликда, уларни квартирада яшириб турганликда, ўғирланган нарсаларни қабул қилганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим этган 4249-сонли иш бўйича **Маналенко Василий Иовлевич,** унинг ўзи **Кривцов Иван Иванович,** унинг ўзи **Антонов Арнадий Сергеевич** (1911 йили туғилган, Ғарбий областнинг Дубровский райони Вилево қишлоғидан, ўғирлик ва босқинчилик учун 4 марта судланган ва 3 марта вақтинча қамалган, сўнгги марта 1935 йили ўғирлик учун 1,5 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатни ўтамай қочган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 17 июлдан ҳисобланган. Лагерлардан қочиб келганидан сўнг ҳужжатлар ва комсомол билети топиб милиция органига хизматга кирганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим этган 7044-сонли иш бўйича **Бодиско Мария Петровна** (1915 йили туғилган, Тула шаҳридан, босқинчилик учун 3 марта судланган ва 2 марта вақтинча қамалган, сўнгги марта 1932 йил 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан бўшатилгандан сўнг босқинчилик билан, мастларни ечинтириш билан шуғулланганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7045-сонли иш бўйича **Брилова Шлем Иосифович** унинг ўзи Храмов Григорий Федорович, унинг ўзи Пичугин Сергей Ильич, унинг ўзи Голубев Семен Иосифович (1911 йили туғилган, Одесса шаҳридан, 8 марта судланган, сўнгги марта 1934 йили ўғирлик учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан озод бўлгач, ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда ва жиноят содир қилган жойда қўлга олинганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим этган 7046-сонли иш бўйича **Куланова Елена Васильевна,** унинг ўзи Глумова, унинг ўзи Кузинора (1912 йили туғилган, Вологда шаҳридан, ўғирлик учун 3 марта вақтинча қамалган ва 4 марта судланган, сўнгги марта 1936 йили 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан озод бўлиб



www.ziyouz.com kutubxonasi

келгандан кейин шаҳарма-шаҳар юриб ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7047-сонли иш бўйича **Гаидов Александр Семенович** (1914 йили туғилган, Могилов шаҳридан, 1934 йили ўғирлик учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган. 1933 йили сохта ҳужжат тайёрлагани учун судланган, ўғирлик бўйича 4 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қочганидан кейин ҳам жиноятчи унсурлар билан боғланиб ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7048-сонли иш бўйича **Чеботников Михаил Спиридонович,** унинг ўзи **Коробельщиков Иван Васильевич**, унинг ўзи **Данильченко Семён Сергеевич** (1913 йили туғилган Ғарбий Сибир ўлкаси Нижне-Каменка қишлоғидан, 1936 йили қизил аскарларга почта орқали келаётган пул ва посилкалар бўйича камомад қилгани учун 4 йил қамоққа ҳукм этилган, лагерлардан 2 марта қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) **отувга** ҳукм қилинган. Лагерлардан қочиб келганидан кейин ўзгаларнинг ҳужжатлари билан яшаб ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7049-сонли иш бўйича **Гелмутдинов Ямалдин**, унинг ўзи-Мумат Алексей Андревич (1915 йили туғилган, Бошқирдистон АССР Старое-Катаево қишлоғидан, 1935 йили ижтимоий зарарли унсур сифатида 3 йил қамоққа ҳукм этилган, 1937 йили ўғирлик учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, лагердан қочган, ўғирлик учун 4 марта ушланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагердан қочиб ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7050-сонли иш бўйича **Андреев Виктор Иванович**, унинг ўзи **Богданов Павел Иванович**, унинг ўзи **Иванов Михаил Никонарович** (1908 йили туғилган, Ленинград шаҳридан, ўғирлик учун 3 марта судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1926 йилдан бошлаб доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда ва жиноят содир қилган жойда ушланганликда айбланган.

Ўша иш бўйича **Николаев Иван Петрович** (1919 йили туғилган, Ленинград шаҳридан, 3 марта судланган ва 3 марта вақтинча қамалган, жиноят устида қўлга олинганликда айбланган) **отувга** ҳукм қилинган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7051-сонли иш бўйича **Бескупский Владимир Захарович** (1907 йили туғилган, Украинанинг Могилев-Подольск шаҳридан, 3 марта судланган, лагерлардан 1937 йил сентябрда озод қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан озод бўлгандан сўнг ҳам жиноятчи унсурлар билан боғланиб ўғирлик билан шуғулланганликда, ўғирланган 2 от билан қўлга олинганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7053-сонли иш бўйича


www.ziyouz.com kutubxonasi

**Усов Николай Иванович** (1916 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, 1936 йили ижтимоий зарарли унсур сифатида 3 йил қамоққа ҳукм этилган, лагердан қочган, босқинчилик учун 1 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагердан қочгандан кейин ҳам ўғирлик билан шуғулланганликда, ўғирлик қилишга уринаётганда магазинда қўлга олинганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7054-сонли иш бўйича **Прохров Николай Николаевич,** унинг ўзи **Александр Федрович** (1919 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, 1935 йили қотилликда иштирок этгани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтамай лагердан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагердан қочгандан кейин ўғирлик билан шуғулланганликда, қўлга олиниб, лагерга жўнатилгандан сўнг, 2 марта қочганликда ва ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7055-сонли иш бўйича **Павлов Василий Павлович**, унинг ўзи **Григорев Василий Семенович** (1915 йили туғилган, Красноярск шаҳридан, 1932 йили ўғирлик учун 4 йил қамоққа ҳукм этилган, 1936 йили сохта чек тайёрлагани учун 1 йилу 7 ойга ҳукм этилган, ўғирлик учун 3 марта вақтинча қамоқда бўлган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагердан озод бўлгач 1937 йил май ойидан бошлаб жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлиб, ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим этган 7056-сонли иш бўйича **Лисин Сергей Степанович** унинг ўзи **Бўстров Михаил Федрович**, унинг ўзи **Голубев Иван Иванович** (1912 йили туғилган, Рязян шаҳридан, ўғирлик учун 4 марта судланган ва 5 марта вақтинча қамоқда бўлган, 1934 йили 3 йилга сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан озод бўлгач июль ойидан бошлаб жиноятчи унсурлар билан алоқа ўрнатиб ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда, Голубев номидаги паспорт билан қўлга олинганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7057-сонли иш бўйича **Гриценко Иван Филиппович** (1913 йили туғилган, Киев области Квитки қишлоғидан, 1933 йили ўғирлиги учун 8 йил қамоққа ҳукм этилган, 1935 йили ўғирлиги учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан озод бўлгач, ўғирликлар билан шуғулланганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7058-сонли иш бўйича **Бабичев Федр Григоревич**, унинг ўзи **Иванов Василий Кузьмич** (1914 йили туғилган, Киев шаҳридан, 1937 йили ўғирлик учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, лагерлардан қочган, босқинчилик қилишга урингани учун 2 марта вақтинчалик қамоқда бўлган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қочгандан сўнг квартираларда ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7059-сонли иш бўйича **Якунин Николай Акимович**, унинг ўзи **Керин Александр Андревич** (1916 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, 1936 йили босқинчилик учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, лагердан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан қочганидан сўнг ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда, Керин номидаги бегона ҳужжат бўйича яшаганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7060-сонли иш бўйича **Кубцов Иван Иосифович**, унинг ўзи **Пересяков Анатоли Василевич**, унинг ўзи **Павлов Василий Егорович** (1919 йили туғилган, собиқ Пенза губернияси, Бедно-Демяновский районидан, 1935 йили ўғирлик учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, муддатни ўтамай лагердан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагердан қочганидан кейин ўғирлик билан шуғулланганликда Кубцов номига берилган сохта ҳужжат асосида яшаганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7061-сонли иш бўйича **Ғиёсов Комилжон** (1900 йили туғилган, Сталин райони, Шаҳрихон қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Уйларга кириб ўғирлик билан шуғулланганликда, май ойида квартирага босқинлик қилганликда, 15 ёшли болага тан жароҳати етказганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7062-сонли иш бўйича **Терехин Василий Григоревич** (1904 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ўғирлик учун 3 марта судланган ва 3 марта вақтинчалик қамоқда бўлган, ҳибсга олинган вақтда пойабзал фабрикасида ишчи бўлиб ишлаган) отувга ҳукм қилинган. Жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлиб ўзбек мева-сабзавот савдоси омборидан маҳсулотлар ўғирлаганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7063-сонли иш бўйича **Богданов Николай Иванович** унинг ўзи Папов Константин Петрович (1910 йили туғилган, Бошқирдистон АССР Муродовка райони Муродовка қишлоғидан, 3 марта судланган, сўнгги марта 1935 йили 5 йил қамоққа ҳукм қилинган, лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қочганидан кейин 1935 йили қўлга олиниб лагерга қайтарилган, лагерда, лагердан қочганидан кейин ҳам ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган.

*ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7064-сонли иш бўйича 2 нафар маҳбус отувга ва 1 нафар маҳбус 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган:*

1. **Ишутин Николай Федрович** — 1913 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Таское қишлоғидан, 3 марта судланган, охирги марта 1935 йили магазинга босқинлик қилгани учун 2 йилга ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда Тошхлодопромда маслершик бўлиб ишлаган. Лагердан озод бўлгач жиноятчилар билан алоқада бўлиб доимий равишда кўча ўғирлиги билан ва мастларни ечинтириш билан шуғулланганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. **Никифоров Александр Иванович** — 1915 йили туғилган, Тацкое қишлоғидан, 1935 йили қаллоблиги учун 2 йил қамоққа, ўғирлиги учун 2 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда Тошкент станцияси депосида слесар бўлиб ишлаган. Акалари Ишутинлар билан кўча босқинчилиги ва мастларни ечинтириш билан шуғулланганликда айбланган.

3. **Ишутин Григорий Федрович** — 1908 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Тацкое қишлоғидан, 3 марта судланган, охирги марта 1935 йили магазинга ўғирликка тушгани учун қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда заводда столер бўлиб ишлаган. Квартирасида босқинчиларни ушлаб турган ва мастларни ечинтиришда иштирок этганликда айбланган.

*ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7065-сонли иш бўйича қуйидаги 4 нафар маҳбуслар отувга ҳукм этилганлар:*

1. **Эгамбердиев Норбўта** — 1905 йили туғилган, Қурама райони Самарчук қишлоғидан, аниқ машғулоти йўқ.

Ҳайвон ўғирловчи босқинчилардан иборат жиноятчилар гуруҳига кириб олиб 1934 йилдан бошлаб ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда, февралда совхоз ишчисини ўлдириб, ундан 2 от тортиб олганликда айбланган.

2. **Бердиёров Мирали** — 1907 йили туғилган, Қурама райони Самарчук қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Босқинчилар гуруҳига кириб олиб ҳайвон ўғирлашда ва совхоз ишчисини ўлдиришда қатнашганликда айбланган.

3. **Пардаев Бобек** — 1905 йили туғилган, Қурама райони Дунат қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган, 1922 йили 2 йил қамоққа ҳукм этилган. Босқинчилар гуруҳига кириб олиб, ҳайвон ўғирлаш ва совхоз ишчисини ўлдиришда иштирок этганликда айбланган.

4. **Умаров Холдор** — 1900 йили туғилган, Қурама райони Самарчук қишлоғидан, аниқ машғулотга эга эмас. Босқинчилар гуруҳининг иштирокчиси сифатида колхозчилар ҳайвонларини ўғирлашда иштирок этганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7066-сонли иш бўйича **Митин Михаил Менделеевич**, унинг ўзи **Мансков Михаил Владимирович**, унинг ўзи **Иванович** (1920 йили туғилган, Фрунзе шаҳридан, 1936 йили ижтимоий зарарли унсур сифатида 3 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатни ўтамай қочган, 1937 йили 2 марта 3 йил қамоққа ҳукм этилган, лагердан қочган, ўғирлик ва босқинчилик учун 10 марта вақтинча қамоқда бўлган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 10 августдан ҳисобланган. Лагерлардан қочиб келгандан сўнг чўнтаккесарлик билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим этган 7067-сонли иш бўйича **Шоюнусов Абзам**, унинг ўзи **Юнусов Абзам**, унинг ўзи **Миралиев Қодир**, унинг ўзи **Бродаев Қодир**, унинг ўзи **Маҳмудов Акром** (1919 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, 3 марта судланган, сўнгги марта 1937 йили 5 йил қамоққа ҳукм этилган, лагерлардан қочган,


www.ziyouz.com kutubxonasi

ўғирлик учун 4 марта ушланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан қочиб келгандан сўнг ўғирликни давом эттирганликда, квартирага ўғирлик қилган вақтда қўлга тушганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7068-сонли иш бўйича **Чистовский Гаврил Михаилович** (1906 йили туғилган, Оренбург области Ленеевка қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, олий жазога ҳукм қилинган, 1933 йили ўғирлик учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, ўша йили турмадан қочган, ҳибсга олинган вақтда артелда дурадгорлик қилган) отувга ҳукм қилинган. Турмадан қочиб келгандан сўнг ўзини камбағал қилиб кўрсатувчи ҳужжат қилиб, милиция органига кириб олиб, кейинчалик фош бўлишидан қочиб бир қишлоқдан бошқа қишлоққа ўтиб юрганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7069-сонли иш бўйича **Шокиров Ноиб Ралеевич**, унинг ўзи **Шокиров Рашид** (1921 йили туғилган, Қозон шаҳридан, 1936 йили ўғирлик учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ўша йили қамоқдан қочган, ўғирлик учун 3 марта вақтинчалик қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан қочиб келганидан сўнг ўғирлик билан шуғулланганликда, 1937 йили қўлга олингач, деворни тешиб, ёриб 2 марта турмадан қочганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК бўлими тақдим қилган 7070-сонли иш бўйича **Орехов Григорий Ефимович** (1898 йили туғилган, Азов-Черноморск ўлкаси Калинин шаҳридан, 15 марта судланган, лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1922 йилдан бошлаб доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда, бир неча марта турмадан қочиб ўғирлик билан машғул бўлганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК тақдим қилган 7071-сонли иш бўйича **Рубель Лев Майисеевич** (1917 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Абдулино қишлоғидан, ўғирлик учун 3 марта қўлга олинган ва 4 марта судланган, ҳибсга олинган вақтда халқ комиссарлиги хўжалигида ҳайдовчи бўлган) отувга ҳукм қилинган. 1935 йили лагерлардан қочганликда, 1937 йил июл ойида Фарғона шаҳар милиция бўлими камера хранениясини бузиб 3 та ревальвер ўғирлаганликда айбланган.

## 26-баённома. 1937 йил 25 октябр

*"Учлик" (Апресян, Сегизбоев, Шейндлин, Яковлев) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган:*

*Ички ишлар халқ комиссарлиги Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 3639-сонли иш бўйича Муллажонов Насратулло, Ҳакимов Мулла Воҳид отувга, Соҳибов Тавоф, Воҳобов Шукур, Раҳимов Каримлар 10 йил меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм қилинганлар:*

**1. Муллажонов Насратулла** — 1869 йили туғилган, Сариосиё райони Зингоп қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатни



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтамай лагердан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, миллатчи гуруҳ иштирокчиси, аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Ҳакимов Мулла Воҳид** — 1884 йили туғилган, Сариосиё райони Қуштум қишлоғидан, қулоққа тортилган ва махсус посёлкага сургун қилинган, диний маросимлар хизматчиси, имом, ҳибсга олинган вақтда колхозчи бўлган. Аксилинқилобий, миллатчи гуруҳ иштирокчиси бўлганликда, гуруҳнинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3. **Соҳибов Тавоф** — 1876 йили туғилган, Сариосиё райони Қуштум қишлоғидан, босмачилик кўмакчиси, диний маросимлар хизматчиси, имом, ҳибсга олинган вақтда колхозчи. Аксилинқилобий, миллатчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4. **Воҳобов Шукур** — 1897 йили туғилган, Сариосиё райони, Қуштум қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатни ўтамай лагердан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, миллатчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

5. **Раҳимов Карим** — 1879 йили туғилган, Сариосиё райони Қуштум қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, миллатчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

6. **Соибов Абдувоҳоб** — 1867 йили туғилган, Сариосиё райони Қуштум қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси.

*Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 3658-сонли иш бўйича қуйидаги 4 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Усмонов Мулла Мирза** — 1893 йили туғилган, Денов райони Сангардак қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, миллатчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Муродов Мирза Бадал** — 1877 йили туғилган, Сариосиё райони Лутан қишлоғидан, собиқ қулоқ, диний маросимлар хизматчиси, имом. Аксилинқилобий, миллатчи гуруҳнинг иштирокчиси бўлганликда, нолегал йиғинларида иштирок этганликда, колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3. **Раҳмонов Мулла Абдуқодир** — 1897 йили туғилган, Сариосиё райони Исоки қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, имом, 1932 йили пахта ўғирлагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий миллатчи



www.ziyouz.com kutubxonasi

гуруҳ иштирокчиси, унинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4. **Худойназаров Хидир** — 1882 йили туғилган, Денов райони Илон қишлоғидан, қулоққа тортилган, махсус посёлкага сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий миллатчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

*Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6370-сонли иш бўйича қуйидаги 4 нафар маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагери қамоғига ҳукм қилинган:*

1. **Маллаев Иброҳим** — 1910 йили туғилган, Сариосиё райони, Хоним қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий миллатчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 3 октябрдан ҳисобланган.

2. **Маллаев Мингтўра** — 1907 йили туғилган, Сариосиё райони, Хоним қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, миллатчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 3 октябрдан ҳисобланган.

3. **Мингбоев Саидқул** — 1907 йили туғилган, Сариосиё райони Хоним қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий миллатчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, колхозчиларни колхоздан чиқиб кетишга даъват қилганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 3 октябрдан ҳисобланган.

4. **Қобулов Бобоназар** — 1896 йили туғилган, Сариосиё райони Хоним қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий миллатчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 3 октябрдан ҳисобланган.

*Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 3631-сонли иш бўйича Қобулов Эшмат отувга, Қобулов Мирза 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Қобулов Эшмат** — 1910 йили туғилган, Шўрчи райони Янгибозор қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачилик фаолияти учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган. Афғонистондаги собиқ босмачининг укаси билан алоқада бўлган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

2. **Қобулов Мирза** — 1913 йили туғилган, Шўрчи райони, Янгибозор қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачилик учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, Афғонистонда яшаётган акаси билан ёзма алоқада бўлган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий колхозга қарши тарғибот олиб борган-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган.

*Сурхондарё округи тақдим қилган 6218-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Турсунов Оллоёр** — 1909 йили туғилган, Шўрчи райони, Шўрчи қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачилик фаолияти учун 8 йилга қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетишга даъват қилганликда айбланган.

2. **Абдурасулов Турди** — 1911 йили туғилган, Шўрчи райони Шўрчи қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачилик иштирокчиси, яширинча чегарани бузиб, Афғонистонга ўтган, 1933-1935 йиллари ўзи билан колхоз молларини олиб ўтган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Давлат чегарасини бузиб, колхоз ҳайвонини ўғирлаш билан шуғулланганликда, колхозчиларни Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетишга даъват қилганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 21 сентябрдан ҳисобланган.

*Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 3693-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган:*

1. **Турсунов Иброхим** — 1908 йили туғилган, Термиз райони Саловат қишлоғидан, қулоққа тортилган ва махсус посёлкага сургун қилинган, у жойдан қочган ва яширинча 2 марта чегарани бузиб Афғонистонга ўтган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. 1935 йили Афғонистондан қайтиб келиб аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Турсунов Исмоил** — 1917 йили туғилган, Термиз райони Саловат қишлоғидан, қулоққа тортилган, отаси ва акаси билан махсус посёлкага сургун қилинган, у жойдан акаси билан қочган ва 2 марта чегарани бузиб Афғонистонга ўтган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Афғонистондан 1936 йили қайтиб келиб колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3. **Муслимов Турсун** — 1882 йили туғилган, Термиз райони Саловат қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 1,5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

*Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 3650-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Саидов Мулла Развонқул** — 1894 йили туғилган, Сариосиё райони Жонобод қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет мактабларига қатнашишга қаршилик кўрсатиш ташвиқотини юргизганликда айбланган.

2. **Боймуҳаммедов Саидали** — 1877 йили туғилган, Сариосиё райони Жонобод қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган



www.ziyouz.com kutubxonasi

вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, яқин орада Япония билан бўладиган уруш тўғрисида ташвиқот қилганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6198-сонли иш бўйича **Қурбонов Муродали** 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 сентябрдан ҳисобланган, 1905 йили туғилган, Сариосиё райони Дурбин қишлоқ советидан, қулоққа тортилган, махсус посёлкага сургун қилинган, у жойдан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозлардан чиқишга даъват этганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6355-сонли иш бўйича **Расулев Ҳамроқул** (1901 йили туғилган, Сариосиё райони Токчи қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўз мойжувоз ва дўконига эга, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6349-сонли иш бўйича **Маниёзов Қурбон** (1882 йили туғилган, Шўрчи райони Қўлдош қишлоғидан, қулоққа тортилган, 5 йил қамоққа ва махсус посёлкага сургун қилишга ҳукм этилган, у жойдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6339-сонли иш бўйича **Норматов Қорабой** (1881 йили туғилган, Шўрчи райони Кенагас қишлоғидан, қулоққа тортилган, репрессиядан қочиб, босмачиликда иштирок этган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхоздан чиқиб кетишга даъват этганликда, чайқовчилик ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6340-сонли иш бўйича **Муродалиев Алимардон** (1877 йили туғилган, Шўрчи райони Саксалкон қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинганда машғулоти аниқ эмас) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 5 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозлардан чиқиш тўғрисида даъват қилганликда, ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6957-сонли иш бўйича **Мисюров Тўқсабо** (1902 йили туғилган, Шеробод райони Оққўрғон қишлоғидан, амир амалдори-оқсоқолининг ўғли, 1924—1925 йиллари босмачилик қатнашчиси, қўрбоши, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 29 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6358-сонли иш бўйича **Худойназаров Тоғайбобо** (1889 йили туғилган, Шерободрайони Хатак қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачилик иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ эмас, колхоздан ҳайдалган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхоз фаоллари шаънига аксилинқилобий кайфият билдирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6200-сонли иш бўйича **Нозимов Бобосодиқ** (1902 йили туғилган, Сариосиё райони Кундижувоз қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6188-сонли иш бўйича **Холов Ражаб** (1872 йили туғилган, Сариосиё райони Қарши қишлоғидан, собиқ амирнинг хизматчиси, имом, колхозчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 3646-сонли иш бўйича **Жумаев Қўлжа** (1909 йили туғилган, Сариосиё райони Сўфиён қишлоғидан, амир мансабдори — оқсоқолининг ўғли, қулоқлар оиласидан, 1932 йилдан 1934 йилгача ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, ижтимоий келиб чиқишини яширгани учун партиядан ўчирилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз ҳисобчиси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6201-сонли иш бўйича **Тиляков Ғиёс** (1877 йили туғилган, Сариосиё райони Тущдибура қишлоғидан, руҳоний, имом, 1933 йили колхоз мулкини ўғирлагани учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатни ўтамаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6190-сонли иш бўйича **Ашуров Мулла Бобожон** (1872 йили туғилган, Сариосиё райони Шотруд қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6089-сонли иш бўйича **Хусанов Насрулло** (1876 йили туғилган, Яккабоғ райони Калтакўл қишлоғидан, қулоққа тортилган, репрессиядан қочган, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, тез орада Англия ва Япония СССРга


www.ziyouz.com kutubxonasi

қарши уруш олиб бориши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6107-сонли иш бўйича **Минглиев Холмаҳамат** (1872 йили туғилган, Бойсун райони Панжоб қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 24 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Афғонистондаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6327-сонли иш бўйича **Қурбонов Жўрақул** (1889 йили туғилган, Денов райони Вахшивар қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6287-сонли иш бўйича **Холмўминов Сангини** (1897 йили туғилган, Денов райони Сена қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Бухоро амирини қайтиб келгани тўғрисида ташвиқот қилганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6183-сонли иш бўйича **Бобоев Салом** (1899 йили туғилган, Сариосиё райони Қарши қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини маъқуллаб, фикр билдирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 3674-сонли иш бўйича **Тоғаймуродов Мулла Абдусамад** (1878 йили туғилган, Шеробод райони Оққўрғон қишлоғидан, босмачилик кўмакчиси, имом, 1935 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, троцкийчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, заёмга қарши чиққанликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 3645-сонли иш бўйича **Розиқов Саидбобо** (1885 йили туғилган, Сариосиё райони Зинор қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 29 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет мактабига қатнашишга қарши фикр билдирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 3642-сонли иш бўйича **Чориев Жўра** (1914 йили туғилган, Сариосиё райони Хатяк қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, 1935 йили ноқонуний солиқ йиққани учун 1 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда

www.ziyouz.com kutubxonasi

колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 1 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Афғонистондаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6293-сонли иш бўйича **Хўжаназаров Жўрақул** (1899 йили туғилган, Денов райони Таракчи қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, троцкийчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6199-сонли иш бўйича **Бобоев Ниёз** (1905 йили туғилган, Сариосиё райони Зарир қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1935 йили жинояти учун 1 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, давлат мажбуриятини бажаришга қарши тарғибот қилганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 3629-сонли иш бўйича **Абдужабборов Абдусаттор, Мулла Каттахон** (1877 йили туғилган, афғонистонлик, СССРга 1917 йили келган, диний маросимлар хизматчиси, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 12 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6215-сонли иш бўйича **Холбоев Зулфиқор** (1906 йили туғилган, Шўрчи райони Қорнақўрғон қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1934 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатни ўтамай қочган, ўтмишда босмачилик иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозлардан чиқиб кетишга даъват этганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6356-сонли иш бўйича **Умрзоқов Ёқубжон** (1900 йили туғилган, Норин райони Думар қишлоғидан, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун олий жазога ҳукм этилган, ҳукм 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштирилган, муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қочиб колхозларга кириб олган ва 20 центнер буғдой ҳамда 60 центнер минерал ўғит ўғирлаб, колхоздан ташқарига сотганликда, халқ доҳийси шаънига туҳмат билдирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6359-сонли иш бўйича **Назаров Раҳим** (1900 йили туғилган, Денов райони Катта Қарши қишлоғидан, қулоққа тортилган, аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатни ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганлик-


www.ziyouz.com kutubxonasi

да, қулоққа тортишда иштирок этган фаоллар шаънига террорчилик кайфият билдирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6336-сонли иш бўйича **Тўллаев (Тиллаев** бўлса керак — *Р.Ш.*) **Холиёр** (1891 йили туғилган, Шўрчи райони Қирарик қишлоғидан, амир амалдори-оқсоқолининг ўғли, собиқ қулоқ, 1931 йили босмачилик фаолияти учун 8 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6301-сонли иш бўйича **Раззоқов Мулла Раҳмон** (1871 йили туғилган, Термез райони Янгиарик қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 13 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6305-сонли иш бўйича **Мўминов Маматқул** (1908 йили туғилган, Бойсун райони Сайрам қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 14 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий троцкийчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқиб кетишга чақирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6307-сонли иш бўйича **Алимардонов Қилич** (1899 йили туғилган, Термиз райони Қизилбой қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 15 сентябрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6302-сонли иш бўйича **Мирзашоев Мамат** (1886 йили туғилган, Афғонистондан, собиқ қулоқ, амир амалдори — дарғачи, 1935 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 13 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6304-сонли иш бўйича **Нормуродов Кулсан** (1908 йили туғилган, Термиз райони Янгиарик қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 14 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

колхозлардан чиқиб кетиш тўғрисида даъват қилганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6212-сонли иш бўйича **Хўжанбердиев Хўжамурод** (1894 йили туғилган, Шўрчи райони Шалдроқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1929 йили босмачилик фаолияти учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, тарғибот олиб борганликда, колхоздан чиқишга чақирганликда, Афғонистондаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6191-сонли иш бўйича **Примов Тошқуват** (1881 йили туғилган, Сариосиё райони Сассиқбулоқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилик иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 8 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6108-сонли иш бўйича **Исаев Розиқ** (1879 йили туғилган, Бойсун райони Лучан қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, троцкийчилик тарғиботи олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6103-сонли иш бўйича **Бекназаров Жўрақобил** (1883 йили туғилган, Бойсун райони Хўжабулғон қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом, ҳибсга олинган вақтда колхозда бўлган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6106-сонли иш бўйича **Тоғаев Мамат** (1881 йили туғилган, Бойсун райони Ғов қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 1 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6326-сонли иш бўйича **Бердиев Ниёз** (1882 йили туғилган, Денов райони Даганабушор қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, хотин-қизлар озодлигига қарши фикр билдирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6214-сонли иш бўйича **Тоғаев Сапар** (1871 йили туғилган, Шўрчи райони Қарлиқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини ба-


www.ziyouz.com kutubxonasi

жармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда *колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этил*ган, жазо муддати 1937 йил 25 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6337-сонли иш бўйича **Ёқубов Нормат** (1872 йили туғилган, Шўрчи райони Хорлиқ қишлоғидан, қулоққа тортилган ва 1929 йили махсус посёлкага сургун қилинган) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқиб кетишга чақирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 3696-сонли иш бўйича **Аннаев Ялла** (1880 йили туғилган, Жарқўрғон райони Оқтепа қишлоғидан, собиқ қулоқ, амир амалдори-оқсоқол, 1829 йили қулоққа тортилган ва сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) **отувга** ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, амирлик ҳаётини мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 3748-сонли иш бўйича **Раҳмонқулов Ражаб** (1895 йили туғилган, Термез райони Маймунтуғай қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1920 йили Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетган, 1922 йили қайтиб келган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, фашистларни мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 3694-сонли иш бўйича **Шомардонқулов Ниёзмурод** (1886 йили туғилган, Туркманистон ССР Керки шаҳридан, 1930 йили 1,5 йил мажбурий меҳнатга ҳукм қилинган, 1932 йилдан 1934 йилгача Афғонистонда муҳожир бўлган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) **отувга** ҳукм қилинган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Афғонистондаги муҳожирлар билан алоқада бўлганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 3615-сонли иш бўйича **Казимиров Карней Васильевич** (1902 йили туғилган, Винница области Капачевка қишлоғидан, 1927 йили жосуслик учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда фельдшер) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, троцкийчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6182-сонли иш бўйича **Ёрматов Ниёзбоқи** (1872 йили туғилган, Сариосиё райони Чош қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, эшон) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 29 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, совет мактабига қатнашмасликка чақирганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6187-сонли иш бўйича **Норбоев Ёқуб** (1868 йили туғилган, Сариосиё райони Чош қишлоғидан, руҳоний, имом, 1926 йили қотиллик қилгани учун 8 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатдан олдин бўшатилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6364-сонли иш бўйича **Эшев Раҳим** (1868 йили туғилган, Денов райони Турақли қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатни ўтамай қочган, 1934 йили иккинчи марта қамоқдан қочгани учун 6 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет мактабига қатнашишга қарши фикр билдирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6361-сонли иш бўйича **Қаюмов Раҳим** (1877 йили туғилган, Денов райони Сангардак қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1929 йили Қирғизистонга сургун қилинган, у жойдан қочган, ҳибсга олинган вақтда новвойлик қилган) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6289-сонли иш бўйича **Баратов Чори** (унинг ўзи **Ёртиев**) (1894 йили туғилган, Жарқўрғон райони Оқтепа қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1929 йили Шимолий Кавказга сургун қилинган, у жойдан қочиб келган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 3695-сонли иш бўйича **Жабборов Мадор** (1906 йили туғилган, Термез райони Саловат қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1928 йили фаоллардан бирини ўлдиргани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатни ўтамай қочиб келган. 1933 йили яширинча чегарадан Афғонистонга ўтган, у жойдан 1936 йили қайтиб келган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти аниқ бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, муҳожирларнинг Афғонистонга ўтиб кетишини ташкил этиш билан шуғулланганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6181-сонли иш бўйича **Эрамбоев Нормурод** (1882 йили туғилган, Термез райони Мангузор қишлоғидан, собиқ қулоқ, амир мансабдорларидан, 1932 йили Афғонистонга ўтиб кетишга урингани учун қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетишга даъват қилганликда, Афғонистонга 25 оилани ўтказиб юборганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 3747-сонли иш бўйича

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Қўйбоқаров Пўлат** (1907 йили туғилган, Термиз райони Саловат қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1929 йили босмачилик фаолияти учун 8 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан бўшатилгандан сўнг 1937 йил июн ойидан Афғонистонда яшаётган акаси орқали контрабандалик фаолияти билан шуғулланганликда ва унга яширин чегарадан ўтишга кўмаклашганликда айбланган.

*Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 3656-сонли иш бўйича 2 киши отувга ҳукм этилган:*

1. **Умбаров Сайфихон** — 1888 йили туғилган, Бойсун райони, Жом Черобод қишлоғидан, руҳоний, эшон, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Афғонистондаги муҳожирлар билан алоқада бўлганликда айбланган.

2. **Умбаров Носир** — 1889 йили туғилган, Бойсун райони Жом Черобод қишлоғидан, руҳоний, эшон, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетишни ташвиқот қилганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6184-сонли иш бўйича **Холматов Жолмат** (1885 йили туғилган, Сариосиё райони Эшон қишлоғидан, собиқ қулоқ, амирлик даврида жевачи лавозимида бўлган, 1924 йилдан 1934 йилгача босмачилик иштирокчиси. 1934 йили ҳайвон ўғирлагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қочиб, ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда ва Афғонистондаги муҳожирлар билан алоқада бўлганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6290-сонли иш бўйича **Мўминов Мулла Маматраим** (1872 йили туғилган, Денов райони Бағанжи қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 1,5 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 6 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

*Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 3664-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Раҳимов Шоимардонқул** — 1887 йили туғилган, Жарқўрғон райони Исмоил қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда совхозда ишлаган. Совхоз ишчилари орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

2. **Шарипов Малик** — 1904 йили туғилган, Бойсун райони Пасурхи қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда совхозда ишлаган. Совхоз ишчилари орасида аксилинқилобий,

www.ziyouz.com kutubxonasi

мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, ўтказилаётган тадбирларни барбод қилишга чақирганликда айбланган.

3. **Воҳидов Маматқул** — 1879 йили туғилган, Шеробод райони, Зарабоғ қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили махсус посёлкага сургун қилинган, у жойдан қочган, ҳибсга олинган вақтд аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6345-сонли иш бўйича **Саидносиков Саидаҳмад** (1895 йили туғилган, Шеробод райони Пашхурт қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили Қирғизистонга (Шимолий Қозоғистонга бўлса керак — *Р.Ш.*) сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда совхоз[1] ишчиси) отувга ҳукм этилган. Совхоз ишчилари орасида аксилинқилобий, совхозга қарши тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6350-сонли иш бўйича **Шаимов**, унинг ўзи **Чориев Мулла Яхши** (1882 йили туғилган, Шеробод райони Хатак қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, мулла) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, "Мусулмонобод" ҳукумати тикланиши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6351-сонли иш бўйича **Мусабоев Абдулла Қори** (1891 йили туғилган, Наманган шаҳридан, қулоққа тортилган, 1932 йили чайқовчилик учун 8 ой мажбурий меҳнатга ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда совхозда ишлаган) отувга ҳукм қилинган. Совхоз ишчилари орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6346-сонли иш бўйича **Руханутдинов Сирожиддин** (1878 йили туғилган, Шеробод райони Зарабоғ қишлоғидан, қулоққа тортилган ва Қирғизистонга (Қозоғистонга бўлса керак — *Р.Ш.*) сургун қилинган, у жойдан қочган, ҳибсга олинган вақтда совхозда ишлаган) отувга ҳукм қилинган. Совхоз ишчилари орасида аксилинқилобий, троцкийчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда "Мусулмонобод" ҳукуматини тиклаш тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6344-сонли иш бўйича **Мовлонов Турди Али** (1898 йили туғилган, Жарқўрғон райони Минор қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 2 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Олий советга сайлов тўғрисидаги низомга қарши фикр билдирганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6348-сонли иш бўйича

[1] Гап "Ҳазарбоғ" совхози тўғрисида бормоқда — *Р.Ш.*


www.ziyouz.com kutubxonasi

**Қорабоев Абдусамат** (1907 йили туғилган, Жарқўрғон райони Исмоилтепа қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили босмачилик фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқиб кетишга чақирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6347-сонли иш бўйича **Махамадиев Дамин** (1881 йили туғилган, Жарқўрғон райони Ўрта Юқори қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1928 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа олинган, ҳибсга олингунга қадар совхозда ишлаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, "Мусулмонобод" ҳукуматини тиклаш тўғрисида ташвиқот олиб борганликда, Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетишга чақирганликда айбланган.

*Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6321-сонли иш бўйича қуйидаги 3 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Омонтурдиев Ҳайдар** — 1867 йили туғилган, Жарқўрғон райони Қайрон қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 8 йил қамоққа ҳукм этилган, жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

2. **Ҳайдаров Холмурод** — 1897 йили туғилган, Жарқўрғон райони Қайрон қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатни ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3. **Ҳайдаров Эшонқул** — 1907 йили туғилган, Жарқўрғон райони Қайрон қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, жазо муддатини ўтамаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Бухоро амирлигини мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6299-сонли иш бўйича **Ахмедов Матёр** (1889 йили туғилган, Термиз райони Учтут қишлоғидан, собиқ қулоқ, амир амалдори-оқсоқол, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 16 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, мағлубиятчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6354-сонли иш бўйича **Одинаев Кенжа** (1880 йили туғилган, Шеробод райони Пашхурт қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоздан ҳайдалиб, аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 8 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6156-сонли иш бўйича **Қораев Худоймурод** (1889 йили туғилган, Шерободс райони Зарабоғ қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили Қирғизистонга (Қозоғистонга бўлса керак — *Р.Ш.*) сургун қилинган, 1921—1932 йилгача ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, ижтимоий ёт унсур сифатида партиядан ўчирилган, ҳибсга олинган вақтда колхозда молчилик фермасининг мудири) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. 1935 йили сургун жойидан қочган ва турли районларда яшириниб юрган, керакли рухсатномасиз чегара чизиқларига кириб олганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6202-сонли иш бўйича **Алиқулов Норқуват** (1909 йили туғилган, Термиз райони Янгиариқ қишлоғидан, қулоқ қилинган, "қулоқ" оиласидан, 1931 йили босмачилик фаолияти учун 8 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан бўшаганидан кейин апрел ойида рухсатсиз ман қилинган чегара чизиғига келиб, аҳоли орасида аксилинқилобий колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, давлат мажбуриятига қарши фикр билдирганликда айбланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6203-сонли иш бўйича **Бобоев Пиримқул** (1902 йили туғилган Термиз райони Қорахон қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933—1936 йилларда Афғонистонда муҳожирликда бўлган, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қутулиб келганидан сўнг тегишли рухсатномаларсиз, ман қилинган зонага кириб аҳоли орасида аксилинқилобий колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, "Мусулмонобод" ҳукуматини тиклаш тўғрисида ташвиқот қилганликда айбланган.

*Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6154-сонли иш бўйича қуйидаги 3 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Мусаев Ғофур Мамат** — 1863 йили туғилган, Шеробод райони, Талашкан қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жосус разведчик билан алоқада бўлиб, уни уйида сақлаганликда ва ундан контрабанда моллари олганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган.

2. **Нормуродов Жўра** — 1892 йили туғилган, Термиз райони Сассиқкўл қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Уйида қуролли чегарани бузганларни яшириб улардан контрабанда молларини олганликда, жосус разведкачи билан алоқаси бўлганликда, чегарадан бир неча марта ўтганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган.

3. **Мақсумқулов Ҳушвақт** — 1902 йили туғилган, Термиз райони Сассиқкўл қишлоғидан, 3 марта яширинча чегарадан ўтган, 1931 йили яширинча чегарадан ўтганлиги учун қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Чегарадан яширинча ўтган жосус разведчикни уйида яширганликда, ундан контра-


www.ziyouz.com kutubxonasi

банда моллари олганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган.

Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 6153-сонли иш бўйича **Матиев Олтибой** (1880 йили туғилган, Жарқўрғон райони Янгор қишлоғидан, собиқ қулоқ, амирлик даврида оқсоқол лавозимида бўлган. 1934 йили ҳайвон ўғирлагани ва яширинча чегарадан ўтгани учун 8 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатдан олдин 1936 йили озод қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан озод бўлганидан кейин зарур рухсатларсиз ман қилинган зонага келиб пахтага ишлов беришда зараркунандалик қилганликда, колхоз фаолларини ўч олиш билан қўрқитганликда айбланган.

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 13704-сонли иш бўйича **Каттабеков Мирзабек** (1894 йили туғилган, Олтиариқ райони Холмиён қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинганида аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, фаолларни қўрқитганликда айбланган.

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 13699-сонли иш бўйича **Шарипов Қаландар** (1865 йили туғилган, Олтиариқ райони Полосан қишлоғидан, қулоққа тортилган, диний маросимлар хизматчиси, мулла, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 13706-сонли иш бўйича **Холматов Тўрақул** (1900 йили туғилган, Олтиариқ райони Янгиараб қишлоғидан, собиқ қулоқ, диний маросимлар хизматчиси, мулла, босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ совети раиси) отувга ҳукм этилган. Раҳбарлик ишларига кириб олиб, колхозчилардан ноқонуний йиғимлар олганликда ва уларни масхара қилганликда, халқ душманларини мақтаганликда ва улар билан шахсий ёзишмалар олиб борганликда айбланган.

Олтиариқ райони тақдим қилган 4477-сонли иш бўйича **Муҳсимов Нуриддин** (1906 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, миллатчи, аксилинқилобий “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ доҳийси шаънига туҳмат фикрлар билдирганликда, аввалги хизмат жойида 12000 сўм камомад қилганликда айбланган.

Олтиариқ район бўлими тақдим қилган 5389-сонли иш бўйича **Ортиқов Алиқул** (1895 йили туғилган, Олтиариқ райони Киткам қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилик кўмакчиси, 1933 йили ўғирлик учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 13703-сонли иш бўйича **Ҳамроқулов Мавлонқул** (1889 йили туғилган, Олтиариқ райони Янгиқўрғон қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ матлубот жамияти дўкони мудири) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 13711-сонли иш бўйича **Холиқулов Мулла Саидқул** (1882 йили туғилган, Олтиариқ райони Олтиариқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 13714-сонли иш бўйича **Мададқулов Аламбой** (1882 йили туғилган, Олтиариқ райони Олтиариқ қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда, миллатчи ташкилот аъзолари билан алоқада бўлганликда айбланган.

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 13707-сонли иш бўйича **Аҳмадалиев Қодирхожи** (1871 йили туғилган, Олтиариқ райони Хангиз қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, босмачилик иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 5 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 5388-сонли иш бўйича **Нажмиддинов Зуҳриддин** (1874 йили туғилган, Олтиариқ райони Жўрак қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, хотин-қизлар озодлигига қарши фикр билдирганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 13705-сонли иш бўйича **Шамсутдинов Бузуликхон** (1887 йили туғилган, Олтиариқ райони, Олтиариқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, диний маросимлар хизматчиси, имом, босмачилик иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда ҳунармандчилик артелида ишлаган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, хотин-қизларни озод қилишга қарши фикр билдирганликда айбланган.

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 13709-сонли иш бўйича **Қосимов Ҳалил** (1900 йили туғилган, Олтиариқ райони Олтиариқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

қишлоғидан, босмачиликнинг собиқ иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 5386-сонли иш бўйича **Худоёров Маматқул** (1896 йили туғилган, Фарғона шаҳридан, босмачиликнинг собиқ иштирокчиси, 1932 йилдан 1937 йилгача партияга номзод, ижтимоий ёт унсур сифатида партиядан ўчирилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, колхоз раиси бўлганида колхозчиларни таҳқирлаб ноқонуний қамоққа олганликда, 1932 йили ўқитувчиларни ўлдиришда иштирок этганликда айбланган.

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 13700-сонли иш бўйича **Абдураҳмонов Маматамир** (1908 йили туғилган, Олтиариқ райони Миндол қишлоғидан, 1919 йилдан 1937 йилгача партиянинг собиқ аъзоси, ижтимоий ёт унсур сифатида партиядан ўчирилган, 1934 йили колхоз ишини барбод қилгани учун 3 ой мажбурий меҳнатга ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда тайёрлов курсида инструктор) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 5 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 5390-сонли иш бўйича **Мадраимов Қозоқ** (1889 йили туғилган, Олтиариқ райони Қўрғонтепа қишлоғидан, босмачилик иштирокчиси, қўрбоши, 1933 йили ўғирлик учун жавобгарликка тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. 1918 йилдан бошлаб босмачиликнинг иштирокчиси бўлган, колхозчиларни талаган, шахсан унинг ўзи 3 фуқарони ўлдирганликда айбланган.

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 13701-сонли иш бўйича **Солодовников Андрей Павлович** (1872 йили туғилган, Саратов ўлкаси Питер райони Новотука қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхозда дурадгор) отувга ҳукм этилган. 1918 йилдан фаолларни ваҳшиёна ўлдиришда иштирок этганликда, қатағон қилинишдан қўрқиб 1929 йили яшаш жойидан қочган, аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 13710-сонли иш бўйича **Отаназаров Аҳмаджон** (1898 йили туғилган, Олтиариқ райони Киткан қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1929 йилдан партия аъзолигига собиқ номзод, тозалов бўйича 1934 йили ижтимоий ёт унсур сифатида ўчирилган, босмачилик иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, фаолларни ўлдиришга уринганликда айбланган.

Олтиариқ район бўлими тақдим этган 13708-сонли иш бўйича

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Масленников Александр Иванович** (1897 йили туғилган, Саратов ўлкаси Хвалинск қишлоғидан, оқлар армиясининг кўнгилли аскари, ҳибсга олинган вақтда нефт узатиш заводида ҳисобчи) отувга ҳукм этилган. Жазо экспедициясининг иштирокчиси бўлган, деҳқонларни қамоққа олган, оқлар армиясига кўнгилли бўлиб кирган, совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб борганликда айбланган.

## 27-баённома. 28 октябр

*"Учлик" (Апресян, Сегизбоев, Шейндлин, Яковлев) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган:*

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Хоразм округи тақдим қилган 6624-сонли иш бўйича **Элиров Жума Ниёз** (1872 йили туғилган, Қўшкўпир райони Ўзбек-Ёп қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1934 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда айбланган.

6507-сонли иш бўйича **Хўжамуродов Аллам** (1897 йили туғилган, Қўшкўпир райони Қўшкўпир қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, босмачилик иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда заготпункт ишчиси) **отувга** ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

*6594-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

**1. Худоёров Қўчқор** — 1892 йили туғилган, Хонқа райони Кулан-Қорабоғ қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили босмачилик фаолияти учун 3 йилга қамалган, қамоқдан қочган, босмачилик иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**2. Абдукаримов Ражаб** — 1901 йили туғилган, Хонқа райони Кулан-Қорабоғ қишлоғидан, имомнинг ўғли, босмачилик иштирокчиси, 1928 йили босмачилик фаолияти учун жавобгарликка тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, 1936 йили 2 колхозчини талаш ва ўлдиришда иштирок этганликда айбланган.

6622-сонли иш бўйича **Хўжамбердиев Отчопар** (1881 йили туғилган, Қўшкўпир райони Ўзбек-Ёп қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1934 йили босмачилик фаолияти учун 10 йилга қамалган, 1937 йили касаллиги учун озод этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан бўшагач аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

6617-сонли иш бўйича **Холназаров Убайдулла** (1899 йили туғилган, Қўшкўпир райони Қўшкўпир қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, қулоқлаштиришда иштирок этган фаолни қўрқитганликда айбланган.

4024-сонли иш бўйича **Хўжаниёзов Курамбой** (1892 йили туғилган, Янгиариқ райони Беватан қишлоғидан, собиқ савдогар, хон оқсоқоли, 1925 йилдан 1926 йилгача ВКП(б) аъзоси бўлиб, ижтимоий хавфли унсур сифатида четлаштирилган. 1931 йили колхоз мол-мулкини ўғирлагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) **отувга** ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ доҳийси шаънига қарата террористик мақсадини айтганликда айбланган.

6487-сонли иш бўйича **Шарипов Абдулла** (1895 йили туғилган, Янгиариқ райони Тожикоға қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1929 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, 1933 йили пахта режасини бажармагани учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

6543-сонли иш бўйича **Абдалов Хўжа Ниёз** (1879 йили туғилган, Хонқа райони Мадир қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 сентябрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат раҳбарлари шаънига қаратилган туҳмат гаплар айтганликда айбланган.

6626-сонли иш бўйича **Абдуллаев Искандар** (1894 йили туғилган, Қўшкўпир райони Ўзбек-Ёп қишлоғидан, қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, халқ доҳийси шаънига туҳмат фикрлар билдирганликда айбланган.

6616-сонли иш бўйича **Матчаев Раим** (1914 йили туғилган, Қўшкўпир райони Ўзбек-Ёп қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

6605-сонли иш бўйича **Абдуғаниев Ҳусаин** (1877 йили туғилган, Хонқа райони Саид Ниёзбой қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили босмачилик учун жавобгарликка тортилган, диний маросимлар хизматчиси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

13249-сонли иш бўйича **Курязов Саттор** (1888 йили туғилган, Хонқа райони Мадир қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1929 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 7 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

13250-сонли иш бўйича **Абдалов Матёқуб** (1902 йили туғилган, Хонқа райони Мадир қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилик иштирокчиси, отаси ва 4 акаси босмачиликда иштирок этгани учун отувга ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йили 6 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, хон давридаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

13248-сонли иш бўйича **Ёрлиқов Жуманиёз** (1877 йили туғилган, Хонқа райони Катта Жўрмиз қишлоғидан, қулоққа тортилган, хон амалдори, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 5 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

13251-сонли иш бўйича **Каримов Эгамберди** (1901 йили туғилган, Хонқа райони Нукус қишлоғидан, собиқ савдогар, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган. 1931 йили колхоз мулкига ўт қўйгани учун 2 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 5 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6505-сонли иш бўйича **Холназаров Абдулла** (1889 йили туғилган, Қўшкўпир райони Қўшкўпир қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 4 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 6 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

6636-сонли иш бўйича **Ёқубов Отажон** (1881 йили туғилган, Хонқа райони Абдувоис қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 7 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, хон давридаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

6545-сонли иш бўйича **Авазов Болтош** (1884 йили туғилган, Хонқа райони Зинаухас қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

*6633-сонли иш бўйича 1 маҳбус 10 йил, 1 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 6 октябрдан ҳисобланган:*

1. **Аҳмедов Саиджон** — 1879 йили туғилган, Хонқа райони Абдувоис қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Маҳмудов Ҳайит** — 1888 йили туғилган, Хонқа райони Абдувоис қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, хон давридаги ҳаётни мақтаганликда айбланган.

6564-сонли иш бўйича **Қутлимуротов Тўра** (1883 йили туғилган, Хонқа райони Каттажурмис қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1924 йили январ қўзғолони вақтида босмачилик тўдасини бошқарган, юзбоши бўлган, 1935 йили саботаж учун 3,5 йилга қамалган, жазони ўтамаган, суд залидан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) **отувга** ҳукм этилган.

6544-сонли иш бўйича **Юсупов Абдураҳмон** (1883 йили туғилган, Хонқа райони Каттажурмис қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1935 йили экиш вақтида саботаж учун шартли равишда 2 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 5 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

*6526-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Матмуродов Матчанбек** — 1885 йили туғилган, Хазорасп райони Оталиқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, хон беги, Хоразмдаги аксилинқилобий қўзғолон ташкилотчиси, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, фаоллар шаънига террористик кайфиятда бўлганликда айбланган.

2. **Қурбонбоев Собирбой** — 1880 йили туғилган, Хазорасп райони Оталиқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1929 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йилга қамалган, Хоразмдаги аксилинқилобий қўзғолон иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6596-сонли иш бўйича **Юсуф Эшонов Омад** (1901 йили туғилган, Хива райони Соят қишлоғидан, қулоққа тортилган, руҳоний, эшоннинг ўғли, 1933 йили колхозни тарқатиб юборгани учун 8 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 29 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

13247-сонли иш бўйича **Юсупов Омад** (1872 йили туғилган, Хонқа райони Сарапоён қишлоғидан, собиқ савдогар, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 6 октябрдан ҳисоб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6614-сонли иш бўйича **Раҳматуллаев Мадамин** (1876 йили туғилган, Қўшкўпир райони Кўктам қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган.

6567-сонли иш бўйича **Исмоилов Мулла Яраш** (1896 йили туғилган, Хазорасп райони Саид қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 30 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида миллатчилик, аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

13266-сонли иш бўйича **Матниёзов Нурмат** (1878 йили туғилган, Қўшкўпир райони Шайх қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 8 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 14 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

6549-сонли иш бўйича **Сатимов Аҳмад** (1901 йили туғилган, Хонқа райони Нукус қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1924 йилги январ қўзғолони иштирокчиси, 1930 йили босмачилик фаолияти учун 8 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6509-сонли иш бўйича **Эшатов Матёқуб** (1907 йили туғилган, Қўшкўпир райони Қўшкўпир қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 6 сентябрдан ҳисобланган.

*6552-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, бирининг жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан, иккинчисининг муддати 1937 йил 15 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Саид Назаров Қаландар** — 1896 йили туғилган, Шоват райони Бошмерган қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Мадаминов Ҳамидулло** — 1866 йили туғилган, Шоват райони Бошмерган қишлоғидан, эшонлардан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6609-сонли иш бўйича **Бекчанов Исчан** (1872 йили туғилган, Янгиариқ райони Тожикоға қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1929 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

6607-сонли иш бўйича **Сатторов Жумабой** (1889 йили туғилган, Янгиариқ райони Беватан қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 8 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда "Кустпромсоюз" артелида ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 26 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

6508-сонли иш бўйича **Тожимуротов Яхшибой** (1880 йили туғилган, Қўшкўпир райони Қўшкўпир қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун жавобгарликка тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 6 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

6625-сонли иш бўйича **Нурматов Маткарим** (1904 йили туғилган, Қўшкўпир райони Ўзбек-Ёп қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган.

6595-сонли иш бўйича **Рўзбоев Отажон** (1887 йили туғилган, Хонқа райони Тупчин қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1924 йилдаги январ қўзғолони иштирокчиси, 1932 йили ўғирлик учун 10 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очлик тўғрисида аксилинқилобий мағлубиятчилик фикр билдирганликда айбланган.

6551-сонли иш бўйича **Худойберганов Собир** (1899 йили туғилган, Гурлан райони Эшонжара қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачилик иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, хон ҳукумати тикланиши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган.

13257-сонли иш бўйича **Жуманиёзов Аллам** (1869 йили туғилган, Шоват райони Қора Юсуфбой қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ доҳийси шаънига террорчилик кайфиятида бўлганликда айбланган.

6504-сонли иш бўйича **Давлатмуротов Ўрозбой** (1878 йили туғилган, Қўшкўпир райони Қўшкўпир қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1924 йилдаги январ қўзғолони иштирокчиси, 1929 йили босмачилик кўмакчиси бўлгани учун қамалган, 1932 йили лагерлардан қайтиб келган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил



www.ziyouz.com kutubxonasi

6 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, хон ҳукумати тикланиши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган.

13245-сонли иш бўйича **Абдуллаев Худойберди** (1902 йили туғилган, Хива райони Пирнавхоз қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз кассири) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

13256-сонли иш бўйича **Дўстматов Худойберган** (1879 йили туғилган, Шоват райони Ижтимоят қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 30 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

13242-сонли иш бўйича **Алиев Дўстчан** (1897 йили туғилган, Хива шаҳридан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6517-сонли иш бўйича **Матниёзов Мулла Кутум** (1872 йили туғилган, Гурлан райони Хидирилип қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1934 йили колхоз отини ўғирлагани учун 5 йилга мажбурий меҳнатга ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 16 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

3254-сонли иш бўйича **Пирнафасов Қуриёз** (1876 йили туғилган, Шоват райони Қора Юсуфбой қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун жавобгарликка тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 28 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ доҳийси шаънига террорчилик кайфиятида бўлганликда айбланган.

6618-сонли иш бўйича **Абдураимов Собир** (1886 туғилган, Қўшкўпир райони, Ўзбек-Ёп қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили чайқовчилиги учун жавобгарликка тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

13243-сонли иш бўйича **Султонов Жуманиёз** (1887 йили туғилган, Хива райони Пирнавхоз қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

13265-сонли иш бўйича **Маткаримов Бобожон** (1877 йили туғилган, Манғит райони Калаушак қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, пионерлар шаънига террористик мақсадини билдирганликда айбланган.

6623-сонли иш бўйича **Матёзов Мулла Омад** (1881 йили туғилган, Қўшкўпир райони Ғазоват қишлоғидан, собиқ қулоқ, диний маросимлар хизматчиси, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда ва халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

6631-сонли иш бўйича **Шакиров Солай** (1893 йили туғилган, Хазорасп райони Оталиқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1924 йилдаги январ қўзғолони иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, колхоз фаолларига террористик кайфиятда бўлганликда айбланган.

6630-сонли иш бўйича **Содиқов Одам** (1874 йили туғилган, Хазорасп райони Ашак Карвек қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, хон ҳукумати тикланиши тўғрисида ташвиқот олиб борганликда айбланган.

13264-сонли иш бўйича **Болтаев Нурилло** (1896 йили туғилган, Манғит райони Куня Мачай қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

6613-сонли иш бўйича **Эшниёзов Аллак** (1880 йили туғилган, Гурлан райони Аккум қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1924 йилдаги январ қўзғолони иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ доҳийси шаънига миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

13267-сонли иш бўйича **Шомуротов Исчан** (1874 йили туғилган, Қўшкўпир райони Қўшкўпир қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, миллатчилик, исёнчилик тарғиботи олиб борганликда, фаоллар шаънига қарата террорчилик кайфиятида бўлганликда айбланган.

13268-сонли иш бўйича **Бобожонов Давлат** (1902 йили туғилган, Қўшкўпир райони Ўзбек-Ёп қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Аҳоли ораси-



www.ziyouz.com kutubxonasi

да аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ доҳийси шаънига қарата террорчилик мақсадини билдирганликда айбланган.

6511-сонли иш бўйича **Воисов Уллибобо** (1895 йили туғилган, Шоват райони Кураклёр қишлоғидан, имом, ҳибсга олинган вақтда пахта заводида ишлаган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 9 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

13246-сонли иш бўйича **Азизов Маткаримжон** (1892 йили туғилган, Хива шаҳридан, қулоққа тортилган, 1929 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун жавобгарликка тортилган, аксилинқилобий қўзғолон иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

13258-сонли иш бўйича **Мирзаев Мулла Раимбой** (1867 йили туғилган, Шоват райони Қора Юсуфбой қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 27 сентябрдан ҳисобланган.

*6590-сонли иш бўйича 10 маҳбус отувга, 3 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, бирининг жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан, иккинчисининг муддати 8 апрелдан, учинчисининг муддати 1937 йил 12 апрелдан ҳисобланган:*

1. **Матмуродов Омад Бола** — 1903 йили туғилган, Қўшкўпир қишлоғидан Ўрта Ёп қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноий бандитлар гуруҳи бошлиғи бўлиб, колхозчиларни қуролли босқинчиликларни ташкил этганликда айбланган.

2. **Мадраимов Юсуф** — Янги Урганч райони Ниёзмат қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган бандитлар гуруҳи иштирокчиси бўлиб, қуролли ўғирликлар ташкил қилганликда, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган буюмлар топилганликда айбланган.

3. **Мадаминов Собир** — 1916 йили туғилган, Хива шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган бандитлар гуруҳи иштирокчиси бўлиб, пичоқ билан қуролланиб 4 квартирада ўғирликларда иштирок этганликда айбланган.

4. **Отажонов Бобожон** — 1916 йили туғилган, Янги Урганч райони Аякдурмон қишлоғидан, 1935 йили ўғирлик учун 2 йилга қамалган. Қуролланган бандитлар гуруҳи иштирокчиси бўлиб, пичоқ билан қуролланиб 6 квартирада ўғирликларда иштирок этганликда, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган буюмлар топилганликда айбланган.

5. **Нуруллаев Отажон** — 1905 йили туғилган, Янги Урганч райони Уйғур қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғуло-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ти бўлмаган. Қуролланган бандитлар гуруҳи иштирокчиси бўлиб, пичоқ билан қуролланиб 3 квартирада ўғирликларда иштирок этганликда, унинг квартирасида босқинчилик ишлари кўрилганликда айбланган.

6. **Қаландаров Султон** — 1914 йили туғилган, Хива шаҳридан, хон амалдорининг ўғли, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган бандитлар гуруҳи иштирокчиси бўлиб, пичоқ билан қуролланиб 3 квартирада ўғирликларда иштирок этганликда айбланган.

7. **Воисов Жаббор** — 1892 йили туғилган, Янги Урганч райони Қаландар Дурмон қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчилар гуруҳи билан биргаликда "Берданка" милтиғи билан қуролланиб, колхозчилар квартираларини талашда иштирок этганликда, ҳибсга олинганда Берданка қуроли, Смитвиссон ханжари ва Берданка ўқлари топилганликда айбланган.

8. **Бобожонов Раим** — 1917 йили туғилган, Янги Урганч райони Ниёзматарбоб қишлоғидан, собиқ қулоқнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Қуролланган жиноятчи бандитлар гуруҳи иштирокчиси бўлиб, пичоқ билан қуролланиб колхозчилар квартираларини талашда иштирок этганликда айбланган.

9. **Рўзметов Бекчан** — 1914 йили туғилган, Шоват райони Буйрачи қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган жиноятчи бандитлар гуруҳи иштирокчиси бўлиб, пичоқ билан қуролланиб 4 квартирада ўғирликларда иштирок этганликда, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган буюмлар топилганликда айбланган.

10. **Отажонов Матёқуб** — 1919 йили туғилган, Янги Урганч райони Аякдурмон қишлоғидан, 1936 йили ўғирлик учун 1 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган жиноятчи бандитлар гуруҳи иштирокчиси бўлиб, пичоқ билан қуролланиб квартираларни талашда иштирок этганликда айбланган.

11. **Эрназаров Отаназар** — 1900 йили туғилган, Қўшкўпир райони Уйғур қишлоғидан, савдогарлар оиласидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бандитлар гуруҳи иштирокчиси бўлиб, пичоқ билан қуролланиб квартираларни талашда иштирок этганликда айбланган.

12. **Содиқова Розия** — 1909 йили туғилган, Янги Урганч райони Уйғур қишлоғидан, руҳоний оиласидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган жиноятчи бандитлар гуруҳи билан шерик бўлиб, ўғирликларда иштирок этганликда ва ўғирланиш жойларини кўрсатганликда айбланган.

13. **Султонов Бобо** — 1909 йили туғилган, Янги Урганч райони Ниёзмат арбоб қишлоғидан, қулоқлардан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Босмачилик гуруҳи иштирокчиси бўлиб, ноқонуний "Наган" қуроли сақлаганликда айбланган.

*6592-сонли иш бўйича 5 маҳбус отувга, 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, бирининг жазо муддати 1937 йил 5*

www.ziyouz.com kutubxonasi

*мартдан, иккинчисининг муддати 1937 йил 25 февралдан ҳисобланган:*

1. **Давлатов Раҳмон** — 1905 йили туғилган, Тўрткўл райони Чубукли овул қишлоғидан, ўртаҳоллардан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бошқа айбланувчилар билан биргаликда ханжар билан қуролланиб, қуролли ўғирликларни ўтказганликда айбланган.

2. **Қаландаров Жума Ниёз** — 1912 йили туғилган, Тўрткўл райони Чубукли овул қишлоғидан, 1934 йили 59-7-модда бўйича 10 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Кичик калибрли милтиқ билан қуролланганликда, аҳолини талашни ташкил этганликда айбланган.

3. **Бобожонов Мулла Исмоил** — 1899 йили туғилган, Хонқа райони Кулан Қорабоғ қишлоғидан, ўртаҳоллардан, батракни ўлдиргани учун жиноий жавобгарликка тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Милтиқ билан қуролланиб, колхозчиларни тунашни уюштирганликда айбланган.

4. **Бобожонов Мадраим** — 1912 йили туғилган, Хонқа райони Кулан Қорабоғ қишлоғидан, ўртаҳоллардан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Қуролланган бандитлар гуруҳи иштирокчиси бўлиб, ўзи қурол билан қуролланиб ўғирликлар уюштирганликда айбланган.

5. **Маткаримов Қурамбой** — 1903 йили туғилган, Тўрткўл райони Чубукли овул қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бандитлар гуруҳи иштирокчиси бўлганликда, доимий равишда қуролли босқинчиликларда раҳбарлик қилганликда, ўзи кичик калибрли милтиқ билан қуролланганликда айбланган.

6. **Ортиқов Саид Мурод** — 1899 йили туғилган, Тўрткўл райони Чубукли овул қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган бандитлар гуруҳи иштирокчиси бўлиб, аҳолини талашни ташкил этганликда айбланган.

7. **Матёқубов Бек Турди** — 1912 йили туғилган, Хонқа райони Нукус қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган бандитлар гуруҳи иштирокчиси бўлиб, колхозчиларни талашни ташкил қилганликда айбланган.

6575-сонли иш бўйича **Алиев Жума Ниёз** (1912 йили туғилган, Янгиариқ райони Мультен қишлоғидан, 1931 йили қуролли ўғирлик учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) **отувга** ҳукм этилган. Жиноий унсур билан алоқада бўлганликда ва колхозчиларни талаш билан шуғулланганликда айбланган.

6570-сонли иш бўйича **Ёқубов Бекчан** (1899 йили туғилган, Қўшкўпир райони Ғазоват қишлоғидан, 1929 йили колхозчини ўлдиргани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) **10 йил** меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 4 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, лагерлардан қочганидан сўнг ҳеч қаерда ишламай чайқовчилик билан шуғулланганликда айбланган.

6581-сонли иш бўйича **Воизов Жума Ниёз** (1911 йили туғил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ган, Шоват райони Қора Юсуфбой қишлоғидан, руҳонийнинг ўғли, 1931 йили ўғирлик учун 2 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 сентябрдан ҳисобланган. Ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда, 1937 йили пахта экинини зараркунандалик билан йўқ қилганликда, ҳибсга олинган пайтда ўғирланган қўй терилари топилганликда айбланган.

6571-сонли иш бўйича **Таниқулов Юсуф** (1897 йили туғилган, Қўшкўпир райони Кўктам қишлоғидан, савдогар оиласидан, 1926 йили ўғирлик учун 2 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 3 октябрдан ҳисобланган. Ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6593-сонли иш бўйича **Бегматов Машариф** (1901 йили туғилган, Янги Урганч райони Гайбу қишлоғидан, 1934 йили колхоздаги зараркунандалиги учун 2 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Жиноий унсур билан алоқада бўлганликда, ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6591-сонли иш бўйича **Исрмуротов Абулбола** (1912 йили туғилган, Урганч райони Янги бозор қишлоғидан, 1932 йили қуролли ўғирлик учун 3 йилга қамалган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан озод бўлганидан сўнг жиноий унсур билан алоқада бўлганликда ва ўғирлик билан шуғулланганликда, жабрланувчиларга тан жароҳатлари етказганликда, қуролланиб қишлоқ совети раисига ҳужум қилганликда айбланган.

6573-сонли иш бўйича **Бобожонов Хожи Ниёз** (1907 йили туғилган, Хонқа райони Нукус қишлоғидан, 1928 йили босмачилик фаолияти учун 10 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

6579-сонли иш бўйича **Қурбонбоев Машариф** (1902 йили туғилган, Хонқа райони Кенагас қишлоғидан, 1927 йили босмачилик учун 8 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, фаолларни қўрқитганликда айбланган.

6435-сонли иш бўйича **Отажонов Абдукарим** (1912 йили туғилган, Қўшкўпир райони Кўктам қишлоғидан, савдогар оиласидан, 1930 йили ҳайвон ўғирлагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1935 йилдан бошлаб доимий равишда колхозчиларни талаш билан шуғулланганликда, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган буюмлар топилганликда айбланган.

6578-сонли иш бўйича **Саидов Қурбонбой** (1909 йили туғил-


www.ziyouz.com kutubxonasi

ган, Қўшкўпир райони Кенагас қишлоғидан, 1931 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Жиноятчи гуруҳ билан бирга колхозчиларни қуролли босқинчиликлар ўтказганликда, жабрланувчиларга тан жароҳати етказганликда, ов қуроли билан қуролланганликда айбланган.

6576-сонли иш бўйича **Дўстов Султон** (1907 йили туғилган, Янгиариқ райони Қуруқтам қишлоғидан, 1929 йили қуролли ўғирликлар учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 сентябрдан ҳисобланган.

ЎзССР ИИХК Наманган шаҳар бўлими тақдим қилган 3415-сонли иш бўйича **Мавлонов Маруф** (1870 йили туғилган, Наманган шаҳридан, диний маросимлар хизматчисии, эшон, босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда қурилиш идорасида қоровул) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4989-сонли иш бўйича **Мирсолиев Фозилбой** (1857 йили туғилган, Наманган райони Ойдинкўл қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) қамоқдан озод қилиниб, иши ёпилган ва архивга топширилган. 66-модда билан айбланган.

4936-сонли иш бўйича **Усмонов Ҳайдарали** (1874 йили туғилган, Наманган райони Қумқўрғон қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилик иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган.

4990-сонли иш бўйича **Хўжаназаров Исоқбой** (1864 йили туғилган, Наманган райони Қурама қишлоғидан, собиқ старшина, қулоққа тортилган ва 1929 йили Украинага жўнатилган, у ердан 1934 йили қочиб келган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

12542-сонли иш бўйича **Нормирзаев Маматқул** (1894 йили туғилган, Наманган райони Шўрқурғон қишлоғидан, собиқ савдогар, қулоққа тортилган, 1925 йили аксилинқилобий фаолияти учун 2 йилга қамалган, 1929 йили райондан ташқарига чиқарилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

12544-сонли иш бўйича **Отабоев Жалил** (1874 йили туғилган, Наманган райони Бешкапа қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 сентябрдан ҳисобланган. Кол-



www.ziyouz.com kutubxonasi

хозчилар орасида аксилинқилобий колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

*3300-сонли иш бўйича 4 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 апрелдан ҳисобланган:*

1. **Миразизов Мулла Йўлдош** — 1878 йили туғилган, Косонсой райони Кассан қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳи аъзоси бўлиб, нолегал йиғинларда иштирок этганликда, аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Атаматхўжаев Мулла Абдулла** — 1875 йили туғилган, Янгиқўрғон райони Заркент қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йилга қамалган ва 3 йилга сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳи аъзоси бўлиб, нолегал йиғинларда иштирок этганликда, колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

3. **Сувонов Мамур** — 1869 йили туғилган, Қизилжар райони Устихон қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳи аъзоси бўлиб, нолегал йиғинларда иштирок этганликда, аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4. **Қувондиқов Мулла Ўрозбой** — 1865 йили туғилган, Қизилжар райони Устихон қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йилга қамалган ва 1 йилга сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳи аъзоси бўлиб, нолегал йиғинларда иштирок этганликда, аҳоли орасида исёнчилик ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

5. **Одилов Ҳошим** — 1896 йили туғилган, Наманган шаҳридан, 1933 йили ноқонуний ғалла олганликда жавобгарликка тортилган, ҳибсга олинган вақтда Ўзконсервплодоовощда пункт мудири. Аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4957-сонли иш бўйича **Глазатов Михаил Георгиевич** (1887 йили туғилган, Оренбург области Филиповка қишлоғидан, Колчакнинг оқлар армиясида хизмат қилган, ҳибсга олинган вақтда ёғ заводида бригадир) отувга ҳукм этилган. Ишчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, комунистлар ва комсомоллар шаънига қаратилган террорчилик мақсадини билдирганликда, местком раисини ўлдиришга ҳаракат қилганликда айбланган.

3304-сонли иш бўйича **Бурмистров Александр Федорович** (1878 йили туғилган, Казелин шаҳридан, собиқ эсэр, ўлкашунослик музейида лаборант) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 июндан ҳисобланган. Ўтмишда чап эсэрлар сафида бўлиб, музей ходимлари орасида аксил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

инқилобий фашистчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

*3382-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, бирининг жазо муддати 1937 йил 22 августдан, иккинчисининг муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган:*

1. **Сайфутдинов Низомиддин** — 1870 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ эшон, ҳибсга олинган вақтда "Хом-ашё утили" ишчиси. Аксилинқилобий йиғин ташаббускори бўлиб, руҳонийлардан ва собиқ бойлардан, йиғилишларда совет ҳукуматига қарши курашга чақирганликда ва унинг тадбирларини обрўсизлантирганликда, аксилинқилобий туҳмат тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Мақсудов Аҳмад Али** — 1877 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ эшон, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий йиғин иштирокчиси бўлиб, руҳонийлар ва собиқ бойларни, йиғилишларда совет ҳукуматига қарши курашга чақирганликда ва унинг тадбирларини обрўсизлантирганликда, аксилинқилобий туҳмат тарғибот олиб борганликда айбланган.

3. **Ғофуров Мўмиддин** — 1885 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ имом, савдогар, ҳибсга олинган вақтда "Сонаутил"да йиғувчи. Аксилинқилобий йиғин иштирокчиси бўлиб, руҳонийлар ва собиқ бойларни, йиғилишларда совет ҳукуматига қарши курашга чақирганликда ва унинг тадбирларини обрўсизлантирганликда, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3398-сонли иш бўйича **Турдиев Уста Ориф** (1876 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда "Қизил Бата" артелида темирчи) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда коммунистлар шаънига қарата террорчилик мақсадини билдирганликда айбланган.

3367-сонли иш бўйича **Валихон Эшон Шайх Эшонов** (1874 йили туғилган, Наманган шаҳридан, руҳоний, эшон, собиқ йирик ер эгаси, эксплуататор, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш тўғрисида иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда, революциядан илгариги тузумни мақтаганликда айбланган.

3311-сонли иш бўйича **Мирхўжаев Махмуд Хўжа** (1892 йили туғилган, Уйчи райони Эркатой қишлоғидан, собиқ имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулот бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 7 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, миш-мишлар тарқатганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*572-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 6 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, 3 маҳбуснинг жазо муддати 1937 йил 20 декабрдан, 3 маҳбуснинг муддати 1937 йил 2 февралдан ҳисобланган:*

1. **Тўрахонов Абдумалик** — 1894 йили туғилган, Қўқон районидан, собиқ эшон, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий исёнчи ташкилот йиғинларида иштирок этганликда, доимий равишда колхозчилар орасида мағлубиятчилик, иғвогарона бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳукуматига қарши оммавий йиғинларда иштирок этганликда, ўтмишда босмачилик иштирокчиси бўлганликда айбланган.

2. **Абдураҳмонов Шамид** — 1876 йили туғилган, Поп райони Чоркисор қишлоғидан, руҳоний, халфа, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Ўтмишда босмачилик кўмакчиси бўлиб, совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолонга тайёргарликда иштирок этганликда, ўз уйида аксилинқилобий йиғинлар ташкил этганликда, колхозчилар орасида доимий равишда исёнчилик, иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3. **Мамарозиқов Юсуф Али** — 1882 йили туғилган, Поп райони Чоркисор қишлоғидан, собиқ эшон, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўрилган аксилинқилобий нолегал йиғинларда иштирок этганликда, оммавий йиғинлар ташкил этишда, колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4. **Норматов Шермат** — 1902 йили туғилган, Поп райони Чоркисор қишлоғидан, собиқ эшон, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Исёнчилик ҳаракати ташкилотчиси ва раҳбари бўлиб, аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда, доимий равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

5. **Мамадалиев Тошбой** — 1902 йили туғилган, Поп райони Хонобод қишлоғидан, собиқ савдогар, ҳибсга олинган вақтда, колхоз аъзоси. Аксилинқилобий унсур билан алоқада бўлганликда, уйида ташкил этилган йиғинларда иштирок этганликда, аксилинқилобий унсурга ёрдам бериш мақсадида 11000 рубл колхоз пулини ўғирлаганликда айбланган.

6. **Хўжаев Санжар** — 1904 йили туғилган, Поп райони Хонобод қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўрилган аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда айбланган.

7. **Турдиев Йўлдош** — 1901 йили туғилган, Поп райони Хонобод қишлоғидан, собиқ ер ижарачиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Босмачи бандитлар гуруҳи кўмакчиси бўлиб, аксилинқилобий унсур билан алоқада бўлганликда, совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўрилган йиғинларда иштирок этганликда ва аксилинқилобчи Мавлоновга моддий ёрдам берганликда айбланган.

3320-сонли иш бўйича **Раҳимбоев Қурбонбой Ҳожи** (1860 йи-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ли туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ қулоқ, 1927 йили катта ер эгаси сифатида сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) қамоқдан озод қилинган, иши архивга топширилган. 66-модда бўйича айбланган.

12548-сонли иш бўйича **Тўранов Абдураззоқ** (1902 йили туғилган, Наманган райони Қурама қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 4 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда иғвогарона бузғунчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

12549-сонли иш бўйича **Бобораҳимов Мулла Мадраҳим** (1885 йили туғилган, Наманган райони Қиёт қишлоғидан, собиқ мулла, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 4 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда бузғунчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, табиблик билан шуғулланганликда айбланган.

3418-сонли иш бўйича **Эшон Бобохонов** (1865 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ руҳоний, қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет ҳокимиятига қарши курашга чақирганликда, революциядан олдинги тузумни мақтаганликда айбланган.

12551-сонли иш бўйича **Ғофуров Мамасодиқ** (1882 йили туғилган, Наманган райони Каттақўрғон қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Колхозчилар орасида совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3376-сонли иш бўйича **Хуторный Петр Никофорович** (1896 йили туғилган, Андижон шаҳридан, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда Райпотрабсоюз экспедитори) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. Ўтмишда эсэрлар партияси аъзоси бўлганликда, террористларга қарши гуруҳ ташкил қилганликда, доимий равишда атрофидагилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очлик ва уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3439-сонли иш бўйича **Луцкый Петр Николаевич** (1880 йили туғилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда РИК инкасатори, собиқ сўл эсэр) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3378-сонли иш бўйича **Ғиёсов Сирожиддин** (1900 йили туғилган, Наманган шаҳридан, "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий гуруҳ аъзоси, ҳибсга олинган вақтда Ўзбекторг магазини мудири) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида доимий равишда исёнчи-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лик, мағлубиятчилик ва аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3434-сонли иш бўйича **Макаев Ҳусан** (1875 йили туғилган, Саратов области Хволин райони Ново-Кулаки қишлоғидан, собиқ татар мулласи, типография эгаси, ҳибсга олинган вақтда мактаб мураббийи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган. “Жамияти Ислом” ташкилотининг ташаббускори бўлганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ таълими бўйича ҳукумат тадбирларига қарши ўқитувчилар намойишини бошқарганликда, доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4982-сонли иш бўйича **Мамадалиев Абдували** (1864 йили туғилган, Наманган райони Қумқўрғон қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) қамоқдан озод қилинган, иши архивга топширилган. 66-модда бўйича айбланган.

4876-сонли иш бўйича **Абдуллахўжаев Султон Хўжа** (1859 йили туғилган, Наманган райони Кайшан қишлоғидан, собиқ йирик бой, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) қамоқдан озод қилинган, иши архивга топширилган. 66-модда бўйича айбланган.

12541-сонли иш бўйича **Ҳайитов Мамат Ҳошим** (1876 йили туғилган, Наманган райони Шўрқўрғон қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида совет ҳукумати тадбирларини барбод қилишга қаратилган бузғунчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

12556-сонли иш бўйича **Васильев Виктор Леонтьевич,** унинг ўзи **Прохоров Александрович,** унинг ўзи **Иргизкин Николай Иванович** (1912 йили туғилган, Саратов шаҳридан, ижтимоий хавфли унсур сифатида 7 марта қамалган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Йиллар давомида жамоатчилик ишларида фойдали иш билан шуғулланмаганликда, ҳеч қаерда ишламаганликда, ўғирликлар билан шуғулланганликда айбланган.

3430-сонли иш бўйича **Валиқулов Маҳмуд** (1913 йили туғилган, Наманган шаҳридан, судланган, жиноий хавфли унсур сифатида 7 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Жазони ўтаганидан сўнг, жиноий фаолият билан шуғулланганликда, доимий равишда поезд ва квартира талашлар содир этганликда айбланган.

3440-сонли иш бўйича **Аҳмад Қори Тожихўжаев** (1887 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ савдогар, ўтмишда “Миллий Иттиҳод” ва “Нашри Маориф” миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган, ҳибсга олинган вақтда артел бўёқчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида доимий равишда миллатчилик, мағлубиятчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, террористик кайфиятда бўлганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

4953-сонли иш бўйича **Мир Обид Мақсумов Ҳурмат** (1885 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ савдогар, судланган, ҳибсга олинган вақтда Райисполкомда ишчи, ўтмишда собиқ полициячи ва "Миллий Иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий туҳмат тарғиботи олиб борганликда, совет ҳукуматига қарши курашга чақирганликда, революциядан олдинги тузумни мақтаганликда айбланган.

*3374-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган:*

1. **Ҳайдаров Бойзак** — 1911 йили туғилган, Наманган райони Қумқўрғон қишлоғидан, собиқ қулоқ, қўрбошининг ўғли, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Ҳайдаров Умурзоқ** — 1908 йили туғилган, Наманган райони Қумқўрғон қишлоғидан, собиқ қулоқ, қўрбошининг ўғли, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, иғвогарона ажратиш тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3423-сонли иш бўйича **Турсунбоев Шахобиддин** (1871 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ имом, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 сентябрдан ҳисобланган. "Шўраи Ислом", "Мўйнил Ислом" аксилинқилобий исёнчи ташкилоти аъзоси бўлиб, колхоз тузумига қарши оммавий аксилинқилобий йиғинларни бошқарганликда, аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4983-сонли иш бўйича **Рафиков Ғофур Бой** (1867 йили туғилган, Наманган райони Хонобод қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда очиқ савдогар) қамоқдан озод қилинган, иши архивга топширилган. 66-модда бўйича айбланган.

3346-сонли иш бўйича **Ретих Вильгельм Августович** (1877 йили туғилган, Ленинград области Пушкин шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда совхоз директори, ўтмишда "сўл" эсэр) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида совет ҳукумати тадбирларини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш тўғрисида иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3310-сонли иш бўйича **Содиқхўжаев Аҳмадали Қори** (1889 йили туғилган, Наманган райони Қумқўрғон қишлоғидан, собиқ руҳоний, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) қамоқдан озод қилинган, иши архивга топширилган. 66-модда бўйича айбланган.

12550-сонли иш бўйича **Мўминов Мулла Абдуғаффор Домулла** (1892 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ мулла, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) қамоқдан озод қилинган, иши архивга топширилган. 66-модда бўйича айбланган.

4958-сонли иш бўйича **Полевничий Митрофан Иванович,**


www.ziyouz.com kutubxonasi

унинг ўзи Митрафанович (1908 йили туғилган, Корожен области Каменка қишлоғидан, қулоқ ва савдогарнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда "Главмясо"да ишчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 4 сентябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида халқ душманларини ва уларнинг ҳаракатларини мақтаганликда, мағлубиятчилик ва туҳмат аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, террорчилик кайфиятда бўлганликда айбланган.

4997-сонли иш бўйича **Машрабоев Хафисхон** (1917 йили туғилган, Наманган шаҳридан, руҳонийнинг ўғли, судланган, жазони ўтаган, жиноий хавфли унсур, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Йиллар давомида қуролли ўғирликлар билан шуғулланганликда айбланган.

3326-сонли иш бўйича **Азизов Уста Ориф** (1888 йили туғилган, Наманган шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда система бюросида слесарь, собиқ босмачи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Совет ҳукумати тадбирларига доимий равишда норозилигини билдирганликда, революциядан олдинги тузумни мақтаганликда айбланган.

3553-сонли иш бўйича **Бакиев Бадал** (1896 йили туғилган, Тожикистон ССРдан, ҳунармандниннг ўғли, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) қамоқдан озод қилинган, иши архивга топширилган. 66-модда бўйича айбланган.

4975-сонли иш бўйича **Далибоев Мулла Муҳамаджон** (1870 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ савдогар, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) қамоқдан озод қилинган, иши архивга топширилган. 66-модда бўйича айбланган.

*4985-сонли иш бўйича 1 маҳбус 10 йил, 1 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган:*

**1. Ботиров Қосим** — 1887 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ савдогар, ҳибсга олинган вақтда "Мосплодоовош"да ишчи. Исёнчи ташкилотнинг аъзоси бўлиб, аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, совет муҳрига қаратилган миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**2. Васкасов Абдулҳай** — 1913 йили туғилган, Наманган шаҳридан, собиқ шариат қозиси ва руҳонийнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Доимий равишда аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

*3411-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга, 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 9 сентябрдан ҳисобланган:*

**1. Ирисқулов Мулла Мурод** — 1876 йили туғилган, Косонсой райони Узун қишлоғидан, собиқ эшон, 1934 йилгача Қашғарда муҳожирликда бўлган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Муҳожир, исёнчи ташкилотнинг аъзоси бўлиб, аҳоли

орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, нолегал йиғинларда иштирок этганликда айбланган.

2. **Содиқов Мулла Исмоил** — 1900 йили туғилган, Косонсой райони Узун қишлоғидан, собиқ имом, 1934 йилгача Қашғарда муҳожирликда бўлган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Муҳожир аксилинқилобий исёнчи ташкилот аъзоси бўлиб, аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, нолегал йиғинларда иштирок этганликда айбланган.

3. **Абдураззоқов Абдувоит** — 1879 йили туғилган, Косонсой райони Узун қишлоғидан, собиқ бой, қатағондан яширинган, 1934 йилгача Қашғарда муҳожирликда бўлган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Муҳожир, аксилинқилобий исёнчи ташкилот аъзоси бўлиб, аҳоли орасида иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда, нолегал йиғинларда иштирок этганликда айбланган.

4. **Абдураимов Абдуғофур** — 1913 йили туғилган, Косонсой райони Узун қишлоғидан, руҳонийнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Муҳожирлик, исёнчи ташкилот аъзоси бўлиб, аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, нолегал йиғинларда иштирок этганликда айбланган.

5. **Хўжамияров Абдулла** — 1891 йили туғилган, Косонсой райони Узун қишлоғидан, ўтмишда босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Исёнчи ташкилот аъзоси бўлиб, аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, нолегал аксилинқилобий йиғинларда иштирок этганликда айбланган.

*3412-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Назир Хўжаев Ҳамра Хўжа** — 1864 йили туғилган, Косонсой райони Қорасув қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси.

Босмачилик йиллари аҳолини босмачилар сафига кириши учун тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига хайрхоҳ бўлганлардан 15 кишини босмачилар қўрбошиларига топширганликда ва уларнинг отилиб кетишининг айбдори бўлганликда, аксилинқилобий ташкилот аъзоси сифатида Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетганликда, колхозчилар орасида ансилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Умар Хўжа Боки Хўжа** — 1869 йили туғилган, Косонсой райони Қорасув қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий қулоқлар гуруҳи аъзоси бўлиб, аҳоли орасида хотин-қизлар озодлигига қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

3. **Комолов Пача Азиз Хўжа** — 1874 йили туғилган, Косонсой райони Қорасув қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси. Босмачилик кўмакчиси бўлиб, мағлубиятчилик аксилинқилобий ва хотин қизлар озодлигига қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

*4939-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 3 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, 2 маҳбус жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан, 1 маҳбус муддати 18 сентябрдан ҳисобланган:*


www.ziyouz.com kutubxonasi

1. **Қобулов Маҳкам** — 1876 йили туғилган, Поп райони Ғуримсарой қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва совет ҳукумати сиёсий тадбирларини барбод қилганликда, колхозда бузғунчилик ишлари уюштирганликда айбланган.

2. **Пирматов Турди Али** — 1904 йили туғилган, Поп райони Ғуримсарой қишлоғидан, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида иғвогарона ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, бузғунчилик ишлари билан шуғулланганликда айбланган.

3. **Фозилов Абдулжон** — 1891 йили туғилган, Поп райони Ғуримсарой қишлоғидан, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, мағлубиятчилик ва иғвогарона тарғибот олиб борганликда, колхозчилар орасида бузғунчилик ишлари билан шуғулланганликда айбланган.

4. **Ҳасанов Раҳматулло** — 1886 йили туғилган, Поп райони Тепақўрғон қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида бузғунчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

12553-сонли иш бўйича **Ортиқов Хирмон** (1905 йили туғилган, Наманган райони Тепақўрғон қишлоғидан, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 4 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозлар тарқалиши ва совет ҳукумати тадбирларини обрўсизлантиришга қаратилган тарғибот олиб борганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Чуст район бўлими тақдим қилган 888-сонли иш бўйича **Асқархонов Мултархон** (1896 йили туғилган, Чуст шаҳридан, руҳоний, имом, “Миллий иттиҳод” миллатчи аксилинқилобий ташкилот аъзоси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 7 июлдан ҳисобланган. Аҳоли орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, аксилинқилобий шеърларга ўзгартиришлар киритганликда айбланган.

3429-сонли иш бўйича **Нурматов Жўрабой** (1892 йили туғилган, Чуст шаҳридан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) **отувга** ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматига норозилик билдирганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда ва совет ҳукумати билан кураш олиб борганликда айбланган.

4917-сонли иш бўйича **Каримов Валижон** (1896 йили туғилган, Чуст шаҳридан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозларни тарқалишига қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукуматига норозилик билдирганликда ва колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3427-сонли иш бўйича **Азизов Сафохон Тўра** (1894 йили туғилган, Чуст шаҳридан, руҳоний, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида доимий равишда совет ҳукумати тадбирларини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3432-сонли иш бўйича **Мулла Абдукаримов Мулла Абдурашид** (1871 йили туғилган, Чуст шаҳридан, собиқ савдогар руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида бузғунчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, одамларни исёнчилик ҳаракатига чақирганликда айбланган.

*3364-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, бирининг жазо муддати 1937 йил 26 августдан, иккинчисининг муддати 1937 йил 9 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Рустамхонов Эшон Бобохон** — 1897 йили туғилган, Чуст райони Карноп қишлоғидан, собиқ қулоқ, эшон, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида исёнчилик иғвогарлик ва бузғунчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, ўз уйида нолегал йиғинлар ўтказганликда айбланган.

2. **Шафиев Ориф** — 1888 йили туғилган, Чуст райони Варзигон қишлоғидан, собиқ бой, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида совет ҳукумати тадбирларини барбод қилишга қаратилган исёнчилик, бузғунчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3431-сонли иш бўйича **Авлиёхўжаев Умар Хўжа** (1889 йили туғилган, Чуст райони Шояп қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил маҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда совет ҳукумати тадбирларини барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

12547-сонли иш бўйича **Ирисқулов Мамаджон** (1891 йили туғилган, Чуст райони Ширбулоқ қишлоғидан, яширинган қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 29 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда совет ҳукумати тадбирларини барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Тўрақўрғон бўлими тақдим қилган 3396-сонли иш бўйича **Шираббоев Мирза** (1885 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Чидама қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши ва мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4963-сонли иш бўйича **Тошназаров Холназар** (1888 йили туғил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган, Тўрақўрғон райони Бул қишлоғидан, муҳожир, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 5 сентябрдан ҳисобланган. Колхоз қурилишига ва муҳожирликка чиқишга қарши доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3402-сонли иш бўйича **Умарқулоқ Казак** (1872 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Бердиқул қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида колхозга қарши, мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3391-сонли иш бўйича **Саид Алиев Мулла Қози Домулла** (1872 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Бурамут қишлоғидан, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Доимий равишда колхоз қурилишига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш тўғрисида иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3392-сонли иш бўйича **Сайфутдинов Содиқжон** (1906 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Сайрам қишлоқ советидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган. Доимий равишда колхоз қурилишига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3394-сонли иш бўйича **Абдуллаев Мулла Сатратдин** (1876 йили туғилган, Наманган райони Каттатошбулоқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, имом, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) қамоқдан озод қилинган, иши архивга топширилган. 66-модда бўйича айбланган.

3342-сонли иш бўйича **Мирмуҳаммедов Мулла Эргаш** (1890 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Тўрақўрғон қишлоғидан, собиқ йирик босмачига кўмакчи, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ матлубот савдо бўлимида мудир) отувга ҳукм этилган. Ўтмишда “Миллий иттиҳод” ташкилот аъзоси бўлиб, босмачиликнинг фаол иштирокчиси бўлганликда, партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3409-сонли иш бўйича **Абдурахмонов Тўхта Ҳожи** (1887 йили туғилган, Косонсой райони Қорасув қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачи, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозда издан чиқариш ишларига қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, террорчилик кайфиятда бўлганликда айбланган.

4960-сонли иш бўйича **Сагодатутдинов Насриддин** (1867 йили туғилган, Ленин райони Аргин қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, эшон, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 30 августдан ҳисоб-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланган. Колхозчилар орасида доимий равишда совет ҳукумати тадбирларини барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

12561-сонли иш бўйича **Шодибоев Маруф Хон** (1873 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Ахси қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик ва иғвогарона аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

12560-сонли иш бўйича **Жамшидов Маруфхон** (1878 йили туғилган, Чуст шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик ва иғвогарона аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, революциядан олдинги тузумни мақтаганликда айбланган.

*3424-сонли иш бўйича 8 маҳбус отувга, 13 маҳбус 10 йил, 3 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган:*

1. **Худоёр Сўфиев Мулла Аҳмаджон** — 1875 йили туғилган, Чуст шаҳридан, руҳоний, эшон, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий исёнчи ташкилоти бошқарувчиси бўлиб, совет ҳукумати тадбирларига қарши фаол курашга чақирилган аксилинқилобий йиғинларни бир неча марта ташкил қилганликда, мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Ғофуров Маҳкамбой Ҳожи** — 1861 йили туғилган, Чуст шаҳридан, собиқ қулоқ, қулоққа тортилган, революцияга қадар Туркияда яшаган, диний маросимлар хизматчиси, имом. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳи иштирокчиси бўлиб, нолегал йиғинларда қатнашганликда, аксилинқилобий исёнчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

3. **Садулла Хўжаев Акбархон** — 1869 йили туғилган, Чуст шаҳридан, қулоққа тортилган, диний маросимлар хизматчиси, имом. Исёнчи гуруҳ иштирокчиси бўлиб, нолегал йиғинларда қатнашганликда, гуруҳ топшириғи билан аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4. **Алавутдинов Мулла Аҳмаджон** — 1862 йили туғилган, Чуст шаҳридан, собиқ қулоқ, қулоққа тортилган, диний маросимлар хизматчиси, имом. Аксилиинқилобий исёнчи гуруҳининг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

5. **Юсупов Мулла Абдумажит** — 1872 йили туғилган, Косонсой райони Косонсой қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йилга қамалган ва Чуст районига сургун қилинган, имом. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳининг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6. **Файзуллаев Камол Маҳсум** — 1871 йили туғилган, Чуст

www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳридан, қулоққа тортилган, имом. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

7. **Файзуллаев Лутфулла** — 1875 йили туғилган, Чуст шаҳридан, қулоққа тортилган, имом. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳи иштирокчиси бўлиб, нолегал йиғинларда қатнашганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

8. **Ибрагим Хўжаев Абдулла Хўжа** — 1865 йили туғилган, Чуст райони Тепақўрғон қишлоғидан, эшон. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

9. **Эшон Хўжаев Абдулла Хўжа** — 1869 йили туғилган, Чуст шаҳридан, диний маросимлар хизматчиси, эшон, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Аксилинқилобий исёнчилик гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

10. **Хўжахонов Мухибуллахон Қори** — 1874 йили туғилган, Чуст шаҳридан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, диний маросимлар хизматчиси, имом, жазо муддати 1937 йил 5 сентябрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий гуруҳининг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

11. **Мансурхонов Музаффар Хон** — 1874 йили туғилган, Чуст шаҳридан, диний маросимлар хизматчиси, мачитнинг катта шайхи, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. Исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

12. **Умар Хўжаев Ниёз Хўжа** — 1874 йили туғилган, Чуст шаҳридан, диний маросимлар хизматчиси, имом, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

13. **Маҳмудшоев Мулла Абдулла** — 1891 йили туғилган, Чуст райони Буба қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом, жазо муддати 1937 йил 20 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

14. **Мамадхўжаев Улуғ Хўжа** — 1874 йили туғилган, Чуст шаҳридан, диний маросимлар хизматчиси, имом, жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

15. **Саид Аҳмедов Убайдулла** — 1875 йили туғилган, Чуст шаҳридан, диний маросимлар хизматчиси, имом, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, жазо муддати 1937 йил 8 сентябрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳининг нолегал йиғинларида

www.ziyouz.com kutubxonasi

иштирок этганликда, чегара орти билан хат орқали алоқада бўлганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**16. Абдулходиев Имом Махсум** — 1870 йили туғилган, Чуст райони Барзиқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1929 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга қамалган, диний маросимлар хизматчиси, имом, жазо муддати 1937 йил 20 сентябрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**17. Мирхаитов Абдуллажон** — 1892 йили туғилган, Чуст шаҳридан, собиқ қулоқ, қулоққа тортилган, диний маросимлар хизматчиси, имом, жазо муддати 1937 йил 7 сентябрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, аҳоли орасида монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

**18. Мулла Шокиров Зокиржон** — 1877 йили туғилган, Чуст шаҳридан, собиқ савдогар, қулоқ, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳининг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**19. Абдулла Хўжаев Ибрагим Хўжа** — 1895 йили туғилган, Чуст шаҳридан, собиқ қулоқ, қулоққа тортилган, диний маросимлар хизматчиси, имом, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**20. Ибрагим Хўжаев Усмон Хўжа** — 1885 йили туғилган, Чуст шаҳридан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган, жазо муддати 1937 йил 8 сентябрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳининг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**21. Мирза Рахматов Ашурмат** — 1879 йили туғилган, Чуст шаҳридан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган, жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**22. Мадалиев Шофихон** — 1865 йили туғилган, Чуст шаҳридан, диний маросимлар хизматчиси, имом, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

**23. Улуғхўжаев Баҳодирхон** — 1874 йили туғилган, Чуст шаҳридан, диний маросимлар хизматчиси, имом, жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, гуруҳ топшириғи билан аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик


www.ziyouz.com kutubxonasi

тарғиботи олиб борганликда ва аксилинқилобий шеърлар ўқиганликда айбланган.

**24. Усмон Хўжаев Эшон Бобохон** — 1861 йили туғилган, Чуст шаҳридан, диний маросимлар хизматчиси, имом, жазо муддати 1937 йил 8 сентябрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Сталин конституциясига туҳмат фикрлар билдирганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Наманган шаҳар бўлими тақдим қилган 3351-сонли иш бўйича **Козаков Мулла Ҳайдар** (1877 йили туғилган, Уйчи райони Бирлашкон қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1934 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

ЎзССР ИИК Уйчи район округи тақдим қилган 4945-сонли иш бўйича **Нажмиддинов Фахриддин** (1899 йили туғилган, Уйчи райони Уйчи қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачилик иштирокчиси, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3357-сонли иш бўйича **Ҳасанов Тожи Аҳмад** (*1891 йили туғил*ган, Тўрақўрғон райони Тўрақўрғон қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамалган, "Миллий Иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси, ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Ўқувчиларга зараркунанда таълим берганликда ва давлатга қарашли катта миқдордаги суммани сарфлаб юборганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

4950-сонли иш бўйича **Отажонов Жалолдин** (1916 йили туғилган, Уйчи райони Уйчи қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, отаси билан сургун қилинган, этаб қилиш вақтда қочган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3360-сонли иш бўйича **Ниёзов Хотамбой** (1887 йили туғилган, Уйчи райони Унхоят қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4970-сонли иш бўйича **Нурсаркаров**, унинг ўзи **Нурматов Мулла Жўра** (1872 йили туғилган, Уйчи райони Уйчи қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат


www.ziyouz.com kutubxonasi

тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, муҳожирлар билан алоқани қўллаб-қувватлаганликда айбланган.

12546-сонли иш бўйича **Турдиев Соли Махсум** (1900 йили туғилган, Уйчи райони Эркатой қишлоғидан, босмачилик иштирокчиси, собиқ қулоқ, 1935 йили зараркунандалиги учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда Заготпунктда қабул қилувчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, "Миллий иттиҳод" ташкилоти раҳбарлари билан алоқани қўллаб-қувватлаганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Наманган шаҳар бўлими тақдим қилган 3244-сонли иш бўйича **Бuваев Исоқ** (1872 йили туғилган, Уйчи райони Ёрқўрғон қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Уйчи райони округи тақдим қилган 12545-сонли иш бўйича **Оғаликов Мирза Негмат Бойвачча** (1900 йили туғилган, Уйчи райони Ёрқўрғон қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, жазони ўтаган, "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилотнинг собиқ аъзоси, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ матлуботида ишчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 октябрдан ҳисобланган. Колхозда зараркунандачилик, бузғунчилик ишлари олиб борганликда ва аксилинқилобий, троцкийчи адабиётларни сақлаганликда айбланган.

3358-сонли иш бўйича **Жабарқулов Бой Ниёз** (1897 йили туғилган, Уйчи райони Қурама қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, собиқ босмачи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Доимий равишда колхозчилар орасида колхозчиларни колхозлардан чиқиб кетиши учун колхоз қурилишига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3355-сонли иш бўйича **Абдураҳимов Отамирза** (1904 йили туғилган, собиқ қулоқ, руҳоний, Носирхон Тўра бандасида фаол йигит сифатида қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида хотин-қизлар озодлигига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, террорчилик кайфиятда бўлганликда айбланган.

3354-сонли иш бўйича **Мамадалиев Ҳожимат** (1889 йили туғилган, Уйчи райони Уйчи қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда волость бошқарувчиси ва босмачи банданинг йигити, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида доимий равишда колхоз қурилишига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3360-сонли иш бўйича **Жўраев Иномбек** (1909 йили туғилган,


www.ziyouz.com kutubxonasi

Уйчи райони Ёзтепа қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида миллатчилик, мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Наманган шаҳар бўлими тақдим қилган 3422-сонли иш бўйича **Алимбоев Фозил Қори** (1872 йили туғилган, Уйчи райони Эркатой қишлоқ советидан, руҳоний, эшон, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Доимий равишда советларга қарши фаолият олиб борганликда, аксилинқилобий шеърлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда ва мағлубиятчилик кайфиятида бўлганликда айбланган.

3406-сонли иш бўйича **Абдураҳмонов Абдулла** (1895 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Дардуқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, махсус посёлкага қочган жойига сургун қилинган, ўтмишда босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган.

ЎзССР ИИХК Тўрақўрғон район округи тақдим қилган 4695-сонли иш бўйича **Мавлонов Мулла Усмон** (1882 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Дакуматуй қишлоғидан, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган, ўтмишда босмачилик тўдаси қўрбошисининг котиби, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 5 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, СССРдаги очлик тўғрисида иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Наманган шаҳар бўлими тақдим қилган 3401-сонли иш бўйича **Ғофуров Абдуқаҳҳор** (1900 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Бадамкул қишлоғидан, собиқ йирик қулоқ, ўтмишда фаол босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Коллективлаштириш вақтида қишлоқларда юриб, колхоз қурилишига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозларда ишламасликка чақирганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Тўрақўрғон район округи тақдим қилган 3397-сонли иш бўйича **Исмоилов Домулла Худойберди** (1878 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Тўрақўрғон қишлоғидан, собиқ имом, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4969-сонли иш бўйича **Бобожонов Қорабой** (1870 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Нуртепа қишлоқ советидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Доимий равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат шаънига қарата ахлоқсиз ва ҳақоратли жавоб қайтарганликда, Сталин конституциясига қарата туҳмат фикр билдирганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4966-сонли иш бўйича Мулла **Ўсарқулов Сирожиддин домла** (1890 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Нуртепа қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Доимий равишда колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4967-сонли иш бўйича **Бобохонов Мирза Карим** (1863 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Ёндамас қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида доимий равишда колхозга қарши, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Наманган шаҳар бўлими тақдим қилган 4961-сонли иш бўйича **Искандаров Мир Саид** (1890 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Мазаркухна қишлоғидан, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, ўтмишда босмачилик кўмакчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 5 сентябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Тўрақўрғон райони тақдим қилган 3399-сонли иш бўйича **Мўминов Мулла Хожам Берди** (1892 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Гуртепа қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, сўфи, ўтмишда босмачи, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Доимий равишда колхозчилар орасида СССРдаги очлик ва уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни муҳожирликка чиқиш тўғрисида тарғибот олиб борганликда айбланган.

4962-сонли иш бўйича **Мулла Бекназаров Сирожиддин** (1902 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Думса қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, жазони ўтамай қочган, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Доимий равишда колхозчилар орасида колхоз қурилишига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3405-сонли иш бўйича **Ҳасанов Холдор** (1881 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Гуртепа қишлоғидан, собиқ босмачилик тўдасининг қўрбошиси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида бузғунчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш тўғрисида иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

4964-сонли иш бўйича **Орзиқулов Ҳаким** (1906 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Дамкул қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, ўтмишда фаол босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Доимий равишда колхозчилар орасида колхозга қарши ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очлик тўғрисида иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3343-сонли иш бўйича **Эрматов Деҳқон** (1891 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Қайрағоч қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, жазони ўтамай қочган, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3395-сонли иш бўйича **Абдужалилов Зиёвутдин** (1864 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Каттақўрғон қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда хом-ашё тайёрловчи) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган.

4968-сонли иш бўйича **Ибрагимхўжаев Абдулла Хожи** (1872 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Ёндама қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамай қочган, ўтмишда босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 4 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозлардан чиқиш тўғрисида ва заёмга ёзилишга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Поп район округи тақдим қилган 4978-сонли иш бўйича **Ботиров Нишон** (1900 йили туғилган, Поп райони Санг қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси ва босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз раиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 сентябрдан ҳисобланган. Доимий равишда колхозчилар орасида колхоз қурилишига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очлик ва уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, қулоқларга кўмаклашганликда, камбағалларни камситиб колхозлардан чиқиб кетишга мажбур қилганликда, колхоз мол-мулкини ўғирлаганликда айбланган.

3441-сонли иш бўйича **Акбаров Аббосхон** (1895 йили туғилган, Поп райони Қорашаҳар қишлоғидан, эшон, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Доимий равишда колхозчилар орасида мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

3340-сонли иш бўйича **Юсупов Абдулла** (1895 йили туғилган, Поп райони Қорашаҳар қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши, чегарадан ўтиш тўғрисида тарғибот олиб борганликда айбланган.

3339-сонли иш бўйича **Ғоипов Мулла Ҳайдар** (1879 йили туғилган, Поп райони Хожиобод қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда "Шўрои Ислом" миллатчи аксилинқилобий ташкилот аъзоси, собиқ босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида иғвогарона аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, революциядан олдинги тузумни мақтаганликда, қўпорувчилик мақсадида тайёрлов пунктига ўт қўйганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*3442-сонли иш бўйича 3 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, бир маҳбуснинг жазо муддати 1937 йил 22 августдан, икки маҳбуснинг муддати 1937 йил 16 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Отабоев Маҳкамбой** — 1887 йили туғилган, Молотов райони Аткар қишлоғидан, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда совхозда ишлаган. Ишчилар орасида исёнчилик, иғвогарлик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

2. **Мирзақулов Деҳқонбой** — 1890 йили туғилган, Молотов райони Аткар қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда совхозда ишлаган. Совхоз ишчилари орасида бузғунчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

3. **Юлдошев Аҳрор Хон** — 1893 йили туғилган, Молотов райони Аткар қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда совхозда ишлаган. Совхоз ишчилари орасида бузғунчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

*4933-сонли иш бўйича 3 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган:*

1. **Раҳмонов Мамат Карим** — 1904 йили туғилган, Поп райони Ҳожиобод қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда Поп район РИК матлуботи мудири. Аҳоли орасида мағлубиятчилик иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Қодир Хўжаев Зокир Хўжа** — 1887 йили туғилган, Поп райони Ҳожиобод қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий исёнчилик ташкилоти билан алоқада бўлганликда, унинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3. **Шерқўзиев Назар** — 1905 йили туғилган, Поп райони Ҳожиобод қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, бузғунчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозда бузғунчилик, заражунандалик фаолияти билан шуғулланганликда айбланган.

4980-сонли иш бўйича **Бобожонов Ҳамиджон** (1880 йили туғилган, Поп райони Чодак қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳуқуқидан маҳрум этилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик, ўтмишда "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси) отувга ҳукм этилган.

3341-сонли иш бўйича **Турсунов Қутбиддин** (1903 йили туғилган, Поп райони Ғуримсарой қишлоғидан, собиқ руҳонийнинг ўғли, қатағондан яширинган, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи бўлиб ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозга қарши қўзғолонда иштирок этганликда, қулоқларни қамоқдан озод қилиш талаби қўйилган оммавий чиқишлар ташкилотчиси бўлганликда, доимий равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3443-сонли иш бўйича **Турсунов Мирза** (1877 йили туғилган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Поп району Чодак қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, жазони ўтамай қочган, ўтмишда босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда савдогар) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозга қарши қўзғолонда иштирок этганликда, доимий равишда колхозчилар орасида иғвогарлик ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3449-сонли иш бўйича **Ғиёсов Усмон Хўжа** (1902 йили туғилган, Поп району Ғуримсарой қишлоғидан, собиқ савдогар, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозга қарши қўзғолон ташкилотчиси бўлганликда, аксилинқилобий, исёнчилик ташкилотининг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, шу ташкилотнинг қуролишга одам олиш Комиссияси аъзоси бўлганликда, доимий равишда колхозчилар орасида мағлубиятчилик, иғвогарлик ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4938-сонли иш бўйича **Абдуллаев Ҳайдар Али** (1900 йили туғилган, Поп району Уйгар қишлоғидан, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) **отувга** ҳукм этилган. “Шўрои Ислом” ташкилоти аъзоси бўлиб, колхозчилар орасида доимий равишда иғвогарлик, бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Наманган шаҳар бўлими тақдим қилган 3359-сонли иш бўйича **Маҳмудов Карим Абдумўминов** (1872 йили туғилган, Уйчи району Уйчи қишлоғидан, собиқ қулоқ, имом, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, ўтмишда исёнчилик ташкилоти аъзоси бўлганликда айбланган.

3421-сонли иш бўйича **Иброҳимхўжаев Ҳошимхўжа**, унинг ўзи **Хўжаев Ҳошим Иброҳимович** (1896 йили туғилган, Наманган шаҳридан, “Миллий иттиҳод” ташкилотининг собиқ аъзоси, ҳибсга олинган вақтда Янгиқўрғон район газетаси таржимони) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси бўлиб, унинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, доимий равишда колхозчилар орасида туҳмат, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3419-сонли иш бўйича **Жалилов Асқар Қори** (1872 йили туғилган, Янгиқўрғон району Тарафибозор қишлоғидан, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши мағлубиятчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очлик тўғрисида иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3417-сонли иш бўйича **Қосимов Абдужаббор** (1897 йили туғил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган, Андижон шаҳридан, руҳоний, эшон, қатағондан яширинган, "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ совети котиби 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган.

3433-сонли иш бўйича **Қосимов Тоштемир** (1901 йили туғилган, Наманган шаҳридан, "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилоти аъзоси, босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

3435-сонли иш бўйича **Мансурбоев Мулла Бувошо** (1872 йили туғилган, Янгиқўрғон райони, Караскан қишлоғидан, собиқ қулоқ, имом, ҳибсга олинган вақтда табиблик билан шуғулланган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Доимий равишда аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

*ЎзССР ИИХК Тўрақўрғон район округи тақдим қилган 3400-сонли иш бўйича 2 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, бирининг жазо муддати 1937 йил 21 августдан, иккинчисининг муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган:*

1. **Мўминов Исоқхўжа** — 1866 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Бўратепа қишлоғидан, собиқ имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий нолегал йиғинларда иштирок этганликда, доимий равишда аҳоли орасида иғвогарлик, бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Мулла Полвонов Охунбой** — 1862 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Гўртепа қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Нолегал йиғинларда иштирок этганликда, доимий равишда аҳоли орасида иғвогарлик, бузғунчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

*3403-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Қосимов Мирҳаким** — 1891 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Қуджўрон қишлоғидан, қулоққа тортилган, ўтмишда босмачиликнинг фаол кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Абдуллаев Бурхониддин** — 1898 йили туғилган, Тўрақўрғон райони Ёндама қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

*ЎзССР ИИХК Уйчи район округи тақдим қилган 4946-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм қилинган.*

1. **Фармонов Қирғиз Мингбоши** — 1889 йили туғилган, Уйчи

 www.ziyouz.com kutubxonasi

райони Қўра қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачилик қўрбошиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, аксилиниқилобий тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга ва хотин-қизлар озодлигига қарши ташвиқот юритганликда айбланган.

2. **Ваҳобов Зафар Чўлоқ** — 1891 йили туғилган, Уйчи райони Ахси қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда мудир. "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий ташкилот аъзоси билан алоқа ўрнатганликда, коллективлаштиришга қарши оммавий чиқишлар қилганликда айбланган.

*3352-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Шукуров Мамасобир** — 1887 йили туғилган, Уйчи райони Ёзтепа қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачилик тўдасининг йигити, судланган, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозлардан чиқишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Шукуров Мамазокир** — 1892 йили туғилган, Уйчи райони Ёзтепа қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, жазони ўтамай қочган, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик ва бузғунчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

*3347-сонли иш бўйича 1 маҳбус 10 йил ва 1 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, бирининг жазо муддати 1937 йил 23 августдан, иккинчисининг муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Холиқов Ҳайит Ҳалфа** — 1869 йили туғилган, Уйчи райони Ёрқўрғон қишлоғидан, собиқ руҳоний, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда исёнчилик ва мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Топилдиев Ҳакимжон Қори** — 1884 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида исёнчилик ва мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

*3349-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган:*

1. **Салимхўжаев Нуриддин** — 1900 йили туғилган, Уйчи райони Эркатой қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1928 йили босмачилик тўдасида разведка вақтида Қизил армия қисми томонидан қўлга олинган ва отувга ҳукм этилган, отувдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Исёнчилик ташкилоти аъзоси бўлганликда, доимий равишда колхозчилар орасида мағлубиятчилик иғвогарлик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Камолитдинов Шайхулислом** — 1879 йили туғилган, Татаристон АССР Каленин райони Исоюсуф қишлоғидан, собиқ руҳоний, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Мусулмонлар ди-

ний марказий бошқармаси собиқ аъзолари билан алоқада бўлганликда, доимий равишда аҳоли орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

*4358-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Ҳайитбоев Эрназар** — 1885 йили туғилган, Уйчи райони Қурама қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида миллатчилик ва мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозда бузғунчилик ишлари билан шуғулланганликда, саводсизликни тугатиш курсларида ўқишни бузганликда ва қарши ҳаракат қилганликда айбланган.

2. **Хол Жуманов Турди Али** — 1889 йили туғилган, Уйчи райони Шафтоли қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачи, қўрбоши, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозда бузғунчилик ва зараркунандалик билан шуғулланганликда, колхозда фаолларни қўрқитганликда айбланган.

*4357-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 июлдан ҳисобланган:*

1. **Абдувоҳобов Абдуллахон Тўра** — 1879 йили туғилган, Андижон шаҳридан, собиқ эшон ўғли, ўтмишда босмачи, қўрбоши, жанг вақтида қизил армия қисми томонидан қўлга олинган ва отувга ҳукм қилинган, отувдан қочган, "Миллий иттиҳод" ташкилоти аъзоси, ҳибсга олинган вақтда "Чиқиндихом-ашё" вакили. Колхозчилар ва таълим олаётган ёшлар орасида аксилинқилобий, троцкийча ташвиқот, исёнчилик ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Надеев Радиф** — 1912 йили туғилган, Саратов ўлкаси Лопатин райони Суляевка қишлоғидан, собиқ руҳоний ўғли, ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Колхозчилар ва таълим олаётган ёшлар орасида аксилинқилобий троцкийчилик, иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

## 28-баённома. 1937 йил 28 октябр

*"Учлик" (Апресян, Яковлев, Сегизбоев, Шейндлин) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган:*

Қорақалпоғистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги (бундан кейин ҚҚАССР ИИХК деб юритилади) тақдим қилган 156-сонли иш бўйича **Делемов Алла Берген** (1880 йили туғилган, Қораузак райони 7-овулидан, собиқ хон амалдорларидан — нуккер, 1919 йилги аксилинқилобий қўзғолон иштирокчиси, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, фаоллар шаънига террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

389-сонли иш бўйича **Чебекеев Мен Феоктистович** (1880 йили туғилган, Мўйноқ райони Аҳмедке посёлкасидан, собиқ қулоқ, балиқ саноатчиси, 1932 йили аксилинқилобий қўзғолонда қатнашгани учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда овчилик билан машғул бўлган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

377-сонли иш бўйича **Асомиддинов Боқи** (1868 йили туғилган, Қўнғирот райони 5-овулдан, собиқ қулоқ, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик ва миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

377-сонли иш бўйича **Мадраимов Маткарим** (1887 йили туғилган, Манғит райони Қоракўл қишлоғидан, 1927 йили камомад учун 1 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси, имом) 10 йил қамоққа ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

*392-сонли иш бўйича қуйидаги 2 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Титов Пропошин Семенович** — 1877 йили туғилган, Ғарбий Сибирнинг Кузнецк шаҳридан, 1924 йили аксилинқилобий фаолияти учун олий жазога ҳукм қилинган, бироқ Украинага сургун қилиш билан алмаштирилган, 1925 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ва 1935 йили 5 йил сургунга ҳукм қилинган, диний маросимлар хизматчиси — архиерей. Аҳоли орасида аксилинқилобий, монархик тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб боришга даъват қилганликда, яширин ибодат қилишни ташкил этганликда айбланган.
2. **Скаловский Иван Георгиевич** — 1875 йили туғилган, Украинанинг Херсон шаҳридан, собиқ дворян-помещчик оиласидан, 1905 йили генерал-губернаторининг махсус топшириқлар амалдори, 1906 йилдан 1908 йилгача земство бошлиғи, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, 1935 йили яна аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга сургун қилинган, руҳоний. Аҳоли орасида аксилинқилобий, монархик тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига қарши фаол кураш олиб боришга даъват қилганликда айбланган.

161-сонли иш бўйича **Бойназаров Абдужамил** (1878 йили туғилган, Тахтакўприк райони 2-овулдан, 1923 йили аксилинқилобий фаолияти учун 7 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси, охун) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

145-сонли иш бўйича **Хўжаметов Асқар** (1892 йили туғилган, Шабас райони Қаландархон қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1929 йили аксилинқилобий фаолияти учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган ва 1931 йили 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, мулла) 10 йил меҳнат ту-


www.ziyouz.com kutubxonasi

*затув лагерига ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий,* колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

382-сонли иш бўйича **Маткаримов Нурулла** (1880 йили туғилган, Туркманистон ССР Кўҳна Урганч райони 2-овулдан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган ва 5 йилга сургун қилишга ҳукм этилган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 14 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, пахта режасини бажарилишига қарши фикр билдирганликда айбланган.

385-сонли иш бўйича **Кванишев** (**Қуванишев** бўлса керак — *Р.Ш.*) **Бобожон** (1867 йили туғилган, Хўжайли райони 2-овулдан, собиқ қулоқ, 1927 йили босмачилик фаолияти учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқиб кетишга даъват қилганликда айбланган.

141-сонли иш бўйича **Избerганов Оллоберган** (1907 йили туғилган, Қораузак райони 3-овулдан, собиқ қулоқ, оқсоқол ўғли, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

369-сонли иш бўйича **Сушко Иван Федорович** (1903 йили туғилган, Днепропетровск области Ивановек райони Лукяновка қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1927 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда райпо ҳисобчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 16 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти тўғрисида туҳмат фикрлар билдирганликда айбланган.

275-сонли иш бўйича **Ўрозов Саитембет** (1868 йили туғилган, Қипчоқ райони 7-овулдан, қулоққа тортилган, репрессиядан қочиб юрган, қулоққа тортилган вақтда 3 та милтиқ олиб қўйилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 30 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, пахтага ишлов беришда зараркунандалик қилганликда айбланган.

296-сонли иш бўйича **Федотов Федор Яковлевич** (1881 йили туғилган, Саратов губернаси собиқ Вольен уезди Ерекин қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1918 йилдан эсерлар партияси аъзоси, ҳибсга олинган вақтда балиқчилик саноатида ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*294-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга ва 3 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Тапайнен Павел Андреевич** — 1881 йили туғилган, Ленинград области Мгинский райони Остравки қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1935 йили чегарадан ўтиб кетишга кўмаклашгани учун Ленинград областидан сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда консерва заводида столяр бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий гуруҳни бошқариб аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, халқлар доҳийси шаънига террорчилик мақсадлар билдирганликда айбланган.

2. **Тапакайнен Эдуард Павлович** — 1910 йили туғилган, Ленинград области Мгинский райони Оставки қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили яширинча чегарадан ўтгани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, сургун жойидан қочиб келган, 1935 йили Ленинград областидан сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда сургунни ўтаб консерва заводида столяр бўлиб ишлаган, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган. Меҳнат кўчкиндиларининг аксилинқилобий гуруҳи иштирокчиси, унинг яширин йиғилишларида қатнашганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

3. **Рогачев Роман Андреевич** — 1900 йили туғилган, Қозоғистоннинг Петроповловск шаҳридан, қулоққа тортилган ва 1930 йили махсус посёлкага сургун қилинган, ҳибсга олинган пайтда сургунда бўлиб консерва заводида дурадгор бўлиб ишлаган, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган. Меҳнат кўчкиндиларининг аксилинқилобий гуруҳи қатнашчиси, кўчкинди аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4. **Косарев Семен Семёнович** — 1881 йили туғилган, Пенза губернаси, собиқ Саранск уездидан, собиқ қулоқ, 1930 йили махсус посёлкага сургун этилган, ҳибсга олинган пайтда консерва заводида дурадгор бўлиб ишлаган, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган. Меҳнат кўчкиндиларининг аксилинқилобий гуруҳи қатнашчиси, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, стахановчилик ҳаракатига қарши фикр билдирганликда айбланган.

557-сонли иш бўйича **Алланазаров Қурбонбой** (1873 йили туғилган, Шабас райони Қолчанақ қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган.

466-сонли иш бўйича **Данданраев Абдурахмон** (1887 йили туғилган, Тахтакўприк райони Қоратеран овулидан, қулоққа тортилган, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ва 2 йил сургунга ҳукм этилган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 14 сентябрдан ҳисоб-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

530-сонли иш бўйича **Исмоилов Давлат** (1886 йили туғилган, Шабас райони Қолчанақ овулидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

295-сонли иш бўйича **Султонов Қорамулла** (1874 йили туғилган, Муйнақ райони Мадали посёлкасидан, қулоққа тортилган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси, мулла) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

580-сонли иш бўйича **Қурбонниёзов Ортиқ** (1884 йили туғилган, Шабас райони Қулчиноқ қишлоғидан, мулла) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 29 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

292-сонли иш бўйича **Абдумаликов Отамурод** (1862 йили туғилган, Мўйнақ райони 6-овулдан, қулоққа тортилган, мулла) қамоқдан озод қилишга ҳукм қилинган. 66-модда асосида жиноятчилик белгилари бўйича айбланган.

202-сонли иш бўйича **Оқдимесов Абдулла**, унинг ўзи **Акмамбетов Аблам** (1890 йили туғилган, Қозоғистон ССР Казалинск райони, 14-мулла қишлоғидан, собиқ қулоқ, аксилинқилобий қўзғолон раҳбари, репрессиядан яшириниб юрган, исм ва шарифини ўзгартириб олган, ҳибсга олинган вақтда колхоз раиси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхоз ҳайвонини ўғирлаганликда, колхозчиларни урганликда айбланган.

**Оллоберганов Жамол**, унинг ўзи **Акимбетов Жамол** (1903 йили туғилган, Қозоғистон ССР Казалинск райони 14-овулдан, собиқ қулоқ, аксилинқилобий қўзғолон иштирокчиси, репрессиядан яшириниб юрган, фамилиясини ўзгартирган, ҳибсга олинган вақтда Давлат навчилик фондида қабул қилувчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

*143-сонли иш бўйича қуйидаги 3 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган:*

1. **Тлеув Абдулла** — 1868 йили туғилган, Қораузак райони 3-овулдан, қулоққа тортилган, 1919 йили аксилинқилобий қўзғолон қатнашчиси, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмаган. Аксилинқилобий гуруҳга раҳбарлик қилганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Абдуллаев Тлемис** — 1907 йили туғилган, Қораузак райони 3-овулдан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси, аҳоли орасида колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3. **Ибодуллаев Бекмирза** — 1916 йили туғилган, Қораузак райони 3-овулдан, собиқ оқсоқол, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

140-сонли иш бўйича **Истлеув Мусахон** (1873 йили туғилган, Туркманистон ССР Тошовуз райони Олтиш қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачилик қатнашчиси, 1932 йили колхоз раисини ўлдиргани учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, муддатидан олдин озод қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) **отувга** ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган.

*379-сонли иш бўйича қуйидаги 2 маҳбус 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган:*

1. **Матназаров Матниёз** — 1873 йили туғилган, Хўжайли райони 5-овулдан, собиқ босмачи, қулоққа тортилган, мулла, имом. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Матниёзов Маткарим** — 1874 йили туғилган, Хўжайли райони 5-овулдан, собиқ қулоқ, мулла, имом. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

571-сонли иш бўйича **Ўрозбоев Бекман,** 1874 йили туғилган, ЎзССР Гурлан райони Қаттиқкўл қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, диний маросимлар хизматчиси, мулла, имом. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

293-сонли иш бўйича **Говорух Парфирин Климович** (1891 йили туғилган, Украина ССР, Днепропетровск области Каменск райони Ивановка қишлоғидан, қулоққа тортилишдан яшириниб юрган, эски армияда прапоршик бўлган, ҳибсга олинган вақтда балиқ саноатида ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 14 августдан ҳисобланган. Балиқчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, стахановчилик ҳаракатига қарши фикр билдирганликда айбланган.

383-сонли иш бўйича **Сапаров Эшимбет** (1875 йили туғилган, Хўжайли райони 2-овулдан, собиқ қулоқ, 1930 йили аксилинқилобий қўзғолонда қатнашгани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, мусулмон давлатини тиклаш тўғрисида ташвиқот қилганликда айбланган.

*459-сонли иш бўйича қуйидаги 2 маҳбус отувга ҳукм қилинган ва 1 маҳбус 10 йил қамоққа ҳукм қилинган:*

1. **Аимбетов Жалол** — 1880 йили туғилган, Тахтакўпир овулидан, қулоққа тортилган, 1934 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил озодликдан маҳрум қилинган ва 5 йилга сургун қилинган, сургун жойидан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхоздаги аксилинқилобий гуруҳни бошқарганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда, масжид қуриш учун аҳолидан пул тўплаганликда айбланган.

2. **Асомов Абдулғани** — 1895 йили туғилган, Мўйнақ райони 11-овулдан, собиқ қулоқ, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган ва 3 йил сургун этилган, ҳибсга олинган вақтда колхозда бригадир бўлган. Аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда, масжид қуриш учун аҳолидан пул йиғганликда айбланган.

3. **Нурумов Низомиддин** — 1877 йили туғилган, Тахтакўпир райони Қоратепа овул советидан, собиқ қулоқ, мулла, имом, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, масжид қурилиши учун аҳолидан пул йиғганликда айбланган.

223-сонли иш бўйича **Абдиев Ҳабибулла** (1870 йили туғилган, Чимбой райони 10-овулидан, собиқ қулоқ, аксилинқилобий қўзғолон иштирокчиси, мулла) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 29 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, чет элга муҳожир бўлиб чиқиб кетиш истагини билдирганликда айбланган.

*217-сонли иш бўйича қуйидаги 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган:*

1. **Аллаёров,** унинг ўзи **Раметуллаев Ягуда,** 1887 йили туғилган, Қораузак райони 18-овулдан, собиқ қулоқ, 1931 йили аксилинқилобий қўзғолонда қатнашгани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

2. **Есенов Наметулла** — 1874 йили туғилган, Қораузак райони 2-овулдан, собиқ қулоқ, 1932 йили ўғирлик учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик бўлган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

572-сонли иш бўйича **Аимбетов Турсун** (1877 йили туғилган, Тахтакўпир райони Қорауй овулидан, қулоққа тортилган, 1931 йи-


www.ziyouz.com kutubxonasi

ли давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси, мулла) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 16 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

*527-сонли иш бўйича қуйидаги 5 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган:*

1. **Маҳмудов Ақлитдин** — унинг ўзи Охир замон мулласи, 1878 йили туғилган, Бошқирдистон АССР Азнакаев райони Иткулова қишлоғидан, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси, мулла, имом. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Туребоев,** унинг ўзи **Турлубаев Азберган,** 1908 йили туғилган, Қозоғистон ССР Табин райони Жембўй овулидан, қулоқ оиласидан, ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи. Аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси бўлиб аксилинқилобий троцкийчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3. **Туребоев,** унинг ўзи **Турлубоев Одил,** 1908 йили туғилган, Қозоғистон ССР Тобин райони Жембўй овулидан, қулоқ оиласидан, ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий гуруҳда иштирок этиб аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4. **Тлеув,** унинг ўзи **Тляв Магаметов Болдан,** 1910 йили туғилган, Қозоғистон ССР Темир райони Сан овулидан, собиқ қулоқ оқсоқол оиласидан, ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

5. **Ўтегенов,** унинг ўзи **Тляв Магаметов Салман,** 1914 йили туғилган, Қозоғистон ССР Темир райони Сан овулидан, собиқ қулоқ — оқсоқолнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи. Аксилинқилобий педагоглар гуруҳининг иштирокчиси, аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган. Бу ҳукм қилинганларнинг жазо муддати 1937 йил 8, 9, 29 сентябрдан ҳисобланган.

341-сонли иш бўйича **Саламатов Ғоип** (1903 йили туғилган, Қипчоқ райони 4-овулдан, шайхнинг ўғли, қулоққа тортилган, сургун қилинишдан яшириниб олган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) қамоқдан озод қилишга ҳукм этилган. 66-модда 1-банднинг жиноят белгилари бўйича айбланган.

360-сонли иш бўйича **Якшимов Сапар** (1899 йили туғилган, Қўнғирот райони 2-овулдан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, стахановчилик ҳаракатига қарши фикр билдирганликда айбланган.

374-сонли иш бўйича **Қутлумуротов Дусун** (1900 йили туғилган, Шабас райони Бийбазор овулидан, собиқ қулоқ, 1929 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ дўкони мудири бўлган) отувга ҳукм этилган.

444-сонли иш бўйича **Муҳамедев Раҳмон** (1871 йили туғилган, Қўнғирот райони 5-овулдан, собиқ қулоқ, 3 марта судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозлардан чиқиб кетишга даъват қилганликда айбланган.

578-сонли иш бўйича **Ваисов Раим** (1900 йили туғилган, Хабас райони Кулчиноқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили бандитчиликда қатнашгани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

380-сонли иш бўйича **Ўрозов Матназар** (1885 йили туғилган, Хўжайли райони 5-овулдан, собиқ қулоқ, 1931 йили бандитларга кўмак бергани, ўз батрагини бандага бериб қўшилишга мажбур этиб ўлдирган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

367-сонли иш бўйича **Хўжаметов Мамут** (1874 йили туғилган, Шабас райони Қаландархон овулидан, 1925 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, мулла, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

*595-сонли иш бўйича қуйидаги 2 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Ортиқсапаев Мулла Юсуп** — 1872 йили туғилган, Хўжайли шаҳридан, собиқ қулоқ, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил сургун қилишга ҳукм этилган, сургун жойидан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Ёқубов Ҳожимат** — 1870 йили туғилган, Хўжайли райони 6-овулдан, қулоққа тортилишдан яшириниб юрган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

*190-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 16 августдан ҳисобланган:*

1. **Эшонов Юсуп** — 1874 йили туғилган, Шабас райони Қаландархон қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил озодликдан маҳрум қилишга ва 5 йил сургунга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**2. Матмуротов Бектурсун** — 1875 йили туғилган, Гурлан райони Полвон Машарип қишлоғидан, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун жавобгарликка тортилган, суддан яшириниб юрган, диний маросимлар хизматчиси, мулла. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

209-сонли иш бўйича **Низомиддинов Ўтеберган** — 1875 йили туғилган, Чимбой райони 10-овулдан, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси, мулла. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

*298-сонли иш бўйича қуйидаги 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати биринчиси учун 1937 йил 17 сентябрдан, иккинчиси учун 19 сентябрдан ҳисобланган:*

**1. Ткаченко Федот Яковлевич** — 1903 йили туғилган, Украина ССР Червона Повстан райони Яски қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1932 йили Украинадан Қорақалпоғистонга сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда балиқчи. Балиқчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

**2. Пестеров Василий Иванович** — 1896 йили туғилган, Руминиянинг Тулха деган жойидан, ҳибсга олинган пайтда балиқчи. Балиқчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, террорчилик кайфиятлар билдирганликда айбланган.

497-сонли иш бўйича **Есекеевич Кенжабой** (*1901 йили туғилган*, Тахтакўприк райони Чуқуркўл овулидан, собиқ қулоқ, 1929 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 1,5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 15 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

600-сонли иш бўйича **Мамбетов Нурулло** (1882 йили туғилган, Шабас райони Қаландархон овулидан, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси, мулла, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 29 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

576-сонли иш бўйича **Латипов Йўлдош** (1872 йили туғилган, Шабас райони Кулчиноқ овулидан, собиқ қулоқ, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, қулоққа тортишда иштирок этган фаоллар устидан тазийқ-таъқиб қилиб, қўрқитганликда айбланган.

363-сонли иш бўйича **Турғунбоев Жармон** (1904 йили туғилган, Қўнғирот райони 3-овулдан, қулоққа тортилган, 1929 йили аксил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

инқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоз правленияси аъзоси бўлганида колхоздан батрак ва комсомолларни чиқариб, колхозга ёт унсурларни қабул қилганликда айбланган.

*365-сонли иш бўйича қуйидаги 3 маҳбус отувга ва 2 маҳбус 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинган:*

1. **Авезов Утеп** — 1894 йили туғилган, Қўнғирот райони 1-овулдан, диний маросимлар хизматчиси, ҳибсга олинган вақтда бозорқўмда йиғувчилик қилган. Аксилинқилобий гуруҳни бошқариб, уйда нолегал йиғинлар ўтказганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Сталин конституциясига нисбатан туҳмат фикрлар айтганликда айбланган.

2. **Тогизбоев Хусен** — 1892 йили туғилган, Қўнғирот райони 1-овулдан, қулоқ оиладан, 1930 йили қулоққа тортилган, мулла, ҳибсга олинган пайтда пахта тайёрлов пункти омбори мудири бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3. **Тагирбергенов Женақ Мехсим** — 1892 йили туғилган, Қўнғирот райони 1-овулдан, диний маросимлар хизматчиси, мулла, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, гуруҳнинг нолегал йиғинларида қатнашганликда айбланган.

4. **Отажонов Иброҳим Ҳожи** — 1892 йили туғилган, Қўнғирот райони 1-овулдан, собиқ қулоқ, 1929 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

5. **Урозимбетов Мархабой** — 1883 йили туғилган, Қўнғирот қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачиликда қатнашган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

333-сонли иш бўйича **Алонберганов Курбон-Ужен** (1886 йили туғилган, Қипчоқ райони 2-овулдан, қулоққа тортилган, аксилинқилобий қўзғолон иштирокчиси, 1930 йили махсус посёлкага сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 13 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган.

271-сонли иш бўйича **Мадаминов Султон Хўжа** (1901 йили туғилган, Қипчоқ райони 4-овулдан, собиқ қулоқ, аксилинқилобий қўзғолон иштирокчиси, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм



www.ziyouz.com kutubxonasi

этилган, жазо муддати 1937 йил 30 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

*142-сонли иш бўйича қуйидаги 2 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган:*

1. **Орикеев Бекимбет** — 1879 йили туғилган, Қораузак райони 5-овулдан, собиқ қулоқ, аксилинқилобий қўзғолон иштирокчиси, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Бекимбетов Матен** — 1911 йили туғилган, Қораузак райони 5-овулдан, қулоққа тортилган, 1930 йили 3 йилга сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, беда экинларига ишлов беришга зараркунандалик муносабатида бўлганликда айбланган.

285-сонли иш бўйича **Асқаров Давлатбой** (1903 йили туғилган, Қўнғирот райони 3-овулдан, руҳонийнинг, собиқ қулоқнинг ўғли, қулоққа тортиладиган бўлган, буни билиб яшаш жойидан қочиб кетган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозлардан чиқиб кетишга даъват қилганликда айбланган.

589-сонли иш бўйича **Клямесов Ўрали** (1895 йили туғилган, Тахтакўпир райони Живанзаб овулидан, хон амалдорларидан-бий, собиқ қулоқ, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга озодликдан маҳрум қилишга ва 2 йил сургунга ҳукм қилинган, сургун муддатини ўтамай қочиб келган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 28 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган.

465-сонли иш бўйича **Мамбетназаров Ҳолмирза** (1892 йили туғилган, Тахтакўпир райони Исимузак овулидан, қулоққа тортилган, 1930 йили сургун қилинган, сургун жойидан қочган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 13 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

584-сонли иш бўйича **Жаметов Ўнгарбой** (1900 йили туғилган, Тахтакўпир райони Чуқуркўл овулидан, собиқ қулоқ, 1919 йилдаги аксилинқилобий қўзғолонда қатнашган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

342-сонли иш бўйича **Абдуллаев Жабар** (1907 йили туғилган, Қипчоқ райони Жултур овулидан, қулоққа тортилган, сургун қилинишдан яшириниб юрган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

437-сонли иш бўйича **Эшимов Давлатбой** (1877 йили туғилган, Шабас райони Бийбозор овулидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 9 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

173-сонли иш бўйича **Юсупов Иброҳимхўжа** (1877 йили туғилган, Қўнғирот райони 2-овулдан, собиқ қулоқ, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 17 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, табиблик билан шуғулланиб бир колхозчи аёл ва бир болани заҳарлаб қўйганликда айбланган.

*599-сонли иш бўйича қуйидаги 3 маҳбус 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 9 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Алдамбергенов Досумбет** — 1872 йили туғилган, Шабас райони Бийбозор овулидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 1 йил қамоққа ва 1933 йили 2 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозлардан чиқиб кетишга даъват қилганликда, Сталин Конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

2. **Жуманов Отажон** — 1884 йили туғилган, Шабас райони Бийбозор овулидан, қулоққа тортилган, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозлардан чиқиб кетишга даъват қилганликда, Сталин конституциясига қарши туҳмат фикрлар билдирганликда айбланган.

3. **Абдуллаев Нурулла** — 1910 йили туғилган, Шабас райони Бийбозор овулидан, мулла, қулоққа тортилганнинг ўғли, сургун қилинишдан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши турганликда айбланган.

*160-сонли иш бўйича 4 маҳбус отувга ва 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Айенеев Мамбетназар** — 1876 йили туғилган, Қораузак райони 3-овулдан, қулоққа тортилган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик. Аксилинқилобий гуруҳбозлик қатнашчиси, аҳоли



www.ziyouz.com kutubxonasi

орасида колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Камолов Айдан** — 1870 йили туғилган, Қораузак райони 3-овулдан, қулоққа тортилган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозлардан чиқиб кетишга даъват қилганликда айбланган.

3. **Омонниёзов Кожамет** — 1870 йили туғилган, Қораузак райони 3-овулдан, қулоққа тортилган, аксилинқилобий қўзғолон иштирокчиси, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик. Аксилинқилобий гуруҳнинг қатнашчиси бўлиб аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4. **Жумашев Ғоипназар** — 1887 йили туғилган, Қораузак райони 3-овулдан, қулоққа тортилган, 1929 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

5. **Изимов Саримбет** — 1876 йили туғилган, Қораузак райони 3-овулдан, қулоққа тортилган, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган. Унинг жазо муддати 1937 йил 8 сентябрдан ҳисобланган.

*413-сонли иш бўйича қуйидаги 1 маҳбус отувга ва 2 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Қулжонов Жусбой** — 1899 йили туғилган, Қозоғистоннинг Актюбинск областидан, йирик бойнинг ўғли, 1928 йили қизил армия сафидан босмачилар томонга ўтиб қизил аскарлар отряди командирини ўлдирган, босмачилар тугатилгандан сўнг яшириниб олган, ҳибсга олинган вақтда пахта заводида ўт ўчирувчи бўлиб ишлаган. Гуруҳни бошқариб, ишчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Иброҳимов Исмоил** — 1905 йили туғилган, Қўнғирот райони 1-овулдан, руҳоний, собиқ қулоқ, қулоққа тортилганнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда пахта заводида ўт ўчирувчи. Аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси бўлиб ишчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган, унга берилган жазо муддати 1937 йил 29 сентябрдан ҳисобланган.

3. **Қўшимбетов Иброҳим** — 1876 йили туғилган, Қўнғирот райони 1-овулдан, қулоққа тортилган, сургун қилинишдан яшириниб юрган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси бўлиб ишчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган, унга берилган жазо муддати 1937 йил 29 сентябрдан ҳисобланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

535-сонли иш бўйича **Сеитов Оллоберган** (1875 йили туғилган, Шабас райони Колчанак овулидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

592-сонли иш бўйича **Косбаков Нурқобул** (1895 йили туғилган, Тахтакўпир райони Қоратерек овулидан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

*394-сонли иш бўйича қуйидаги 2 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Чераев Бамуш** — 1896 йили туғилган, Қозоғистон ССР Табливдан районидан, қулоққа тортилган, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, деҳқонларни қумликларга кўчиб кетишга ва босмачилар тўдасини ташкил этишга чақирганликда айбланган.

2. **Чераев Қорабола** — 1906 йили туғилган, Қозоғистон ССР Табливдан районидан, қулоқлар оиласидан, 1932 йили бандитчиликдаги иштироки учун жавобгарликка тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни қумликларга кўчиб кетишга ва босмачилар тўдасини ташкил этишга чақирганликда айбланган.

425-сонли иш бўйича **Султонов Хўжааҳмад** (1904 йили туғилган, Шабас райони Колчанак овулидан, қулоққа тортилган, 1923 йилдан 1927 йилгача босмачилик қатнашчиси, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқиб кетишга даъват қилганликда айбланган.

469-сонли иш бўйича **Хўжанов Мадел** (1900 йили туғилган, Когайли райони 7-овулдан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

339-сонли иш бўйича **Эшонов Матёқуб** (1892 йили туғилган, Қипчоқ райони 6-овулдан, собиқ қулоқ, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддлати 1937 йил 13 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

*362-сонли иш бўйича қуйидаги 2 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган ва жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган:*

1. **Жонбосинов Байтляув** — 1874 йили туғилган, Қўнғирот райони 5-овулдан, собиқ қулоқ, 1929 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил сургун қилишга ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Дўстлиев Абдулла** — 1913 йили туғилган, Қўнғирот райони 5-овулдан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхоз ҳисобини бузиб колхозчиларда норозилик туғдирганликда айбланган.

589-сонли иш бўйича **Якупов Сафарбой** (1904 йили туғилган, Шабас райони Бийбозор овулидан, қулоққа тортилган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган.

270-сонли иш бўйича **Полвонов Болтабой** (1897 йили туғилган, Қипчоқ райони 1-овулдан, қулоққа тортилган, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 30 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган.

338-сонли иш бўйича **Иржонов Йўлдош** (1905 йили туғилган, Қипчоқ райони 2-овулдан, қулоққа тортилган, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 30 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган.

364-сонли иш бўйича **Курнебоев Мулла Иржон**(1887 йили туғилган, Қўнғирот райони 3-овулдан, собиқ қулоқ, 1929 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси, мулла) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқиб кетишга даъват қилганликда айбланган.

371-сонли иш бўйича **Хўжасоев Бисен** (1893 йили туғилган, Шабас райони Бийбозор овулидан, собиқ қулоқ, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда кустар) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 16 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

168-сонли иш бўйича **Жалимбетов Қадримбет** (1875 йили туғилган, Қораузак райони 10-овулдан, собиқ қулоқ, 1934 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда айбланган.

370-сонли иш бўйича **Абдуқодиров Абдушукур** (1869 йили туғилган, Хонқа районидан, қулоққа тортилган, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси, эшон) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, пахтага механизация йўли билан ишлов беришга қарши фикр билдирганликда айбланган.

158-сонли иш бўйича **Тўралиев Султонмурод** (1888 йили туғилган, Қораузак райони 2-овулдан, қулоққа тортилган, 1933 йили сургун қилинган, сургун жойидан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 7 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхоздаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

*163-сонли иш бўйича қуйидаги 1 маҳбус отувга ва 2 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Файзуллаев Уметбой** — 1876 йили туғилган, Қораузак райони 7-овулдан, қулоққа тортилган, 1919 йили аксилинқилобий қўзғолонда иштирок этган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Азимов Карим** — 1895 йили туғилган, Қораузак райони 6-овулдан, собиқ қулоқ, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 2 йил озодликдан маҳрум этишга ва 5 йил сургунга ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган.

3. **Умбетбоев Навбатбой** — 1903 йили туғилган, Қораузак райони 7-овулдан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз бригадири. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозда бригадир бўлатуриб пахта далаларини сув олдирганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган.

*144-сонли иш бўйича қуйидаги 1 маҳбус отувга 2 маҳбус 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этилган:*

1. **Тожимуродов Саидбек** — 1904 йили туғилган, Қораузак райони 7-овулдан, руҳонийнинг ўғли, 1933 йили ўғирлик учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз раиси.


www.ziyouz.com kutubxonasi

Колхозда аксилинқилобий гуруҳни бошқариб, колхозга собиқ қулоқларни қабул қилганликда, комсомолларни террор қилганликда, улардан бирини ўлдирганликда, собиқ қулоқларга ер тарқатиб берганликда айбланган.

2. **Жутунусов Қурбон Ниёз** — 1877 йили туғилган, Қораузак райони 7-овулдан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхозчи. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган.

3. **Хўжамбетов Неъматулла** — 1867 йили туғилган, Қораузак райони 7-овулдан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган.

265-сонли иш бўйича **Иржонов Қутум** (1906 йили туғилган, Қипчоқ райони 2-овулдан, хон қозисининг ўғли, собиқ қулоқ, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз табелчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 30 августдан ҳисобланган. Меҳнат кунлари ҳисобини чалкаштириб, колхозчилар норозилигини келтириб чиқарганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган.

610-сонли иш бўйича **Жанисбоев Боби** (1876 йили туғилган, Тамдин райони Молотов номли овулдан, собиқ қулоқ, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

*395-сонли иш бўйича 3 маҳбусдан бири 10 йил, иккитаси 8 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, уларнинг жазо муддати 1937 йил 17 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Сеитов Мадраим** — 1905 йили туғилган, Қўнғирот райони 2-овулдан, собиқ қулоқ, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, хотин-қизлар озодлигига қарши чиққанликда айбланган.

2. **Саидмуродов Машарип** — 1907 йили туғилган, Қўнғирот райони 2-овулдан, волост ҳокимининг ўғли, қулоқ, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, пахтага механизациялашган ишлов беришга қарши ва хотин-қизлар озодлигига қарши фикр билдирганликда айбланган.

3. **Сеитов Ҳайитбай** — 1910 йили туғилган, Қўнғирот райони 2-овулдан, собиқ қулоқ, 1933 йили ўғирлиги учун 5 йил қамоққа

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, пахтага механизация асосида ишлов беришга ва хотин-қизлар озодлигига қарши фикр билдирганликда айбланган.

597-сонли иш бўйича **Турумов Изимбет** (1887 йили туғилган, Тахтакўпир райони Қараул овулидан, собиқ қулоқ, 1929 йили аксилинқилобий қўзғолонда иштирок этган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, партия ва ҳукумат шаънига туҳмат фикрлар билдирганликда айбланган.

164-сонли иш бўйича **Қадриков Козимбет** (1887 йили туғилган, Тахтакўпир райони 8-овулдан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 19 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

627-сонли иш бўйича **Бойдавлатов Қўлдас** (1907 йили туғилган, Мўйнақ райони Оқпетки посёлкасидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхоз фаолларидан ўч олиш учун қўрқитганликда, колхоз беда уруғчилигини ёндирганликда айбланган.

471-сонли иш бўйича **Ажиниёзов Алланиёз** (1871 йили туғилган, Гегелин райони 2-овулдан, собиқ хон амалдори-оқсоқоли, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 1,5 йилга озодликдан маҳрум этилган ва 2 йилга сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 15 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

472-сонли иш бўйича **Раматуллаев Бердиғани Қори** (1887 йили туғилган, Куйбишев райони Хутанқул овулидан, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси, эшон) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 15 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

574-сонли иш бўйича **Жонбургаев Қобул** (1880 йили туғилган, Куйбишев райони Назархон овулидан, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йилга озодликдан маҳрум қилишга ва 5 йил сургунга ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси, охун) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

250-сонли иш бўйича **Худойбергенов Тўрамурод** (1867 йили туғилган, Чимбой райони 9-овулдан, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маро-

www.ziyouz.com kutubxonasi

симлар хизматчиси, мулла, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган жазо муддати 1937 йил 2 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, совет мактабларига қатнашишга қарши чиққанликда айбланган.

628-сонли иш бўйича **Нўмонов Урқанатдин** (1900 йили туғилган, Қораузак райони 2-овулдан, қулоққа тортилган, диний маросимлар хизматчиси, мулла) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, пахта режасини бажармасликка чақирганликда айбланган.

464-сонли иш бўйича **Орзимуродов Абдужалил** (1906 йили туғилган, Тахтакўпир райони Бердим овулидан, собиқ қулоқ, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил озодликдан маҳрум этишга ва 2 йил сургунга ҳукм қилинган, 1937 йили 1 йиллик мажбурий меҳнатга ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, пахта режасини бажаришга ва ёшларни армия хизматига чақирилишига қарши фикр билдирганликда айбланган.

585-сонли иш бўйича **Қаймақов Толе Берган** (1880 йили туғилган, Тахтакўпир райони 9-овулдан, собиқ қулоқ, диний маросимлар хизматчиси, мулла) отувга ҳукм қилинган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, пахта режасини бажарилишига қарши фикр билдирганликда айбланган.

468-сонли иш бўйича **Абдуллаев Шамшет** (1897 йили туғилган, Кегейли райони Октябр овулидан, собиқ қулоқ, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 1,5 йил озодликдан маҳрум этишга ва 2 йил сургунга ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, экилган пахтага ишлов беришга саботаж қилганликда айбланган.

382-сонли иш бўйича **Калдибоев Текабой** (1895 йили туғилган, Қозоғистон ССР Гурьев райони 39-овулдан, собиқ қулоқ, 1930 йили босмачиликда иштирок этган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

613-сонли иш бўйича **Жарилқосинов Иброҳим** (1879 йили туғилган, Қўнғирот шаҳридан, диний маросимлар хизматчиси, мулла) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 28 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

*630-сонли иш бўйича қуйидаги 4 маҳбус 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм этилган, уларнинг жазо муддати 1937 йил 19 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Жаникеев Жолмухан** — 1870 йили туғилган, Тахтакўпир райони Жилванбад овулидан, собиқ волост бошқарувчиси, ак-

www.ziyouz.com kutubxonasi

силинқилобий қўзғолон қатнашчиси, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

2. **Қодиров Хитуллаи** — 1870 йили туғилган, Тахтакўпир райони Жилванбад овулидан, собиқ хон амалдорларидан — бий, собиқ қулоқ, 1929 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил озодликдан маҳрум қилишга ва 5 йил сургунга ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, пахта режасини бажаришга қарши фикр билдирганликда айбланган.

3. **Нурунбетов Деҳқонбой** — 1889 йили туғилган, Тахтакўпир райони, Жилванбад овулидан, собиқ хон амалдорларидан, аксилинқилобий қўзғолон иштирокчиси, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, пахта режасини бажаришга қарши чиққанликда айбланган.

4. **Бойдавлетов Қосим** — 1899 йили туғилган, Тахтакўпир райони Жилванбад овулидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқиб кетишга чақирганликда айбланган.

*462-сонли иш бўйича қуйидаги 2 маҳбус отувга ва 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Абдухолиқов**, унинг ўзи **Жамагаров Сеидмурод**, 1877 йили туғилган, Тахтакўпир райони Семузяк овулидан, қулоққа тортилган, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси, аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, СССРдаги оммавий қамоққа олишлар тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Ибодуллаев Исназар** — 1878 йили туғилган, Тахтакўпир райони Семузяк овулидан, қулоққа тортилган, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга сургун қилинишга ҳукм этилган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси аҳоли орасида мағлубиятчилик характеридаги тарғибот олиб борганликда айбланган.

3. **Абдурасулов Жаман** — 1892 йили туғилган, Тахтакўпир райони Семузяк овулидан, руҳоний, мулла, имом, 1932 йили 2 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда мулла. Аксилинқилобий гуруҳбозлар иштирокчиси, аҳоли орасида мағлубиятчилик характерида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

215-сонли иш бўйича **Бердинбетов Нурумбет** (1900 йили туғилган, Чимбой райони 9-овулдан, собиқ бой, мулла, ҳибсга олинган вақтда мулла) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 16 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларини бузишга, барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

*"Учлик"нинг ўша 1937 йил 28 октябрдаги йиғилишида ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Самарқанд сектори тақдим қилган бир қанча ишлар кўриб чиқилиб тегишли қарорлар қабул қилинган.*

*1375-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 24 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Жабборов Қодир** — 1892 йили туғилган, Ургут райони Йўлдош Холмат қишлоқ советидан, собиқ қулоқ, 1932 йили қулоқларни қўллаб-қувватлагани ва босмачиликка кўмаклашгани учун партиядан ўчирилган, 1936 йили колхоз маблағини камомад қилгани учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, қатағон қилинган халқ душманларига ҳамдардлик билдирганликда, колхоз стахановчилари шаънига террорчилик мақсадларни ташвиқот қилганликда айбланган.

2. **Рўзибоев Жумабой** — 1899 йили туғилган, Ургут райони Йўлдош қишлоғидан, йирик қулоқнинг ўғли, қулоққа тортилгунга қадар отаси билан бирга яшаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши туҳмат тарғиботи олиб борганликда, колхоздаги стахановчилар шаънига террорчилик мақсадларини билдирганликда айбланган.

*5628-сонли иш бўйича қуйидаги 2 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, уларнинг жазо муддати 1937 йил 5 октябрдан ҳисобланган:*

1. **Абдулҳакимов Абдулҳамид** — 1860 йили туғилган, Ургут райони Мирза қишлоғидан, қулоққа тортилган, репрессиядан яшириниб юрган, балоғатга етмаган қизини эрга бергани учун судланган, 3 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси, имом. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Боймирзаев Мамарасул** — 1879 йили туғилган, Ургут райони Роват-Ҳасан қишлоғидан, 1934 йили ВКП(б) сафидан ўчирилган, колхоз мулкини ўғирлагани учун 1 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

*1397-сонли иш бўйича қуйидаги 2 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, уларнинг жазо муддати 1937 йил 8 октябрдан ҳисобланган:*

1. **Ғоипов Мирза** — 1881 йил туғилган, Ургут райони Ватак (Ватан бўлса керак — *Р.Ш.*) қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозларда очарчилик тўғрисида аксилинқилобий иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Йўлдошев Алибек** — 1879 йили туғилган, Ургут райони Мўғул қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши

www.ziyouz.com kutubxonasi

тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5635-сонли иш бўйича **Туталов Бердимурод** (1879 йили туғилган, Ургут райони Апанза қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

*1177-сонли иш бўйича 2 нафар маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 27 мартдан ҳисобланган:*

1. **Ёрматов Қорабой** — 1890 йили туғилган, Ургут райони Ватак қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1929 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Ҳасанов Раҳмонқул** — 1898 йили туғилган, Ургут райони Ватак қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни мажбуриятини бажармасликка чақирганликда айбланган.

5649-сонли иш бўйича **Умиров Сафарбой** (1883 йили туғилган, Пойариқ райони Туркбола қишлоғидан, имом, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

1326-сонли иш бўйича **Мусулмонов Болта** (1870 йили туғилган, Нарпай райони Тим қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтамай лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 12 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

1289-сонли иш бўйича **Азизов Абдураҳмон** (1894 йили туғилган, Пахтакор райони Жўймаҳмуд қишлоғидан, собиқ савдогар, босмачилик иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 7 сентябрдан ҳисобланган. Доимий равишда колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

1268-сонли иш бўйича **Абдураҳимов Болта** (1902 йили туғилган, Пахтакор райони Қиштали қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили махсус посёлкага сургун қилинган, у жойдан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 22 июлдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик


www.ziyouz.com kutubxonasi

тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқиб кетишга чақирганликда айбланган.

5662-сонли иш бўйича **Қаюмов Абдураим** (1875 йили туғилган, Пахтакор райони Там қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 30 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

1224-сонли иш бўйича **Ёрбулов Жарқим** (1884 йили туғилган, Пахтакор райони Ургуч қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1929 йили босмачилик фаолияти учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) **отувга** ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни ишга чиқмасликка чақирганликда, ўтмишда босмачилар тўдасида қўрбоши бўлиб 6 та қизил аскар ва 3 та қишлоқ фаолларини ўлдирганликда айбланган.

Ўша иш бўйича **Турсунов Мулла Султон** (1878 йил туғилган, Пахтакор райони Пўлатчи қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом, ҳибсга олинган вақтда колхозда бўлган ва наша сотиш билан шуғулланган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 17 июндан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

*1265-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга ва 3 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Ҳайитов Раҳим** — 1887 йили туғилган, Пахтакор райони, Қўйбак қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили Қирғизистонга сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳни бошқарганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоз бригадирини ўлдирганликда айбланган.

2. **Умаров Маматмурод** — 1884 йили туғилган, Пахтакор райони Багалвин қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган, унинг жазо муддати 1937 йил 16 августдан ҳисобланган.

3. **Шодмонов Нўъмон** — 1909 йили туғилган, Пахтакор райони Қиштали қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом. Исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида қатнашганликда, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган, унинг жазо муддати 1937 йил 1 августдан ҳисобланган.

4. **Хўжақулов Мулла Жума** — 1882 йили туғилган, Пахтакор райони Қиштали қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, имом, ҳибсга олинган вақтда колхозчи бўлган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этган, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

 www.ziyouz.com kutubxonasi 

*5668-сонли иш бўйича қуйидаги 2 маҳбус отувга ва 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган:*

1. **Зубайдуллаев Абдулла** — 1891 йили туғилган, Митан райони Кичик Турсун қишлоғидан, камомад учун 6 йил қамоққа ҳукм этилган, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Миллатчи гуруҳни бошқариб, нолегал йиғинлар ўтказганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

2. **Татлибоев Жонгли** — 1906 йили туғилган, Митан райони Мирза қишлоғидан, қулоққа тортилган, ВКП(б) сафидан ўчирилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз раиси ўринбосари. Миллатчи аксилинқилобий ташкилотнинг ташаббускори, яширин йиғинларида колхоз раҳбарлигини бошқариш тўғрисида кўрсатмалар берган, қуролли қўзғолон тайёрлаш тўғрисида даъват қилганликда айбланган.

3. **Татлибоев Адир** — 1891 йили туғилган, Митан райони Мирза қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 6 йил қамоққа ҳукм этилган, ВКП(б) сафидан ўчирилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Миллатчи аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

5748-сонли иш бўйича **Маҳмудов Эрдон** (1892 йили туғилган, Митан райони Булоқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозда ишламасликка чақирганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

5740-сонли иш бўйича **Турдиқулов Раҳмонқул** (1880 йили туғилган, Митан райони Оқтепа қишлоғидан, собиқ волост бошқарувчиси, диний маросимлар хизматчиси, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, қизил армияда хизмат қилишга қарши фикр билдирганликда айбланган.

5754-сонли иш бўйича **Мирзонов Довулбой** (1875 йили туғилган, Ғаллаорол райони Кичкина Чорбоғ қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, фашистик давлат тузиш тўғрисида ташвиқот қилганликда айбланган.

5672-сонли иш бўйича **Токарев Иван Павлович** (1914 йили туғилган, Оренбург области Каширин райони Токарова хуторидан, қулоққа тортилган, 1929 йили Акмоленск областига сургун қилинган, у ердан қочган, ҳибсга олинган вақтда ғаллачилик совхозида комбайнчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Хизматчилар орасида


www.ziyouz.com kutubxonasi

аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

5707-сонли иш бўйича **Раззоқов Расул** (1898 йили туғилган, Нарпай райони Мирзапатто қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, руҳоний, Махсумнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очарчилик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5737-сонли иш бўйича **Маҳмудов Мирза Бобо** (1887 йили туғилган, Марғилон шаҳридан, диний маросимлар хизматчиси, имом, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ хўжалик таъминотида қоровул) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

5717-сонли иш бўйича **Бекмуродов Жума** (1891 йил туғилган, Нарпай райони Янгиқўрғон қишлоқ совети Чабакбола қишлоғидан, қулоққа тортилган, собиқ руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5716-сонли иш бўйича **Хўжаёров Шерхон** (1907 йили туғилган, Нарпай райони Қоракўл қишлоғидан, қулоқ, руҳонийнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийси шаънига ноцензур гаплар айтганликда айбланган.

5794-сонли иш бўйича **Жабаров Мулла Мурод Қосим** (1873 йили туғилган, Митан райони Қамар қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили ЎзССР ҳудудидан ташқарига сургун қилинган, сургун жойидан қочган, ҳибсга олинган вақтда меҳнат кўчкиндиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий туҳматлар қилганликда айбланган.

1312-сонли иш бўйича **Ғоффоров Мулла Сафар** (1881 йили туғилган, Афғонистоннинг Калоний Жар қишлоғидан, руҳоний, имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 5 августдан ҳисоблаган. Аҳоли орасида аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, айбланган. Дуохонлик билан машғул бўлган, унинг оқибати ўлим билан якунланган.

5675-сонли иш бўйича **Хўжақулов Махмат** (1874 йили туғилган, Каттақўрғон райони Хўжа қишлоғидан, қулоққа тортилган, 5 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олингунга қадар меҳнат кўчкин-

www.ziyouz.com kutubxonasi

диси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 17 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, исёнчилик ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

5676-сонли иш бўйича **Қодиров Шариф** (1895 йили туғилган, Қорадарё райони Арабхона қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда меҳнат кўчкиндиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

5792-сонли иш бўйича **Норов Умар** (1879 йили туғилган, Туркманистон ССР Саят райони Анчи қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда меҳнат кўчкиндиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Меҳнат кўчкиндилари орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, меҳнат кўчкиндиларини ўрнашган жойидан қочиб кетишга чақирганликда айбланган.

*5677-сонли иш бўйича қуйидаги 2 маҳбус отувга ва 2 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

4. **Қурбонов Равшан** — 1900 йили туғилган, Косон райони Томолён қишлоғидан, йирик қулоқнинг ўғли, диний маросимлар хизматчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, жазо муддати 1937 йил 4 июлдан ҳисобланган. Қулоқлар аксилинқилобий гуруҳининг аъзоси бўлганликда, унинг йиғинларида иштирок этганликда, колхозчилар орасида мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

5. **Шодмонов Мулла Одил** — 1891 йили туғилган, Нарпай райони Ражабали қишлоғидан, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган, жазо муддати 1937 йил 4 июлдан ҳисобланган. Аксилинқилобий қулоқлар гуруҳининг фаол аъзоларидан бири бўлганликда, у гуруҳнинг йиғинларида иштирок этганликда, колхозчилар орасида миллатчилик ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6. **Мўминов Шокелди** — 1882 йили туғилган, Косон райони Камолён қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Аксилинқилобий қулоқлар гуруҳи аъзоси бўлганликда, у гуруҳнинг аксилинқилобий ҳаракатлар ва Афғонистон билан алоқа режалари кўрилган йиғинларда иштирок этганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

*3163-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Саломов Мустаким** — 1872 йили туғилган, Косон райони Қарлуқ қишлоғидан, қулоқ, руҳоний, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши, мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Умаров Собир** — 1873 йили туғилган, Косон райони Қарлуқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида миллатчилик, троцкийчилик, мағлубиятчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида бўҳтонлар тарқатганликда айбланган.

3238-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган:

1. **Соипов Эрол** — 1899 йили туғилган, Косон райони Гувалак қишлоғидан, қулоқ, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида давлат



www.ziyouz.com kutubxonasi

муҳофаза заёмлари кенгайишига қарши тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида бўҳтон тарқатганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда, қулоқлар аксилинқилобий гуруҳининг аъзоси бўлганликда ва унинг йиғинларида иштирок этганликда айбланган.

2. **Ниёзов Султонхон** — 1864 йили туғилган, Беҳбудий райони Куканзор қишлоғидан, қулоқ, руҳоний, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий қулоқлар гуруҳининг раҳбарларидан бири бўлганликда, унинг йиғинларида иштирок этганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3. **Хонкелдиев Рўзи** — 1883 йили туғилган, Косон райони Гувалак қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий қулоқлар гуруҳида бўлганликда, йиғинларда иштирок этганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

*3090-сонли иш бўйича 3 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 мартдан ҳисобланган:*

1. **Маҳмудов Мулла Бек** — 1889 йили туғилган, Деҳқонобод райони Боғзакон қишлоғидан, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Аҳматов Маҳмуд** — 1878 йили туғилган, Деҳқонобод райони Яна қишлоғидан, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Атрофидагилар орасида доимий равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3. **Бойбобоев Мулла Акабой** — 1867 йили туғилган, Деҳқонобод райони Яна қишлоғидан, руҳоний, эшон, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига норозилигини билдирганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида бўҳтонлар тарқатганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Деҳқонобод район округи тақдим қилган 3211-сонли иш бўйича **Жўраев Мулла Хуррам** (1876 йили туғилган, Деҳқонобод райони Шўргузар қишлоғидан, қулоққа тортилган, руҳоний, имом, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3177-сонли иш бўйича **Йўлдошев Мулла Иш Қурбон** (1890 йили туғилган, Деҳқонобод райони Боғзагон қишлоғидан, қулоққа тортилган, руҳоний, судланган, жазони ўтамаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 8 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ликда, колхозчиларни ишга чиқмасликка чақирганликда айбланган.

5854-сонли иш бўйича **Хўжанов Мулла Холиқ** (1889 йили туғилган, Деҳқонобод райони Белибола қишлоғидан, руҳоний, имом, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда агротехник) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида давлатга нон топшириш ва ғаллани колхозчилар орасида бўлиб беришга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5859-сонли иш бўйича **Ашуров Карим** (1877 йили туғилган, Деҳқонобод райони Чилгаз қишлоғидан, қулоқ, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик, судланган) **отувга** ҳукм этилган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

5856-сонли иш бўйича **Оллоёров Эшонқул** (1895 йили туғилган, Деҳқонобод райони Яна қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида давлатга нон топширишга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида иғво миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

*5858-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, бирининг жазо муддати 1937 йил 27 августдан, иккинчисининг муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Мулла Маҳмуд Юсуф Омон Турдиев** — 1899 йили туғилган, Деҳқонобод райони Дуган қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, ўтмишда босмачи, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Мулла Ҳасан Омон Турдиев** — 1897 йили туғилган, Деҳқонобод райони Дуган қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, ўтмишда босмачи, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида иғво миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

5954-сонли иш бўйича **Чоршонбоев Мулла Кўчкум** (1873 йили туғилган, Деҳқонобод райони Чибиқорасоч қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) **отувга** ҳукм этилган.

5948-сонли иш бўйича **Казаков,** унинг ўзи **Козятин Михаил Григориевич** (1890 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси, Новодевичье райони Новодевичье қишлоғидан, собиқ савдогар, ҳибсга олинган вақтда Дон тайёрлаш пунктида техник ходим бўлган, аксил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

инқилобий исёнчи банданинг собиқ аъзоси) отувга ҳуки этилган. Ишчилар орасида давлат муҳофаза заёмига ёзилишга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат шаънига миш-мишларни тарқатганликда, отилиб кетган троцкийчиларга хайрихоҳлик билдирганликда айбланган.

*3161-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Ҳасанов Мулла Кенжа** — 1862 йили туғилган, Косон райони Майманак қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қулоқлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий, исёнчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

2. **Қурбонов Йўлдош** — 1896 йили туғилган, Косон райони Майманак қишлоғидан, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий қулоқлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши ва исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3. **Раупов Абдухалилбой** — 1881 йили туғилган, Косон райони Майманак қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий қулоқлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, колхозчилар орасида исёнчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

3205-сонли иш бўйича **Нигматов Мулла Жаббор** (1867 йили туғилган, Косон райони Косон қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозни мустаҳкамлантирадиган ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3237-сонли иш бўйича **Равшанов Мулла Жаббор** (1880 йили туғилган, Косон райони Мисит қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, имом, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида пахта майдонига ишлов беришга қарши ва колхозлар тарқалишига қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3207-сонли иш бўйича **Широв Гул** (1900 йили туғилган, Косон райони Камолён қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик ва колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Қашқадарё округ бўлими тақдим қилган 5908-сонли иш бўйича **Маллаев Парда** (1872 йили туғилган, Китоб райони Совуқбулоқ қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

машғулоти бўлмаган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 8 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5933-сонли иш бўйича **Хушвақтов Ғани** (1886 йили туғилган, Китоб райони Қишлик қишлоғидан, собиқ қулоқ, имом ва савдогар, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 17 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига қарши курашишга чақирганликда айбланган.

5932-сонли иш бўйича **Рўзиев Турди** (1897 йили туғилган, Китоб райони Бешкапа қишлоғидан, савдогар, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 17 сентябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида халқлар доҳийси ва совет ҳокимияти шаънига аксилинқилобий қасддан қилинган бўҳтон, ҳақоратли фикрларни билдирганликда айбланган.

5897-сонли иш бўйича **Раҳимов Ҳазратқул** (1901 йили туғилган, Китоб райони Ишлик қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида бўҳтон ва мағлубиятчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5947-сонли иш бўйича **Шарипов Шараф** (1899 йили туғилган, Китоб райони Деҳқон қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш ва совет ҳокимияти қулаши тўғрисида иғво миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

3174-сонли иш бўйича **Назаров Диёр** (1891 йили туғилган, Китоб райони Сариосиё қишлоғидан, яширин қулоқ, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Йиллар давомида колхозда бузғунчилик ишлари олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3245-сонли иш бўйича **Тошев Муҳаммад** (1888 йили туғилган, Қўқон шаҳридан, собиқ руҳоний, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида тез орада уруш бўлиши, ҳокимият ўзгариши ва "Мусулмонобод" барпо этиши тўғрисида миллатчилик, мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3225-сонли иш бўйича **Исмоилов Оқил Бадритдинович** (1900 йили туғилган, Бошқирдистон АССР Бакалин райони Старая Курачева қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда Ўзбекторгда магазин мудири) отувга ҳукм этилган. Аксил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

инқилобий троцкийчилик ташвиқот билан чиққанликда, Германия ва СССР ўртасидаги бўлажак урушда СССРнинг мағлуб бўлиши тўғрисида фикрлар билдирганликда, миллатчилик, исёнчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5851-сонли иш бўйича **Сариев Мамадиёр** (1870 йили туғилган, Чироқчи райони Қозоқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, фаоллар билан мулоқотда террорчилик мақсадини билдирганликда айбланган.

3171-сонли иш бўйича **Каримов Искандар** (1882 йили туғилган, Чироқчи райони Дўрмон қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхозда бригадир) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида партия, ҳукумат тадбирларини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3109-сонли иш бўйича **Холмўминов Суюн** (1865 йили туғилган, Шаҳрисабз райсни Шофкент қишлоғидан, руҳоний, имом, яширин қулоқ, ҳибсı олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида миллатчилик ва мағлубиятчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

3109-сонли иш бўйича **Холбоев Турсун** (1901 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Бўзариқ қишлоғидан, яширин қулоқ, ўтмишда босмачи, судланган, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ матлуботида магазин мудири) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 30 июлдан ҳисобланган. Аксилинқилобий тарғибот олиб борилган йиғинларда иштирок этганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

3214-сонли иш бўйича **Шарипов Ниёзмурод** (1873 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Гулён қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида исёнчилик ва мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5900-сонли иш бўйича **Пинхасов Або** (1870 йили туғилган, Шаҳрисабздан, собиқ амир амалдори ва йирик савдогар, ҳибсга олинган вақтда кўрлар артелида омбор мудири) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 8 сентябрдан ҳисобланган. Миллатчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3223-сонли иш бўйича **Бобожонов Қурбон** (1862 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Гулён қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5872-сонли иш бўйича **Хушвақтов Абдураҳмон** (1878 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Чоршанба қишлоғидан, ошкор

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмаган қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 31 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши бузғунчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5902-сонли иш бўйича **Мирзаев Дўстмурод** (1887 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Тамшуш қишлоғидан, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 8 сентябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида давлатга нон етказишга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, объектларни солиққа тортиш давлат ҳисоботини яширганликда айбланган.

5910-сонли иш бўйича **Бердиёров Умар** (1898 йили туғилган, Яккабоғ райони Тезоб қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши бузғунчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5930-сонли иш бўйича **Азизов Шараф** (1858 йили туғилган, Шаҳрисабз шаҳридан, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда боқим) қамоқдан озод қилинган, иши архивга топширилган. 66-модда бўйича айбланган.

5911-сонли иш бўйича **Мансуров Ислом Хон** (1856 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Эшон қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, эшон, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида бўҳтон, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5943-сонли иш бўйича **Шарипов Ражаб** (1882 йили туғилган, Октябр қишлоқ совети Кулқизил қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши бузғунчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очлик ва уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган

5899-сонли иш бўйича **Зикиров Эшонқул** (1856 йили туғилган, Тожикистон ССР Болжуон қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, эшон, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 4 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш ва ҳокимият ўзгариши тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5973-сонли иш бўйича **Ниёзов Муҳаммад** (1869 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Гулёнқизил қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Атрофидагилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда,


www.ziyouz.com kutubxonasi

троцкийчиларни ҳимоя қилганликда, партия ва ҳукумат раҳбарлари шаънига террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

5956-сонли иш бўйича **Исломов Очил** (1885 йили туғилган, Яккабоғ райони Самоқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний, имом, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, тез орада ҳокимият ўзгариши ҳақида иғво миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5873-сонли иш бўйича **Қодиров Мирза Мухтор** (1901 йили туғилган, Шаҳрисабз шаҳридан, бой, амир амалдорининг ўғли, муҳожир, ҳибсга олинган вақтда сув хўжалиги округида гидрометр) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 3 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

5873-сонли иш бўйича **Тўрақулов Йўлдош** (1899 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Шерози қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 11 октябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида бўҳтон, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5849-сонли иш бўйича **Мусина Файзи Валитдинович** (1894 йили туғилган, Бошқирдистон АССР Кўгарчи райони Нижние сезви қишлоғидан, Зоки Валидов аксилинқилобий қўзғолонининг собиқ иштирокчиси, ўтмишда Дутов унтер-офицери, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ магазини директори) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 8 декабрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

5887-сонли иш бўйича **Худойназаров Хўжаназар** (1896 йили туғилган, Китоб райони Тупчак қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 2 сентябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3246-сонли иш бўйича **Алимов Қори Мажид** (1872 йили туғилган, Китоб райони Китоб қишлоғидан, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни ишдан бош тортишга чақирганликда айбланган.

5913-сонли иш бўйича **Корбут Александр Иванович** (1891 йили туғилган, собиқ Минск губернияси Глусск райони Селец қишлоғидан, катта ер эгаси, зодагонлардан, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда округ прокуратурасида ҳисобчи) отувга ҳукм

www.ziyouz.com kutubxonasi

этилган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, отилиб кетган троцкийчиларга ачинганликда айбланган.

5830-сонли иш бўйича **Тонких Петр Герасимович** (1883 йили туғилган, Оренбург области Сорочинск райони Ново Сергиевка қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда Заготзернода котиб) отувга ҳукм этилган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий, троцкийчилик тарғиботи олиб борганликда, иғвогарлик, исёнчилик ва мағлубиятчилик фикр билдирганликда айбланган.

5971-сонли иш бўйича **Латипов Рашид** (1901 йили туғилган, Беҳбудий райони Яккасоя қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда саводсизлар мактабида мудир) отувга ҳукм этилган. Атрофидагилар орасида миллатчилик, мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия раҳбарлари шаънига ҳақоратли ва ахлоқсиз гаплар айтганликда айбланган

5917-сонли иш бўйича **Жабборов Мажид Хон** (1884 йили туғилган, Пахтакор райони Болтали қишлоғидан, қулоққа тортилган, имом, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 2 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши ва миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5874-сонли иш бўйича **Райков Алексей,** унинг ўзи **Ибатулин Асадулла** (1897 йили туғилган, Қозон шаҳридан, собиқ савдогар, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхозда ҳисобчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 2 сентябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5883-сонли иш бўйича **Миркомилов Тўра** (1874 йили туғилган, Ғузор райони Учтепа қишлоғидан, собиқ қулоқ, имом, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет муҳрига бўҳтонлар тарқатганликда, колхозчиларни Афғонистонга муҳожирликка чақирганликда айбланган.

3137-сонли иш бўйича **Қосимов Насим** (1901 йили туғилган, Китоб райони Хўжаимкон қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачи, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 2 июлдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, революциягача бўлган амир тузумини мақтаганликда айбланган.

3126-сонли иш бўйича **Комилов Мирза Бурон** (1897 йили

www.ziyouz.com kutubxonasi

туғилган, Беҳбудий райони Мирмирон қишлоғидан, собиқ амир амалдори, ҳибсга олинган вақтда ўрмон қоровули) **отувга** ҳукм этилган. Ўтмишда Қарши станциясида 48 ишчи отув ҳукмини ташкил этиб, қатнашганликда, "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилотининг аъзолари билан алоқада бўлганликда айбланган.

3130-сонли иш бўйича **Кутуев (Кутиев** бўлса керак — *Р.Ш.*) **Ёқуб Ғаниевич** (1905 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Кузнецк райони Канадей қишлоғидан, собиқ йирик қулоқнинг ўғли, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 4 июлдан ҳисобланган. Халқлар доҳийси ва ҳукумат шаънига ахлоқсиз, ҳақоратли гаплар айтганликда, отилиб кетган халқ душманларига ачинганликда айбланган.

3135-сонли иш бўйича **Хидиров Қодир** (1870 йили туғилган, Беҳбудий райони Дашт қишлоғидан, қулоққа тортилган, руҳоний, имом, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олингн вақтда яккахўжалик) отувга ҳукм этилган. Халқ душманларининг партия ва ҳукумат раҳбарларига қарши террористик ҳаракатларини маъқуллаганликда айбланган.

*3148-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 27 июлдан ҳисобланган:*

1. **Иброҳим Хўжаев Шараф Хон** — 1900 йили туғилган, Беҳбудий райони Мирмирон қишлоғидан, собиқ қулоқ, "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қарши станциясидаги ишчиларнинг отилишида иштирок этганликда, атрофидагилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

2. **Хўжаев Азам** — 1905 йили туғилган, Беҳбудий райони Пермидон қишлоғидан, эшоннинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда район тайёрлов бўлимида бошлиқ ёрдамчиси. Халқ душманлари ҳаракатларини мақтаганликда, отилиб кетганларга ачинганликда, партия ва ҳукумат шаънига бўҳтон миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

3198-сонли иш бўйича **Давидянц Ерема Павлович** (1895 йили туғилган, Арманистон ССР Магрин райони Агарак қишлоғидан, ўтмишда дашноқлар сафида бўлган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда тайёрлаш агенти) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. Аксилинқилобий унсурлар атрофида бўлганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

3202-сонли иш бўйича **Нуримов Мулла Ўрин** (1884 йили туғилган, Конимех райони Кескан терак қишлоғидан, имом, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

3203-сонли иш бўйича **Муҳаммадқулов Ҳожи** (1868 йили туғилган, Беҳбудий райони Дарвоза тутак қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, судланган, жазони ўтамаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик, иғвогарлик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3204-сонли иш бўйича **Ҳожиназаров Бойхон** (1897 йили туғилган, Беҳбудий райони Янгимозор қишлоғидан, собиқ амир амалдори, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида троцкийчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3226-сонли иш бўйича **Юсупов Содиқ** (1902 йили туғилган, Беҳбудий райони Кўкманғит қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3227-сонли иш бўйича **Мавлонов Тоштемир** (1887 йили туғилган, Беҳбудий райони Кўкманғит қишлоғидан, собиқ амир амалдори, қулоққа тортилган, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3230-сонли иш бўйича **Бердимуродов Хўжамберди** (1891 йили туғилган, Беҳбудий райони Қозоқли қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5869-сонли иш бўйича **Вовков (Волков** бўлса керак — *Р.Ш.*) **Дмитрий Николаевич** (1897 йили туғилган, Узоқ Шарқ ўлкаси Молотов райони Струговка қишлоғидан, собиқ оқ офицери, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда санитария инспектори) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида троцкийчилик, мағлубиятчилик ва аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5875-сонли иш бўйича **Миницкий Эдуард Иосифович** (1887 йили туғилган, Белоруссия ССР Дриснинск райони Сутунки қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда ғалла совхозида ишчи) отувга ҳукм этилган. Ишчилар орасида колхозга қарши бўҳтон, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган.

5906-сонли иш бўйича **Қобулов Жонпўлат** (1903 йили туғилган, Беҳбудий райони Қирон қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик) 10 йил меҳнат тузатув лагери-


www.ziyouz.com kutubxonasi

га ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига қарши курашган халқ душманларини қўллаб-қувватлашга чақирганликда айбланган.

5941-сонли иш бўйича **Саидкаримов Маҳмуд Хон** (1902 йили туғилган, Косон райони Косон қишлоғидан, савдогар, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида доимий равишда миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, колхоз маблағларини сарфлаганликда айбланган.

*3133-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 2 маҳбус 10 йил, 1 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. 1 маҳбуснинг жазо муддати 1937 йил 29 июлдан, 2 маҳбуснинг муддати 1937 йил 27 июлдан ҳисобланган:*

1. **Гулматов Эгамберди** — 1884 йили туғилган, Беҳбудий райони Кўчкак қишлоғидан, собиқ савдогар, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз бригадири. Отилиб кетган халқ душманларини ҳимоя қилганликда, бўҳтон аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Исомов Қаҳҳор** — 1889 йили туғилган, Беҳбудий райони Кўчкак қишлоғидан, собиқ босмачилик кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ совети раиси. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3. **Ходиев Орифхон** — 1883 йили туғилган, Беҳбудий райони Кўчкак қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачилик кўмакчиси, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4. **Орипов Аҳмадхон** — 1909 йили туғилган, Беҳбудий райони Кўчкак қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз бригадири. Троцкийчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3133-сонли иш бўйича **Ҳайдаров Зиёт** (1907 йили туғилган, Беҳбудий райони Кўчкак қишлоғидан, собиқ имом, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ советида ҳисобчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3166-сонли иш бўйича **Бакиров Рустам** (1861 йили туғилган, Ғузор райони Манғит қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда ва "Мусулмонобод" тикланиши тўғрисида тарғибот олиб борганликда айбланган.

3167-сонли иш бўйича **Ботиров Хушат** (1871 йили туғилган, Ғузор райони Қорасерак қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда яккахўжалик) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик ва аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

3173-сонли иш бўйича **Тўраев Бухар** (1897 йили туғилган, Ғузор райони Каранқул қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Атрофидагилар орасида колхозга қарши ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

5928-сонли иш бўйича **Молостов Никифор Ивлевич** (1894 йили туғилган, Воронеж области Троиицкое қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яширган, ҳибсга олинган вақтда "Кустпромсоюз"да квасчи) отувга ҳукм этилган. Атрофидагилар орасида исёнчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5961-сонли иш бўйича **Раҳимов Пўлат** (1887 йили туғилган, Ғузор райони Янгикент қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5962-сонли иш бўйича **Ҳайдаров Муҳаммадамин** (1896 йили туғилган, Ғузор райони Замбибобо қишлоғидан, собиқ босмачи, судланган, жазони ўтамаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3088-сонли иш бўйича **Бўриев Тилла** (1905 йили туғилган, Деҳқонобод райони Кансой қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 8 июлдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, троцкийчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

3176-сонли иш бўйича **Хўжанов Иброҳим** (1877 йили туғилган, Деҳқонобод райони Белибайли қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 июлдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, хотин-қизлар озодлигига қарши чиққанликда айбланган.

3179-сонли иш бўйича **Вазиров Холиқ** (1889 йили туғилган, Деҳқонобод райони Газа қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 8 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

3178-сонли иш бўйича **Габназаров Ҳасан** (1860 йили туғилган, Деҳқонобод райони Тургсой қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) қамоқдан озод этилган, иши архивга топширилган. 66-модда бўйича айбланган.

3180-сонли иш бўйича **Мирзаев Парда** (1892 йили туғилган, Деҳқонобод райони Авдун қишлоғидан, қулоққа тортилган, ўтмишда босмачилик кўмакчиси, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил


www.ziyouz.com kutubxonasi

меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 9 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3210-сонли иш бўйича **Хўжакелдиев Суфан** (1879 йили туғилган, Деҳқонобод райони Арован қишлоғидан, собиқ амир амалдори, қулоқ, ўтмишда босмачилик кўмакчиси, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3212-сонли иш бўйича **Акабоев Абдулла** (1912 йили туғилган, Бойсун райони Оқмачит қишлоғидан, савдогар, қулоқнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Хотин-қизлар озодлигига қарши чиққанликда ва халқ доҳийси сурати устидан масхара қилганликда айбланган.

5834-сонли иш бўйича **Ҳалилов Қори Хофиз** (1884 йили туғилган, Беҳбудий райони Лағмон қишлоғидан, савдогар, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 29 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5836-сонли иш бўйича **Мансуров Абдулла** (1900 йили туғилган, Беҳбудий райони Карамжой қишлоғидан, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5853-сонли иш бўйича **Бойқулов Чори** (1893 йили туғилган, Деҳқонобод райони Белибойли қишлоғидан, собиқ босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Колхозда бўлиб, ўғирликлар билан шуғулланганликда айбланган.

5857-сонли иш бўйича **Шотўраев Бобо** (1870 йили туғилган, Деҳқонобод райони Ямп қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачи, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик ва колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5896-сонли иш бўйича **Мансуров Мутаирхон Эшон** (1868 йили туғилган, Ургут райони Ургут қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 14 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, диний қўлёзмаларни тарқатганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

5904-сонли иш бўйича **Бойқулов Хўжа Назар** (1875 йили туғилган, Деҳқонобод райони Бешбулоқ қишлоғидан, собиқ амир амалдори, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 5 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида нон тайёрлашни барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига қарши қўзғолонга тайёргарлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5862-сонли иш бўйича **Раҳимов Мамараим** (1882 йили туғилган, Яккабоғ райони Қамчи қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5885-сонли иш бўйича **Эшмуротов Худойберди** (1872 йили туғилган, Яккабоғ райони Сурнайтепа қишлоғидан, имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5886-сонли иш бўйича **Муқимов Бекмурод** (1877 йили туғилган, Яккабоғ райони Қароқчи қишлоғидан, собиқ имом, ҳибсга олинган вақтда боқиманда) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

5884-сонли иш бўйича **Дўстов Алиқул** (1869 йили туғилган, Яккабоғ райони Бадоҳшон қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтамаган, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерга ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5881-сонли иш бўйича **Саидов Жаббор** (1900 йили туғилган, Яккабоғ райони Сурнайтепа қишлоғидан, собиқ қулоқ, эшон, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик ва колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3145-сонли иш бўйича **Ҳожиев Ёқуб** (1898 йили туғилган, Яккабоғ райони Қозоқ қишлоғидан, эшон, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 26 июлдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида троцкийчилик ва мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3181-сонли иш бўйича **Мусаев Кўчқор** (1871 йили туғилган, Яккабоғ райони Дуйўл қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937

www.ziyouz.com kutubxonasi

йил 31 июлдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

*3183-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, бирининг жазо муддати 1937 йил 30 июлдан, иккинчисининг муддати 10 августдан ҳисобланган:*

1. **Рўзиев Мулла Нарзулла** — 1887 йили туғилган, Яккабоғ райони Жийда гузар қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Қурбон Назаров Ҳаким** — 1865 йили туғилган, Яккабоғ райони Мучин гузар қишлоғидан, қулоққа тортилган, ўтмишда босмачилик кўмакчиси, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

*3185-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил, 1 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, бирининг жазо муддати 1937 йил 25 августдан, иккинчисининг муддати 1937 йил 30 июлдан ҳисобланган:*

1. **Эрназаров Раҳмонқул** — 1897 йили туғилган, Яккабоғ райони Бўриқапчукай қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний эшон, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Мўминов Қудрат** — 1887 йили туғилган, Яккабоғ райони Гулдара қишлоғидан, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3. **Зокиров Ҳуррам** — 1874 йили туғилган, Яккабоғ район Татаргузар қишлоғидан, қулоққа тортилган, эшон, судланган, жазони ўтамаган, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси. Атрофидагилар орасида "Мусулмонобод" тикланиши тўғрисида миллатчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

*3184-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерга ҳукм этилган, бирининг жазо муддати 1937 йил 10 августдан, иккинчисининг муддати 1937 йил 30 июлдан ҳисобланган:*

1. **Камолов Азим** — 1877 йили туғилган, Самарқанд райони Қўрғон қишлоғидан, қулоққа тортилган, эшон, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Афғонистонга кетишга чақирганликда айбланган.

2. **Закруллаев Нурадулла** — 1877 йили туғилган, Яккабоғ райони Нагахон қишлоғидан, қулоққа тортилган, эшон, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик ва колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3. **Камолов Олим** — 1900 йили туғилган, Яккабоғ райони Нагахон қишлоғидан, руҳоний, эшон, ҳибсга олинган вақтда колхоз

www.ziyouz.com kutubxonasi

аъзоси. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

*3156-сонли иш бўйича 3 маҳбус 10 йил, 1 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган:*

1. **Казанцев Виктор Ильич** — 1898 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Сизран шаҳридан, ўтмишда оқ армиясида мирза, ҳибсга олинган вақтда ҳисобчи бўлиб ишлаган, жазо муддати 1937 йил 27 июлдан ҳисобланган. Аҳоли орасида партия ва ҳукумат шаънига аксилинқилобий бўҳтонлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда ва уларнинг отилиб кетишларига қарши хайрихоҳлик билдирганликда айбланган.

2. **Куличкин Федот Андреевич** — 1882 йили туғилган, Оренбург области Троеицкое қишлоғидан, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда ҳунармандчилик артелида квасчи, жазо муддати 1937 йил 27 июлдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

3. **Гурциев Георгий Арсентьевич** — 1899 йили туғилган, Грузия ССР Гори шаҳридан, собиқ савдогар, судланган, ҳибсга олинган вақтда "Американка"нинг мудири. Атрофидагилар орасида халқ душманларини мақтаганликда, уларнинг соткинли ишларини ва фашистчилар билан алоқаларини маъқуллаганликда айбланган.

4. **Тўхтаров Муллаён Мукарамович** — 1914 йили туғилган, Бошқирдистон АССР Чашман райони Сортхасанов қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда район матлуботида инспектор. Гитлерни мақтаганликда, партия ва ҳукумат раҳбарларига ҳақоратли фикрларини билдирганликда айбланган.

*ЎзССР ИИХК Бухоро РКМ сектори тақдим қилган 5415-сонли иш бўйича 6 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 29 апрелдан ҳисобланган.*

1. **Қосимов Баратали** — 1909 йили туғилган, Бухоро райони Татармаҳалла қишлоғидан, ижтимоий хавфли унсур, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бандитлар гуруҳини ташкил этганликда ва у билан биргаликда қуролланган талашларни содир этганликда айбланган.

2. **Жўраев Ғулом** — 1907 йили туғилган, Бухоро райони Татармаҳалла қишлоғидан, судланган, ижтимоий хавфли унсур, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Қуролланган бандитлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, талашларда иштирок этганликда айбланган.

3. **Рустамов Сафар** — 1912 йили туғилган, Бухоро райони Туркан қишлоғидан, ижтимоий хавфли унсур, 2 марта судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Бандитлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда ва у билан биргаликда ҳайвон ўғирлашлар, талашлар содир этганликда айбланган.

4. **Бакиров Гадой** — 1910 йили туғилган, Бухоро райони Маҳалла қишлоғидан, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Бандитлар гуруҳининг раҳбари бўлганликда ва у билан биргаликда талашларда иштирок этганликда айбланган.

5. **Азимов Мажид**, унинг ўзи **Назаров Дўст Мурод**, 1914 йили


www.ziyouz.com kutubxonasi

туғилган, Бухоро райони Жонбобо қишлоғидан, аниқ машғулоти йўқ. Бандитлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, у билан биргаликда талашларда иштирок этганликда айбланган.

6. **Азимов Ҳамид** — 1909 йили туғилган, Бухоро райони Жонбобо қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Бандитлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, талашларда иштирок этганликда айбланган.

7. **Ҳамроев Муҳаммад** — 1910 йили туғилган, Бухоро райони Дейча қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Бандитлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда ва қуролланган талашларда иштирок этганликда айбланган.

*5409-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга, 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 2 июлдан ҳисобланган:*

1. **Насриддинов Ҳожи** — 1905 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, 4 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда сув хўжалигида қоровул. Бандитлар гуруҳини ташкил қилиб, қуролланган талашлар содир этганликда айбланган.

2. **Эргашев Нурулло** — 1913 йили туғилган, Юрун поён қишлоғидан, собиқ милиционер, жиноий унсур билан алоқадорлиги учун РКМдан чиқарилган. Бандитлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, гуруҳни қуроллар ва асбоб-анжомлар билан таъминлаганликда айбланган.

3. **Баҳромов Асад** — 1896 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ амир полициячиси, 2 марта судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бандитлар гуруҳининг фаол аъзоси бўлганликда, қуролланган талашларда иштирок этганликда айбланган.

4. **Абдуллаев Яхё** — 1908 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бандитлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, қуролланган талашларда иштирок этганликда айбланган.

*5515-сонли иш бўйича 3 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Отақулов Равшан** — 1910 йили туғилган, Қизилтепа райони Навбох қишлоғидан, судланган, жазони ўтамай қочган, 2 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қамоқдан қочиб, жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда айбланган.

2. **Шаропов Шариф** — 1902 йили туғилган, Кармана райони Армижон қишлоғидан, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қамоқдан қочиб, жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда айбланган.

3. **Турмуҳаммедов Қарши** — 1910 йили туғилган, Ғиждувон райони Бештува қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноий ҳаракат билан шуғулланганликда ва доимий равишда қочиб кетган бандит-жиноий унсурни яширганликда айбланган.

*5478-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Ярашев Раҳмон** — 1903 йили туғилган, Бауман районининг Кўшработ қишлоғидан, судланган, 1 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Лагерларда жазони ўтагандан сўнг жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда ва у билан биргаликда колхоз раисини ўлдиришга тайёргарлик кўрганликда айбланган.

2. **Бозоров Шариф** — 1905 йили туғилган, Бауман райони Темирчи қишлоғидан, собиқ босмачи, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Жиноий унсур билан алоқа ўрнатиб колхоз раисини ўлдиришга тайёргарлик кўрганликда, талашлар билан шуғулланганликда айбланган.

*5405-сонли иш бўйича 4 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 13 августдан ҳисобланган:*

1. **Чориев Саид** — 1913 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, 1 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бандитлар гуруҳини ташкил қилиб, у билан биргаликда қуролланган талашларни содир этганликда айбланган.

2. **Ғаниев Аҳмад** — 1914 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда қурилиш идорасида қора ишчи. Бандитлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, қуролланган талашларда иштирок этганликда айбланган.

3. **Бобомуродов Ражаб** — 1919 йили туғилган, Бухоро райони Чуқуркўл қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бандитлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, қуролланган талашларда иштирок этганликда айбланган.

4. **Маҳмудов Асри** — 1914 йили туғилган, Бухоро райони Илач қишлоғидан, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бандитлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, қуролланган талашларда иштирок этганликда айбланган.

5. **Юнусов Ғани** — 1914 йили туғилган, Бухоро райони Чукати қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бандитлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, у билан биргаликда талашларда иштирок этганликда айбланган.

*5494-сонли иш бўйича 4 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Нигматов Отақул** — 1890 йили туғилган, Ғиждувон райони Форишкент қишлоғидан, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Бандитлар гуруҳини ташкил этиб, у билан биргаликда қуролланган талашларни содир этганликда айбланган.

2 **Акрамов Музаффар** — 1903 йили туғилган, Ғиждувон райони Форишкент қишлоғидан, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Бандитлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, у билан биргаликда талашларда иштирок этганликда айбланган.

3. **Мавлонов Азим** — 1908 йили туғилган, Ғиждувон райони Тилён қишлоғидан, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Бандитлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, у билан биргаликда талашларда иштирок этганликда айбланган.

 www.ziyouz.com kutubxonasi

**4. Муҳаммедов Тўхта** — 1906 йили туғилган, Кармана райони Курама қишлоғидан, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Бандитлар гуруҳининг аъзоси бўлганликда, у билан биргаликда талашларда иштирок этганликда айбланган.

*5484-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, бирининг жазо муддати 1937 йил 19 августдан, иккинчисининг муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган:*

**1. Муротов Нигмат** — 1901 йили туғилган, Ғиждувон райони Работхўжа қишлоғидан, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Қуролли босқинчиликларда иштирок этганликда айбланган.

**2. Шапиев Жума** — 1906 йили туғилган, Ғиждувон райони Ғиждумак қишлоғидан, собиқ босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Қуролли босқинчиликларда иштирок этганликда айбланган.

*5523-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган:*

**1. Кенжаев Соли** — 1897 йили туғилган, Ромитан райони Хасрамиш қишлоғидан, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Ҳайвон ўғирлаш ва уйларни талаш билан шуғулланганликда айбланган.

**2. Камолов Шариф** — 1908 йили туғилган, Ромитан райони Хушкана қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Ҳайвон ўғирлаш ва уйларни талаш билан шуғулланганликда айбланган.

5522-сонли иш бўйича **Исломов Наим** (1901 йили туғилган, Қизилтепа райони Навгали қишлоғидан, 2 марта судланган ва 1 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) **отувга** ҳукм этилган. Қочиб кетган жиноятчилар билан алоқа ўрнатганликда ва қуролли босқинчиликларни содир этганликда айбланган.

5477-сонли иш бўйича **Урунов Холтош** (1908 йили туғилган, Бауман райони Шиберган қишлоғидан, 3 марта судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5489-сонли иш бўйича **Сулаймонов Азиз** (1901 йили туғилган, Бухоро райони Шергарон қишлоғидан, 3 марта судланган ва 1 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Лагерлардан озод бўлгач жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда ва ўғирликлар билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

5475-сонли иш бўйича **Тўқлиев Исмат** (1905 йили туғилган, Когон райони Шўрота қишлоғидан, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 31 июлдан ҳисобланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лагерлардан озод бўлгач, доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган.

5464-сонли иш бўйича **Каримов Эгам** (1905 йили туғилган, Қизилтепа райони Муллатош қишлоғидан, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда қоровул) **отувга** ҳукм этилган. Лагерлардан озод бўлгач жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда ва ўғирликлар билан шуғулланганликда айбланган.

5497-сонли иш бўйича **Ҳамроев Хон** (1897 йили туғилган, Ромитан райони Сарой қишлоғидан, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 7 сентябрдан ҳисобланган. Лагерлардан бўшагач жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда ва уйларни талаганликда айбланган.

5496-сонли иш бўйича **Пирназаров Соҳиб** (1906 йили туғилган, Ромитан райони Ҳошканур қишлоғидан, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Чайқовчилик ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

5480-сонли иш бўйича **Холиқназаров Ҳамид** (1907 йили туғилган, Бауман райони Ҳаркаш қишлоғидан, 3 марта судланган, жазони ўтаган, собиқ қулоқ, жиноятчи, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Жазони ўтагач, доимий равишда нон маҳсулотлари чайқовчилиги билан шуғулланганликда айбланган.

5465-сонли иш бўйича **Шарипов Жума** (1900 йили туғилган, Қизилтепа райони Булоқравот қишлоғидан, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда кийим тикувчи) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қайтгач, жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда ва ўғирланган нарсаларни сотиб олиш билан шуғулланганликда айбланган.

5461-сонли иш бўйича **Холиқов Қаҳҳор** (1884 йили туғилган, Қизилтепа райони Новгали қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазони ўтаган, 1 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 августдан ҳисобланган. Колхозда ишлаб, 2 минг килограмм ғаллани ўғирлаганликда айбланган.

5469-сонли иш бўйича **Ҳамроев Тўқли** (1910 йили туғилган, Қизилтепа райони Ғаллатегирмон қишлоғидан, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 августдан ҳисобланган. Лагерлардан озод бўлгач, яширинаётган жиноятчи билан алоқа ўрнатганликда айбланган.

5420-сонли иш бўйича **Носиров Ҳайдар** (1901 йили туғилган, Ромитан райони Чандир қишлоғидан, босмачилик тўдасининг собиқ йигити, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Бандитлар гуруҳи аъзоси бўлиб, куролли босқинчиликлар содир этганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

5482-сонли иш бўйича **Ғаниев Бозор** (1906 йили туғилган, Когон райони Хашкаш қишлоғидан, 2 марта судланган, жазони ўтаган, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 3 августдан ҳисобланган. Ҳайвон ўғирлиги ва уйларни талаш билан шуғулланганликда айбланган.

5487-сонли иш бўйича **Худойбердиев Назар** (1904 йили туғилган, Қизилтепа райони Гардиён қишлоғидан, собиқ босмачи, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан озод бўлгач, яширинаётган жиноятчилар билан алоқа ўрнатганликда, улар билан биргаликда қуролли босқинчиликлар содир этганликда айбланган.

5471-сонли иш бўйича **Жабборов Эшонқул** (1900 йили туғилган, Когон райони Тойтол қишлоғидан, 2 марта судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Ҳайвон ўғирлиги ва уйларни талаш билан шуғулланганликда айбланган.

5524-сонли иш бўйича **Чориев Пайғамбар** (1911 йили туғилган, Тожикистон ССР Чоржўй райони Шол қишлоғидан, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Доимий равишда ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

5498-сонли иш бўйича **Ғоипов Самандар** (1914 йили туғилган, Ромитан райони, Айвончи қишлоғидан, судланган, жазони ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Доимий равишда ҳайвон ўғирлиги ва уйларни талаш билан шуғулланганликда айбланган.

## 30-баённома. 1937 йил 3 ноябр

*"Учлик" (Апресян, Яковлев, Сегизбоев, Шейндлин, Бороненко) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган:*

ЎзССР ИИХК Фориш райони бўлими тақдим қилган 5122-сонли иш бўйича **Ирсқулов Улаш** (1872 йили туғилган, Фориш райони Маджиган қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган пайтда савдогар) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозга нон топширишга қарши чиққанликда, уруш тўғрисида иғво миш-миш гаплар тарқатганликда айбланган.

5127-сонли иш бўйича **Яриев Мулла Лочин** (1877 йили туғилган, Фориш райони Анамана қишлоғидан, собиқ йирик қулоқ, руҳоний, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда савдогар ва имом) отувга ҳукм этилган. Мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, бўлажак уруш муносабати билан колхозчиларнинг молиявий аҳволи оғирлашуви тўғрисида бўҳтон гаплар тарқатганликда айбланган.

5192-сонли иш бўйича **Тоғаев Исо** (1885 йили туғилган, Фориш райони Нурак қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олин-


www.ziyouz.com kutubxonasi

ган вақтда савдогар) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. Партия ва ҳукумат тадбирларига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, зиновьевчиларнинг террористик мақсадларини маъқуллаганликда айбланган.

5193-сонли иш бўйича **Назаров Одил** (1908 йили туғилган, Фориш райони Устихон қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхозда хўжалик мудири) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш тўғрисида иғво миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5194-сонли иш бўйича **Жумабеков Жаҳонгир** (1885 йили туғилган, Фориш райони Қамиш қишлоғидан, собиқ амир амалдори, оқсоқол, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Атрофдагилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душмани Троцкийнинг СССРга қайтиб келиши тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, колхоз раисига қарши террористик акт тайёрлаганликда айбланган.

5195-сонли иш бўйича **Сайфуллаев Лутфулла** (1901 йили туғилган. Фориш райони Пасткўча қишлоғидан, собиқ савдогар, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда ёрдамчи гидротехник) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. Партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5196-сонли иш бўйича **Қурбонов Тоғай** (1900 йили туғилган, Фориш райони Сафар-Ота қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз хўжалик мудири) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларига ҳамдардлик билдирганликда айбланган.

5197-сонли иш бўйича **Ҳасанов Савран** (1894 йили туғилган, Фориш райони Кунабозор қишлоғидан, собиқ қулоқ, амир амалдори, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхозда мироб) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 30 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5198-сонли иш бўйича **Юлдошев Қарши** (1894 йили туғилган, Фориш райони Нуроқ қишлоғидан, руҳоний, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 29 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида терим кампанияси бузилишига қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган, хотин-қизлар озодлигига қаршилик кўрсатганликда, уруш ҳақида иғво миш-мишларни тарқатганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5199-сонли иш бўйича **Бердиев Ниёз** (1871 йили туғилган, Фориш райони Пўлат-Булоқ қишлоғидан, руҳоний, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда савдогар) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш тўғрисида миш-мишларни тарқатганликда айбланган.

5200-сонли иш бўйича **Қушақов Хидир** (1873 йили туғилган, Фориш райони Совуқ-Булоқ қишлоғидан, собиқ амир амалдори, босмачиликнинг фаол кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш тўғрисида миш-мишларни тарқатганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Бекобод район бўлими тақдим қилган 5176-сонли иш бўйича **Бекмуродов Ғойибназар** (1875 йили туғилган, Бекобод райони Бекобод қишлоғидан, безорилик ва босмачилиги учун икки марта судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) **отувга** ҳукм этилган. Бир неча маротаба безорилик ва босмачилик учун судланганликда, колхозчининг ҳаётига қасд қилганликда ва халқ судьясини калтаклаганликда айбланган.

5178-сонли иш бўйича **Бердиёров Маматкарим** (1898 йили туғилган, Бекобод райони Кал қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз бригадири) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида совет ҳокимиятига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозларда очлик тўғрисида миш-мишларни тарқатганликда айбланган.

5179-сонли иш бўйича **Ахмадалиев Сафарали** (1906 йили туғилган, Канибодом райони Хамиржой қишлоғидан, қулоқлардан, ҳибсга олинган вақтда Хилков цемент заводида катта кочегар) **отувга** ҳукм этилган. Завод ишчилари орасида СССРдаги ички аҳвол тўғрисида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, қатор қўпорувчилик актларни ўтказганликда айбланган.

5180-сонли иш бўйича **Водопьянов Михаил Иванович** (1898 йили туғилган, Моршан райони Пеньки қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхозда отбоқар) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Партия ва ҳукумат раҳбарлари шаънига террористик истак билдирганликда, СССРдаги ички аҳвол тўғрисида ва стаханов ҳаракати тўғрисида бўҳтонлар тарқатганликда айбланган.

5181-сонли иш бўйича **Султонов Алихон** (1877 йили туғилган, Моршан райони Пеньки қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхозда отбоқар) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Партия ва ҳукумат раҳбарлари шаънига террористик истак билдирганликда, СССРдаги ички аҳвол тўғрисида ва стаханов ҳаракати тўғрисида бўҳтонлар тарқатганликда айбланган.

5182-сонли иш бўйича **Тиллябоев Азимбой** (1894 йили туғил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ган, Шарқ қишлоғидан, ТССР маҳалласидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда совхозда бригадир) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Совхоз ишчилари орасида СССРдаги ички аҳвол тўғрисида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

5183-сонли иш бўйича **Шаталин Петр Иванович** (1896 йили туғилган, Аркадак райони Летяжевка қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда Оқ ҳарбийлар тўдаларнинг ташкилотчиси, судланган, ҳибсга олинган вақтда совхозда зоотехник) отувга ҳукм этилган. Совхоз ишчилари орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғибот олиб борганликда, ўлат билан юқтириш ва ҳайвонларнинг заҳарланишини ташкил этганликда айбланган.

5184-сонли иш бўйича **Чернявский Григорий Иванович** (1901 йили туғилган, Шучан райони Камишев қишлоғидан, оқлар армиясида хизмат қилганликда, икки марта судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

5185-сонли иш бўйича **Нурматов Абдурахмон** (1900 йили туғилган, Уйчи райони Уйчи қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, колхоз раиси жонига қасд қилмоқчилигини айтганликда айбланган.

5186-сонли иш бўйича **Богородский Иосиф Иванович** (1874 йили туғилган, Нежина шаҳридан, собиқ амалдор, ҳибсга олинган вақтда гидрологик станциясида хизматчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган. Хизматчилар орасида халқаро ва ички ҳолат тўғрисида аксилинқилобий, бўҳтон тарғиботини олиб борганликда айбланган.

5187-сонли иш бўйича **Цензеш Янош Яношевич,** унинг ўзи **Иван Иванович,** унинг ўзи **Челюскин** (1893 йили туғилган, Будапешт шаҳридан, бой деҳқонлардан, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Совхоз ишчилари орасида аксилинқилобий бўҳтон тарғиботни олиб борганликда, чегарадан нолегал йўл билан чиқиб кетиш мақсадини айтганликда, Венеция билан нолегал алоқада бўлганликда айбланган.

6793-сонли иш бўйича **Гойибназаров Жуманазар** (1874 йили туғилган, Бекобод райони Сорт-Юз қишлоғидан, қулоққа тортилган, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

6794-сонли иш бўйича **Мирзобоев Исомутдин** (1899 йили туғилган, Уйчи райони Уйчи қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган. Совхоз, колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

6795-сонли иш бўйича **Михаилов Николай Егорович** (1887 йили туғилган, Бошқирдистон АССР Стерлитамак райони Кумовка қишлоғидан, қулоққа тортилган, оқ армия кўнгиллиларидан, ҳибсга олинган вақтда совхозда ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 9 сентябрдан ҳисобланган. Совхоз ишчилари орасида ҳукумат олиб борган тадбирлар масалаларига аксилинқилобий, миш-мишларни айтганликда айбланган.

6796-сонли иш бўйича **Худойберганов Эшмат** (1885 йили туғилган, Бекобод райони Касс қишлоғидан, собиқ қулоқ, диний маросимлар хизматчиси-эшон, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 9 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, ҳалқ душманларини маъқуллаганликда айбланган.

6797-сонли иш бўйича **Султонов Шодмон** (1909 йили туғилган, Ховос райони Хўжа-Мушкент қишлоғидан, руҳоний) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 9 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши бўҳтон аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, ҳокимият ўзгариши тўғрисида миш-мишларни тарқатганликда айбланган.

6798-сонли иш бўйича **Айтуев Ҳасан** (1868 йили туғилган, Тожикистон ССР Ленинобод райони, Ток-Мак қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 26 сентябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик, колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5131-сонли иш бўйича **Крочевский Михаил Янович** (1893 йили туғилган, Польшанинг Цеханов шаҳридан, Колчак армиясида хизмат қилган, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда совхозда зоотехник) **отувга** ҳукм этилган. Атрофидагилар орасида доимий равишда аксилинқилобий, троцкийчи тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, мағлубиятчилик кайфиятини билдирганликда, партия доҳийси шаънига бўҳтонлар айтганликда, совхоз чорвачилик тизимига заракунандачиликни олиб борганликда айбланган.

4410-сонли иш бўйича **Трусов Илья Ефремович** (1898 йили туғилган, Мирзачўл райони Крестьян қишлоғидан, қулоққа тортилган, икки марта судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) **отувга** ҳукм этилган. Колхозчилар орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларга террорчилик кайфият билдирганликда айбланган.

5139-сонли иш бўйича **Баронский Трофим Игнатьевич** (1881

йили туғилган, собиқ Каменец-Подольск губернияси Кричинов қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, сектант-баптист, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 2 августдан ҳисобланган. Доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоз ишларига зараркунандалик муносабатида бўлганликда, баптист-ивангалистлар таълимотини фаоллик билан тарқатганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Мирзачўл райони тақдим қилган 4409-сонли иш бўйича **Анохин Илларион Иванович** (1884 йили туғилган, Воронеж области собиқ Ново-Девичьев уезди, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, коммунистлар шаънига террорчилик қасдини билдирганликда айбланган.

5133-сонли иш бўйича **Романенко Семен Феоктистович** (1879 йили туғилган, Куйбишев области Петропавловск райони Петровка қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхозда дурадгор) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик бўҳтон, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

6774-сонли иш бўйича **Барбалат Никита Николаевич** (1902 йили туғилган, Молдавия АССР Слободозейск райони Чўбруч қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочиб кетган, ҳибсга олинган вақтда МТСда қора ишчи) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида мудофаа заёмига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, миш-мишларни тарқатганликда, колхозчиларни қўрқитганликда айбланган.

5130-сонли иш бўйича **Саидназаров Норбўта** (1892 йили туғилган, Ховос райони Кукан-Қорабачи қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозга қарши қўпорувчилик ишлари олиб борганликда, янги Сталин конституцияси тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5134-сонли иш бўйича **Қурбонов Нигмат** (1882 йили туғилган, Тожикистон ССР Ўратепа райони Ишкан-Гузар қишлоғидан, имом, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик ва бўҳтон тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

6775-сонли иш бўйича **Ҳакимов Аҳмад** (1883 йили туғилган, Бекобод райони, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида бўҳтон, колхозга қарши, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

6771-сонли иш бўйича **Исломов Раҳматулла** (1899 йили туғилган, Ховос райони Кушкон қишлоғидан, ўтмишда босмачилар ҳаракатининг фаол иштирокчиси, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 11 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, аксилинқилобий бўҳтонлар айтганликда, совет ҳокимиятига норозилик билдирганликда айбланган.

6776-сонли иш бўйича **Юсупов Исмоил** (1873 йили туғилган, Боғдод райони Боғдод қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 29 сентябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида троцкийчилик, мағлубиятчилик ва колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

6776-сонли иш бўйича **Муротов Ҳусан** (1881 йили туғилган, Зомин райони Каштан-Чани қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси-имом, ҳибсга олинган вақтда имом ва табиб) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик ва бўҳтон, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

*4408-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 17 августдан ҳисобланган:*

1. **Абдураззоқов Бойтўра** — 1902 йили туғилган, Жиззах райони Қудуқчи қишлоғидан, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий гуруҳнинг колхозлардаги зараркунандалик усуллар масаласи бўйича олиб бориладиган нолегал йиғинларида иштирок этганликда, пахта экинларини нобуд қилганликда, колхозчилар орасида колхозларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Худоёров Қўчқор** — 1891 йили туғилган, Зомин райони Кучкан қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, ғўзанинг ишловига зараркунандалик ишлари олиб борганликда, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

3. **Донобоев Эгамберди** — 1915 йили туғилган, Жиззах райони Қудуқчи қишлоғидан, қулоққа тортилганнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий гуруҳнинг колхозлардаги зараркунандалик усуллар масаласи бўйича олиб бориладиган нолегал йиғинларида иштирок этганликда, мунтазам равишда колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

5144-сонли иш бўйича **Никитин Федод Кириллович** (1886 йили туғилган, Куйбишев области Абдулинск райони Захаркино қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси, судланган, жазо муд-

www.ziyouz.com kutubxonasi

датини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда руҳоний) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Диндорлар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, конституцияга туҳматлар айтганликда, тихонов черков ореинтациясининг қайта тикланиши тўғрисида фаол ишлар олиб борганликда айбланган.

*5137-сонли иш бўйича 1 маҳбус 10 йил, 1 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган:*

1. **Бузинников Михаил Петрович** — 1891 йили туғилган, собиқ Херсон губернияси Александров уезди Косовка қишлоғидан, қулоқлар оиласидан, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Диний маросим хизматчиларининг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, иғво, миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2. **Шалабоев Денис Прокопьевич** — 1880 йили туғилган, Киев области Ржишев райони Стетовка қишлоғидан, бой деҳқон оиласидан, инжилчи христиан баптистларнинг мазҳабида маърифатпарвари, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Диний маросим хизматчилари нолегал йиғинларининг ташкилотчиси, колхозчилар орасида колхозга қарши бўҳтон, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

*ЎзССР ИИХК Зомин райони тақдим қилган 4870-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 13 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Юсупов Мамарасул** — 1910 йили туғилган, Зомин райони Қуруқ қишлоғидан, собиқ шариъат қозисининг ўғли, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда район ер бўлими агрономи. Атрофига қулоқларни тўплаганликда, колхоз бошқарувини, қулоқлар қўлга олиш тўғрисида нолегал аксилинқилобий йиғинларни ташкил этганликда айбланган.

2. **Шайзоқов Абдуразим** — 1894 йили туғилган, Зомин райони Қуруқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхозда бригадир. Аксилинқилобий қулоқлар гуруҳига кирганликда, колхоз раиси жонига қасд қилиш ва колхоз бошқарувини қулоқлар қўлига олиш тўғрисида гуруҳнинг йиғилишларида иштирок этганликда айбланган.

3. **Бобоқулов Ғайбулла** — 1900 йили туғилган, Зомин райони Қуруқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий қулоқлар гуруҳига кирганликда, колхоз раиси жонига қасд қилиш ва колхоз бошқарувини қулоқлар қўлига олиш тўғрисида гуруҳ йиғилишларида иштирок этганликда айбланган.

4. **Бобоқулов Исматулла** — 1905 йили туғилган, Зомин райони Қуруқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхозда чорвадор. Аксилинқилобий қулоқлар гуруҳига кирганликда, колхоз раиси жонига қасд қилиш ва колхоз бошқарувини қулоқлар қўлига олиш тўғрисида гуруҳнинг йиғилишларида иштирок этганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

*4880-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил ва 1 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган:*

1. **Бобобеков Назарбек** — 1880 йили туғилган, Зомин райони Зомин қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхозда котиб. Қулоқлар колхозини ташкил этиш учун нолегал қулоқлар йиғинларини, ёпилган ва клубга ўтказилган марказий масжиднинг динга эътиқодчилар эгаллашини ташкил этганликда айбланган.

2. **Эгамбердиев Отабек** — 1879 йили туғилган, Зомин райони Зомин қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Қулоқлар колхозини ташкил этишда иштирок этганликда, масжидни ўзбошимчалик билан эгаллашда қатнашганликда, ҳар хил аксилинқилобий иғво миш-мишларни тарқатганликда айбланган.

3. **Жалолов Камол** — 1882 йили туғилган, Зомин райони Зомин қишлоғидан, собиқ савдогар, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Қулоқлар колхозини ташкил этишда иштирок этганликда, масжидни ўзбошимчалик билан эгаллашда қатнашганликда айбланган.

5188-сонли иш бўйича **Бий Мирзаев Хон Тўра** (1888 йили туғилган, Қозоғистон ССР Қизилқум райони 6-овулдан, қулоққа тортилган, революциядан олдинги Россияда таржимон ва волост старшинаси, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда район ер бўлимида ҳисобчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. 1916 йили волостной старшина бўлганига қарамай, Жиззахдаги қўзғолонни бостиришда иштирок этганликда, атрофидагилар орасида совет ҳокимиятига қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5191-сонли иш бўйича **Ахмадхонов Дарвишхон** (1877 йили туғилган, Фарғона райони Ёрмозор қишлоғидан, эшон, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Афғонистонга ўтиб кетишга чақирганликда, СССРда уруш тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

*5190-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган:*

1. **Бий Тўраев Умар** — 1903 йили туғилган, Зомин райони Беш-Пшагар қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз раиси. Қулоқлар гуруҳи билан бирга колхозчиларни талаганликда, колхозчилар орасида партия ва ҳукуматни обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Қаршибоев Холиқул** — 1910 йили туғилган, Зомин райони Пшагар қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддати-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз хўжалик мудири. Колхозчиларни Бий Тўраев билан биргаликда талаганликда, қишлоқ совети (кенгаши) раисини ва РК партия вакилини урганликда иштирок этганликда айбланган.

3. **Очилов Нурбой** — 1906 йили туғилган, Зомин райони Беш-Пшагар қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчиларни талашда иштирок этганликда, қишлоқ совети (кенгаши) раисини ва РК партия вакилини урганликда иштирок этганликда айбланган.

4. **Жўрабоев Нурбой** — 1906 йили туғилган, Зомин райони Беш-Пшагар қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, ўтмишда судхўр, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчиларни талашда иштирок этганликда, қишлоқ совети (кенгаши) раисини ва РК партия вакилини урганликда иштирок этганликда айбланган.

*4868-сонли иш бўйича 3 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Миркулов Абдулла** — 1903 йили туғилган, Зомин райони Беш-Пшагар қишлоғидан, қулоқлар оиласидан, ҳибсга олинган вақтда колхозда ревизион комиссиясининг раиси. Қишлоқ совети (кенгаши) раисини ва райком вакилини уришда иштирок этганликда, колхоздаги 40 центнер буғдойни ўғирлаганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Қаршибоев Сулаймон** — 1903 йили туғилган, Зомин райони Беш-Пшагар қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз идорасининг аъзоси. Қишлоқ совети (кенгаши) раисини ва райком вакилини уришда иштирок этганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

3. **Мардонов Сори** — 1912 йили туғилган, Зомин райони Беш-Пшагар қишлоғидан, қулоқ-судхўрнинг ўғли, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Қишлоқ совети (кенгаши) раисини ва райком вакилини уришда иштирок этганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхоздаги 40 центнер буғдойни ўғирлаганликда айбланган.

6744-сонли иш бўйича **Зукуров Али Мамат** (1883 йили туғилган, Зомин райони Чилламозор қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси-имом, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 14 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхоз бузилишига қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга чақирганликда айбланган.

6743-сонли иш бўйича **Шомирзаев Бойзак** (1890 йили туғилган, Зомин райони Чилламозор қишлоғидан, собиқ босмачилар кўмакчиси, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 14 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида давлатга солиқларни тўламас-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ликка ва районлардан пул йиққанликда, қочоқ қулоқларни яширганликда, колхозчилар орасида ноқонуний пул йиғганликда айбланган.

6752-сонли иш бўйича **Ортиқов Абдувохид Хон** (1890 йили туғилган, Ховос райони Учқўрғон қишлоғидан, эшон, ҳибсга олинган вақтда диний маросимлар хизматчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 29 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида совет ҳокимиятига ва унинг тадбирларига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

6845-сонли иш бўйича **Фозилов Мирза Карим** (1908 йили туғилган, Зомин райони Ям қишлоғидан, қулоқ-мингбошининг ўғли, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий суҳбатлар ўтказганликда, партия ва ҳукумат тадбирларини антисовет руҳида талқин қилганликда ва уларни бажармасликка чақирганликда айбланган.

4864-сонли иш бўйича **Болтаев Оқмирза** (1900 йили туғилган, Зомин райони Ям қишлоғидан, қулоқлар оиласидан, собиқ босмачи, ҳибсга олинган вақтда район тайёрлов бўлимида мироб) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Мунтазам равишда совет ҳокимиятини кучсизлантириш мақсадида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4866-сонли иш бўйича **Йўлчиев Розиқул** (1907 йили туғилган, Зомин райони Ям қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, район партия раҳбариятини обрўсизлантирганликда, колхоз раиси шаънига террористик ниятини билдирганликда айбланган.

4863-сонли иш бўйича **Ҳожиберганов Бозорбой** (1898 йили туғилган, Зомин райони Ям қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда МТСда агротехник) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида совет ҳокимиятини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5189-сонли иш бўйича **Ибрагимов Имарқул (Уматқул** бўлса керак — *Р.Ш.*) (1898 йили туғилган, Зомин райони Ям қишлоғидан, собиқ босмачи, ҳибсга олинган вақтда МТСда хўжалик мудири) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларига ачинганликда айбланган.

4867-сонли иш бўйича **Давлатбоқиев Оллоберди** (1903 йили туғилган, Зомин райони Аччи қишлоғидан, ўтмишда фаол босмачи, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Жосуслик мақсадида Эрон чегарасидан бир неча марта ўтганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, ҳокимият ўзгариши тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

4874-сонли иш бўйича **Маматқулов Қурбонбой** (1887 йили туғилган, Зомин райони Боғишамол қишлоғидан, собиқ сўфи, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида заёмга ёзилишга қарши ва мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, ноқонуний равишда колхозчилардан эшонга пул йиғишни ташкил қилганликда айбланган.

4873-сонли иш бўйича **Ибрагимов Абдурасул** (1887 йили туғилган, Зомин райони Урол қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4872-сонли иш бўйича **Муллақўзиев Ҳайдар** (1873 йили туғилган, Зомин райони Ҳайитқул-Тепа қишлоғидан, собиқ волост бошқарувчиси, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. У колхозчилар орасида совет ҳокимияти билан норозиликлар чиқариш мақсадида колхозларга кирганликда, иш кунларининг ҳисоботига чалкашлик киритганликда, унинг қулоққа тортилишида иштирок этган собиқ камбағалларни қўрқитганликда айбланган.

4871-сонли иш бўйича **Мавлонов Бурхон** (1892 йили туғилган, Зомин райони Боғишамол қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида давлат заёмига ёзилишга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда ва шу жараённи барбод қилганликда айбланган.

4875-сонли иш бўйича **Азимов Фармонқул** (1907 йили туғилган, Зомин райони Урол қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда айбланган.

4877-сонли иш бўйича **Ёдгоров Мулла Нурмат** (1868 йили туғилган, Ховос райони Наманган қишлоғидан, собиқ қулоқ, имом, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида вақтинчалик аҳолини маҳсулотлар билан таъминлаш оғир вазиятга тушганлигидан фойдаланиб совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида иғво миш-мишлар тарқатганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

4878-сонли иш бўйича **Алибеков Мустафоқул** (1885 йили туғилган, Зомин райони Жалаир қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик ва колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

1692-сонли иш бўйича **Ўктамбоев Маҳкам** (1892 йили туғилган, Молотов райони Бешкапа қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида иғво миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

1696-сонли иш бўйича **Тўйчибоев Йўлчи** (1904 йили туғилган, Молотов райони Бешкапа қишлоғидан, савдогар, қулоққа тортилган ва Украинага сургун қилинган, у ердан қочиб келган, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида иғвогарона, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

1742-сонли иш бўйича **Мўминов Исматулла** (1872 йили туғилган, Молотов райони Ғозиғиждон қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда чайқовчилик билан шуғулланган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

1697-сонли иш бўйича **Милибоев Назар** (1894 йили туғилган, Молотов райони Наймана қишлоғидан, собиқ қулоқ, қулоққа тортилган ва махсус посёлкага сургун қилинган, у жойдан қочиб келган, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Жиноятчилар билан алоқада бўлиб, уларни қидирувдан ўз уйида яширганликда, орденли шахс-Халиловни ўлдиришда қатнашганликда айбланган.

1699-сонли иш бўйича **Йўлдошев Рахмон** (1889 йили туғилган, Молотов райони Сариққўрғон қишлоғидан, қулоққа тортилган, махсус посёлкага сургун қилинган, у жойдан қочиб келган, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 3 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

1703-сонли иш бўйича **Тўхтасинов Махмуд** (1879 йили туғилган, Молотов райони Калтатаёқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочиб келган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозда доимий равишда иш интизомини бузганликда, бир неча бор қўлга тушиб, қамоққа қайтиб келганликда айбланади.

1741-сонли иш бўйича **Эшонжонов Абдулла** (1872 йили туғил-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ган, Молотов райони Катта-Қошғор қишлоғидан, қулоққа тортилган, руҳоний, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

1704-сонли иш бўйича **Султонхўжаев Исо Хўжа** (1884 йили туғилган, Молотов райони Тоғлик қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачи, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши чиққанликда, очлик тўғрисида иғво миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

1705-сонли иш бўйича **Нурматов Йўлдошбой** (1883 йили туғилган, Молотов райони Тўқайтепа қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Колхозчилар орасида уларни колхозларда ишламасликка чақириш тўғрисида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, доимий равишда ҳайвон олиб-сотарлиги билан шуғулланганликда, пахтага нормал ишлов беришни бузганликда айбланган.

1691-сонли иш бўйича **Саидов Ҳасан** (1884 йили туғилган, Молотов райони Сўфи қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида ғалла майдонларини кенгайтиришга қарши тарғибот олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

1702-сонли иш бўйича **Йўлдошев Шарифбой** (1896 йили туғилган, Молотов райони Тургака қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочиб келган, ҳибсга олинган вақтда колхозда табелчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозчиларни пахтага ишлов беришдан чалғитиб, масжид қайта қурилишидан фойдаланиб, колхоз иш тартиб-низомини бузганликда айбланган.

1740-сонли иш бўйича **Усмонов Тоштемир** (1881 йили туғилган, Молотов райони Қумариқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 17 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

1700-сонли иш бўйича **Ҳожиёров Худоёр** (1887 йили туғилган, Молотов райони Ям қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочиб келган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида пахта экишга қарши зараркунандалик иш олиб борганликда, заёмга ёзилишга қарши ташвиқот юритганликда айбланган.

1694-сонли иш бўйича **Раҳимов Шивалди** (1901 йили туғилган,


www.ziyouz.com kutubxonasi

Молотов райони Буйрак қишлоғидан, собиқ қулоқ, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида иғвогарона аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

*1690-сонли иш бўйича 2 маҳбус — бири 10 йил, бири 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган:*

1. **Ортиқматов Усмон Али** — 1872 йили туғилган, Молотов райони Ганжи қишлоғидан, қулоққа тортилган, махсус посёлкага сургун қилинган, у жойдан қочиб келган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

2. **Усмон Алиев Тўлаган** — 1912 йили туғилган, Молотов райони Ганжи қишлоғидан, қулоққа тортилган ва сургун қилинганнинг ўғли, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

1707-сонли иш бўйича **Тўйчибоев Садриддин** (1902 йили туғилган, Молотов райони Чутака қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

1695-сонли иш бўйича **Йўлбосаров Абдураҳмон** (1906 йили туғилган, Молотов райони Бахрин қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, судланган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик ва колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

*1743-сонли иш бўйича 2 маҳбус — бири 10 йил, бири 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 август ва 4 сентябрдан ҳисобланган:*

13283-сонли иш бўйича **Маҳмудов Эшон Қули** (1905 йили туғилган, Қўшкўпир райони Ғазоват қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1934 йили аксилинқилобий фаолияти учун 6 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, муддатдан олдин озод қилинган, ҳибсга олинган пайтда хизматчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

13284-сонли иш бўйича **Қутлуқмуротов Бекмурод** (1889 йили туғилган, Қўшкўпир райони Қўшкўпир қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. 1934 йили пахта экишдаги заракунандалиги учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

13285-сонли иш бўйича **Бойназаров Отамурод** (1907 йили туғилган, Қўшкўпир райони Кўшкўпир қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1934 йили пахта экишдаги заракунандалиги учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

13270-сонли иш бўйича **Раимов Карим** (1882 йили туғилган, Урганч райони Чаткўпир қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) **отувга** ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат раҳбарлари шаънига бўҳтон фикрлар билдирганликда айбланган.

13271-сонли иш бўйича **Мусаев Абдулла Хўжа** (1874 йили туғилган, Урганч райони Матвафа-Ховат қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 17 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

13261-сонли иш бўйича **Аҳмедов,** унинг ўзи **Аметов Ўрозбой** (1907 йили туғилган, Гурлан райони 2-Багован қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1934 йили чайқовчилиги учун 3 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамаган, 2 марта лагерлардан қочган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 4 октябрдан ҳисобланган,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

13269-сонли иш бўйича **Ёқубов Бобожон-Чаудур** (1876 йили туғилган, Урганч райони Чаткўпир қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 16 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

13281-сонли иш бўйича **Омонов Рўзимат** (1885 йили туғилган, Қўшкўпир райони Ғазоват қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган пайтда хизматчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

13280-сонли иш бўйича **Бекчанов Ботир** (1900 йили туғилган, Қўшкўпир райони Кўктом қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 октябрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий, исёнчилар гуруҳининг нолегал йиғинларда иштирок этганликда айбланган.

6638-сонли иш бўйича **Наубатов Холмурод** (1882 йили туғилган, Хонқа райони Мадир қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 6 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

13252-сонли иш бўйича **Раҳматуллаев Ибодулла** (1901 йили туғилган, Хонқа райони Нукус қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 6 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, колхозчиларни колхозлардан чиқишга чақирганликда айбланган.

13286-сонли иш бўйича **Отақулов Рўзимат** (1871 йили туғилган, Қўшкўпир райони Кўктом қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган Қулоқларнинг аксилинқилобий, исёнчилик гуруҳининг иштирокчиси бўлганликда, нолегал йиғинларда иштирок этганликда, совет ҳокимиятига қарши курашга чақирганликда айбланган.

6634-сонли иш бўйича **Юсупов Шариф Сўфи** (1882 йили туғилган, Хонқа райони Абдувоиз қишлоғидан, собиқ қулоқ, диний маросимлар хизматчиси-имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 5 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, партия ва ҳукумат тадбирларига қарши фикр билдирганликда айбланган.

6498-сонли иш бўйича **Бобожонов Мулла Жумабой** (1887 йили



www.ziyouz.com kutubxonasi

туғилган, Хонқа райони Катта Жўрмиз қишлоғидан, собиқ кулоқ, 1924 йилдаги аксилинқилобий қўзғолон иштирокчиси, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, советларга қарши бўҳтонлар тарқатганликда айбланган.

6466-сонли иш бўйича **Бобожонов Мулла Ёқуб** (1872 йили туғилган, Хонқа райони Абдувоиз қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6459-сонли иш бўйича **Бобожонов Мулла Ҳасан** (1874 йили туғилган, Хонқа райони Наухас қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, руҳоний-имом, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6529-сонли иш бўйича **Машарипов Ёқуб** (1896 йили туғилган, Шовот райони Ябулли Қанғли қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6494-сонли иш бўйича **Воисов Раимберди** (1872 йили туғилган, Шовот райони Буйрачи қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

13290-сонли иш бўйича **Дўсматов Қурамбой** (1886 йили туғилган, Манғит райони Ҳотам Шайх қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ доҳийси шаънига туҳматлар айтганликда айбланган.

13262-сонли иш бўйича **Аҳмедов Қурбониёз** (1875 йили туғилган, Манғит райони Хўжа Қалъа қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачилик иштирокчиси, 1931 йили босмачилик ҳаракати учун 3 йил озодликдан маҳрум қилинган ва 5 йилга сургун қилинган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, фаоллар шаънига террористик кайфият билдирганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

13291-сонли иш бўйича **Холниёзов Оллоберган** (1908 йили туғилган, Манғит райони Хотам Шайх қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

13289-сонли иш бўйича **Қурбонов Бойман** (1901 йили туғилган, Манғит райони Хотам Шайх қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган пайтда колхоз омборида мудир) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

13263-сонли иш бўйича **Эржонов Шомурод** (1884 йили туғилган, Манғит райони Хўжа Қалъа қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, миллатчилик, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

6483-сонли иш бўйича **Ўрозов Бекмат** (1878 йили туғилган, Куйбишев райони Бозорхон қишлоғидан, собиқ қулоқ, руҳоний-имом, 1933 йили зараркунандалиги учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ доҳийси шаънига террористик фикрлар билдирганликда айбланган.

6599-сонли иш бўйича **Мордовин Леонтий Ирмаинович** унинг ўзи **Иванович** (1905 йили туғилган, Тўрткўл шаҳридан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган пайтда ўрмон соқчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 октябрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийсига қарши туҳматлар айтганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

6637-сонли иш бўйича **Раҳимов Абдулла** (1900 йили туғилган, Хонқа райони Катта Жўрмиз қишлоғидан, босмачилик иштирокчиси-юзбоши, ҳибсга олинган пайтда мироб) **отувга** ҳукм этилган. Аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, колхозчини ўлдирганликда ва фаол колхозчи аёлни зўрлаганликда айбланган.

*6536-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, бирининг жазо муддати 1937 йил 20 сентябр, иккинчисининг муддати 1937 йил 24 октябрдан ҳисобланган:*

1. **Ортиқов Саид** — 1897 йили туғилган, Манғит райони Куня Мочай қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ доҳийси шаънига туҳмат гаплар айтганликда айбланган.

2. **Ёқубов Отажон** — 1901 йили туғилган, Манғит райони Куня Мочай қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган пайтда



www.ziyouz.com kutubxonasi

колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ доҳийси шаънига террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

13260-сонли иш бўйича **Сауров Эгамберди** (1937 йили туғилган, Хонқа райони Сарапоён қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили босмачилик ҳаракати учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 14 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

13279-сонли иш бўйича **Худойберганов Султон** (1886 йили туғилган, Хонқа райони Қиркяп қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1917 йили хон даврида давлат думасининг аъзоси бўлган, босмачилик иштирокчиси, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6519-сонли иш бўйича **Худойберганов Мулла Оллоберган** (1892 йили туғилган, Хонқа райони Нукус қишлоғидан, руҳоний-имом, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6533-сонли иш бўйича **Воисов Ўразбай** (1885 йили туғилган, Гурлан райони Багован қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 10 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6628-сонли иш бўйича **Матмуротов Мулла Искандар** (1878 йили туғилган, Хоразм округи Юқори Мухаман қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1929 йили давлат мажбуриятларини бажармаганлиги учун 5 йилга қамалган, диний маросимлар хизматчиси — имом) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 14 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6535-сонли иш бўйича **Қурбониёзов Худойберган** (1889 йили туғилган, Манғит райони Калау Шак қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда айбланган.

6621-сонли иш бўйича **Абдуллаев Жуманиёз** (1900 йили туғилган, Қўшкўпир райони Ғазоват қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачиларнинг кўмакчиси, 1931 йили қонунга хилоф тарзда қурол сақлаганликда айбланиб 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо

www.ziyouz.com kutubxonasi

муддати 1937 йил 22 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, халқ доҳийси шаънига туҳматлар ёғдирганликда айбланган.

*6546-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга, 10 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, 6 маҳбуснинг жазо муддати 1937 йил 21 августдан, 3 маҳбуснинг жазо муддати 1937 йил 19 сентябрдан ҳисобланган, 1 маҳбус терговда вафот этганлиги учун иши бекор қилинган.*

1. **Эшниёзов Мулла Юсуф** — 1872 йили туғилган, Янгиариқ райони Зайнал Эшон қишлоғидан, босмачиликнинг кўмакчиси, 1929 йилгача Афғонистонда яшаган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган. Исёнчи гуруҳ аъзоси бўлганликда, аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, совет ҳокимиятига қарши курашиш тўғрисидаги чиқишларда иштирок этганликда айбланган.

2. **Зайнол Эшонов Саид Махмуд,** унинг ўзи **Хўжа Эшон,** 1879 йили туғилган, Янгиариқ райони Зайнал Эшон қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамалган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ аъзоси бўлганликда, исёнчилик характеридаги масалалар кўрилган нолегал йиғинларда иштирок этганликда айбланган.

3. **Абдуллаев Матёқуб** — 1901 йили туғилган, Янгиариқ райони Зайнал Эшон қишлоғидан, собиқ савдогар, қулоқ, ҳибсга олинган пайтда қишлоқ совети раиси. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг раҳбари бўлганликда, нолегал йиғинларда аксилинқилобий тарғибот олиб бориш учун кўрсатмалар берганликда, фаолларни ўлдираман деб қўрқитганликда айбланган.

4. **Худойберганов Мулла Жума Ниёз** — 1879 йили туғилган, Янгиариқ райони Эски Боғат қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган, диний маросимлар хизматчиси-имом. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ аъзоси бўлганликда, аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда айбланган.

5. **Болтаев Мулла Матёқуб** — 1882 йили туғилган, Янгиариқ райони Зайнал Эшон қишлоғидан, қулоққа тортилган, диний маросимлар хизматчиси — имом. Аксилинқилобий исёнчи гуруҳ аъзоси бўлганликда, 8 та нолегал йиғинларда иштирок этганликда, аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6. **Усмонов Ҳайдар Эшон** — 1902 йили туғилган, Янгиариқ райони Зайнал Эшон қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси-имом. 5 та нолегал йиғинларда иштирок этганликда, миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

7. **Мадраимов Сафоқори** — 1900 йили туғилган, Янгиариқ райони Зайнал Эшон қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси-имом. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб, нолегал йиғинларда иштирок этганликда, аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

8. **Жабборкулиев Мулла Болта** — 1885 йили туғилган, Хива районы Абдал Бола қишлоғидан, диний маросимлар хизматчиси-имом. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб, гуруҳнинг 6 та нолегал йиғинларида иштирок этганликда, исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

9. **Оллокулов Мулла Отажон** — 1887 йили туғилган, Янгиариқ районы Зайнал Эшон қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга қамалган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти учун 2 марта қамалган, диний маросимлар хизматчиси-имом. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзоси бўлиб, гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, миллатчилик, исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

10. **Саид Маматов Муса Сўфи** — 1895 йили туғилган, Янгиариқ районы Зайнал Эшон қишлоғидан, собиқ қулоқ, савдогар, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, совет ҳокимиятига қарши курашни ташкил этиш учун шахсан ўзи таклиф киритганликда айбланган.

11. **Жабборов Мулла Қуряз** — 1882 йили туғилган, Янгиариқ районы Зайнал Эшон қишлоғидан, руҳоний-имом, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, аксилинқилобий, исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

12. **Юсупов Мулла Саид** — 1901 йили туғилган, Янгиариқ районы Зайнал Эшон қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ аъзоси бўлганликда, миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

13. **Хусаинов Марип Охун** — 1872 йили туғилган, Янгиариқ районы Эски Боғат қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий исёнчи ташкилот аъзоси бўлганликда, аҳоли орасида миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6537-сонли иш бўйича **Отаниёзов Машарип** (1881 йили туғилган, *Манғит районы Хотам Шайх* қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун ҳибсга олинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

13276-сонли иш бўйича **Аминатдинов Ҳожибой Ҳаким** (1873 йили туғилган, Хонқа районы Хонқа қишлоғидан, қулоққа тортилган, Хонқа ҳокими (губернатор), ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6619-сонли иш бўйича **Отажонов Бекман** (1872 йили туғилган, Қўшкўпир районы Нейхас қишлоғидан, собиқ қулоқ, қулоққа тор-

тилган, диний маросимлар хизматчиси-имом) **отувга** ҳукм этилган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ доҳийси шаънига террорчилик кайфиятини билдирганликда айбланган.

13275-сонли иш бўйича **Қурбонов Шермат** (1872 йили туғилган, Хонқа райони Қирқяб қишлоғидан, собиқ қулоқ, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, фаоллар шаънига террорчилик кайфиятини билдирганликда, 1934 йилда колхоз аъзоси бўлиб қулоқлар гуруҳи билан 277309 рублни камомад қилганликда, судланишдан қочганликда айбланган.

*6556-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил бирига 28 июлдан, иккинчисига 16 июлдан ҳисобланган:*

1. **Миллибоев Уста Ортиқ** — 1899 йили туғилган, Шоват райони Иштимаяк қишлоғидан, собиқ қулоқ, босмачиларнинг кўмакчиси, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий исёнчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2. **Алламов Матмурод Бола** — (1897 йили туғилган, Шоват райони Иштимаяк қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6632-сонли иш бўйича **Саидниёзов Жуманиёз** (1881 йили туғилган, Хонқа райони Абдуваих қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 6 ойга мажбурий меҳнатга ҳукм этилган, ҳибсга олинган пайтда якка хўжалик) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 5 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

*6558-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 5 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 30 августдан ҳисобланган:*

1. **Саидхонов Мулла Отажон** — 1904 йили туғилган, Хазорасп райони Саид қишлоғидан, қулоққа тортилган, диний маросимлар хизматчиси — имом. Аксилинқилобий гуруҳнинг ташкилотчиси бўлганликда, совет ҳокимиятига қарши курашга даъват қилганликда, гуруҳнинг нолегал йиғинларини ташкил этганликда айбланган.

2. **Маткаримов Мулла Султон** — 1900 йили туғилган, Хазорасп райони Саид қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга судланган, ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий гуруҳнинг исёнчилик кайфиятдаги масалалар бўйича нолегал йиғинларида иштирок этганликда, колхозчилар орасида миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

3. **Бобожонов Мулла Машарип** (1892 йили туғилган, Хазорасп райони Саид қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2.5 йилга қамоққа ҳукм этилган,


www.ziyouz.com kutubxonasi

диний маросимлар хизматчиси-имом. Аксилинқилобий гуруҳнинг нолегал йиғинларида иштирок этганликда, совет ҳокимиятига қарши кураш олиб боришга даъват қилганликда, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4. **Жуманазаров Оташ Қоссоб** — 1872 йили туғилган, Хазорасп райони Ули Қанғли қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1929 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 2 йилга қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аксилинқилобий гуруҳ иштирокчиси бўлганликда, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

5. **Эшниёзов Мулла Қурёз** — 1871 йили туғилган, Хазорасп райони Ули Қанғли қишлоғидан, қулоққа тортилган, диний маросимлар хизматчиси — имом. Аксилинқилобий гуруҳнинг иштирокчиси бўлганликда, аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6. **Отаниёзов Мулла Одамбой** — 1879 йили туғилган, Хозарасп райони Ули Қанғли қишлоғидан, қулоққа тортилган, диний маросимлар хизматчиси — имом, 1929 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 5 йил қамоққа ҳукм этилган. Аксилинқилобий гуруҳда иштирок этганликда, аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

ИИХК РКМ Қашқадарё округ бўлими тақдим қилган 5808-сонли иш бўйича **Сомова Валентина Павловна** (1918 йили туғилган, Челябинск шаҳридан, 1937 йили уйга ўғирлик қилгани ва сохталаштирган паспорт олгани учун шартли равишда 1 йил қамоққа ҳукм этилган, ўғирлик учун 2 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган пайтда аниқ турар жойи ва машғулоти бўлмаган) **отувга** ҳукм этилган. Август ойида ўғирлик мақсадида ҳамхонасини болта билан ўлдирганликда, ҳамма буюмларни ўғирлаб, уларни сотиш ва Беҳбудий шаҳрида яшириниб олганликда айбланган.

5823-сонли иш бўйича **Ҳайитов Юсуп** (1902 йили туғилган, Беҳбудий райони Каманди қишлоғидан, ўғирлик учун 3 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган пайтда колхозда ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. Қуролланган банданинг иштирокчиси бўлганликда, 2 марта қуролли ўғирликда иштирок этганликда айбланган.

7100-сонли иш бўйича **Ражапов Жума** (1918 йили туғилган, Беҳбудий райони Ғумғон қишлоғидан, собиқ қулоқ, чорвадорнинг ўғли, ўғирлик учун 3 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Ўқитувчини талашда, босқинчилик қилганликда ва ўлдиришда иштирок этганликда, 1936—1937 йиллар оралиғида турли қишлоқларда бандитлар билан алоқада бўлганликда айбланган.

7099-сонли иш бўйича **Тиллаев Ашур** (1909 йили туғилган, Косонсой райони Майманак қишлоғидан, ўғирлик учун 2 марта қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1935 йилдан бошлаб доимий равишда колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

7098-сонли иш бўйича **Бродзев Борис Константинович** (1906 йили туғилган, Саратов области Пугачев райони Рахмановка қишлоғидан, 1931 ва 1937 йиллари ўғирлиги учун қамалган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан озод бўлиб, жиноий унсурлар билан алоқада бўлганликда, уйларга кириб ўғирлик қилишда давом этганликда, ҳибсга олинган вақтда милиция ходимини урганликда айбланган.

5840-сонли иш бўйича **Қаландаров Ибат** (1907 йили туғилган, Сивас қишлоқ совети Қорамерган қишлоғидан, 1936 йили босмачилик ҳаракати учун 7 йилга сиртдан қамалган, суддан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Қочоқлигида колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаганликда ва жабрланувчиларни урганликда айбланган.

5877-сонли иш бўйича **Сариев Очил** (1898 йили туғилган, Чироқчи райони Тўхчи қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1928 йили ҳайвон ўғирлагани учун 2 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1935 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун ҳибсга олинган, тергов пайтида 13 маҳбуснинг қочишини уюштирганликда, соқчиларни қуролсизлантирганликда, қуроллар ўзлаштирганликда, ҳайвонларни ўғирлаганликда айбланган.

3218-сонли иш бўйича **Ғаниев Маҳмуд** (1915 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Хожа Муробахш қишлоғидан, 1934 йили ҳайвон ўғирлагани учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қайтиб, жиноий унсурлар билан алоқада бўлганликда ва ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда, пичоқ билан жароҳатлар етказганликда, ҳибсга олиниб КПЗ милициясидан қочганликда айбланган.

5842-сонли иш бўйича **Қўзиев Усмон** (1910 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Тошлоқ қишлоғидан, 1930 йили Жиноят Кодексининг 186-моддаси билан 5 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай қамоқдан қочган, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Қамоқдан қочиб, колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

3220-сонли иш бўйича **Аблақулов Шукур** (1912 йили туғилган, Шаҳрисабз шаҳридан, 1934 йили ҳайвон ўғирлагани учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан озод бўлиб, жиноий унсур билан алоқада бўлганликда ва ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда, шу йилнинг август ойида кетаётган одамга пичоқ билан жиддий жароҳат етказганликда айбланган.

5847-сонли иш бўйича **Фатхуллаев Лутфулла** (1915 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, 1935 йили ҳайвонларни ўғирлагани учун 2 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 июлдан ҳисобланган. Ўғирлик билан шуғулланганликда, жиноий унсур билан алоқада бўлганликда айбланган.

5838-сонли иш бўйича **Турсунов Абдулла** (1879 йили туғилган,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Китоб райони Абул қишлоғидан, босмачилик иштирокчиси-лашкар, 1931 йили Жиноят Кодексининг 80-моддаси билан 2 йилга қамалган, 1934 йили Жиноят Кодексининг 80-моддаси билан сиртдан 5 йилга қамалган, судгача қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Қамоқдан қочиб колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

2824-сонли иш бўйича **Йўлдошев Кувват** (1906 йили туғилган, Беҳбудий райони Шайхожа қишлоғидан, 1931 йили босмачилик фаолияти учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда Қарши станциясида юк ташувчи) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан озод бўлиб, жиноий унсур билан алоқада бўлганликда ва овчилик қуроли билан колхозчиларни талаш билан шуғулланганликда, ҳибсга олинганда ундан “Бердан” тортиб олинганликда айбланган.

*5880-сонли иш бўйича 4 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Юсупов Камол** — 1906 йили туғилган, Косонсой райони Қарлуқ қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. 5 кишидан иборат қуролланган босмачилик гуруҳининг раҳбари бўлганликда, колхозчиларни қуролли талашда иштирок этганликда, тан жароҳатлар етказганликда ва қотилликда айбланган.

2. **Қўзиев Қаландар** — 1911 йили туғилган, Косонсой райони Қарлуқ қишлоғидан, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролли босмачилик гуруҳига кирганликда, колхозчиларни куролли талашда иштирок этганликда, тан жароҳатлар етказганликда ва чўпонни ўлдирганликда айбланган.

3. **Суюнов Жўра** — 1912 йили туғилган, Косонсой райони Қарлуқ қишлоғидан, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролли бандитлар гуруҳига кириб, колхозчиларга қарши босқинчилик қилганликда, жабрланувчиларни урганликда айбланган.

4. **Эсоқов Максум** — 1916 йили туғилган, Косонсой райони Қарлуқ қишлоғидан, ҳибсга олинган пайтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролли бандитлар гуруҳига кирганликда, колхоз яйловига қуролли ҳужумда иштирок этганликда ва чўпонни ўлдирганликда айбланган.

*5879-сонли иш бўйича 8 маҳбус отувга, 2 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 9 майдан ҳисобланган:*

1. **Останов Раҳмон** — 1909 йили туғилган, Ғузор райони Хонтушти қишлоғидан, 1930 йили босмачилик фаолияти учун 5 йилга қамалган, 1935 йили ҳайвонларни ўғирлагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. 12 кишидан иборат қуролланган бандитлар гуруҳининг ташкилотчиси ва раҳбари, овчилик қуроли билан бир неча колхозчиларни талаш билан шуғулланганликда, жабрланувчиларга тан жароҳати етказганликда айбланган.

2. **Абдураҳимов Поён** — 1905 йили туғилган, Яккабоғ райони Чўмич қишлоғидан, 1935 йили ҳайвон ўғирлагани учун сиртдан 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қуролланган бандитлар гуруҳи таркибига кирганликда, қуролли ўғирликларда иштирок этганликда айбланган, ҳибсга олинган вақтда қуроли тортиб олинган.

3. **Бобоев Эргаш** — 1902 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Синабоғ қишлоғидан, 1930 йили бандитчилик ҳаракати учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролли бандитлар гуруҳи таркибига кирганликда ва 5 та қуролли босқинчиликда иштирок этганликда айбланган.

4. **Чоршамбиев Хошмурод** — 1912 йили туғилган, Ғузор райони Донг қишлоғидан, 1934 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган бандитлар гуруҳи таркибига кирганликда ва 1937 йил давомида 5 та қуролли босқинликда иштирок этганликда айбланган.

5. **Муқимов Ҳазратқул** — 1909 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Сукар қишлоғидан, илгари бандитлиги учун жавобгарликка тортилган, судланишдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган бандитлар гуруҳи таркибига кирганликда, колхозчиларга қуролли босқин қилишда иштирок этганликда айбланган. Ҳибсга олинган вақтда қуроли тортиб олинган.

6. **Эшқобулов Жавли** — 1900 йили туғилган, Чироқчи райони Жартепа қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган бандитлар гуруҳи таркибига кирганликда, қуролли босқинларда иштирок этганликда, ўғирланган ҳайвонларни сотганликда, қурол сақлаганликда айбланган, ҳибсга олингандан кейин қуролларни топширган.

7. **Ёрматов Баҳри** — 1915 йили туғилган, Чироқчи райони Қорақия қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган бандитлар гуруҳи таркибига кирганликда, колхозчиларга қуролли босқин қилишда қатнашганликда, "Наган" билан қуролланганликда айбланган.

8. **Хидиров Жаббор** — 1899 йили туғилган, Китоб райони Китоб қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили жиноят кодексининг 80 моддаси билан 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Ўғирланган ҳайвонларни қабул қилганликда ва сотганликда, бандитлар қуролларини сақлаганликда айбланган.

9. **Қунғуров Жума** — 1892 йили туғилган, Ургут райони Баҳрин қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Ўғирланган ҳайвонларни қабул қилганликда ва сотганликда, бандитлар қуролларини сақлаганликда айбланган.

10. **Саидов Жамил** — 1897 йили туғилган, Китоб райони Китоб қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда якка хўжалик. Ўғирланган ҳайвонларни қабул қилганликда ва сотганликда, бандитлар қуролларини сақлаганликда айбланган.

***5868-сонли иш бўйича 8 нафар маҳбус отувга, 5 нафар маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:***



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1. Элнапасов Хушвақт** — 1877 йили туғилган, Ғузор райони Жартепа қишлоғидан, босмачилик иштирокчиси — йигит, 1934 йили ўғирлик учун 2 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда машғулоти бўлмаган. 14 нафар кишидан иборат қуролланган банданинг раҳбари бўлганликда, унинг раҳбарлигида банда томонидан 3 та қуролли босқин қилинган, оқибатда 3 та ўлим содир этганликда айбланган.

**2. Исломов Барат** — 1916 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Хожа Курсан қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Қуролланган бандитлар гуруҳ таркибига кирганликда, 2 та қуролли босқинларда жабрланувчининг ўлимида иштирок этганликда айбланган, ҳибсга олинган пайтда қуроли тортиб олинган.

**3. Шарипов Холиқ** — 1913 йили туғилган, Яккабоғ райони Увад қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Қуролланган бандитлар гуруҳи таркибига кирганликда, қуролли босқинда иштирок этганликда ва колхоз омбор мудирини ўлдирганликда айбланган.

**4. Бердиев Нурали** — 1902 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Шаҳрисабз қишлоғидан, 1928 йили босамачиликда иштирок этганлиги учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. 1936 йили лагерлардан қайтиб, қуролланган бандитлар гуруҳи таркибига кирганликда ва қуролли босқинларда иштирок этганликда айбланган.

**5. Хўжаев Кенжа** — 1913 йили туғилган, Китоб райони Жовуз қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган бандитлар гуруҳи таркибига кириб, қуролли босқинларда иштирок этганликда айбланган.

**6. Қўзиев Қаюм** — 1912 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Шаҳрисабз қишлоғидан, ўтмишда бандитлиги учун жавобгарликка тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхозда бўлган. Қуролланган бандитлар гуруҳига кирганликда, наган билан қуролланиб, қуролли босқинларда иштирок этганликда айбланган, ҳибсга олинган вақтда наган тортиб олинган.

**7. Уроқов Мардон** — 1909 йили туғилган, Кармана райони Мозорли қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтга қадар Дон тайёрлов пунктида ўт ўчирувчи. Қуролланган бандитлар гуруҳининг иштирокчиси билан алоқада бўлганликда, босқинчилик учун уларга йўл кўрсатиб кўмак берганликда, қуроллар билан таъминлаганликда ва ўғирланган молларни қабул қилганликда айбланган.

**8. Қўзиев Отамурод** — 1903 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Шаматан қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхозда бўлган. Қуролланган бандитлар гуруҳи билан алоқада бўлганликда, уларга ўзининг қуролини берганликда ва ўғирланган молларни қабул қилганликда айбланган.

**9. Норбобоев Ширбобо** — 1910 йили туғилган, Яккабоғ райони Увад қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, унинг жазо муддати 1937 йил 30 январдан ҳисобланган. Қуролланган бандитлар гуруҳи билан алоқада бўлганликда ва қуролли босқинларда иштирок этганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**10. Ҳусанов Шарип** — 1897 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Кираид қишлоғидан, ўтмишда ҳайвон ўғирлаганликда гумон қилиниб ҳибсга олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган, жазо муддати 1937 йил 24 февралдан ҳисобланган. Қуролланган бандитлар гуруҳи билан алоқада бўлганликда ва қуролланган талашларда иштирок этганликда айбланган.

**11. Ҳалимов Жавли** — 1913 йили туғилган, Шаҳрисабз шаҳридан, ҳибсга олинган пайтда сартарош, жазо муддати 1937 йил 1 февралдан ҳисобланган. Қуролланган бандитлар гуруҳи билан алоқада бўлганликда, босқинларда иштирок этганликда айбланган, ҳибсга олинган пайтда ўғирланган моллар топилган.

**12. Бердиев Мамат** — 1903 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Хўжахурсон қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган. Қуролланган бандитлар гуруҳи билан алоқада бўлганликда, уйида бандитларни, уларнинг қуролларини ва ўғирланган молларни яширганликда айбланган, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган моллар ва қуроллар топилган.

**13. Шеъров Ҳайдар** — 1901 йили туғилган, Ғузор райони Яккаарча қишлоғидан, 1932 йили ўғирликда гумон қилиниб ҳибсга олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган, жазо муддати 1937 йил 19 февралдан ҳисобланган. Қуролланган бандитлар гуруҳи билан алоқада бўлганликда, ўғирланган молларни қабул қилганликда ва уларни сотганликда айбланган.

5841-сонли иш бўйича **Ҳамзаев Нодир** (1895 йили туғилган, Китоб райони Чукрак қишлоғидан, амалдорнинг ўғли, 1929 йили қотиллиги учун 10 йил қамоққа ҳукм қилинган, лагерларда бўлиб, бачабозлиги учун жаримали изоляторга 1 йил муддатга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган, колхоздан дангасалиги учун ҳайдалган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан озод бўлиб, жиноий унсур билан алоқада бўлганликда, ўғирлик билан шуғулланганликда, аёлларни зўрлагани учун ҳибсга олинганида соқчилардан қочиб кетганликда, ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

*5843-сонли иш бўйича 5 нафар маҳбус отувга ҳукм этилган:*

**1. Жумаев Ҳайдар** — 1911 йили туғилган, Китоб райони Абиканда қишлоғидан, ўғирлик қилгани учун 3 марта судланган, охирги марта 1936 йили 6 йилга қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. 8 кишидан иборат бўлган бандитлар гуруҳининг раҳбари бўлганликда, оммавий қуролли ўғирликларда ва жабрланувчиларни ўлдиришда иштирок этганликда айбланган.

**2. Дўстов Кўшвоҳид** — 1907 йили туғилган, Китоб райони Биканда қишлоғидан, 1930 йили қотилликда айбланиб 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган жойдан 2 марта қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган босмачилар гуруҳига кирганликда, қуролли ўғирликларда иштирок этганликда, жабрланувчига тан жароҳати етказганликда айбланган.

**3. Рафитдинов Илмитдин** — 1912 йили туғилган, Китоб райо-


www.ziyouz.com kutubxonasi

ни Обиканда қишлоғидан, собиқ қулоқнинг ўғли, ўтмишда босмачиликда иштирок этганликда ҳибсга олинган, ҳибсдан қочиб кетган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган босмачилар гуруҳига кирганликда, қуролли ўғирликларда иштирок этганликда ва жабрланувчини ўлдиришда айбланган.

4. **Ниёзов Қосим** — 1893 йили туғилган, Китоб райони Қорахона қишлоғидан, 1934 йили ўғирликлари учун 3 йилга қамалган, 1936 йили ҳайвон ўғирлагани учун 6 йилга қамоққа ҳукм этилган, жазо муддатини ўтамай қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган босмачилар гуруҳи таркибига кирганликда, 8 марта колхоз хўжалигига қуролли босқин қилишда иштирок этганликда айбланган.

5. **Ҳасанов Али** — 1914 йили туғилган, Китоб райони Обиканда қишлоғидан, ўтмишда ЎзССР ЖКнинг 279-моддаси билан ҳибсга олинган, пора орқали қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Ёш болани зўрлагани учун қамалган, қамоқдан қочиб, қуролли бандитлик гуруҳи таркибига кирганликда, қуролли ўғирликларда иштирок этганликда, ўғирланган буюм ва қурол билан ушланганликда айбланган.

*5805-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Хўжанов Бўри** — 1912 йили туғилган, Беҳбудий райони Орол қишлоғидан, 1934 йили ҳайвон ўғирлаганликда гумон қилиниб ҳибсга олинган, ҳибсга олинган вақтда колхозда бўлган. 3 кишидан иборат бўлган бандитлар гуруҳига бошчилик қилганликда, колхозчилар уйларига қилинган қуролли ўғирликларда иштирок этганликда, жабрланувчиларга тан жароҳати етказганликда айбланган.

2. **Эрназаров Равшан** — 1912 йили туғилган, Беҳбудий райони Орол қишлоғидан, 1934 йили ҳайвон ўғирлаганликда гумон қилиниб ҳибсга олинган, ҳибсга олинган вақтда колхозда бўлган. Қуролли бандитлар гуруҳи таркибига кирганликда, колхозчилар уйларидаги қуролли ўғирликларда иштирок этганликда айбланган.

3. **Норов Суннат** — 1908 йили туғилган, Беҳбудий райони Орол қишлоғидан, 1934 йили ҳайвон ўғирлаганликда гумон қилиниб ҳибсга олинган, ҳибсга олинган вақтда магазин мудири. Қуролли бандитлар гуруҳи таркибига кириб, колхозчилар уйларида 3 марта қуролли ўғирликларда иштирок этганликда айбланган.

7097-сонли иш бўйича **Тўраев Ҳаким** (1906 йили туғилган, Косонсой райони Пўлат қишлоғидан, 1929 йили қотиллик учун 8 йилга озодликдан маҳрум этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан озод қилингандан сўнг 1934 йили ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда, ўғирланган буюмлар билан қўлга олинганликда айбланган.

*7096-сонли иш бўйича 2 нафар маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Қўлдошев Мирза** — 1912 йили туғилган, Косонсой райони Тенибек қишлоғидан, 1933 йили безорилик учун 11 йил қамоққа ҳукм этилган, 1934 йили ҳайвон ўғирлагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхозда бўлган. 1935 йилдан бошлаб

қуролли ўғирликларда иштирок этганликда, колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаганликда, жабрланувчиларга тан жароҳати етказганликда айбланган.

2. **Аҳмедов Мардон** — 1909 йили туғилган, Косонсой райони Тенибек қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, 1928 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун ҳибсга олинган, ҳибсга олинган вақтда колхозда бўлган. 1935 йилдан бошлаб айбланувчи Қўлдошев билан қуролли ўғирликда иштирок этганликда, колхозчилар молларини ўғирлаганликда, жабрланувчиларга тан жароҳати етказганликда айбланган.

*7095-сонли иш бўйича 2 нафар маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Баратов Ҳайдар** — 1916 йили туғилган, Косонсой райони Алчин қишлоғидан, 1935 йили ёш қизни зўрлаганлиги учун 2 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан қайтганидан сўнг жиноий унсурлар билан алоқада бўлганликда, наган билан қуролланиб, колхозчиларни талаганликда, ўғирлик пайтида бир колхозчига оғир тан жароҳати етказиб ўлдирганликда айбланган.

2. **Эрдонаев Бўрон** — 1909 йили туғилган, Косонсой райони Алчин қишлоғидан, 1935 йили бир фаолни ўлдиришда гумон қилиниб 9 ойга озодликдан маҳрум этилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Жиноятчи Баратов билан биргаликда колхозчиларга қуролли босқинчилик қилишда иштирок этганликда ва жабрланувчини ўлдирганликда айбланган.

7094-сонли иш бўйича **Омонов Маматқул** (1904 йили туғилган, Косонсой райони Майманак қишлоғидан, 1929 йили бандитчилик фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан қайтиб, 1931 йилдан жиноий унсур билан алоқада бўлганликда, ҳайвон ўғирлаганликда, колхозчиларга қуролли босқин қилганликда айбланган.

7171-сонли иш бўйича **Бобошев Холмурод** (1907 йили туғилган, Косонсой райони Губаляк қишлоғидан, босмачилик иштирокчиси, 1932 йили босмачилик ҳаракати учун жавобгарликка тортилган, судгача ҳибсдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Қамоқдан қочиб колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаганликда, бир неча марта буюм ва ҳайвон билан ушланганликда айбланган.

5806-сонли иш бўйича **Бердимуродов Дониёр** (1907 йили туғилган, Беҳбудий райони Араб қишлоғидан, 1928 йили қотиллик учун 8 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан озод бўлгандан сўнг 1935 йилдан жиноятчилар билан алоқада бўлганликда, колхозчилар уйлари ва ҳайвонларига босқинчилик қилганликда айбланган.

7172-сонли иш бўйича **Авазов Берди** (1909 йили туғилган, Беҳбудий райони Пайхўжа қишлоғидан, 1937 йили ўғирликда гумон қилиниб ҳибсга олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Жиноятчилар билан алоқада бўлганликда, турли шаҳарларда юриб ўғирлик билан шуғулланганликда, наган билан қуролланганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

7173-сонли иш бўйича **Муродов Тўра** (1911 йили туғилган, Беҳбудий райони Сариқбаташ қишлоғидан, 1934 йили ноқонуний наган тўппончасини сақлаганлиги учун ҳибсга олинган, 1937 йили ҳайвон ўғирлашда гумон қилиниб қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда колхозда бўлган) отувга ҳукм қилинган. Жиноятчилар билан доимий равишда алоқада бўлиб, биргаликда колхозчилар ҳайвонларини ўғирлашда ва қуролли ўғирликларда иштирок этганликда айбланган.

7174-сонли иш бўйича **Холмирзаев Ўта** (1911 йили туғилган, Косонсой райони Хардури қишлоғидан, собиқ қулоқнинг ўғли, 1934 йилдан 5 марта қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1934 йилдан бошлаб жиноятчилар билан алоқада бўлганликда ва қуролли ўғирликлар билан шуғулланганликда, пичоқ билан қуролланиб 1937 йилнинг феврал ойида колхозчини ўлдирганликда ва жасадини қудуққа ташлаганликда айбланган.

ЎзССР ИИХК Сурхондарё округ бўлими тақдим қилган 6217-сонли иш бўйича **Мамаражабов Ибрагим** (1906 йили туғилган, Шўрчи райони Култепа қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) **отувга** ҳукм қилинган. 1931 йили қулоққа тортилганидан сўнг 4 колхозчини отини ўғирлаганликда ва бандитлар билан бирга бўлганликда, бандитчилик тугатилгандан сўнг ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

2003-сонли иш бўйича **Муротов Ашад** (**Бобомуротов** бўлса керак – *Р.Ш.*) (1906 йили туғилган, Шўрчи райони Саксонкапа қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1931 йили босмачилик ҳаракати ва 1932 йили чет эл билан алоқада бўлганлиги учун жавобгарликка тортилган, ўғирликда гумон қилиниб 3 марта қамалган, қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1931 йилдан бошлаб ҳайвон ўғирлаш ва ўғирлик билан шуғулланганликда, босмачиликда иштирок этганликда айбланган.

6238-сонли иш бўйича **Жумаев Абдулқосим** (1897 йили туғилган, Шеробод райони Рабатак қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1931 йили босмачилик ҳаракати учун 5 йилга қамалган, 1933 йили жазо муддатини ўтамай, лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан қочиб, ҳайвонларни ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган, ҳибсга олинганда ўғирланган от тортиб олинган.

6176-сонли иш бўйича **Урунов Ҳайитқул** (1886 йили туғилган, Денов райони Кенагас қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили ҳайвон ўғирлагани учун 4 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай 1934 йили лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан қочиб ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда, фош бўлишидан қўрқиб 1937 йили август ойида колхозчини ўлдиришга ҳаракат қилганликда, унга оғир тан жароҳатлари етказганликда айбланган.

6331-сонли иш бўйича **Дўстбеков Раим** (1906 йили туғилган, Шўрчи райони Қораариқ қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳайвон ўғирлагани учун 3 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан қочиб 1933 йилдан колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаганликда айбланган.

6249-сонли иш бўйича **Ҳазратқулов Рози** (1893 йили туғилган, Шеробод райони Хатак қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай лагерлардан қочган, қайтадан лагерга жўнатилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан бўшатилгандан сўнг колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаганликда, қамоққа олинганда қочишга уринганликда, қурол билан ҳибсга олинганликда айбланган.

6219-сонли иш бўйича **Ҳасанов Ашур** (1904 йили туғилган, Шўрчи райони Саулжиран қишлоғидан, 1933 йили от ўғирлагани учун қамалган, қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Қамоқдан қочганликда, 1933 йилдан колхозчилар буюмлари ва ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6281-сонли иш бўйича **Азимов Салим** (1885 йили туғилган, Сариосиё райони Телегрон қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1935 йили ҳайвон ўғирлагани учун сиртдан 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1931 йилдан бошлаб қулоққа тортилганидан сўнг ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда, ҳайвон ўғрилари билан алоқада бўлганликда айбланган.

6278-сонли иш бўйича **Раҳимов Худойқул** (1907 йили туғилган, Сариосиё райони Хонжиза қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1928 йили босмачилик фаолияти учун 10 йилга қамалган, 1930 йили лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Қамоқдан қочиб, жиноий унсурлар билан алоқада бўлиб, ўғирлик ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда, 1932 йили ҳибсга олиниб, 1933 йили қамоқдан қочганликда, 1931 йили қотиллиги учун қамалиб, қамоқдан қочганликда айбланган.

6246-сонли иш бўйича **Бегалиев Остонқул** (1894 йили туғилган, Жарқўрғон райони Юқори Кокайди қишлоғидан, собиқ амир амалдори, қулоқ, босмачилик иштирокчиси, 1936 йили ҳайвон ўғирлагани учун 3 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 23 августдан ҳисобланган. Жазо муддатини ўтамай, лагерлардан қочганликда, савдогарлик ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6239-сонли иш бўйича **Холияров Шоди** (1904 йили туғилган, Шеробод райони Лайлаган қишлоғидан, 1932 йили советга қарши тарғибот олиб борганлиги учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган) отувга ҳукм этилган. Қулоқ қилингандан сўнг яшаш жойидан қочиб, бандитлар гуруҳига кирганликда, 1933 йили қамалган ва лагерлардан қочиб, ўғирлик ва колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

6325-сонли иш бўйича **Бобомуротов Қора** (1905 йили туғилган, Денов райони Бодава қишлоғидан, амир амалдори — оқсоқолнинг ўғли, 1936 йили ҳайвон ўғирлагани учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамай лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қочиб, ўғирлик ва колхозчилар ҳайвонларини ўғирлашни давом эттирганликда айбланган

6398-сонли иш бўйича **Нормалиев Эрали** (1898 йили туғилган, Жарқўрғон райони Юқори Кокайди қишлоғидан, босмачилик иштирокчиси, 1931 йили босмачилик ҳаракати учун 7 йилга қамалган, жазони ўтамай лагерлардан қочган, 1937 йили иккинчи марта 7 йилга қамалган, лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Босмачилик ҳаракати учун қамалган, 2 марта лагерлардан қочганликда, қочишдан кейин чайқовчилик ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6245-сонли иш бўйича **Бекназаров Одил** (1889 йили туғилган, Шеробод райони Лайлаган қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1931 йили зарарли унсур сифатида 5 йилга қамалган, 1933 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Жазони ўтаганидан сўнг ўғирлик ва колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6323-сонли иш бўйича **Бобоев Мирза** (1907 йили туғилган, Денов райони Сино қишлоғидан, собиқ қулоқнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1933 йилдан бошлаб колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда ва аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

6165-сонли иш бўйича **Элмуротов Эшонқул** (1902 йили туғилган, Денов райони Сино қишлоғидан, 1932 йили босмачилик фаолияти учун 10 йилга қамалган, жазони ўтамай лагерлардан қочган, 1934 йили колхоз ғалласини барбод қилганлиги учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қочиб, колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6335-сонли иш бўйича **Саидқулов Нормурод** (1899 йили туғилган, Шўрчи райони Саксонкапа қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1931 йили босмачилик фаолияти учун 4 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Озод этилганидан сўнг, 1935 йилдан ўғирлик ва колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

3726-сонли иш бўйича **Холмуродов Хўжамурод** (1897 йили туғилган, Сариосиё райони Сариосиё қишлоғидан, собиқ амир амалдори-ясовулбоши, 1930 йили террористик ҳаракати учун олий жазога ҳукм этилган, ҳукм 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштирилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Жазони ўтаганидан сўнг, 1935 йилдан колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

3727-сонли иш бўйича **Мардонов Эшонкул** (1904 йили туғилган, Сариосиё райони Телегрон қишлоғидан, 1930 йили босмачилик фаолияти учун 5 йилга қамалган, муддатидан олдин озод этилган, 1931 йили 3 йилга қамалган, 1934 йили ҳайвон ўғирлагани учун 3 йилга қамалган, иш қайта кўрилганда 8 йилга узайтирилган, кейинчалик муддатидан олдин озод этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1934 йилдан бошлаб доимий равишда колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда, 1936 йили пахта экинларини атайин барбод қилганликда айбланган.

3714-сонли иш бўйича **Чумишев Исхоқ,** унинг ўзи **Ибнеев,** унинг ўзи **Тугушев Усмон** (1881 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Новеркин райони Могилки қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1929 йили махсус посёлкага жўнатилган, у ердан қочган, 1933 йили колхоз ғалласини ёқиб юборгани учун 10 йилга қамалган, қамоқдан қочган, 1934 йили от ўғирлагани учун жавобгарликка тортилган, қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1930 йилдан бошлаб ўғирлик учун қамалганликда, 2 марта қамоқдан қочганликда айбланган.

*6334-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 28 сентябрдан ҳисобланган.*

1. **Мўминов Чори** — 1910 йили туғилган, Шўрчи райони Туне қишлоғидан, ўғирлик учун 2 марта вақтинча қамоққа олинган, 1931 йили от ўғирлаган ва бандитлар гуруҳига кирган, 1933 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган, жазони ўтамай, қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

2. **Мўминов Мамасоат** — 1903 йили туғилган, Шўрчи райони Оқтумшуқ қишлоғидан, 1931 йили колхоз отини ўғирлаган ва бандитлар гуруҳига кирган, 1934 йили ҳайвон ўғирлагани учун жавобгарликка тортилган, қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Укаси билан биргаликда ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

3654-сонли иш бўйича **Норбоев Муҳаммад** (1900 йили туғилган, Ғузор райони Араба қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачилик иштирокчиси-қўрбоши, 1932 йили Афғонистонга ўтишга ҳаракат қилганлиги учун чегарада қамоққа олинган, қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Бандитлар гуруҳида бўлиб, 1931 йили фаоллардан 3 кишини ўлдирганликда, 1936—1937 йиллар оралиғида ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6244-сонли иш бўйича **Мирзахўжаев Ҳотам** (1892 йили туғилган, Шеробод райони Зарабоғ қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1920 йили Бухоро амири билан Афғонистонга муҳожир бўлиб кетган. 1922 йили қайтиб келган, аксилинқилобий фаолияти учун 8 йилга қамалган, жазони ўтамай, лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда совхозда ишчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. Лагерлардан қочиб, совхозга кириб олганликда, аслида у ерда ишламай чайқовчилик билан шуғулланганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

6223-сонли иш бўйича **Султонов Чори** (1905 йили туғилган, Шўрчи райони Саксонкапа қишлоғидан, босмачилик иштирокчиси, 15 йигитдан иборат гуруҳни бошқарган, 1932 йили ҳайвон ўғирлагани учун қамалган, қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 26 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда ва колхоз ғалласини ўғирлаганликда айбланган.

3737-сонли иш бўйича **Жумаев Шерназар,** унинг ўзи **Омонқулоқ Шерназар**, унинг ўзи **Шеракуй** (1896 йили туғилган, Туркманистон ССР Керки шаҳридан, 1924 йили нашавандларни сақлагани учун 2 йилга қамалган ва 1931 йили яна шу айби учун 2 йилга қамалган, 1934 йили ижтимоий хавфли унсур сифатида 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Доимий равишда наша савдоси билан шуғулланганликда, лагерлардан озод бўлганидан сўнг ўғирлик қилган ва жиноятчилар билан алоқада бўлганликда айбланган.

*6163-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Холмўминов Йўлдош** — 1902 йили туғилган, Денов райони Кўтарган қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 4 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жазони ўтаганидан сўнг укаси билан биргаликда колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

2. **Холмуродов Усан** — унинг ўзи **Соат,** Денов райони Кўтарган қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 4 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан озод бўлганидан сўнг акаси билан биргаликда колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

3715-сонли иш **Гареев Аҳмад Зокир Фаттохович** (1910 йили туғилган, Татаристон АССР Бебебеев райони Сайрин қишлоғидан, 1933 йили ўғирлик учун 5 йилга қамалган. 1934 йили жиноий унсур сифатида 3 йилга қамалган, 1935 йили ўғирлик учун 2 йилга қамалган, ўғирлик учун 7 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 июлдан ҳисобланган. Лагерлардан озод бўлганидан сўнг ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

6251-сонли иш бўйича **Сиддиқов Мулла Аблақул** (1877 йили туғилган, Бойсун райони Шаит қишлоғидан, собиқ қулоқ, амир амалдори, 1920 йили Афғонистонда муҳожир бўлган, 1923 йили қайтиб келган, 1929 йили босмачилик кўмакчиси бўлганлиги учун Архангельскка, қочган жойига жўнатилган, ҳибсга олинган вақтда колхозда ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Сургундан қочиб келганликда, ҳеч қаерда ишламаганликда, чайқовчилик билан шуғулланганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

6225-сонли иш бўйича **Жўраев Табар** (1910 йили туғилган, Шўрчи райони Кокайди қишлоғидан, босмачилик иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1923 йилдан бошлаб колхозчилар ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда, жиноят жойида ушланганликда, қамоқдан 2 марта қочганликда айбланган.

*6332-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган.*

1. **Худойқулов Раҳматулла** — 1904 йили туғилган, Шўрчи райони Миршоди қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1932 йили босмачилик фаолияти учун 10 йилга қамалган, 1934 йили лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан қочиб бошқа ҳайвон ўғрилари билан биргаликда колхозчиларнинг ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

2. **Наримов Мусулмон** — 1903 йили туғилган, Шўрчи райони Қурама қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1934 йили колхоз мулкини ўғирлагани учун 8 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамаган, қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан қочиб, колхозчиларнинг ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

3. **Сатторов Нармон** — 1907 йили туғилган, Шўрчи райони Миршоди қишлоғидан, 1933 йили 3 та отни ўғирлагани учун қамалган, қамоқдан қочган, 1934 йили колхозчиларнинг ҳайвонини ўғирлагани учун 2 маротаба ушланган ва қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қамоқдан қочиб, ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6167-сонли иш бўйича **Миллеев Карим** (1904 йили туғилган, Ғузор райони Араб қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачиликнинг иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Қулоққа тортилгандан сўнг турар жойидан қочиб, босмачилар гуруҳига кирган ва 2 та фаолни ўлдиришда иштирок этганликда, 1936 йили ўз уйида лагерлардан қочган жиноятчини яширганликда ва у билан биргаликда 2 та отни ўғирлаганликда айбланган.

6168-сонли иш бўйича **Бозоров Гулбой** (1907 йили туғилган, Деҳқонобод райони Таҳиар қишлоғидан, қулоққа тортилган собиқ қулоқнинг ўғли, босмачиликнинг иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган. Колхоз ғалласини ва ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6197-сонли иш бўйича **Отауллаев Қудрат** (1889 йили туғилган, Сариосиё райони Сариосиё қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1935 йили давлат мажбуриятини бажармагани учун 3 йилга сиртдан қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 2 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозга


www.ziyouz.com kutubxonasi

қарши тарғибот олиб борганликда, чайқовчилик билан шуғулланганликда айбланган.

3625-сонли иш бўйича **Каршиев Қаржау** (1912 йили туғилган, Шўрчи райони Култепа қишлоғидан, амир амалдори — оқсоқолнинг ўғли, 1934 йили ҳайвон ўғирлагани учун 5 йилга қамалган, муддатидан олдин озодликка чиқарилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1931 йили босмачиликда иштирок этганликда, 1933 йилдан бошлаб колхозчиларнинг ҳайвонларини ва мол-мулкини ўғирлаганликда айбланган.

6166-сонли иш бўйича **Муротов Ҳожи** (1892 йили туғилган, Денов райони Сино қишлоғидан, 1935 йили ҳайвон ўғирлагани учун 6 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай қочиб кетган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 26 сентябрдан ҳисобланган. Қамоқдан қочиб, колхозчиларнинг ҳайвонларини ўғирлашни давом эттирганликда айбланган.

3628-сонли иш бўйича **Давлатов Раҳматулла** (1900 йили туғилган, Шўрчи райони Саксонкапа қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачиликнинг кўмакчиси, аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1932 йилдан бошлаб, колхознинг мулкини ва ҳайвонларини ўғирлаганликда, 1934 йили пахта ўғирлигида ушланиб, қамоқдан қочиб кетганликда айбланган, ҳибсга олинган вақтда уйида ўғирланган буюмлар топилган.

6396-сонли иш бўйича **Маҳмудов Тоғай Кузак** (1901 йили туғилган, Жарқўрғон райони Юқори Кокайди қишлоғидан, босмачилик иштирокчиси, 1931 йили босмачилик ҳаракати учун қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1927 йилдан бошлаб уйларга кириб ўғирлик билан шуғулланганликда, талаш пайтида жабрланувчини ўлдирганликда, 1934 йилдан бошлаб колхозчиларнинг ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6274-сонли иш бўйича **Жавлиев Қурбониёз** (1908 йили туғилган, Бойсун райони Худойдод қишлоғидан. 1935 йили ҳайвон ўғирлагани учун 3 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай қамоқдан қочиб кетган, 1936 йили ҳайвон ўғирлагани учун 2 маротаба 5 йилга сиртдан қамалган, жазо муддатини ўтамаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Қамоқдан қочиб 1935 йилдан бошлаб, колхозчиларнинг ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

3692-сонли иш бўйича **Токарев Александр Степанович**, унинг ўзи **Яшкин Евгений Константинович**, унинг ўзи **Витохин Борис Васильевич** (1900 йили туғилган, Челябинск области Воскресенка қишлоғидан, 1926 йили ўғирлик учун қамалган, 7 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Бир неча йиллар давомида ўғирлик билан шуғулланганликда, ҳар хил шаҳарларга борганликда, жиноий унсурлар билан алоқада бўлганликда ва ўғирланган буюмларни уйига қабул қилганликда айбланган.

*6279-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*


www.ziyouz.com kutubxonasi

1. **Муқимов Акром** — 1899 йили туғилган, Сариосиё райони, Телегрон қишлоғидан, амир амалдори — мирохўрнинг ўғли, 1921 йили босмачилик ҳаракати учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан озод бўлиб, 1935 йилдан бошлаб колхозчиларнинг буюмларини ва ҳайвонларини ўғирлаганликда айбланган.

2. **Муқимов Аҳтам** — 1911 йили туғилган, Сариосиё райони Сариосиё қишлоғидан, амир амалдори — мирохўрнинг ўғли, 1936 йили ЎзССР Жиноят Кодексининг 274-моддаси билан 5 йилга қамалган, кейинчалик ҳукм бекор қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бир неча йиллар давомида чўнтак ўғирлиги билан шуғулланганликда, 1935 йили акаси билан биргаликда колхозчиларнинг буюмларини ва ҳайвонларини ўғирлаганликда айбланган.

3719-сонли иш бўйича **Назаров Маматқул** (1891 йили туғилган, Термиз шаҳридан. 1927 йили нашавандларни сақлагани учун 5 йилга қамалган ва 1929 йили 4 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) **отувга** ҳукм қилинган. Доимий равишда наркотик моддаларини сотиш ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

3735-сонли иш бўйича **Саидқулов Ўда** (1885 йили туғилган, Термиз райони Солиобод қишлоғидан, 1933 йили Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетган, 1935 йили қайтиб келган, 1931 йили ва 1933 йилларда ҳайвон ўғирликда гумон қилиниб қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Йиллар давомида колхозчиларнинг ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда, жиноий унсурлар билан алоқада бўлганликда айбланган.

*6161-сонли иш бўйича 4 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Жабборов Холиқ** — 1907 йили туғилган, Денов райони Сино қишлоғидан, 1933 йили ҳайвон ўғирлагани учун 6 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамаган, лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчилар гуруҳига бошчилик қилганликда ва 1933 йилдан бошлаб колхозчиларнинг буюмларини ва ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

2. **Очилдиев Рамазон** — 1891 йили туғилган, Денов райони Сино қишлоғидан, 1929 йили босмачилик ҳаракати учун 8 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан қочиб жиноий гуруҳга кирганликда ва колхозчиларнинг буюмларини ва ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

3. **Мажитов Сўфи** — 1915 йили туғилган, Денов райони Сино қишлоғидан, руҳонийнинг ўғли, 1934 йили ўғирлик учун 4 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамаган, лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан қочиб жиноий гуруҳга кирганликда ва у билан биргаликда колхозчиларнинг буюмлари ва ҳайвонларини ўғирлаганликда айбланган.

4. **Сатторов Алимардон** — 1912 йили туғилган, Денов райони


www.ziyouz.com kutubxonasi

Сино қишлоғидан, 1935 йили ўғирлик учун 5 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан қочиб жиноий гуруҳга кирганликда ва колхозчиларни уйларига ўғирлик қилган ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

*3731-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Жуманазаров Муҳом** — 1897 йили туғилган, Термиз райони Чақиш қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. 1930 йилдан 1935 йилгача контрабандачилик билан шуғулланганликда, бир неча марта Афғонистонга чегарадан ўтганликда, 1935 йилдан ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган.

2. **Қурбонов Шукур** — 1902 йили туғилган, Термиз райони Хошман қишлоғидан, босмачилик кўмакчиси, 1933 йили чегарадан ноқонуний тарзда ўтганлиги учун қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчилар гуруҳига кирганликда, квартира ўғирлиги ва камёб буюмлар чайқовчилиги билан шуғулланганликда айбланган.

*6270-сонли иш бўйича 5 маҳбус отувга ва 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган:*

1. **Саидов Достон** — 1906 йили туғилган, Сариосиё райони Сариосиё қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Жиноий гуруҳнинг раҳбари бўлганликда, йиллар давомида доимий равишда колхозчиларнинг уйларига ўғирлик қилганликда ва ҳайвонларни ўғирлаш билан шуғулланганликда, жабрланувчиларга тан жароҳати етказганликда айбланган.

2. **Салимов Маъруф** — 1912 йили туғилган, Сариосиё райони Сариосиё қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноий гуруҳга кириб бевосита колхозчиларнинг уйларига босқинчилик қилганликда, чўнтак ўғриликлари билан шуғулланганликда айбланган.

3. **Жумаев Давлат** — 1907 йили туғилган, Сариосиё райони Сариосиё қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноий гуруҳнинг таркибига кирганликда, у билан колхозчиларнинг уйларига ўғирлик учун кирганликда ва ҳайвон ўғирлиги билан шуғулланганликда айбланган.

4. **Отауллаев Ҳабибулла** — 1902 йили туғилган, Сариосиё райони Сариосиё қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчилар гуруҳига кирганликда, уйлар бўйлаб ўғирлик қилганликда ва ҳайвонларни ўғирлашда бевосита иштирок этганликда айбланган.

5. **Жумаев Сазир** — 1863 йили туғилган, Сариосиё райони Сариосиё қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноий гуруҳнинг йиғилишларини ўтказиш учун ўз уйини бўшатиб берганликда, ўғирланган нарсаларни сақлаганликда ва уларни сотишда иштирок этганликда, айрим ўғирликларда бевосита қатнашганликда айбланган.

6. **Отауллаев Аҳмад** — 1918 йили туғилган, Сариосиё райони,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сариосиё қишлоғидан, собиқ қулоқнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноий гуруҳнинг таркибига кирганликда, уйларга ўғирлик қилганликда ва колхозчиларнинг ҳайвонларини ўғирлаганликда айбланган.

6263-сонли иш бўйича **Юнусов Амир** (1912 йили туғилган, Шеробод райони Лайлаган қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, отаси билан биргаликда ЎзССРдан ташқарига сургун қилинган, сургун жойидан қочиб кетган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Йиллар давомида ўғирлик ва ҳайвон ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6262-сонли иш бўйича **Бўриев Шотир** (1903 йили туғилган, Шеробод райони Лайлаган қишлоғидан, руҳоний-мулланинг ўғли, 1932 йили ўғирликлар учун 5 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай қочган, 1934 йили ушланган вақтда қамоққа олиб кетилаётганда қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Ҳибсдан қочиб жиноий унсурлар билан алоқа ўрнатганликда, колхозчиларнинг буюмлари ва ҳайвонларини ўғирлаганликда, туякашларни талаганликда, жабрланганлардан ўлганлар ҳам бўлгани учун айбланган.

*6257-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Аликулов Эсон** — 1904 йили туғилган, Шеробод райони Оққўрғон қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1928 йили қотиллик учун 8 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай қочган, 1934 йили ҳайвон ўғирлагани учун 6 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан озод бўлгач, жиноятчилар билан алоқа ўрнатганликда, колхозчиларнинг ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

2. **Оллоёров Менглимурод** — 1908 йили туғилган, Шеробод райони Оққўрғон қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Йиллар давомида жиноий унсурлар билан алоқада бўлганликда, колхозчиларнинг буюмларини ва ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

12869-сонли иш бўйича **Девон Оқилов Хурри** (1912 йили туғилган, Бойсун райони Панжоб қишлоғидан, собиқ қулоқнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1935 йилдан бошлаб доимий равишда колхозчиларнинг ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

6400-сонли иш бўйича **Мирзараҳмонов Дўсмат** (1862 йили туғилган, Бойсун райони Панжоб қишлоғидан, собиқ қулоқ, 1932 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан қайтиб, ҳайвон ўғриларининг гуруҳига етакчилик қилганликда ва доимий равишда колхозчиларнинг ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

12867-сонли иш бўйича **Эрмаҳматов Турсун** (1909 йили туғилган, Бойсун райони Сайроб қишлоғидан, амир амалдори — қулоқнинг ўғли, 1936 йили ўғирлик учун сиртдан 3 йилга қамалган, жазони ўтамаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1934 йилдан бошлаб доимий ра-

www.ziyouz.com kutubxonasi

вишда колхозчилар уйларига ўғирлик қилганликда ва ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда айбланган.

12870-сонли иш бўйича **Туркманов Каттабой** (1916 йили туғилган, Бойсун райони Панжоб қишлоғидан, 1934 йили ўғирлик учун 4 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан озод бўлгач, ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда, пул ўғирлаш пайтида ушланганликда айбланган.

*Темир йўл бўлими тақдим қилган 7244-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Новиков Михаил Иванович** — 1908 йили туғилган, Тбилиси шаҳридан, 1930 йили ўғирлиги учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бошқа жиноятчилар билан биргаликда пичоқ билан қуролланиб ўтиб кетаётган фуқароларни талаш ва ечинтиришда иштирок этганликда айбланган, жиноят қилаётган жойида ушланган.

2. **Казанцев Виктор Александрович**, унинг ўзи **Коробко Павел Ильич**, 1916 йили туғилган, Воронеж шаҳридан, 1936 йили наган тўппончасини ноқонуний сақлагани учун 2 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Пичоқ билан қуролланиб ўтиб кетаётган фуқароларни талаш ва ечинтириш билан шуғулланганликда айбланган.

1871-сонли иш бўйича **Суздальцов Иван Александрович** (1896 йили туғилган, собиқ Рязан губерниясидан, собиқ қулоқнинг ўғли, 1928 йили аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга қамалган, 8 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан озод бўлиб жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда ва ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

7175-сонли иш бўйича **Калихенко Василий Антонович**, унинг ўзи **Акимов Александр Васильевич**, унинг ўзи **Григорьев Александр Федорович** (1910 йили туғилган, Харьков шаҳридан, 1931 йили ижтимоий хавфли унсур сифатида 3 йилга қамалган, 1934 йили 2 марта 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан озод бўлиб уй буюмларини ўғирлашни давом эттирганликда жиноят жойида қўлга олинганда қаршилик кўрсатганликда айбланган.

7176-сонли иш бўйича **Бартель Еоган Христианович**, унинг ўзи **Майор Леонид Иосифович**, унинг ўзи **Полухин Леонид Станиславович**, унинг ўзи **Полухин Борис**, унинг ўзи **Стряпухин Сергей** (1915 йил туғилган, Тошкент шаҳридан, 1932 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамаган, лагерлардан қочган, 1936 йили пулни жиноятқорона сарф қилгани учун 7 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. 1931 йилдан бошлаб доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда, 2 марта лагерлардан қочганликда айбланган.

7177-сонли иш бўйича **Долгов**, унинг ўзи **Левашкин Михаил**

www.ziyouz.com kutubxonasi

**Дмитриевич** (1899 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси, Малый Тонкай қишлоғидан, 1927 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1927 йилдан бошлаб ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган, 77-вагонда ўғирлик қилаётганда қўлга олинган.

7178-сонли иш бўйича **Артамонов Семен Васильевич**, унинг ўзи **Кудряшев Прокопий Иванович** (1912 йили туғилган, Воронеж области Козловка қишлоғидан, 1935 йили ўғирлик учун 2,5 йилга қамалган, 1937 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 5 октябрдан ҳисобланган. 1935 йилдан бошлаб ўғирлик билан шуғулланганликда, лагерлардан қочиб ўғирликни давом эттирганликда айбланган.

7179-сонли иш бўйича **Газизов Аҳмад Носирович**, унинг ўзи **Аҳмаджонов Ғазис Нагметзиянович**, (1914 йили туғилган, БАССР Давлеканово қишлоғидан, 1934 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган, ўғирлик учун 3 марта вақтинча қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1934 йилдан бошлаб ўғирлик билан шуғулланганликда, шу йилнинг август ойида Қўқон станциясининг буфетини қуролли босқин қилишда иштирок этганликда айбланган, жиноят қилаётганда қўлга олинган.

7180-сонли иш бўйича **Ивин Вячислав Иванович**, унинг ўзи **Гава Яков Васильевич**, унинг ўзи **Поливода Владимир Павлович**, унинг ўзи **Ульянов Иван Павлович**, унинг ўзи **Гоц Эдуард Фридрихович** (1912 йили туғилган, Ленинград шаҳридан, 1929 йили ўғирлик учун 1 йилу 8 ойга қамалган, 1930 йили ўғирлик учун 6 ойга қамалган, жазо муддатини ўтамай қочган, шу йили ўғирлик учун яна 2 марта судланган, жазо муддатини ўтамай қочган, 1931 йили ўғирлик учун 2 маротаба қамалган, жазо муддатини ўтамаган, қочган, ўғирлик учун 4 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 12 ёшидан бошлаб ўғирлик билан шуғулланганликда, 6 та қотиллик ва 12 та қуролланган босқинда иштирок этганликда, шу вақт ичида 2 маротаба чегарадан Афғонистонга ўтганликда айбланган.

7181-сонли иш бўйича **Савченко**, унинг ўзи **Белявцев Андрей Егорович** (1912 йили туғилган, Харьков области, Ахтирка қишлоғидан, 1927 йили ўғирлик учун 1,5 йилга қамалган, 1929 йили уйларга босқин қилгани учун 1 йилга қамалган, 1931 йили ўғирлик учун 7 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1927 йилдан бошлаб доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда, жазо муддатини ўтаб, ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда, жиноят жойида ушланганликда айбланган,.

7182-сонли иш бўйича **Самошин Иван Петрович** (1903 йили туғилган, Москва области Арань Арсентьенск районидан, 1936 йили ижтимоий хавфли унсур бўлгани учун 2 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув

www.ziyouz.com kutubxonasi

лагерига ҳукм қилинган. Жиноий унсурлар билан алоқада бўлиб, ўтиб кетаётган фуқароларни талаш билан шуғулланганликда айбланган.

7183-сонли иш бўйича **Арестов Николай Андреевич** (1908 йили туғилган, Ленинград шаҳридан, паспортлаштириш пайтида Ленинграддан Ғарбий Сибирга сургун қилинган, у ердан қочган, 1933 йили ўғирлик учун 8 ойга мажбурий меҳнатга ҳукм қилинган ва шу йилнинг ёзида ўғирлиги ва сургун жойидан қочиб кетгани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда ГУСКА экспедициясида ишчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 24 октябрдан ҳисобланган. 1933 йилдан бошлаб ўғирлик билан шуғулланганликда, октябр ойида вагонларда ўғирлик қилишга ҳаракат қилаётганда ушланганликда, иш жойида аксилинқилобий, колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

*7184-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Полежаев Василий Васильевич** — унинг ўзи **Остахов Василий Иванович**, унинг ўзи **Пикалов Максим Ефимович**, унинг ўзи **Балашев Илья Иванович**, 1908 йили туғилган, Оренбург областидан, 1927 йилдан 1934 йилгача ўғирлик учун 6 марта судланган ва 13 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Шу йилнинг сентябр ойида бошқа жиноятчилар билан биргаликда Қўқон станцияси диспетчерига қурол билан ташланганликда, қамоқдалигида маҳбусларни ечинтирганликда ва пулларини тортиб олганликда айбланган.

2. **Коростов Антон Павлович**, унинг ўзи **Пикалов Петр Ефимович**, унинг ўзи **Осташев Василий Васильевич** — 1903 йили туғилган, Оренбург области Егоровка қишлоғидан, 1929 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган, 8 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бошқа жиноятчилар билан биргаликда Қўқон станцияси диспетчерини қурол билан талаганликда, қамоқдалигида маҳбусларни ечинтирганликда ва пулларини тортиб олганликда айбланган.

7185-сонли иш бўйича **Аҳмаджонов Зуфар** (1914 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, 1935 йили ўғирлик учун 4 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамаган, лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан қочиб ўғирлик ва уйларни талаш билан шуғулланишни давом эттирганликда, қамоқдалигида деворни бузиб 2 маротаба сиёсий маҳбуслар уйидан қочишга уринганликда айбланган.

*7186-сонли иш бўйича 4 маҳбус отувга, 2 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 17 августдан ҳисобланган.*

1. **Бучков Иван Егорович** — унинг ўзи **Сироткин Николай Семенович**, унинг ўзи **Моисеев Дмитрий Лукянович**, унинг ўзи **Кокаев Николай Федерович**, 1906 йили туғилган, Озерек райони Каменки қишлоғидан, 1927 йили уйларни талагани учун 1 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай қочган, 1933 йили ўғирлик учун 3 ойга мажбурий меҳнатга ҳукм қилинган, 1934 йили ижтимоий

www.ziyouz.com kutubxonasi

хавфли унсур сифатида 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жазо муддатини ўтаб, лагерлардан озод бўлган жиноятчилар гуруҳига етакчилик қилганликда, ўғирлик билан, фуқароларни ечинтириш билан шуғулланганликда айбланган.

2. **Бадрицкий Владимир Михайлович** — унинг ўзи **Новиков Михаил Васильевич,** 1904 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Сизран шаҳридан, 1934 йили ўғирлик учун 3 ойга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан озод бўлгач, жиноятчилар гуруҳига кирганликда, "Смит-Виссон" тўппончаси билан қуролланиб ўтиб кетаётган фуқароларни талашда ва ечинтиришда иштирок этганликда айбланган.

3. **Первухин Василий Васильевич** — 1905 йили туғилган, Чита шаҳридан, 1925 йили безорилик қилгани учун 6 ойга қамалган, 1934 йили ўғирлик учун 4 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан озод бўлгач, жиноятчилар гуруҳига кирганликда, ўтиб кетаётган фуқароларни талаш ва ечинтиришда иштирок этганликда айбланган.

4. **Новоточина Елена Афанасьевна** — 1914 йили туғилган, Орджоникидзе шаҳридан, 1927 йили уйларни талагани учун 3 йилга қамалган, 1932 йили 2 йилга ва 1935 йили ҳам 2 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан озод бўлгач жиноятчилар таркибига кирганликда, фуқароларни талашда иштирок этганликда, ўғирланган квитанция бўйича юкни олишга ҳаракат қилганликда ушланганликда айбланган.

5. **Перваков Петр Семенович** — 1916 йили туғилган, Брянск шаҳридан, 1935 йили ижтимоий хавфли унсур сифатида 3 йилга қамалган, 2 марта вақтинча қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жазо муддатини ўтагач, жиноий гуруҳга кирганликда, фуқароларни талашда иштирок этганликда ва 2 велосипедни ўғирлаганликда айбланган.

6. **Аксенова Мария Ивановна** — 1906 йили туғилган, Сталинград шаҳридан, 1933 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган ва 1936 йили ижтимоий хавфли унсур сифатида 1 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан озод бўлгач, жиноятчилар гуруҳига кирганликда, фуқароларни талашда иштирок этганликда ва уйларга босқинлик қилганликда айбланган.

7187-сонли иш бўйича **Петухов Петр Николаевич**, унинг ўзи **Петухов Анатолий Николаевич**, унинг ўзи **Шеглов Петр Николаевич**, унинг ўзи **Ефремов Петр Иванович** (1900 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, 1934 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган, 1937 йили ўғирлик учун 2 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 2 маротаба лагерлардан қочиб, чўнтак ўғирлиги билан шуғулланишни давом эттирганликда, жиноий унсур билан алоқада бўлганликда айбланган.

7188-сонли иш бўйича **Васильев Иван Васильевич**, унинг ўзи **Григорьев Александр Антонович**, унинг ўзи **Терров Александр Карлович**, унинг ўзи **Александров Александр Васильевич** (1911 йили туғилган, Нарва шаҳридан, 1926 йили ўғирлик учун 2 йилга, 1928


www.ziyouz.com kutubxonasi

йили ҳам 2 йилга қамалган, қамоқдан қочган, 1931 йили ўғирлик учун 2 йилга, 1934 йили 6 ойга, 1935 йили 2 йилга, 1937 йили 5 йилга қамалган, ер ости йўлини ковлаб қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1924 йилдан бошлаб чўнтак ўғирлиги билан шуғулланганликда, лагерлардан қочиб ўғирлик билан шуғулланишда давом этганликда, ўғирлик қилаётган пайтда қўлга олинганликда айбланган.

7189-сонли иш бўйича **Тимофеев Василий Иванович**, унинг ўзи **Климов Василий Иванович** (1913 йили туғилган, Серпухов шаҳридан, ўғирлик учун 3 марта судланган, охирги марта 1937 йили 3 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Доимий равишда чўнтак ўғирлиги билан шуғулланганликда, қамоқдан қочиб ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда, ўғирлик пайтида қўлга олинганликда айбланган.

*7198-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 5 нафар маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Расанов Иван Иванович** — унинг ўзи **Петр Яковлевич**, унинг ўзи **Анатолий Григорьвич**, 1920 йили туғилган, Симферополь шаҳридан, ўғирлик учун 4 марта судланган, охирги марта 1937 йили магазинда ўғирлик қилгани учун 10 йилга қамалган, 1 ойдан кейин қамоқдан қочган, 5 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Доимий равишда ўғирлик билан шуғуллангани учун 4 марта қамалганликда ва 4 марта ҳам лагерлардан қочганликда, жиноятчилар билан алоқада бўлганликда ва улар билан биргаликда катта ўғирликлар билан шуғулланганликда айбланган.

2. **Толипов Мутал** — 1916 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. 1936 йилдан бошлаб магазинларда ўғирликлар қилгани учун жиноятчилардан ўғирланган нарсаларни қабул қилиб, сотганликда, бузуқхона эгаси бўлганликда айбланган.

3. **Соловьев Ксения Ивановна** — 1895 йили туғилган, собиқ Костром губернияси, Прошива қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноий унсурлар билан алоқада бўлганликда, лагерлардан қочганларни уйида яширганликда, ўғирланган нарсаларни сақлаш учун қабул қилганликда, ҳибсга олинган пайтда уйида катта миқдорда ўғирланган буюмлар топилганликда айбланган.

4. **Ҳалилов Тоҳир** — 1901 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Бузуқхона эгаси бўлганликда, ўғирланган нарсаларни сотиб олганликда, жиноятчилар гуруҳи билан алоқада бўлганликда, уларнинг ўғирланган нарсаларини қабул қилиб сотганликда айбланган.

5. **Игнатенко Вера Андреевна** — 1913 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, бузуқлик қилгани учун 2 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда тайёрлов курсида ўқиган. Эркакларни ичкизиб, уларни кайф қилиб, пулларини олиб қўйганликда, ўғирланган нарсаларни қабул қилганликда айбланган.

**6. Игнатенко Андрей Гаврилович** — 1885 йили туғилган, Ростов шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда фотографияларни текширувчиси бўлган. 2 йил давомида уйини жиноятчилар йиғинларига бўшатиб берганликда, ўғирланган буюмларни қабул қилганликда, жиноятчилар билан кайф-сафо қилганликда, ҳибсга олинган вақтда уйида ўғирланган нарсалар топилганликда айбланган.

ЎзССР НКВД тақдим қилган 7199-сонли иш бўйича **Осипов Андрей Елизарович** (1908 йили туғилган, Хафтван (Эрон) шаҳридан, 1932 йили ўғирлик учун 1,5 йилга қамалган, 1933 йили босқинларда иштирок этгани учун отувга ҳукм қилинган, кейинчалик ҳукм 3 йил қамоққа ўзгартирилган, 2 марта ўғирлик учун вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан озод қилиниб жиноий унсурлар билан алоқада бўлганликда, ўз уйида нашавандларни сақлаганликда, жиноятчига морфийдан, яъни кўкнори ширасидан олинадиган наркотик модда билан укол қилганликда айбланган.

*7200-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

**1. Абмакин Дмитрий Григорьевич** — 1916 йили туғилган, Саратовск ўлкаси Томаево қишлоғидан, 1934 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган, 8 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Босмачилик гуруҳининг таркибига кирганликда, магазинни қуролли талашда иштирок этиб у ердан 13000 рубл ўғирлаганликда ва ғазначини талашда иштирок этганликда айбланган.

**2. Хавкин Наум Маркович** — 1917 йили туғилган, Коган шаҳридан, безорилик қилгани учун 1 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда соатсоз. 1930 йилдан бошлаб ўғирлик билан шуғулланганликда, бандитлар гуруҳига кирганликда, магазин ва ғазначини талашда иштирок этганликда айбланган.

**3. Куликова Мария Феофановна**, унинг ўзи **Золотарева Мария Петровна**, унинг ўзи **Глебова Валентина Петровна**, унинг ўзи **Виноградова Мария Федоровна**, 1913 йили туғилган, Херсон шаҳридан, ўғирлик учун 4 марта қамалган бўлиб қамоқдан 2 марта қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. 1931 йилдан бошлаб ўғирлик билан шуғулланганликда, босмачилар билан бирга яшаганликда, улар томонидан содир бўлган ҳамма ўғирликларидан хабардор бўлганликда айбланган.

*7201-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга, 2 маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

**1. Сабдинов Абдубакир** — 1916 йили туғилган, Чимкент шаҳридан, собиқ қулоқ, қалбаки паспорт билан яшаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчилар билан алоқа ўрнатганликда, бандитлар гуруҳига етакчилик қилиб у гуруҳ билан биргаликда қуролланган босқинларда иштирок этганликда айбланган.

**2. Қаюмов Убайдулла** — 1907 йили туғилган, Қозоғистон ССР Келес райони Бертиқ қишлоғидан, ўғирлик учун 1 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган бандитлар гуруҳининг таркибига кирганликда ва 4 та қуролли босқинларда иштирок этганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**3. Абаев Толиб** — 1902 йили туғилган, Қозоғистон ССР Келес райони Тошбулоқ 2-овулидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган бандитлар гуруҳининг таркибига кирганликда, қуролли босқинларда иштирок этганликда, ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган.

**4. Рисқулов Тўрабой** — 1909 йили туғилган, Оржоникидзе райони Ниёзбек қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган, жазо муддати 1937 йил 24 сентябрдан ҳисобланган. Бандитлар гуруҳига кирганликда, фуқароларни босқин қилиш билан шуғулланганликда айбланган.

**5. Умбетов Оймирза** — 1909 йили туғилган, Қозоғистон ССР Туркистон райони 2-овулдан, ўғирлик учун 2 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган, жазо муддати 1937 йил 10 октябрдан ҳисобланган. Бандитлар гуруҳига кирганликда, фуқароларни босқин қилиш билан шуғулланганликда айбланган.

7202-сонли иш бўйича **Никитин Федор Александрович** (1904 йили туғилган, Ленинград шаҳридан, 5 марта судланган, охирги марта 1935 йилда 3 йилга қамалган, ўғирлик учун 2 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) **отувга** ҳукм қилинган. 1925 йилдан бошлаб доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда, лагерлардан қочганликда айбланган.

7203-сонли иш бўйича **Борисов Петр Михайлович** (1901 йили туғилган, Ашхабод шаҳридан, ўғирлик учун 3 марта судланган, охирги марта 1937 йили 3 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай қочган, ўғрилик учун 5 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 29 сентябрдан ҳисобланган. 1928 йилдан бошлаб доимий равишда ўғирлик билан шуғулланган, судланган, жазо муддатини ўтамаган, лагерлардан қочган, жиноий унсурлар билан алоқа ўрнатиб ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

7204-сонли иш бўйича **Чарская Вера Федоровна** (1912 йили туғилган, Орловская области Карсаков райони Карсаков қишлоғидан, 1932 йили уйларга кириб ўғирлик қилгани учун 1,5 йилга қамалган, 1935 йили ўғирлик учун 2 йилга қамалган, 5 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1932 йилдан бошлаб доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда, лагерлардан озод бўлгач, жиноий унсурлар билан алоқа ўрнатганликда, уйларни ва поездларни талаш билан шуғулланганликда айбланган.

7205-сонли иш бўйича **Бугаев Павел Аксентьевич** (1914 йили туғилган, Оренбург области Покровка райони Каменный Брод қишлоғидан, ўғирлик учун 1932 йили 1 йилга, 1933 йили 3 йилга қамалган, 1935 йили автоҳалокат учун 2 йилга қамалган, 6 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1932 йилдан бошлаб ўғирлик билан шуғулланганликда, лагерлардан озод бўлгач, жиноий унсурлар билан алоқада бўлганликда, ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

7206-сонли иш бўйича **Юнусов Обиддин** (1917 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, 1936 йили ўғирлик учун 1 йилга қамалган, ўғирлик учун 3 марта вақтинчалик қамалган, ҳибсга олинган вақтда новвой бўлиб ишлаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 28 июлдан ҳисобланган. 1934 йилдан бошлаб жиноий унсурлар билан алоқада бўлганликда, фуқароларни талашда иштирок этганликда, жиноятчиларнинг йиғилишларини ўтказиш учун уйини тақдим этганликда, аҳолини қўрқитганликда айбланган.

7207-сонли иш бўйича **Садовский Вячислав Михайлович** (1910 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, 1931 йили бандитчилик ҳаракати учун 3 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай лагерлардан қочган ва 1932 йили 2 марта 3 йилга қамалган, ўғирлик учун 4 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 28 июндан ҳисобланган. Лагерлардан озод бўлгач, 1936 йилдан бошлаб жиноий унсурлар билан алоқа ўрнатиб, босқинчилик мақсадлар учун машинасини тақдим этганликда айбланган.

7208-сонли иш бўйича **Пономаров Александр** Васильевич, унинг ўзи **Старко Валентин Александрович**, унинг ўзи **Старков Валентин Александрович**, унинг ўзи **Путинцев Николай Васильевич**, (1907 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ўғирлик учун 7 марта судланган, охирги марта 1935 йилда қамалган, 14 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. 1925 йилдан бошлаб доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда, жиноий унсурлар билан алоқа ўрнатганликда, ишга кириб апрел ойидан ўз хоҳиши билан ишдан бўшаб уйларга босқин қилиш билан шуғулланганликда айбланган.

7209-сонли иш бўйича **Миквеман Арон Борисович**, унинг ўзи **Андреев Аркадий Барисович** (1903 йили туғилган, Виницкая област Бершат қишлоғидан, 1931 йили махфий маълумотларни овоза қилганлиги учун 3 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамаган, қочган, 1934 йили қочиб кетганлиги ва ноқонуний ҳолда қурол сақлаганлиги учун 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Лагерлардан озод бўлгач, жиноий унсурлар билан алоқа ўрнатганликда, ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда, октябр ойида ўзини НКВД ходими сифатида таништириб дўкон муовинининг уйини тинтув қилганликда ва жиноят қилаётган жойида қўлга олинганликда айбланган.

*7210-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 1 маҳбус эса 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 2 сентябрдан ҳисобланган:*

**1. Ҳамдамов Кувонич** — 1903 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, 1937 йили ижтиимоий хавфли унсур сифатида 3 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамаган, лагерлардан қочган, ўғирлик ва товламачилик қилгани учун 7 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан қочганидан сўнг



www.ziyouz.com kutubxonasi

жиноятчилар билан алоқада бўлганликда ва товламачилик билан шуғулланганликда, бозорларда колхозчилардан ёлғон йўл билан пул ундирганликда, жиноят жойида қўлга олинганликда айбланган.

2. **Устасаидбеков Одил** — унинг ўзи **Бойматов,** унинг ўзи **Сабитов Одил,** 1900 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, босқинлар ва ўғирликлар учун 4 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда қоровул бўлиб ишлаган. Охирги 2 йил давомида жиноятчилар билан алоқада бўлгаликда ва товламачилик билан шуғулланганликда, колхозчиларни алдаш йўл билан пул ундирганликда айбланган.

7211-сонли иш бўйича **Иванов Николай Николаевич** (1916 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, 1935 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 сентябрдан ҳисобланган. Лагерлардан бўшагач жиноий унсур билан алоқа ўрнатиб, ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда, сентябр ойида ишчига пичоқ билан тан жароҳати етказганликда айбланган.

7212-сонли иш бўйича **Замин Павел Иванович** (1910 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, 1935 йили товламачилик қилгани учун 4 ой мажбурий ишларни бажариш учун ҳукм қилинган, 1937 йили ижтимоий хавфли унсур сифатида 3 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамаган, лагерлардан қочган, ўғирлик учун 5 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 12 октябрдан ҳисобланган. Лагерлардан қочиб, жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда, ўғирлик ва босқинлар билан шуғулланганликда айбланган.

7213-сонли иш бўйича **Шестаков Федор Николаевич,** унинг ўзи **Орлов Иван Николаевич,** унинг ўзи **Шестаков Борис Николаевич** (1923 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Бузулук шаҳридан, ўғирлик учун 6 марта судланган ва 11 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 9 сентябрдан ҳисобланган. Доимий равишда ўғирлик билан шуғулланган ва 6 марта қамалган, жазо муддатини ўтамай лагерлардан қочганликда айбланган.

7214-сонли иш бўйича **Кружалов Петр Иванович** (1897 йили туғилган, Оренбург области Сарақтиш районидан, 1932 йили уришганлиги учун 1 ойга қамалган, 1935 йили от ўғирлагани ва безорилик қилгани учун 3 марта қамалган, ўғирлик учун 4 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан бўшагач жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда ва ўтиб кетаётган фуқароларни талаш билан шуғулланганликда, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган буюмлар топилганликда ва жабрланувчилар уларни таниб олишганликда айбланган.

7215-**Федоров Петр Васильевич** (1905 йили туғилган, Казалин шаҳридан, 2 марта қамалган, 4 марта қўлга тушганликда, ҳибсга



www.ziyouz.com kutubxonasi

олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 4 июлдан ҳисобланган. Лагерлардан бўшагач 1937 йилдан бошлаб доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган.

7216-сонли иш бўйича **Винокуров Михаил Семенович,** унинг ўзи **Гриценко Николай Клементьевич** (1909 йили туғилган, Житомир шаҳридан, ўғирлик учун 5 марта қамалган, охирги марта 1934 йили 3 йилга қамалган, ўғирлик учун 10 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1925 йилдан бошлаб доимий равишда чўнтак ўғрилиги билан шуғулланганликда, шаҳар станциясида ўғирлик қилаётган вақтда қўлга олинганликда айбланган.

7217-сонли иш бўйича **Митрофанов Иван Васильевич,** унинг ўзи **Колесников Иван Сергеевич** (1905 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ўғирлик учун 3 марта қамалган, охирги марта 1934 йили қотиллик ва ўғирлик учун 10 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1930 йилдан бошлаб, доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда, муддатдан олдин лагерлардан озод бўлгач, жиноий унсур билан алоқа ўрнатиб, ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда айбланган.

7218-сонли иш бўйича **Юнусов Турсун,** унинг ўзи **Шоюнусов Шотурсун** (1905 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ўғирлик учун 1929 ва 1930 йилларда қамалган, 14 марта вақтинча қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 сентябрдан ҳисобланган. 1929 йилдан бошлаб ўғирлик билан шуғулланганликда, жиноий унсур билан алоқада бўлганликда айбланган.

7219-сонли иш бўйича **Глобоков Павел Герасимович** (1915 йили туғилган, Саратов ўлкаси Балаков райони Пилков қишлоғидан, 1932 йили ўғирлик учун 3 йилга сургун этишга ҳукм этилган, шу йилда ўғирлик учун 3 йилга қамалган, қамоқдан қочган, кейинчалик қўлга олинган, жазо муддатини ўтаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 9 октябрдан ҳисобланган. 1932 йилдан бошлаб ўғирлик билан шуғулланган, 2 марта қамалган ва 9 марта вақтинча қамоққа олинган, жазони ўтаганидан сўнг жиноий унсур билан алоқада бўлганликда ва ўғирликни давом эттирганликда айбланган.

7220-сонли иш бўйича **Радионов Алексей Иванович** (1919 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Черниговка қишлоғидан, ўғирлик учун 1 марта қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 7 октябрдан ҳисобланган. Лагерлардан озод бўлгач жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда, ўтиб кетаётган фуқароларни талаш билан шуғулланганликда айбланган.

7221-сонли иш бўйича **Митяев Василий Миронович** (1915 йили туғилган, Ананьево шаҳридан, 1934 йили безорилик қилгани учун 3 йилга қамалган, ўғирлик учун 2 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил



www.ziyouz.com kutubxonasi

меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 7 июлдан ҳисобланган. Жазони ўтаган жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда ва ўтиб кетаётган фуқароларни талаш билан шуғулланганликда, жиноят содир этилган жойда қўлга тушганликда айбланган.

7222-сонли иш бўйича **Ашурхўжаев Рўзибой,** унинг ўзи **Жўраев Рўзи** (1916 йили туғилган, Федченко қишлоғидан, 1937 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай лагерлардан қочган, ўғирлик учун 7 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қочгач, жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда, ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда, ўғирлик қилаётган вақтда қўлга тушганликда айбланган.

7223-сонли иш бўйича **Иванов,** унинг ўзи **Антялов Иван Егорович** (1912 йили туғилган, Калинин шаҳридан, ўғирлик ва талашлар учун 2 марта қамалган, касация тартиби билан муддатидан олдин озодликка чиқарилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан озод бўлгач, жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда, ўтиб кетаётган фуқароларни талашда давом этганликда айбланган.

7224-сонли иш бўйича **Дворянчиков Иван Федорович** (1917 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Студен қишлоғидан, 1936 йили ўғирлик учун 5 йилга қамалган, муддатни ўтамай лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан қочиб, жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда, ўғирлик билан шуғулланишни давом эттирганликда, уйга ўғирлик учун тушган вақтда қўлга тушганликда айбланган.

7190-сонли иш бўйича **Есемуротов Бўрон** (1915 йили туғилган, ҚҚ АССР Қипчоқ райони Чойқуй қишлоғидан, 1936 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамаган, қамоқдан 2 марта қочиб кетган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Қамоқдан қочиб, колхознинг ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда, ўғирликда айбланиб тергов қамоқхонасидан қочганликда айбланган.

7191-сонли иш бўйича **Жониматов Қодирбой** (1916 йили туғилган, ҚҚ АССР Чимбой райони Заулидан қишлоғидан, 1935 йили ўғирлик учун 6 ойга қамалган, ҳайвон ўғирлагани учун 3 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Охирги 4 йил давомида доимий равишда колхозчиларнинг ҳайвонларини ўғирлаш билан шуғулланганликда, жиноий унсур билан алоқада бўлганликда айбланган.

*7192-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Култишов Глеб Петрович** — 1911 йили туғилган, Молдавия АССР Саранск шаҳридан, 1933 йили ўғирлик учун 10 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда чевар. Лагерлардан озод бўлгач, 1936 йилдан бошлаб жиноий унсур билан алоқа ўрнатиб, ўғирлик ва товламачилик билан шуғулланганликда, НКВД ёрдамчиси сифати-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да колхозчиларнинг уйларини тинтув қилиб уларнинг пулларини тортиб олганликда айбланган.

2. **Раҳимов Мансур** — 1912 йили туғилган, Уфа шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчилар билан алоқада бўлиб, НКВД ёрдамчиси сифатида колхозчилар уйларини тинтув қилиб уларнинг пулларини тортиб олганликда айбланган.

7193-сонли иш бўйича **Қурбонниёзов Бисеек** (1902 йили туғилган, Чимбой шаҳридан, 1933 йили ўғирлик учун 3 йилга, 1935 йили ҳам ўғирлик учун 3 йилга қамалган, товламачилик учун 3 марта вақтинчалик қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 16 августдан ҳисобланган. Лагерлардан бўшагач, жиноий унсур билан алоқада бўлганликда, ҳокимият вакили сифатида чойхоналарни тинтув қилганликда ва пулларини тортиб олганликда айбланган.

*7194-сонли иш бўйича 1 нафар маҳбус отувга, 2 нафар маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 2 августдан ҳисобланган:*

1. **Тлеубаев Мухон** — 1902 йили туғилган, Хожейли райони 2-овулдан, 1936 йили ҳайвон ўғирлагани учун 2 йилга қамалган, ўғирлик учун 2 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчилар гуруҳи билан биргаликда ўғирлик қилганликда, Пристандан молларни ўғирлашга ҳаракат қилганликда, қўлга олинган вақтда ўқчи соқчиларга қаршилик қилганликда, соқчини ярадор қилганликда ва ўқчи соқчиларнинг командирини дўппослаганликда айбланган.

2. **Ермаканов Султонали** — 1915 йили туғилган, Тахтакўпир райони 4 овулдан,1934 йили ўғирлик учун 1 йилга қамалган, ўғирлик учун 3 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчилар гуруҳига кириб, ўғирлик билан шуғулланганликда, Пристанда молларни ўғирлаётган вақтда қўлга тушганликда, ўқчи соқчиларни уришда иштирок этганликда айбланган.

3. **Досанов Тожимурод** — 1907 йили туғилган, Тахтакўпир райони 4 овулдан, 1934 йили ўғирлик учун 1 йилга қамалган, ўғирлик учун 2 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчилар гуруҳи билан биргаликда, пристандаги омборни талашда иштирок этганликда, ўғирлик қилаётган жойда ўқчи соқчилар томонидан қўлга тушганликда ва уларга қаршилик кўрсатиб урганликда айбланган.

7195-сонли иш бўйича **Аметов Аллан** (1910 йили туғилган, Қўнғирот районидан, 1933 йили чайқовчилик учун 10 йилга қамалган, муддатидан олдин бўшатилган, 1937 йили аксилинқилобий ҳаракат учун 6 ойга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

7196-сонли иш бўйича **Ҳожимуродов Мадраим** (1914 йили туғилган, Тўрткўл районидан, 1935 йили ҳайвон ўғирлагани учун 2 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан бўшагач, доимий равишда ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган, ҳибсга олинган вақтда ўғирланган буюмлар тортиб олинганликда ва жабрланувчиларга қайтариб берилган.

*7197-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга, 3 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 июлдан ҳисобланган:*

**1. Баубеков Қодир** — 1904 йили туғилган, Шаҳрисабз райони Бийбозори қишлоғидан, 1934 йили ҳайвон ўғирлагани учун жавобгарликка тортилган, қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. 7 кишидан иборат жиноий гуруҳга етакчилик қилганликда, колхозчиларга "Браунинг" тўппончаси билан қуролланиб қуролли босқинлар билан шуғулланганликда айбланган.

**2. Туржонов Бойман** — 1901 йили туғилган, Қипчоқ райони 4-овулдан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган босмачилик гуруҳига кирганликда, колхозчиларни қуролли талаганликда қатнашганликда айбланган.

**3. Чванталов Калпат** — 1901 йили туғилган, Қипчоқ райони 4-овулдан, ҳибсга олинган вақтда ҳунармандчилик артелининг аъзоси. Жиноятчиларнинг бандитлар гуруҳига кирганликда, колхозчиларни қуролли талаганликда, колхоз қоровуллари жойланишини билишда разведкачилик вазифасини бажарганликда айбланган.

**4. Дўсмуҳамметов Бесенбой** — 1912 йили туғилган, Қипчоқ райони 4-овулдан, ҳибсга олинган вақтда ҳунармандчилик артелининг аъзоси. Жиноятчиларнинг бандитлик гуруҳига кирганликда, колхоз молхонаси ҳовлисидан ҳайвонларни ўғирлаганликда иштирок этганликда айбланган.

**5. Сарлибеков Ширади (Шерали** бўлса керак — *Р.Ш.*), 1910 йили туғилган, Қипчоқ райони 4 овулдан, ҳибсга олинган вақтда ҳунармандчилик артелининг аъзоси. Бандитлар гуруҳига кирганликда, колхоз молхонасидан ҳайвонларни ўғирлашда иштирок этганликда айбланган.

**6. Кузенбоев Кенжағбой** — 1904 йили туғилган, Қипчоқ райони 4-овулдан, ҳибсга олинган вақтда ҳунармандчилик артелининг аъзоси. Жиноий босмачилик гуруҳининг иштирокчиси бўлганликда, гуруҳ билан биргаликда колхоз молхонасидан ҳайвонларни ўғирлашда иштирок этганликда айбланган.

7225-сонли иш бўйича **Рогозянский Дмитрий Максимович** (1909 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, 1930 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган, ўғирлик учун 10 йилга қамалган, ўғирлик учун 3 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 7 августдан ҳисобланган. 1927 йилдан бошлаб, ўғирлик билан шуғулланганликда, қамалганликда, лагерлардан қочганликда, Пероц Иван Степанович номида бўлган паспорт билан қўлга тушганликда айбланган.

7226-сонли иш бўйича **Большаков Петр Петрович,** унинг ўзи **Симаков Иван Михайлович** (1917 йили туғилган, Москва области Чернохим райони Селякин қишлоғидан, 1935 йили ижтимоий хавфли унсур сифатида 2 йилга қамалган, 2 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган. Лагерлардан бўшагач, жиноий унсур билан алоқа ўрнатганликда, пичоқ билан қуролланиб талончилик билан шуғулланганликда, қўлга олинган вақтда паспорт ва бошқа ҳужжатларини йиртганликда, қамоқхонада туриб, ўғирлик билан шуғулланганликда ва қочиб кетишга тайёрланганликда айбланган.

7227-сонли иш бўйича **Мансуров Наим,** унинг ўзи **Мазбут,** унинг ўзи **Алимов Азим** (1902 йили туғилган, Ўратепа райони Ўратепа қишлоғидан, 5 марта қамалган, охирги марта 1935 йили ўғирлик учун 5 йилга қамалган, муддатни ўтамай қочган, ўғирлик учун 2 марта вақтинча қамоққа олинган ва 2 марта лагердан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 17 октябрдан ҳисобланган. Лагерлардан қочгач, поездларда ўғирлик билан шуғулланганликда, ўғирланган нарсалар билан қўлга олинганликда ва ўзбек пичоғи тортиб олинганликда айбланган.

7228-сонли иш бўйича **Оберг Тамара Михайловна** (1914 йили туғилган, Москва шаҳридан, 1931 йили ўт қўйганлиги учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамай лагерлардан қочган, 1932 йили талашда одам ўлдирганлиги учун 10 йилга қамалган, ҳукм қайта кўрилиб 5 йилга ўзгартирилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан озод бўлгач жиноий унсурлар билан алоқада бўлганликда, уйларга талончилик қилганликда, жиноятчилар томонидан ўғирланган буюмларни қабул қилиб сотганликда, Темирхоновна номидаги паспорт билан қўлга тушганликда айбланган.

7229-сонли иш бўйича **Бозорбоев Абдураим** (1915 йили туғилган, Самарқанд шаҳридан, 1933 йили камомад қилгани учун 3 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай қочган, 1934 йили қочганлиги ва қурол сақлаганлиги учун 10 йилга қамалган, масъулиятсизлик билан қарагани учун 2 йилга қамалган, жазо муддатини ўтамай қочган, шу йилнинг ўзида ўғирлик учун 6 ойга қамалган, муддатни ўтамай қочган, ўғирлик учун 8 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 4 марта қамалиб, лагерлардан қочганликда, қочгандан кейин жиноий унсурлар билан алоқа ўрнатганликда, шаҳарлар бўйлаб сафар қилиб ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган.

7230-сонли иш бўйича **Галостиян Фриц Арсентьевич** (Сочи шаҳридан, 1933 йили ўғирлик учун 4 йилга қамалган, ўша йилнинг ўзида ўғирлик учун 1 йилга, 1934 йили ижтимоий хавфли унсур сифатида 3 йилга қамалган, жазони ўтамаган, лагерлардан 2 марта қочган, ўғирлик учун 5 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 26 октябрдан ҳисоб-


www.ziyouz.com kutubxonasi

ланган. Лагерлардан озод бўлгач, 1937 йили июл ойидан бошлаб ҳар хил шаҳарлар бўйлаб сафар қилганликда, сохта паспорт бўйича яшаб, ўғирлик билан шуғулланганликда айбланган.

*7231-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил ва 1 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 16 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Суслин Алексей Иванович** — 1915 йили туғилган, Тамбов губернияси Моршанск уезди Печаев волостидан, 1934 йили безорилиги учун 3 ойга мажбурий меҳнатга ҳукм этилган, ўғирлик учун 2 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда сартарош. Жиноий унсурлар билан алоқада бўлиб, ўтиб кетаётган фуқароларга талончилик қилганликда, сентябр ойида бошқа жиноятчилар билан биргаликда қурол билан фуқароларга ҳужум қилиб, итини ўлдирганликда айбланган.

2. **Попов Павел Васильевич** — 1915 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Грагевка қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноий гуруҳ таркибига кириб, ўтиб кетаётган фуқароларга талончилик қилганликда айбланган.

3. **Таксенбоев Абдулла** — 1919 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноий гуруҳга кириб, ўтиб кетаётган фуқароларга талончилик қилганликда, пичоқ билан қуролланганликда айбланган.

*7232-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 10 июлдан ҳисобланган:*

1. **Линатов Михаил Андреевич** — 1917 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Барское қишлоғидан, 1935 йили безорилиги учун 1,5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда электромонтёр бўлиб ишлаган. Жиноий гуруҳга кириб, ўтиб кетаётган фуқароларга талончилик қилганликда, июлда фуқаронинг портфель ва ҳужжатларини ўғирлаганликда айбланган.

2. **Смоглиев Виктор Николаевич** — 1912 йили туғилган, Саратов области Залисанка қишлоғидан, ўғирлик учун 1 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда слесар бўлиб ишлаган. Жиноий гуруҳ билан биргаликда кўча ўғирлиги ва ўтиб кетаётган фуқароларни талаш билан шуғулланганликда айбланган.

*7233-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати бирига 1937 йил 9 июлдан, иккинчисига 1937 йил 12 июлдан ҳисобланган:*

1. **Савушкин Александр Александрович** — 1913 йили туғилган, Бузулука шаҳридан, 1931 йили ижтимоий хавфли унсур сифатида 3 йилга қамалган, жазони ўтамай лагерлардан қочган, ўғирлик учун 6 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан қочиб, жиноий гуруҳ билан биргаликда ўғирлик билан шуғулланганликда, июл ойида ишчининг квартирасига кириб урганликда ва тан жароҳатлари етказганликда, сохта ҳужжат билан ушланганликда айбланган.

2. **Шубин Владимир Филиппович** — 1919 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, 1936 йили ўғирлик учун 3 йилга қамалган, ҳибсга



www.ziyouz.com kutubxonasi

олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Лагерлардан озод бўлганидан сўнг, 1937 йил апрел ойидан жиноий унсурлар билан алоқада бўлганликда, бошқа жиноятчилар билан биргаликда ишчиларни уришда қатнашганликда, шериклари қамалганидан сўнг улар қочиши учун камерадан уларга ханжар, қаламтарош ва темир сим беришга ҳаракат қилганликда айбланган.

7234-сонли иш бўйича **Манина Надежда Степановна** (1907 йили туғилган, Татаристон АССР Чистополя шаҳридан, 1934 йили безорилиги учун 2 йилга қамалган, ўғирлик учун 3 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 4 августдан ҳисобланган. Лагерлардан озод бўлганидан сўнг жиноятчи унсурлар билан алоқада бўлганликда, квартирасида лагерлардан қочган ўғриларни яширганликда, улардан ўғирланган буюмларни қабул қилганликда, ҳибсга олинган вақтда квартирасидан бир нечта ўғирланган буюмлар топилганликда айбланган.

*7235-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга, 3 маҳбус 10 йил, 1 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган:*

1. **Григорян Сурен Айрапетович** — 1901 йили туғилган, Баку шаҳридан, 1929 йили қотиллик учун 3 йилга қамалган, ўғирлик учун 3 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноий гуруҳга бошчилик қилиб, қуролли ўғирликлар билан шуғулланганликда, гуруҳ томонидан магазиндан 71000 рубл қийматига тенг бўлган мўйнали товарлар ўғирлаганликда, қўлга олинган вақтда милиция ходимларига қаршилик кўрсатганликда, ҳибсга олинганда назоратчиларни ҳақорат қилганликда айбланган.

2. **Поплов Иван Петрович** — 1905 йили туғилган, Житомир қишлоғидан, 1931 йили ўғирлик учун 5 йилга қамалган, муддатни ўтамаган, 1935 йили ижтимоий хавфли унсур сифатида 2 йилга қамалган, муддатни ўтамай қочган, шу йили 2 марта ўғирлик учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноий гуруҳ таркибига кириб, гуруҳ билан биргаликда мўйнали кийимлар магазинидан 71000 рубл ўғирлаганликда, ишчиларга ташланганликда, ҳибсга олинган вақтда милиция ходимларига қаршилик кўрсатганликда айбланган.

3. **Гуреевич Борис Моисеевич** — унинг ўзи **Фельдман Михаил Абрамович,** унинг ўзи **Левентар Семен Лейбович,** 1897 йили туғилган, Вильпа шаҳридан, товламачилиги учун 5 марта вақтинча қамоққа олинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноий гуруҳ билан алоқада бўлиб, гуруҳ томонидан ўғирланган мўйнали товарларни сақлаш учун қабул қилганликда, ўғирланган яширин товарларни сақлаш учун камерага қўл багажига жўнатганликда, тинтув вақтида 18900 рублга тенг мўйнали товарлар тортиб олинганликда айбланган.

4. **Попель Дарьи Андреевич** — 1913 йили туғилган, Миллерон райони Капушкин хуторидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Хотини билан бирга жиноий гуруҳ бошлиғи ва ташкилотчиси бўлиб, магазиндан мўйнали товарлар ўғирлашда



www.ziyouz.com kutubxonasi

иштирок этганликда, чердакдан ўғирланган товарлар қабул қилганликда ва квартирага ташиганликда, ўғирланган нарсаларнинг бир қисми билан ушланганликда айбланган.

5. **Воровьев Афанасия Сергеевич** — 1912 йили туғилган, Саратов области Турки қишлоғидан, 1934 йили 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган, жазо муддати 1937 йил 12 апрелдан ҳисобланган. Жиноий гуруҳ билан биргаликда магазиндан мўйнали товарлар ўғирлашда иштирок этганликда, ўғирланган буюмларни квартирага ташиганликда, ўғирланган буюмларнинг бир қисми топилганликда айбланган.

6. **Гейман Екатерина Шаев,** унинг ўзи **Коротченко Екатерина Ишаев,** ҳужжатлар бўйича 1918 ёки 1916 йили туғилган, Трансполя шаҳридан, 1934 йили безорилиги учун 6 ойга қамалган, жазодан яширинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган, жазо муддати 1937 йил 12 апрелдан ҳисобланган. Жиноий гуруҳ билан алоқада бўлиб, квартирасида ўғирланган мўйнали товарларни қабул қилганликда ва ўғирлангани маълум бўлган буюмларни сотиб олганликда айбланган.

7. **Шуцкой Энти Лайбовна** — 1908 йили туғилган, Гайворон райони Хашват қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда газли сув сотувчиси, жазо муддати 1937 йил 4 ноябрдан ҳисобланган. Эри билан биргаликда ўғирланган мўйнали товарларни сақлаш учун қабул қилганликда ва камерада қўл багажида сақлаш учун ўз номига топширганликда айбланган.

*7236-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, бирининг жазо муддати 1937 йил 15 сентябрдан, иккинчисининг муддати 1937 йил 8 октябрдан ҳисобланган:*

1. **Сенин Волжский Иван Яковлевич** — 1904 йили туғилган, Сергеевск шаҳридан, 1933 йили хизматни суиистеъмол қилгани учун 5 йилга қамалган, қамоққа олинган вақтда Тошсоветга қарашли ишга жойлаштириш бўлимида юрист маслаҳатчиси. Қамоқда эркин юрганидан фойдаланиб, 1934 йилдан бошлаб жазони ўтамай қочганларни лагернинг бланкалари билан таъминлаганликда, лагердан озод бўлганидан сўнг қамаладиган маҳбусларни квартираларига яширганликда, бунинг эвазига катта миқдорда пул олганликда айбланган.

2. **Солинов Александр Иосифович** — 1905 йили туғилган, Кузнецк шаҳридан, собиқ савдогар, 1933 йили ўғирлиги учун ҳукм қилинган. Олий жазо камайтирилган ҳолатда 5 йилга қамалган, қамалган вақтда ёлланган ходим бўлиб ишлаган. Лагерлардан қочадиган маҳбуслар учун бланкалар олиб кирган, ҳужжатларни сохталаштирганликда ва НКВД ходими ниқобида ўғирлик содир этганликда айбланган.

7237-сонли иш бўйича **Кавилин,** унинг ўзи **Неклюдов Михаил Иванович** (1902 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ўғирлик учун 5 марта қамалган, охирги марта 1934 йили 3 йилга қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда нон заводида экспедитор бўлиб ишлаган) отувга ҳукм этилган. 1928 йилдан бошлаб ўғирлик билан шуғулланганини учун 5 марта қамалганликда, 1931 йили лагерлардан



www.ziyouz.com kutubxonasi

қочганликда, 1937 йил февралида лагердан озод қилингандан сўнг жиноятчилар билан алоқа қилганликда ва уйида жиноятчиларни ва ўғирланган буюмларни яширганликда айбланган.

7238-сонли иш бўйича **Бережан Семен Иосифович** (1903 йили туғилган, Одесса шаҳридан, 4 марта қамалган, 2 марта лагерлардан қочган, охирги марта 1937 йили ўғирлик қилгани учун 5 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 октябрдан ҳисобланган.

*7239-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Свиридов Василий Митрофанович** — 1912 йили туғилган, Воронеж областидан, 1931 йили ўғирлик қилгани учун 1 йилга қамалган, 1933 йили яна ўғирлик қилганлиги учун 10 йилга қамалган, 1936 йили муддатидан аввал озод қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган жиноятчилар гуруҳи раҳбари бўлиб, револьвер ва пичоқ билан қуролланганликда, ётоқхона ишчиларига босқинчилик қилишни амалга оширганликда айбланган.

2. **Демиденко Иван Пантелеевич** — 1916 йили туғилган, Украина ССР Павленково қишлоғидан, 1935 йили безорилик қилгани учун 2 йилга қамалган, қамоққа олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган жиноятчи бандалар гуруҳи таркибида бўлиб, револьвер билан қуролланганликда, ётоқхона ишчиларига босқинчилик қилишда иштирок этганликда айбланган.

3. **Мустафоев Аҳмад Алиевич** — унинг ўзи **Ҳусаинов Аҳмад,** 1920 йили туғилган, Астрахон шаҳридан, 1935 йили ўғирлик учун меҳнат тузатиш колониясига аҳлоқ тузатиш йўналиши бўйича юборилган, у ердан қочган, ўша йилнинг ўзидаёқ бузғунчилик қилгани учун 4 йилга қамалган, қамоқдан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Қуролланган жиноятчи банда гуруҳи таркибига кириб, пичоқ билан қуролланганликда, ётоқхона ишчиларини талаганликда айбланган.

*7240-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга, 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 26 мартдан ҳисобланган:*

1. **Еремин Сергей Николаевич** — 1915 йили туғилган, Собиқ Уральск области Портной қишлоғидан, 1936 йили қўпорувчилик фаолияти учун жавобгарликка тортилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчилар билан биргаликда йўловчи фуқароларга қурол билан тан жароҳати етказганликда, мол-мулкини талаганликда айбланган.

2. **Селькин Александр Яковлевич** — 1914 йили туғилган, Воронеж области Комицев қишлоғидан, 1936 йили қўпорувчилик қилгани учун 6 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчилар билан биргаликда йўловчи фуқароларга қурол билан тан жароҳати етказганликда ва талаганликда айбланган.

3. **Фадеев Александр Александрович** — 1918 йили туғилган, Москва шаҳридан, 1930 йили қўпорувчилик қилгани учун 6 йилга



www.ziyouz.com kutubxonasi

қамалган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчи гуруҳ билан биргаликда йўловчи фуқароларга қурол билан тан жароҳати етказганликда, уларни талаганликда айбланган.

**4. Банних Виктор Иосифович** — 1917 йили туғилган, собиқ Уральск области Коровка қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчи гуруҳ аъзолари билан биргаликда март ойида йўловчи фуқароларга 3 марта қурол билан тан жароҳати етказганликда ва талаганликда айбланган.

*7241-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга, 5 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. 1 маҳбуснинг жазо муддати 1937 йил 20 октябрдан, 3 маҳбуснинг муддати 1937 йил 21 октябрдан ҳамда 1 маҳбуснинг муддати 1937 йил 22 октябрдан ҳисобланган:*

**1. Руднев Леонид Евгеневич,** унинг ўзи **Борис Евгегевич,** унинг ўзи **Судоргин Георгий Константинович,** 1916 йили туғилган, Наманган шаҳридан, 1932 йили ўғирлик учун 2 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, 1937 йили ўғирлик учун 1 йилу 2 ойга қамалган, машинада олиб кетаётган соқчини қуролини олиб, ҳайдовчини талаган, ўша йилнинг ўзида ўғирлик учун 3 йилга қамалган, у ердан ҳам қочган, 7 марта лагерлардан қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчи гуруҳ ташкил қилиб, “Кровина” револьвери билан қуролланганликда, фуқароларни қурол билан қўрқитиб талаганликда, милиция ходимлари ҳибсга олганда уларни ҳақорат қилганликда айбланган.

**2. Стефанович Виктор Станиславович** — 1912 йили туғилган, Туркманистон ССР Мари шаҳридан, 1933 йили ўғирланган буюмларни олиб ўтганлиги учун 10 йилга қамалган, муддат 5 йилга камайтирилган, жазони ўтамай қочган. 1934 йили машинада авария қилганлиги учун 9 йилга қамалган, озод қилинишга ҳужжати бўлмаган, 1936 йили ўғирлик учун 2 йилга қамалган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчи гуруҳ билан биргаликда йўлтўсарлик билан шуғулланганликда, пистолет билан қуролланганликда айбланган.

**3. Пулло Сергей Леонидович** — 1918 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда “Союзсовхозтранс”да ҳайдовчи бўлган. Жиноятчи гуруҳ билан биргаликда қуролли талашларда қатнашганликда, навбатдаги қуролли босқинчилик вақтида шериклари томонидан яраланган.

**4. Маматов Қодир** — унинг ўзи **Саид,** 1920 йили туғилган, Андижон шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. 1935 йилдан ўғирлик билан шуғулланганликда, жиноятчи гуруҳ сафига кирганликда, қуролли талашларда қатнашганликда, жиноятчи гуруҳ раҳбаридан “Коровин” пистолетини олганликда айбланган.

**5. Кочмар Евгений Димитриевич** — 1919 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчи гуруҳ билан алоқада бўлиб, қуролли босқинчиликларда қатнашганликда, бандитга “Коровин” пистолетини берганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**6. Ўтаганов Мурсоли Аҳмедович** — 1918 йили туғилган, Андижон райони Ойим қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчилар билан яқиндан мустаҳкам алоқада бўлиб, уларни уйида яширганликда, ўғирланган ҳужжатларни қабул қилиб, уларни қалбакилаштириб, жиноятчиларга берганликда, босқинчиликларда иштирок этганликда айбланган.

**7. Каспаров Михаил Лазаревич** — 1921 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчи бандалар гуруҳи билан алоқада бўлиб, қуролли талашларда иштирок этганликда айбланган.

**8. Аванесов Сергей Николаевич** — 1912 йили туғилган, Ростов шаҳридан, 1934 йили ўғирлик учун 1 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Жиноятчилар тўдаси билан алоқада бўлиб, улар билан биргаликда йўловчи фуқароларни талаганликда айбланган.

*7242-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил ва 1 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган 11 маҳбуснинг жазо муддати 1937 йил 26 августдан, 2 маҳбуснинг муддати 1937 йил 14 июндан ҳисобланган:*

**1. Ткаченко Михаил Елисеевич** — 1909 йили туғилган, Мирзачўл шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ матлубот жамиятида шогирд. Жиноятчилар тўдаси билан алоқада бўлиб, уларга гаражни талашни амалга ошириш учун автомашина қилиб берганликда, ўғирланган буюмларни сотишда иштирок этганликда айбланган.

**2. Кравченко Константин Игнатьевич** — 1915 йили туғилган, Қозоғистон ССР Кустанай райони Лаврентевка қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда шогирд. Жиноятчи тўда билан алоқада бўлиб, гаражни талашда иштирок этганликда, гараждан 11 дона дискали заправка қилинган баллон ўғирлаганликда айбланган.

**3. Баев Петр Еличсеевич** — 1898 йили туғилган, Туркманистон ССР Полторацк шаҳридан, 1925 йили лавозимини суиистеъмол қилганлиги учун 2 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда колхоз минерал ўғит омборининг мудири бўлиб ишлаган. Жиноятчи тўда билан алоқада бўлиб, колхозга ўғирланган баллонларни сотганликда, 1000 рубл аванс пулини бермаганликда айбланган.

7243-сонли иш бўйича **Крим Карл Карлович** (1897 йили туғилган, Латвиянинг Волковск уезди Литен манзилидан, 5 марта қамалган, охирги марта 1937 йили товламачилик қилгани учун 3 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1934 йилдан жиноятчи тўда билан алоқада бўлганликда, товламачилик билан шуғулланганликда айбланган.

## 32-баённома. 1937 йил 5 ноябр

*"Учлик" (Апресян, Яковлев, Сегизбоев, Шейндлин, Бороненко) қуйидаги маҳбуслар устидан ҳукм чиқарган:*

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бошқармаси 7-бўлими тақдим қилган 6995-сонли иш бўйича **Лопаткин Виталий Сергеевич** (1899 йили туғилган, собиқ Ставрополь губерниясининг Новое-Горуйко қишлоғидан, қулоққа тортилган, Джувалинск қўзғолонининг бошлиғи бўлган, ҳибсга олинган вақтда асфальт-бетон заводида масъул иш бажарувчи) отувга ҳукм қилинган. СССРдаги оғир ҳаёт ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, чоризм давридаги ҳаётни мақтаганликда, атрофидагилар орасида мавжуд тузумга қарши ҳақоратомуз латифалар айтиб юрганликда айбланган.

4691-сонли иш бўйича **Ҳакимов Мавлон** (1905 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, собиқ савдогар, аввал "Ислом", "Ёшлар", "Уюшма" миллатчилик, аксилинқилобий ташкилотларининг раҳбари ва ташкилотчиси бўлган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда босмахонада ҳарф терувчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 14 августдан ҳисобланган. Атрофига миллатчилик кайфиятидаги кишиларни тўплаганликда, аҳоли орасида аксилинқилобий тарғиботларни олиб борганликда айбланган.

76-сонли иш бўйича (Тошкент шаҳар бўлими тақдим қилади) **Заиралалов Шарипмахсум** (1870 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, собиқ йирик савдогар, ҳибсга олингунга қадар аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, муддат 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида доимий равишда аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, Сталин конституциясига қарши туҳматлар тарқатганликда айбланган.

85-сонли иш бўйича **Мамаюсупов Абдулхасан** (1865 йили туғилган, Боғдод райони Янгиқишлоқ қишлоғидан, руҳоний, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, муддати 1937 йил 29 апрелдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши иғвогарона ва туҳматдан иборат аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, хотин-қизларни крепостнойликдан озод қилишга қарши гапирганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида бўҳтонли миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

52-сонли иш бўйича **Бўрихонов Эшонжон** (1878 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, йирик эшон, судланган, муддатни ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда хизматчи) 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган. "Иттиҳод ва Тараққий" ташкилотининг аъзоси бўлганликда, аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, яқин орада ҳокимият ўзгариши ҳақида фитнали миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

4310-сонли иш бўйича **Юсупхўжаев Усмонхўжа** (1875 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, собиқ қулоқ, савдогар, 1932 йили колхозда ўғирлик қилгани учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. Осипов аксилинқилобий қўзғолони қатнашчиси бўлган, "Шўрои Ислом" ва "Миллий иттиҳод" ташкилотларининг аъзоси, чет элда аксилинқилобий эмиграцияда бўлган

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва Япония разведкасининг агенти ҳисобланган, “Миллий иттиҳод” ташкилоти раҳбари Садриддинхон Шарифхўжаевлар раҳбарлигидаги тўдаларни кузатган, колхозчилар орасида хотин-қизлар озодлигига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, бўлажак урушга боғлиқ ҳамда миллатга қарши гап-сўзлар тарқатганликда айбланган.

4541-сонли иш бўйича **Бобоев Тош** (1904 йили туғилган, Бауман райони Искагари қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, судланган, “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилот аъзолари билан яқиндан алоқа боғлаган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 14 августдан ҳисобланган. Аксилинқилобий йиғилишлар ташкил қилиб, совет ҳокимиятига қарши курашиш масалалари муҳокама қилинган қўзғолончи кадрларга қандай жипслашиш ҳақида кўрсатмалар берган, халқ душманлари Ф. Хўжаев ва бошқаларни мақтаганликда айбланган.

4299-сонли иш бўйича **Бахритдинхўжаев Яқубхўжа** (1893 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, йирик бойлар авлодидан, аксилинқилобий фаолияти учун 10 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлганликда, йирик япон жосуси билан мустаҳкам алоқа боғлаганликда, жазо лагеридан қочиб, аксилинқилобий ишларни руҳонийлаштиришга ташкилотчилик қилганликда айбланган.

5349-сонли иш бўйича **Хатипзода Кабир** (1896 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, собиқ имом, судланган, ҳибсга олинган вақтда саводсизликни тугатиш мактабида ўқитувчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 7 июлдан ҳисобланган. “Иттиҳод ва тараққий”, “Миллий иттиҳод” ва “Миллий Истиқлол” ташкилотлари аъзоси бўлганликда, зиёлилар орасида аксилинқилобий, миллатчилик тарғиботларини фаол олиб борганликда, ўқитувчилар намойишида ташкилотчи ва қатнашчи эканликда, Компартиянинг миллий сиёсати ва чор Россиясининг мустамлака сиёсатини бир-бирига солиштириб олиб борганликда айбланган.

5226-сонли иш бўйича **Шералиев Одил Маҳмудович** (1913 йили туғилган, Нахичеван шаҳридан, 1924 йили отилган катта ер эгаси-бекнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда автомотоклуб ўқитувчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Ўқитувчи ва талабалар орасида миллатчилик ва мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

*748-сонли иш бўйича 1 нафар маҳбус отувга ва 2 нафар маҳбус 8 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Махсумов Усмонхон** — 1894 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, йирик руҳоний авлодидан, судланган, жазони ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда табибчилик билан шуғулланган. Аҳоли орасида миллатчилик, троцкийчилик ва мағлубиятчиликка



www.ziyouz.com kutubxonasi

оид аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат раҳбарлари шаънига бўҳтонлар тарқатганликда айбланган.

2. **Иноғомов Ислом** — 1896 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, собиқ савдогар, ҳибсга олинган пайтда молия халқ комиссарлигининг ўқув комбинатида курсант, унинг жазо муддати 1937 йил 1 мартдан ҳисобланган. Аксилинқилобий, миллатчилик кайфиятида партия ва ҳукумат раҳбарлари шаънига ҳақоратли гапларни айтганликда, миш-мишларни тарқатганликда, совет ҳокимиятига қарши душманлик кайфиятини қўзғаганликда айбланган.

3. **Нормуҳаммедов Карим** — 1909 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда ТошМИ талабаси, унинг жазо муддати 1937 йил 1 мартдан ҳисобланган. Ёшлар орасида миллатчилик ва мағлубиятчилик руҳидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва халқлар доҳийси шаънига бўҳтон қилганликда айбланган.

5310-сонли иш бўйича **Терешенко Григорий Степанович** (1891 йили туғилган, собиқ Уральск вилоятининг Прорив қишлоғидан, қулоққа тортилган, Колчакнинг оқ армиясида хизмат қилган, ҳибсга олинган вақтда артелнинг таъминот бўйича агенти) отувга ҳукм қилинган. Оқлар армиясида бўлган пайтда коммунистларни сотган ва уларни жазолашда фаол қатнашган, ҳибсга олингандан сўнг ёт фамилия остида яшириниб юрган, коммунист Белозерова-ни фош қилиб ўлдириш билан қўрқитганликда, тўсатдан ғазабланган ҳолатда халқлар доҳийси шаънига ҳақоратомуз, дағал сўзлар айтганликда, СССРда очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

4329-сонли иш бўйича **Игнатенко Григорий Моисеевич** (1904 йили туғилган, собиқ Чернигов губерниясининг Покань қишлоғидан, қулоққа тортилган ва сургун қилинган қулоқнинг ўғли, ижтимоий келиб чиқишини яширгани ва бузгани учун ВКП(б) сафидан ўчирилган, ҳибсга олинган вақтда Тошсельмаш заводининг қуйиш цехида контролёр) отувга ҳукм қилинган. Германия разведкасининг жосуси бўлиб, чет эл билан алоқа ўрнатганликда, аксилинқилобий ҳолатда халқлар доҳийси шаънига ўзининг террористик мақсадини гапирганликда, СССР ишчиларининг оғир ҳаёти ҳақида миш-мишлар ва латифалар тарқатганликда айбланган.

5347-сонли иш бўйича **Йўлдошев Абдураҳим** (1905 йили туғилган, Андижон шаҳридан, савдогар авлодидан, собиқ босмачи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 7 сентябрдан ҳисобланган. "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси бўлиб, идеология фронтида душманчилик ишларини олиб борганликда, у томонидан тузилган ўқув қўлланмасида халқлар доҳийсининг тарихий-революцион фаолияти бузиб кўрсатилганликда айбланган.

4309-сонли иш бўйича **Усмонов Обидохун** (1887 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, йирик савдогар, судланган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 20 июлдан ҳисобланган. "Миллий иттиҳод" ташкилотининг аъзоси бўлиб, атрофдагилар орасида аксилинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб

борганликда, очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

6920-сонли иш бўйича **Жўрабоев Ҳожи Сафо** (1873 йили туғилган, Вобкент райони Вобкент қишлоғидан, авваллари меҳмонхона эгаси бўлган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 12 сентябрдан ҳисобланган. "Миллий иттиҳод" ташкилотининг раҳбарлик маркази аъзоларидан бўлиб, бу ташкилотнинг филиаллари ўртасида алоқа ўрнатганликда, аксилинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

4300-сонли иш бўйича **Азимов Абдумутал** (1901 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, собиқ қулоқ, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 20 июлдан ҳисобланган. Совет тузумига душманчилик кайфиятида бўлиб, лагердан қайтган миллий аксилинқилобий унсурлар билан алоқада бўлганликда ва ўзбек муҳожирлари билан алоқа қилганликда айбланган.

6874-сонли иш бўйича **Алимов Шариф** (1891 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, собиқ савдогар, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Доимий равишда атрофдагилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

4328-сонли иш бўйича **Химародов Павел Сидорович** (1912 йили туғилган, Киев вилояти Тарахе шаҳридан, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Доимий Ташсельмаш заводи ишчилари орасида мағлубиятчиликка оид, иғвогарлик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4794-сонли иш бўйича **Гаврилов Иван Семенович** (1883 йилда туғилган, Украина ССР Белополье шаҳридан, йирик собиқ савдогар) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган. Пойабзал фабрикаси ишчилари орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятини парчалаш (дискредитация)га қаратилган тарғибот қилганликда, СССР меҳнат аҳлининг оғир моддий аҳволи ҳақида миш-мишлар тарқатганликда ва яқин орада ҳокимиятнинг ўзгариши ва халқлар доҳийси шаънига бирданига террористик мақсадни кўзлаган гапларни айтганликда айбланган.

4784-сонли иш бўйича **Моцокян Рубен Арутюнович** (1903 йилда туғилган, Ленинакон шаҳридан, аксилинқилобий фаолияти учун бир неча бор судланган, жазо муддатини ўтамай қочган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган. "Арманистон ёш марксистлари" миллатчи ташкилот таркибига кирганликда, яширин аксилинқилобий ишларда фаол қатнашганликда, фикрдош, маслакдош дашноқлар билан алоқада бўлганликда айбланган.

4459-сонли иш бўйича **Самвелян Авета Сарибекович** (1900

www.ziyouz.com kutubxonasi

йилда туғилган, Ленинакон шаҳридан, аксилинқилобий, миллатчилик фаолияти учун бир неча бор судланган, ҳибсга олинган вақтда Ўрта Осиё мўйна савдосида иқтисодчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 9 августдан ҳисобланган. "Арманистон ёш марксистлари" миллатчи ташкилот таркибига кирганликда, бу ташкилот фаолиятида фаол қатнашганликда, дашноқлар билан алоқа боғлаганликда, мўйна фабрикасида аксилинқилобий тарғибот қилганликда айбланган.

4429-сонли иш бўйича **Хандокарян Нварт Твосовна** (1903 йили туғилган, Ахверис (Туркия) қишлоғидан, аксилинқилобий миллатчилик фаолияти учун бир неча марта судланган, жазо муддати тугамай қочган, ҳибсга олинган вақтда Ўзбекистон тери тайёрлаш трестида плановик) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. "Арманистон ёш марксистлари" миллатчи ташкилот таркибига кириб, унда фаол аксилинқилобий ташкилий иш олиб борганликда, дашноқларнинг аксилинқилобий йиғилишларида қатнашганликда айбланган.

5297-сонли иш бўйича **Ширинян Мкртич Константинович** (1875 йили туғилган, Эриван округи Шингер қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда Главспиртда хизматчи) отувга ҳукм қилинган. Советларга қарши "Дашноқ-цутюн" сўл партиянинг аъзоси бўлиб, Дашноқ қўшинида фаол аксилинқилобий фаолиятини олиб борганликда, совет ҳокимияти билан қуролли курашишда қатнашганликда, атрофдагилар орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, айбланган.

4423-сонли иш бўйича **Корчагин Василий Алексеевич** (1902 йили туғилган, Воронеж вилояти Верхне-Мамонск райони Журавка қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда аэросёмкада қолипловчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган. Яшириниб юрган қулоқлар билан алоқа ўрнатганликда, улар орасида партия ва совет ҳокимияти раҳбарларига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати ва партия раҳбарлари шаънига террористик кайфиятдаги сўзларни айтганликда, Сталин Конституцияси ҳақида иғвогарлик гапларни тарқатганликда айбланган.

4427-сонли иш бўйича **Костин Николай Ефимович** (1906 йили туғилган, Воронеж вилояти Верхне-Мамонск райони Журавка қишлоғидан, йирик қулоқ оиласидан чиққан, социалистик мулкни ўғирлаган ва чайқовчилик қилганлиги учун 10 йилга озодликдан маҳрум этилган, муддатни ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда бўёқчи бўлиб ишлаган) отувга ҳукм қилинган. Атрофидагилар орасида партия ва совет ҳокимияти раҳбарлари шаънига туҳмат фикрлар билдирганликда айбланган.

6965-сонли иш бўйича **Юсупов Акимбой Бердалиевич** (1899 йили туғилган, Қозоғистон ССР Арал районидан, йирик бойнинг ўғли, Приставнинг собиқ таржимони, партиядан миллатчи сифатида ўчирилган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган,

www.ziyouz.com kutubxonasi

жазо муддати 1937 йил 16 июлдан ҳисобланган. “Қозоғистонни қутқариш гуруҳи” ташкилотининг аъзоси бўлиб, гуруҳ топшириғи билан Қозоғистондан Ўзбекистонга оммавий қочиб ўтган қозоқларга аксилинқилобий тарғиботлар олиб борганликда айбланган.

6964-сонли иш бўйича **Идрисов Асқар** (1905 йили туғилган, Қирғизистон ССР Лайлак станциясидан, йирик бойнинг ўғли) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 16 июлдан ҳисобланган. “Социалистик Турон партияси” миллатчи аксилинқилобий ташкилотнинг фаол ташкилотчиси бўлиб, партия ва совет ҳокимиятига қарши курашганликда, совет ҳокимиятининг миллий кадрларга нотўғри сиёсати ва очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

6966-сонли иш бўйича **Алимбеков Асамбек** (1901 йили туғилган, Қирғизистон ССР собиқ Калинин районидан, йирик бойнинг ўғли, ВКП(б)нинг сафидан миллатчи сифатида чиқарилган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 16 июлдан ҳисобланган. “Ўртак-мак” фашистик ташкилотнинг аъзоси бўлиб, аксилинқилобий миллатчилар билан яқиндан алоқада бўлганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

4258-сонли иш бўйича **Худойберганов Тош** (1895 йили туғилган, Фрунзе шаҳридан, бойнинг ўғли, Приставнинг собиқ таржимони) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 16 июлдан ҳисобланган. “Алаш-Ўрда” ва “Социалистик Турон партияси” миллатчи ташкилотининг аъзоси бўлиб, ўз квартирасида аксилинқилобий тўдаларнинг йиғилишини ташкил қилганликда, у ерда аксилинқилобий тарғибот олиб борган ва халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

6963-сонли иш бўйича **Баратов Қурбон** (1906 йили туғилган, Қозоғистон ССР Мирзоян шаҳридан) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 16 июлдан ҳисобланган. Аксилинқилобий миллатчилар билан алоқадорликда, халқ душманларини мақтаганликда, доимий троцкийча миллатчилик аксилинқилобий тарғиботлар олиб борганликда айбланган.

4632-сонли иш бўйича **Ўнгибоев Малик** (1898 йили туғилган, йирик бойнинг ўғли) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 10 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида советларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, тушкунлик кайфиятидаги сўзларни айтганликда, халқлар доҳийси ва партия сиёсати ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

6910-сонли иш бўйича **Нехорошев Василий Герасимович** (1877 йили туғилган, Эриван губернияси Семеновка қишлоғидан, қулоққа тортилган, махсус посёлкага сургун қилинган, у ердан қочган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 11 октябрдан ҳисобланган. Қулоқ сектантларнинг аксилинқилобий яширин йиғилишларида доимий қатнашганликда, ВКП(б) ва совет ҳокимияти сиёсати ҳақида иғвогарлик аксилинқилобий тарғиботлар олиб борганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

6912-сонли иш бўйича **Котов Иван Федорович** (1877 йили туғилган, собиқ Елизаветапольск губернияси Головановка қишлоғидан, қулоққа тортилган, сектант, малаканин, аксилинқилобий фаолияти учун 2 марта судланган, муддатни ўтамай қочган) отувга ҳукм қилинган. Малакан сектантларнинг яширин аксилинқилобий йиғилишларида фаол қатнашганликда, партия ва совет ҳокимияти раҳбарлари ҳақида иғвогарлик миш-мишлар тарқатганликда, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

6896-сонли иш бўйича **Нехорошев Михаил Петрович** (1893 йили туғилган, Эриван губернаяси Семеновка қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган, собиқ сектант) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 9 октябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларига қарши қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4489-сонли иш бўйича **Шмитд Федор Иванович** (1877 йили туғилган, Ленинград шаҳридан, дворян, 2 марта фашистик аксилинқилобий ташвиқот олиб борганлиги учун судланган, ҳибсга олинган вақтда сургунга жўнаб кетган) **отувга** ҳукм қилинган. Рус ва украин миллатчиларининг фашистик аксилинқилобий ташкилотига кирганликда, Ленинград илмий ташкилотларида ячейка ташкилотларига раҳбарлик қилганликда, совет ҳокимиятининг муросасиз душмани бўлганликда, доимий аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5268-сонли иш бўйича **Ювеналиев Семен Евстафьевич** (1870 йили туғилган, Гродненск губернияси (Польша) Обухово қишлоғидан, диний марказнинг хизматчиси, аксилинқилобий фаолияти учун судланган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган. Доимий равишда атрофдагилар орасида мағлубиятчиликка оид аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРнинг оғир иқтисодий аҳволи ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

6911-сонли иш бўйича **Харченко-Бороденко Ольга Степановна** (1877 йили туғилган, Чернигов вилояти Клешка қишлоғидан, собиқ қулоқ ва полиция амалдорининг хотини) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 октябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида партия ва совет ҳокимиятини обрўсизлантиришга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

4505-сонли иш бўйича **Коканина Зуҳра Раҳимовна** (1912 йили туғилган, Қозоғистон ССР Туркистон шаҳридан, хизматчи) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 октябрдан ҳисобланган. Доимий равишда халқлар доҳийси шаънига иғвогарлик миш-мишлар тарқатиш йўли билан аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, отилган жосус-қўпорувчиларни ачиниш билан тилга олганликда, халқлар доҳийси шаънига террористик кайфиятдаги гаплар айтганликда айбланган.

6884-сонли иш бўйича **Лищенко Екатерина Андреевна** (1894 йили туғилган, Милитопол шаҳридан, қулоқлар авлодидан, суд-

ланган, жазо муддатини ўтамай қочган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 24 сентябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларнинг моддий аҳволи оғирлиги ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, отилган халқ душманларига ачиниб гапирганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

6836-сонли иш бўйича **Дворянкин Поликарп Яковлевич** (1893 йили туғилган, собиқ Орлов губернияси Пониковец қишлоғидан, диний марказ хизматчиси, 2 марта судланган, кейинги жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти йўқ) *10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937* йил 29 сентябрдан ҳисобланган. Доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, диний урф-одатларни яширин бажарганликда, шахсий квартираларда художўйлик одатларини ўтказганликда айбланган.

4504-сонли иш бўйича **Калугин Григорий Фомич** (1890 йили туғилган, Куйбишев вилояти Бузулукский райони Перевозинский шаҳридан, фаол художўй ваъзхон, тарғиботчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. "Қутқарувчи армия" реакцион ташкилотининг аъзоси бўлиб, аксилинқилобий сектант ташкилотининг фаол раҳбари ва тарғиботчиси бўлганликда, доимий ва яширин равишда аксилинқилобий йиғилишларни шахсий кватираларда ўтказганликда, художўйлик характеридаги чиқишлар қилганликда айбланган.

4715-сонли иш бўйича **Шинтель Михаил Михайлович** (1879 йили туғилган, Волинск губернияси Ожешино қишлоғидан, ижтимоий хавфли шахс, аниқ иш жойи ва яшаш жойи йўқ, судланган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 7 августдан ҳисобланган. Жазо лагерида жамоатчилик иши билан шуғулланмаганликда, доимий равишда аксилинқилобий, иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

5269-сонли иш бўйича **Афанасьев Глеб Ипатьевич** (1886 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, чор армиясининг собиқ полковниги, кадетлар партиясининг собиқ аъзоси, собиқ Колчак оқ гвардиячиси, ҳибсга олинган вақтда чайқовчи-комерсант) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 1 сентябрдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий, иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда, советларга қарши фикр билдирганликда айбланган.

4523-сонли иш бўйича **Наумов Иван Иванович** (1873 йили туғилган, Куйбишев вилояти Сизран уезди Студенное қишлоғидан, собиқ жандарм, 2 марта судланган) отувга ҳукм қилинган. Атрофидагилар орасида доимий равишда аксилинқилобий, иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда, террористик кайфиятдаги гапларни айтганликда, СССРнинг оғир иқтисодий аҳволи ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

4490-сонли иш бўйича **Чуфаровский Николай Васильевич** (1879 йили туғилган, Уфа шаҳридан, давлат думаси аъзоси, кадет-


www.ziyouz.com kutubxonasi

лар партиясининг фаол аъзоси, ҳибсга олинган вақтда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигида план бўлими бошлиғи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. "Халқ социалист меҳнатчилари" ташкилотида фаол иштирок қилганликда, ишчиларнинг инқилобий ҳаракатларини бостиришда фаол қатнашганликда, совет ҳокимиятига қарши курашда Колчакка ёрдам беришга чақирганликда, СССРнинг оғир иқтисодий аҳволи ҳақида аксилинқилобий қарашларини айтиб юрганликда айбланган.

4671-сонли иш бўйича **Ястребов Борис Васиьевич** (1909 йили туғилган, Куйбишев вилояти Кинал-Черкасс қишлоғидан, қулоқ ва йирик савдогарнинг ўғли) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4492-сонли иш бўйича **Хаустов Марк Афанасьевич** (1880 йили туғилган, собиқ Гродненск губернияси Кобрино қишлоғидан, Монархист, художўйлик сектантлик жамоасининг фаол раҳбарларидан) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Сектантлик жамоасининг фаол ташкилотчиси сифатида ўз уйида художўйларнинг яширин йиғилишларини ташкил қилганликда, совет ҳокимияти ва партияга қарши доимий аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, инқилобгача бўлган тузумни мақтаганликда айбланган.

4502-сонли иш бўйича **Кашуромасальский Александр Григорьевич** (1876 йили туғилган, Белоруссия ССР Чамель райони Сидоровка қишлоғидан, судланган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Доимий равишда совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4513-сонли иш бўйича **Ванюков Матвей Сергеевич** (1903 йили туғилган, Кустанат райони Калинск қишлоғидан) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийси шаънига террористик кайфиятдаги гапларни айтганликда айбланган.

4380-сонли иш бўйича **Мошкарев Петр Федорович** (1912 йили туғилган, Тверь губернияси Дмитриевка қишлоғидан) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 7 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, доҳий портрети устидан масхара қилганликда айбланган.

*881-сонли иш бўйича 1 киши отувга, 3 киши 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Павленко Василий Емильянович** (1892 йили туғилган, Азов-Черноморский ўлкаси Марьяновск станциясидан) аксилинқилобий фаолияти учун судланган, худойжўй тарғиботчи. Аксилинқилобий яширин сектантлик ташкилотининг ташкилотчиси


www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб, яширин йиғилишлар қилиб, унда аксилинқилобий характердаги таълимотларни ўтказганликда айбланган.

2. **Колодий Андрей Захарович** — 1903 йили туғилган, Одесса области Голубовка қишлоғидан, судланган, динни тарғиб қилувчи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, жазо муддати 1937 йил 9 июндан ҳисобланган. Аксилинқилобий сектантлик ташкилотининг раҳбари бўлиб, художўйларнинг яширин йиғилишларини ташкил қилиб аксилинқилобий характердаги тарғиботлар билан чиқишлар қилганликда айбланган.

3. **Король Афанасия Степанович** — 1887 йили туғилган, Украина ССР Боштанск райони Ново-Александровка қишлоғидан, 2 марта судланган, художўй тарғиботчи, жазо муддати 1937 йил 7 июлдан ҳисобланган. Художўй тарғиботчи ва аксилинқилобий сектант гуруҳи ташкилотчиси бўлиб, яширин йиғилишлар қилиб, унда аксилинқилобий характердаги тарғибот олиб борганликда айбланган.

4. **Голушко Петр Федорович** — 1880 йили туғилган, Одесса области Христафоровка қишлоғидан, художуй тарғиботчи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, жазо муддати 1937 йил 7 июлдан ҳисобланган. Художўй тарғиботчи сифатида бир неча марта художўйларнинг йиғилишларида аксилинқилобий тарғиботлар билан чиққанликда айбланган.

*Ўша иш бўйича 3 киши 8 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 9 июндан ҳисобланган:*

1. **Бондарь Василий Парамонович** — 1881 йили туғилган, Одесса области Боштанск райони Марьяновка қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Художўй тарғиботчи сифатида художўйларнинг яширин йиғилишларини уюштириб, унда аксилинқилобий тарғиботлар билан чиққанликда айбланган.

2. **Диденко Афанасий Иванович** — 1880 йили туғилган, Воронеж области Контелмировка қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Художўй тарғиботчи сифатида художўйлар аксилинқилобий ташкилотининг яширин йиғилишлар ташкилотчиси ва раҳбари бўлиб, аксилинқилобий художўйлик тарғиботлари билан чиққанликда айбланган.

3. **Резник Гордой Иванович** — 1878 йили туғилган, Украина ССР Солодовец райони Солодовец қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда Садвинтрест совхозида қоровул. Художўй тарғиботчи сифатида художўйларнинг яширин йиғилишларининг ташкилотчиси ва раҳбари бўлиб, аксилинқилобий художўйлик тарғиботлари билан чиққанликда айбланган.

4518-сонли иш бўйича **Губанов Кузьма Павлович** (1896 йили туғилган, Куйбишев области Алексеевский райони Корновка қишлоғидан, собиқ қулоқ, судланган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида доимий партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4503-сонли иш бўйича **Коргополов Степан Гурьевич** (1893 йи-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ли туғилган, Тошкент шаҳридан, собиқ қулоқ, савдогар, сўл эсер, собиқ чиновник, ҳибсга олинган вақтда Тагор темир йўл қурилиши бошқармаси бухгалтери) 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Доимий эсэрчилар, троцкийча аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти ва унинг сиёсатидан норозичилигини баён қилганликда айбланган.

4501-сонли иш бўйича **Линдстрем Леонид Карлович** (1867 йили туғилган, Эстониянинг Ямпольск уезди Горки қишлоғидан, дворян, собиқ чиновник, монархист, ҳибсга олинган вақтда пенсионер) қамоқдан озод қилинган, иши архивга топширилган. ЎзССР Жиноят Кодексининг 66-моддаси 1-банди билан айбланган.

4520-сонли иш бўйича **Елисеев Алексей Аполонович** (1896 йили туғилган, Уфа шаҳридан, Колчакнинг жазо отряди қатнашчиси, оқ гвардиячи, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган) **отувга** ҳукм қилинган. Атрофдагилар орасида совет ҳокимиятига қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партиянинг миллий сиёсати ҳақида бўҳтон сўзларни айтганликда айбланган.

4495-сонли иш бўйича **Титов Владимир Васильевич** (1885 йили туғилган, Барнаул шаҳридан, судланган, ҳибсга олинган вақтда пионерлар саройида ашула ўқитувчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийси ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

4515-сонли иш бўйича **Васейко Александр Петрович** (1874 йили туғилган, Орджоникидзе шаҳридан, собиқ савдогар, судланган, собиқ эсер) отувга ҳукм қилинган. Эсер партиясида фаол қатнашганликда, чор Россиясида махфий полиция ташкилотида айғоқчилик қилганликда, Япония контрразведкаси оқ гвардиячи ҳукуматида иғвогарлик ва доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4522-сонли иш бўйича **Михайлов Николай Степанович** (1882 йили туғилган, Оренбург области Переклинск посёлкасидан, собиқ казак, судланган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Бир неча йиллардан бери совет ҳокимияти сиёсатига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРнинг ички аҳволининг оғирлиги ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

4521-сонли иш бўйича **Қурбатов Александр Федорович** (1895 йили туғилган, Марва шаҳридан, диндорнинг ўғли, революцион ва саботаж қонун-қоидаларга бўйсунмаганлиги учун қамалган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида янги совет конституцияси ва совет демократияси ҳақида бўҳтондан иборат гап-сўз айтганликда, аксилинқилобий иғвогарлик тарғиботи олиб борганликда, монархик тузумни мақтаганликда айбланган.

4506-сонли иш бўйича **Калугин Илларион Григорьевич** (1884 йили туғилган, Куйбишев области Семеновка қишлоғидан) 8 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида партия ва ҳукумат тадбирларини бузишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, троцкийчи қочоқларга ачиниш билдирганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

4566-сонли иш бўйича **Абдуваҳобов Абдуманноб** (1907 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, йирик қулоқнинг ўғли, собиқ қулоқ, жазодан яширинган) отувга ҳукм қилинган. Атрофидагилар орасида совет ҳокимиятига бўлган ғазабини дағал ошкора айтганликда, партия ва ҳукумат раҳбарлари шаънига террористик мулоҳазаларини баён қилганликда айбланган.

4622-сонли иш бўйича **Хўжаев Ҳожи Маҳмудович Ғулом** (**Хўжаев Ғулом Қодир** ҳам шу) (1903 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, савдогар ва қулоқ оиласидан, руҳоний, собиқ қулоқ, аксилинқилобий фаолияти учун 3 йилга қамалган, ВКП(б) сафидан ўчирилган, ҳибсга олинган вақтда Тошкент маориф бўлимида монтёр) отувга ҳукм қилинган. Миллатчи террористик гуруҳнинг аъзоси бўлиб, фаол аксилинқилобий иш олиб борганликда, туҳмат ва бўҳтондан иборат тарғибот ўтказганликда, совет ходимларини ўлдириш билан қўрқитганликда айбланган.

4621-сонли иш бўйича **Ҳидоятов Жалил** (1897 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда ўрта мактабда ўқитувчи, судланган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 14 августдан ҳисобланган. “Миллий иттиҳод” миллатчи ташкилотнинг аъзоси бўлиб, мағлубиятчиликка оид иғвогарлик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5286-сонли иш бўйича **Бобобеков Натан Ёқубович** (1887 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, собиқ савдогар, 2 марта судланган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 5 сентябрдан ҳисобланган. Сионистик аксилинқилобий ташкилотга ёндошиб, унга моддий ёрдам берганликда, еврейларни ташқарига чиқиб кетишларига ундаганликда ва мағлубиятчиликка оид тарғибот олиб борганликда айбланган.

4719-сонли иш бўйича **Ғуломов Ботир** (1906 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, савдогарнинг ўғли, “Миллий Истиқлол” миллатчи аксилинқилобий ташкилотнинг иши бўйича 5 йил қамоққа ҳукм этилган, жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда ишчилар факультетида ўқитувчи) отувга ҳукм қилинган. “Миллий Истиқлол” миллатчи ташкилотининг аъзоси, бўлиб, наркомпрос таркибида аксилинқилобий иш олиб борган, шу сабабдан Батурамзи иши бўйича қамалган, шунингдек, пантуркизм ғояларининг ҳимоячиси бўлиб чиққанликда, миллатчилик ва иғвогарлик ташвиқоти ўтказганликда, халқ душманлари билан алоқа ўрнатганликда айбланган.

4568-сонли иш бўйича **Зокиров Мирсоат** (1911 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, савдогар қулоқнинг ўғли, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда Ўзобувтрестда иқтисодчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо


www.ziyouz.com kutubxonasi

муддати 1937 йил 14 августдан ҳисобланган. "Ислом ёшлар уюшмаси" миллатчи аксилинқилобий ташкилот аъзоси бўлиб, мағлубиятчилик, диний аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини ҳимоя қилиб чиққанликда айбланган.

*739-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга, 3 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган:*

1. **Босий Тимофей Петрович** (1893 йили туғилган, Киев области Михайловка қишлоғидан, собиқ қулоқ, Гайдамак контразведкасининг махфий хабарчиси бўлган, ҳибсга олинган вақтда Чирчиқстрой депоси бошлиғи) отувга ҳукм қилинган. Совет ҳокимиятига душманлик кайфиятида бўлиб, аппаратда социализм тузумига бегона элементларни жорий қилганликда, шу билан бир қаторда темир йўл хўжалигида қўпорувчилик ишларини бунёд этганликда, меҳнат ҳақи тўлашда давлатга қарама-қаршиликни яратганликда, ишчиларнинг таклифларини йўққа чиқарганликда айбланган.

2. **Кочан Антон Афанасьевич** (1880 йили туғилган, Винница области Ивановка қишлоғидан, 1922 йили япон интервентларига ёрдам берганлиги учун Олий жазога 10 йил озодликдан маҳрум қилиш билан алмашиш шарти билан ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда "Чирчикстрой" темир йўл хўжалигида кондукторлар бригадасининг бошлиғи) отувга ҳукм қилинган. Поездларнинг аварияга учрашини ташкил қилганликда, доимий бошқа айбдорлар томонидан содир этиладиган аварияларни яширганликда, меҳнат интизомини бузганликда, ҳамманинг бир-бирига кафиллигини яратганликда, соф кўнгилли ишчиларнинг орасига нифоқ солишга қатнашганликда айбланган.

3. **Мовчан Иван Демьянович** — 1907 йили туғилган, Харьков области Матвеевка шаҳридан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда "Чирчикстрой" темир йўли хўжалигида машинист, унинг жазо муддати 1937 йил 15 февралдан ҳисобланган. 13 марта авария содир этиб, темир йўл транспортида шикастланишга сабабчи бўлганликда, бу билан давлатга катта моддий зарар етказганликда, доимий аварияларнинг бўлиб туришини яширганликда, соф кўнгилли ишчиларнинг орасига нифоқ солишга қатнашганликда айбланган.

4. **Яковецкий Владимир Васильевич** — 1897 йили туғилган, Ленинград области Поток қишлоғидан, диндорнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда "Чирчикстрой" темир йўли хўжалигида машинист, унинг жазо муддати 1937 йил 16 февралдан ҳисобланган. Доимий равишда темир йўл транспортида авария содир этиб, давлатга катта моддий зарар етказганликда, соф кўнгилли ишчиларнинг орасига нифоқ солишга қатнашганликда айбланган.

5. **Киринченко Степан Яковлевич** — 1897 йили туғилган, Днепропетровск области Конские раздори қишлоғидан, Махно бандаси ва Гайдамаклар армиясида хизмат қилган, ҳибсга олинган вақтда Чирчиқстрой вагон-паравоз хўжалиги бошлиғи, унинг жазо муддати 1937 йил 10 майдан ҳисобланган. Атайин транспорт аварияси ҳақида акт тузмасликда, айбдорларни моддий жиноий жавобгарликдан яширганликда, ишчиларни иқтисодий қимматли

www.ziyouz.com kutubxonasi

таклифларини саботаж қилганликда, меҳнат интизомини тўлиқ бузилишига йўл қўйганликда, темир йўл траспорти ишларини барбод бўлишига шароит яратганликда ва қурилиш режаларини бажармаганликда айбланган.

7029-сонли иш бўйича **Абрамов Василий Семенович** (1872 йили туғилган, Куйбишев области Куйбишев райони Бороское қишлоғидан, 1905 йилдан эсэрлар партиясининг аъзоси, эсэрчи аксилинқилобий фаолияти учун 4 марта судланган, ҳибсга олинган вақтда сургунга кетган, рангли метал таъминотида иқтисодчи) отувга ҳукм этилган. Қуролланган курашчиларнинг фаол ташкилотчиси ва илхомчиси сифатида совет ҳокимияти барпо қилинган вақтдан пролетариат диктатурасига қарши аксилинқилобий курашни тўхтатмаганликда, сургун қилинган эсэрлар билан алоқадорликни қўллаб-қувватлаганликда, халқлар доҳийси, совет ҳукумати ва ВКП(б)нинг бошқа раҳбарларига қарши бирлашиш ва террористик тадбирлар уюштиришга чақирганликда айбланган

7031-сонли иш бўйича **Гневашев Евшихий Маркович** (1888 йили туғилган, Киров ўлкасидан, эсэрлар партиясининг 1915 йилдан аъзоси, эсэрчи аксилинқилобий фаолияти учун бир неча марта судланган, муддатини ўтамай қочган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 9 сентябрдан ҳисобланган. Сургундан қочиб келгач, сургун қилинган эсэрлар билан алоқани узмаганликда, аксилинқилобий эсерчи ташкилотнинг совет ҳокимияти билан курашиш масаласи муҳокама қилинган яширин йиғилишларда қатнашганликда айбланган.

7030-сонли иш бўйича **Барановский Дмитрий Александрович** (1893 йили туғилган, Ленинград шаҳридан, эсерлар партиясининг 1914 йилдан аъзоси, ҳибсга олинган вақтда сургунда бўлган) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 28 апрелдан ҳисобланган. Яширин эсерчи аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси сифатида алоқани тиклаш бўйича топшириқларни бажарганликда айбланган.

885-сонли иш бўйича **Кулузаев Георгий Александрович** (1882 йили туғилган, Оренбург области Владимировка қишлоғидан, эсэрлар партияси аъзоси, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда нафақахўр) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 майдан ҳисобланган. 1919 йили оқгвардиячилар қўзғолонида орасида қизил партизанлар бўлган қизил гвардия отрядларининг йўлини тўсиш орқали ёрдам берганликда, совет ҳокимияти шаънига норозилик билдирганликда айбланган.

*5762-сонли иш бўйича 4 киши отувга ва 2 киши 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 7 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Зиятов Қаршибой** — 1901 йили туғилган, Жомбой райони Иштонсиз қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Махфий кенгаш ташкилотчиси бўлиб, ўзига қариндош бўлган қулоқларни очиб ташлаган комсомол фаолларни ўлдириш такли-


www.ziyouz.com kutubxonasi

фини айтганликда, ундан сўнг бу террористик акт ўзи иштирокида амалга оширилганликда айбланган.

2. **Зиятов Холиқул** — 1901 йили туғилган, Жомбой райони Иштонсиз қишлоғидан, собиқ босмачи, колхоз аъзоси. Кенгаш ташкилотчиси бўлиб, ўзига қариндош бўлган қулоқларни очиб ташлаган, комсомол фаолларни ўлдириш таклифини айтганликда, ундан сўнг бу террористик акт ўзи иштирокида амалга оширилганликда айбланган.

3. **Шерназаров Бўри** — 1892 йили туғилган, Жомбой райони Иштонсиз қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Комсомол фаоллари устидан террористик актни тайёрлаш бўйича ўтказилган кенгаш қатнашчиси ва охиргисини ўлдирганликда айбланган.

4. **Ипалиев Напас** — 1899 йили туғилган, Жомбой райони Иштонсиз қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Комсомол фаоллари устидан террористик актни тайёрлаш бўйича ўтказилган кенгаш қатнашчиси ва охиргисини ўлдирганликда айбланган.

5. **Зиятов Парда** — 1896 йили туғилган, Жомбой райони Иштонсиз қишлоғидан, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Комсомол фаоллари устидан террористик актни тайёрлаш бўйича ўтказилган кенгаш қатнашчиси ва унинг бажарилишини таъминлаганликда айбланган.

6. **Сапаров Суюн** — 1916 йили туғилган, Жомбой райони Иштонсиз қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Комсомол фаоллари устидан террористик акт тайёрлаш бўйича ўтказилган махфий кенгаш қатнашчиси ва охиргисини ўлдирганликда айбланган.

*4469-сонли иш бўйича 1 киши отувга, 3 киши 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган:*

1. **Векессер Генрих Иванович** — 1882 йили туғилган, Саратов области Севостьяновка қишлоғидан, қулоққа тортилган, тери заводининг мижози, ҳибсга олинган вақтда тери заводи бўёқчиси. Аксилинқилобий гуруҳ аъзоси, Германиядаги фашистик тузумни мақтаганликда, ташқарига яширин чиқиб кетишни тайёрлаганликда айбланган.

2. **Векессер Виктор Генрихович** — 1911 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, қулоқнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда қишлоқ хўжалиги институти талабаси, унинг жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Фашистик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Гитлерни мақтаганликда, Германия резиденти билан алоқада бўлганликда айбланган.

3. **Фишер Яков Генрихович** — 1900 йили туғилган, Польшанинг Залешан қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда косиб, унинг жазо муддати 1937 йил 12 августдан ҳисобланган. Фашистик аксилинқилобий гуруҳ аъзоси бўлиб, Гитлерни мақтаганликда, Германия резиденти билан алоқада бўлганликда айбланган.

4. **Вошто Арношт Иванович** — 1882 йили туғилган, Прага шаҳридан, Батумидан сургун қилинган, ҳибсга олинган вақтда чиз-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мачилик фани ўқитувчиси, унинг жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Фашистик аксилинқилобий гуруҳ аъзоси, троцкийча фашистик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳукумати ва ВКП(б) раҳбарларига қарши террорни маъқуллаганликда айбланган.

4471-сонли иш бўйича **Биндер Рудольф Вильгельвович** (1875 йили туғилган, польшалик, собиқ интендент-пудратчи, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Лютеран номли руҳонийлар кенгаши раиси-фаол руҳоний, фашист, Гитлерни мақтаганликда, аксилинқилобий фаолияти учун ва қамалганларга моддий ёрдам кўрсатганликда айбланган.

5290-сонли иш бўйича **Гекинг Федор Васильевич** (1880 йили туғилган, Рига шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 8 сентябрдан ҳисобланган. “Союз зарубежных немцев” ташкилотининг аъзоси, Германия ҳукуматидан моддий ёрдам олганликда ва Германия элчихонаси билан алоқада бўлиб, пул олиб турганликда айбланган.

4292-сонли иш бўйича **Густов Августович** (1889 йили туғилган, Собиқ Таврия губерниясидан, собиқ қулоқ, аксилинқилобий фаолияти учун судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 22 июлдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

2555-сонли иш бўйича **Колесников Василий Иванович** (1888 йили туғилган, болгариялик, йирик қулоқлардан, судланган, ҳибсга олинган вақтда тайёрлов пунктида бугалтер) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 25 апрелдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчиликка оид аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийсига қарши миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

4702-сонли иш бўйича **Поляков Михаил Артемьевич** (1883 йили туғилган, Днепропетровск шаҳридан, “Толстовцев” диний жамиятининг собиқ фаол аъзоси, оқлар армиясида хизмат қилган, ҳибсга олинган вақтда “Ўзбекторг” дирекциясида юрист-маслаҳатчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчиликка оид тарғибот олиб борганликда, Гитлер ва фашистик Германияни мақтаганликда, совет матбуоти шаънига бўҳтон тарқатганликда айбланган.

4595-сонли иш бўйича **Абрамов Абрам** (1909 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, савдогарлардан, камомад келтиргани учун судланган, 1935 йили жосусликда гумон қилиниб, қамалган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Афғонистон бош консулининг агенти, у билан шахсан алоқада бўлиб, унга жосуслик маълумотларни етказиб турганликда айбланган.

5259-сонли иш бўйича **Кравчук Петр Никифорович** (1893 йили



www.ziyouz.com kutubxonasi

туғилган, Киев области Тихийхутар қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда совхоз қоровули) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Атрофдагилар орасида фашистик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Германиядаги фашистик тузумни мақтаганликда айбланган.

*4537-сонли иш бўйича 2 нафар маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган:*

1. **Карами Жамшид** — 1907 йили туғилган, Эроннинг Лютфобод шаҳридан, миробнинг ўғли, СССРга яширин келган, ҳибсга олинган вақтда ўқишда бўлган. Атрофидагилар орасида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Эрон контразведкаси офицери билан алоқада бўлганликда айбланган.

2. **Каримов Бегляр** — 1912 йили туғилган, Эроннинг Лютфобод шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Атрофидагилар орасида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Эрон контрразведкаси офицери билан алоқада бўлганликда айбланган.

4536-сонли иш бўйича **Чан Фун Сан** (1886 йили туғилган, Шанхай шаҳридан, жосуслиги учун судланган, муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Жосуслик билан шуғулланганликда айбланган.

**Ким Федор Абрамович** (1913 йили туғилган, Узоқ Шарқ ўлкаси Ворошилов райони Корсаковка қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда тўқимачилик институти талабаси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. Жосусликда гумон қилинган одамлар орасида юрганликда, Узоқ Шарқдан мунтазам пул олиб турганликда, доимий советларга қарши ва япон-финларни ёқлаб тарғибот олиб борганликда айбланган.

4168-сонли иш бўйича **Қосимов Кичикохун**, унинг ўзи **Ибрагимов**, унинг ўзи **Казиев**, **Содиқохун**, **Розиқохун** (1902 йили туғилган, Синцзян ўлкаси Устун-артуш қишлоғидан, аравакаш) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 16 июндан ҳисобланган. Яширин равишда Қашғар чегарасидан СССРга ўтганликда, инглиз жосуслигига гумонликда айбланган.

4359-сонли иш бўйича **Казаченко Яков Михайлович** (1887 йили туғилган, собиқ Витебек губернияси Полтава уезди Переки қишлоғидан, НКВД органлари томонидан қулоққа тортилганнинг ўғли, собиқ колчакчи, берилган маълумотга` кўра қароқчи, йўлтўсар, ҳибсга олинган вақтда Тошкент тўқимачилик комбинатида ёнғин гуруҳининг бошлиғи) отувга ҳукм этилган. Собиқ фаол гвардиячи қароқчиларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган ишларини уюштирганликда, Германия жосуси, фашист Фальдик билан яқиндан алоқада бўлиб, унинг жосуслик-қўпорувчилик мақсадларидаги топшириқлари бўйича ҳаракат қилганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2147-сонли иш бўйича **Маликов Шарип** (1895 йили туғилган, Тожикистон ССР Заҳматобод райони Дарх қишлоғидан, 2 марта судланган, муддати тугамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм этилган. 1925 йили яширин ҳолатда Афғонистонга ўтиб, "СБТ" советларга қарши эмиграция ташкилотида сўзлаганликда, бир неча марта ташкилотнинг совет ҳокимиятига қарши кураш масалалари муҳокама қилинган мажлисларида қатнашганликда, СССРга яширинча келиб, эмигрантларнинг оилаларини Афғонистонга жўнатганликда айбланган.

*4387-сонли иш бўйича 1 киши отувга, 4 киши 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Иляев Ҳалил** — 1914 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда 1-мактаб директори. "Интернационал демократик партия" номидаги аксилинқилобий ташкилотнинг ташкилотчиси бўлиб, совет ҳокимиятини ағдариб, ўрнига капитализмни тиклаш тарғиботини олиб борганликда, ўқитувчи ва талабалар ташкилотининг жипслигини фаол ишлаб чиққанликда айбланган.

2. **Ниёзов Абдураҳмон** — 1916 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда 1-мактаб ўқитувчиси. "Интернационал демократик партия" ташкилотнинг фаолларидан бўлиб, совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш ва капитализмни тиклаш мақсадини қўйганликда, аксилинқилобий кайфиятдаги кишиларнинг жипслигини ташкил қилганликда, яширин кенгашлар ўтказганликда айбланган.

3. **Измаилова Елена** — 1915 йили туғилган, Омск шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда омонат кассада бугалтер, унинг жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. "Интернационал демократик партия" аксилинқилобий ташкилотнинг фаолларидан бўлиб, совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш ва капитализмни тиклаш мақсадини қўйганликда айбланган.

4. **Ёқубов Эргаш** — 1914 йили туғилган, Қозоғистон ССР Чимкент шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда 1-мактаб ўқитувчиси, унинг жазо муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган. "Итернационал демократик партия" аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлиб, совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш ва капитализмни тиклаш мақсадини қўйганликда айбланган.

5. **Нурматов Тожи** — 1907 йили туғилган, Қозоғистон ССР Уст-юртдан, ҳибсга олинган вақтда САГУ талабаси, унинг жазо муддати 1937 йили 31 июлдан ҳисобланган. УГБ агенти бўлиб, "Интернационал демократик партия" аксилинқилобий ташкилотининг қатнашчиларини жойларга бўлишда, НКВДнинг УГБ органлари уларнинг фаолиятини кузатиб бориши ҳақида огоҳлантирганликда айбланган.

810-сонли иш бўйича **Сариқулов Абутолиб** (1892-йили туғилган, Жанубий Қозоғистон области Жанубий Қозоғистон райони 2-Човулдир овулидан, ҳибсга олинган вақтда район пахта тайёрлаш идораси директори) отувга ҳукм қилинган. "Қозоғистонни қутқариш гуруҳи" аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлиб, ташкилот топшириғи билан қозоқларни Туркистон районидан



www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқариш мақсадида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, қозоқ қочоқлари орасида троцкийча аксилинқилобий ташвиқот қилганликда, ВКП(б) Марказий Комитети раҳбарларига нисбатан террористик мақсадлардаги сўзларни айтганликда айбланган.

4267-сонли иш бўйича **Шарипов Аъзим** (1881 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, руҳоний, ҳибсга олинган вақтда хизматчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 14 июлдан ҳисобланган. Немис разведкаси агенти билан алоқадор бўлиб, атрофдагилар орасида герман-фисльск аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

2706-сонли иш бўйича **Юлдашев Тошбой Базис** (1863 йили туғилган, Баликчи райони Оққўрғон қишлоғидан, собиқ савдогар) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 20 майдан ҳисобланган. Руҳонийларнинг аксилинқилобий ташкилотининг кенгашларида бир неча марта қатнашганликда, бу ташкилотга Афғонистондан "СБТ" аксилинқилобий ташкилотига раҳбарлик қилганликда ва совет ҳокимияти билан курашиш масалаларини муҳокама қилганликда, колхозчилар орасида колхозга қарши ва мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган.

6804-сонли иш бўйича **Файрушин Ориф** (1870 йили туғилган, Куйбишев ўлкаси Аксаково қишлоғидан, собиқ йирик руҳоний, савдогар) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 16 августдан ҳисобланган. "Миллий Шўро" ташкилотининг аъзоси бўлиб, Бугуруслан уездида қўзғолончи руҳоний ва қулоқлар группасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, аҳоли орасида советларга қарши ташвиқот олиб борганликда айбланган.

4265-сонли иш бўйича **Пўлатов Қори Йўлдош** (1890 йили туғилган, Туркманистон ССР Керки шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда пенсионер) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 июлдан ҳисобланган. "Миллий иттиҳод" ташкилоти марказлашган раҳбарлигининг аъзоси бўлиб, аксилинқилобий кадрлар тайёрлаш бўйича тарғибот олиб борганликда, Германияда турган жосус билан алоқада бўлганликда айбланган.

4734-сонли иш бўйича **Нигматов Ҳикмат** (1900 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, аксилинқилобий фаолияти учун ВКП(б) сафидан ўчирилган, хизматчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. "Миллий иттиҳод" миллатчи ташкилот Бухоро филиалининг аъзоси бўлиб, халқ душмани Ф. Хўжаев билан яқин алоқада бўлганликда айбланган.

4609-сонли иш бўйича **Изомшаев Исломша** (1892 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ савдогар, ҳибсга олинган вақтда "Ўзбекбирлашув"да консультант) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 10 августдан ҳисобланган. "Миллий иттиҳод" миллатчи ташкилоти Бухоро филиалининг фаол аъзоси бўлиб, ташкилотнинг топшириғи билан ташқаридагилар ҳамда халқ душмани Ф. Хўжаев билан яқиндан алоқадорликда бўлганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

5247-сонли иш бўйича **Зиявутдинов Аминжон** (1890 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ савдогар, ҳибсга олинган вақтда китоб палатасида илмий ходим) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 августдан ҳисобланган. "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилотнинг топшириғига мувофиқ қишлоқлардаги ташкилот аъзолари билан алоқа боғлаш учун борганликда, улар билан йиғилишлар ўтказиб, ташкилот раҳбарлари кўрсатмаларини етказганликда айбланган.

4798-сонли иш бўйича **Мақсудов Музаффар** (1895 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, собиқ савдогар, судланган, ҳибсга олинган вақтда хизматчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилот Бухоро филиалининг аъзоси бўлиб, охирги вақтларга қадар қўлга олинган халқ душмани Ф.Хўжаев ва бошқалар билан яқин алоқадорликда бўлганликда айбланган.

4556-сонли иш бўйича **Тагиров Иброҳим Гайсиевич** (1888 йили туғилган, собиқ Ульяновск губерняси советкий Остров қишлоғидан, ўқитувчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 августдан ҳисобланган. "Турк одам марказияти", "Миллий иттиҳод" ва "Миллий Истиқлол" миллатчи ташкилотларнинг аъзоси бўлиб, матбуотда бир неча марта аксилинқилобий бўҳтонлар билан чиққанликда айбланган.

*4721-сонли иш бўйича 1 киши **отувга** ва 1 киши 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Қодиров Абдуҳолиқ** — 1899 йили туғилган, собиқ Акмалобод районидан, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти йўқ. Мавжуд тузумдан норозилигини айтганликда, советларга қарши тарғибот олиб борганликда, Афғонистонга қочиб кетишга уринганликда айбланган.

2. **Шарипов Жўра** — 1901 йили туғилган, Мозори шариф (Афғонистон) шаҳридан, йирик бой, савдогарнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Афғонистон элчихонаси ходимлари билан алоқадорликда, Афғонистон миллий паспортини қонунсиз олишга интилганликда, мавжуд ҳолатдан норози бўлганликда, советларга қарши гап-сўз тарқатганликда айбланган.

4266-сонли иш бўйича **Саидов Азиз** (1893 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, собиқ қулоқ, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 15 июлдан ҳисобланган. Атрофдагилар орасида доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда партия, ҳукумат ва совет матлуботи шаънига бўҳтон, миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

*4289-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил ва 1 маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Румий Саъди** — 1884 йили туғилган, Қрим АССР Керчен райони Мамат қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган


www.ziyouz.com kutubxonasi

вақтда совхоз боғбони, унинг жазо муддати 1937 йил 17 июлдан ҳисобланган. Қрим миллатчиларининг аксилинқилобий фаолиятида фаол қатнашганликда, "Миллий фирқа" миллатчи ташкилотда бўлганликда, кейинги йилларга қадар ҳам Татар аксилинқилобий миллатчилар билан бир қаторда турганликда ва аксилинқилобий фаолият кўрсатганликда айбланган.

2. **Билол Фоиқ** — 1880 йили туғилган, Қрим АССР Боғчасарой шаҳридан, собиқ мулла, қори, ҳибсга олинган вақтда совхозда қоровул, судланган, муддатини ўтамай қочган, унинг жазо муддати 1937 йил 10 сентябрдан ҳисобланган. "Миллий фирқа" қримтатар аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси бўлганликда, жазодан қочиб келиб, аксилинқилобий фаолиятини янгилаганликда айбланган.

3. **Зиё Саъди, Румий Саъдийнинг ўғли** — 1912 йили туғилган, Қрим АССР Карчин райони Мамат қишлоғидан, қулоқнинг ўғли, жазодан яшириниб юрган, ҳибсга олинган вақтда талаба, унинг жазо муддати 1937 йил 14 августдан ҳисобланган. Отасини қулоққа тортилиши билан Шимолга сургун қилинган, сургун жойидан қочганликда, сохта ҳужжат тайёрлаб, ўқишга жойлашганликда, манфаатли мақсад учун ўқув юртидан тайёр справка ва бланкаларни ўғирлаганликда айбланган.

5337-сонли иш бўйича **Аҳмаджонов Юсупжон** (1890 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, собиқ савдогар, ҳибсга олинган вақтда мехтарг магазинида сотувчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 3 сентябрдан ҳисобланган. Махфий полиция ташкилотининг агенти, дастлабки йиллари пантюркисларга ёндашиб, доимий равишда советларга қарши гап-сўз олиб борганликда, ВКП(б) ва совет ҳукумати сиёсатига бўҳтонлар ёғдирганликда айбланган.

4290-сонли иш бўйича **Рогожкин Василий Иванович** (1911 йили туғилган, Оренбург области Сорочинск шаҳридан, қулоқлардан, ҳибсга олинган вақтда Ўзбекистон ИИХК ТПУсида шофёр) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 17 июндан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида доимий колхозга қарши, аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, отилган халқ душманлари ҳақида ачиниб гапирганликда айбланган.

2494-сонли иш бўйича **Мальцев Иван Алексеевич** (1885 йили туғилган, Бошқирдистон АССР Славная Егоровка қишлоғидан, савдогар, қулоқ қилинган, 2 марта аксилинқилобий фаолияти ва чайқовчилиги учун қамалган, ҳибсга олинган вақтда магазин мудири) отувга ҳукм қилинган. Дутовнинг контрразведкасида хизмат қилган ва коммунистларни отишда фаол қатнашганликда, контрразведкага комиссар Семиполенов ва 7 нафар совет ходимларини сотиб қўйганликда айбланган.

2718-сонли иш бўйича **Гришенко Николай Владимирович** (1894 йили туғилган, Ленинград шаҳридан, Колчак армиясида штаб чиновниги бўлиб хизмат қилган, ҳибсга олинган вақтда Ўзбекэнергода прораб) отувга ҳукм қилинган. Ишчилар орасида стахановчилик

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаракатига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқлар доҳийсига қарши террористик мақсадлардаги гапларни айтганликда, қурилишни бузганликда айбланган.

4283-сонли иш бўйича **Сиддиқов Азизбойвачча** (1895 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, собиқ қулоқ, ҳаммом ижарачиси, пора берганлиги учун 3 йил озодликдан маҳрум этилган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) отувга ҳукм қилинган. Атрофидагилар орасида мағлубиятчиликка оид ва террористик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманлари ва фашизмни мақтаганликда айбланган.

4285-сонли иш бўйича **Мойся Евсавий Никитович** (1892 йили туғилган, Украина ССР Злотоножь райони Васютинов волостидан, собиқ қулоқ, судланган, ҳибсга олинган вақтда Ўрта Осиё ҳарбий округида дурадгор) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 июлдан ҳисобланган. Ишчилар орасида колхоз тузумига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРда очарчилик ҳақида иғвогарлик бўҳтонлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

4349-сонли иш бўйича **Кузьмин Иван Гаврилович** (1906 йили туғилган, Куйбишев области Сорочин райони Шестаново қишлоғидан, қулоқ қилинганнинг ўғли, судланган, ҳибсга олинган вақтда Сельмаш заводида вахтёр) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йили 24 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

4286-сонли иш бўйича **Боймирзаев Умарқори** (1870 йили туғилган, Қозоғистон ССР Келес райони Жалтепа овулидан, қулоқ қилинганнинг ўғли, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 июлдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозлаштиришга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

4645-сонли иш бўйича **Зобнин Тимофей Данилович** (1887 йили туғилган, Саратов области Каленин райони 5-Судачье қишлоғидан, қулоқ қилинган, ҳибсга олинган вақтда Тоштрамда дезинфектор) 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 13 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида троцкийча ташвиқот ўтказганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

4284-сонли иш бўйича **Королев Иван Федорович** (1901 йили туғилган, Ульянов области Майинск райони Устарелко қишлоғидан, собиқ қулоқ, ҳуқуқидан маҳрум этилган, ҳибсга олинган вақтда "Кадирья" электростанциясида кузатувчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 июлдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида троцкийча тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

*4229-сонли иш бўйича 3 нафар маҳбус 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Перлус Фердинант Иосифович** — 1890 йили туғилган, Буда-


www.ziyouz.com kutubxonasi

пешт шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда Сельмаш заводида электромонтаж ишлари мастери, унинг жазо муддати 1937 йил 7 декабрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Германиядаги фашистик тузумни мақтаганликда, Германия разведкачилари билан яқиндан алоқа боғлаганликда айбланган.

2. **Лоска Август Францевич** — 1888 йили туғилган, Баден-Баден (Германия) шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда электропромда катта инженер, унинг жазо муддати 1937 йил 15 декабрдан ҳисобланган. Аксилинқилобий фашистик кайфиятда бўлиб, Германия разведкачиси билан яқин алоқада бўлганликда, танишлар ўртасида советларга қарши гаплар тарқатганликда айбланган.

3. **Арно Вильгельм Густавович** — 1888 йили туғилган, Будапешт шаҳридан, ҳибсга олинган вақтда ёғ заводида бош инженер, унинг жазо муддати 1937 йил 15 декабрдан ҳисобланган. Атрофидагилар ўртасида фашистик, аксилинқилобий, мағлубиятчилик ташвиқоти олиб борганликда, Германия разведкачилари билан яқиндан алоқада бўлганликда айбланган.

4647-сонли иш бўйича **Исҳоқов Турди** (1881 йили туғилган, Ғулжа шаҳридан, ВКП(б)нинг собиқ аъзоси, ўчирилган, судланган, жазо муддати тугамай қочган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 14 августдан ҳисобланган. Собиқ Бухоро амирининг армиясида хизмат қилганликда, қизил армияга қарши жанг қилганликда, жосуслик билан шуғулланганликда, Уйғур миллати аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси бўлганликда айбланган.

*4527-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

**11. Қурбонов Ҳотам** — 1875 йили туғилган, Когон райони Янги Ҳаёт қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, жазо муддати 1937 йил 22 июлдан ҳисобланган. Ғалаёнчи қулоқ ташкилотининг аъзоси бўлиб, яширин йиғинларда қатнашганликда, халқ душманларини мақтаганликда, колхозчилар орасида ғалаёнчилик ва мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

*11745-сонли иш бўйича 3 нафар маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган:*

**1. Нозимов Ислом** — 1877 йили туғилган, Когон районидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, очарчилик ва ҳокимиятнинг алмашинуви ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

**2. Тўхтаев Шароб** — 1877 йили туғилган, Когон райони Қипчоқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида иғвогарлик миш-мишлари тарқатганликда, капиталистик тузумни мақтаганликда айбланган.

**3. Абу Фазиев Балат** — 1880 йили туғилган, Когон райони Қипчоқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, мавжуд тузумдан норозилигини айтганликда, очарчилик ва ҳокимият алмашинуви ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

*2235-сонли иш бўйича 3 нафар маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 11 июлдан ҳисобланган:*

**1. Бобоев Ҳамро** — 1900 йили туғилган, Қоракўл райони Парнадир қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Аҳоли орасида доимий равишда миллатчилик ва колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида иғвогарлик миш-мишлари тарқатганликда айбланган.

**2. Бозоров Остон** — 1880 йили туғилган, Қоракўл райони Чандир қишлоғидан, собиқ қулоқ, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда миллатчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида иғвогарлик миш-мишлари тарқатганликда айбланган.


www.ziyouz.com kutubxonasi

3. **Рўзиев Жўра** — 1877 йили туғилган, Қоракўл райони Чандир қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси. Колхозчилар орасида доимий равишда миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти тадбирларидан норозилигини айтганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

*5565-сонли иш бўйича 1 маҳбус отувга ва 1 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 14 октябрдан ҳисобланган:*

1. **Муродов Ражаб** — 1887 йили туғилган, Ромитан райони Ҳакимулламир қишлоғидан, қулоқ қилинган ва сургун қилинган, сургун муддати тугамай қочган, фаол босмачилиги учун 10 йил қамоққа ҳукм қилинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида доимий равишда миллатчилик руҳида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумдан норозилигини айтганликда, колхозчиларни пахта ўрнига донли экин экишини ташвиқот қилганликда, очарчилик ва ҳокимият алмашинуви ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, амирлик тузумини мақтаганликда айбланган.

2. **Аминов Мулла Машарип** — 1888 йили туғилган, Ромитан райони Ҳакимулламир қишлоғидан, руҳоний, савдогар, давлат мажбуриятини бажармагани учун судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни пахта ўрнига донли экинлар экишини ташвиқот қилганликда айбланган.

*5568-сонли иш бўйича 2 нафар маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган:*

1. **Раҳимов Умар** — 1888 йили туғилган, Қашқадарё округи Имом-Ёқуб қишлоғидан, руҳоний, имом, "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилотининг собиқ аъзоси, ҳибсга олинган вақтда хизматчи. Аҳоли орасида доимий равишда аксилинқилобий миллатчилик тарғиботи олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, СССР конституцияси устидан кулганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

2. **Хонтўраев Қори Исо** — 1884 йили туғилган, Бауман райони Сабзикар қишлоғидан, руҳоний, имом, "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилотининг собиқ аъзоси, ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи. Аҳоли орасида миллатчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, ишонувчи мусулмонларни бирлашишга ва совет ҳокимияти билан курашишга чақирганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

5526-сонли иш бўйича **Хўжаев Шамси** (1904 йили туғилган, Курдж қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, муддати тугамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 20 август-


www.ziyouz.com kutubxonasi

дан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2341-сонли иш бўйича **Зокиров Мирза Муродбой** (1880 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, қулоққа тортилган, руҳоний, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида миллатчилик аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти билан курашиш учун бирлашиб ҳаракат қилишга чақирганликда айбланган.

2334-сонли иш бўйича **Акбаров Абдукарим** (1907 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, ёвуз одамнинг ўғли "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилотнинг собиқ аъзоси, судланган, ҳибсга олинган вақтда хизматчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида миллатчилик руҳидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумдан норозилигини айтганликда, очарчилик ва ҳокимият алмашинуви ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5560-сонли иш бўйича **Муродов Қилич** (1897 йили туғилган, Когон районидан, собиқ қулоқ, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумдан норозилик билдирганликда, очарчилик ва ҳокимият алмашинуви ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2338-сонли иш бўйича **(Рагитов) Ҳусейнов Ҳасанжон Мулла** (1898 йили туғилган, Уральск области Уральск райони Барди қишлоғидан, руҳоний, 1926 йилдан бошлаб бандитчилик билан шуғулланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, миллатчилик, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, мусулмонларни бирлашиб дин учун курашишга чақирганликда айбланган.

11743-сонли иш бўйича **Тўхтаев Қурбон** (1902 йили туғилган, Когон райони Чорхон қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда "Шохрудстрой"да аравакаш) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, колхозларга қарши мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, уруш ва ҳокимиятнинг алмашинуви ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5598-сонли иш бўйича **Умидов Имат** (1912 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, қулоққа тортилган, судланган, муддатни ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда пахта заводида ишчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 25 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда,



www.ziyouz.com kutubxonasi

СССРдаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2411-сонли иш бўйича **Қораев Нажим** (1887 йили туғилган, Қоракўл райони Қоракўл қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда табиблик билан шуғулланган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда миллатчилик руҳидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни пахта йиғим-теримига чиқмасликка чақирганликда, уруш ва ҳокимият алмашинуви ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2440-сонли иш бўйича **Пўлатов Пармон** (1900 йили туғилган, Кармана райони Калават қишлоғидан, қулоққа тортилган, 1931 йили сургун қилинган, сургун жойидан қочиб келган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм қилинган. Колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, коммунистлар шаънига террористик мақсаддаги гап-сўзлар тарқатганликда, инқилобга қарши бўлган руҳонийлар ҳақида маълумот берган кишиларни аниқлаш ва ўлдиришга чақирганликда айбланган.

11741-сонли иш бўйича **Тўхтаев Ил** (1876 йили туғилган, Когон райони Суган қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, пахта ўрнига озиқовқат экинлари экишга чақирганликда айбланган.

11747-сонли иш бўйича **Абдиев-Назаров Давлат** (1899 йили туғилган, Нурота райони Нурота қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик ва ҳокимият алмашинуви ҳақида иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5546-сонли иш бўйича **Шукуров Тош** (1878 йили туғилган, Когон райони Ожекти қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 21 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумдан норозилигини айтганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

5570-сонли иш бўйича **Нормуродов Шоди** (1879 йили туғилган, Бауман райони Харкаш қишлоғидан, қулоққа тортилган, жазодан яширинган, ҳибсга олинган вақтда хизматчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида доимий равишда совет ҳокимияти тадбирларини камситишга қаратилган аксилинқило-



www.ziyouz.com kutubxonasi

бий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

5566-сонли иш бўйича **Мўминов Юсуф** (1887 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, руҳоний, "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилотнинг собиқ аъзоси, ҳибсга олинган вақтда хизматчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 29 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида доимий равишда миллатчилик руҳидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумдан норозилигини айтганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

5589-сонли иш бўйича **Мирраҳимов Ашраф,** унинг ўзи **Ибрагимов** (1893 йили туғилган, Самарқанд шаҳридан, собиқ қулоқ, имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 15 октябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида доимий равишда мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

2449-сонли иш бўйича **Саидов Мулла Ибрагим** (1893 йили туғилган, Бауман райони Қўрғон қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда хизматчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида доимий равишда совет ҳокимиятига қарши тарғибот олиб борганликда айбланган.

2393-сонли иш бўйича **Холназаров Зайдулла** (1887 йили туғилган, Қоракўл райони Хазхурда қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик ва колхозга қарши тарғибот олиб борганликда, СССРда уруш бўлиши ва очарчилик ҳақида иғволи миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2395-сонли иш бўйича **Авазов Қурбон** (1892 йили туғилган, Қоракўл райони Мухтор қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, муддатни ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумдан норозилигини айтганликда айбланган.

2265-сонли иш бўйича **Тоғаев Раҳмон** (1874 йили туғилган, Нурота райони Ёмон Туркман қишлоғидан, қулоққа тортилган, жазодан яширинган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 8 августдан ҳисобланган. Совет ҳокимиятига қарши доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, ҳокимият тепасига Бухоро амири келиши тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, колхозлардан чиқиш тарғиботини олиб борганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

2432-сонли иш бўйича **Йўлдош Живачи** (1885 йили туғилган, Нурота райони Зулунсарой қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачилар бандасининг бошлиғи, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик, колхозларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, ҳокимият алмашинуви ҳақида иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5569-сонли иш бўйича **Абдураҳмонов Шарипжон** (1884 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилотнинг собиқ аъзоси, ҳибсга олинган вақтда хизматчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 27 августдан ҳисобланган. Аҳоли орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилотнинг бошқа аъзолари билан яқиндан алоқада бўлиб, бошқаларни қамалишига эришганликда айбланган.

2377-сонли иш бўйича **Ҳотамов Маҳмуджон** (1903 йили туғилган, Қорадарё райони Шахмирхон қишлоғидан, қулоққа тортилган, сургун қилинган, сургун муддатини ўтамай қочган, ҳибсга олинган вақтда сув хўжалигининг ўлчовчиси, десятниги) отувга ҳукм этилган. Ишчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумдан норозилигини айтганликда, совет ҳокимияти билан курашишга чақирганликда, халқ душманлари ва амирлик тузумини мақтаганликда, уруш бўлиши ва ҳокимият ўзгариши ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

*2239-сонли иш бўйича 3 нафар маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 7 сентябрдан ҳисобланган:*

1. **Хухунашвили Иван Николаевич** — 1891 йили туғилган, Грузия ССР Деватхут райони Акути қишлоғидан, грузин меньшевикларидан бўлган, меньшевиклар армиясида хизмат қилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда хизматчи. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, меньшевистик партиясини ягона демократик партия деб мақтаганликда, совет ҳокимияти тадбирларидан норозилигини айтганликда айбланган.

2. **Схиладзе Давид Молокеевич** — 1894 йили туғилган, Грузия ССР Хашгури шаҳридан, грузин меньшевикларидан бўлган, судланган, ҳибсга олинган вақтда хизматчи. Аҳоли орасида коммунистик партияни камситишга қаратилган аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумдан норозилигини айтганликда айбланган.

3. **Саганелидзе Роман Спиридонович** — 1898 йили туғилган, Грузия ССР Амралаур райони Квацхут қишлоғидан, судланган, ҳибсга олинган вақтда хизматчи. Аҳоли орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, уруш ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5529-сонли иш бўйича **Атауллаев Мавлон** (1904 йили туғилган, Когон райони Қўнғир қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган,



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик ва ҳокимият алмашинуви ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5561-сонли иш бўйича **Ашуров Абдулла** (1911 йили туғилган, Когон райони Сиязанаян қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик ва ҳокимият алмашинуви ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2223-сонли иш бўйича **Нигматуллаев Иззатулла** (1888 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, руҳоний, имом, "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилотнинг собиқ аъзоси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

*2298-сонли иш бўйича 2 маҳбус 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган:*

1. **Ботиров Сулаймон** — (1875 йили туғилган, Ромитан райони Хаса қишлоғидан, қулоққа тортилган, жазодан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Доимий равишда мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, ҳокимият ўзгариши ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, капиталистик тузумни мақтаганликда айбланган.

2. **Хошимов Раҳмон** — 1912 йили туғилган, Ғиждувон райони Бештов қишлоғидан, қулоққа тортилган, жазодан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси, жазо муддати 1937 йил 7 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, партия ва ҳукумат раҳбарларини камситганликда, очарчилик ҳақида миш-миш тарқатганликда айбланган.

2370-сонли иш бўйича **Рўзиев Ҳикмат** (1909 йили туғилган, Кармана райони Айрончи қишлоғидан, қулоққа тортилган, жазодан яширинган, ҳибсга олинган вақтда сув участкаси ишчиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мағлубиятчилик, колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

2399-сонли иш бўйича **Жуманазаров Эркул** (1883 йили туғилган, Конимех райони Қоражон қишлоғидан, қулоққа тортилган, жазодан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5577-сонли иш бўйича **Суйлиқов Барат** (1887 йили туғилган, Қоракўл райони Кунза қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 10 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумдан норозилигини айтганликда айбланган.

5555-сонли иш бўйича **Бозорбоев Мулла Эшмат** (1897 йили туғилган, Қорақалпоғистон АССР Чибутка овулидан, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 27 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган.

5502-сонли иш бўйича **Боймуродов Гадой** (1900 йили туғилган, Когон райони Гульвод қишлоғидан, қулоққа тортилган, судланган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, Сталин конституцияси ҳақида, бу колхоз учун аҳамиятсиз оддий қоғоз деб айтганликда айбланган.

5546-сонли иш бўйича **Норов Ҳайит** (1892 йили туғилган, Бухоро райони Мирзасув қишлоғидан, қулоққа тортилган, фаол босмачи бўлган, жазодан яшириниб юрган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 1 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозда меҳнат интизомини бузганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида иғвогарона миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

*5513-сонли иш бўйича 3 нафар маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 24 августдан ҳисобланган:*

1. **Сафаров Нур** — 1872 йили туғилган, Тожикистон ССР, Ҳайит райони Апчак қишлоғидан, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Доимий равишда колхозларга қарши миллатчилик руҳидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумдан норозилигини билдирганликда айбланган.

2. **Сафаров Содиқ** — 1877 йили туғилган, Тожикистон ССР Кулоб райони Наваган қишлоғидан, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. Аҳоли орасида миллатчилик руҳидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мавжуд тузумдан норозилигини айтганликда айбланган.

3. **Шокиров Сайфутдин** — 1889 йили туғилган, Тожикистон ССР Жиргатель райони Пилан қишлоғидан, руҳоний, имом, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган, жазо муддати 1937 йил 26 сентябрдан ҳисобланган. Аҳоли орасида миллатчилик руҳидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, мавжуд ту-



www.ziyouz.com kutubxonasi

зумдан норозилигини айтганликда, очарчилик ва ҳокимият алмашинуви ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

*11746-сонли иш бўйича 3 нафар маҳбус 10 йилдан меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган:*

1. **Аҳмедов Ҳайдар** — 1905 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилотнинг собиқ аъзоси, ҳибсга олинган вақтда хизматчи, унинг жазо муддати 1937 йил 15 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида миллатчилик руҳидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

2. **Нуруллаев Шарап** — 1907 йили туғилган, Когон райони Аранхон қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олинган вақтда колхоз раиси, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида миллатчилик ва колхозларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти тадбирларидан норозилигини айтганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

3. **Жўраев Аҳмаджон** — 1908 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, қулоққа тортилган, қатағондан яшириниб юрган, ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи, жазо муддати 1937 йил 25 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, колхозлардаги очарчилик ҳақида иғвогарлик миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманлари ва капиталистик тузумни мақтаганликда айбланган.

2403-сонли иш бўйича **Саитов Мулла Нигматулла** (1885 йили туғилган, Конимех райони Аранхон қишлоғидан, қулоққа тортилган, руҳоний, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 аувгустдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида мавжуд тузумга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

2429-сонли иш бўйича **Аминов Ҳайдарқул** (1887 йили туғилган, Конимех райони Аранхон қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимияти тадбирларини камситганликда айбланган.

5528-сонли иш бўйича **Ражабов Қўшмурод** (1906 йили туғилган, Ғиждувон райони Тахтахон қишлоғидан, қулоққа тортилган, қатағондан яширинган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 20 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, очарчилик ва ҳокимият алмашинуви ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

5564-сонли иш бўйича **Жалолов Нарзи** (1900 йили туғилган,


www.ziyouz.com kutubxonasi

Ромитон райони Ромиш қишлоғидан, собиқ руҳоний, имом, босмачи бўлган, ҳибсга олинган вақтда чойхоначи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 10 октябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда, халқ душманларини мақтаганликда айбланган.

2396-сонли иш бўйича **Андаев Кўчқор** (1870 йили туғилган, Қоракўл райони Жият қишлоғидан, қулоққа тортилган, босмачи бўлган, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 18 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, СССРдаги очарчилик ҳақида миш-мишлар тарқатганликда айбланган.

2321-сонли иш бўйича **Маҳмудхўжаев Бўрихўжа** (1880 йили туғилган, Бухоро шаҳридан, савдогар, "Миллий иттиҳод" миллатчи аксилинқилобий ташкилотининг собиқ аъзоси, ҳибсга олинган вақтда хизматчи) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, жазо муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган. Атрофидагилар орасида доимий равишда миллатчилик руҳидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душманларини мақтаганликда, "Миллий иттиҳод" аксилинқилобий ташкилотининг таниқли арбоблари билан алоқадорликда айбланган.

*398-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Алиохун Давлатохунов** — 1915 йили туғилган, Қашғар (Ғарбий Хитой) шаҳридан, жосуслик ва контрабандалик билан шуғуллангани учун судланган, ҳукм 10 йил қамоқ жазосига алмаштирилган, ҳибсга олинган вақтда лагерда жазони ўташ учун жўнаб кетган. Маҳбуслар орасида троцкийчи аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, ишдан бош товлашга чақирганликда, лагерлардан қочишга тайёрлаганликда, партия ва ҳукумат тадбирлари шаънига ҳақоратли сўзларни айтганликда айбланган.

2. **Солиҳов Мамед** — 1904 йили туғилган, Қашғар шаҳридан, косиб, жосуслиги учун 10 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда лагерга жазони ўташ учун жўнаб кетган. Маҳбуслар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ душмани Троцкийни мақтаганликда, Сталин конституциясига қарши фикр билдирганликда, маҳбусларни ишдан бош тортишга ундаганликда айбланган.

373-сонли иш бўйича **Очилов Маҳмуд** (1905 йили туғилган, Оқдарё райони Қўрғонтепа қишлоғидан, собиқ қулоқ, бандитчилик билан шуғуллангани учун 10 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда лагерга жазони ўташ учун жўнаб кетган) отувга ҳукм қилинган. Лагерга жазони ўташ учун борибоқ маҳбусларни уюштириб, улар билан бирга қочганликда, қочиб келгандан сўнг колхозчиларнинг мол-мулкини талаганликда айбланган, бироқ охиргисида қўлга тушиб лагерга жўнатилган.

442-сонли иш бўйича **Омонов Мулла Очил** (1903 йили туғилган, Қорақалпоғистон АССР Шарихон районидан, собиқ қулоқ, имом, пахта режасини бажармаганлиги учун 2 йилга ҳукм қилинган, жазони ўтамай қочган, 1933 йили аксилинқилобий фаолияти

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун иккинчи марта 5 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда лагерга жазони ўташ учун жўнаб кетган) отувга ҳукм қилинган. Лагерларда доимий равишда ишдан бош товлаганликда, икки марта бошқа маҳбуслар билан қочишга уринганликда айбланган.

*439-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Айвазьян Артавас**, унинг ўзи **Аганесов Вачакар, Мерсесов Вачаган**, 1911 йили туғилган, Игдир шаҳридан, 4 марта қотиллик, безорилик ва ўғирлик қилгани учун судланган, ҳибсга олинган вақтда лагерга жазони ўташ учун жўнаб кетган. Лагерда бўлганида маҳбуслардан бандитлар гуруҳи тузганликда, бу гуруҳларга лагердагиларни террорчиликка ўргатишда бошчилик қилганликда, комендатура ходимларини урганликда, дўконни ўғирлашга уринганликда айбланган.

2. **Григорьян Григорий Артемович**, унинг ўзи **Агабельян Арутьюн Леонович**, 1903 йили туғилган, Батуми шаҳридан, жиноятга моил шахс, 3 марта жиноий бандитчилиги учун судланган, ҳибсга олинган вақтда лагерга жазони ўташ учун жўнаб кетган. Бандитлар гуруҳи қатнашчиси бўлиб, комендатура ходимларини урганликда, маҳбусни ўлдириш буйруғини амалга оширганликда айбланган.

438-сонли иш бўйича **Тўрақулов Холиқ** (1903 йили туғилган, Самарқанд шаҳридан, аниқ машғулоти бўлмаган, жиноятчи, 2 йилдан буён ўғирлик билан шуғулланган, олий суднинг махсус коллегияси томонидан судланган, ҳибсга олинган вақтда лагерга жазони ўташ учун жўнаб кетган) отувга ҳукм этилган. Лагерлардан бандитлар гуруҳи билан қочишни бир неча марта амалга оширганликда айбланган.

431-сонли иш бўйича **Жумаев Холмурод** (1887 йили туғилган, Шеробод райони Ҳожиқия қишлоғидан, аксилинқилобий фаолияти учун 5 йилга судланган, ҳибсга олинган вақтда лагерга жазони ўташ учун жўнаб кетган) отувга ҳукм этилган. Лагерларда бўлганда лагер интизомини бузганликда, пахта териш нормасини бажармаганликда, лагерлардан бир неча марта қочишни амалга оширганликда айбланган.

403-сонли иш бўйича **Саидмуродов Ҳасан** (1893 йили туғилган, ОГПУ Коллегияси томонидан жосуслиги учун 10 йил муддатга судланган, ҳибсга олинган вақтда лагерда жазони ўташ учун жўнаб кетган) отувга ҳукм этилган. Лагердан бир неча марта қочишни амалга оширганликда, Афғонистонга қочишга уринганликда айбланган.

405-сонли иш бўйича **Жиянов Омонбой** (1907 йили туғилган, Масинг райони Чумбоқчи қишлоғидан, аниқ машғулоти бўлмаган, 2 марта судланган, 10 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда жазони ўташ учун лагерга жўнаб кетган) отувга ҳукм этилган. Жазони ўташни хоҳламай, лагердан соқчи бўлишига қарамай қочишни амалга оширганликда айбланган.

*44-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Акименко Григорий Павлович** (унинг ўзи **Лисаков Василий Васильевич**) 1915 йили туғилган, Харьков шаҳридан, аниқ машғулоти бўлмаган, 2 марта ўғирлик ва бандитизм билан шуғул-


www.ziyouz.com kutubxonasi

лангани учун 10 йилга судланган, ҳибсга олинган вақтда лагерга жазони ўташ учун жўнаб кетган. Самарқанд қамоқхонасидан жазони ўташ вақтида камерада бандитизм билан шуғулланганликда, маҳбусларнинг нарсаларини ўғирлаб қочишга уринганликда айбланган.

2. **Осадчий Иосиф Семенович** (унинг ўзи **Поляков Константин Иванович**) 1916 йили туғилган, Киев области Прушенко қишлоғидан, аниқ машғулоти бўлмаган, СВЭ ва бандитизм билан шуғуллангани учун 7 йилга судланган, ҳибсга олинган вақтда Самарқанд қамоқхонасига жазони ўташ учун кетган. Камерада бандитизм билан шуғулланганликда, маҳбусларнинг нарсаларини ўғирлаганликда, қамоқхонадан қочишга уринганликда айбланган.

*42-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Ибрагимов Маҳмуд Юсупович** — 1915 йили туғилган, Туркманистон ССР Чоржўй шаҳридан, аниқ машғулоти бўлмаган, 2 марта бандитизм билан шуғуллангани учун 10 йилга қамалган, ҳибсга олинган вақтда Самарқанд қамоқхонасига жазони ўташ учун жўнаб кетган. Қамоқхона камераларида босқинчилик билан шуғулланганликда, маҳбусларни ўлдириш билан қўрқитиб, нарсаларини тортиб олганликда айбланган.

2. **Яковлев Леонид Андреевич** — 1917 йили туғилган, Одесса шаҳридан, аниқ машғулоти бўлмаган, босқинчилик билан шуғулланганлиги учун 7 йилга судланган, ҳибсга олинган вақтда Самарқанд қамоқхонасига жазони ўташ учун жўнаб кетган. Қамоқхона камераларида босқинчилик билан шуғулланганликда, пичоқ билан қўрқитиб, маҳбусларнинг нарсаларини тортиб олганликда айбланган.

24-сонли иш бўйича **Худоёров Абдуғани** (1907 йили туғилган, Каттақўрғон райони Омондар қишлоғидан, аниқ машғулоти бўлмаган, жиноятчи рецидивист, 2 марта судланган, 10 йил озодликдан маҳрум этилган, ҳибсга олинган вақтда Каттақўрғон қамоқхонасида жазони ўтаётган эди) отувга ҳукм қилинган. Қамоқхонада советларга қарши тарғибот ва босқинчилик билан шуғулланганликда, маҳбусларда халқлар доҳийси ва Мудофаа халқ комиссарлигига қарши норозиликни кучайтирганликда, уларга қарши террористик мақсадлардаги гапларни айтганликда айбланган.

*252-сонли иш бўйича 3 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Антонов Арсентий Дмитриевич** — 1913 йили туғилган, Ленинград области Дукск райони Сутила қишлоғидан, аниқ машғулоти бўлмаган, босқинчилик билан шуғуллангани учун 3 марта судланган, 10 йил озодликдан маҳрум этилган, ҳибсга олинган вақтда Каттақўрғон қамоқхонасида жазони ўтаётган эди. Доимий равишда камера бандитизми билан шуғулланганликда, маҳбусларни урган ва нарсаларини тортиб олганликда, қоровулларни доимий ҳақорат қилганликда айбланган.

2. **Болдирев Анисим Иванович** — 1913 йили туғилган, Грязнинск райони Таваласанка қишлоғидан, аниқ машғулоти бўлмаган, 78-қисм билан судланган, 10 йил озодликдан маҳрум этилган, ҳибсга олинган вақтда лагерларда жазони ўтаган. Доимий равишда


www.ziyouz.com kutubxonasi

камераларда босқинчилик билан шуғулланганликда, маҳбусларни урган ва нарсаларини тортиб олганликда, қоровулларни доимий ҳақорат қилганликда айбланган.

3. **Журавлев Яков Иванович** — 1913 йили туғилган, Черкаск область, Урклиевск райони Васютинка қишлоғидан, аниқ машғулоти бўлмаган, босқинчилик билан шуғуллангани учун 3 марта судланган, 10 йил қамоққа ҳукм этилган, ҳибсга олинган вақтда Каттақўрғон қамоқхонасида жазони ўтаган. Камераларда босқинчилик билан доимий шуғулланганликда, маҳбусларни урган ва нарсаларини тортиб олганликда айбланган.

*43-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм қилинган:*

1. **Гербер Ефим Михайлович** — 1914 йили туғилган, Боку шаҳридан, аниқ машғулоти бўлмаган, бир неча марта судланган, 10 йил озодликдан маҳрум этилган, ҳибсга олинган вақтда Самарқанд қамоқхонасида жазони ўтаган. Доимий равишда босқинчилик билан шуғулланганликда, маҳбусларни урган ва нарсаларини тортиб олганликда, халқлар доҳийси ҳақида ҳақоратли сўзларни айтганликда айбланган.

2. **Халилулин Фарис** — 1916 йили туғилган, Куйбишев области Абдулино станциясидан, аниқ машғулоти бўлмаган, ижтимоий хавфли унсур сифатида судланган ва Ўзбекистонда олий жазога ҳукм қилинган, ҳукм 10 йил қамоқ жазосига алмаширилган, ҳибсга олинган вақтда Самарқанд қамохонасида жазони ўтаган. Доимий равишда босқинчилик билан шуғулланганликда, маҳбусларни урган ва нарсаларини тортиб олганликда айбланган.

*17-сонли иш бўйича 2 маҳбус отувга ҳукм этилган:*

1. **Николаев Анатолий Александрович** — 1912 йили туғилган, Крим АССР Евнаторий районидан, аниқ машғулоти бўлмаган, 6 марта босқинчилиги ва безориликги учун судланган, жазони Қрим бош судининг ҳукми билан 10 йил озодликдан маҳрум этилган, ҳибсга олинган вақтда Каттақўрғон қамоқхонасида жазони ўтаган. Доимий равишда босқинчилиги, маҳбусларни урганликда ва нарсаларини тортиб олганликда айбланган.

2. **Маруев,** унинг ўзи рус **Александр Николаевич** — 1917 йили туғилган, Ленинград шаҳридан, аниқ машғулоти бўлмаган, 2 марта судланган, Каттақўрғон қамоқхонасида (Ленинград судининг ҳукми асосида босқинчилик билан шуғуллангани учун 8 йилга қамоқ жазоси берилган) жазо муддатини ўтаган. Доимий равишда камераларда босқинчилиги, маҳбусларни урганликда ва нарсаларини тортиб олганликда айбланган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## Хулоса ўрнида

Шундай қилиб 1937—1938 йиллар даври “катта террор” даврининг кульминацион нуқтасидир. Биз бу “катта террор” кимлар томонидан “ижод қилингани” ва бу мудҳиш фожеанинг илдизлари чуқур эканлигининг ва уни аниқлаш йўлида турли қарашлар, талқинлар борлигининг ҳам шоҳиди бўлдик.

Юқоридаги фикрлардан шу нарса аён бўладики, сиёсий қатағон ва унинг бир қисми “катта террор”нинг юзага келишида муайян объектив сабаблар ҳам бўлган. Партия ва совет ҳокимиятига, айниқса уларнинг раҳбариятига қарши қаратилган мухолифат кучлар кураш олиб бориб, сиёсий ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун бор имкониятларини ишга солиб, барча воситаларни қўллаб, тиш-тирноқлари билан жанг олиб бордилар. Бундан ташқари, мамлакатнинг турли минтақаларидаги, ҳатто пойтахт Москва ва бошқа йирик шаҳарларда узоқ вақтдан бери раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келаётган партия фукционерлари мавқеларини, раҳбарлик лавозимларини қўлда сақлаб қолиш мақсадида “аксилинқилобчилар”, “советларга қарши кучлар”, “собиқ қулоқлар”, “жиноятчилар”, советларга сайлов ўтказиш жараёнига қаршилик кўрсатаётганликларини рўкач қилиб, рақибларига нисбатан кескин репрессив чоралар кўришни Марказдан, Сиёсий бюродан, Сталиндан сўраб мурожаат қилдилар. Аслида улар 1936 йилги СССР Конституциясида белгилаб берилган янги сайлов тизимига қарши ўт очган эдилар. Чунки янги сайлов тизимида реал ҳокимиятни партиядан халқ қўлига олиб бериш, кенг халқ демократиясини жорий қилиш, давлатчиликни мустаҳкамлаш вазифалари илгари сурилган эди. Янги сайлов тизими асосида сайлов ўтказиш туфайли ана шу маҳаллий партия раҳбарлари реал амал-вазифаларидан маҳрум бўлишлари кутиларди. Шу боис партия функционерлари барча “советларга қарши кучлар” – собиқ қулоқлар ва жиноятчиларни қамоққа олиш, отувга ҳукм этиш таклифлари билан Марказга мурожаат қилдилар. Хуллас, 1937—1938 йиллардаги “катта террор”нинг юзага келишида маҳаллий партия функционерларининг ўрни ва роли ҳам оз бўлмаган.

Собиқ Иттифоқнинг бир қисми бўлган Ўзбекистонда ҳам ана шу маҳаллий партия функционерлари янги сайлов тизимидан қўрқиб, ҳадиксираб, хавфсираб Марказга йўллаган хатларида, ахборотларида, расмий йиғилишлардаги чиқишларида республиканинг шаҳар ва қишлоқларида, саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда, ўқув муассасаларида, халқ хўжалиги тармоқларида антисовет кучлар, буржуа миллатчилари, руҳоният вакиллари, собиқ қулоқлар, жиноятчиларни зудлик билан қамоққа олиш, энг учига чиққанларини отиб юбориш таклифларини баён қилдилар. Оқибатда маҳаллий ташаббус инобатга олинди, ҳатто Ўзбекистон раҳбарияти Марказдан қатағон қилинадиганлар сонини ошириб бериш тўғрисида қўшимча лимит беришни илтимос ҳам қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Барча жойларда бўлганидек, СССР Ички ишлар халқ комиссари Ежовнинг 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли мутлақо махфий тамға остидаги *"Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементлари"*ни қатағон қилиш бўйича операция ўтказиш тўғрисидаги оператив буйруғи Ўзбекистонда ҳам тезкорлик билан бажарилди. Бу улкан "вазифани" бажаришда республика, округ, район партия ташкилотлари, советларнинг ижроия комитетлари, Ички ишлар халқ комиссарлиги ва унинг жойлардаги сектор ва бўлимлари ходимлари жонбозлик кўрсатдилар. Бу операцияни ўтказишда кўплаб ноқонуний тадбирлар амалга оширилди, инсон ҳақ-ҳуқуқлари мислсиз топталди, бегуноҳ юртдошларимизга тўқима, сохта айблар қўйилди, хилма-хил чақувлар, туҳматлар ишга солинди, тергов чоғида маҳбуслар беҳад қийновга, ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобга солинди. "Учлик"нинг ҳукми билан минглаб одамларимиз отувга ҳукм этилди, ҳукмлар жойларда тезкорлик билан ижро этилди, ҳар бир округда қатлгоҳлар, номаълум қабристонлар пайдо бўлди. 8—10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган қатағон қурбонлари узоқ-узоқ юртларга — Шимолга, Узоқ Шарққа, Сибирга, Уралга, Шимолий Қозоғистонга сургун қилиндилар. Уларнинг катта қисми ўша бегона юртларда қамоқ азобларига бардош бераолмай ҳалок бўлдилар, жуда ҳам оз қисми кейинчалик озод бўлиб юртга қайтдилар.

"Катта террор" қурбонлари СССРдаги қайта қуриш даврида ва Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг реабилитация қилиндилар. Мазкур тўпламга киритилган барча сиёсий қатағон қурбонлари реабилитация қилинган, оқланган. Бу азалий ва ҳасратли китобда ана шу қатағон қурбонларидан атиги 3083 нафар ватандошимизнинг номлари, исм-шарифлари, туғилган йиллари, жойлари, касблари, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳалардаги фаолияти ҳақида қисқача маълумотлар келтирилди.

Бу иш яна давом этмоқда. Навбатдаги китоб ва тўпламларда қатағон тиғидан, қамоқ азобидан ҳалок бўлган, отилиб кетган ўзбекистонлик қатағон қурбонлари ҳақидаги янгидан-янги маълумотлар Сиз муҳтарам китобхонларга етказилади, деган умиддамиз.


www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУНДАРИЖА

*Кириш* . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 3

Биринчи боб. Қатағон даҳшатлари . . . . . . . . . . . . . . . . . . 9
Иккинчи боб. "Учлик"нинг мудҳиш ҳукмлари . . . . . . . . . . 27

1-баённома. 1937 йил 10 август . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 27
4-баённома. 1937 йил 20 август . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 37
1937 йил 29 август . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 40
8-баённома. 1937 йил 8 сентябр . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 43
9-баённома. 1937 йил 12 сентябр . . . . . . . . . . . . . . . . . . 64
10-баённома. 1937 йил 13 сентябр . . . . . . . . . . . . . . . . . 82
11-баённома. 1937 йил 15 сентябр . . . . . . . . . . . . . . . . . 91
12-баённома. 1937 йил 19 сентябр . . . . . . . . . . . . . . . . . 100
14-баённома. 1937 йил 24 сентябр . . . . . . . . . . . . . . . . . 117
16-баённома. 1937 йил 26 сентябр . . . . . . . . . . . . . . . . . 139
18-баённома. 1937 йил 29 сентябр . . . . . . . . . . . . . . . . . 149
20-баённома. 1937 йил 1 октябр . . . . . . . . . . . . . . . . . . 163
24-баённома. 1937 йил 14 октябр . . . . . . . . . . . . . . . . . . 181
25-баённома. 1937 йил 19 октябр . . . . . . . . . . . . . . . . . . 207
26-баённома. 1937 йил 25 октябр . . . . . . . . . . . . . . . . . . 243
27-баённома. 1937 йил 28 октябр . . . . . . . . . . . . . . . . . . 262
28-баённома. 1937 йил 28 октябр . . . . . . . . . . . . . . . . . . 298
29-баённома. 1937 йил 28 октябр . . . . . . . . . . . . . . . . . . 339
30-баённома. 1937 йил 3 ноябр . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 363
31-баённома. 1937 йил 3 ноябр . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 394
32-баённома. 1937 йил 5 ноябр . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 440

*Хулоса ўрнида* . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 493



www.ziyouz.com kutubxonasi

РУСТАМ ШАМСУТДИНОВ

# ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

*(1937 йил 10 август — 5 ноябр)*

Иккинчи китоб

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2007

Муҳаррир *И. Шоймардонов*
Бадиий муҳаррир *М. Самойлов*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Саҳифаловчи *М. Атхамова*

Босишга рухсат этилди 26.11.2007. Бичими 60x90[1]/[16]. «TimesUZ» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 28,8. Нашриёт-ҳисоб табоғи 31,6. Адади 1000. Буюртма № 4102. Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, 100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**

www.ziyouz.com kutubxonasi